

В. И. Ленин туғилган кунга 110 йил тўлди



П. Васильев ишлаган расмдан фоторепродунция.



# Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар  
союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,  
ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ЖУРНАЛ



48-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САҢЪАТ  
НАШРИЁТИ

1980 4

# Мундарижа

## В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУНГА 110 ЙИЛ ТЎЛДИ

Уйғун. Ленин ҳайкали ёнида. Шеър . . . . .	5
М. Ҳиравий. Шуъла сочди гўё бир офтоб. Шеър . . . . .	6
В. Канивец. Ульяновлар. Романдан боблар . . . . .	7
М. Аббосова. Ленинноманинг илк саҳифалари . . . . .	30
Г. Жўраева. Зухро юдузи. Достон . . . . .	33
М. Мансуров. Устюрт воқеаси. Қисса . . . . .	42
Х. Бобомуротова. Юлдузли кеча. Шеърлар . . . . .	99
Тўлқин. Сенга атаганларим. Шеърлар . . . . .	102
Э. Амит. Кийик булоқ. Қисса . . . . .	106
Б. Бойқобилев. Шуқуҳли қарвон. Шеърлий роман. Давоми . . . . .	145

## МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

А. Қаюмов. Устоз Беруний . . . . .	177
------------------------------------	-----

## ОЙБЕК ТУҒИЛГАН КУНГА 75 ЙИЛ ТЎЛДИ

Н. С. Тихонов. Адабиётимизнинг кўрки . . . . .	198
Л. Бать. Тошкентлик дўстим ҳақида . . . . .	202
П. Шермухамедов. Унутилмас дақиқалар . . . . .	206
Н. Куликов. Зафар. Шеърлар . . . . .	207
Я. Оқилев. Ленин қуёши. Шеърлар . . . . .	209

## ПУБЛИЦИСТИКА

З. Аъламов. Бинкент ҳақида ўйлар . . . . .	211
--	-----

## ОЧЕРКЛАР

Сайёр. Трактор қўшиғи . . . . .	215
---------------------------------	-----

## ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

«Адабиёт назарияси» китобининг муҳокамаси . . . . .	219
Н. Худойбергганов. Бир тану бир жон . . . . .	220
Ҳ. Ҳомидий. Шоира маҳзуна . . . . .	230

## ТАҚРИЗЛАР

Б. Имомов. Серқирра ижод сарҳисоби . . . . .	234
Н. Комилов, Т. Жўра. «Лоларанг эртақ» . . . . .	239



Уйғун

## Ленин Һайкали ёнида

Кўкка қад кўтарган муҳташам Һайкал,  
Бутун диққатимни тортар ўзига.  
Бу эзгу Һайкалга боққанда одам,  
Ишонч ва бахт нури тўлар кўзига.

Бу Һайкал Лениннинг азиз Һайкали,  
Бу Һайкал биз учун буюк ифтихор.  
Келажак наслга, минглаб асрга,  
Шонли давримиздан ўлмас бир ёдгор.

Юзида улуғвор, қатъий ифода,  
Илгари қарата кўтарган қўлин.  
Гўёки кўрсатиб тургандай дадил,  
Озод кишиликнинг мунаввар йўлин.

Бу ўша машхур қўл, миллионларни  
Октябрь кунлари кўтарган жангга.  
Бу қўл биринчи бор коммунизмнинг  
Гулларин ўтқазган эркин Ватанга.

Ленин шу қўл билан кўтарган баланд  
Озодлик байроғин шарафли тонгда.  
Шу қўлни кўтариб сўзлаганда у,  
Довуллар қўзғатган юракда, онгда.

Ленин имзо чеккан шу қўли билан  
Машхур Декретларга халқ бахти учун.  
Шу қўл билан ёзган шоҳ асарларни  
Кишилик ақлининг кўрсатиб кучин.

Бу қўл Октябрнинг букилмас қўли,  
Бу қўлда бахтимиз вояга етган.  
Бу қўлда туганмас қудрат, ирода,  
Бу қўл эркимизни ҳимоя этган.

Бу кун яна ўша Һайкалда кўзим,  
Улуғ Ленин турар кўтариб қўлин.  
Гўёки кўрсатиб тургандай ҳамон,  
Озод халқимизнинг мунаввар йўлин.



Моил Ҳиравий  
(Афгон шоири)

## Шуъла сочди гӯё бир офтоб

Лениндан нур олиб буюк инқилоб  
Инсон ҳаётида очди янги боб.  
Тенглик, биродарлик мулкин

қурди у,  
Ерда шуъла сочди гӯё бир офтоб.  
Савр инқилоби бахт йўлини очди:  
Йўқсилга — мурувват, буржуйга — итоб.  
Адолат биносин кўтарди баланд,  
Истибдод биносин айлади хароб.  
Ер-ла яксон этди эски тузумни,  
Янги тузум этди дилларни шодоб.  
Танитди барчага оқу қорани,  
Ғафлатда ётганлар этди тарки хоб.  
Ҳаёт саҳфасига ёзган ҳар сўзи,  
Ҳаёт ғазнасида бир дурри ноёб.  
Кўрсатди элларга оби ҳаётни,  
Кўзлардан йўқолди жилваи сароб.  
Қуёшдай ёришди эллар матлаби,  
Ниятлар юзида қолмади ҳижоб.  
Узди истибдоднинг темир занжирин  
Инқилоб руҳи-ла марди инқилоб.  
Ул сари кунба-кун тошқин дарёдай  
Эл оқиб бормоқда айлабон шитоб.  
Мутрибо, куйлагин Моил қўшигин,  
Шодон наволарда най'ила рубоб.

Жонибек ҚУВНОҚ таржимаси.





Владимир Канивец

# УЛЬЯНОВЛАР

Русчадан  
Озод ШАРАФИДДИНОВ таржимаси

РОМАНДАН БОБЛАР

## 1

Ечинилсин!— деб буйруқ берди жандарм.— Ҳаммасини еч! Ҳаммасини! Уч қадам четга чиқ! Буёққа эмас, мана буёққа!— деб бармоғи билан хонанинг бурчагини кўрсатди.— Тўхта! Бошланглар!

Иккита қамоқ ходими Ульяновнинг ҳамма кийим-кечагини титкилаб чиқишди, оғзини, бурун парраklarини кўришди, сочларини тимирскилашди-да, ўз бурчини ўтаган одамлардек бир чеккага чекинишди. Бу таҳқирли маросимдан кейин Ульяновнинг оёқлари остига турма киймини улоқтиришди.

— Кийинилсин!— деб буйруқ берди жандарм офицери.

Ҳамма қамоқ ходимлари Ульяновнинг маҳбуслар либосини қандай кияётганини кузатиб туришди, у кийиниб бўлгандан кейингина чиқиб кетишди. Темир қопланган оғир эшик гурсиллаб ёпилди, қулф шарақлади. Ульянов қадам товушлари тингунча кутиб турди, кейин камерани кўздан кечирди. Қурум босган қоп-қора шифт, цементланган пол. Нақд шифтнинг тагида кичкина дераза. Ойнасига оҳак сурилган. Икки қават темир панжара. Деворга маҳкамланган темир кароватни кўтариб, қулфлаб қўйилган. Оғир дуб стол ҳам қимирламайдиган қилиб маҳкамланган. Унинг устида керосин лампа. Шишаси қорайиб кетган. Бурчакда — қувурдан сув жилдираб оқиб турибди. Унинг жилдираши ўлик-сукунатни бузиб, ғашга тегади. Биринчи навбатда, Александр мурватни бураб, сувни тўхтатмоқчи бўлди, аммо бунинг иложи бўлмади.

Эшик олдига бориб, Александр унда чор бурчак туйнук борлигини кўрди. Афтидан, овқатни шу туйнукдан беришса керак. Юқорироқда ойналанган чўзинчоқ дарча. Йўлакда одимлаб юрган соқчи бу дарча орқали камерада нима бўлаётганини кўриб туради. Эшикни кўриб бўлгач, Александр камера бўйлаб қадамлай бошлади. Чориғи оёғидан тушиб қолай дерди, шاپиллаб семон полга уриларди. Тўхташи билан эса аллақандай «тош» сукунат эза бошларди.

Биринчи кеча туни билан Александр мижжа қоқмай чиқди. Назоратчи иккита соқчининг кузатувида камерага кириб, каравотнинг қулфини очиб кетган бўлса-да, Александр тўшакка ётмади. У бурчакдан бурчакка юриб, тўхтовсиз ўйларди: «Нима воқеа рўй берди? Канчердан бошқа яна ким қамалган? Подшо ченаси остига бомбаларни ташлашдими-йўқми? Осипанов, Генералов, Андреюшкинларга нима бўлди? Менинг тўғримда полиция нима билади? Нега мени тўғри қалъага олиб келишди? Уйимда менинг суиқасдга иштирокимни тасдиқлайдиган ҳеч нарса тополмаган бўлишлари керак». У сўнгги пайтлардаги ҳар бир қадамини қайта-қайта хаёлидан ўтказди. Йўқ, унинг ўзи полицияга баҳона бўладиган ҳеч иш қилгани йўқ! Демак, тузоққа илиниб қолгани учунгина уни қамашган.

Иккинчидан, учинчи мартга ўтар кечаси назоратчи Александрни уйғотиб, отланишни буюрди. Енида икки жандарм билан офицер кирди. Ҳаммалари қалъанинг қоронғи йўлакларидан юриб кетишди. Офицер — олдинда, икки жандарм — икки ёнда, назоратчи орқада боришарди. Александр қаршилик кўрсатмаган бўлса-да, ҳовлига чиққанларида жандармлар унинг икки қўлидан ушлаб олишди ва эшик олдида турган фойтунга итариб ўтқазди. Жандармлар икки томонга, офицер қаршига ўтирди, отлар жон-жаҳди билан югуриб кетди. Фойтун қалдираб кетиб борар, деразасига қалин парда қопланган эди. Александр қаёққа олиб кетишаётганини аниқлай олмасди. Унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб бораётган офицер ва жандармларнинг тунд қиёфасига қараб, Александр бир нарсани англади: унга катта жиноятчи сифатида қарашмоқда. Уларга барча эҳтиёткорлик тадбирларини кўриш буюрилганга ўхшайди, чунки унинг ҳар бир ҳаракати уларни безовта қиляпти. Александр офицердан қаерга олиб кетишаётганини сўрамоқчи бўлган эди, лекин сўрамади — бари бир ростини айтмайди.

Ниҳоят, фойтун тўхтади, гижирлаб дарвоза очилди. Карета яна юрди, лекин бир лаҳзадаёқ тўхтади. Офицер эшикни очиб, пастга тушиб, буйруқ берди:

— Тушилсин!

Яна полиция маҳкамасининг ҳовлисига келиб қолганини кўриб, Александр сўроқ бўлишини тушунди. Худди қалъадагидек барча эҳтиёткорликлар билан уни аллақандай йўллардан олиб ўтишди. Иккинчи қаватга кўтарилишди. Биринчи эшикдаги «Давлат жиноятлари ҳақидаги ишлар» деган ёзувни ўқиди. Офицер шу эшикни очди ва Александр икки жандарм орасида Дурновонинг полиция салтанатининг йўлагига кирди. Офицерлар ва амалдорлар худди оламшумул муаммоларни ҳал қилаётгандай серташвиш қиёфада хонама-хона изғиб юришибди. Аммо улар ҳар қанча шошиб турган бўлмасин, биронтаси ҳам Ульяновнинг ёнидан тўхтамай, алланечук сурбетларча қизиқиш билан унга синчиклаб тикилмай ўта олмади.

Офицер Ульяновни улкан бир хонага олиб кирди. Жандармлар эшик олдида қолишди. Хонада тўрт киши — жандарма ротмистри билан учта амалдор бор эди. Ротмистр стол ортида тик турар, бир амалдор юмшоқ креслода ўтирар, қолган иккитаси эса — афтидан, мансаби пастроқ бўлса керак, уйқусизликдан қизариб кетган кўзларини пирпиратиб, четроқда ўтиришарди. Уларнинг олдида тоза қоғоз, ручка ётар-



*Уртоқ Ленин бутун ҳаётини фақат бир мақсадга — қулликни унинг энг... ниқобланган ҳамма хилларига-ча тамомила йўқ қилиб ташлашга бағишлади.*

**М. И. КАЛИНИН.**

ди. Стол ортида турган ротмистр Ульяновга мулозамат билан ўтиришни таклиф қилди ва ўзини таништирди: жандармлар алоҳида корпусининг ротмистри Лютов!

— Минг саккиз юз етмиш биринчи йил ўн тўққизинчи майдаги қонун асосида,— деди у тантанавор оҳангда,— Санкт-Петербург суд палатаси прокурорининг муовини жаноб Котляревский иштирокида,— у креслода чўкиб ўтирган амалдорга ишора қилди,— ва икки гувоҳ мирзалар Хмелинский ҳамда Ивановлар қатнашувида сизни сўроқ қилиш менга буюрилган!

Унвони, маълумоти, ота-онасининг иқтисодий аҳволи ҳақидаги расмий саволлардан сўнг ротмистр буюрди:

— Энди давлатпаноҳ император аъзамларининг муборак ҳаётларига суиқасдни тайёрлашда қандай иштирок этганингиз ҳақида гапириб беринг.

— Яна нималарни истайсиз?— деб саволга савол билан хотиржам жавоб берди Александр.

— Ҳамма вақт ёдингизда бўлсин, бу ерда саволни мен бераман!— деб қизишди ротмистр кўксини бежаб турган медалларини шилдирашиб.

— Сизнинг ҳам ёдингизда бўлсинки, мен сизнинг маҳкамангизда мирза бўлиб ишламайман,— деб жавоб берди Александр. У ҳамон хотиржам эди, овозини бир баҳя ҳам кўтармади.

— Бир дақиқа, жаноб ротмистр,— қўл ҳаракати билан ротмистрни тўхтатди Котляревский.— Ижозатингиз билан жаноб Ульяновдан бир нечта савол сўрасам. Ҳаммадан аввал, айтинг-чи, сизнинг уйингизда нечта бомба тайёрланган эди?

— Жавоб беришни истамайман.

— Группангизнинг раҳбари ва ташкилотчиси ким эди?— деб давом этди Котляревский, гўё Александрнинг жавобидан мутлақо қаноатлангандай.

— Мен истамайман...

— Яхши!— деб дағаллик қилди Котляревский. Ульяновнинг гапи бўғзида қолди.— Унда айтинг-чи, император аъзамларига қарши суиқасд тайёрлашда сиз қандай иштирок этгансиз? Снарядларни ким тайёрлаганини билганмидингиз? Уларни ким ташлаши кераклигини билганмидингиз? Айтиб қўяй: бу ёвуз ишда сизнинг иштирок этганингиз тўғрисида қўлимизда аниқ маълумотлар бор! Сизнинг ўжарлигингиз айбонгизни оғирлаштиради, холос. Шахсан мен сизга буни тиламайман.

— Бекор вақт сарфляйсиз...

— Шунақами? Яхши,— прокурор стол тортмасини очиб, аллақандай қоғозни олди-да, Ульяновнинг олдига қўйди.— Унда мана буни ўқинг.

Алекса́ндр биринчи сатрларга кўз югуртирди-ю, юраги ўйнаб кетди. Қанчер — сотқин!

У таҳқирли тарзда пушаймон чекиб, билган нарсаларининг ҳаммасини полицияга айтиб берибди. Қандай қилиб Ульяновнинг уйига келгани борми, у ерда Лукашевич билан Ульяновнинг бомбага динамит

*Ленин — энг буюк ва қиёси йўқ революционер-дир. У — янги, социалистик маданиятнинг асосчисидир.*

**М. ГОРЬКИЙ.**

жойлаштираётганларининг устидан чиққани борми, кейин бомбаларни Волохов билан бирга Генералов ва Андреюшкинга олиб бориб бергани борми, хуллас, ҳеч нарсани қолдирмабди...

Қарорни ўқир экан, Ульянов ўзига прокурор билан ротмистр синчиклаб қараб турганини ҳис қилди. Қалбида жўш ураётган ғазабни юзидан билдириб қўймаслик учун бутун иродасини бир жойга жамлади.

— Энди нима дейсиз?— деб сўради тантана билан Котляревский.

Ульянов унинг салқи юзига, юпқа лабларига, маккорона қисиқ кўзларига қараб, бу қоғоз полициянинг сохта уйдирмасими ёхуд Канчер чиндан ҳам ҳаммани айтиб қўйганми эканини топишга уринди. Индамаса, шубҳали кўриниши мумкин эди. Шунинг учун Александр қарорни қайтариб бераётиб, сўради:

— Уқиб чиқиш учун менга яна нима берасиз?

— Ҳозирча шу.

— Миннатдорман.

— Жаноб Ульянов!— деб бошлади Котляревский. Унинг чап юзи асабий учди.— Сизни гапиртиришга қурби етадиган воситаларимиз борлигини эслатишга мажбур этиясиз мени. Бизга кўрсатма беришдан бош тортганларни қозиққа ўтқазамиз, томирларини суғуриб оламиз, шўр балиқ едириб, сув бермаймиз...

— Бундай нарсалар сизга қандай таъсир қилишини билмадим-у, жаноб прокурор, кўриб турибсизки, менга унча таъсир қилмайди. Бирон одамга мендан эшитгиси келган гапни айтгандан кўра, томирсиз қолишни афзал кўраман.

Бу — биринчи сўроқда Ульянов айтган сўнгги сўзлар бўлди. Прокурор Котляревский қаршисида кучли рақиб турганини тушунди ва йўлни ўзгартирди. Энди уни хушомад ва ваъдалар билан эритмоқчи бўлди. Агар у, яъни Ульянов ҳамма нарсани софдиллик билан айтиб берса, бу билан кўпгина яқинларининг тақдирини енгиллатишини айтди. Гап, биринчи навбатда, унинг қариндош-уруғлари ҳақида бораётганини Котляревский очиқ айтмади-ю, лекин шунга етарли даражада шама қилди. Бу прокурорнинг Ульяновга берган энг кучли зарбаси эди, лекин Александр ўзгармади: онаси ҳам, Володя ҳам, Аня ҳам, Оля ҳам ҳар қанча қийин бўлмасин, уни ҳамма нарса учун кечирншади, лекин сотқинлик қилса, кечиринмайди.

Уч ярим соат давом этган сўроқдан кейин қарорда шундай ёзув пайдо бўлди:

«Император аъзамларининг ҳаётига суиқасдада иштирок этганим масаласида менга берилган саволларга ҳозир жавоб бера олмайман, чунки ўзимни бетоб ҳис қиляпман. Сўроқнинг эртанги кунга кечиктирилишини илтимос қиламан».

Ульяновни олиб чиқиб кетишгандан кейин, прокурор Котляревский деди:

— Ажойиб матонати бор экан! Менимча, бутун ишнинг ташкилотчиси шу бўлса керак. Бундай ақл ва бундай иродаси бор одамнинг орқа қаторда юриши мумкин эмас.

## 2

Канчер билан Горкун кун сайин янги фамилиялар ва адресларни айтиб беришмоқда. Кейинчалик уларнинг ёнига Волохов ҳам қўшилди. Махфийлар Новорусский, Говорухин, Шевиревларни қидиришга тушди. Полиция маҳкамасининг директори Дурново Ялтага, Симферополга, Севастополга, Одессага таҳдид тўла ҳуфия телеграммалар йўллади. «Ҳар нима бўлганда ҳам Шевиревни қидириб топиш керак,— дейилади Ялтага юборилган телеграммада.— Бунинг учун ҳамма воситаларни ишга солинг». Симферополга у бундан ҳам ғазаблироқ телеграмма юборди:— Шаҳарни ва Шевирев бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳамма жойни остин-устун қилинг, лекин уни қамоққа олинг».

Вақт ўтиб борарди, жойлардан эса Шевиревнинг белгиларини сўраб юборилган талабномалар ва қидиришларнинг самарасизлиги ҳақидаги маълумотдан бошқа, ҳеч қандай хабар йўқ эди. Полиция маҳкамасининг бошлиғи ўтиргани жой тополмай қолди. У яна телеграмма устига телеграмма жўнатаверди. Дарҳақиқат, ташвишланишга арзийдиган гап бўлган эди. Канчер Шевиревни фитнанинг бошлиғи деб ишонтирди. Гатчинодан устма-уст чопар келиб, подшонинг сўроғини етказиб турибди. Подшо «Шевирев қамоққа олиними?» деб қистовга оляпти. Подшо Гатчинодаги қасридан чиқмай қўйган эди. У суиқасд қатнашчилари қамоққа олинган бўлмаса керак деб қўрқарди. Дурново денгиз портларининг маъмуриятдан пароходларнинг чет элга сузиб кетадиган вақтини суриштиради. Афтидан, у Шевиревни ҳам Говорухин каби чет элга кетиб қолган деб ўйлайди, у Канчерни чақириб, унинг бошига турли-туман таҳдидлар ёғдириб, Шевиревнинг қаерга яширинганини айтиб беришни талаб қилади. Канчер қасам ичиб, Шевиревнинг чет элда эмас, Қримга жўнаб кетганини айтади.

— Қримнинг қаерига кетган?— деб Дурново кичкина бақалоқ муштчалари билан столни уради.

— Билмайман.

— Елғон!

— Жаноб олийлари! Улай агар, у менга Қримга даволангани кетяпман деганди.

Лукашевич студентлар ошхонасига кирди. Бу ерда Канчернинг қамоққа олинганини, унинг уйида пистирма қўйилганини билишарди. Иккинчи март куни кечаси Лукашевич ҳамма қоғозларни яна бир карра кўриб чиқди-да, ўрнига ётди. Аммо уйқу келавермади. Қамоққа олинганларнинг таниш-билишлари суриштирилиб, уни ҳам қамоққа олишлари мумкинлигини Лукашевич яхши тушунарди. Хиёнат бўлиши мумкинлигини у ўйламасди. Баъзи бир танишлари унга чет элга кетишни маслаҳат беришди. Бирон хавф-хатар бор-йўқлигини билмай қочиб кетавериш бемаънилик эди. Унинг фамилияси тилга олинмаса, ёмон аҳволда қолади.

Кечаси соат иккида Лукашевич таҳдидли қўнғироқ овозидан уй-

*Гарчи биз Махатма Ганди раҳбарлигидаги Ленин йўлидан фарқ қиладиган йўлдан кураш олиб борган бўлсак ҳам, Ленинга тасанно айтдик ва унинг изидан эргашдик.*

**Жавоҳарлал НЕРУ.**

*Партия ва Ленин —*

*қондош, эгизак,  
Она тарих учун қай бири қиммат:  
Ленинни англаймиз*

*Партия десак,  
Ленин деганимиз  
партия демак.*

**В. В. МАЯКОВСКИЙ.**

фонди. Уни қамагани келишганини у тушунди. Эшикнинг ёнига бориб, фаррошнинг ҳижолатли овозини эшитди:

— Жаноб Лукашевич, сизга анақа... телеграмма...

У эшикни очиши билан, хонага бир тўп полициячилар ва гувоҳлар ёпирилиб кирди. Бўзариб кетган юзидаги терни рўмолча билан артиб, ҳоким унга тинтув ўтказиш буюрилганини маълум қилди. Полициячилар уйда тимирскиланиб юрганини кўриб, Лукашевич тинтув шунчаки номига бўлаётганини англади. Демак, полицияда унга қарши бирор далил йўқ.

Қоғозларни титкилаб ҳоким сўради:

— Ёзишмаларингизни қаерда сақлайсиз?

— Мен мактубларимни бегоналар ўқишини ёқтирмайман, шунинг учун уларни йўқ қилиб ташлайман.

— Ҳм... Манови қутиларида нима бор?— деб сўради ҳоким кимёвий лабораторияни кўздан кечириб.

— Булар химик анализ учун зарур нарсалар...

— Шундай деб ёзамиз, бўлмаса...

Ҳоким ҳамма дарсликларни сандиғига жойлаётганини кўриб, Лангенинг «Материализм тарихи» китобини ҳам олаётганда Лукашевич сўради:

— Бу нима қилганингиз? Бу китобларнинг ҳаммасига цензуранинг рухсати бор.

— Менга махфий кўрсатма берилган,— деди ҳоким овозини пасайтириб.— Химия бўйича ҳамма китобларингизни олиб кетишим керак. Шунинг учун манави Лангени ҳам оляпман...

Тинтув ҳеч нарса бермади, бироқ шундай бўлса-да, Лукашевични қамоққа олишди. Участкага келганларида ҳоким миршаббошига айтди:

— Белоусов масаласида айтиб қўй, Кичик Италиян кўчасидаги эллик биринчи уйда бунақа артист турмас экан.

Лукашевич сергакланди: бу адресда яқингача ҳам Новорусский истиқомат қиларди. Унинг суиқасдга алоқадор экани полицияга қаердан маълум бўлдийкин? Ахир, у фақат битта иш қилган — Парголоводаги чорбоғида Ульяновга динамит ясашга рухсат берган. Наҳотки, Ульянов ҳам қамалган бўлса? Полиция уларнинг ўртасидаги алоқани қандай аниқладийкин? Ахир, Новорусский, диний семинарийнинг номзоди сифатида ҳар қандай шубҳадан холи эди-ку!

Участкадан битта миршабнинг соқчилигида Лукашевични Гороховая кўчасига — миршабхонага олиб кетишди. Соқчининг битталиги ҳам унинг қамалишига алоҳида эътибор берилмаганидан далолат эди.

Лукашевични бир хонага олиб келишди. У ерда иккита ходим Лукашевичга зарра парво қилмай, суҳбатлашиб ўтиришарди. Улардан бири динамит ишлатмоқчи бўлганлари учун революционерларни чағғитиб сўкар, энди чекиш ҳам хатарли бўлиб қолди деб зорланарди. Иккинчиси эса революционерлар тўғри иш қилишаётганини исботламоқчи

бўларди: модомики, уларнинг чиқишларини бостириб, ўзларини шафқатсиз жазоларга дучор қилинса, улар ҳам қўлида қурол билан ўзларини мудофаа қилишга мажбур бўладилар-да!

Лукашевични бир неча марта хонама-хона олиб ўтишди, лекин ҳамон аввалгидай унга қизиқувчи одам бўлмади. Битта кичкина хонада жандарм офицери билан чиновник ўтирарди. Чиновникнинг қарши-сида ёндафтари бўлиб, нималарнидир ҳисоблаб ёзмоқда эди. Афтидан, у бирон маҳфий хатни кўчираётган бўлса керак. Офицерлар ва чиновниклар кириб-чиқиб туришибди. Ёш жандарм офицери ҳикоя қил-япти:

— Тасаввур қилингки, мана шу ерда, шу хонада Осипанов бомба ташлади. Унинг қўлида бомба бўлиши мумкинлиги биронтамизнинг хаёлимизга келгани йўқ эди. Биз қўлидагини шунчаки китоб деб ўйлабмиз. Қандай хатарга дуч келганимизни тасаввур қиласизми? Осипановни бу ерга олиб келганлар қани?— Эшикда уйқусираган икки айғоқчи пайдо бўлганидан кейин офицер давом этди:— Мен хизмат бурчимни адо этаётганимда ҳаётимдан ажралишимга сал қолди. Бунинг учун менга мукофот беришлари керак. Сиз икковингиз буни тасдиқлайсиз. Тушундингизми?

— Худди шундай!— деб бараварига хириллаб жавоб берди айғоқчилар.

Аммо довурак офицер шу билан тинчимади. У айғоқчиларни терговга берадиган кўрсатмаларини машқ қилишга мажбур этди. Айғоқчилардан бири Осипанов бомба ташлаганда офицер стол ортида ўтирганини айтган эди, офицер уни «аҳмоқ» деб сўқди ва ҳаммасини бошидан қайтаришга мажбур этди. Бу гал айғоқчи офицер бомбанинг ёнгинасида турган эди, бомба унинг этигининг тумшугидан тўрт энлик нарига тушди деди.

Лукашевич бу масхарабозликни кўриб туриб, фақат бир нарсани ўйларди: бомба нега портламади экан? Наҳотки, Осипанов портловчи ускунага уланган тасмани тортишни унутган бўлса? Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас! У ўзини йўқотиб қўядиганлардан эмас. Модомики, унинг бомба ташлашга кучи етган экан, буни уддалашга ҳам матонати етади, албатта.

Полиция маҳкамасининг директори Дурновонинг келиши Лукашевичнинг мулоҳазаларини бўлиб юборди. Дурново кириб келиши билан офицерлар ҳам, ходимлар ҳам дик этиб сапчиб туриб, гоз қотишди.

— Ульяновнинг уйида нима иш қилганиларни ўйлаб кўринг,— деди Дурново томдан тараша тушгандай. Шундай деди-ю, жавобни кутмай чиқиб кетди.

Дурново нимага шама қилаётганини Лукашевич тушунолмади. У ҳамон сотқинлик ҳақидаги фикрни хаёлига ҳам келтирмас эди. Шунинг учун Ульянов турадиган уйнинг бекаси снаряд учун тунука қирқишганини эшитиб қолган бўлса керак деган қарорга келди.

Полиция маҳкамасининг директори келиб кетгандан кейин Лукашевични Петропавловск қалъасига олиб кетишди. Демак, иш жиддий

*Энди нега ётайлик?  
Эрклик таъмин тотайлик!  
Лениндан илм олиб  
Жаҳонни уйғотайлик!*

**ҲАМЗА.**

*Едимда ҳамиша сен падар, Лениң,  
Кўнглимда сўзларинг жон қадар, Ленин.*

**Фозил ИҶУЛДОШ УҒЛИ.**

тус олган. Миршабхонада ўтказилган тун давомида Лукашевич ҳамма, шу жумладан, Ульянов ҳам қамоққа олинганини англади. Дурново айтган ибора эса Лукашевичнинг бомбаларга динамит жойлагани полицияга маълум эканини исбот қиларди. Буни фақатгина Ульянов, Канчер ва Горкун биларди. Ульянов сирни очиб қўймаслигига Лукашевичнинг имони комил эди, аммо қолган икки киши ўзини қандай тутади — айтиш қийин. Ҳар ҳолда ҳамма нарсага тайёр туриш керак.

Подшо суиқасдчиларнинг ҳаммаси қамоққа олинганига ишонмади. У студентлар шунчаки ижрочилар бўлган-у, уларга бошқалар — тажрибалироқ одамлар раҳбарлик қилган деб ҳисобларди. Ишбошилар қамоққа олинмагунча, эртага яна бир группа бомба билан кўчага чиқмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Гатчинодаги қасрида подшо баҳайбат кабинетига қўлини орқасига қилиб бурчакдан-бурчакка асабий қадамлайди. Унинг юзи тунд, қовоғидан қор ёғади, косасидан ўйнаб чиққан нурсиз кўзлари аллақайси нуқтага тикилганча қотиб қолган, лаблари қасоскор одамларникидек қисик. Неча ойлاردан бери у суиқасдчилар билан олишиб, уларни йўқ қилолмайди. Унинг ҳам отаси каби ўлиб кетиши ҳеч гап эмасди. Ахир, ажал ундан бир қаричгина наридан ўтиб кетди-ку! Бу гал улар ўқларини ҳам стрихнин билан заҳарлаб қўйишибди. Шундоқ экан, жиндай ярадан ҳам нобуд бўлиши муқаррар эди. Эксперт генерал Федоров заҳарнинг таъмини кўраман деб, ўлиб кетишига сал қолди. Полиция ҳам роса имиллади. Шевиревни ҳануз топиша олганлари йўқ. Унинг Қримга кетгани ҳам Говорухиннинг ўзини-ўзи ўлдиришидай бир найранг эмаслигига ким кафил бўла олади. Ҳолбуки, Говорухин аслида чет элга қочиб кетибди. Суиқасдчилар подшо Гатчинога беркиниб олган, саройдан чиқишга қўрқади, деб миш-миш тарқатишяпти. Йўқ, бекор айтибсизлар. Подшо улардан қўрқмаслигини кўрсатиб қўяди!

Подшо дарҳол фойтунларни тахт қилишни буюрди.

«Кеча (учинчи март куни) улуг князь Владимирникида жуда катта зиёфат бўлди,— деб қайд қилади ўз кундалигида Арапова.— Давлатпаноҳ бунақа зиёфатларни ёқтирмайди. Шунинг учун зиёфат рўзанинг учинчи ҳафтасига қолдирилган эди. Шундай қилинса, давлатпаноҳ зиёфатга келмай қўя қолиши мумкин эди. Шунинг учун ҳеч ким уни кутгани йўқ. Бундан ташқари сертармоқ фитна охиригача узил-кесил фош қилиб бўлинмаган экан, шаҳарга қайтиб кетиш, ҳақиқатан ҳам, хатарли эди.

Улуг князь Владимир маликамизни қўлтиқлаб олган ҳолда олдинда, уларнинг ортидан давлатпаноҳ келини билан бирга ҳеч ким кутмаган бир дақиқада тўсатдан пайдо бўлишганда мен катта залда этакроқ томонда тургандим. Ҳамманинг кўксидан «ҳа» деганга ўхшаш бир нидо отилиб чиқди ва бир лаҳзада ўлик сукунат бузилиб, ҳамма хандон гаплаша бошлади. Дарҳол одамлар узун йўлак ҳосил қилишди, давлатпаноҳ ҳамроҳлари билан ҳеч ким учун махсус тўхтамасдан, ўзларини ҳаммага кўрсатиб, юриб ўтишди.

Эсимда бор — раҳматли император аъзамлари ҳар гал тангрининг инояти билан бадкирдорларнинг ўқидан омон қолганларида у кишини гулдурос қарсақлар билан кутиб олишарди. Буни мен ҳозир ҳам ҳая-

жонсиз эслай олмайман. Ҳозир бўлганларнинг ҳар бирининг кўзида ёш ялтирарди, ҳар бири унинг қўли ёхуд этагига лабларини босиш иштиёқи билан ёнарди.

Энди эса сиқилган кўкраклардан биронта ҳам «ура» садоси янграмади ва бу ҳаммада мотам маросимидагидек оғир таассурот қолдирди.

Давлатпаноҳ икки сабаб билан зиёфатга келишга аҳд қилган: биринчидан, ажнабийларга ҳаммалари соғ-саломат эканини кўрсатиб қўймоқчи бўлган; иккинчидан эса, «қўрққанидан Гатчинодан чиқмай ўтирибди» деган гапни ҳеч ким айта олмаслиги учун шундай қилган...

Аммо подшо ўзининг довураклигини кўрсатишга ҳар қанча уринмасин, қаср залидан аёнлар орасидан виқор билан бир-бир босиб ўтишгагина юраги бетлади, холос. Уша куни кечаси салкам бир полк казакларнинг қуршовида у Гатчинодаги қасрига қайтиб кетди ва худди қамалда қолгандек, у ердан қимирламай, ўтириб олди. Гуё революционерлардан қўрққанидан Гатчинодан чиқмаяпти деган арзимас мишмишларни рад этиш учун у ҳаётини хавф остида қолдирмас эди, чунки подшо ҳазратлари ўзларининг муборак ҳаётларини жуда-жуда қадрлардилар.

### 3

**К**АМЕРАнинг туйнугидан соқчи бот-бот қараб қўярди, бироқ, Ульянов бунга сезмасди. У камера бўйлаб одимлаб юрар экан, энди нима қилмоқ кераклигини, ўзини қандай тутмоқ лозимлигини ўйларди. «Қанчер ишончга сазовор эмас, уни ишдан воқиф қилиб бўлмайди», деб Шевиревга неча марталаб айтган эди. У бўлса ҳар гал ўзиникини маъқуллаган! «Террористлар жуда кам. Суиқасдда қатнашишни истаган ҳар битта одамдан хурсанд бўлиш керак...» Мана, энди хурсанд бўлаверасан...

— Овқат!

Ульянов ўғирилди. Эшикдаги тўрт бурчак дарча очиқ: ундан кимнингдир кружка ушлаган қўли кўринди. Кружка устида бир тўғрам нон. Демак, эрталаб бўлибди. Ульянов кружкани олди. Унинг ичидаги чой эмас, совуқ сув эди. Нон ҳам хом. Саша нонуштани стол устига қўйиб, камера бўйлаб юришда давом этди. Йўқ, энди ҳамма нарсани рад этиш — ўзини кулгили аҳволга қўйиш демакдир. Қанчер, Горкун, Волоховлар фош қилган нарсаларни бўйнига олишга тўғри келади. Ҳамма айбни ўзингга олиб, бошқаларни қутқариб қолиш керак. Ахир, Новорусский, Шмидова, Ананъиналар ишда иштирок этганлари йўқ-ку! Ҳолбуки, Қанчернинг кўрсатмалари асосида Новорусскийни суиқасднинг салкам бошлиғи, деб ҳисоблашяпти, Ананъинани эса динамит лабораториялари жойлашган уйнинг бекаси деб билишяпти.

*Улуғ ҳаёлот қадар улуғ.  
Аммо унинг улуғлиги  
камситмайди инсонни.  
У қўлимдан тутади,  
Мени баланд чўққига —  
ўз сари тортади.*

**Нозим ҲИКМАТ.**

*Уртоқ Лекин Шарқ масаласини икки йўл: педагогик ва қўшни давлатлар ила бевосита алоқа боғлаш йўли билан ҳал қилди. У аввало, ўз тили, ўз маданияти ва уз адабиётига эга бўлган ҳамда мустақил халқ эканлигини аллақачонлар унутиб юборган майда элатлар масаласини аниқ ва равшан қилиб қўйди.*

**Наримон НАРИМОНОВ.**

— Кружкани бер!

Ульянов «подшолик чой»ни тўкиб ташлаб, кружкани дарчадан узатди. Дарча шу лаҳзадаёқ ёпилди.

Александр бир кеча тунни уйқусиз оғир мулоҳазалар ичида ўтказди. Шундан кейин ўзини қандай тутишини ҳал қилиб, қотиб ухлаб қолди. Шу кунларда хаёлидан кетмаган Симбирск, онаси, Володя билан учрашгани тушига кирибди. Шоду хуррамлик билан Кокушкинога отланишаётган, у ерда эса, отаси билан ўрмонга борибди, мириқиб суҳбатлашибди, ашула айтибди. У камера эшиги қандай очилганини, уни қандай уйғотишганини эшитмади. Уни каравотдан судраб туширишгандан кейингина уйғонди. Александр анча вақтгача ўзининг қаердалигини, нималар бўлаётганини англамай турди. Икки жандарм уни қўлтигидан олиб, турғизиб қўйгандан кейингина ҳуши жойига келди.

— Кийинилсин!

Салкам бир взвод келадиган соқчилар қуршовида Александр яна ўша қоронғи йўлак бўйлаб кетиб боради. Бу камераларда кимлар ўтирган экан? Фойтун-арава эшикка шу қадар яқин турардики, у ўгирилиб қарашга ҳам улгурмади. Уни туртиб ичкарига киритишди. Эшик тарақлаб ёпилди. Черков қўнғироқхонасидан соатнинг занг ургани эшитилди. Унинг хотирасида Аня билан бирга бу ерга келганлари жонланди. Аняни ҳам қамашган. Бунинг бирдан бир сабаби шуки, Шевирев Канчерга телеграмма жўнатиш учун унинг адресини берган! У узоқ вақтгача опасини унга бирон соя ташлайдиган ҳар қандай ишдан холис тутишга ҳаракат қилди. Шунча ҳаракатдан кейин бояғи қўпол хатога йўл қўйишди. Тўғри, у бошқа уйга кўчиб ўтмоқчи эди. Бироқ, бу узр эмас, уни оқлаёлмайди. Яна ўша Шевиревнинг маслаҳатига кириб, динамит ясаш учун ўзига керакли буюмларнинг ҳаммасини Канчердан Новорусскийнинг Парголоводаги чорбоғига бериб юбориб жуда катта гуноҳни бўйнига олди. Ҳа, умуман, кўп хатоларга йўл қўйилди. Ҳаммадан алам қиладигани шуки, у кўпгина хатоларнинг олдини олиши мумкин эди, лекин қатъияти етишмади, ўз айтганида охиригача тура олмади. Бу ишларнинг ҳаммасида у қатъийроқ турмоғи керак эди. Ҳеч қанақа мурасосозликка йўл қўйиш мумкин эмас эди. Гарчи асосий раҳбар бўлмаса-да, шундай қилмоққа унинг ҳаққи бор эди. Ахир, у ҳаётини тикканди!

Ҳа, ҳамма хатоларни тузатиш фурсати ўтганда улар аниқроқ кўзга ташланади...

Тўртинчи март куни Ульянов «Халқ эрки» партиясининг суиқасдчилар қанотига мансуб эканини, подшога қарши фитнада иштирок этганини бўйнига олди. Фитна қачон туғилди? У аниқ муддатни айтишдан бош тортди. У азот кислотасини, оқ динамитни, қўрғошин ўқларни тайёрлаганини рад этмади. «Менга бомба ясаш учун иккита темир ғўла келтириб берилди,— деб ёзди у,— мен уларнинг ичига динамит ва стрихнин билан заҳарланган ўқларни жойладим. Ўқларни ҳам



менга келтириб беришди. Бундан илгари мен снарядлар учун картондан иккита гилоф ясадим ва уларнинг устини коленкор билан қопладим...

Сирасини айтганда подшонинг ҳаётига қасд қилишдаги менинг амалий иштироким шу билан чекланади, лекин мен қандай шахслар суиқасдни уюштириши, яъни бомбани ташлаши кераклигидан хабардор эдим. Аммо, суиқасдни неча киши қилиши керак эди, бу шахслар ким эди, снарядларни менга ким олиб келиб берди ва мен уларни кимга қайтардим, мен билан бирга снарядларга ким динамит жойлади — уларнинг номини айтишни ва бу ҳодисаларни изоблашни истамайман... Ҳеч қайси шахс тўғрисида, шунингдек, ҳозир менга номларини таъкидлашаётган Андреюшкин, Генералов, Осипанов ва Лукашевичлар ҳақида ҳозирги пайтда ҳеч қандай тушунтиришлар беришни истамайман».

Прокурор Котляревскийнинг Ульяновдан олган гапи шунинг ўзи холос. Александр Ильичнинг бу сўроғидан шу нарса аёнки, у инкор этиш мумкин бўлмаган нарсанигина бўйнига олди, бироқ буни ҳеч кимга зарари тегмайдиган тарзда қилди. Снарядларга динамит жойлагандан кейин уларни қайтариб бергани ҳақида гапирганда, ҳатто сотқин Канчер, Горкун, Волоховларнинг ҳам фамилиясини тилга олмади. Ҳолбуки, уларнинг ўзи бомбаларни кимларга олиб бориб беришганини айтиб қўйишганди.

Кейинги сўроқда Александр Ильич суиқасдда иштирок этишнинг сабаблари тўғрисида ҳам гапирди. «Мен подшога қарши суиқасднинг на ташаббускори, на ташкилотчиси бўлганман,— деб жавоб берди у, афтидан, терговчининг сўроғига.— Бу ишдаги менинг иштироким қуйидагилар билан чекланган: шу ўқув йили давомида, тахминан ноябрнинг иккинчи ярмидан кейин мен икки мартами-уч марта баъзи бир шахслар билан суҳбатлашганим. Бу шахслар кейинчалик ҳозир мени айбдор деб ҳисоблашаётган ишда иштирок этишган. Суҳбатимиз мавжуд ижтимоий нономаллик ва уни яхшилашга имкон берадиган йўллар ҳақида борганди. Бу суҳбатларда мен олға сурган шахсий фикрим шундай эдики, мен жамият етарли даражада балоғатга эришгандагина, узоқ давом этадиган тарғибот ва маданий-оқартув ишларидан кейин бизнинг иқтисодий идеалларимиз рўёбга чиқиши мумкин. Бунинг учун даставвал муайян даражадаги сиёсий эркинликка эришиш керак. Бусиз бирор даражадаги самарали тарғиботчилик ва оқартув ишларини олиб бориш сира ҳам мумкин эмас. Бунга имкон берадиган ягона восита деб террористик фаолиятни билдим. Бу восита — жамиятнинг лўнда ва аниқ ифодаланган талабларига ҳукуматни жиндак бўлса-да, ён беришга мажбур этади деб умид қилганим».

Шундан кейин бу гап-сўзлар ўзини суиқасдчилик фаолиятига бағишлашни истаган бошқа йигитларга ҳам таъсир кўрсатганини эътироф этди. Бу икки кўрсатмасида (шунингдек, кейингиларида ҳам) Александр Ильич бошқа маҳбуслар инкор қилмаган нарсаларнигина бўйнига олди.

Новорусский Ульяновнинг Парголовога борганини тасдиқлагани учун, у ҳам буни инкор этмади, лекин қуйидагиларни таъкидлади: «На

*Жуда улкан ҳар сўзининг маъноси,  
Бир дарёки, нурли ҳаёт дарёси,  
Сўзларидан яшнар тинчлик дунёси,  
Тинчлик боғин обод этган Лениндир.*

**Ислом шоир НАЗАР УҒЛИ.**

бу тажрибаларнинг моҳияти, на уларнинг мақсади на Новорусскийга, на доя Мария Ананъинага маълум эди... Мен нитроглицерин қолдириб кетганимни ва Ананъинага, на Новорусскийга маълум қилганман».

Қамаш вақтида Александр Ильичнинг ёндафтарини олиб қўйишганди. Полиция ундаги ҳуфъя ёзувларни ўқиёлмади. Прокурор Котляревский дафтарчадаги ёзувлар ҳақида Ульяновдан ижикилаб кўп сўради, аммо у қатъият билан шундай жавоб берди:

«54 саҳифадаги план, 55 бетдаги расмлар ва ёзувлар, дафтарнинг охириги саҳифасидаги пул смети ва бошқа ёзувлар ҳамда адреслар масаласига келганда — мен улар ҳақида ҳар қандай кўрсатма беришдан бош тортаман... Деҳқонлар ғалаёни ҳақидаги журнал мақолаларидан олинган кўчирмалар ёзилган беш саҳифани бир одамдан ўқиб бериш учун олганман. У одамнинг кимлигини айтишдан бош тортаман...»

Раиса Шмидова портловчи снарядлар тайёрланаётгани ва подшонинг ҳаётига суиқасд қилишга ҳозирлик кетаётгани ҳақида ҳеч нарса билмас эди. Умуман, унинг бу ишда ҳеч қандай иштироки йўқ. Гарчи у ҳар хил вақтда бу ишга алоқадор иккита мактуб келтириб берган бўлса-да, (буни Шмидованинг ўзи тан олганди), у бу мактубларнинг мазмунидан ҳам беҳабар бўлган, ким ёзганини ҳам билган эмас. Бу мактублар ким томонидан ёзилганини маълум қилишдан бош тортаман».

Ульяновнинг кўрсатмаларини ўқиб, подшо шундай хулосага келди: «ўйлайманки, ундан бошқа гап олиб бўлмайди». Бу фикрида подшо ҳақ бўлиб чиқди: терговчи билан прокурорнинг ҳамма янги саволларига Ульянов жавоб беришдан бош тортди. «Вильнода азот кислотаси топишга ёрдам берган одамлар менга маълум, лекин уларнинг номини айтишдан бош тортаман... Шу йилнинг февралда менинг иштирокимда «Халқ эрки» партияси террористик фракциясининг программаси ишлаб чиқилди... Мен буни «Халқ эрки» партияси билан социал-демократларни бирлаштиришга хизмат қилувчи янги программа яратиш соҳасидаги тажриба деб атадим. Унинг биринчи қисмини 15-февралдан кейин босишга киришдим... Программани босишда менга неча киши ва кимлар ёрдам берганини айтишдан бош тортаман... Бу программани тузишда бир қанча одам иштирок этган. Уларнинг ҳам номларини айтишни истамайман».

Терговга бошқа қамоққа олинганларнинг кўрсатмаларидан маълум бўлмаган на бирон суиқасд иштирокчиси, на бирон адрес, на бирон факт Ульянов томонидан тилга олинади. Унинг йигирма биринчи-йигирма иккинчи март куни берган сўнгги кўрсатмасида Александр Ильичнинг бирон нусхасини топишга муваффақ бўлмагани учун, Александр уни ёддан қайта тиклади. «Аввалги кўрсатмаларимдан бирида,— деб ёзди у хулоса қисмида,— мен бу ишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлмаганим ҳақида ёзган эдим. Бунинг боиси шундаки, бу ишда, умуман, биронта ҳам муайян ташаббускор ва ташкилотчи бўлган эмас. Лекин мен биринчилардан бўлиб террористик группа тузиш ҳақидаги фикрни олдинга сурдим ва пул топиш, одамларни излаб топиш, квартира ва бошқа йўриқларда группани уюштиришда фаол иштирок этдим.

Бу ишда менинг маънавий иштироким масаласига келсак, иштироким мукамал бўлган эди, яъни бутун қобилиятимни, билимим ва эътиқодимнинг кучини ишга сарфлаган эдим».

Подшо шу жумлаларнинг тагига чизиб, ёнига беҳаё бир киноя билан ёзиб қўяди:

«Бундай самимийлик кишининг раҳмини келтиради!!!»

## 4

СУИҚАСДДА иштирок этган студентларнинг қамоққа олингани бир зумда бутун университетга тарқалди. Иккита гуруҳ ташкил топди — уларнинг бири суиқасдчиларнинг ҳаракатини маъқуллар, иккинчиси қораларди.

Ректор Андреевский бошчилигидаги университет раҳбарлари ўлгу-дай қўрқиб кетишди. Университет ёпилармиш деган овозалар тарқалди. Сийёсатдан узоқ студентларга бу ёмон таъсир қилди ва уларни бошлиқлар томонини олишга мажбур этди. Аудиторияларда мурасасиз баҳслар бошланиб кетди. Уларнинг кўпчилиги муштлашиш билан тугарди.

Тўсатдан олтинчи март куни тўғридан-тўғри лекция вақтида эълон бўлди: ҳамма мажлислар залига тўпланиши керак экан, ректор нутқ сўзлар эмиш. Иван Ефимович Андреевский маккор ва эпчил, устомон одам сифатида шуҳрат қозонганди. Унинг бўйи паст, тили чучук, ҳамма вақт куйиб-пишиб юради. Доим кўтаринки оҳангда гапиради. Гапирганда чечанлигига ўзи қойил қолаётгандай бўлади.

Студентлар мажлислар залига келганида, бу ерда ўқув вилоятининг мутавалиси, унинг ёрдамчиси, профессорлар, ўқитувчилар бор эди. Қаторлар орасида ўғринча аланглаб, жосуслар изғиб юришибди. Ректор Андреевскийнинг куйиб-пишишига, мутавалининг қулоғига нималарнидир шивирлаб, хушомад билан жилмаяётганига, қамоққа олинганларни қоралаб, лаънатлаганларнинг ҳаммаси шоша-пиша биринчи қаторларга жойлашиб олганига қараб суиқасдчиларга ҳайрихоҳлар алланечук ёмон бир гап бўлишини англашди. Улар галеркага жойлашиб олишди — бу ердан норозиликларини ифодалаш осонроқ эди.

Ректор Андреевский шоша-пиша минбарга чиқди, залдаги шовшувнинг тинишини кутиб турди, сўнг театр саҳнасида гапираётгандек ясама кўтаринкилик билан бошлади:

— Муҳтарам жаноблар, сизларни тўлаганимдан мақсад шулки, университетимизнинг бошига тушган даҳшатли мусибатдан бу ерда — сизларнинг орангизда лоақал жиндай бўлса-да, таскин топмоқчиман. Биламан, бу мусибат мени қандай эзаётган бўлса, сизларни ҳам шундай эзмоқда...

Галеркадан биров баланд овозда қичқирди:

— Йўқ!

Залда шовқин кўпди — у ё таажжубнинг, ё қўрқувнинг белгиси эди. Ҳамма овоз келган томонга ўгирилиб қаради. Жосуслар ҳаракатга келиб, галерка томонга йўл олишди.

— Биламан, — деб давом этди ректор тинчлик чўкишини кутиб ўтирмай, — мен гапирадиган гапларимда ҳаммамизга баравар мансуб бўлган умумий фикрни, ҳаммамизнинг қалбимиздаги ғазаб ва мусибат туйғусини ифодалайман...

— Ёлғон бу! — деб қичқирди бу гал бир неча овоз.

— Аммо ҳаммамизнинг кайфиятимиз учун умумий бўлган ана шу муштаракликдагина, — деб давом этди Андреевский овозини баланд кўтариб, (у ҳеч нарса эшитмагандай қиёфада эди.) — мурасага келиб

*Ҳеч қачон келмагани  
бу қадар дунёвий инсон,  
Владимир Ульянов каби.*

**Пабло НЕРУДА.**

бўлмайдиган нарса билан мураса қилиш воситасини, шарманда бўлган муассасанинг номини оқлаш ва поклаш воситаларини излаш мумкин...

— Бўхтон!— деб қичқирди бир неча овоз.— Биз фахрланамиз!

Қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-сурон бошланди. Университет раҳбарларининг тарафдорлари норозилик овозларини босиш учун жонжаҳдлари билан қарсак чала бошладилар.

— Петербург университетининг учта студенти қамоққа олингани ва уларнинг ёнидан бомба топилгани ҳақида ҳукумат ахбороти бўлмаганида,— деб қоғозга қараб ўқишда давом этди Андреевский қарсаклардан руҳланиб,— мен бу ҳақда биров гапирса, унга ишонмаган бўлардим. Ишонмаган бўлардимгина эмас, бу гапларни даҳшатли тухмат деб билардим. Бу хабар — даҳшатли хабар, университетимизга келтирилган шармандалиги жиҳатидан ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган хабар...— Андреевский нафасини ростлаб давом этди.— Мана шу ҳаммамиз учун мусибатли кунларда фақат бир нарсадан таскин излайлик...

— Йўқ! Йўқ!— деган овозлар янгради галеркадан.

— Бутун университетимиз, барча профессорлар ва ҳамма студентлар,— деб гапирди ректор галеркадан янграётган овозлардан устун келишга уриниб,— яқдиллик билан тождор ҳомийимиз, давлатпаноҳ император аъзамларининг пойи муқаддасларига садоқатимиз ва муҳаббатимизни, бизнинг қалбларимизни илтиб турган содiқ фуқаролик туйғуларимизни баҳшида этамиз.

— Шармандалик! Уят!— деган овозлар эшитилди, аммо улар университет раҳбарларининг югурдаклари кўтарган шовқин-сурон остига кўмилиб кетди. Улар ректорни маъқуллаб қичқирди, зўр бериб қарсак чалишарди. Галерка ҳам бўш келмади, у ерда студентлар полни тапиллатиб, қичқира бошлашди:— Хоинлар! Малайлар! Лаънат сизга! Озодлик курашчиларига шон-шарафлар!

Галеркага «тартиб сақловчилар» югурди, муштлаш бошланди. Залда бир оз тинчлик ўрнатилгандан кейингина Андреевский подшо номига ёзилган мактубни ўқий бошлади:

«Император аъзамлари, давлатпаноҳ ҳазрати олийлари! Уч бадкирдор, бахтга қарши...

— Бахтимизга! Бахтимизга!— деб қичқирди яна кимдир галеркадан.

— Санкт-Петербург университетига студент бўлиб олиб, жиноят-корона бирлашуви ва ёвуз суиқасдда иштироки билан университетга чидаб бўлмас шармандалик келтирди. Мушкул, мусибатли, чорасиз аҳволда қолдик! Бу мусибатли кунларда Санкт-Петербург университети, унинг барча профессорлари, ўқитувчилар ва студентлари...»

«Ҳукумат ахбороти»нинг муҳбири университетдаги йиғилиш ҳақида хабар берар экан, норозилик овозлари ҳақида бирон оғиз ҳам гап айтмади. У ўз ҳисоботини шундай тугатди. «Ректорнинг нутқи давомли қарсаклар билан бўлиниб турди. Унинг нутқи тугагандан кейин эса студентлар гимнни куйлашди. Қўшиқ сўнгида қудратли «Ура!» садоларидан университет деворлари ларзага келди».

Аммо Андреевскийнинг шармандали нутқи ҳақиқатда қандай кутиб олингани, бари бир, ҳаммага маълум бўлди.

Ҳар қалай ректор мана шу дағал қилиққа эътибор бермай, нутқини давом эттиришга ақли етди. Студентлар революционерларни суриб олиб бориб деворга қисиб, анча эзгилашди. Шундан кейин уларнинг биттаси ҳатто бетоб бўлиб қолди... «Ҳозирги вақтда... деб ёзди Арапова бир неча кундан кейин,— хабардор одамларнинг айтишича, норозилик билдирганлар унча оз эмас экан, ҳуштаклар ҳам кўп чалинибди, нутқ тез-тез бўлиниб турибди, бир гал эса етти минут давомида жуда тўполон бўлибди».

Андреевскийнинг нутқи давомида студентлар билдирган норозиликдан подшо ҳам хабар топган. У университет мактубининг четига ёзиб қўйибди: «у (яъни университет) ўз садоқатини қоғозда эмас, амалда кўрсатади деб умид қиламан».

Бирлашган Петербург студентлари иттифоқи ўша куни кечасиёқ хитобнома чиқарди. Унда ғазаб ва норозилик билан шундай деб ёзилганди:

«Кеча 6 март куни Санкт-Петербург университети шарманда бўлди... У ўз ректорининг оёқлари остида шармандаларча эмаклар юрди ва ўзининг энг яхши байроқларини шу оёқ остига ташлади. Энг яхши анъаналарни қора балчиққа булғади, бу анъаналар университетнинг беагани, қудрати эди...

Биз эса ўз томонимиздан барча ўртоқларимизга ва бутун рус жамиятига маълум қиламизки, подшо номига мактуб йўллашга сира ҳам розилик берганимиз йўқ, биз минглаб қурбонлар қони туфайли муқаддас бўлган анъаналаримиздан чекинганимиз йўқ ва чекинмаймиз, биз доимо ҳақиқатни ўзимиз тушунган ҳолда ижтимоий шаклда мужассам бўлишига интилганмиз ва бундан кейин ҳам интиламиз, ҳамиша ҳақиқатни топиш, тушуниш ва севишни ўрганамиз; иш бўйича ўртоқларимизни, қалбан биродарларимизни, қурбон бўлган курашчиларни ҳеч қачон қораламаганмиз ва қораламаймиз, уларнинг шаънига доғ туширмаймиз, лекин уларнинг маънавий юксакликлари қаршида бошимизни эгамиз ҳамда улардан қандай севмоқ ва қандай курашмоқ кераклигини ўрганамиз...

Петербург студентлари орасида унинг энг яхши қисми ижтимоий ҳаётда ҳақиқат ва эркинликни излаб, ўзининг покиза эътиқодларига хизмат қилиб, улар учун машаққат чекиб ва жон фидо қилиб, ҳамиша яшаб келган, ҳозир ҳам яшамоқда ва бундан кейин ҳам мангу яшайди».

Ун учинчи март куни, яъни Андреевскийнинг нутқидан бир ҳафта кейин полиция маҳкамасининг директори Дурново ички ишлар министри Толстойга йўллаган маълумотномасида шундай ёзди: «Санкт-Петербург университетининг студентлари ҳамон тинчиганлари йўқ: масалан, кеча VII аудиторияда эркин тингловчи Чудиновни калтаклашибди. У суиқасдчиларнинг қамалишини маъқуллаган. Уни урган одамлар ҳақида изоҳат бериш учун Чудинов эртага менинг ҳузуримга келди: Махфий маълумотларга қараганда, ректорнинг деразаларини синдиришмоқчи. Зоҳиран университетда тартиб бузилаётгани йўқ. Беш кишини бадарға қилиш мўлжалланяпти... Уларнинг душманлик ҳаракатларида иштирок этгани озми-кўпми тасдиқланган».

## 5

Вера Васильевна Кашкадамовага мактубни дарс олдидан олиб келиб беришди. У мактубни ўқишга улгура олмади. Конверт устига мактубни ким юборганлиги ёзилмаган эди. Лекин Кашкадамова ёзуви-

*Ленин!  
Бу исм оловли ҳарфлар ила  
Ёзилмиш ишчи синфининг  
Каттакон ва пок қалбига!*

**Бертольд БРЕХТ.**

га қараб таниди: мактуб Петербургдан, Мария Александровнанинг жияни Песковскаядан.

Дарсини тугатиб, Вера Васильевна ўқитувчилар хонасига қайтиб чиқди ва конвертни очди. Мактубнинг биринчи сатрларига кўз югуртирдю, кўзларига ишонмади. Нима деб ёзаяпти ўзи? Саша билан Аня қамалибди, уларни давлатпаноҳга қарши суиқасд тайёрлашда айблашаётган эмиш... Вера Васильевнанинг юраги ўйнай бошлади, кўз ўнгида ҳарфлар қоришиб кетди.

— Вера Васильевна, нима бўлди?— деб унинг ёнига югуриб келди бир муаллима.— Мазангиз қочдимми?

— Йўқ... Майли... Утиб кетади ҳозир...

Қўнғироқ чалиниб ҳамма ўқитувчилар хонасидан чиқиб кетгач, Вера Васильевна яна мактубни олди-да, қайтадан ўқиб чиқди. Песковская болаларининг қамалгани ҳақидаги хабарни Мария Александровнага ётиги билан айтишни илтимос қилганди. Бундай даҳшатли хабарни меҳрибон Мария Александровнага қандай етказлади? Йўқ, унинг қўлидан келмайди. Мария Александровна ҳали эрининг вафотидан кейин ўзини ўнглаб олгани йўқ. Аня ва Сашанинг қамалиши — дард устига чипқон бўлади. Қамалиш сабабини айтмайсизми — суиқасдда иштирок этгани учун-а! Мария Александровнанинг бутун умиди шу икки тўнғичидан эди. Қечагина гапирган эди-я:

«Ҳадемай Саша университетни тугатади. Менга анча енгил бўлиб қолади. Лекин негадир анчадан бери хат ёзмаяпти. Касал бўлиб қолмадимикин?..»

Эй, парвардигор, нима қилиш керак? Бутунлай айтмай қўяқолса, бўлмайди. Бари бир Мария Александровна болаларининг қамалганини эшитади. Яхшиси, бундай қилгани маъқул: Мария Александровнага бу даҳшатли хабарни ётиги билан қандай етказиш тўғрисида Володя билан маслаҳатлашади. Ҳозир гимназияда дарслар охирлаб қолди. Вера Васильевна гимназияга Володяни айтиб келиш учун одам юборди. Володя қувноқ, шодиёна кайфиятда югуриб келди. Унинг юмалоқ юзлари қизариб кетган, кўнғир кўзларида хушнуд учқунлар порилларди. Аммо йиғлайвериш шишиб кетган Вера Васильевнани кўрди-ю, унинг ҳам қовоғи осилди.

— Сизга нима бўлди, Вера Васильевна?

— Володя, тинчлан, ўзингни бос.

— Менга ҳеч нарса қилгани йўқ. Тинчман.

— Сизнинг... оилангизнинг...— дудуқланиб бошлади Вера Васильевна. У айтмоқчи бўлиб гайёрлаб қўйган ҳамма гапини бутунлай унтиб қўйганди.— Бошингга катта бахтсизлик тушди...

— Ойимга бир гап бўлдими?— деб хитоб қилди қўрқиб кетган Володя ва эшикка отилди.

— Йўқ, йўқ!— уни зўрға тўхтатиб қолди Вера Васильевна.— Саша билан Аня... Гапиргани тилим бормаяпти. Мана, ўзинг ўқи...

Володя мактубни олиб, тезгина кўз югуртириб чиқди, кейин қайтариб ўқиди, қошлари чимирилди, кўзлари қисилди. У мактубдан кўзини узмай, анчагача индамай қолди. Ранги оқариб кетди, лаблари маҳкам қисилди, ўзи ҳам бутунлай ўзгариб кетгандек бўлди — энди у аввалги ўйинқароқ, қувноқ бола эмас, муҳим масала устида чуқур ўйга толган балоғатга етган киши эди. Вера Васильевна учун сира қутилмаган нарса шу бўлдики, Володя қўрқиб кетмади, ўзини йўқотиб қўймади.

— Масала жиддий,— деди у узоқ давом этган кескин сукунатдан кейин,— Саша учун бунинг оқибати ёмон бўлиши мумкин.

Бу сўзларни эшитиб Вера Васильевна ҳайрон қолди. Володя унга ҳамиша беғам ва беташвиш боладай кўринарди. Вера Васильевна бу даҳшатли хабарни у шу қадар мардона кутиб олади ва унинг аҳамия-

тини шунчалик соғлом баҳолайди деб сира ҳам ўйламаган эди. У Володянинг гапини тинглар экан: «Жуда улғайиб қолибди-ку!» деб ўйлади. Сўнг Володяга деди:

— Володя, билмадим, бу гапни онангга...

— Онамга ўзим айтаман,— деди Володя қатъий оҳангда.

— Яхши,— деб жавоб берди Вера Васильевна. Бу оғир ишдан уни халос этгани учун у Володядан мамнун эди.— Бироқ... Онангни тайёрлаш керак, Володя. Сен унга менинг мактуб олганимни айт... Ҳа, ҳа, айтгинки, бу хатда Саша билан Аня ҳақида ҳам гап бор экан дегин. Уларнинг қамалганини айтсанг ҳам майли, лекин нимада айблашаётганини айтма. Кечқурун мен бораман. Ушанда бир амаллаб ҳамма гапни айтиб берармиз...

— Вера Васильевна, мен ҳеч қачон онамга ёлғон гапирган эмасман. Бундан кейин ҳам гапирмайман,— деб жавоб берди Володя қовоғини солиб.— Марҳамат қилиб, менга хатни беринг. Бу гапларнинг ҳаммасини онамга қандай айтишнинг иложини қиламан. Аминманки, шундай қилсак, яхшироқ бўлади...

— Йўқ, йўқ, хатни сенга бермайман. Онангга нима десанг, майли, деявер, лекин хатни бермайман. Мактуб уни адои-тамом қилади.

— Вера Васильевна, сиз онамни билмас экансиз.

— Бўлса бордир,— деб хафа бўлиб лабларини чўччайтирди Вера Васильевна.— Эҳтимол. Лекин, бари бир сенга хатни бермайман. Сендан жуда ҳам ўтиниб сўрайман — онангга эҳтиёт бўл. Илья Николаевичнинг вафотидан кейин у ҳали ўзига келгани йўқ. Бу янги мусибат уни бутунлай ҳалок этиши мумкин. Ҳолбуки, бутун оила унинг қўлига қараб қолган. Шуни унутма — бутун оила-я!..

Вера Васильевнага гап уқдириб бўлмаслигини Володя тушунди ва у билан тортишиб ўтирмай, чиқиб кетди. Куёш чиқиб турар, лекин совуқ эди. Свияга дарёсидан юзни чимчилаб изғирин эсмоқда. Бошқа кунлари Володя тезроқ уйга етиб олиш учун югуриб кетган бўларди. Бунинг устига, бу ерда кўча нишоб эди, истамасанг ҳам, оёқларинг тезлаб кетаверади. Бироқ бугун у уйга ошиқмади. Аста юриб, ўйланиб кетди. Ўйлаганда ҳам Саша билан Анянинг қамалган хабарини онасига қандоқ етказишни эмас, унга нима деб маслаҳат беришни, опаси билан акасига қандай ёрдам бериш мумкинлигини ўйлади. Бу ерда — Симбирскда ўтириб, албатта, ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Петербургга бориш керак. Саша акаси шунақа экан-да! У бўлса ўтган йили ёзда Саша ҳар хил чувалчанглар билан олишиб юрганини кўриб, ундан революционер чиқмайди, деб ўйлаган эди. Володя акасига ачинди. Айни чоқда у Сашанинг курашчи революционерлар сафидан ўрин олганидан фахрланди. Лекин у нега террористларга қўшилдийкин? Ахир, Александр II нинг ўлдирилишидан ҳеч қандай наф бўлмаганини у кўрган эди-ку? Маркс кўп нарсада кўзимни очди деб ўзи айтганди! Балки мактубда ёзилганидек, иш у қадар хавфли эмасдир.

Даҳлизда ечинатуриб, Володя емакхонада тикув машинасининг тириқлашини эшитди. Демак, ҳориб чарчамас онаси Митяга кўйлак тикипти. Отаси ўлгандан кейин, айниқса унинг иши кўпайиб кетди. Она-

*Ленин ўтмишни ва келажакни кўра билган инсон эди.  
Унинг диққати ўтмишга ва келажакка қаратилган эди.  
Ленин — бу тарихнинг кўзидир.*

**Кришан ЧАНДР.**

си бир дақиқа ҳам ишсиз ўтирмайди. Володя унга ёрдамлашишга ҳаракат қилади, лекин шундай бўлиб чиқадики, онаси ҳар гал сездирмасдан Володядан олдинроқ ишни битиришга улгуради. Володя таъна қилса, ҳар гал битта жавобни беради:

— Ҳадемай аттестатга имтиҳон берасан...

Ўз хонасида бир оз ўтириб, Володя пастга тушди. Онасининг ёнига келди — у ҳамон машинада тикишда давом этарди — секин елкасидан қучди. У камдан-кам бу тарзда эркаланарди. Онаси бугун ўғли алланечук бошқача кайфиятда эканини ҳис қилди ва ишини йиғиштириб унга ўгирилди. Угирилиб, меҳрибон ва майин табассум билан қаради, бироқ унинг тошдай қотиб қолган чеҳрасини кўриб, ташвишланиб сўради:

— Бир нарса бўлдимми?

— Ҳа, ойи. Ҳозир Вера Васильевнанинг олдидан келяпман. У Петербургдан Песковскаялардан хат олибди. Хатда...

— Аня касал бўлиб қолибдимми?

— Йўқ, ойи...

— Сашами?

— У ҳам саломат, лекин... Ойи, Вера Васильевна ҳамма ҳақиқатни айтмаслигимни илтимос қилганди. Лекин мен ундай қилмайман. Саша билан Аня қамоққа олинибди.

— Қамоққа олинибди? Нима учун?

— Песковскийларнинг гапига қараганда, иш жиддий, — деб давом этди Володя бир оз сукутдан сўнг, — улар подшога суиқасд тайёрлашда айбланишади...

Мария Александровна оҳ урмади, фиғон солмади, фақат ранги кум ўчиб, ўтирган жойида гандираклаб кетди. Володя уни авайлаб, ушлаб қолди. Ўзини қўлга олиб, ўрнидан турди-да, қаҳр билан сўради:

— Мактуб қани?

— Вера Васильевна бермади...

Мария Александровна ҳеч нарса демай, кийиниб чиқиб кетди. Вера Васильевна унинг келишини сира кутмаганди — ўзини йўқотиб қўйди. Кейин Володя ҳамма гапни айтиб берганини англаб, кўзида ёш билан, қучоқ очиб унга талпинди, лекин Мария Александровна қўл ишораси билан уни тўхтатиб, бўғиқ овозда сўради:

— Марҳамат қилиб, мактубни кўрсатинг.

Вера Васильевна унга мактубни берди. Мария Александровна уни бир неча марта қайтариб ўқиди-да, хотиржам ва қатъий оҳангда гапирди:

— Мен бугуноқ Петербургга жўнайман. Марҳамат қилиб, болаларимдан хабар олиб турсангиз.

Шундай деб, чиқиб кетди.

## 6

Тинтув вақтида Андреюшкинникидан бир хат чиққан эди. Унда Пахом сафсар сиёҳ билан ёзган эди: «Мен Сизнинг хатингизни тушунмадим, темирга солиб роса уютдим, лекин фойдаси бўлмади. Бу қандоқ бўлди? Менинг сўнгги хатимни олдингизми? Онам олиб бориб берган бўлиши керак. Унинг мазмуни ҳақида ҳеч кимга оғиз оча кўрманг. Ҳатто, Раиса билан Женькага ҳам индаманг. Улар ҳеч нарса билмайди. Бу ишларга ақли етмайди. Агар уч кун ичида (3 мартгача) ишимиз ўнгидан келмаса, уни ё кечиктирамиз ёхуд унинг кетидан борамиз. Авдотья Федоровнага бериб қўйиш учун хатни Анна Григорьевнанинг номига ёзинг. Ҳозирча хайр. Фаросатни ишга солсангиз, хатнинг ишқий



қисмидан баъзи нарсаларни топишингиз мумкин. Адресингизни маълум қилинг. Аввалги гал йўқотиб қўйдим. Хатни онам орқали ёзипман».

Бу хат кимга аталганини Андреюшкин айтмади. Сердюкова бўлса, унинг қамалганидан беҳабар, март куни унинг аввалги хатига жавобан телеграмма юборди: «Сиз жавоб бермаслигимни илтимос қилибсиз. Хатни олиб, бутун бир абадиятни бошдан кечиргандай бўлдим. Ҳа. Жавоб беринг. Қомаҳина». Соқчилар хатда тилга олинган Раиса Ульянко билан Женя Хлебниковани қидириб топди. Уларга телеграммани кўрсатишганда, улар телеграммани Сердюкова юборганини айтишди. Сердюковани бетўхтов қамоққа олишди ва Петурбургга олиб боришди. Уни тайёрланаётган суиқасддан хабардор бўла туриб, бундан полицияни огоҳ қилмаганликда айблашди.

Аня дастлабки қамоқ уйида эди. У ернинг шароити Петропавловск қалъасидагидан тузукроқ эди. У деворни тиқиллатиб гаплашишни ўрганиб олди, аммо бу ҳам ишнинг бориши ҳақида унга ҳеч қандай маълумот бермади. Вильнодан келган телеграмма ҳақида сўроқ қилар экан, прокурор Котляревский сўради:

— Бу телеграмманинг ҳақиқий маъносидан хабардормисиз?

— Йўқ,— деб самимий жавоб берди Аня.

Прокурор анчагача индамай қолди, кейин овозини пастлатиб деди:

— Унда император аъзамларининг ҳаётига суиқасд қилгани бомба тайёрлаш учун азот кислотаси юборилгани маълум қилинган. Укангизнинг қўлида қандай қурол бўлганлигини энди тушундингизми? У сизни даҳшатли хатарга дуч қилибди.

Аня нима деб жавоб беришни билмай қолди. У Саша билан телеграмма тўғрисида гаплашган гапини эслади. Қандай қилиб ўша пайтда ҳеч нарсани тушунмаган экан-а? Сашанинг хулқ-атворидаги кўп нарсалар унга ғалати туюлганди-ку? Шевирев билан Говорухиннинг хулқ-атвори янада ғалатиروқ эди.

— Шевирев Қримга жўнаб кетган, Говорухин чет элга қочган, жанг майдонида укангиз ёлғиз жангчи бўлиб қолган,— деб давом этди Котляревский.— Аҳволи ана шунақа. Ҳамма ундан юз ўгирган. Шунинг учун ҳам сизнинг очиқ, ҳаққоний кўрсатмаларингизгина унга мадад бериши мумкин...

— Сизга яна бир бор айтаман: мен ҳеч нарса билмайман.

Аняга икки марта Сашага хат ёзишга рухсат беришди. Афтидан, шу йўл билан бирон нарсани билиб олишмоқчи бўлган кўринади. Аммо бундан ҳеч нарса чиқмади. Шундан сўнг ёзишмани тақиқлаб қўйишди. Биринчи мактубда Аня Сашанинг озодлик ва ҳақиқат ҳақидаги ўз ғоялари учун қандай фидокорлик ва матонат билан ҳаёт-мамот жангига кирганига лол қолиб, шундай ёзганди: «Дунёда сендан яхшироқ, сендан олижаноброқ одам йўқ. Буни сенга ёлғизгина мен опанг сифатида айтмайман. Буни сени билган одамларинг ҳаммаси айтади, менинг қуёшим!» Бу хатни қамоқ ходимлари фитнакор деб топишди ва Александр Ильичга беришмади.

*Лениннинг сўзи ва маслаҳатлари, ташкилотчилик истеъдоди ва даҳоси халқимизнинг озод этилишида муҳим ғоявий қурол, беназир дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.*

**АЛ-БАЕТИЙ.**

Мартнинг биринчи кунлари қамоққа Никонов билан учрашгани синглиси келди. У билан ўпишатуриб, синглиси шивирлади:

— Александр Ильич билан Соҳибжамол қамалган...

Никоновлар оиласида Соҳибжамол деб Лукашевични аташарди. Энди модомики, подшонинг ўлими ҳақида ҳеч қандай гап-сўз йўқ экан, икки асосий суиқасдчи қамалган экан, суиқасднинг фош бўлганига ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаган эди. Бу фош бўлишнинг сабабини топмоқчи бўлиб, Никонов кечалари билан ўйланиб чиқди. Биринчи фикр — «бировайтиб қўйган» деган фикр бўлди. Ким бўлиши мумкин?

Бир куни Никоновни сайрга олиб чиқишди. Унга иккита шубҳали одам рўбарў келди. Улар назоратчининг кузатувида зинадан чиқиб боришарди. Кўринишларидан фаррошга ўхшарди. Никонов билан бараварлашганда, ўтиб кетгунча кўзларини олмай, унга тикилиб қарашди. Бу одамларнинг Никоновни кўрсатиш учун олиб келишгани шубҳасиз эди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин қамоқ ҳовлисида Андреевнинг қаҳвахонасида ишлайдиган хизматкор пайдо бўлиб қолди. Никонов бу қаҳвахонада Ульянов билан учрашиб турарди. Демак, хизматкорни ҳам Никоновни кўрсатишга олиб келишган. Демак, унинг суиқасдда иштирок этгани масаласида полицияда аллақандай шубҳалар бор. Лукашевич билан Ульянов уни айтиб берган бўлиши мумкин эмас. Демак, яна кимдир қамоққа олишган. Кимни?

Ҳақиқатдан ҳам, на Ульянов, на Лукашевич унинг тўғрисида бирон оғиз гап айтишганди.

## 7

Симбирскка темир йўл бормаган эди. Петербургга бориш учун отдан Сизранга етиб олиш керак эди. Сафар жуда толиқтирувчи эканидан ташқари, қиммат ҳам эди. Сизран станциясига бормоқчи бўлган одам извош кира қилишдан ташқари, одатда, ҳамроҳ ҳам изларди. Володя ҳам онасига ҳамроҳ қидира бошлади. Аммо Петербургда Ульяновларнинг қамалгани ҳақидаги хабар шаҳарга тарқалиб бўлган эди. Давлат жиноятчиларининг онасига ҳамроҳ бўлишни ҳеч ким истамади. Ҳеч иш чиқаролмай, уйига қуруқ қайтган Володя онасига норозилик билан деди:

— Бу одамларнинг ҳаммаси майда ва кўрқоқ экан. Уларнинг ясама илжайишларини кўриб, кўнглим беҳузур бўлиб кетди. Сиздан ўтинаман, ойи, ёлғиз кетаверинг. Афсус, отамиз йўқ, ҳозир ўз дўстларини бир кўриб қўйса бўларди. Мунофиқлар!

Ортиқ ҳамроҳ қидиришмади. Мария Александровна ёлғиз жўнаб кетди. Қор аралаш ёмғир уриб турибди, йўллар тизза бўйи лой. Извош ҳадеганда лойга ботиб, тиқилиб қолади. Бироқ, Аня билан Сашанинг қисматини ўйлаб бораётган Мария Александровна бу ноқулайликларнинг ҳеч қайсисини сезмас эди. Гоҳ унинг назарида, у Петербургга етиб боргунча, болалари қатл қилинадигандек туюларди, гоҳ эса уларни қутқариб қолишга умид пайдо бўларди. Тезроқ! Тезроқ ўша ерга етиб олса бўлгани!

Онасини кузатиб, Володя уйда бош бўлиб қолди. У зиммасидаги ташвишлар ортиб кетганини дарҳол ҳис қилди. Шаҳарда бир-бирдан мудҳишроқ миш-мишлар авж олди. Одамлар Ульяновларнинг уйига яқинлашганда, кўчанинг нариги бетига ўтиб, «худоё ўзинг асра» деяётгандай, чўқиниб олишарди. «Ульяновларнинг уйда тинтув вақтида полиция ўқ-дори омбори топибди» деган гап ҳамманинг оғзида бўлгандан кейин чўқинмай нима қилишсин. Ҳақиқатда эса, Ульяновларнинг

уйида тинтув-пинтув бўлгани йўқ. «Ульяновларнинг уйини полиция мутасил кузатиб турибди, ким келса ёзиб оляпти», деган овозалар тарқади. Қора рўхатга тушишдан қўрқиб, деярилик ҳамма танишлар Ульяновларнинг уйдан оёғини тортиди.

Шу кунларда Ульяновларга содиқ қолган уч-тўрт одам ичида Вера Васильевна Кашкадамова ҳам бор эди. Мария Александровна жўнаб кетганидан кейин у Москва кўчасидаги уйга тез-тез келиб турди. Володя дилтанг ва камгап эди. У гимназияга дарсларни қолдирмай қатнаб турибди. Ҳар доимгидек дарсларни ҳаммадан яхши тайёрлайди. Симбирск зодагонларининг хумкалла ўғиллари Владимир Ульянов энди пешқадам ўқувчиликдан тушиб, орқада қолиб кетади, деб ўйлашган эди. Уларнинг қора нияти хомхаёл бўлиб чиқди. Шундан кейин улар акасининг қисматини пеш қилиб, Володяга пичинг-кесатиклар қила бошлашди.

Ўқувчиларгина эмас, баъзи ўқитувчилар ҳам «акангнинг аҳволини қара!» деган маънода таъна-дашном беришдан ўзларини тия олмадилар. «Биз унга олтин медаль бергандик, у бўлса, юзимизни ерга қаратди. Подшонинг ўзига қўл кўтариб ўтирибди-я!..»

Бунақа содиқ фуқарочилик мулоҳазаларини эшитиб, Володя кўпинча индамай қўя қоларди. Бироқ, тоқати тоқ бўлиб кетган дамларда хотиржамлик билан гап қайтарарди:

— Ҳамманинг эсида бўлса керак, олтин медални акам ўқишдаги ютуқларига яраша олган...

Дарсини тайёрлаб бўлиб, Володя кенжатойларнинг — синглиси Маняша ва укаси Митянинг олдига борарди. Онасини жуда соғинган кенжатойлар акаларининг келишини интиқ бўлиб кутишарди.

Вера Васильевна бир неча бор Володя билан ёлғиз қолиб, Саша ҳақида гап бошлашга уриниб кўрди. У Сашани қандай жазолар кутаётгани ҳақида ҳар хил тахминларни айтди.

— Улар бомба кўтариб юришган холос,— деб такрорлади у қисқарган газета хабаридан билиб олган гапини.— Улар ахир, ҳеч кимга зиён-заҳмат етказганлари йўқ. Суд буни эътиборга олиши керак. Шундайми, Володя?

— Билмадим,— деб қисқа жавоб берди Володя. Қуруқ фол очишга унинг иштиёқи йўқ эди. Бир оз қовоғини солиб туриб, деди:— Бизнинг судларимиз қандай буюрилса, шундай жазо беришади.

— Уҳ!— деб хўрсинди Вера Васильевна.— Қандай қилиб, Саша ана шу даҳшатли ишга қўл урдикин? У ҳамма вақт етти ўлчаб, бир кесадиган доно йигит эди. Йўқ, йўқ! Унинг бундай даҳшатли ишда иштирок этганини ҳануз калламга сиғдиролмайман. Буларнинг бари унинг ўзига ҳам, оиласига ҳам қандай мусибат олиб келишини у шунча ақли билан тушунмаслиги мумкин эмасди-ку! Шундай эмасми? Нега индамайсан, Володя?

— Мен сизга бир марта айтдим. Яна такрорлайман. Демак, у шундай қилмоғи керак бўлган.— Сўнг бир оз жим қолиб, чуқур ишонч билан гапини тугатди:— Демак, бошқа иложи бўлмаган.

## 8

Шевиревни еттинчи мартдагина қамоққа олишди, Ялтадан Петербургга эса ўн тўртинчи мартда олиб келишди. Унинг суиқасда иштирок этганини Канчер, Горкун ва Волоховлар исбот қилиб беришган бўлсалар-да, у ҳамма нарсани рад этди. Лекин, у бунга ҳеч қандай далиллар келтира олмади. Баъзи ўринларда эса унинг ўжарлиги ошкора бемаъни тус олди. Қамоқ вақтида унинг ёнидан ўткир заҳар солинган шишачани олиб қўйишди. Унга нима учун заҳар керак бўлиб қолди.

деган саволга «Кумурсқаларнинг коллекциясини тўпламоқчиман, ўшаларни ўлдириш учун» деб жавоб берди.

Ун тўртинчи мартдаги биринчи сўроқда у шундай деди: «Давлатпаноҳ император аъзамларининг ҳаётига суиқасд қилишда мен ҳеч қайси йўсинда иштирок этган эмасман. Бу масалада ўзимни айбдор деб билмайман. Суиқасд тайёрланаётгани ҳақида ҳеч нарса эшитмаганман ва ҳеч нарсадан хабарим йўқ: революцион партияга мансуб эмасман ва революцион этиқодларга тарафдор эмасман».

Бу ўжарлиги билан у ўзини оқлаяпман деб ўйларди, аслида эса, айбини баттар оғирлаштирмоқда эди. Мана шу далил-исботсиз ҳамма нарсани рад этиши туфайли терговчилар Шевиревни «Жиноятнинг ҳақиқий раҳбари» деб тан олишга мажбур бўлди.

Шевирев кўрсатмаларида ҳамма нарсани чалкаштириб юборди, кўпинча гапи гапига тўғри келмай қолди. Масалан, у суиқасдга хайрихоҳ бўлмасам-да, унда иштирок этиш ҳақидаги Говорухиннинг таклифини Канчер ва Горкунга етказганман, деб тан олди. (Аслида эса уларни ишда иштирок этишга ўзи таклиф қилганди.) Ундан «нега ахир, бировнинг таклифини етказишни зиммангизга олдингиз?— деб сўрашганда, ўша пайда бунинг маъносига тушунмабман», деб жавоб берди. Умуман, эса буни «ғайри одатий ҳодиса» деб эътироф этди.

Биринчи сўроқларда Лукашевич ҳам ҳамма нарсани инкор этди, аммо кейинроқ эса эҳтиёткорлик билан ҳар жиҳатини пухта ўйлаб кўриб, рад этиб бўлмайдиган нарсаларни тан ола бошлади. Ульянов уни ўз панасига олаётганини, унинг кўпгина айбларини ўзиники деб иқроф этаётганини у англади, бироқ бунга қаноат қилмай, ўзи ҳам Ульяновнинг панасига яширина бошлади. Еттинчи мартдаёқ у тўғридан-тўғри шундай кўрсатма берди: «Мен билан Ульянов ўртасида суиқасд ҳақидаги гаплар тахминан 1 ва 2 февраль оралиғида бошланди». Лукашевич бу билан ўзини суиқасдга тайёргарликка Ульянов жалб этганига усталик билан шама қилган эди. Бошқа кўрсатмаларида ўзи ташаббускор бўлган ишларнинг ҳаммасида у биринчи ўринга Ульяновни қўйди. «Ульяновнинг байрам кунларида,— деб ёзди у,— Петербургдан жўнаб кетганидан хабардорман... Бу сафардан мақсад—нитроглицеринни тайёрлаш бўлган... Александр Ульянов сўнгги пайтларда ўзи тузган программани тезроқ босиб чиқармоқчи бўлган эди... Шу мақсадда у мендан бирон қулай уйни топиб беришимни илтимос қилди...»

Ульяновга нисбатан шундай қилишга унинг жиндай маънавий ҳуқуқи бўлган бўлса бордир, бироқ ўз айбига мутлақо иқроф бўлмаётган Шевиревга нисбатан бундай қилмаслиги керак эди. Холбуки, унинг кўрсатмаларида қуйидаги жумлалар тез-тез учраб туради: «Мен Шевиревга бердим... Шевирев менга айтди... Мен Петр Шевиревдан Петербургда азот кислотасини тайёрлаш жуда сушт бораётганини эшитдим... Шевирев мендан Вильнода... топишни илтимос қилди... Буларнинг ҳаммасини кимдан топиш мумкинлигини Шевирев менга айтгани йўқ...»

Лукашевичнинг бу кўрсатмаларидан терговга Шевирев группа раҳбарларидан бири экани маълум бўлди. Сўнгги пайтларда, айниқса, Шевирев билан Говорухин жўнаб кетишгандан кейин, Лукашевич деярлик ҳамма ишлардан четлашиб қолгани учун, унинг ишдаги ҳақиқий вазифаси Канчер, Горкун ва Волоховга унча маълум эмас эди. Улар уни Ульяновникида бомбаларга динамит жойлаётган вақтидагина кўришган эди. Бомбани китоб шаклида Лукашевич тайёрлагани терговда номаълум қолди, чунки буни фақат Ульянов биларди. У эса айтмади. Шундай қилиб, Лукашевич суиқасднинг фаол иштирокчисидан ёрдамчисига айланди. Уни адашган ёш йигит деб ҳисоблашди. Бу йигит софдиллик билан айбига иқроф бўлиб, тавба қилди. Ўз эсдаликларида

у гўё Ульяновнинг судда унга шивирлаб: «Агар зарур бўлиб қолса, менга тўнкайверинг» дегани ҳақида гапиради. Ульянов шундай деган бўлиши мумкин, чунки ҳатто прокурор Неклюдов ҳам тан олдики, Ульянов ёлғон гапирган бўлса, фақат бир мақсадда — ўзи қилмаган ишни ҳам зиммасига олиш мақсадида ёлғон гапирган. Лекин Лукашевич ўз айбини Ульянов зиммасига суддан олдин, яъни Александр бунга қандай муносабатда бўлишини билмай туриб юклай бошлаган.

Шундай қилиб, аён бўладикки, жаъмики суиқасд раҳбарлари орасида Ульянов энг мардона ва энг принципиал позицияда турган, шунинг учун ҳам тергов уни бутун группанинг бошлиғи деб тан олган. Бу унга судда программ характердаги нутқ сўзлаш учун маънавий ҳуқуқ берган эди. У ҳимоячидан воз кечиб, шундай қилмоққа аҳд қилди.

## 9

Петербург миршабхонасининг бошлиғига фитнакорларни қамоққа олишда иштирок этган барча одамлари билан биргаликда Гатчинога етиб келиш буюрилди. Подшо ўз халоскорларини саҳийлик билан мукофотламоқчи бўлибди. Тўққиз жосус ва иккита миршаб полковник Секеринский билан бирга Гатчино қасрига етиб келишди. Қўрқиб кетган император ҳамон шу қасрга яшириниб олиб, жон сақламоқда эди. Жамиятнинг бу чиқиндиларини Александр III чинакам шоҳона иззатикромлар билан қарши олди. Подшо уларнинг ҳаммасини ўз оила аъзолари билан таништирди, ҳар бирининг бўйнига биттадан «Хизматлари учун» деган олтин нишон тасмасини илди. Кейин ҳар бирига минг сўмдан тутқазиб, деди:

— Бундан кейин ҳам мени эҳтиёт қилинглар...

Жосуслар ўргатилганига биноан, бир овоздан «бажонидил хизмат қиламиз, жонимизни ҳам аямаймиз» деб қичқиришди... Подшо ҳазратларининг ўз ҳалоскорлари билан учрашувидан ҳамма нақадар ҳаяжонга тушиб, хушнуд бўлганини тахт ворисининг кундалигидаги қуйидаги ёзувдан кўриш мумкин:

«Тўққизинчи март. Душанба.

Баҳор бошланди. Тўрғайлар келди. Кун чиндан ҳам илиқ эди. Нонуштадан олдин отам менга 1-март куни студентларни қамоққа олган маҳфий полиция айғоқчиларини таништирди. Улар отамдан нишон ва инъом олишди. Балли, азаматлар!»

(Давоми бор)



# ЛЕНИННОМАНИНГ ИЛК САҲИФАЛАРИ

Октябрь социалистик революцияси жаҳон халқлари ҳаётида тубдан ўзгариш ясади. Революциянинг оламшумул ғалабаси билан биргаликда социализм ва коммунизм ғоялари учун курашадиган янги типдаги санъат, адабиёт ва ижод аҳли дунёга келди.

Социалистик революция, унинг ташкилотчиси ва доҳийси В. И. Ленин образи инқилобнинг дастлабки кунлариданоқ улў бунёдкор куч сифатида адабиёт ва маданият аҳлининг илғор намояндалари эътиборини ўзига жалб қилди. Ватанамиз халқларининг қаҳрамонлик ва шон-шўхратга тўла ҳаёти В. И. Ленин номи билан боғлиқлиги кўпгина ижодкорларнинг бу образга қўл уришларига муҳим омил бўлиб хизмат қилдики, шу тариқа улў Ленин образи туганмас илҳом манбаига айланди. Совет Ленинномаси мамлакатимиз халқларининг кўплаб тилларида янграётганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шу факт билан изоҳланади.

Совет ёзувчилари доҳий образини бадиий акс эттиришда турли йўللardan бордилар. Гарчи улар пролетариатнинг улў раҳбарига хос бўлган доҳийна дунёқарашни тезкорлик билан бирдек англаб етмаган бўлсалар-да, В. И. Ленин образини яратишга катта ҳурмат ва чуқур самимият билан ёндашдилар.

В. И. Ленин образи 20-йиллар адабиётида турли планда ишланди. Яхши асарлар яратилди, юксак бадиий маҳорат намуналари юзага келди. Айни пайтда бу борада бўш асарлар ҳам учраб турди. 20-йиллар Ленинномаси хусусида адабиётшунос Ю. Соболев «Ленин ўз Гомери ва Толстойни кутмоқда», деб ёзган эди. Шунга қарамай, 20-йилларда Ленин темаси совет адабиётининг марказий мавзуларидан бирига айланди. Совет поэзияси Ленин образини яра-

тишда халқ оғзаки ижодининг анъанавий формаларидан тортиб, реал ва ҳаққоний акс эттиришгача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди.

Мамлакатимиз халқлари орзу умидларининг буюк илҳомчисига айланган В. И. Ленин образига турли миллат шоирлари мурожаат қила бошладилар. Ленин ҳақида украин П. Тичина, В. Сосюра, грузин Г. Табидзе, татар Х. Тоқтош, қозоқ И. Жонсуғуров, озарбайжон, Самад Вургун қирғиз Тўхтагул, арман А. Акопян, Е. Чаренц ва бошқалар илҳом билан ёздилар.

Улў Октябрь социалистик революцияси Шарқ халқлари ҳаётида ҳам катта ўзгариш ясади. Ленин Туркистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг инқилобий-озодлик курашига катта аҳамият берди. Ленин номи билан бирга ўзбек тупроғига бахт ва озодлик кириб келди. Шу маънода доҳий образининг Шарқ халқлари эртақ ва афсоналарида, дoston ва ғазалларида тилга олиниши ва куйланиши тасодифий эмасди. Ўрта Осиё халқлари Ленинномасининг ўзига хос томонларидан бири шундаки, Ленин образига илк бора халқ оғзаки ижоди намояндалари мурожаат қилдилар. Бахшилар, оқинлар, жировлар томонидан халқ орасида бир неча йиллар мобайнида яратилган асарларда доҳий ҳар томонлама билимдон, доно, улў мутафаккир, инсонпарвар ва паҳлавон сифатида акс эттирилиши унинг халқ орасида оммавийлашиб кетишида муҳим омиллардан бўлди.

Шарқ халқ оғзаки ижодидаги «Ленин», «Ленин — халоскор», «Искандар ва Ленин», «Ёрнинг бахти», «Ленин сўзи», «Ленин бизни ташлаб кетмади» каби турли жанрларда яратилган асарларда доҳий гоҳ қуёшга, гоҳ афсонавий қаҳрамонларга қиёс қилинади. Бироқ Ленин образи халқ оғзаки ижоди

асарларида қай планда яратилмасин, уларнинг барчасида у халқларни озодликка олиб чиқарувчи, камбағалларни қашшоқликдан қутқарувчи қаҳрамон сифатида гавдаланади.

Фольклор Ленинномасини бойитишда Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли каби халқ бахшилари ўз асарлари билан катта ҳисса қўшдилар.

Ўзбек шоирлари томонидан яратилган Лениннома кўп миллатли совет Ленинномасининг энг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил қилади.

Биз, шубҳасиз, ушбу кичик мақолада барча ўзбек шоирларининг ижоди, Ленин ҳақидаги ҳамма шеърларни кўриб чиқиш ва таҳлил этиш вазифасини ўз зиммамизга ололмаймиз. Бизнинг асосий мақсадимиз Ўзбекистонда шеъринг Ленинноманинг таркиб ва камол топиши, унинг эстетик ва бадиий шаклланиш қонуниятларини муҳтасар қилиб ифодалаб беришдан иборатдир. Чунки ўзбек адабиёти бу соҳада поэтик фактларга ниҳоятда бой бўлиб, уларни батафсил таҳлил қилишнинг иложи йўқ.

Ўзбекистоннинг кўпгина шоирлари улуғ Ленин образига доҳий ҳаёти пайтидаёқ мурожаат қила бошлаганлар. Уларнинг пешкадамларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эди.

Эски дунё кулфатларини тотган, янги олам шодликларидан баҳраманд бўлган шоир инқилобий ўзбек поэзияси ва драматургиясининг асосчиси даражасига кўтарилади. Шоир инқилобий руҳдаги «Биз ишчимиз», «Уйғон», «Яша шўро!», «Берма эркингни қўлдан» каби шеърлари билан биргаликда В. И. Ленин образини ҳам биринчилардан бўлиб яратади. Ҳамза ўзининг «Ленин» шеърида доҳийни бутун дунё пролетарларини бирлаштирувчи ижодкор ва яратувчи куч сифатида тараннум қилади. Шоир доҳийнинг революция жараёнидаги раҳбарлик ролини тўғри англаган ҳолда унинг мангу барҳаётлигини кўради.

Ҳамзадан кейин ўзбек совет адабиётида Сўфизода, Ойбек, Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Уйғун, Собир Абдулла, Боту, Элбек, Ғайратий, Шайхзода, Миртемир сингари шоирлар В. И. Ленинга ва унинг ўлмас даҳосига бўлган ҳурмат ва эътиқодларини қайноқ мисраларда ифода этадилар.

Лениннома саҳифаларини яратишда айниқса 1920 йил муҳим воқеаларга бой бўлди. Шу йили бутун тараққийпарвар инсоният жаҳонда биринчи ишчи-деҳқон ҳокимиятининг улуғ доҳийси туғилган куннинг 50 йиллигини нишонлади. Бу шоирларнинг пролетариат раҳбари образига мурожаат қилишларига туртки бўлди.

Адабий тўпламлар, газета ва журналлар саҳифаларида Д. Бедний, В. Брюсов, В. Маяковский ва бошқа шоирларнинг шеърлари босилиб чиқди. Бу шеърларнинг барчаси, адабиётшунос М. А. Пейсакович таъкидлашича, ўша даврга хос бўлган «революцион-романтик руҳда эди». Бу даврда шоирлар доҳийнинг индивидуал образидан кўра умумлашган, миллионлаб озод меҳ-

наткашлар қиёфасида жамланган образини чизишга интилдилар.

Бу тантанага ўзбек шоирларидан Фақирий, Нозимахоним, Олтойлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Абдураззоқ Фақирий 1920 йили «Зулматни ёндирган машъала» шеърини ёзади. Бунда муаллиф доҳийни Хоразм халқига озодлик ва бахт йўлини кўрсатувчи доно маслаҳатгўй ва доҳий сифатида тасвирлайди, Ленинни фақат улуғ Ватанини озод қилган инсонгина эмас, балки бутун инсониятга янги ҳаёт йўлини кўрсатиб берган раҳбар сифатида ҳам куйлайди. Фақирийнинг доҳий ҳақидаги иккинчи шеъри 1923 йили ёзилган бўлиб, «Ленин ҳақида сўз» деб аталади. Бу шоирнинг доҳий ҳақидаги биринчи шеърининг мантиқий давомидир.

Ойбек учун Ленин мавзуй энг улуғ мавзулардан бири бўлди. Ойбекнинг «Йўқотиш» шеърини ўқир эканмиз, унда шоир доҳий вафотидан жуда қаттиқ изтиробга тушганини ҳис қиламиз. Шоир Ленинни дафн этиш маросимида қатнашган миллионлаб меҳнаткашлар қаторида туриб кўз ёш тўкаётгандай туюлади бизга.

Ботунинг «Ленинга!» шеъри ҳам доҳийнинг мангу барҳаётлигига қатъий ишонч билан йўғрилган. Ленин абадий яшайди, чунки у кўтарган байроқ замин узра мангу порлайди, деб ёзади у. Боту Ленин мавзуйга қайта-қайта мурожаат этиб, «Қайғули кунлар хотираси», «Ленинни хотирлаб» каби шеърларини яратади. Шоир бу шеърларининг ҳар бирида Лениннинг ишлари, ёрқин ғояларининг ўлмаслигини таъкидлайди.

Олтойнинг «Ленин вафотида», Элбекнинг «Хотиралар» шеърлари ҳам шулар жумласидандир. Ленин билан бутун жаҳон хайрлашаётган кунларда унинг қабри ёнида барча совет санъаткорларининг коллектив ҳамдардлик туйғуси юзага келди. Ҳар бир шоир ўз халқи номидан гапирди, халқ мотамини ифода этишга ҳаракат қилди.

Ўзбек Ленинномаси секин-аста такомилга эриша борди. Айниқса, 30-йилларда Ҳамид Олимжон томонидан яратилган асарлар ўзбек совет поэзиясининг катта ютуғи бўлди.

Ҳамид Олимжон мамлакат ҳаётида юз бераётган воқеаларни тарихан тўғри баҳолай олди. У ўз асарларида Ленин ҳақида ҳаяжон ва қалб кўри билан ёзди. Шоирнинг «Доҳийнинг мотами» шеърида халқ, партия ва мамлакат бошига тушган оғир кунларни чуқур қайғу билан ёзади. Халқларнинг доҳийга бўлган муҳаббатини, унинг хотираси инсоният қалбида умрбод сақланажagini ёрқин бўёқларда акс эттиради.

Шоирнинг «1924 йилнинг 22 январида Самарқанд» номли балладаси ўзбек ленинномасида катта бурилиш ясади. Шоир доҳийга хос хислатлар — самимийлик, курашчанлик ва инсонпарварликни янада бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилади. Баллада оддий кишиларнинг бахт учун олиб бораётган курашининг реалистик тасвирини чизади. Ленин ва унинг партияси жабрдийдалар додига етган, унга бахт ва

саодат ато этгани таъсирли лавҳаларда акс этган. Шоир Ленин ҳақида ўзидан олдин ёзган адибларнинг тажрибаларини кенгайтириб, уларнинг ютуқларини чуқурлаштириб, доҳийнинг бир қадар тўлақонли, мукаммал образини яратди.

Умуман олганда, 20-йиллар ўзбек совет поэзиясида янги қаҳрамон, янги мавзу биринчи навбатда В. И. Ленин образи билан бойиди. Доҳий образини яратишда қўлга киритилган ҳаётбахш анъаналар кейинги давр шоирлари томонидан муносиб давом эттирилмоқда.

Зулфия, Ҳабибий, Ҳамид Фулом, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Туроб

Тўла, Темур Фаттоҳ, Ҳасан Пўлат, Шукрулло, Шухрат сингари ижодкорлар бу улуғ мавзуга бағишлаб қатор эҳтиросли, бадиий юксак асарлар яратдилар ва унинг янги қирраларини инкишоф этдилар. Бу асарлар ўзбек Ленинномаси зарварақларидан муносиб ўрин эгаллайди.

Лениннома бадиий ижоддаги ҳаётӣ ва абадий мавзулардандир. Бу мавзуга бағишланган асарлар қанчалик кўплаб ёзилмасин, унинг янги очилмаган қирралари пайдо бўлаверади. Бу ҳол ижодкорларни ҳамиша янги асарлар яратишга илҳомлантиради.

Маҳбуба АББОСОВА.





Гулчеҳра Жўраева



# Зухро Юлдузи

**ДОСТОН**

*Зухро Саидносир  
қизи хотирасига бағишлайман.*

Саккизинчи март. Баҳор. Тантана, байрам,  
Театр биноси, туйғулар шодон.  
Қизлару жувонлар юлдуздай жам,  
Ўзаллар ўлтирар турфа гулсимон.

Менга насиб этди шарафли минбар,  
Негадир нигоҳим излар қуйини.  
Олдинда биргина бўш ўриндиқ бор;  
Балки ўрнимикан Зухробувининг...

□

«Аршидан учди юлдуз,  
Излари ёниқ қолди.  
Шаҳид кетган Зухро қиз,  
Юракларга ўт солди. ...»

Сухан, маърузалар етди поёнга,  
Хар ким ўз ютуғин этди сарҳисоб.  
Офарин ёғилди аёл — Инсонга:  
Яшасин Ҳуррият, Ленин, Инқилоб!

Ва лек, юрагимни тутди аланга,  
Йўқ алангамас ёнган аламин.  
Зинҳор ёйилмасин сокин оламга,  
Бир қўшиқ тебратди яна қаламин...



Шундай байрам эди худди ўша кун,  
 Уша кун қувончининг чеки йўқ эди.  
 Кўчага ёғилган қиз-жувон бутун,  
 Қўшиқлар отилган худди ўқ эди: —

Саккизинчи март,  
 Паранжини торт,  
 Қора чимматни  
 Гулханларга от!..

Шундай байрам эди худди ўша кун,  
 Асрий аламлардан юз бурди ёшлар.  
 Шодликдан, қувончдан чехралар гулгун,  
 Чодирсиз юрмоққа қасд қилди ёшлар.

Санокли бу юзлар... Тўлғанар бидъат;  
 Кимлардир қайроқдай қайралар эди.  
 Очилган юзларга етмаёқ журъат  
 Босган изларидан қайрилар эди: —

Юзни очганига,  
 Ордан қочганига,  
 Китоб олганига,  
 Мактаб борганига,  
 Қўшиқ айтганига,  
 Елғиз қайтганига,  
 Сочни кесганига  
 Шафқатсиз, зулм —  
 Улим, ўлим!..

Бегуноҳ тўкилди, тўкилди қонлар,  
 Қабоҳат уруғин сочди ёмонлар...



Зухронинг кўзини очди бу онлар,  
 Севгимас, қалбини бойлади кураш.  
 Қурбонлар, қурбонлар, қанча қурбонлар...  
 Бўронлар қаърига отди бу оташ!

Биринчи комсомол... Танилган номи,  
 Шўрчида<sup>1</sup> лов этган алвон байроқдай.  
 Бадкорлар лаънатлар йўқ, деб имони,  
 Чечакни эзмоқчи эди олчоқлар.

Худди шундай байрам эди ўша кун,  
 Илк сўз Зухроники, кутади минбар.  
 Дилида борини тўкди ўша кун,  
 У бугун шод эди, бокира, дилбар: —

Шўрчининг шўрини ювмоқ замони  
 Келди онажонлар, опа-сингиллар.  
 Тўрт девор умрнинг забун, заволи,  
 Дилда чироқ ёнсин, кулсин кўнгиллар.

<sup>1</sup> Қишлоқнинг номи.

Ишхона эшиги очикдир бизга,  
Ишлайлик, кияйлик, ейлик беминнат.  
Жоҳиллик сиртмоғи — ор ўзимизга,  
Урфон даргоҳига қўйинг муҳаббат!

Замона бизники, биз замонники,  
Фирқаю Шўромиз биз ҳақда ўйлар.  
Саодат жилови — мард-майдонники,  
Қисматга бўйсунган қул бўлиб ўлар...

— Бу «қора магиз» ким, макони қайдан,—  
Шивирлаб сўроқлар саллали қўноқ. —  
Ойдин истарани олганми ойдан,  
Қошлари қундуздай, кўзи кўзмунчоқ...

Тўрвадек буришди Файзи юзлари,  
Тишин ғижирлатар, тепа сочи тик.  
Ҳамда қонталашди шилпиқ кўзлари,  
Меҳмони кўринди унга ўлимтик.

— Қайнисингил, — сўзлар. — Бебурт ер юткур,  
Яксон этди ору номусин.  
Очиқ-сочиқ ангомини кўр,  
Ақл ўргатар тағин элга шум,

Шошмай турсин беномус пича, —  
Заҳарини сочарди почча...

Зухро олиб қўлларига машъала,  
Гулхан томон юриб, унга ўт ёқди.  
Шодликдайин юзига қўнди шуъла,  
Қиз-жувонлар аланга томон оқди.

Гулхан ўрлаб-ўрлаб чиқди осмонга,  
Қора ўтмиш ёнар эди гуриллаб.  
Тоза ҳаво уфурди хонадонга,  
Аланга зард чеҳраларга урди лаб.

Навбаҳорни опичлаган қалдирғоч  
Қаби сузар эрк елида қиз-жувон.  
Шаббодага ташна дил ёзди қулоч  
Умидлардан учқун сачраган замон.

Қарнай-сурнай, доиранинг бонгида  
Тарқалишди қушдай енгил руҳ билан.  
Ким биларди эртанги кун тонгида  
Осмону ер уйғонишин «уҳ» билан.

Оқ дилларга сиёҳ тўкди шум хабар,  
Еру кўкда яллиғланиб титратди.  
«Зухро сўнди» — қақшади машъум хабар,  
Эл-элатнинг жигар бағрин тиглатди.

Уч олишнинг пайида Файзи қулоқ  
Тишларини қайрабон тунд асирда  
Тутқаздию пичоғини Носирга,  
Сингил билан хотинин қилди чавоқ.

Адолатга эришмади Адолат,  
Йигирмада — пешонаси шўр экан,

Диёнатга чоҳ қазиди адоват,  
Очилганда борар жойи гўр экан...



Уша-ўша оқиб ўтди қанча сув,  
Дарёларда алғов-далғов лой тинди.  
Қора булут йиртилди — осмон сулув,  
Эскиликнинг ғаддор қўллари синди.

Йилларни, йўлларни эслаганда...  
Давр аёлни роса тергаб синади.  
Хатто фашист сийнасини кесганда  
Иродаси, саботи ҳам синмади.

Оти ўчсин, машъум уруш дафъатан,  
Аёл сочин оқлаб қўйди, алвидо.  
Ота, ака, ажради укасидан,  
Ўғил-қизи жонини этди фидо.

Бугун аёл минбардан сўзлар, чечан,  
Эркин, эрка, эркак билан тенг улуғ.  
Ўзи билди, жони билди... не кечган,  
Одоб, ақл, иродани қилиб туғ.



Зухро билан ўтирибман ёнма-ён,  
У Зухромас, тенгдошим бир, қирқ ёшда.  
Дугонамиз у билан кўпдан буён,  
Танишлигим айтиб берай бир бошдан:

Хотин-қизлар йили эди ўша кез —  
Минг тўққиз юз етмиш беш!..  
Қирқта аёл учар эдик хорижга —  
Қирқта элдан вакил бўлиб Парижга.

Дўстларимиз чеҳрасида табассум,  
Душманларнинг юрагига ўт солди.  
«Руслар кепти» деган гап бўлиб шу зум  
Дўстлар хурсанд, ғанимлар доғда қолди.

Шундай бўлди Бордо деган шаҳарда,  
Йиғилишди беиш, ишли, бой жаноб.  
Учрашувга ошиқдик биз саҳардан,  
Даврамызда қизиди савол-жавоб.

Бирдан турди ўрнидан мезбон аёл,  
Ўтмишини тўлиб-тошиб гапирди.  
Таржимаи ҳолини қилса баён,  
Оҳ, ўйлари ширин тушдай татирди:

— Жаклинаман, ёшим қирқда, маълумот —  
Олган эдим коллежда анча бурун.  
Тўрт болам бор, отам-онам ҳам ҳаёт,  
Эрим ишчи — ўзи менинг тенгқурим.

Йигирма йил хизмат қилдим фирмада,  
Эрим билан бир дастгоҳда, биргаман.

Қирқ беш кунлик декрет деб қайтсам, қаранг,  
Бўшадинг, деб жаноблар қилди таранг...

Энди сиздан сўрар саволларим бор,  
Сизлар ҳақда тушунчамиз жуда тор.

Қизиқтирар ҳунар, касбу корингиз,  
Не иш билан шуғулланар ёрингиз?

Қизми-ўғил — фарзандлардан ҳам борми,  
Бўлса агар ишингизда дастёрми?

Кўксингизда тақинчоқлар, не демак,  
Балки керак, балки унча нокерак?..

Зуҳро турди — ҳаяжон-хаёл сўнгсиз,  
Икки олам келган эди юзма-юз...

— Сўрадингиз миллатим ўзбек, мадам,  
СССРнинг Ўзбекистон юртидан.

Бухорода Шўрчи деган қишлоқ бор,  
Унда яшар ҳамма мамнун, бахтиёр.

Кўксимдаги тақинчоқмас, нишон бу,  
Бахтиёрлик ҳаётимдан нишон бу,

Меҳнатимни шарафлади Ватаним,  
Бир жуфт Олтин юлдузини атади.

Пахтакорман, олқайди юртим, замон,  
«Пўлат от»да уяман улкан хирмон.

Оналикка олдим битта Юлдузни —  
Ўстирдим мен беш ўғилу беш қизни.

Олимаси, тўқувчиси ўзимдан,  
Шифокори, ўқувчиси ўзимдан.

Бири деҳқон, бири ишчи, муаллим,  
Кенжатойим боғчада, хўп мулойим...

Мадам ҳайрон, жавоблардан қолди лол,  
Ёмғирдайин ёғдирди яна савол:

— Шунча ташвиш... вақтни қайдан оласиз,  
Беш жуфт бола, рўзгор, дала — толасиз...

Шарқ эрлари бизга маълум азалдан,  
Кўп қаттиққўл, мушт кўтарар ғазабдан.

Қай маҳалда ёпинасиз чимматни,  
У либосми, айтишгандай... иллатми?

Ўт тутгандай гўё Зуҳро бошини,  
Жавоб қилди чимирганча қошини:

— Ярим аср ортда қолибсиз, мадам,  
Бундай сафсатани олдингиз қайдан?!

Паранжининг хўп билибсиз отини  
Аллақачон биз берганмиз додини...

Қора чиммат музейларда «ҳангома»,  
Улар энди зулматга нақд айбнома.

Шарқ эрлари... жиндаккина борми таъб,  
Сизга айтсам, мадам, бари бекор гап.

Демасманки, ҳаёт кўзгудай силлиқ,  
Йўлларимиз кўланкасиз ё тиниқ.

Топилар, эр — ҳасад, рашк оташида,  
Данагини чақар хотин бошида.

Ҳа, иллатлар топмади тамом барҳам,  
Эртами-кеч пўст ташларлар улар ҳам.

Иқтисодий қарамликни йўқотдик,  
Хуқуқсизлик, беғамликни йўқотдик.

Бир-бирига суянч, ҳамдард эр-хотин,  
Бир-бирига таянч, пайванд эр-хотин.

Дейлик: оила бир арава,  
Эру хотин тортар уни баравар.

Ҳар бир аёл ўз ишида фаришта,  
Рўзғор иши саранжому саришта.

Дам олиш ҳам мўлжалдан унутилмас,  
Янги кино биздан қочиб қутулмас.

Ҳайратидан ёқа тутди Жақлина,  
Сигдиrolмас барин бирдан ақлига.

Қондош номлар... Хаёлини олади,  
Ўзбек қизи буни қайдан билади?!

— Яна битта жумбоқ қолди юракда, —  
Жаклин сўзлар: — Буни билмоқ керак-да?

Топганингиз эр билан баробарми,  
Боласи кўп оналар бахтиёрми?

Бизда шундай: эр-хотин бир даргоҳда,  
Неча йиллаб ишлаймиз бир дастгоҳда.

Аммо ўттиз фоиз кам ҳақ оламиз,  
Пул топишда эрдан ортда қоламиз.

Умр бўйи битмас ками-кўстимиз,  
Ижаранинг ўзи шилар пўстимиз...

Зухро сокин, босиб олган ўзини,  
Чертиб-чертиб айтди айтар сўзини:

Мадам шундай, бор ўзбекда бир ҳикмат:  
Аёлсиз уй — баракасиз, безийнат.

Эркак — уйнинг тўкинчилик рамзидир,  
Эру хотин — хонадоннинг фазидир.

Топганимиз баббаравар, ками йўқ,  
Эрта куннинг ташвиши йўқ, ғами йўқ.

Сув излаган асло бўлмади ташна,  
Кексаликда ҳамма олар нафақа.

Шундай юртда яшамоқ бахт-саодат,  
Севмоқ эса — меҳнат билан садоқат!...

— Мерси Зуҳро, гапингиз гўё эртақ,  
О, бизга ҳис этмоқ мушкул андақ.

Сизга етмоқ қайда бу жамиятда,  
Биз қолибмиз чақич чайнаб гафлатда.

Қорнимизни ўйлабмизу эрта-кеч,  
Олам иши ўйлатмабди бизни ҳеч.

Қитоб, саҳна — менга йироқ, бегона,  
Юмуш топсам — шудир баҳтим, ягона.  
Ночорликдан аёл борар «Пегаль»<sup>1</sup>га  
Номус-орин пулга сотиб яшайди.

Қандоқ қилсин, корхона солар галга,  
Ҳалол меҳнат қилса сиздай яшнарди.  
Эркаксифат деб ўйлардик биз сизни,  
Назокатдан, нафосатдан кўп йироқ.

Қадди долдир, дея сўйлардик сизни,  
Ҳам қўллари қоп-қора, дағал, қадоқ.

Адашибмиз, пардон, узр, аёллар,  
Сизни кўриб, ҳа, ўзгарди хаёллар!

Тилка-тилка парчаланди тасаввур,  
Янги олам кашф этдингиз тиниқ, ҳур...



Жаклинанинг тақдирига куйиндим,  
Зуҳронинг қувончи тошарди шу он.  
Оламжаҳон шарафимдан суюндим,  
Ўзбек қизин юзини кўрди жаҳон.

Зуҳро ёйди элимнинг шуҳратини,  
Ҳалол меҳнат, доно сўзлари билан.  
У кўрсатди ўзбекнинг савлатини,  
Зукко ақли, порлоқ кўзлари билан.

Қайтиб келдик соғинч билан Ватанга,  
Қирқта аёл қирқ томонга йўл олдик.  
Соғинч ҳисси қондайн югурди танга,  
Бир-биримиз қўмсашиб, соғиниб қолдик.



Бир йил ўтмай мезбонликни олдик биз,  
Илтифотлар илтифотга алмашди;  
Тошкентимни безаганди олтин куз,  
Жаклинанинг кўзи завқдан қамашди.

Ҳурмат билан таклиф этдим уйимга,  
Илтимосим маъзур тутмади меҳмон.  
Гурунглашдик, ҳар тўғрида сўзлашдик,  
Бола-бақра ёзди тўкин дастурхон.

<sup>1</sup> Пегаль — Париждаги ишратхоналар жойлашган марказий кўчалардан бири.

Кунлар ўтди, навбат келди Шўрчига,  
Истадилар Зухро юртин кўрмоқни.  
Меҳмон улуғ, амал қилиб бурчимга,  
Олиб бордим Бухорога қўноқни.

Кириб бордик Шўрчига нақ пешинда,  
Куз офтоби танни яйратар эди.  
Ўзум, анжир, ноз-неъмат эди шунда,  
Гуллар ажиб бўйини таратарди.

Суҳбатимиз зап қизиган паллада  
Етиб келди Зухрохон ҳам даладан.  
«Пўлат этак»лар бўшаган замон,  
Қучоқ очиб шошилди меҳмон томон.

— Хуш келибсиз, ассалом, мадам, бонжур! —  
Оғушига олди мисли қадрдон.  
Ўзбек расми, ёзди дарров дастурхон,  
Қўйди узум, хил-хил қовун, анжирдан.

— Кўк чой ичинг, таъми зиёд кофедан,  
Чарчоғингиз бир зумдаёқ тарқалар.  
Таъмин тотинг бизнинг «оши софи»дан,  
Бу чорбоқда одам баҳри ярқ этар.

— Қандай асал! Анору, шафтолилар —  
Қайда унар писта, бодом, олулар?

— Пахта билан ёнма-ёндири боғимиз,  
Ўстирамиз пахтадан бўш чоғимиз!

— Ажиб диёр!.. Не десангиз бунда бор!  
Сиз чиндан ҳам Зухрохон, кўп бахтиёр!..

— Машинада қандай пахта терасиз?  
Хўш, бир кунда қанча пахта берасиз?

— Юринг мадам, кўрсатайин теришни,  
Мисқол билан тоғни юксалтиришни.

Олтин деймиз, пахтани, пахтазорни,  
Олтин қўллар атаймиз пахтакорни.

Зухро кетди машинасин «кишнатиб»,  
Анча пахта тўкди бир оз ишлатиб...

Меҳмоннинг дилида қолмади жумбоқ,  
«Очилди» у мисоли бодроқ чаноқ.

Меҳмонларнинг кўнглини олиб мезбон,  
Бошлаб кетди «Зухро» мактаби томон.

Қора кўзлар гуллар билан кутишди,  
Меҳмонларга ширмой нон-туз тутишди.

— Отинг нима? — сўрар бирма-бир мадам,  
Саф тортишган ўғилу қиз — ҳаммадан.

— Зухро — деди чучук тилда ёқимтой,  
Зардўпписин тақдим этиб ҳотамтой.

Мадам ҳайрон, қизчалар чиройли хўп;  
«Не сабабдан Ромитонда «Зухро» кўп?»



Зуҳро айтди «Зуҳро буви» тарихин,  
«Зуҳро» номли кўчадан олиб юрди.  
Шаҳар каби кўркам, гўзал қишлоқни  
Меҳмон энди, ўз кўзи билан кўрди.



Меҳнат ила келди Зуҳрога шараф,  
Орзусин оламга у чироқ этди.  
Осмон ўпар хирмонларга мушарраф,  
Бухоронинг белига зарбоғ этди.

Бугун байрам.  
Ўйин... Қарнай-сурнайлар...  
Зуҳро билан ўтирибман ёнма-ён.  
Икки Зуҳро назаримда намоён,  
Тарих.— бугун хаёлимда айланар.

Зуҳроларга тўлсин беғубор осмон,  
Зуҳроларга тўлсин бутун ер юзи.  
Зуҳролар бор, юраклар ҳам чароғон  
Чарақлатсин зулматларни Ер қизи!

1975—1979 йил,  
Тошкент — Бухоро.





Муроджон Мансуров



ҲИССА

## Биринчи боб

Отамурод қозон тепасида куйманаркан, саксовулзордан ўтин тергани кетган Зулхуморнинг қорашақшақ овозидай ўткир кулгисини эшитиб, хаёли бўлинди, бошини кўтариб улар томонга қаради. Айёр қиз ўзи бир четда туриб олиб, Султоновни ишга солиб қўйган, у бир саксовул шохини синдираман деб зўр бериб уринар, лекин синдира олмасди.

Отамурод узоқдан бўлса-да, сизди, бошлиқ оғир аҳволда қолибди, уринмай деса, қиз боланинг олдида йигитлик ғурури йўл қўймапти, ҳарчанд уринмасин — саксовул шохини бўй бермаяпти. Қиз бўлса буни ҳазил-мазахга йўйиб, лаззатланиб кулади.

Отамуроднинг аччиғи келди. Хирсмондек йигит синчалакдек бир қизга ўзини майна қилдириб ўтирса. Тенги бўлса ҳам майли экан. Одам ўз иззатини билмаса шу экан-да!

У ҳали ёққа енгил қовуриб олиб қўйган жўжаларни ҳафсала билан картошка устига тера бошлади. Кейин тўғралган пиёзни бир текис бостирди-да, зираворларни сепиб, сирли тоғорачани қозонга тўнкарди, тош ўчоқдаги чўғларни тортиб, оловни милтиратиб қўйиб, қаддини ростлади. Ўчоқнинг иссиғи, саҳронинг тафтидан пешонасини босган маржон терларни сидириб ташлаб, қудуқнинг пастак айлана тош

девори устига бориб ўтирди. Ёғ босган кепкасини қўлига олиб, елпинаркан, кунга қаради. Кун ҳам оғиб, толмачой пайтидан ўтибди. Ҳадемай кеч киради.

У юрагига гулгула тушиб, саксовулзорга қаради. Ҳали Оқжардан олимларни олиб келишга ҳам ўзи борса керак. Ҳиринглашиб юргунча бориб келишса-ку, бўлади-я. Бир ўзи дастурхонга қарасинми, овқат ҳозирласинми, уларни олиб келсинми?.. Яна «бугун алоҳида бир дастурхон тузгинки, пазандалик санъатингни кўрсатиб, антиқа табака тайёрлагинки...» эмиш.

Султонов уни кечадан бери югуртиради. Унгача тинчгина шофёрлигини қилиб юрувди. Қўнғиротга тушиб, идорага кириб чиқдию ҳовлиқиб қолди.

Бир қулоч рўйхат тузиб олиб, кечгача бозор-ўчар қилишди. Зиравору кўкатдан тортиб, саримсоқ пиёзгача, помидору, сабзидан тортиб, куврак бодринггача олишди. Бозорда ёзнинг нимаики неъматини бўлса, ҳаммасидан олиб чиқишди. Базама-база юриб, сўйилган жўжа топишди. Буғдой ароқнинг сархилидан танлашди. Зулхуморхонга деб битта шампан вино олишни ҳам унутишмади. Кейин Султонов қўнғиротлик бир машҳур овчиникига атай кириб, оқ қоғозга яхшилаб ўраб-чирмалган бир нарса кўтариб чиқди. Отамурод, бу нима, хўжайин, деб сўраган эди, айтмади, кўзларини сирли қисиб: «Айтиб қўйсам қизиғи қолмайди, сюрприз, кейин биласан», деди. Бу шошилич тайёргарликнинг сабабини ҳам очмади. Ҳозирча буни ҳам сир тутамиз, деди айёрлик билан. Кейин тонг-саҳарда Қўнғиротдан қайдасан Кугисем қудуғи, дея буёққа йўлга чиқишди. Бу ерга келиб ҳам тинч ўтиришгани йўқ. Мангқишлоққа тушиб, қозоқлар овулидан бир меш қимиз олиб чиқишди. Тушликдан кейин эса Султонов домладан кечқурунга озгина тайёргарлигимиз бор эди, Отамуродга қарашворсинлар, деб Зулхуморни сўраб олиб қолдию шундан бери ўзи унинг ёнидан бир қадам жилмайди. Ўзидан ўн ёш кичик бу ўт-олов дилбаргина қизнинг суҳбатини соғиниб қолган экан шекилли, зиёфат баҳона бу ёққа олиб келиб, энди ўз кўнгилида димоғини чоғлаб юрибди. «Одам ўз обрўсини тўкаман деса, ҳеч гап эмас экан,— Отамурод ижирғаниб четга қаради.— Ҳеч бўлмаса мендан уялса бўларди...»

Унинг ана шу уялмагани Отамуродга туриб-туриб наша қилар, аччиғи қайнаб келар, бошлиғи бўлгани учунгина унга тик гапира олмай, ўзини босарди.

«Бу одамлар мунча уятсиз бўлишмаса,— деб жиғи-бийрон бўларди у ичида.— Бу қизнинг яхши кўрган йигити борлигини, Оқжарда олимларга қарашиб юрганни билатуриб, унинг кўзини шамғалат қилиб, қизга ишқивозлик қилмоқчи бўлишди-я, тавба. Яхшики, қиз анойимас,— Отамурод уларга қараб, бехосдан кулиб юборди. Қиз кимсан — Султоновга катта бир боғ ўтинни орқалатиб, олдига солиб келарди.— Оббо, шаддот-эй, боплабди-ку. Дарёга олиб бориб, суғормаи келади-ганидан экан-ку».

Қудуқ тубидан ураётган салқин хуш ёқиб, Отамурод бирпас ўтирган бўлди. Лекин улар яқинлашиб қолганини кўриб, ўрнидан турди. Ишга тутиниб, ўтовга кириб кетди. Султонов хижолат тортмасин, ҳарна қилса бошлиқ номи бор деди, без бўлиб ўтиришга юзи чидамади. Келиб ўчоқ бошига ўтинни ташлаганларидан кейингина тарвуз кўтариб чиқди-да, ўтов соясига ўтириб, ундан тўйлардагидек қилиб, сават гул кеса бошлади.

Султонов гўё ҳеч нарса бўлмагандек, энгашиб шимини қоқа-суқа унга яқинлашди. Тамомила жиддий:

— Аввал Оқжарга бориб домлаларни олиб келсанг бўларди,— деди,— бориб келгунингча ҳам кун кетиб қолади.

— Яхши бўларди, лекин дастурхон нима бўлади? Ўзларингиз тузасаларингиз, майли,— Отамурод нима деркан, деб ўрнидан турди.— Қозоннинг оловига қараб турарсизлар. Бундан баландлаб кетмасин, куйиб кетади. Мен бораверайми?..

Отамурод кетишга тараддудланди. Султоновнинг аччиғи юзига тешиб, қизариб кетди.

— Битта дастурхон тузаш шунча қийин эканми?! Аёл кишига ўхшаб пешиндан бери имиллайсан-у, қилган ишингнинг тайини йўқ. Калитни чўз!

У калитни зарда билан юлқиб олиб, ўтов орқасидаги машинага қараб юрди. Ярим йўлга бориб, орқасига ўгирилиб тўхтади, ўчоқ бошида ўтин боғини ечаётган қизни чақирди:

— Юринг, Зулхуморхон, бирга бориб келамиз.

Отамурод унинг ниятини сезиб, атай қизнинг ёнини олди:

— Зулхумор менга қарашмасалар бўлмайди, улгура олмайман.

— Сен ўзи нимага улгурган эдинг?!— Султонов жаҳл билан юриб бориб, машинага чиқиб, газни босди. Машина орқасидан бир олам чанг-тўзон кўтариб, чинк<sup>1</sup> ёқалаб елиб кетди.

Отамурод гўё ҳеч нарса бўлмагандек яна ўтов соясига ўтирди-да, тарвузини ўйиб, сават яшашга тутинди. У буни ҳафсала билан қиларкан, қиз оҳиста юриб келиб, тепасида тўхтади. Отамурод буни сезса ҳам сезмаганга олди, ўзи билан ўзи овора одамдай, бошини кўтармади.

Қиз бари бир юрагидагини яшира олмади:

— Раҳмат, Отамурод ака!— деди секин, лекин алоҳида бир миннатдорчилик билан. Унинг нима учун раҳмат деяётганини Отамурод яхши тушунди. Тушунди-ю бош силкиб:

— Арзимамайди,— деб қўяқолди жўнгина. Лекин шу топда кўнглидан бир олам гаплар кечарди. «Билса тушунади ўзида ҳам айб борлигини. Қиз бола деган сал оғирроқ бўлади-да. Ҳар нарсага ҳингир-ҳингир қилаверса, ким нима деб ўйламайди? Қайси йигитнинг нияти бузилмайди? Кечагидами, ойдинда Ортиқ билан чинк ёқасида сайр қилиб юргани. Ортиқ билан-а! Тенги бўлмаса, бўйдоқ бўлмаса. Наҳот Тошкентда хотини борлигини, тўрт боланинг отасилигини билмаса?.. Қиз бола шунақиб сир олдириб қўяди-да». Отамурод ҳали ҳам у тепасида турганини эслаб, ўзини ноқулай сезди-да, бир қараб қўйиб, иш буюрди:

— Овқатнинг оловига қараб қўйинг, ўчиб қолмасин.

Қиз унинг кўнглидан ўтган гапларни сезгандек, кўзлари ер чизиб, ўзи хижолат тортиб турар, афтидан, Отамуроднинг муомаласи уни ўйлантириб қўйганди. Кейин у итоаткорона ўчоқ бошига қараб юриб кетди. Қиз бечорани хафа қилиб қўймадимми, деб ўйлаб қолди Отамурод. Зулхумор руҳи тушинқираб, худди ўз тақдирини ўйлаб қолган қизлардай хаёлга чўмиб кетиб борар, афтидан қаёққа, нимага кетаётганини ўзи ҳам унутгандай эди. У ёш бўлса ҳам, дуркунгина, чиройли бўлмаса ҳам, истараси иссиққина, ҳозир айни кўзга яқин пайти эди. Ҳатто пучуқ бурни устидаги ярадан қолган чандиқча ҳам ўзига ярашиб, ҳуснини очиб турарди. У бир гапириб, ўн куладиган очиқ, кўнглида кири йўқ, хафачилик нималигини билмайдиган шўх-шаддот бир қиз эди. Шунча кундан бери Отамурод уни бу аҳволда кўрмаган, ҳатто шу аҳволга тушишини тасаввур ҳам қилмаган эди. Одамни сиртидан билиб бўлмас экан. Отамурод яна ўз иши билан машғул бўлиб кетди. Лекин Зулхумор хаёлига ўралашиб келаверар эди.

Экспедицияга янги келган кезлари Собир билан қандай иноқ, қан-

<sup>1</sup> Чинк — Устюртнинг чеккасидаги жарлик. У саҳро билан одамлар яшайдиган жойларни ажратиб туради.

дай аҳил эди, бир-бирларини еру кўкка ишонишмасди. Бамисоли Тоҳир-Зухра бўлиб юришарди. Бир-бирларига муомаласини кўриб, киши ҳавас қиларди. Энди бўлса... Ораларидан бир гап ўтган кўринади. Нимага аразлашиб қолишди экан? Собир сал рашкчироқ кўринади. Рашк қилавериб, қизнинг жонига тегдимикан? Зулхуморнинг шўх-шаддотлиги бор, кўпроқ хурсандчиликни яхши кўради. Бу очиқлиги, ҳамма билан бирдай очилиб-сочилиб гаплашиши йигитга ёқмадимикан?

Кечагида унинг Ортиқ билан ойдинда сайр қилиб юриши бежиз эмас. Собирга ўчакишиб қилган. Уни бир куйдиргиси келган, лекин билмайдики, охири бу яхшиликка олиб бормади. Бир иложини топиб, уларни яраштириб қўйиш керак. Одам одамга шунақа пайтда асқотмаса, қачон асқотади?..

Отамуроднинг кўзи бирдан ўчоқда гуриллаб ёнаётган оловга тушди-ю, ҳай-ҳайлаб ўрнидан туриб кетди. Зулхумор хаёл билан ўчоққа ўтин қалаб ўтираркан, бир сапчиб тушди. Отамурод бора солиб, оловни тортиб, ётиғи билан тушунтирди:

— Бунақада хўжайиндан балога қоламиз-ку, синглим, табаканинг ўрнига қўғирмоч сузиб ўтирсак борми, ҳай-ҳай-ҳай, ҳамма тоат-ибодатимиз бир пул бўлади-я! Зиёфат қиёматга айланади-я!..

Зулхумор хижолатдан ранги ўчиб, қизариб-бўзарди.

— Кечирасиз, мен билмабман. Ҳеч ўйлаб кўрмабман.

Отамурод уни юпатган бўлди.

— Майли, майли, ҳечқиси йўқ, вақтида олдини олдик. \*Худо хоҳласа юзимиз шувит бўлмайди. Сиз энди менга қарашворинг. Бодринг билан помидорни олиб чиқсангиз, салат тайёрлаймиз. Кун ҳам кетиб қолибди.

У шундай дея қуёшга қараб қўйди. Ҳақиқатан ҳам офтоб уфққа оғиб, ётиш олдидан ёниб-яллиғланиб турар, нури тўғри кўзга тушиб, қамаштирар, ўтовнинг сояси боягидан анча узайиб қолган эди.

Зулхумор сувли пақирни олиб чиқиб, ўтов соясига гулдор клёнка дастурхонни ёзди-да, помидор ва бодрингларни чайиб қўя бошлади. Отамурод оддий бодринг, помидорларни турли усулларда қирқиб, антиқа салатлар тайёрлар, устига жиндек кўкпиёз, укроп қўйиб, хаёлга келмаган тарзда тарелкадаги салатларнинг чиройини очиб юборар, Зулхумор бўлса, унинг бу санъатига маҳлиё бўлиб ўтирар эди. Буни кўриб, Отамурод кулди:

— Бу ҳали ҳолва-ку. Бунинг шундай усталари борки, уларнинг салати олдида бизники ўргамчикка ҳам ўтмайди. Озгина оқпиёз, турп, қизил бурак, яна бошқа кўкатлар бўлганида эди, уришиб кўрардик. Илож қанча. Бу ер Фарғона ёки Тошкент эмаски айб бўлса. Бу ерни Устюрт деб қўйибди. Шунинг топилганига ҳам шукур қиламиз. Нима дедингиз?

— Шукурингиз нимаси. Ҳали қараб туринг, олимлар келишсин, тўй бўлиб кетади! Саҳрода шундай тайёргарлик осон гапми?!— Зулхумор шундай деди-ю, кутилмаганда Отамуроддан сўраб қолди.— Айтмоқчи, нима муносабат билан тўппа-тўсатдан шундай зиёфатга тайёргарлик бошланиб қолди? Ниманинг шарафига экан? Ишнинг тугашигами?

— Ким билсин. Балки шундайдир.— Елка қисди Отамурод.— Лекин хўжайин ҳозирча сир тутиб, ҳеч кимга айтмаяптилар. Атай яшир-яптилар.

— Бошқа нима бўлиши мумкин бунчалик тантанага арзийдиган?— Уйланиб қолди Зулхумор.

Отамурод кулиб, ҳазил қилди:

— Эскилар айтмоқчи, бу биргина олло-таоллога-ю, ўртоқ Султоновнинг ўзларига маълум. Бандалари қайдан билсин.

Қиз ҳазилнинг тиғи кимга бориб тегишини тушуниб, бош чайқаб

кулди-да, ўрнидан турди. Қудуқдан сув олиб ўчоқ бошидаги идиш-товокларни чая бошлади. Бу орада Отамурод ҳам салат тайёрлаб бўлиб, ўтовнинг узун соясига жой ҳозирлашга киришди. Бир кўнгли, топган-тутганини олиб чиқиб, дастурхон тузаб қўймоқчи бўлди. Яна ҳали қачон келишади, олдин келишсин-чи, деб қилмади. Ўтовга кириб, нима бор, нима йўқлигини кўздан кечириб туриб, Султонов кеча қўнғиротлик овчиникидан олиб чиққан оқ қоғозга ўроғлиқ нарсага кўзи тушди-ю, уни очиб, кўргиси келди. Лекин қўли бормади, ўзини тийди. Унинг хўжайиндан берухват бир нарсага тегиш ёки бир нарса қилиш одати йўқ эди. Ўтовдан қайтиб чиқиб, кечки қуёшнинг зарҳал нурларидан сап-сарик духоба рангга кирган даштнинг чекига, улар келадиган томонга кўз тикиб қолди. Аввалига қуёш нурлари селида ҳеч нарса кўра олмади. Кўзлари қамашиб кетди. Қафтани пешонасига қўйиб қаттиқроқ тикилган эди, узоқда қора нуқта билан кўз илгар-илғамас чанг-тўзон кўринди. Бора-бора ўша нуқтада нур ўйнай бошлади. Машина ойнасига тушиб қайтаётган офтоб дам ёниб-ёлқилланиб кетади, дам ҳолсизланиб сарғайиб қолади. Яна қайта ловуллаб, машъалдек порлаб кўзни олади.

— Келишяпти,— деб юборди Отамурод беихтиёр, кейин атрофга аланглаб,— хўш, ҳамма нарса тахтми?— дея ўзига ўзи ҳисоб бера бошлади.— Олов жойида, паст ҳам, баланд ҳам эмас. Салатлар дастурхон тузашга мунтазир. Қимиз қудуқда, яхдек бўлиб турибди. Чанқовбосди қовунларни эса овқатдан кейин сўямиз. Ичимликлар сувда. Фақат дастурхон ёзишимиз қолибди.— У қизга савол назари билан қаради.— Нима дедингиз, Зулхуморхон, ерга ёзаверамизми, ё яшиқларни териб хонтахта қиламизми? Қайсиниси маъқул?

Ўчоқ бошида боядан бери куйманиб юрган Зулхумор кулди:

— Хонтахтагиз маъқулмикин...

— Зиёфат бўлганга яраша хонтахлит бўлсин, дейсиз-да. Шундайми? Ҳозир амри вожиб қиламиз-да,— Отамурод ишга киришиб кетди. Ўтов ёнига ерга брезент шолча ёзиб, ўртага фанер яшиқларни тўнкариб тера бошлади. Кейин устидан оқ дастурхон ёзди-ю, хонтахта тайёр бўла қолди. Кўрпачалар ўрнига тўшак қопларни тўшади.

Қақир-қуқурларни олиб чиқиш-чиқмасликни билмай турганда орқасидан бир олам чанг-тўзон илаштириб машина етиб келди-ю, тўхтаб ўзи бир зум чанг орасида кўринмай қолиб кетди. Яхши ҳамки сал нарида тўхтагани, бўлмаса дастурхоннинг расвосини чиқарган бўларди. Кечки офтоб нурида минг-миллион зарра бўлиб ғужгон ўйнаётган тўзон жуда секинлик билан тарқалар, машинадагилар эса пастга туша олмасди.

Охири улар сабрлари чидамай машинадан сакраб-сакраб тушиб, чангдан қочиб чиқа бошлашди. Энг олдин Султонов тўзон ичидан отилиб чиқди. Чиқди-ю, ҳалқумига тикилган нафасини бўшатиб пишқирди. Бош чайқаб, ютақиб-ютақиб нафас оларкан, уст-бошларини қоқишга тутинди. Орқасидан туташқош Ортиқ кулиб чиқиб келди:

— Чўлнинг чангига чидамасангиз, бу ерларда қандай юрибсиз, ошна?— деди у масхаромуз.

— Начора, зарурки, чидаймиз. Кейин елканинг чуқури кўрсин бу ерларни.— Султонов унга ўзингиз тушунасиз-ку, дегандай қош учуриб қўйди.

— Ҳа-а,— деди Ортиқ маъноли бош силкиб.— Сизнинг билганингиз ҳам билган. Кейинги кўтарилишлар учун Устюртда ишлаб келган дегандан зўр характеристика бўлиши мумкинми?!

Шу пайт машинадан паст бўйли, ғўлабирдан келган домла Салоҳиддинов туша бошлади-ю, Султонов унинг олдида Ортиқнинг бунчалик очиклашиб кетишидан ғаши келиб, ўқрайиб қаради. Лекин бир нарса

дея олмади. Деса баттар шарманда қилишини, унинг ҳеч нарсадан тап тортмаслигини билиб, индамай қўяқолди. Гапдан қочиб Отамуроднинг олдига, ўчоқ томонга қараб юрди.

Домланинг орқасидан рюкзак орқалаган ориқ Собир кўринди. Отамурод дарров сездди. У домланинг гапига қулоқ солиб келаётган бўлса-да, хаёли ҳам, кўзлари ҳам Зулхуморда, уни ўғринча таъқиб этади, ўзича шу қарашида ниманидир тагига етмоқчи бўлади. Отамурод кўнглида: «Емон кунчи экан, рашки билан ўз муҳаббатига ўзи зомин бўлмаса кошки эди», деб қўйди. Бу орада унинг олдига етиб келган Султонов қуруқ дастурхонни кўриб, тутақиб кетди:

— Нимани кутиб ўтирибсан?! Олиб чиқмайсанми? Шу вақтгача битта дастурхонни эплаб тузатиб қўймасанг! Мен сени нимага ташлаб кетгандим?!

Отамуроднинг гаши қўзиб келди-ю, яна индамади. «Боягининг аламини олапти. Ҳали неча кунгача чўзиб юради, теккан касал-ку», деб қўяқолди. Индамай ўтовга кириб кетди. Зулхумор жим тура олмай, унинг ёнини олди:

— Ҳолва деган билан оғиз чучиб қоларканми? Мунча уларга осон тутмасангиз?! Осмон узилиб ерга тушяптими?! Намунча?!

Қиз Султоновни ўсал қилиб, бурилиб кетди-да, ишдан қайтганларнинг қўлига сув қуйиб сочиқ тутгани ошиқди.

Отамурод ўтовдан чиқиб, кўзи машинада қолган чўкич, арқон, юкларни зўрға кўтариб келаётган Мамажон акага тушиб, унга ёрдамга шошилди. Йўл-йўлакай ишдан қайтганларни шодон қаршилади:

— Еппасига ҳорманглар-ов!— деб бақириб-чақирди. Кейин Мамажон акадан юкларнинг бир қисмини олатуриб, атай тегишди.— Собир-вой, қалай, ишлар нағзми? Машқингиз пастроқ кўринади? Нима бало, Ортиқ акангизга ютқазиб қўйдингизми дейман. Майли, ғам еманг, ҳали шундай адабчаларини бериб қўяйки... Ортиқ акангизнинг шоҳлари қочгани жой топа олмай қолсин. Айтинг, аламингизни олиб берайми?!

— Ия, Ортиқвой, сизнинг таъзирингизни бериб юрганлар ҳам боракан-ку, а?— Мамажон ака гапга «керосин сепди».

— Одатда ўтмас пичоқ қўл кесади, биласиз-ку, бизга тенг келиш учун Отамурод деганларга ўнта қовун пишиғи бормикин-е. Юришни билган билан ҳамма шахматчи бўлаверибдими?! Юришни ҳозир болалар онасининг қорнидан ўрганиб тушяпти-ку, а, айтинг, Зулхумор?— Ортиқ гапидан ўзи лаззатланиб кулди.

Унинг қўпол ҳазили Зулхуморнинг олдида ҳаммани ўнғайсиз аҳволга солиб қўйди. Ким ўзини бу гапни эшитмаганга солди, ким уялиб; ким ижирганиб четга қаради. Отамурод ҳазил бошлаганидан ўзи мулзам тортиб қолди. Фақат Ортиққина сиртига сув юқтирмай, бошладимми, дегандай, кулганча Зулхуморнинг олдига яқинлашиб борди-да, ювингани энгашиб, қўлини тутди.

— Қани, пошша қиз, ўзларининг қўлларидан ҳам бир ювиниб қўйлик.

Отамурод зимдан Зулхуморга кўз ташлади: «Қани, нима қилади, ҳайдаб соладими, ё... гапини кўтариб кетадими? Ҳозир қўлига сув қуйса — тамом, уцинг домига тушгани. Қуймаса — бошқа гап. Қани, нима қиларкин?»

Зулхуморнинг қовоқлари уйилиб, қошлари чимирилиб келди-да, яна юзлари ёришди. Тек турганича истеҳзоли кулимсиради:

— Аввал каттадан бошланармиди?

— Шунақа денг.— Ортиқ иложсиз иржайиб қаддини кўтарди.— Яхши ҳамки, сиз аёллар борсиз, бўлмаса биз эркаклар таомилни бузавериб ёввойилашиб кетармидик,— дея кесатди.

— Бошқаларни билмадим-у, сиздан кутса бўлади. Шунақа бел-

гилар йўқ эмас,— Зулхумор гапни ҳазилга буриб юбориб, Қамолиддин акани чақирди.— Келинг, домла.

Ортиқ бир нарса дейишга оғиз жуфтлади-ю, шу топда рюкзакни ўтовга ташлаб чиққан Собирга кўзи тушиб, яна тилини тийди. Унинг важоҳатидан чўчиди.

Отамурод буни яққол сезди. Ҳозир бир оғиз сўз ҳам ортиқча эди. Собир рашк ўтида ёниб, ўзини зўрға босиб турар, буни атрофлагилардан яширишга қанчалик уринмасин, уддасидан чиқа олмас эди. У охири Зулхуморнинг олдига шаҳд билан юриб борди-да:

— Ишингизни билиб қилсангиз-чи!— дея унинг қўлидан сувлиқни енгил силтаб тортиб олди.— Сиз турганда Отамурод ака дастурхон тузаши керакми? Боринг.

Қўл чайгани тарадудланиб келаётган домла бу гапнинг бир учини эшитиб, Собиржонни қувватлади:

— Тўғри, қизим, сиз бораверинг. Биз ўзимиз...

Собирнинг бу ишидан уялиб-қизариб кетган Зулхуморнинг зардаси қайнаб келди-ю, яна оғирлик қилди. Ҳазил билан енгиб кетди:

— Биров савоб оламан деса, қўлидан тортиб олиш борми ҳали?

— Бор,— деди Собир сал чеҳраси ёришиб, ярим кулиб.

— Унда мендан кўрасиз.— Зулхумор шундай деди-ю, бурилиб кета бошлади.

— Ҳафа бўлманг, Зулхумор, Собир сув қўйса бегонами, домла қўшиб, сувдай сероб бўлинглар деб дуо қилиб қўяқоладилар-да. Нима дедингиз, домла?— Мамажон ака гур кулги кўтарди. Бу ёқимли ҳазилдан Собир билан Зулхуморнинг ўзлари ҳам охири кулиб юборишди. Шу бир оғиз сўз ўртадан хафачиликни кўтарди-қўйди.

Зиёфатнинг дарагини ҳеч ким эшитмаган экан, Отамурод сават гул қилиб кесган тарвузни дастурхонга олиб чиқишидан геологлар ҳайратга тушиб қолишди. Салатларни кўриб, уларнинг ҳайрати яна ҳам ортди. Хонтахтага шишалар қўйилганида Ортиқ чидаб тура олмади:

— Ия, тайёргарлик олий даражада-ку, ресторан форма-ку... Бу ниманинг шарофати бўлдийкин-а, домла?

— Тўй-пўй эмасми?— домла Мамажон акага сиз биларсиз, дегандай қаради.

— Столга қараганда тўйнинг ҳиди келяпти. Лекин Собирдан садо чиққанича йўқ-ку, а? Ҳа-а, шайтонлар, билдим, булар сюрприз қилмоқчи бўлган. Бир умр эсда қоладиган иш бўлсин деган. Маладес! Боплабсан. Ҳазилми, бийдай саҳрода шундай стол тузаб тўй ўтказиш!

Отамурод Мамажон аканинг гапига ишониш-ишонмаслигини билмай, ялт этиб йигит билан қизга қаради. Иккиси ҳам шолғомдай қизариб бу «янгилик»дан гангиб-довдираб, бир-бирига бу сиздан чиққан ишми, кимдан чиқди ўзи, дегандай, маъноли қараб қолишган эди. Отамурод бу тайёргарлик сабаби якка хўжайинга маълумлигини эслаб, наҳот шуни назарда тутган бўлса, дея унга қаради. Султонов зиёфатни сир сақлай олганидан мамнун ҳолда гердайиб, кулимсираб турар, афтидан, топа олмадинглар, демоқчи бўларди. Отамурод уни дарров тushунди: у икки ялангоёқ студентнинг тўйини, яна қаерда— шундай Устюртда шунча оваргарчиликлар билан ўтказиб берадиган анойилардан эмас. У бунақа одам эмас. Мушук бекорга офтобга чиқмайди. Унинг бошқа мақсади бор. Ҳали маълум бўлади.

Султонов ҳамма унинг оғзига қараб қолганини кўриб, мамнун жилмайди. Виқор билан бош чайқаб:

— Топа олмадинглар,— деди у айтмагунимча била олмайсизлар ҳам, демоқчидай. Бундан Отамуроднинг гаши келди. Собир билан Зулхуморнинг бир ҳолатда туришини кўриб, юраги увишиб кетди. Шулар-



нинг кўнгли учун бўлса ҳам ундай демаслиги керак эди. «Тўйдан қаери кам, келин билан куёв розилик беришса, бас. Утказиб юбораварамиз. Давоми Тошкентда бўлаверади-да», дейиши керак эди. Ундан нима кетувди. Улар бунга ҳали кўнармиди-кўнамасмиди. Лекин бир оғиз сўз билан икки ёшнинг кўнгли тоғдек кўтарилгани қоларди. Султоновга ўхшаганлар одамгарчиликни ҳам бошқача тушунади шекилли...

Ниҳоят, у алоҳида тавозе билан Камолиддин акага мурожаат этди:

— Қани, домлажон, дастурхонга марҳамат, бошланг. Ўтинглар, яхшилар. Зиёфат сизларга аталган. Тортинманглар, сабабини ҳам айта-миз мавриди билан.

Одамлар говур-ғувур билан бир-бирларини қистаб, хуштавозелик билан дастурхон атрофидан бирин-сирин жой ола бошладилар. Отамурод овқатнинг оловидан хабар олиб, эҳтиёт шарт бошқа ўчоққа ўт қалаб, қумғонни оловга яқинроқ қўйди. Дастурхонга нон қўйишни унутганини эслаб, шошилиб ўтовдан лочира нон олиб чиқди. Султонов тўрдаги домланинг ёнидан жой оларкан:

— Стаканлар-чи?!— дея унга зардали қараб қўйди.

— Дарвоқе, стаканлар... Ҳозир.— Отамурод бундан ҳеч хафа бўлма-май, айбини тан олиб, ўчоқ бошига ошиқди. Боя Зулхумор чайиб қўяётган эди, олиб келишни унутибди.

У стаканларни келтириб бериб, ўтовга ўтиб кетди. Ичкари кириб, туриб қолди: нимани унутди экан? Қовунлар охирида, овқатдан кейин сўйилса керак. Қумғонни қўйди, чой ҳам қайнаб қолади. Ҳа, айтмоқчи, қудуқдан мешдаги қимизни олиб қўйиши керак. Ҳали-ҳозир хўжайин қимиз қани деб сасиб қолади. Отамурод ўтовдан чиқиб, қудуқ томонга юрди. Унинг якка ўзи куйманиб юрганини кўриб, Султонов билан Ортиқдан бошқалар хижолатга тушиб, у томонга қараб, ўтирган жойларида қимирлаб қўйишди:

— Уни чақирмайсизми?— деди Мамажон ака.

— Келар, қўяверинг уни,— деди Султонов бепарво оҳангда, кейин тамадалардай суриштиришга кўчди:— Қани, қадаҳлар тўлдирилдими, ҳаммада борми?

Отамурод қудуқ олдига келганида хўжайинининг гапини эшитиб, ғалати бўлиб кетди. Боши айланиб, кўзи тиниб, миясида аллақандай санчиқ турди. Хаёллари алғов-далғов бўлиб кетди. Унинг охириги сўзларини элас-элас, бамисоли жуда узоқдан эшитди. Кўнгли тўлиб келди. Қадрим шу бўлдими, шу бўлдими, дерди ўзига ўзи. Ниҳоят у домланинг: «Унақамас, шофёр бўлса одам эмасми, нега айирасиз. Чақиринг», дегани эшитилди.

Отамурод хўжайинининг қай аҳволга тушганини кўрмади. Лекин тасаввур қилиб турарди. У бунақа пайтда ўзидан катта лавозимдаги одамнинг олдида шошиб, жилпанглаб қолади. Унинг айтганини қилиб, кўнглини олиш учун ҳамма нарсага тийиб туради. Мана, ҳозир ҳам дик этиб ўрнидан туриб, унинг олдига келади-да, қўлтиғидан олиб, бошлаб кетади. Олиб бориб, ўз ёнига ўтқазиб қўйиб кўнгли жойига тушади. Лекин Отамурод аразлаган боладай бўлишни ўзига эп кўрмади. Унинг келиб қўлтиғидан олишини кутмай, қудуқдаги мешни тортиб олишга шошилди. Номус кучлилик қилди. Яхши ҳам шундай қилган экан, ана шу қимиз ҳаммани хижолатдан чиқарди. Геологлар мешни кўриб қийқириб юборишди:

— Мана буни зиёфат деса бўлади!

— Ҳей-ҳей! Бир яйрайдиган бўбмиз!

— Отангизга раҳмат, Отамурод!

— Афсус, Агачқудуққа кетганлар бўлмади-да. Экспедициянинг

ҳамма аъзолари жам бўлгандами, аломат зиёфат бўларди-да!— деди Мамажон ака тўлқинланиб.

— Рацияда чақиртирсак-чи? Вездеходда гап эканми? Бир соатга қолмай етиб келишади, нима дедингиз, домла?— деди Собир.

— Қани эди, бағримиз тўлиб ўтирганга нима етсин эди,— домла ҳам уни қувватлаб, Султоновга қаради.

— Афсуски, иложимиз йўқ,— деди Султонов қўлларини ёзиб.— Мен ҳам шуни ўйлагандим. Лекин... рацияни улар олиб кетишган. Чақиришнинг иложи йўқ.

— Шунақа, насиб қилган ҳасип ейди. Ўзимиз омадли йигитлардан-миз-да, Устюртдай жойда ҳам зиёфат устидан чиқиб турибмиз,— дея ҳазилга буриб юборди Ортиқ.

— Шуни айтинг-а — дея бошқалар ҳам унга қўшилишди. Ҳатто ҳаммадан босиқ домла ҳам кулимсираб, ўтирган жойида енгил кўзга-либ қўйди. Зулхумор ғовур-ғувурда ўрнидан туриб, Отамуродга жой берган бўлди-да, ўзи пойгакка, Собирга яқинроқ сурилиб олди. Отамурод бунинг сабабини ўтиргандан кейингина тушунди. Қиз Ортиқнинг қаршида ўнғайсизланиб, кўчишга баҳона топа олмай турган экан. Шундан кейин ҳам Ортиқ унга кўз қирини ташлашини қўймас, ҳадеб кўз уриштирмоқчи бўлар, лекин Зулхумор энди у томонга қарамас эди.

Султонов Отамуродга ароқ қуйиб узатди-да, ўзи чўккалаб олиб қадини ғоз тутди. Қўлига қадаҳни олиб, томоқ қириб дастурхон атрофидагиларга қаради. Тўлқинланиб, артистлардай овозини титратиб:

— Муҳтарам домлажон, азиз дўстлар,— дея мурожаат этди-ю, тилла тишлари ботаётган қуёш нурларида кўзни қамаштиргудек ярқираб кетди. Ҳаммани ўз оғзига қаратиб, бир зум жим қолди. Кейин виқор билан қошларини учириб-учириб гап бошлади. У ўз-ўзидан мамнунлигида шундай қиладиган одати бор эди.— Рухсатингиз билан тамадалик ҳуқуқимдан фойдаланиб, бир сўз айтсам. Орамизда бир бахтли одам ўтирибди, дўстлар. Агар биз Помирни дунё томи деб атасак, Устюрт бамисоли дунё супаси. Қани, айтинглар-чи, шу дунё супасида, шундай файзли бир оқшом кезида, шундай тўкин дастурхон, тепасида ким қачон ўз туғилган кунини нишонлабди?!

Отамурод ҳайрон қолди. У хўжайинининг шундай шоирона нутқ сўзлашини биринчи марта кўриб турарди. Султонов юзлари ёришиб, завқ-шавқ билан сўзлар, уни ҳозир фақат тўлқинланиб шеър ўқиётган шоирга қиёс қилиш мумкин эди, холос. У бир зумлик ўзига хос сукутдан кейин яна давом этди:

— Бу бахтга бугун орамизда бир киши муяссар бўлмоқда. У киши ҳаммамиз учун бирдай қадрли инсон, ҳурматли... домламиз бўладилар. Туғилган кунингиз муборак бўлсин, домла.

Қайбиримизнинг туғилган кунимиз экан, деб ўйланиб қолган сафардошлар бирдан енгил тортиб, хурсандчилик билан домлани табриклашга тушиб кетдилар. Зулхумор эса қувончини ичига сиғдира олмай, чапак чалиб юборди:

— Вой, уни қаранг, бир ҳафтадан кейин менинг туғилган куним эди. Эссиз, унда Тошкентда бўламиз. Бахтингизни қаранг, домла. Чин кўнгилдан табриклайман!

Домла Камолиддин ака ҳар нарсани кутса ҳам, буни кутмаган экан, севинчдан ўзини йўқотиб қўяёзди. Хурсандликдан тили калимага келмай, ҳар кимга бир бош силкиб, қўлини кўксига қўйиб, қуллуқ қилади. Ҳар гал тилла кўз ойнагига қуёш тушиб, ярақлаб-ярақлаб кетади.

Ниҳоят Султонов сабри чидамай қўлини боши узра кўтариб, одамларни тинчланишларини илтимос қилди. Аста-секин ғовур-ғувур тиниб, у қўлини туширди-да, ён чўнтагидан буклоғлик бир қоғоз олди.

— Энди, рухсат берсангиз, мана бу телеграммани ўқиб берсам. «Қўнғирот — Устюрт геология-қидирув илмий экспедицияси бошлиғи, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Салоҳиддиновга. Министрлик коллегияси ва шахсан ўз номимдан Сизни — Камолиддин Салоҳиддинович, табаррук эллик беш ёшингиз билан чин кўнгилдан табриклайман. Халқ бахт-саодати йўлида қилаётган хайрли ишингизда Сизга ривож ва муваффақиятлар тилаб:

Геология министри Ҳамробоев».

Султонов қучоқ очиб, домлага қараб юрди. Домла ҳам эриб кетиб, чаққон ўрнидан турди-ю, уни астойдил бағрига босди. Уларнинг ҳурматига ҳамма ўрнидан туриб, табриклаб қарсақ чала кетди. Ниҳоят, домла Султоновни бағридан бўшатиб, қийиқ кўзларида ёш ялтираб, одамларга қаради.

— Раҳмат, минг раҳмат! — У шундай деди-ю, тўлқинланиб кетиб, Султоновни яна бир қучоқлаб, ўпиб қўйди.

Султонов ўзида йўқ даражада хурсандчилик билан яна қадаҳни қўлига олди.

— Дўстлар, мен мана шу қадаҳни умрда бир марта келадиган ана шу айём учун, унга етишиш бахтига муяссар бўлган домламинг учун ичишларингизни илтимос қиламан. Негаки, иккита бешли — эллик беш ёш умрда бир марта келади. Учта бешли ёшга ҳеч ким ета олмайди, етган ҳам эмас. Шундай экан, орамизда домладан табаррукроқ, бахтлироқ кимса йўқ. Домла бу ёшга ҳар жиҳатдан тўкис, ҳамма ишлари беш бир пайтда етишиб турибдилар. Келинг, шу кишининг соғлиғи ҳам, иши ҳам ҳамиша беш бўлиши учун ичайлик!

Бир сира қарсақлар янграб, қўлга қадаҳлар олинди. Ҳар чеккадан қисқа-қисқа истаклар эшитилди:

— Олижаноб истак!

— Ҳаммани ҳам шу кунга етказсин!

— Чиройли гаплар! Қўшиламинг!

— Соғ бўлинг! Геологларимизнинг пири бўлиб юринг!

Отамурод инсон инсоннинг бир оғиз ширин, дилдан чиққан сўзига қанчалар муштоқлигини, шу сўзлардан қанчалар боши кўкка етиши мумкинлигини шу ерда яққол кўрди. Домла Камолиддин ака ҳозир худди шу ҳолга тушган, суюнчи олган боладай бахтиёр эди. У миннатдорчилигини сўз билан айта олмас, кулча юзи ёришиб, қийиқ кўзлари севинч ёшларидан йилтираб, қўли кўксида қуллуқ қилиб турарди.

Кейин устма-уст қимиз қуйилди. Қоврилган жўжалар тортилиб, юбиляр шаънига яхши сўзлар айтилди. Устюртдек саҳрода шундай зиёфат ташкил қила олган Султоновнинг топқирлигига қойил қолиб, унга тасаннолар ёғдирилиб, ҳамду санолар ўқилди. Қимизу шишадаги «шайтон сувлар» ўз кучини кўрсатиб, одамларни бир-бирларига шундай яқин, шундай меҳрибон қилиб қўйдик, фақат ароқ ичмаган Отамуродгина бу яқинликнинг сохталиги-ю, бу меҳрибончиликларнинг шунчаки йўлига эканини сезиб, ич-ичидан ғижиниб ўтирар, нимагадир унинг кўнгли ғаш эди.

Шунча қадаҳлар кўтарилиб шунча яхши сўзлар айтилса ҳам, бирор кимсанинг уни эсга олмагани, шунча елиб-югуришлари, шунча меҳнатни у қилиб, дастурхонни у тузаб, пишириб-куйдириб, обрўни хўжайин олиб кетаётгани туриб-туриб Отамуродга таъсир қилар, шунинг учунми, бу зиёфатнинг туриш-турмуши, сохта эканини у яққол ҳис этиб турар эди. Бунга сари ич-ичидан нафрати қўзиб, қаёққадир қочиб кетгиси келар эди.

Балки у ҳам қиттак отиб олиб, сал кайфи ошганида бети қалинлашиб уларга қўшилиб, энгилтаклик қилишга тушармиди. Еки ростгўйлиги тутиб кетиб, бўлар гапни айтиб қўйиб, зиёфатнинг расвосини чи-

қарган бўлармиди... Енгилтаклик қилишга-ку, юзи чидамас, ҳақгўйлигига бориб, ўтиришни бузса борми? Бир умрга Султоновдан балого қолади. Ундан кўра тилини тийгани ҳам маъқул. Бу тоифа одамларнинг ҳаёт тарзи шу бўлгандан кейин... унга нима оғир-енгиллиги. Шусиз улар яшай олармиди?!

Отамурод қовун каржларкан, ичида қўл силтаб қўйди. У ўйларидан қутилганигами, зиёфатхўрларнинг ҳазил-хузулию қаҳ-қаҳалари қулогига баралла кира бошлади. Улар бир-бирларига гал бермай ўзларича аския қилишарди. Отамурод қовун каржлаб бўлиб, ўрндан турди-ю, беихтиёр кунботарга қараб, уфқдаги ғалати манзарани кўриб, ҳайрон қолди.

Улкан тухумдай қуёш яллиғлана-яллиғлана уфқда ястаниб ётган тизма тоғ ортига ботиб борар, чўққиларига зарҳал тўкиб, тилла тоғдай ярқиратиб турар эди. Қизиқ, бу томонда тоғ нима қилсин? Қипқизил чўл, нарёғи Каспий-ку. Еки сароб бўлдимикин?.. Сароб шунақа чиройли бўларканми, тавба. Ҳақиқатан гўзал-а! Отамурод суқланиб тикилиб туриб, адашганини сезиб қолди.

Уфқдаги нарса тоғ ҳам эмас, сароб ҳам эмас, уфққа чўккан нортуйлар карвонидай булутлар эди. Фақат улар ботаётган қуёш нурида турганиб тизма тоққа ўхшаб ётар эди. Отамурод ичида кулиб қўйиб, каржланган қовунларни кўтарди. Олиб бориб дастурхонга қўйди. Лекин кайфи ошиб қолган Султонов қовунга қўл урдирмай, ҳаммани тўхтатди:

— Шошманглар, қовундан олдин, ўртоқлар, бизнинг ҳурматли домламизга... яна битта, бир донагина совғамиз, кечирасиз, сюрпризимиз бор. Отамурод!— У Отамуродга нурсиз, бамисоли шиша кўзларини тикиб, шу жим туришида нимадир демоқчи бўлди.

Отамуроднинг энсаси қотди: нима демоқчи, айтавермайдими! Охири тоқати тугаб:

— Анавини олиб чиқайми?— деди оқ қоғоздаги ўроғлик нарсани эслаб. Хўжайин бош силкиб, опчиқ демоқчи бўлди-ю, ҳиқичоқ тутиб:

— Ҳиқ!— этиб юборди.

Ортиқ пиқ этиб кулди. Султонов унга зардали боқди:

— Куладиган нарсамас, ошнам... Топилмайдиган тортиқ. Опчиқ, Ота!

Ортиқ бирпасда ўзгариб, юмшоқ супурги бўлиб қолди. Султоновнинг атрофида гирдиқапалак бўлиб, уни юпатиб, кўнглини олишга киришиб кетди. Отамурод ўтовга кириб кета туриб, ичида кулди:

«Ҳа, шайтон, у керакли одамлигини энди эслаб қолдингми. Охирида қанча пул чиқиши унинг қўлида-ку, сен бўлсанг шаккоқлик қилиб ўтирибсан-а! Кулишга бало борми! Тезроқ кўнглини овла, ўзингга ўчакиштириб нима қиласан. Қошки билмасан, сен бу ерларда ниманинг дардида юрганлигингни! У қитиқ патингни ўзингдан яхши билади. Кўпроқмас, камроқ ҳақ ёзсин-чи, додингни кимга айтаркансан!»

Отамурод айтилган нарсани энди олиб чиққан ҳам эдики, Ортиқ шарқи-жанубдаги дашт томонга қўлини чўзиб:

— Ия, уни қаранглар! У нима бўлди?!— деб юборди.

Ҳамма Ортиқ кўрсатган томонга қараб қолди. Ботиб кетай-ботиб кетай дея ёниб-ёлқиқланиб уфқда турган қуёш худди афсонавий лайлатулқадрдай бот-бот нур сочиб, гўё ўша ҳадсиз-ҳисобсиз чўлни шу зарҳал нурлари билан йўргаклаб олмоқчи бўларди-ю, уддалай олмасди. Узоқда кўтарилган чанг эса аниқ кўриниб турар, лекин бу ниманинг аломати эканини билиб бўлмасди.

— Гирдобмасми? Ҳали қум бўронида қолмаймизми?— деди Зулхумор чўчинқираб.

— Йўқ, қизим, чўл сайғоқлари бўлса керак,— ваҳима қиладиган

жойи йўқ, демоқчи бўлди домла ўша томонга тикилганча.— Бўрилар қувиб юрибди, шекилли.

Султонов кайф устида домланинг елкасига қоқди:

— Қойилман, домла, топдингиз... Ҳиқ-қ, кийикнинг макони хиқ-қ, ўша томонлар-да.

— Қари билганини пари билмас!— деди Мамажон ака лабларини чўччайтириб. Кейин қойилмисан, дегандай Султоновга қўлини узатди. Улар бир-бирларини тушуниб, қўл уриштириб қўйдилар. Иккаласи ҳам етилиб қолишибди-ку, деб ўйлади Отамурод.

— Айт, чўл кийикларининг гўштидан лаззатли гўшт, шохидек қимматбаҳо шох бўлмасмиш. Шу тўғрими, домла?— деди Ортиқ ҳам-манинг ҳавасини ошириб.

Ҳўкиздек бақуввадэ эканми, деб қўйди Отамурод ичида. Шунча ичкиликдан кейин ҳам унга жин урмаган эди...

— Илгариги усталар пичоққа соп излаб атай сайғоқ овига чиқишаркан,— деди домла унинг гапини тасдиқлаб.

— Ҳозир-чи! Яқинда газеталарда ёзишди. Кийик шохи женшен билан тенг тураркан-ку!— деди Собир ҳовлиқиб.— Ҳозир алоҳида кийикчилик совхозлари ташкил қилиниб, кийик шохи тайёрлаш йўлга қўйилбди. Кийик шохи кукунидан медицинада пантокрин тайёрланаркан.

Қутилмаганда Султонов бу гаплардан илҳомланиб кетиб, Отамуроднинг қўлидаги нарсани шоша-пиша олиб, уни йиртиб-юртиб очиб, боши узра кўтарди:

— Мана ўша кийик шохи! Ҳавасларингиз келсин топган тортиғимизга!— дея овоз қилди.

Ҳамма унга қараб, унинг қўлида ҳозиргина ўзи орзу қилган нарсани, қўш тиг мисол бурама кийик шохини кўриб ҳайратда қолди. Султонов энди ҳар қанча керилса, кўкрагини баланд кўтарса арзирди. Унинг сюрпризи ўзи кутганидан ҳам зиёда бўлиб чиққан эди. У кийик шохини икки қўллаб тутганича ғурур билан домлага қараб юрди:

— Шахсан камина шогирдингиздан. Устюртдан эсдалик деб қабул этгайсиз!

Домла тўлқинланиб кетиб, бир зум шошиб қолди. Ичида жон-жон деб турса ҳам:

— Бекор қипсиз-да, чакки овора бўпсиз-да,— дея гап бошлаган эди, Султонов бўш келмади:

— Овораси бораканми, домлажон. Бу шох экан-у, оёғингизнинг тагига тирик кийикни тутиб келтириб сўйсак ҳам кам. Нима деяпсиз! Истайсизми, ҳозироқ тутиб келтирамиз!— У шохни тутқазди-ю, валломатлиги тутиб кетиб, домланинг розилигини ҳам кутиб ўтирмай шофёрини чақирди:— Отамурод, қанисан, машинани келтир. Қани, ким боради биз билан?! Қим кийик овига боради! Борадиганлар машинага чиқсин!..

— Раҳмат, мана шунинг ўзи қўй сўйгандан зиёда бўлди. Оворагарчиликни қўйинглар. Кераги йўқ,— домла астойдил бош чайқай бошлади.

— Қўй нимаси, кийик келтирамиз!— Султонов астойдил отланганини кўрсатиш учун машина томонга қараб юрди, яна тўхтаб, домлани ташвиқ қила кетди.— Шундай кийик маконига келсангиз-у, уч ҳафта, бир ой юриб, бир марта кийик овига чиқмай қайтиб кетсангиз! Қўйинг, дунёга икки марта келмайсиз-ку! Уйнаб-кулиш ҳам керак-да, домлажон.

Домланинг иккиланганини кўриб, Мамажон ака кайф устида астойдил хафа бўлди:

— Сайил ҳам сайил, саргардонлик ҳам сайил дейдилар. Борсақ-борибмизда, домлажон. Ҳали кийик тутдикми, йўқми?.. Ҳеч бўлмаса шамоллаб келармиз.

— Борсак ой чиқмасдан борамиз. Тунда шундай зўр ов бўладики, унинг гаштини... сиз билмайсиз,— дея яна ўт ёқди Султонов.

Отамурод домла ҳар қалай тушунган одам-ку, ичимизда эсли-ҳушли-ку, унамас, бу йўлдан қайтарар, деб ўйлаб, ўтов ёнида ивирсиб юрар, машинани келтиришга шошилмасди. Лекин зиёфатдан бадани сал қизиган эркаклар ов дарагини эшитиб:

— Борамиз, ҳеч бўлмаса ёзилиб келамиз,— деб отланиб қолишди. Собир Султоновга эргашди. Буни кўриб, Ортиқ Зулхуморни четга тортиб пичирлади:

— Қолайми ё бораверасизми?..

Зулхумор қатъий бош чайқади:

— Йўқ-йўқ, қолиб бўлмайди. Борамиз.

Ногоҳ Собирнинг кўзи уларга тушиб, галати бўлиб кетди. Ўзи тўхтаб қолди. Шу вақт домла узил-кесил бир қарорга келиб, Султоновга қаради:

— Майли, бўлмаса, мени деб сизлар ўйин-кулгидан қолманглар. Тез қайтармиз...

— Бўлмаса-чи, қолиб кетармидик!— Султонов севиниб Отамуродни чақирди.— Ота! Бўла қолмайсанми, мунча имилладинг?!!

Отамуродга малол келиб, ичида тўнғиллади:

— Хўжайинман деб буюравераркан-да. Ўлсанг ҳам иши йўқ...

Султонов унинг нима деганини англай олмай, жаҳли қўзиб ер тепинди:

— Ҳа? Сенга қараб турамизми?

Отамурод энди ялт этиб унга тик қаради, ўзини боса олмай:

— Мен ҳам одамман! Темир эмасман-ку. Ит тинади, қуш тинади, нима мен сизга?!— деди.

— Ҳали шунақами? Қалитни бу ёққа ол, нокас!— Султонов унинг олдига бостириб келиб қўлини чўзди.

Отамуродга алам қилди: ҳали бир галда нокас бўлиб қолдимми?! Эшшакдай ишлайверса тузук экан-да: Меҳнати ҳалол, ўзи ҳаром экан-да. Ҳа, буларга қолса шундай... одам нима-ю, эшшак нима!

У ҳам жаҳл билан чўнтагидан машина калитини олиб, «олинг, орзуманда эмасман», дея итқитмоқчи бўлди-ю, калит ўзида эмаслигини эслаб:

— Мендамас,— деди лаблари пирпираб.

Султонов чўнтагини титкилаб, калитни топди шекилли, сал ҳовуридан тушди. Лекин бўш келгиси келмай:

— Ялинмадим сенга,— дея тез-тез юриб кетди.

Ҳамма нима қиларини билмай иккиланиб туриб қолганини кўриб, домла Отамуродга яқинлашди, елкасига қоқиб юпатган бўлди:

— Хафа бўлманг. Кайфи бор, қизишиб кетди. Шу ҳолда унга машинани ишониб бўладими? Кўрмайсизми, йўқ десак хафа бўляпти. Келинг, бир балони бошламасин.

Оёқда зўрға турган Мамажон ака унинг ёнига келиб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ елкасига қўлини ташлаб, уни маҳкам бағрига босди. Кейин:

— Мен сени укам деганман-а? Ҳақиқий укамсан-а? Шуни биласан-а?— деди астойдил ёпишиб.

Отамурод иложсиз кулимсиради:

— Бўлмасам-чи!..

Мамажон ака унинг пешонасидан ўпиб, елкасига қоқди:

— Мана бу ўғил бола гап. Кетдик.

Отамурод кўнгли эриб келиб, шайтонга ҳайф берди.

— Яхши,— деди секин.

Буни кўриб, ҳаммалари шовқин-сурон билан машинага чиқишга

ошиқишди. Мамажон ака эса ўтов орқасига ўтиб кетаётиб, яна қайтиб келди-да, Отамуроднинг қулоғига пичирлади:

— Мен уёққа ўтиб келай... Ўзи шунақа... қовуғим сал бўшроқ,— деди-ю бир кулиб қўйиб, оёғи чалиша-чалиша кета бошлади.

Нимадандир кўнгли ранжиб қолган Собир ҳам бурилиб, ўтов томонга ўтиб кетди. Унинг ажраб қолаётганини кўриб, Зулхумор тўхтади. Лекин Собир унга қайрилиб ҳам қарамади, жаҳл қилиб ўтовга кириб кетди. Қизга мана шуниси таъсир қилди шекилли, у бурнини чиройли бир жийриб, машинага қараб юрди.

Ортиқ қўлини узатиб, уни тортиб оларкан, ҳазил қилди:

— Аразкашни авахтада қолдирибсиз-да.

Зулхумор эшитиб юраклари эзилиб кетсин, жазоси шу дегандай атай шарақлаб кулди:

— Авахтадамас, вахтада денг!..

— Кечирасиз, вахтада!— дея хурсанд кулди Ортиқ.— Қайтгандан кейин шахсан миннатдорчилигимизни етказиб қўясиз-да, а?— тагдор гап қилди у.

— Элчига ўлим йўқ. Айтсам — айтавераман. Лекин раҳматингиз учун тилингизни суғуриб оладими деб қўрқаман,— Зулхумор ҳам бўш келмади. Машинада гуррос кулги кўтарилди.

— Кетдик!— деди Султонов унга қарамай.

— Мамажон ака-чи?— Отамурод «кетиб қолсак хафа бўладилар», дегандай қаради.

— Узлари тайёр бўлиб қолибдилар-ку, овда бало борақанми у кишимга!— Султонов ўзининг гапидан ўзи қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Тушларида шайтон овини кўриб тура қоларлар,— деди Ортиқ ҳазилга керосин сепади.

— Майли, қола қолсин. Ўзи яхши, хокисор одам, хафа бўлмайди, тушинади,— деди домла Отамуродга қараб.

Отамурод кўнгли бўлмаса ҳам, ноилож, ўзингиз биласиз, деди-ю газни босди. Машина силтаниб юриб кетди-ю, ов ишқибозлари бехос чайқалишиб, бир-бирларига урилиб, ётиб қолишди. Машина ичини шодон қийқириқ-кулги босди.

«Кулгининг кети йиғи, дейишади, ишқилиб, охири бахайр бўлсин», деб ўйлади Отамурод. Нимагадир шу пайтда бошига шу хаёл келганига ўзи ҳам тушуна олмади.

## Иккинчи боб

Улар орқаси кенг қилиб, ўриндиқлари икки ёнга ўрнатилган сафар-боп «Газик»ка жойлашиб ўтириб олишди. Ортиқ қизни ўзига оғдириб олиб кетаётганидан, ҳаммасидан ҳам ўз ёнига ўтқазишга муваффақ бўлганидан, мана ҳозир ўнг сони жаз-жаз куйиб, унинг юмшоқ, эслаганда эркак кишини маст қилиб, кўзини тиндириб ташлайдиган силлиқ сонига тегиб турганидан боши осмонда эди. Шунинг учунми, унинг бояги гапи унча ботмади ҳам. Ўзи қўшилиб кулиб, енгиб кетди.

Шу пайт машина силтаниб жойидан жилди-ю, Ортиқ қизга ёнбошлаб қолатуриб, қўллари билан унинг икки елкасидан маҳкам ушлаб, қучиб қолди. Юз-бурни билан опала сочларига урилиб, қиз бола сочининг бўйидан боши айланиб, бир зум ўзини йўқотди. Бу бўй шундай лаззатбахш; шундай оромижон эдики... Ортиқ шу бўйга бир тўйиш учун жону жаҳонидан кечишга ҳам тайёр эди ҳозир.

Машина бехос жойидан жилганда олдинга қалқиган одамлар у юриб кетиши билан ўзларини тута олмай, яна орқага қалқидилар. Бу сафар Зулхумор ўзини Ортиқнинг забардаст қучоғида кўрди. Йигит-

нинг кўкси қизнинг нозик куракларидан куч-қувват олгандай, унинг томирларида қон кўпирди, юраклари темирчининг босқонидай гурс-гурс ура кетди.

Шу топда у ўзини энг бахтиёр, омади чопган эркак ҳис этар, аёл зоти анқонинг уруғи бўлган шу саҳрои азимда яккаю ягона паризод қиз ҳам ихтиёрини унга берай-берай деб, ёнида ёниб ўтириши кўнглини тоғдек кўтариб юборган эди. Ортиқ йигитлиги тутиб, эгри кўнгил билан қизни ўзига тортмоқчи бўлган эди ҳамки Зулхумор ҳаддингиздан ошманг, дегандай зарда билан елкасини силкиб, ўзи нарироқ сурилиб олди. У оқшом ғира-ширасида бошқаларга сездирмай, ноилож қўлини тортди-ю, бехосдан бўлган ишдай:

— Мунча қўпол ҳайдамаса,— дея одоб юзасидан қиз томонга энгашиб,— кечирасиз,— деб қўйди. Зулхумор одамлар олдида ҳеч нарса бўлмагандай индамаса ҳам, уятсиз, дегандай ёмон қараб қўйди. Ортиқ кўзлари билан гуноҳкорона тикилиб, кечирим сўрашга тушган эди, у зарда билан ўгирилиб, йўлга қараб олди.

Бу ноз-фироқлар, зардалар ҳаммаси бир ўптиргунча, ичида кулиб ўйлади Ортиқ. Ҳали тузоғининг атрофида донлаб юрибди холос, бу қушча. Тузоғига илинтириб олсин, ўзи билади. Не куйга солса кўнади ўшанда. Ҳозирча ноз-карашмасига чидамай иложи қанча. Алдаб-алдаб, ҳуркитмай, аста-секин этини ўлдириб борса, марра уники. Бу қизлар ҳам кийик мисол, битта зада қилиб қўйсанг, қайтиб яқинига йўлатмайди. Аммо-лекин буниси ўйноқироқ. Ҳали эркак кишининг қучоғида маст бўлиб кўрмаган. Бир ўрганса борми, мазахўрак бўлади-қўяди.

У ич-ичидан кулиб бош чайқади: Нима бало, анови сўтак ўпиш у ёқда турсин, қўлиниям ушламаган шекилли, яна рашк қилганига ўласанми?.. Худо кўрсатмасин, булар уйлансаям аввал рухсат сўраб, кейин қучоғига кирадийёв... Шунча юриб, битта қучоқлаб ўпмаса, у қанақа муҳаббат экан?!

Машина шувқордан эски бир йўлга тушиб олиб, бир текис кетиб борарди. Уфқлар ўсма тортиб, ғира-шира қоронғилик ер бағирлаб учиб юрганга ўхшайди. Шу қоронғилик тумани машина ичига ҳам бостириб кириб уларга ҳамроҳ бўлиб олган. Бурчак-бурчакларда, оёқ остилари, кифтларда сирли жимирлаб кўзни толиқтиради. Фақат олдинда ўтирган Отамурод билан домлани айтмаса, бошқаларни юз-кўзидан ажратиш қийинлашиб қолган. Домланинг орқасида ёнланмасига ўтирган Султонов ярим энгашиб олиб, олдинги бир кийик овида куппа-кундуз кунни қум ўпқонига машина-пашинаси билан тушиб кетганлари ҳақида оғиз кўпиртириб ҳикоя қилиб борарди. Ортиқдан бошқа ҳамма унга қулоқ осган. Ортиқнинг хаёли бошқа нарсада, у ўз хаёлига ўзи маҳлиё бўлиб қолганди.

Ортиқ аҳд қилмасин, аҳд қилса ниятига етмай қўймайди, ўйларди у ичида ғурурланиб. Бошида қанақа асов эди, олдидан келса тишлайман, орқасидан келса тепаман дерди, яқинига йўлатмасди. Ҳатто кўз уриштириб бўлмасди. Секин-секин йўлга солса бўларкан-ку. Унинг кўзлари бир тикилмасин, тикилдими, ақл-хушини ўғирлаб, ўзини йўлдан оздирмай қўймайди. Бу кўзлар росмана тикилганда не-не қизларни қалқитиб, қоқилтирмаган. Энди кўярмиди. Унинг ҳирсли кўзлари охири бунни ҳам авради. Ўзига қараб кўз уриштирмаса тура олмайдиган қилиб қўйди. Кейин тамомила эътибор бермай, қизни куйдириш йўлини тутди. Уни ўзига жонҳалак қилиб қўйди. Ниҳоят, кутилмаганда мавридини топиб, зиёфатда қизнинг шаънига қадаҳ кўтариб, уни мадҳ этди.

— Дўстлар, Устюртни ота-боболаримиз Борса-келмас деб ҳам аташган. Қарвонлар бу ўлик саҳрони четлаб ўтишган. Не-не мардлар бу Борса-келмасда дом-дараксиз кетишган. Ҳали ҳозир ҳам юрак ютиб Устюртга кела олмайдиганлар қанча. Лекин орамизда шундай жойга тап



тортмай қадам ранжида қилган Тўмарисдай мард бир қиз ўтирибди. У Устюрт забткорлари ичида биринчи аёл бўлса ҳам ажаб эмас. Мен мана шу қадаҳни қўрқмас қизимиз Зулхуморнинг соғлиғи учун ичишларингизни илтимос қиламан.

Мана шу қадаҳ бирёғлиқ қилди. Қизни юрак-юракларигача эритиб, уни Ортиққа ром қилди-қўйди. Лекин унинг кўксига бош қўйиб таслим бўлишга нимадир монелик қилиб турибди, холос. Нима экан у? Муҳаббатми ё номусми? Ҳа, одамлардан номус қиляпти. Чодирда якка ўзини олиб қола олганида борми, қандай гўзал иш бўлган бўлар эди! Шу вақтда ниятига етиб, нақ айшини суриб ўтирган бўлармиди! Эҳ!..

Ортиқ завқи келиб кетиб, тиззасига бир уриб қўйди. Фира-ширада ҳамма унга ҳайрон бўлиб, бош ўгириб қаради.

— Тинчликми, бойвачча ака,— деди Султонов. Ортиқ буни «ўзингизнинг ваҳимангизми?» деган маънода тушунди-ю, қилмишини ҳазилга буриб юборди.

— Назаримда нимадир... чаёнми, калтакесакми ўрмалаб кетаётган экан...

Ҳазил нишонга тегиб, Зулхумор «вуй-й» дея ундан четланиб бурчакка сиқилиб олди.

Ортиқ ўзининг ҳазилидан ўзи завқланиб, хандон ташлаб кулди.

— Чимчилоқдек бир нарсадан шунчалик қўрқасизми, Тўмарисой, ўша чаён сизни чаққунча мени чақса бўлмайdimи?!

Зулхумор ҳам энди бу гапнинг ҳазиллигини тушуниб, жойига ўтираркан:

— Сизга чаён-паёнлар бекорга илашмайди, заправка қилгани келади,— дея машинада гур кулги кўтарди.

— Биру нол! Ютқаздим, улоқ сизда кетди. Буюринг, қулингизман,— дея Ортиқ иккала қўлини кўтариб, ўзи ҳам кулгига қўшилди. Шу билан у ораларига тушиб қолай деган совуқчиликни ўртадан кўтариб юбормоқчи бўлди.

— Бу билан қутила олмайсиз. Ҳали шошмай туринг,— дея ўпкалаб пўписа қилди Зулхумор.

Ортиқ унинг чеҳраси сал ёришганини кўриб, атай:

— Ҳар қанча жазоларингизга тайёрман. Урганингиз ун оши, сўканингиз сўк оши. Марҳамат,— дея бошини эгиб, юзини тутиб берди. Зулхумор қўли билан унинг елкасидан итариб ташлаб:

— Боринг-е,— деди-ю юзини четга буриб олди.

Ортиқ сезиб турарди, қиз унинг қилиғидан кулгисини тия олмай, четга қараб олган эди. Шу пайт Отамурод машина фараларини ёқиб юборди-ю, ён-атрофни қоронғилик босди. Ён томондан осмонда онда-сонда кўз очган юлдузлар муз учкунларидай ялтираб кўринди. Ортиқ, дарров шунақа кеч бўлиб қолибдими, деб брезентни кўтариб орқага қараб қўйди. Росмана қоронғиликда уфқни ажрата олмади. Тим қора осмонда юлдуз нимагадир чарақлаб эмас, онда-сонда милтираб кўринар, машина силкиниб бораётгани учунми, Ортиқ уни ҳам дарров йўқотиб қўяр эди. У ўзича, худди булутли осмонга ўхшайди-я, деди-ю брезентни ёпиб, яна ўзи билан ўзи бўлиб кетди.

Машина бир маромда силкиниб, ўз йўлига нур сепиб боради. Уёқ-буёққа бурилмайди ҳам, тезлигини ошириб шошилмайди ҳам. Тўғри, бир текис кетиб боряпти. Гўё борадиган манзили ҳали узоқдек, ҳали-бери етиб бўлмайдигандек. Отамурод ҳам қанақадир нохуш хаёлларга берилиб кетган одамдай индамай рул бураб борарди. Гўё овга эмас, узоқ йўлга чиққан шофёрдай хаёлга берилиб кетган.

Ортиқнинг тоқати туғаб, юраги сиқилиб кетди: улар ўйнаб-кулгани, яйраб-ёзилгани чиқишганми, ё бекорга сандироқлаганими? Бундан

Кугисемдаги ўтиришлари минг маротаба маъкул эмасмиди?! Қани у айтган кийиклар, қорасини ҳам кўрсатмайди-ку. Булар ҳеч овга чиққанми ўзи?

Султонов ҳам сабри чидамай ўтирган эканми, Отамуродга осилиб қолди:

— Бу дейман, илгариям овга чиққанмисан, ўзи? Овга чиққан одам машинани уёқ-бу ёққа ҳайдамайдими? Шовқин-сурон солмайдими! Чирроқни ўчириб-ёқиб, кийикларни ҳуркитмайдими! Тўғри кетаверса иш битарканми?! Жайрон жонивор мана мен деб ўзи олдинингдан лоп этиб чиқиб қоларканми?! Тушингни сувга айтасан!

Отамуродга ҳам шу баҳона бўлиб, машинани секинлатиб тўхтата қолди:

— Мен билмасам, ҳайда дедингиз, ҳайдаб кетяпман,— деди орқасига ярим ўгирилиб,— балки ўзингиз... рулга ўтирганингиз яхшидир.

«Бу ҳам ўзига етгунча экан-ку. Қайсарлигини қаранг. Бояги гапида туриб олиб, ҳали ҳам машинани ҳайдагиси йўқ-ку. Билмасмиш. Балони билади, фақат баҳона қиляпти,— ўйлади Ортиқ.— Бўйнидан бойлаган ит овга ярамас, деб шуни айтарканлар-да. Унамасанг унама. Ўзимиз-чи!»

Ортиқ ўзини Зулхуморга кўрсатиб қўймоқчи бўлди-ю, бирдан ўзи ҳам бунақа овга чиқмаганини эслаб, тилини тия қолди.

— Шунақа касалинг боракан, боя айтмайсанми?!— тўнғиллаб машинадан шаҳд билан туша бошлади Султонов.

— Бормисиз, йигитларнинг гули, хит бўлиб кетдик-ку!— хурсанд бўлиб қўйди Ортиқ.— Йўлга яримта-паримта ҳам олволмаган эканмиз. Қиттак-қиттак қилиб борардик. Овимиз юришмагани ҳам билинмас эди. Нима дедингиз, домла?

— Шундайку-я, лекин овнинг гаштига нима етсин. Менимча, унга етадиган нарса йўқ дунёда. Ҳаммамизда ҳам жиндек овчилик қони йўқ эмас. Бу ибтидоий даврда овчилик билан кун ўтказган аждодларимиздан қолган мерос бўлса ажабмас. Овлоқ табиат, тоғ, дарёлар, ов гашти одамни ўзига оҳанграбодек тортиши бежиз эмас,— домланинг бу гапи рулга ўтириб улгурган Султоновга ёғдек ёқиб тушди.

— Бормисиз, домлажон! Балиқнинг ўзидан уни тутиш завқли бўлганидек, жайронни тутиш ҳам шундай завқлики!.. Унинг устига, жайроннинг ўзи ҳам анқонинг уруғидек нарса. Ҳозир жуда камайиб кетган. Уни кўриш ҳам ҳар кимга насиб бўлавермайди. Устюртга бир келиб қолибсизлар. Мен сизларни кийик гўштисиз жўнатсам уят бўлади. Ҳали шошмай туришлар, овимиз шундай бароридан келсинки,— у шундай дея машинага қаттиқ газ босиб, фариллатиб юргизиб кетди.

Ортиқ бир силкиниб кетди-ю, ўзини тийибгина Зулхуморга урилди. Боягидай мулзам бўлиб қолишдан чўчиб, ўзини тутди. У Султоновни ўйларди: «Хўп қўли очик, танги йигит эканми! Устозимиз кепқоптилар, деб уч ҳафтадан бери бутун ишини ташлаб, соядек эргашиб, ҳамма нарсага балогардон бўлиб юрибди-я. Унақа-бунақа шогирдлар бир вагон баҳона топиб, икки кунда қочворади. Бу бўлса, домла одам деса одам топиб берапти, машина деса — машина муҳайё қилапти. Яна қарерда, шундай саҳрои кабирда, кимсасиз бир жойда! Отасига раҳмат! Устозининг туғилган кунини билиб қолиб, алоҳида тайёргарлик кўрган-чи?! Бу олижаноблигига ўн балл берса кам, устига устак, бир келиб қолибсизлар деб жайрон овига олиб кетяпти. Одамгарчилигу меҳмонновозлик шунчалик бўлар-да. Баҳонада Ортиқнинг ўзи шу йигитнинг орқасидан бир нарсалик бўлиб қолаётгани-чи? Шу экспедицияда юришига минг сўм чиқса ҳам ҳарна-да. Яна ишхонасидан бир ой-бир ярим ой ўз ҳисобидан отпуска сўраб олиб, бу ерларда ёлланиб ишлаб юриб

турса борми, эски «Москвич» сутдек оппоқ «Волга»га айланиб турибди-да. Ҳзи мақсад ҳам шу-да!..»

Машина бурила туриб, бир ғилдираги қандайдир чуқурчага тушиб кетди-ю, Ортиқ бошини кабина шифтидаги темирга уриб олиб, бамисоли кўзидан олов чиқиб кетди. Бояги ширин хаёллардан асар ҳам қолмади. Жон аччиғида бошини ушлаганича Султоновга қаради.

— Ҳов, биродар, кийик ови деб бошдан айрилмайлик. Секинроқ-да,— деди ётиғи билан.

— Ов қурбонсиз бўлмас деганлар, чидайсиз,— деди Отамурод ҳазил аралаш.

— Ҳали бу ҳолвасимасми, Султонов ака,— Зулхумор ҳам гап билан чимдиб олди.

— Жони бўшларни ҳали ҳам бўлса Кугисемга обориб ташлаб келсам, тузукка ўхшайди-ку, а, домла?— узр ўрнига Султоновнинг бу кесатиғи ўтиб тушди.

Ортиқ ловуллаб кетди. Уни кўпчиликнинг ичидида қиз болага тенг қилиб камситишига чидаб туролмади:

— Бу ов эмас, дўзах азобининг ўзи-ку. Э, билсангиз ҳайданг-да бу савилни! Одам ўтин эмас-ку!..

— Нима қил дейсиз?— машинани тўхтатиб ўгирилди Султонов.— Шунақа ҳайдамаса, кийик тутиб бўларканми?!

— Э, шунаққиб тутиб берган кийигингиздан ўргилдим-ку!— Ортиқ қўл силтаб юз ўгирди.

Домла уларни тинчлантиришга уриниб:

— Қўйинглар, уят бўлади, кап-катта одамларсизлар-а! Қўйинглар!— дея ўртага тушди.

Фақат Отамуродгина бу жанжалга аралашмай жим ўтирар, афтидан аралашмоқчи ҳам эмас эди. Ортиқ қоронғиликда унинг юзини аниқ кўрмаса ҳам, гинакашлик билан унга қараб қўйди: ҳаммасига мана шу қайсар сабабчи. Шофермисан, ишинг рул бураш — хўжайиннинг буюрганини қилиш. Қирчанғи отдек ўзингни у ёққа-бу ёққа ташлайсан, ётоқчилайсан. Нонингни ҳалоллаб е-да! Бўлмаса қўй, бошқаси минсин. Хўжайин олиб юришни чидаганга чиқарган.

Ортиқ анча ҳовридан тушиб, ўрнидан қўзғалиб қўйди-да, домлага қаради:

— Мен бир нарса деяётганим йўқ. Лекин бунақа изғишдан нима фойда? Биронта бир кийик қорасини кўрсатса ҳам майлига экан.

Домланинг ўрнига Султонов илтимос оҳангида жавоб қилди:

— Сабрнинг тағи олтин деганлар, сиз бир оз сабр қилинг, оғайни. Мен сизга қулинг ўргилсин кийик тутиб беролмасам, ана ундан кейин айтинг.

«Тўрт томони қибла-ку, кийик тутиб бўлармишми шу зимзиё чўлда», Ортиқ кўнглида унга шундай пичинг қилса-да, сиртида билдирмади:

— Узингиз биласиз. Менга бари бир энди,— деб қўяқолди бепарвогина. Арзимаган нарсага тескарилашиб ўтирмади: унда кимга фойда-ю, кимга зиён. Така бўлсину, сут берсин. Билганини қилмайдими! Иши тушмайдиган одам бўлса экан!.. Энгакда текканми, баъзан ўзи-ям орқаворатини ўйламай гапирворади. Шу шартакилиги қолмади-қолмади. Бўлмаса неча марта тили куйган. Сут билан кирган мижоз жон билан чиқади деганлари шумикан? Уни ҳам тушуниш керак-да. Мавриди келганда домласига ўтқазиб қўймоқчи. Ҳозир шусиз бир иш битадими?

— Бу бошқа гап!— деди-ю Султонов кўнгли жойига тушиб, газни босди. Ҳозиргина тепада чарақлаб турган ғужғон юлдузлар бир ёнда қолиб, машина ўнгга бурилди. Унинг ойнасидан энди ҳеч нарса кўрин-

май қолди. Үзи эса олдинга нур сепиб, йўл тимирскилаб боради. Гўё қоронғилик қаъридан отилиб чиқиб кетмоқчи бўлади-ю, чиқиб кета олмайди. Султонов рулга ёпишиб олиб, олдинга тикилади. Кўзлари билан ниманидир излайди. Топа олмай, кабинадан бошини чиқариб ён-атрофга аланглайди. Кўзига нимадир кўрингандай бўладими, машинани буриб ўша томонга ёруғлик тушириб ҳайдаб кўради. Милт этган қорага кўз-қулоқ бўлиб боради. Унинг важоҳатидан мана ҳозир биронта кийик машина олдидан лоп этиб чиқиб қоладигандек, ҳар бир қора унга кийик бўлиб кўринади. Лекин машина ғариллаб кетиб боряпти. Султонов уни дуч келган томонга солиб кўряпти, фараларини ўчириб-ёқяпти ҳамки, ҳеч нарсадан дарак йўқ. Одамлардаги қизиқиш ҳам сўниб, сукутга кетишган, ҳар ким ўз хаёллари билан бўлиб қолган. Улар шундай ярим соат юришдими, бир соат юришдими, бир маҳал Ортиқ Султоновнинг қийқиригидан чўчиб тушди:

— Ҳа, жонивор! Бор экансан-ку!..— Султонов шер бўлиб кетиб рулга ёпишди. Газни босиб машина тезлигини яна ҳам оширди. Одамлар нима гаплигига тушуна олмай ҳовлиқиб қолишди.

— Нима-нима? Нима гап ўзи?

— Қийикми? Қани? Қайси томонда?

— Ҳеч нарса кўринмайди-ку, йўқ-ку?!

Ортиқ бир ёнга энгашиб, очиқ жойдан бошини чиқариб олдинга қаради. Аввалига ҳеч нарса кўрмай энсаси қотди. Кейин бирдан машина олдида, ёруғдан ҳам олдинда талвасага тушиб, аланглаб чопиб бораётган жайрон қорасига кўзи тушиб, юраги ҳаприқиб кетди-ю:

— Ана-ана! Олдинда! Газни босинг! Босинг, бўлмаса етолмайсиз!— деб бақириб юборди.

— Қаёққа қочиб қутулади? Қутулиб бўпти энди!— шодон қийқирди Султонов. Үзи газ устига газ босди. Машина мисоли шамолдек елиб, Ортиқнинг юз-кўзларига майда нарсалар қумдек урилиб, игнадек санчила бошлади. Шамоли эса кўз очиргани қўймайди.

— Рост айтасиз. Ана! Фара ёруғига тушиб олди,— ўтирган ерида талпиниб қичқириб юборди домла ҳам.

— Ву-й, мунча чиройли!— деди Зулхумор.

Ҳақиқатан фара ёруғида кумушдек ялтираб, гўзал бир хилқат, табиат яратган нозик бир учқур мавжудот учиб кетгудек бўлиб олдинга талпиниб чопиб борарди. У қулоқларини динг қилиб олиб, бутун вужуди кўз-қулоқ бўлиб, қочиб боради. Унинг шамолдек энгил ирғишлаб қочиши беихтиёр кўзни ўйнатиб, одамда овчилик қонини кўпиртиради. Домла айтгандек юрак ҳаприқиб гурс-гурс уриб кетади.

Султонов тезликни ошира-ошира жайронни росмана фара ёруғига тушириб олиб, уни бир ўчириб, бир ёқишга туша кетди. Ортиқ нега бундай қияпти, жайрон ҳозир четга уриб кетади-ку, деб шошиб қолди. Лекин ҳар гал чироқ ўчиб ёнганида кийик баттар саросимага тушиб эсанкирар, тезлиги ҳам секинлашиб борарди. Бу фақат бир неча минутгагина чўзилди. Охири кийик кўзи тиниб, бошини кўтариб аланлаганча тўхтаб қолди. Тўхтаб қолди-ю, катта тезликда бораётган машина уни уриб юборди.

Ортиқ аниқ кўрди. Нурли йўлда жовдираб турган кумуш кийик ёруғда тилларангга айлана бориб, бирдан қорайди-ю, машина қанотига донг этиб урилиб, ўмбалоқ ошиб кетди.

Шу пайт Зулхумор:

— Вой-й бечора!— дея қичқириб юбориб, қўллари билан юзини тўсиб олди.

Султонов жадал тормозни босиб, машинани секинлатди-ю, уни аста буриб, орқага қараб юрди. Фара ёруғида ҳалиги жойни тусмоллаб бораркан:

— Омадингиз боракан, домла. Жуда чиройли шохлиси экан,— дея мақтаниб қўйди.

— Менда бор-ку, бунисини Зулхумор олақолсин, яхши эсдалик бўлади,— деди домла камтарона. Зулхумор қатъий бош чайқади:

— Йўқ, йўқ, мен қўрқаман. Шу кўрганим етади.

— Бўлмаса, Ортиққа бўлақолсин, бошидан айрилишига сал қолувди,— ҳазил аралаш кулди домла.

Ортиқнинг юраги шиғиллаб кетди, қани эди унга бўлса! Қўлда озмунча турадимики! Харидори чиқиб қолса сўраганига олади-я бунақа нарсаларни...

У худди биров сўраб олиб қўядигандек шошиб:

— Беҳазил. Берсаларингиз жон-жон деб оламан,— деди.

— Майли, сизники бўлақолсин,— деди Султонов валломатлик қилиб.

Бу орада машина бояги жойга етиб борди. Фара ёруғида боши қумга ботиб ғайри табиий узала тушиб ётган жайрон кўринди. Уни кўриб Зулхумор қичқириб юбораёзди:

— Вой, бечора! Увол қилибсизлар-а, шундай нарсани...

Ортиқ унга ғаш келиб қаради: Аёл киши аёллигича қоларкан-да. Ачинса ов бўладими!

Отамурод ҳамон ғиқ этмас, қоронғида унинг қанақа кайфиятдалигини билиб ҳам бўлмас эди.

Машина тўхтаб, Султонов сакраб ерга тушди. Ортиқ унинг кетидан шошиб эргашди: «Шохи қанақа экан? Домлага тортиқ қилганидан яхшимикан? Султонов айтгандай чиройлиси бўлса, домла бояги гапидан айниб қолмасмикан?..» Унинг кўнглидан шунга ўхшаш гаплар ўтиб бораркан, бошқалар ҳам машинадан бирин-сирин тушиб, кийик ағдарилиб ётган ерга йиғила бошлашди. Кийик жонивор жон таслим қила олмай қийналади, ҳансираб охиригича кучини йиғиб, бошини кўтармоқчи бўлади-ю, кўтара олмайди, мажоли келмай типирчилаб-типирчилаб қўяди. Қум тўлган кўзларидан ёш, бир шохидан эса қон сизиб оқади.

— Эссиз, шохи сизга буюрмаган экан. Биттаси тагида қолиб чўрт узилиб кетибди,— деди ачиниш билан Султонов кийик устига энгашиб. Кейин шошиб буюрди.— Отамурод, пичоғингни ол, ҳаром ўлиб қолмасин,— у шундай дея енг шимара бошлаган ҳам эдики, азбаройи ачиниб кетганидан:

— Уволи тутади демадингизлар-а, уволини ўйламадингизлар-а,— дея жавраб турган Зулхумор юраги бўлмай нари кета бошлади.

Ортиқ буни кўриб тегишди:

— Юракдан ҳам худо берган экан-ку, Тўмарисой! Нимасидан чўчийсиз?

Зулхумор кўришга тоқатим йўқ, ҳеч ҳам йўқ, дегандай бош чайқади:

— Қўйинг, гапирманг. Ҳаммангиз бир экансизлар. Қаҳри қаттиқ одам экансизлар. Уволи билмас экансизлар!

У орқасига қайтиб, машинага чиқиб ўтириб олди-ю, эркаклар кийик устида хомуш туриб қолишди. Унинг гапи айниқса домла билан Отамуродга қаттиқ таъсир қилган, улар бош кўтара олмай қолишган эди.

— Отамурод, мен сенга нима дедим?— Султонов жаҳли чиқиб унга ўгирилди.— Чўчқа эмас-ку, ҳаром бўлади десанг!

— Пичоғинг шунчалик азизми, бера қолсанг-чи?!— дея Ортиқ ҳам «пичоқли тўкис-ей», дегандай унга қаради. Отамурод хаёлига келган фикрдан жонланиб домлага ўгирилиб, илтижоли тикилди:

— Оғайнилар, домла, шундай нарсани сўйиш шартми?— Балки

ёрдамлашворсак оёққа туриб кетар, жониворнинг уринишини қаранглар,— деди.

Ортиқнинг кулгиси қистаб, қаҳ-қаҳ уриб юборди:

— Вой, хумпар-е, гапини қаранглар. Ёрдамлашворсак эмиш!— У қорнини ушлаб, силкиниб-силкиниб кула бошлади.— Зўр овчи экансан-ку! Сен билан овга чиқадиған экан-ку!

Унга Султонов ҳам қўшилиб кулди, чаккаларини ушлаб, кўзларидан тирқираб ёш чиққунча кулди:

— Хўп одамидан пичоқ сўрабманми-а?! Хўп одамлар билан овга чиқибманми-а?!

У Ортиққа қўшилиб тинмай кулар, бунга сари ерда ётган жонивор жон ўйноғида типирчилаб қийналар эди. Воядан бери индамай турган домла кутилмаганда:

— Ваҳшийлик,— деди-ю орқасига бурилиб кета бошлади.

Султоновнинг кулгиси тиниб, ҳанг-манг бўлиб қолганини кўриб, дафъатан гапнинг маъносига тушуниб етмаган Ортиқ ҳам кулгидан тўхтади: «Домлага нима жин урди? Шу гап шу одамдан чиқдимми? Аждодларимиздан қолган овчилик қони ҳақида боягина фалсафа тўққан шу киши эмасмиди?! Энди ваҳшийлик бўлиб қолибдимми? Қизиқ!..

Ортиқ елка учириб, Отамуродга қаради: Қанақа кўнгли бўш одамлар ичда қолган эканмиз? Ҳозир мана буниси ҳам бир нарса деб энсани қотирмаса кошкийди. Тоза энсақотар ов бўлдимми?

Иўқ, Отамурод индамай кийик тепасига ўтди-да, энгашиб унинг белидан тутди. Кўтариб, дёққа турғазмоқчи бўлди. Лекин қанча азот кўтармасин, кийик ҳолдан кетган, оёғини йиғиб олишга ҳам мажоли келмас, фақат уни ички бир инстинктгина туришга ундарди, холос. Отамурод охири кийик оёққа тура олмаслигига, белими, бўксасими чиқиб кетганига, бари бир тузалмаслигига кўзи етиб, ўрнидан турди-да, пичоғини қинидан чиқариб Султоновга узатди.

— Манг, жувонмарг қилиб бўпсиз.

Султонов тутақиб кетди:

— Булар ўзи ов кўрганми?— деди Ортиққа.

— Умрида товуқ сўйганми денг,— кесатди Ортиқ ҳам.— Яхши ҳам-ки магазиннинг гўшти бор. Бўлмаса, булар мол сўёлмай оч қоларди?! Буларга қолса қассоблик ҳам ваҳшийлик.

Унинг бу гапи Отамуродга қаттиқ тегиб кетди, унга ўгирилиб қараб, гап билан узиб олди:

— Овнинг овдан фарқи бор, акам! Бунақа овни ҳеч ким кўнгил-хушлик демайди. Бориб турган ваҳшийлик-ку!..

Машина ёруғида унинг кўзлари нафратдан чақнаб кетди.

Султонов шоферини бу аҳволда кўриб, ёқа ушлади:

— Ё тавба, тушимми, ўнгимми! Булар ҳали бизни судга бермаса кошки эди,— дея кесатди.

— Сизлар суддан кўрқасизлар, холос. Виждонларингиз қотиб қолган,— шундай деди-ю, Отамурод ҳам бурилиб ёруғ тушаётган томонга қараб кетди. Гавдаси бир зум фара ёруғларини тўсиб, Султонов ҳам, Ортиқ ҳам унинг улкан соясида қолиб кетдилар. Шу пайт кабинадан бошини чиқариб Зулхумор чақирди:

— Отамурод ака, келинг, кетайлик. Ов бўлмай ўлсин, кетайлик?

Султонов қўлида пичоқ тутганича нима қиларини билмай, Ортиққа қаради:

— Нима қилдик?..

— Нима қилардик,— қўл силтаб, кийикка ишора қилди,— тинчитсангиз машинага ортамиз-да, қайтаверамиз. Ҳали гўшти керак бўлиб қолади. Пишганида бу гапларни унутиб юборишади.

— Бўлмаса сиз машинани яқинроқ олиб келинг-чи,— деди-ю, Сул-

тонов яна енг шимарди. Энгашиб:— Бисмиллооллоху...— дея жайрон бўзига пичоқ тортиб юборди. Зимзиё чўл узра унинг гайри-табий ба-а-а деган сўнгги овози учиб ўтди-ю, ўзи тинчиб қолди.

Кейин бошқалар машинадан тушиб туришди. Ортиқ унинг орқасини ўнглаб Султоновнинг олдига борди-да, биргалашиб кийикни машинага, оёқ тагига юкладилар. Султонов пичоқни Отамуродга тутқазиб, қонли қўлини қумга ишқаб, артиб-суртган бўлди, кейин чаққон рулга ўтирди.

— Қани, чиқа қолинглар, кетдик,— дея шоширди.

Ҳамма индамай, совуққина жой-жойига чиқиб ўтирди-ю, Султонов газни босиб машинани юргизиб кетди. Лекин ҳеч қанча юрмай, ия, деб юборди ваҳимага тушиб. Шу заҳоти машинани таққа тўхтатди. Ҳамма ялт этиб унга қаради.

— Ўзи нима гап? Тинчликми?— деди Ортиқ юраги ҳаприқиб.

Султонов кабина зинасига чиқиб, чор атрофга аланглашга тушди. Бу ҳам етмагандай, машина чироқларини ўчириб қўйиб, яна қайта тикилди. Бунга сари одамларнинг бетоқатлиги ошди.

— Тинчликми ўзи?

Султонов пастга тушиб аzza-баzza елка қисди:

— Билмасам, қаёққа келиб қолдик ўзи? Чироқ деган нарса кўринмайди-ку!

— Ваҳима қилмай яхшироқ қаранг-чи?— деди домла.

— Яхшироқ қарайлик,— деб ҳамма машинадан тушиб олди. Лекин чор-атроф қоронғилик қўйнида сирли живирлаб мудраб ётар, милт этган нур кўринмасди. Осмоннинг бир чеккасидагина юлдузлар ғариб милтиллайди.

— Йўл бояги йўлимизга ўхшамайди,— деди Отамурод машина олдида турганича. Хаёлига келган гапдан Ортиқнинг этлари сесканиб кетди. Узини чалғитишга уринди. Лекин бу совуқ гап бошига маҳкам ўрнашиб олиб ўзидан-ўзи тақрорланар эди.

Охири у ваҳимага тушиб, беихтиёр ҳаммага эшиттириб:

— Адашиб кетган бўлсаг-а?!— деб юборди.

— Нима бало, ваҳима йилида туғилганмисизлар,— деди домла.

— Жонингиз шунақа ширинми?— дея кесатди Отамурод.

Ортиқ ҳеч нарса дея олмади: Қасдини оляпти, подадан олдин чанг чиқармаса бўларкан. Балки адашишмагандир. Анави Отамурод шоферликда илоннинг ёғини ялаган, балки ўша йўл топар. Султонов нимани билади.

Камбалиддин ака аста Отамуроднинг ёғига бориб, унинг елкасига қўл ташлади.

— Укам, энди гиналарни бир чеккага йиғиштириб, ўзингиз рулга ўтирасиз. Бу Устюртни ҳеч ким сизчалик билмайди. Яна адашиб кетмайлик.

Отамурод ерга қаради:

— Айб менда, домла. Нима бўлгандаям ўзим ҳайдашим керак эди.

Ортиқнинг юраги увишиб кетди: «Нима бало адашганимиз ростми?! Нимага ҳам шу овга чиқа қолди? Боя қайтишганида шу гап йўқ-миди? Энди нима бўлади?...»

Домла босиқлик билан давом этди:

— Айб ҳаммамизда ҳам бор. Ҳаммамиз ҳам оқ эмасмиз. Лекин ҳозир айбситаб ўтирадиган пайт эмас. Шошмай, ақлни бир жойга қўйиб, қайтишни ўйлайлик. Сиз шоферсиз. Қасбингиз шу, яхши эслаб кўринг, йўл эсингизда қолган бўлиши керак.

Султонов шумшайиб қолган. Домла насиҳат қилади. Отамурод ерга қараганича чаккасини силаб ўйга толган. Зулхумор юзини ўгириб ҳўрлигини босолмай машина орқасига ўтиб кетди.

Охири Отамурод бош чайқади:

— Эслай олмаяпман, худо ҳаққи, эслай олмаяпман!

— Кўзинг қаёқда эди!— Султонов шундай бақириб юборди-ю, ўзининг ноҳақлигини сезиб, яна бўшашиб тушди.

— У-ку, орқада эди, сиз-чи?.. Сизнинг кўзингиз қаёқда эди?— деб юборди Ортиқ беихтиёр. Султонов индамай четга қаради. Машина орқасидан Зулхумор йиғлагудай бўлиб чиқиб келди:

— Сизларни шу кийик жониворнинг уволи тутди, уволи тутди. Бўл-маса шундай бўлмасди, бўлмасди!

Ортиқ ичида тан олди: «Шу қиз ҳам ҳақ. У жавраганича бор. Баъзан диндан ҳам чиқиб кетамиз. Мана, оқибати.— У ўзининг ҳаёлидан ўзи қўрқиб кетди.— Наҳотки, биз ҳам Борса-келмас йўлига... Йўғ-е, худонинг ўзи асрасин. Эсон-омон бола-чақамизнинг олдига етиб олайлик».

Домла ўзингни бос, қизим, дегандай Зулхуморнинг елкасига оталарча қоқди-да, боши қотиб бетоқат у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Кейин тўхтаб Отамуродга юзланди:

— Таваккал қилиб бир оз юриб кўрсак-чи. Балки чироқ кўриниб қолар.

Ортиқнинг ҳаёлига ялт этиб рашкчи Собир келди: Хумпар, жаҳл қилиб чироқни ёқмай ўтирган бўлса-чи?! Мамажон ака-ку, ҳали ҳам учиб ётгандир.

У шундай демоқчи бўлди-ю, яна тилини тийди. Гап эшитиб қолишдан чўчиди.

— Юр десангиз юравераман, лекин шу қоронғида таваккалдан иш чиқармикан?..— Отамурод бош кўтариб осмонга қараб қўйди. Ортиқ ҳам беихтиёр тепага қараб, юраги орқасига тортиб кетди: бу булут қаёқдан босиб кела қолди? Улар ов билан бўлиб сезмай қолишибди-ку. Бўёғи қанчадан тушди? Ҳали-замон шамол кўтарилиб қум бўронидан қолишмаса эди.

Лекин тиқ этган шамол йўқ. Фақат узоқда ҳали булут ўраб улгурмаган бир уфқда яккам-дуккам юлдузлар мана ҳозир сўнадигандек милтирайди.

— Унда нима қилдик, тонг отишини кутамизми? Кун ёришса йўлимизни топиб олармиз,— деди домла.

— Эрталабгача қайда? Ҳали ҳечқанча вақт бўлгани йўқ,— деди Султонов соатига қараб.— Бир оз юриб кўрсак ҳеч нарса қилмас. Тўхтаб, тонг отишини кутиш кейин ҳам қочмайди-ку.

— Баттар адашиб кетсак-чи?!— Ортиқ ўзини тута олмай унга қараб юрди.— Чодир қайси томондалигини тахмин қила олмайсиз-ку, яна маслаҳат берасиз, хўжайинчилик қиласиз!— У юзини ўгириб олди.— Машина минган одам йўлни билмайдими, орқаворатга қарамайдими! Сиздақа овчидан ўргилдим-у. Осмонга қаранг, шунақа кунда овга бошлайсизми?!

Султонов ғиқ этмай яна ерга қараб қолди. Ортиқ юз ўгириб ундан нари кетди.

Чўл қоронғилиги сирли мавжланиб живирлайди. Худди оламни зимистон тутуни босган-у, ер юзалаб оҳиста, жуда оҳиста кўчиб бораётганга ўхшайди. Лекин кети кўринмайди, тугамайди. У билан бирга одамни ваҳима босиб кела бошлайди, ҳар хил совуқдан-совуқ, хунук ҳаёллар каллага ўралашади-ю, одам ўзини шундай ожиз, нотавон ҳис этадики... Ортиқ бирпасда яна талвасага тушиб қолди: «Биттасидан тузукроқ бир маслаҳат чиқмайди-я! Яна булар олим эмиш, раҳбар эмиш. Тупурдим раҳбарлигига! Йўл бошлай олмася, шунақа пайтда бош бўлолмася, у қанақа раҳбар?! Кўғирчоқлар! Тўтилар! Тепадан нимани айтса шуни биладиган, шуни қиладиган гумроҳлар. Ўзларидан бир



пуллик ақл, чақалик маслаҳат чиқмайди! Буларга ўзидан каттага хушомад бўлса бас! Қотирворишади. Артист бўлиб кетишади. Шусиз кунлари ўтмаса, мансабдан мансабга кўтарила олишмаса, нима қилишсин! Бечоралар! Уни деб шу куйга тушиб ўтирибмиз-а! Хушомадига учиб, Борса-келмасга боришга ҳам кўнибмиз-а! Ортиқ беихтиёр Борса-келмасни эслаб, ўз хаёлидан ўзи қўрқиб кетди. Шу пайт Отамурод таваккал қилиб:

— Машинага чиқинглар, кетдик!— деди-ю, ўзига келди.

Ортиққа сал жон киргандек бўлди, унга ишонса бўлади, доғда қолдирмайди. Бу савил чўлдан шу олиб чиқиб кетмаса — бошқа ҳеч ким уддасидан чиқа олмайди. У шу хаёллар билан анча енгил тортиб, машинага чиқиб ўтираркан, бир нарса дилидан кетмас, уни оятдай қайта-қайта такрорлар эди. Ишқилиб адашиб кетмайлик, худонинг ўзи асра-син, адашиб кетмайлик, дея топинишдан чарчамас эди...

## Учинчи боб

### 1.

Отамурод осмонга қараб ҳайрон қолди. Еру кўкни барабар зимистон босиб, ҳатто уфқларни ҳам ажратиб бўлмай қолибди: тавба, бу нимаси бўлди? Юлдузлар қаёққа йўқолди? Осмонни шунчалик булут буркаганми? Шу кечқурунги уфқдаги булутнинг ишими, а? Епирай, шунчалик тез босганими?.. Энди қоронғида қандай йўл топди?

У осмоннинг чор атрофига назар ташлаб, бир томонда, жуда узоқда милтиллаб турган юлдузни кўрди-ю, кўнгли ёришиб ўша томонга ўгирилди. Яхшироқ тикилиб, яна бир неча юлдуз санади. Ҳаммаси ҳам бир ҳовучгина бўлиб қоронғида инжудек ярқираб турарди. Отамурод шундан бошқа йилт этган юлдуз тополмай, кўзларини туширди: «Энди нима қилдик? Қаёққа қараб юрдик?»

Бирдан у хаёлига келган фикрдан севиниб кетди:

— Машинага чиқинглар, кетдик!— деди шошилиб. Узи ҳам дадил машинага қараб юрди. Бориб рулга қўл узатди-ю, ўйланиб қолди: шошма, нега энди бемаслаҳат, кетдик, деяпман? Мендан катталар ҳам борку! Уларга айтмай йўл бошлаб қўйсам-у, чинкка олиб чиқа олмасам, кейин нима деган одам бўламан? Бошида айтганим маъқулмасми?

— Домла,— дея чақирди ниҳоят нариги томондан машинага чиқишга ҳозирланаётган Камолиддин акани.

— Лаббай,— у нима гапингиз бор эди, дегандай тўхтади. Отамурод машинани айланиб ўтиб, унга қараб юрди.

— Аввал гапни бир ерга қўйиб, кейин йўлга чиқсак тузукмиди...

— Жуда яхши, яхши ўйлабсиз. Нуширавон ҳам маслаҳатсиз иш тутмаган. Эшитамизми?— деди у машинага чиқиб ўрнашаётганларга.

Султонов ўтирган жойида оғир қўзғалиб қўйди-ю, индамади. Отамурод ҳайрон бўлди: қилғиликни қилиб қўйиб, энди нимага энсаси қолади? Худди биров ҳамма айбни унинг бўйнига ағдараётгандек.

Ортиқ ҳам шуни сезгандек, унга осилди:

— Сиздан сўраяптилар, ўртоқ Султонов! Нега энди юзингизни четга бурасиз?

Султонов тутоқди:

— Ким юзини четга бурибди?! Маслаҳатлашсангиз маслаҳатлашаверинглар. Нима, мен бир нарса деяпманми?

— Ҳо-ҳо, энди сизга алоқаси йўқ бўлиб қолдими? Уни қаранг-а, қилғиликни қилиб қўйиб, энди сизники нашийми? Кечирасиз!

Домла гаши келиб уларга қаради:

— Худо хайрингизни берсин, бирпас тинч турунлар. Бежанжал гаплашиб бўлмайдами?..— у энсаси қотиб жим қолди, кейин Отамуродга юзланиб:— Сиз нима демоқчи эдингиз?— деди қуруққина.

Отамурод хижолатга тушиб:

— Мен... ҳов, юлдузли томонни кунчиқармикан деб тахмин қилаётгандим,— дея чайналди.

— Сабаб?..

— Сабаби... кечқурун кунботарда булут ётувди. У ўша томондан осмонга тошиб чиқиб, ҳали кунчиқарга етиб улгурмаганмикан, дейман. Унда ҳадемай бу юлдузлар ҳам булут тагида қолиб кетади? Шунинг учун биз иссиғида уларга орқа қилиб юрсак, қисқа йўл билан чинкка чиқишимиз, ундан қудуққа етиб олишимиз мумкинмикан, дейман,— Отамурод шу тўғри десангиз юрай, бўлмаса... дегандай маслаҳат кутиб қаради.

Домла бир нима демай, ўша узоқда милтираган юлдузларга тикилди. Энгагини силаб, хаёлга толди. Охири бош чайқаб:

— Жуда узоқда экан. Уларга ишониб яна адашмасак дейман. Улар билан Олтинқозиқни аниқлаб бўлганда ҳам майли эди,— деди.

Ортиқ гўё ўртада ҳеч нарса ўтмагандек гапга суқилди:

— Отамурод тўғри айтяпти, домла. Йўлда менинг ҳам бир кўзим тушувди: орқамиз шундай қоронғи эдики. Худди булут босиб келаётгандек эди...

— Яна ким кўрган эди?— суриштирди домла.

— Мен,— деди ноилож Султонов машинада ўтирган ерида, кейин чуқур тин олиб, пастга тушиб кела бошлади. Домланинг қаршисида тўхтаб, гуноҳкорона бош эгди.— Кун ботмасдан кўрувдим-у... эътибор бермагандим. Бунчалик тез тошишини билсам...— у овози титраб кетиб, ўнғайсизланди, юзини четга буриб:— Кечирасиз, кечирасизлар, айб менда,— дея олди зўрға.

Хайрият, кўнгли анча тоза одам экан. Отамурод нима учундир енгил тортиб, бошлиғидан мамнун бўлиб қўйди: Айбини сидқидилдан тан оляптими, шу катта гап. Ҳамма ҳам тан ола билсин-чи!

Лекин домланинг бояги даккиларини унутиб, яна тутақиб ўртага чиққан Ортиққа тушунолмай ҳайрон қолди. У эгилган бошга қилич солишдан тўймаган одамдай, Султоновни гап билан савалай кетди:

— Хеҳ, тавба! Қилғилиқни қилиб қўйиб, адаштириб бўлиб «кечирасизлар»миш! Уша вақтда хаёлингиз қаёқда эди! Подхалимлиқни ўрнига қўйгунча, буёғини ўйланг эди!

Ўртага ноқулай жимлик чўкди. У қайси юз, қайси бет билан шундай деяётганига ҳеч кимнинг ақли етмасди. Отамурод аниқ сезди: ҳатто домла Камолиддин ака ҳам ичидан бир зил кетиб, ерга қараб қолди. Гапнинг бир учи унга ҳам бориб тегар, Ортиқ «подхалимлиқни ўрнига қўйгунча» деган гапи билан уни ҳам «ўлдирган» эди. Домла ер ёрилиб кириб кетгудек бўлиб турарди.

Кутилмаганда Султонов зарда билан бошини кўтариб, унга тик қаради:

— Яхши. Ўзим адаштирдим, ўзим қутқараман. Чиқинглар, кетдик,— деди у қизишиб.

Лекин ўзи билан Ортиқдан бўлак ҳеч ким жойидан жилмади.

— Ёв қувяптими?! Жаҳолатда йўлга тушгандан нима чиқади?— дея Зулхумор ялт этиб домлага қаради. Бир нарса десангиз-чи, сиз қайтарсангиз-чи демоқчи бўлди. Камолиддин ака энди хаёлпарিশон ҳолда машинанинг орқа қизил чироғи чангини кафти билан артаркан:

— Соат неча бўлдийкин?— деди кутилмаганда.

Султонов билагига қараб, жавоб қилди.

— Энди тўққиздан чоракта ўтибди. Нима эди?

Домла чироқда хина қўйилгандай қип-қизариб турган ҳовучидан кўзини олиб, тим қора осмонга қаради.

— Тонг отишини кутмасак ҳам, ҳаво сал очилсин,— деди шошилмай.— Олтинқозиқсиз иш битмайди.

Ортиқнинг бояги гаплари у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетган экан, Султонов унамади, қайсарлик билан бош чайқади:

— Йўқ, домла, бу булут ҳали-вери очиладиган бало эмас. Ҳозир қайтаверамиз,— деди.— Йўлни бир амаллаб топармиз. Менга ишонмай-сизларми! Йўқ, сен энди ишончдан қолдинг, қўлингдан ҳеч иш келмайди десангиз, айтинг?!

Унинг астойдил хафа бўлаётганини кўриб, домла бир нарса дея олмади. Отамуроднинг назарида, у айтмоқчи бўлганини ҳам ичига ютгандай, унинг кўнглига қараб шундай қилгандай эди. У охири чироқдан қўлини олиб, кетсак кетдик-да, дегандай кафтини қоқди. Султонов кўнгли жойига тушиб, Отамуродга юзланди:

— Кегдик бўлмаса! Машинани ўзинг айтгандай юлдузларга орқа қилиб ҳайдаб кўр-чи, зора йўлимиз ўнгидан келиб, чироқ кўриниб қолса.

Ҳамма бирин-сирин гап-сўзсиз жой-жойига чиқиб ўтира бошлади. Отамурод ҳам кўнгил ғашлиги ёзилмай, машинага қараб юрди. У ҳозирги кўнгилсиз воқеани эсдан чиқара олмас, ўзидан-ўзи хит бўлиб, «қаёқдан ҳам маслаҳат солдим, шу гапни бошладим, тўғри ҳайдаб кетаверсам бўлмасмида», дея хижолат чекар эди. Ниҳоят, у машинани шахд билан орқага буриб, кунботарни мўлжаллаб ҳайдаб кетди-ю, бари бир ўзини чалғита олмади. Ортиқнинг гаплари туриб-туриб унга таъсир қилиб кетар эди. «Одам ҳам шунақа юзсиз бўладими! Шунчаликка борадими! Жонинг шунчалик ширин экан, уйингда кўмилиб ўтир! Экспедицияда бало борми? Пул дарди ўлсин, одамни қанчалар тубанлаштириб ташламайди! Битгаси шуми! Кўрган кунни, қилган орзуси қурсин! Хаёлида пул билан узоққа бораман деб ўйлайди шекилли. Билмайдики, бу дунёда пулдан ҳам азизроқ — одамгарчилик, меҳр-оқибат, ҳамият деган нарсалар бор. Шусиз дунё дунё эканми?!»

Отамурод ўзича аҳд қилиб қўйди: унинг шу қилганига адаштирамай, эсон-омон чинкка олиб чиқиб, бир уялтиргани бўлсин. Ушанда нима деркин? У ичида қўл силтади: Нима дерди, ўшанда ҳам тавба қилмайди бунақалар. Кошки уялтирганни билса, без бўлиб, ўзини оқлашга уринаверади. Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури деб шулар айтган-да. Буларда ор-номус нима қилсин?! Аллақачон пулга алиштириб юборган.

Машина нурли елпиғичи билан ўзига йўл очиб боради. Ёруғ тушган жойда пастак, ерга қапишиб ўсган шувоқлар, ҳар турли тешиклар қорайиб кўринади. Онда-сонда чўл сичқонлари, юмронқозиқлар ўрмалаб, жон ҳолатда йўлни кесиб ўтиб қолади. Бош башмолдоқдек чигирткалар, аллақандай учар қўнғизлар ёруғга учиб келиб, машина ойғасига чирс-чирс урилади. Баъзан йўл ёқасида юлғунлар тагида ётган кийиклар машина овозидан ҳуркиб ўрнидан туради-ю, кўзига ёруғ тушиб, бир зум жовдираб туриб қолади. Кейин ўзига келиб четга ура қолади. Бирпасда қоронғилик қаърига сингиб йўқолади. Машина бир текис гувиллаб одамни аллалайди. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб жим қолган. Бояги кўнгилсизликдан бери ҳеч ким оғиз очгани йўқ. Гап очишга ҳеч ким журъат эта олмай келяпти. Отамурод кўз қири билан домлага қараб қўйди. Машина ёруғининг шуъласида унинг оқ-сариқ кулча юзи аниқ кўринди. У бир қўли билан тутқични ушлаганча, олдинга, бир нуқтага қадалиб ўтирибди. Юмшоқ табиатли, кўринишидан ҳам ўйчан бу одамнинг ҳозир хафаҳол ўтириши унинг кўнглини бузиб юборди. Ичида Ортиқдан хафа бўлиб кетди: ҳафтафаҳм-ей, минг ҳақ бўлганингда ҳам

ўша ерда гапирадиган, ҳамманинг олдида юзга соладиган гапмиди! Бориб турган андишасизлик. Тагин ҳам домла босиқ экан. Ичига ютиб кетди. Бир оғиз қаттиқ гапирмади-я. Юрагининг кенглигини қаранг-у, андиша, истиҳоласининг зўрлигини кўринг.

Отамурод институтнинг сиртқи бўлимига кўчмасдан олдин Тошкентда ўқиб юрганидаёқ бу одамнинг доврўғини эшитган, студентлардан тортиб домлаларгача уни мақтаб гапириб, соясига кўрпача солгудек бўлишар эди. Қайси бир даврада унинг номи тилга олинмасин, ҳамма вақт ундан яхшилиқ кўрган ёки ёрдами теккан бир одам топилар, кейин у тўлиб-тошиб, бир олам миннатдорчилик билан домланинг муруввати, одамгарчилиги ҳақида гапириб кетарди. Уша вақтдаёқ студентлар орасида домланинг яхшиликлари ҳақида кўпдан-кўп афсоналар юрарди.

Домла Қўнғиротга келган кунини Отамурод уни бир кўришдаёқ ўша гаплар ҳақлигига, одамлар билмаса бир нарса демаслигига, уни бекорга мақтамаганликларига ишонди-қўйди. У ҳақиқатан ҳам юмшоқ табиат, бунинг устига камсуқум, одамнинг раъйига қарайдиган киши эди. Худди эски ўзбек фозилларига ўхшаб, ўзидан кичкинани ҳам сизлаб гаплашар, гаплашганда гўё бир меҳригиёси бордек, ўзига шундай ром қилиб олардики, одам уни беихтиёр ёқтириб, ҳурмат қилиб қоларди.

Отамурод уни ўша Устюрт экспедициясига олиб чиққан биринчи кундан бошлаб қаттиқ ҳурмат қилади, унинг бир оғиз сўзи учун ҳамма нарсага тайёр туради, ҳар битта илтимосини айтганидан зиёда қилиб бажариб келади. Ундан жонини ҳам аямасди. Мана энди, қарангки, битта кийик овлаймиз деб шундай зўр олимни бийдай чўлда адаштириб ўтиришибди. Ҳали омадлари келиб, эрталабгача уриниб-туртиниб бўлса ҳам қудуққа чиқиб олишса майли-я, бензин тугаб, ярим йўлда қолиб кетишса нима бўлади? Пиёда уч-тўрт кунсиз бу чўлдан чиқиб кетиб бўлмайди. Унда домланинг холи нима кечади? Зулхумор қай аҳволга тушади? Битта ов деб уларга зомин бўлиб қолишмаса кошқи эди. Ишқилиб йўл ўнгидан келсин, бензин етиб берсин.

Отамурод юлдузларга қараб йўлни мўлжаллаб олиш кераклигини ўйлаб, кабинадан бошини чиқариб орқага ўгирилиб қаради-ю, юраги хунук бир орзиқиб, тормозни босди. Машина тўхташи билан зинага чиқиб, рўй-рост орқага қаради. Қай кўз билан кўрсинки, осмоннинг деярли ярми очилиб, юлдузлар чарақлаб ётар, қолган ярмини қоплаган яхлит қоп-қора булутнинг увада парчалари кетидан янги юлдузлар юз очиб, булут шу томонга кўчиб келарди.

Хаёлига келган фикрдан Отамуроднинг қулоғи том битиб, кўзлари тиниб кетгандай бўлди. Домланинг тинчликми, дегани ҳам жуда узоқдан эшитилди. У буни эшитишга эшитди-ю, нима деб жавоб беришни билолмай бир зум жим қолди. Нима ҳам десин? Қай тил билан айтсин? Нега энди буни олдинроқ кўра қолмади? Тақдир ҳам шунчалар бешафқат бўладими? Унинг бўғзига иссиқ бир нарса тиқилиб, йиғламоқдан бери бўлиб ерга қаради.

Шу пайт Ортиқ кабина устига ёпилган брезент орқасини кўтариб, худди етиб келишгандек хурсанд бўлиб шовқин солди:

— Ҳе-ҳей, юлдузларни қаранглар. Ҳаво очилиб кетибди-ку!

Отамурод юрак-бағри эзилиб, ўйлади: шундай очилиб кетаркан, ярим соат кутишса бўлмас эканми? Қаёқдан ҳам йўлга чиқа қолишди?!

Ана, домла ҳам машинадан пастга тушяпти. Бошқалар сезмаса ҳам у сезади. У дарров билади. Кейин унга нима дейди, қандай тушунтиради адашганини? Қандай..

Отамурод четга қараб олди.

— Ия, кунботар буёқда қолиб...— деди домла беихтиёр ўзига ўзи.



расми А. ХОЛИҚОВ чизган.

Лекин унинг овози Отамуроднинг қулоқлари остида жаранглаб кетгандай, биров юзига тарсаки тортиб юборгандай бўлди.

Ҳа, минг афсуски, кунботар буёқда қолиб, кунчиқарга йўл солиб юборибди. Қаёқданам шу йўлга бошлади? Булут кунботардан узилиб чиқиб, ҳаво очилиб келаётганини билса, шундай қилармиди. Энди нима деган одам бўлди? Уларга қандай тушунтиради. Қайси тил билан адашибман дейди? Унга ишониб, бошлиғи Султонов ҳам бебурд бўлди. Узининг тили куйгани етмасмиди. Энди нима деган одам бўлди?..

Бу орада бошқалар ҳам пастга тушиб келишди.

— Ия, биз ўзи қаёққа кетяпмиз? Бутунлай тескари йўлга бошлабдиларми, ўртоқ Султонов?— ваҳима солди Ортиқ.

Отамурод чуқур тин олди: худо берди унга. Бошланди энди. Роса дийдиёсини айтадиган бўлди. Тоза қора чаплайди. Ғиқ этиб кўр-чи, эта олмайсан. Додингни кимга ҳам айтардинг, у ҳақ.

— Йўғ-е,— деди Султонов кўзларига ишонмай.

— Шабкўрмисиз, қаранг, етти қароқчи ҳали пастда ётибди-ю, ярим кечадан кейин у кунботарга оғмайдими? Тоза мунажжимларга кунимиз қолган экан-ку!— Ортиқ жаҳл аралаш четга қараб тупурди.

Зулхумор ҳам, домла ҳам пастда туришар, ер чизиб қолишган, ғиқ этишмас эди. Ҳозир бир оғиз сўз ҳам ортиқчалигини сезиб, индамай жим туришгани учун ҳам Отамурод улардан ичида миннатдор бўлиб қўйди. Фақат Султонов индамай унинг олдига юриб келди-ю, ғижиниб:

— Сени қара-ю,— деди овозини пастлатиб,— машриқни мағрибдан ажратолмадингми?!

Нима десин. Тили қисиқ. Айб ўзида. У энди нима деса ҳаққи бор. Дўст бўлиб душманнинг ишини қилиб қўйса, кимга алам қилмайди? Отамурод ер чизиб қолди: Унга қолса шундай бўлсин дермиди. Уларни бу чўлдан қандай тезроқ қутқариб олиб чиқсам деб жонҳалак бўлгани сари иши юришмайди-я, тавба.

У айбни ўз бўйнига олиб, Султоновни бундан тамомила холи қилиб қўйиши кераклигини жуда яхши ҳис қилиб турар, лекин буни қандай айтишни, ётиғи билан қандай тушунтиришни билмас, тил қисқиқликми, нимадир ҳалал берарди.

— Унда нима айб? Гуноҳи — айтганингизни қилганими?— Ортиқ унинг ёнини олиб Султоновга яқин келди.— Мағрибни машриқдан ажрата олмаган экан, бошида айта қолинг эди. Энди айбни унга ағдасиз!

Султонов унга бир ўқрайиб қараб қўйди-ю, индай олмади. Унинг ачитқи гапларидан энсаси қотган домла:

— Узингизни сал босинг, укам, кўнгилга сиғмайдиган гапларнинг нима кераги бор?— деди ниҳоятда босиқлик билан.

Бу Ортиққа тегиб кетди. У лов этиб ёнди:

— Сиз ҳам шуларнинг ёнини олаверинг. Тагини кўтараверинг, йўлдан алаштириб юборсам оқлайверинг.— У астойдил хафа бўлиб, четга қараб олди.

Домла энди унинг ёнига бориб, ётиғи билан тушинтирмоқчи бўлди:

— Ундай деманг, укам. Ким билибди булут уфқдан узилиб, кунчиқарга қараб очилиб кетаётганини? Уша ерда сиз ҳам, мен ҳам — ҳаммамиз бор эдик. Бирортамиз билибмизми, энди айблаймиз. Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга, деган гап бор. Яхшимас.

Ортиқ ўгирилиб, домлага тик қаради:

— Ҳақ гапни айтиб ҳали биз ёмон бўлдиг-у чўлда адаштириб қўйиб улар яхши бўлдими?!— у юзини четга буриб тўнғиллади.— Кўраман, ўшаларингиз сизни бу чўлдан қандай олиб чиқиб кетаркан?!

Домла энсаси қотиб, гапни калта қилди:

— Қўрқманг, бир иложини топармиз. Бу чўлда қолиб кетмасиз.

У Отамуроднинг олдига қайтиб кела туриб, кутилмаганда тўхтади. Бошини кўтариб, тепада ғужғон ўйнаган юлдузларга тикилди, ичидан қайси биринидир излаб, турган ерида гир айланди. Топди шекилли:

— Ҳа, ана экан,— дея уни чақирди.— Отамурод, бу ёққа келинг.

Бир қўлини унинг елкасига ташлаб, ўзига яқин тортди:

— Ҳов, анави, Катта Айиқ юлдузининг «чўмичи»ни кўряпсизми? Чўмичга ўхшаган етита юлдузни...

Отамурод чўмич шаклида жойлашган етти ёруғ юлдузни топиб бош силкиди:

— Ҳа, ҳа, кўрдим. Етти Оғайни эмасми?..

— Тўғри, Етти Оғайниям дейишади,— тасдиқлади домла. Бу орада бошқалар ҳам домла айтган юлдузни кўришга ошиқиб, улар томон келишди.

— Энди шу чўмичнинг бошидаги энг четки икки юлдузни топинг-а! Топдингизми?

— Ҳа, ҳа, топдим,— Отамурод домла айтган икки юлдузни дарров топа олганига ўзи ҳайрон қолди.

— Осмон илми фанида тепадагиси альфа, пасткиси бетта деб аталади. Энди ўша беттадан альфага қараб фикран тўғри чизиқ тортингда, уни кўкда ўша икки юлдуз оралиғидаги масофадан беш марта узоқ масофагача давом эттириб боринг. Давом эттирдингизми?— домла ўзи осмондан кўзйни узмай сўради.

— Давом эттирдим,— деди Отамурод гап нимадалигига тушунмай. Лекин кўкда ўзи фикран давом эттирган чизиқ ҳалигидан анча кичик митти юлдузлар «чўмичи»нинг банди учига бориб тақалганига ҳайрон қолди.

— Шу чизиқнинг учидаги юлдузни кўряпсизми? Уша Олтинқозик бўлади,— домла энди уни қўйиб юбориб, ўзи ўша Олтинқозикқа томон бурилиб туриб олди-да,— агар биз олам Қутбига мана шундай қараб турадиган бўлсак, тўғримиз шимол, орқамиз жануб, чап томонимиз ғарб, ўнг томонимиз эса шарқ бўлади,— деди бундан осони борақанми дегандай.

— Унда қаяёққа қараб юришимиз керак. Шимоли-ғарбгами?— деди Отамурод. Қандайдир ички бир ҳиссиёт унга шундай йўл кўрсатаётгандай эди.

— Йўқ,— деди домла қатъий.— Биз ҳозир қаердалигимизни аниқ билмаймиз. Шимолга кетиб қолганмизми, жанубгами — ким билади. Аввал тахминан бўлса ҳам шу ерни аниқлаб олишимиз, кейин чинкка энг яқин бўлган томонга юришимиз керак.

— Буни харитасиз қандай билса бўлади?— ҳайрон бўлди Султонов.

— Ҳозир-да,— домла машина фараларини ёқиб юбориб, ўзи унинг олдига ўта бошлади, кейин чироқ ёруғи тушиб турган ерга бориб қумга алланималарнидир чиза бошларкан, ҳаммани чақирди.— Мана буёққа қаранглар-а!

Ҳамма қизиқсиниб, ўша томонга қараб юрди. Домла қўл силкиб илтимос қилди:

— Чироқни тўсмай, буёққа ўтинлар, мана буёққа.— Отамурод уларга яқин бориб, орқадан мўраларкан, қумдаги Устюрт супаси харитасини дарров таниди. Домла уни харитадагидек қилиб, ўзи топган шимолга қаратиб чизган эди.

Ҳамма йиғилгач, у ўз «харитаси» устига чўнқайиб тушунтира кетди:

— Мана буёқ — шимол, буёқ — шарқ, буёқ — ғарб, буёқ — жануб бўладиган бўлса, бизнинг чодиримиз тахминан мана бу ерда бўлади,—

дея у Кугисем қудуғини чинк ёқасига белгилаб қўйди.— Биз шу ердан тўғри шарққа қараб кийик овига чиқиб кетгандик. Юз километр ичкарилаб кетганимизда ҳам таҳминан мана бу ерларда бўламиз. Демак, шимолга қараб юргандан, тик ғарбга кесиб чиққан маъқул экан. Ҳар қанақасига ҳам чинкка энг яқин йўл шу. Тўғрими?— деди у қўлини қоқиб ўрнидан тураркан.

— Тўғри, айтасиз,— бош силкиди Султонов қумдаги харитадан ҳамон кўз узмай.

— Унда машинани бурайми?— деди беихтиёр Отамурод.

— Буринг!— деди домла қатъий.

Улар қушдай енгил тортиб, тезда жой-жойларига чиқиб ўтириб олиши-ю, Отамурод машинани домла кўрсатган йўлга солиб ҳайдаб кетди.

Лекин улар ўн минутча юришдими-йўқми, кутилмаганда қаердан-дир олдинда бархан тепа пайдо бўлиб, машина ундан ошиб ўта олмай, ғариллай-ғариллай қумга ботди-қолди. Отамурод чироқни ўчириб, олдинга кўз ташлади-ю, тун ғира-ширасида бир-бирига ястаниб ётган беҳисоб қум тепаликларнинг қорасини кўриб, юраги увишиб кетди.

— Тонг отишини кутмасак бўлмайди шекилли, домла,— деди бўшашиб.

Домла машина зинасида турганича чуқур тин олди:

— Тавба! Қанаққиб бу ерларга келиб қолдик, ақл бовар қилмайди,— у Отамуродга ўгирилиб қаради.— Айланиб ўтиб бўлмасмикан?

Зулхумор бархан устига тушиб қатъий қўл силкиди:

— Йўқ-йўқ! Қўйинглар, керакмас. Бекорга адашиб кетмайлик яна...

— Майли, сиз айтганча ҳам бўла қолсин, қизим,— домла ерга тушиб, уни тинчитди.

Султонов чуқур бир хўрсинди-ю, бошқа ҳеч нарса демади. Фақат машина орқасидан ховлиқиб чиқиб келган Ортиқ талвасага тушиб:

— Наҳотки, ҳеч бошқа иложимиз бўлмаса?!— деди домладан бир нажот кутиб.

Домла энди кескин бош чайқади:

— Йўқ. Шу ерда тунаймиз энди. Эрталабгача бир амаллайсизлар. Бир кун минг кун бўлмас.

Бошқа ҳеч ким орага гап қўша олмади. Ҳар ким ўзи билан ўзи бўлиб ҳар тарафга тарқалди. Қамолитдин ака яна машинага чиқиб ўтириб олди. Султонов бетоқат у ёқдан-бу ёққа бориб келади, тинмай юради. Ортиқ бўлса ундан ўн қадамча нарида тик туриб қолган. Тинмай, босиб-босиб чекади, ҳар тортганида аламининг зўридан папириси чўғлашиб, ёниб кетгудек бўлади.

Зулхумор ўз жойига чиқиб ўтиришга йўл олди-ю, яна нимагадир иккиланиб тўхтади. Бетоқатланиб орқасига ўтирилди. Димоғини берки-тиб туриб, чуқур тин олди. Афтидан бензин аралаш қон ҳиди унинг кўнглини беҳузур қилар, жойига чиқиб ўтира олмасди. Отамурод буни сезиб, уни ёнига чақирди:

— Мана бу ёққа кела қолинг, Зулхумор, шабадароқ экан,— ўзи чироқни ўчириб машинага орқаси билан суялиб туриб қолди.

Машина ичидан ҳамон бензин аралаш ивиган қон ҳиди гупириб келади. Отамуроднинг кўз олдидан бемажол уриниб типирчилаётган кийик жонивор нари кетмайди. Қулоқлари остида эса Зулхумор: «Уволи тутуди демадингизлар-а, уволига қоламиз демадингизлар-а?! Ҳаммангиз бир экансиз. Қаҳри қаттиқ одам экансиз. Қаҳри қаттиқ одам экансизлар!» дея куйиб-пишиб жаврайди.

Отамурод жунжикиб кетди. Жойидан жилиб, машина олдига ўтди-ю, фара олдига енгил ўтириб, ҳали совуб улгурмаган радиаторга



суялди. Иссиқ элитдими, уйқу босдими, хаёли қочди. Қўлини қовуштириб, шу омонат ўтиришида мизғиган экан, туш кўра бошлади. Тушида у мизғиб қолганмиш-у, бир нарса ҳадеб қиров босган тили билан унинг қўлини ялармиш, ҳар ялаганда этларини жунжиктириб-жунжиктириб юборармиш. Кўзини очиб қараса, олдида кулранг нозик жайрон кўзларини жавдиратиб турганмиш. Синган бир шохидан қип-қизил қон оқиб тушиб, чиройли лаблари четидан сизиб-сингиб кетармиш.

— Ия, бу бояги жайрон-ку. Қанаққиб тирилиб қолди у?!—дея жайрон бўлармиш Отамурод.

Шунда жайрон бирдан тилга кирибди.

— Сизларга раҳмим келди. Қарасам бекордан-бекорга нобуд бўлиб кетяпсизлар. Мен-ку, майли, бир жайвонман, булар орзу-ҳавасли одамлар-ку, дедим. Сизларга ёрдам бермоқчиман, йўл кўрсатмоқчиман,— дермиш у.

— Сени аяшмаганди-ку, наҳот энди раҳминг келса?— дермиш Отамурод ҳамон ўз кўзларига ишона олмай.

— Бешафқатлар, бераҳмлар сизларнинг ораларингизда бўларкан. Одамлардан чиқаркан. Биз худонинг энг мўмин маҳлуқимиз. Ҳар нарсага кўниб кетаверамиз.

Отамурод ёқа ушлармиш:

— Қотилга раҳми келганмиш. Ахир улар битта шохинг учун сени шу куйга солишди-ку. Наҳот энди...

— Сен тушунмабсан,— дермиш кийик бош чайқаб.— Мен сизлар деганда қотилларимни қўшаётганим йўқ. Ҳозир улар иккаласи ҳам ухлаб қолади. Сен секин домлани, кейин анави қизчани уйғотасан-да, менинг орқамдан машинангни ҳайдаб қоласан. Мен сизларни чинкка олиб чиқиб қўяман. Сизлар бегуноҳсизлар. Улар бу чўлда жазоларини тортишсин.

— Ҳимматинг учун раҳмат. Лекин биз уларни ташлаб кета олмаймиз. Бу одамгарчиликдан бўлмайди,— дермиш Отамурод.

— Узинг биласан. Лекин улар ҳеч қачон бундай қилишмайди. Қараб турасан, ўнг келса ташлаб қочишади. Уларнинг юраги тозамас,— дермиш-да, жайрон бир-бир юриб чўл қўйнига, қоронғиликка кириб сингиб кетармиш.

Бу қанақаси бўлди, тушимми, ўнгимми, дея Отамурод кескин бош чайқабди-ю, уйғониб кетибди... Қараса, ҳақиқатан туши. Узи шу омонат ўтиришида чорак соатми, ундан кўпми, мизғиб кўзи кетибди. Атроф бир оз ёришган. Бояги булутдан асар ҳам қолмаган, осмон очилиб кетиб, уни эртақлардагидек шундай юлдуз босганки, у ёғи йўқ. Ҳамроҳлари ҳам ҳар чеккада бедор ўтиришибди.

Отамурод тушини ўйлаб-ўйлаб, тагига ета олмай уйқуси қочиб кетди. Бу тушни у нимага йўйишини билмас эди.

## 2

Машина барханнинг ярим белига чиқиб кела туриб тўхтаб қолган, мана ҳозир орқасига қараб пастликка ғилдираб кетадиганга ўхшар, лекин ғилдираклари росмана қумга ботиб қолганиданми, ёки Отамурод тормозни босиб қўйганми, ҳар қалай жойидан жилмас эди. Зулхумор унинг ўрнида қисилиб, рулнинг бирор ерига тегиб кетишдан қўрқиб ўтираркан, оёқларимни четга чиқариб, бемалол ёнламасига ўтириб олсам-чи, деб ўйлади. Бу ўзига ҳам маъқул тушиб, шундай қилди-ю, ўзини сал эркин сезди. Шохи рўмолдек майин шабада юзларини сийпаб ўтиб, баҳри-дилини очгандай, кўнгил хиралигини сал кўтаргандай бўлди. Отамуроднинг бояги мулозаматини эслаб, унга қаради: қандай

сеза қолди экан-а, тавба. Ҳақиқатан ҳам унинг сўйилган жониворни кўришга ҳеч-ҳеч юраги йўқ. Ёшлигидан шундай. Эсида бор, отаси ҳар баҳорда иккитадан жажжи қўзичоқни келтириб берарди-да, Зулхумор уларни шундай суйиб, шундай меҳр билан ёз бўйи, куз бўйи ҳеч кимга ишонмай боқиб чиқарди. Ўзи ҳам уларга шундай ўрганиб қолардики, бир кун кўрмаса тура олмасди. Лекин қишга келиб отаси эт қўйиб, семириб қолган қўзичоқларни сўйиш ҳаракатига тушиб қоларди. Шунда у қайроқтош, пичоқларни кўрди дегунча ҳовлидан боғ кўчага қочиб чиқиб кетар, йил бўйи ўйнашиб катта бўлган қўзичоқларининг сўйилишига чидай олмай, қоронғи тушгунча ҳар ёқларда тентираб юрар, охири ойиси уришиб олиб кетар, у бўлса ўша қўзичоқлар гўшtidан қилинган овқатни еёлмай ухлаб қолар, кейин анча вақтгача — яна келаси йил кўкламгача юраги ҳувиллаб юрарди.

Ҳозир ҳам унинг назарида орқа ўриндиқлар ўртасида чўл жайрони эмас, бўғизланиб, кўзлари хира тортиб қолган қўзичоқ ётгандай туйилаверар, у ерга чиқиб ўтиришга ҳеч юраги дов бермасди. Боя Отамурад буни сезганини, сезиб, раъйига қараганини, ўз ўрнини бўшатиб берганини эсларкан, унинг одамгарчилигига қойил қолиб қўйди.

Бу вақт у қўлларини қовуштирганча машина радиатори олдида омонатгина бош эгиб ўтирар, хаёлга толганми, мудраб кетганми қоронғида билиб бўлмасди. Зулхумор уни ўйлар, назарида у оддий шофер бўлса ҳам, бошқалардан нимаси биландир ажралиб турар, нимаси биландир устунлик қилар, Ортиқ ва Султоновда, ҳатто ўзининг Собирда ҳам бўлмаган қандайдир фазилатларга ҳам эгадай кўринар эди. Зулхумор яхши билади. Собир уни ўз жонидан ҳам ортиқ, ўлгудек яхши кўради-ю, лекин нимагадир, ҳеч кўнглини топа олмайди. Кўнглини топа олмай, бўлар-бўлмасга рашк ўтида ёнгани ёнган, араз, димоғ-фироғ қилгани қилган. Тўғри, ундан ҳам ўтди. Аразига араз билан ўч олиши керакмиди?! Бир куйдириб қўяй, деб зиёфат вақтида атай Ортиққа ўзини яқин олиши, унга ўчакишиб, Ортиқ бўлан овга чиқиб кетиши шартмиди?! Шу инсофдан бўлмади. Мана энди ўзи жазосини тортиб ўтирибди. Бир ўзи тортса майли экан, у ёқда уни қандай кунга қолдирди.

Ич-этини еб адойи тамом бўлиб, нима қиларини билмай ўтирган-дир. Биз-ку йўлдан адашганимизни билиб, тонг отишини кутяпмиз. Улар-чи? Улар нимани билади? Ҳолимиз нима кечганини ҳам, ёрдам бериш бера олмаслигини ҳам билмайди. Ҳозир ўзинг билан еб-ичиб, ўйнаб-кулиб ўтирган одамлар жайрон овига чиқиб келамиз, деб кетса-ю, бадар кетса!.. Оламда шундан ёмон нарса бормикан?!

Унга, бечорага қийин бўлди. Қидирай деса, нима бўлганини билай деса, тагида машинаси бўлмаса! Йўқолиб қолганимиз ҳақида Катта ерга хабар қилай деса — рацияси бўлмаса!

Кундузи бўлса эканки, пиёда-яёв бўлса ҳам қозоқлар овулига қараб кетса, у ердан туя олиб, Мангқишлоққа тушиб хабар қилса.

Кечаси қаёққа ҳам бош уриб боради?.. Зулхумор кўнгли тўлиб келиб, лабларининг четидан шўртанг томчилар сизиб киргандай бўлди.

Ўзи унга ёрдам бера олмаслигидан, биз бу ердамиз, фақат тонг отишини кутяпмиз, деб тинчита олмаслигидан юраги эзилиб, кўзларига ёш олди.

Лекин шу дақиқада ёшли кўзлари юлдузли осмонга тушиши билан юлдузлар бир-бирига қўшилиб кетгандай, кўз олдида учқунлар ўт олиб, дафъатан алангага айлангандай бўлди-ю, хаёлига келган фикрдан сакраб туриб, пастга тушиб кетди:

Бархан устига гулхан ёқсак-чи! Гулхан ёқиб, биз бу ердамиз десак-чи?! У кўриши мумкин-ку!

Зулхумор севинчдан шошиб қолиб:

— Домла! Отамурод ака! Гулхан ёқсак-чи!!! Узоқ-узоқлардан ҳам кўринадиган қилиб ёқсак-чи?!— дея шовқин солди.

Улар чўчиб, унга ўгирилиб қарашди-ю, бир зум нима гаплигига тушуна олмай жим қолишди. Кейин ҳаммалари секин-секин юриб, унинг олдига кела бошлашди.

— Дарвоқе, шу вақтгача ёқсак бўлмасмиди,— деди домла бола-лардай қувониб.

— Ноумид шайтон, балки гулханимиз кўринадиган ердадирмиз?— деди астойдил Отамурод.

Ортиққа жон кириб қолди:

— Нима кўп, атрофда саксовул кўп экан. Бархан устига гулхан ёқиб, машъала қилиб юборсак бўлади-ку,— деди қўлларини ишқаб.

— Бўлмаса, олға — ҳамма ўтин теришга!— Султонов йўл бошлади.

Улар булут тарқаб, осмонни босган беҳисоб юлдузлардан хийла ёришган чўлда ҳар тарафга ёйилиб кетиб, ҳеч қанча ўтмай бир қучоқдан ўтин йиғиб қайтиб келишди-да, бархан устида катта гулхан ёқиб юбориб, ўзлари чор-атрофга кўз тикиб қолишди.

Гулхан қуриган шохлар ичида авж олиб бориб, тобора куч-қудратга тўлар, унинг атрофида турган одамларнинг соялари борган сари қисқариб, гулхан алангаси одам бўйи барабар кўтарилиб борар, қизнинг кўнглидагидек ёниб-ёлқинланар, узоқда қолган севгилисига ундан хабар бераётгандек туюлар, назарида ҳозир Собир жавоб гулханини ёқиб юборадигандек бўлаверар, Зулхумор бу дақиқани шундай орзиқиб кутар эдики...

Орадан сониялар ўтиб борар, лекин жавоб гулхани кўринмасди. Қиз шунда ҳам умидсизликка тушмай, қоронғилик қаърига тикилади. Унинг назарида Собир гулханни кўргандай, терлаб-пишиб, қоқилиб-суқилиб саксовулзорда ўтин йиғиб юргандай, мана ҳозир уни бир ерга тўплаб, олов ёқиб юборадигандай бўлаверади.

У унга ишонади, ўзига ишонгандек ишонади. Кўрсаёқ бўлди, ёқмай қолмайди, дейди. Ишқилиб кўрсин, дейди.

Лекин вақт ўтиб, гулханнинг кучи қирқилиб, алангаси пасая бошлади. Уларнинг яна соялари узайишга тушди. Оловнинг кучи кетган эди.

Зулхумор ўйларди: нима қилай, кўрмадинг. Кўра олмадинг. Иложим қанча, бу оловни бундан баландроқ ёқа олмасам! Сенга хабар бера олмасам. Кечир жоним, тонг отгунча чидаймиз. Шунга мажбурмиз. Эшитяпсанми, мажбурмиз. У шундай дейди-ю, кўзларига ёш қуйилиб келиб четга қарайди, яна ўзини тутиб олиб, ундан ўтинади: чида, тонгача чида, жоним, муҳаббатнинг шунақа айрилиқлари ҳам бўларкан, чида...

Зулхумор унга таскин беряптими, ўзини тинчлантиряптими, била олмайди.

Осмон тўла юлдуз-у, лекин ҳеч бири кўнглига таскин бера олмайди, минглаб-миллиардлаб юлдузлар бир қуёшнинг ўрнини боса олмайди, тавба.

## Тўртинчи боб

Ортиқ кўзини очиб, қаерда ухлаб қолганини англайолмай, бир зум каловланиб турди. Оёқлари остида ётган кийикка кўзи тушгандан кейингина ўзига келди. Бирпасда ҳамма нарса аён бўла қолди: ов маш-машасида машина уриб юборган кийик, булутли кечада адашиб кетиб, ярим йўлда тўхтаб қолган машина, кечаси бархан устида одам бўйи

ловуллатиб ёқилган гулхан бир-бир кўз олдига келди. Кейин алла-маҳалгача пастда сандирақлаб юрди. Ичини ит тирнаб, ўзини қўярга жой топа олмас, аламини кимдан олишини билмасди. Ким биландир роса уришиб, кўнглини бўшатгиси келар, лекин бунга баҳона тополмас, шериклари ҳаммаси ҳар ёқда пинакка кетган эди. Охири у ҳам машина орқасига чиқиб ўтириб тинчиди...

Кўзи кийикнинг оқиш парда тортиб қолган нурсиз кўзига тушиб аллақандай бўлиб кетди. Таъби айниб четга қаради. Оёқлари остида ётган эчкидай кийик шу пайтда кўзига шундай хунук кўриниб кетдики...

Бейхтиёр Зулхуморнинг гапини эслади: у жавраганича бор эканми-а? Бизни шунинг уволи тутдим, а? У кўнглига олмаса шундай бўлмасмиди балки... Ортиқ энди чўчинқираб кийикка бир қараб қўйди-да, унинг тепасида ўтиргиси келмай, ўрнидан турди. Пастга тушмоқчи бўлиб, машина орқасидаги брезентни кўтарди-ю, ёришиб келаётган чўлда, тўғрида қандайдир ҳавоза қорасига кўзи тушиб, бир дақиқа шундай туриб қолди. Ўзига ишонмай кўзларини ишқади: қизиқ, у нима бўлдийкин?

Осмон бўзариб борарди. Тепада фақат бир юлдуз қолган, у ҳам сўнай-сўнай деб милтираб турибди. Зухра ҳам ботяпти, тонг отибди. Лекин анави чўк тушган нортаялардек ястаниб ётган бархан орқасида қорайиб кўринаётган нима бўлдийкин? Буровой эмасми?

У суюниб кетиб, ерга сакраб тушди-да, машинани айланиб ўтиб жар солди:

— Ҳе-ҳей! Туринглар! Омадимиз боракан! Буровойдан чиқиб қолибмиз! Орқага қаранглар-а!

Ортиқ ёш болалардай қувониб бақириб-чақирар, елиб-югургидек бўлиб ўша томонга талпинар, қўллари билан кўрсатиб севинчдан ўйинга тушгудай бўлар эди.

— Нима-нима? Нима гап! Қанақа буровой?— дея уйқусираб бирпасда ҳамма ҳар ёқдан чиқиб келиб, уни ўраб олди. Ортиқ сокин тонгда овози жаранглаб тушинтира кетди:

— Уни қаранглар! Буровой-ку! Кечаси кўрмай ўтиб кетибмиз-ку! У хийла узоқда, қум барханлари бошланган жойда қораси кўзга чалиниб турган ҳавозага ишора қилди.

— Ўхшайди, ҳавозага ўхшайди!— Зулхумор чапак чалиб юборди.

Камолиддин ака эса бош чайқади:

— Йўқ, қизим, у буровой эмас, буровой бунақа бўлмайди.

Худди биров Ортиқнинг устидан бир пақир муздек сув қуйиб юборгандек бўлди.

— Дарвоқе буровой бўлса кечаси гулханимизни кўришмасмиди?— деди Султонов ҳам.

Ортиқнинг энсаси қотди.

— Кўрмаяпсизми мезанасини... Балки ҳали битмаган буровойдир...

Отамурод унга ғалати қараб қўйди-ю, яна индамай машина орқасига ўтиб кетди.

— Унда ҳали замон одамлар ҳам ишга келиб қолишлари мумкин-ку,— Зулхумор тўғрими, дегандай, ҳаммага бир-бир жавдиради.

— Бориб кўриб билмасак, бир нарса дейиш қийин,— домла шундай деди-да, ён-верига аланглаб кимнидир излади. Машина орқасида куйманаётган шоферни кўриб, уни чақирди.— Отамурод, сувингиз борми? Одамларга ўхшаб юз-қўлни чайиб олсак бўлармиди...

Унинг ўша ёқдан:

— Ҳозир, ҳозир олиб бораман,— деган овози келди.

Ҳеч қанча ўтмай кружкада сув кўтариб, машина орқасидан тепага чиқиб келди:

— Сув-ку бор, лекин сочиқни бир амаллайсизлар, майлими?..

— Менда рўмолча бор,— деди Зулхумор, бўйнига енгил боғлаб олган рўмолчасини олиб.

Отамурод сув қўйиб турди, ҳаммалари бир-бир ювиниб, артиниб олишгач, домла миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат, ука, сувдек сероб бўлинг, одамнинг таъби энди ёришди-я...

Султонов домланинг гапини маъқуллаб, кейин саволчан қаради:

— Нима қилдик, бориб кўрамизми?..

Домла бош силкиди:

— Майли, бир нажот чиқиб қолар.

Султонов гапи ўтганиданми, ҳовлиқиб Отамуродни шоширди.

— Ота, бўла қол энди.

Ҳамма жой-жойига чиқиб ўтирди-ю, лекин Отамурод шоша қолмайди. Капотни очиб қўйиб нималарнидир титкилаб ивирсиб юрибди. Бунга сари Ортиқнинг ичи қайнаб, жаҳли қўзиб-қўзиб келади: юр дегандан кейин юра қолмайдами?! Хўжайиннинг гапини бир тийинга олмаса-я! Бунақа кажбах шоферни энди кўришим. Султоновнинг ўрнида ўзим бўлсамми, икки кунда ковушини тўғрилаб қўярдим-а. Индамаса булар ҳар хил наъма чиқараверади-да.

Ниҳоят, Отамурод қўлини мойли латтага арта-арта рулга келиб ўтирди, шошмай машинага газ бериб, уни бархан устидан пастга олиб тушди-да, кейин орқага бурди. Ортиқ хаёлига лоп этиб келган фикрдан бир қоп семириб, ширин хаёлларга берилди: минг қўшчига бир бошчи деганлар. Султоновнинг шу лапашанглиги бўлса, у бош бўла олмайди. Бошчиликни энди ўзи қўлга олиши керак. Бунақа жойда бешафқат бўлмасанг, ора йўлда қолиб кетасан. У ҳали шундай сиёсатлар юргазсинки, ўзлари соясига салом берадиган бўлиб қолишсин. Ўзлари йўл излаб, товонларига қурт тушиб қолсин. Улар ҳали Ортиқнинг совунига кир ювишмабди. Ҳали уларга бошлиқ қанақа бўлишини, бошлиққа қанақа муомала қилишни кўрсатиб қўйиши керакка ўхшайди. Ана ўшанда ўзлари қуллуқ қилишга мажбур бўлиб қолишади. Фақат тизгинни қўлига олволса бас. Кейин манман дегани ҳам айтганини зир югуриб қиладиган бўлиб қолади. Ҳали бу олимчаларнинг мияси шундай ишлаб кетсинки, ҳали ҳаммалари унинг чизган чизигига шундай тушиб қолишсинки... Сувнинг қулоғи унда бўлгандан кейин бўйин эгмай қаёққа боришади. Шунақиб бу дўзахдан чиқиб кетмаса, бошқа йўл ҳам, йўриғи ҳам йўқ. Ортиқ бекордан-бекорга ўлиб кетадиганлардан эмас. У ҳали курашиб кўради...

Бу вақт Отамурод қум барханини айланиб ўтиш иложини тополмай, машинани ноилж тўхтатди-да, домлага саволчан қаради:

— Буёғига пиёда ўтақолайлик?

— Майли, машина қумга тиқилиб қийналганимиздан кўра, ўзимиз ўтақоламиз. Бари бир буровойга ўхшамаяпти,— деди домла барханлар орасида фақат тепаси кўриниб турган мезанга қараб қўйиб.

Улар бирин-сирин ерга тушиб, қум кечиб тепага кўтарила бошлашди. Ортиқ нимагадир юраги ҳаприқиб, тепага кўтариларкан, ичида шу гапингизга бир буровой бўлиб чиқармиди, буровой бўлиб чиқармиди, деб борарди. Лекин у бархан устига этиб чиқди-ю, яққол кўзга ташланиб турган ҳавозани кўрибоқ, кўнгли ҳувиллаб, ўзи бўшашиб тушди. Бояги қувончларидан асар ҳам қолмади.

— Хўп буровой эканми,— деди Султонов кесатиб.

— Оддий мезана экан-ку,— деди бўшашиб Зулхумор.

— Тригонометрик мезана экан,— тўғрилади домла.

Ортиқ энди нима деярини билмай ич-ичидан ғижинди. У тили қисқиб бўлиб қолишини истамас, бир иложини қилиб бу аҳволдан қутулиб кетишни ўйлар эди. Ниҳоят:

— Мезана бўлса, яна яхши эмасми?! Ахир тепасига чиқсак, йўллар кафтдагидек кўринади, кейин керагини танлаб оламиз, тўғримасми?

Султонов юзи ёришиб, ялт этиб унга қаради:

— Яхши айтдингиз. Николаев трактини топиб олсак, уёғига адашмасдик. Уёғи осон. Ота,— Султонов ҳовлиқиб Отамуродни шоширди,— сен мезананинг тепасига чиқиб қараб кўр-чи, зора бахтимиздан бўлиб, тракт кўриниб қолса. Сен уни танийсан, неча марта ўтганмиз.

Ортиқнинг гаши келди: у мезанани биринчи бўлиб кўрса-ю, Султонов демаганлар энди уни бир чеккага суриб қўйиб, хўжайинчилик қилса! Буёғини ўзига қўйиб бераверсалар ҳам бўларди.

Биринчи бўлиб трактни кўриш иштиёқи кучли келиб, Ортиқ:

— Мен ҳам чиқа оламан, биз кўрган қоялар олдида бу нима бўпти! Тайёр зинаси бор-ку,— деди-ю, бархан устидан чопиб тушиб кетди. Кейин у темир нарвонга қўл чўзиб, шипиллаб юқориларкан, оҳиста шу ёққа одимлаб келаётган Отамуродни кўрди. У трактни таниркан-ку, чиқса чиқса, дея хаёлидан ўтказди-да, яна юқорилай кетди. У ҳар пиллапоя ошгани сайин бамисоли уфқлар ҳам орқага бир қадам чекиниб, дашт устига тўнтарилган оч зангори коса кенгайгандек бўлади, кўз ўнгида узоқ-узоқлар юз очиб, дашт кафтдагидек ойдинлашиб боради. Улар келган томон текис дашт келиб, буёғида қотиб қолган тўлқинлардек узада тушган барханлар бошланиб кетган, улар орқасида эса букур тутлар мисоли қинғир-қийшиқ ўсган саксовуллар, тагиданоқ текис новдалаб кетган юлғунлар кўзга ташланар эди. Тақирда ҳар ёққа қараб кетган оқиш қўш сўқмоқларнинг кети кўринмайди. Ортиқ мезананинг ярмидан ошганида уфқдан анор гулидай қип-қизил қуёш гардишининг бир чеккаси ярақлаб кўринди. У бир қадам кўтарилган эди, қуёш ҳам бир энлик кўтарилди, яна бир қадам ошган эди, яна шундай бўлди. Ҳеч қанча ўтмай ярми қизариб кўриниб, анор сувининг улкан томчисидек липиллаб туриб қолди. Жуда гўзал бир манзара: Тикилиб тўймайдиган даражада гўзал. Лекин ҳар қадам қўйганида қайтарма этигининг нағали темир нарвонни жаранглатиб пастдан Отамурод етиб чиқиб келяпти. Буни кўриб Ортиқ тепага ошиқди. Сўнги зинадан ўтиб мезана майдончасига чиқиб борди-ю, пастга қараб юраги шувиллаб кетди. Беихтиёр айланма гардишли темир тутқични ушлаб олди.

Йилдан-йилга жон ширин бўлиб борарканми, ўйларди у ўзича. Ун йил бурун қандай эди. Тик қояларни кўрдим демасди. Алпинистлар билан бирга тирмашиб чиқиб кетаверарди. Студентликда, институтда ўқиб юрган кезларида не-не чўққиларни забт этишмаганди. Юраги қилт этмас эди. Энди шу ўн беш метрли мезанага чиқиб боши айланиб ўтирибди. Ешликда бекордан-бекор тоғма-тоғ ошиб юраверган экан-да. Фалон қояни забт этамиз дейишса, бўпти деб кетаверарди. Кўр эканда ўшанда. Забт этсак нима бўпти деб ўйламаганини қаранг. Бир тийинлик фойдаси йўқ ишларга аралашиб юрган экан. Одам ақли киргунча умри ўтиб кетади деб шуни айтишаркан-да.

Бу орада Отамурод унинг ёнига чиқиб келиб, нафасини ростлаб, чуқур тин олди. Пастда одамлар анча кичрайиб кўринар, бошларини орқага ташлаб тикилишар, бўйинлари оғриб кетиб яна кўзларини туширишар, ҳозир бир нарса бўладигандек яна тепага қарашар эди.

Ортиқ нимага чиқишганини эслаб, шошиб атрофга назар ташлади-да, тақир томонда чўлни минг тарафга кесиб ўтган йўлларни кўриб ваҳми келиб кетди.

— Вой-бў, бунча кўп бу йўллар! Шоферлар ҳам бўлар-бўлмасга йўл солиб юбораверган экан-да. Буларнинг ичидан трактни ажратиб олишни айтинг?— деди Ортиқ.

Кунботар томондан кўзини узмай туриб қолган Отамурод мийрида кулди:

— Йўлни йўлдан ажратгани учун ҳам шофёр дейишади-да. Бўлма-са ҳамма ҳам минаверарди машинани.

Ортиққа бу гап сал тегиб кетди-ю, лекин у сир бой бермади:

— Ҳов анави, жанубга қараб кетган йўлни қаранг, трактмасми? Анча катта йўл экан,— у кунботардан чапроқдаги бир-йўлни қўли билан кўрсатди. Отамурод бош чайқади:

— Йўқ. Тракт унақа якка-ёлғиз йўл эмас. Икки ёнида қанчадан-қанча катта-кичик йўллар эргашиб бориб, гоҳ қўшилиб кетади, гоҳ яна ажраб чиқиб, ёнига тушиб олади. Минг марта ўтганман ундан. Мен фақат мана бу барханларга ҳайронман. Биз қаёққа келиб қолдик — шунини тушуна олмаппман. Ахир, келишда бирорта бархан учратмагандик, тўғрими?

— Тўғри, бархан зотини кўрмагандик,— унга қўшилди Ортиқ,— Энди нима қилдик?

Гир атрофни кўздан кечириб чиқиб, шимолроқдаги бир йўлга тикилиб қолган Отамурод:

— Нима қилардик, бархан ёқалаб тақирдан кунботарга қараб юраверамиз. Бошқа иложимиз йўқ,— деди.

Унинг бу гапи Ортиққа ҳам маъқул тушди. Кечаги аҳвол бўлса машина билан барханма-бархан ошиб юриб бўладими? Тонг отармиди! Ҳозир ўзларида на рация, на компас бор. Рацияни аксига олиб везе-ходда Афачқудуққа кетганларга бериб юбориб ўтиришибди. Худди ўз-ларига керак бўлмайдигандек.

— Ҳеч нарса кўринадими, йўқми?

Отамурод жавоб ўрнига бош чайқади-да, индамай пастга туша бошлади. Ортиқ буни ўзича тушуниб, нима бало, чинкка етиб чиқишга ҳам кўзи етмаяптими, деб ўйлади: Хўп омадсиз одамларга йўлдош бўлган эканми! Ишқилиб, машинанинг бензини етиб берсин. Ярим йўлда тугаб қолса борми... худо урди деяверинг. Унинг юраги гуп-гуп уриб кетиб, ўзи мезана устидан пастга қулаб кетаётгандек, жон ҳолатда тутқишга ёпишди.

Кейин ваҳима босиб тезроқ пастга тушишга, бензин қанчалигини билишга ошиқди. Отамурод билан олдинма-кетин ерга тушиб келиб:

— Шошма-чи, ука,— дея уни тўхтатди,— қанча бензининг бор? Етадиганми, ё...

Отамурод кутилмаган бу саволдан ҳайрон бўлиб, елка қисди:

— Билмасам, қарамасдан бир нарса деб бўладими?..

Ортиққа шу керак эди:

— Билмасмиш! Қанақа шоферсан ўзинг — қанча бензининг борлигини билмасанг?! Ҳали канистрдаги бензин ҳам ўшаёқда — чодирда қолган дерсан,— кесатди Ортиқ худди билгандай.

Отамурод бир унга, бир четга қаради. Лаблари учиб қўнди.

— Мен туш кўрибманми шундай бўлишини!— деди охири тутақиб.

Ортиқ бир-бир юриб унга яқин борди:

— Туш кўришинг шарт эмас, укам, сен шоферсан, эҳтиёт чорасини кўриб қўйиш — сенинг вазифанг. Ё гапим нотўғрими?— Ортиқ ҳамма айбни унинг елкасига қўйиб, попугини пасайтириб қўймоқчи бўлди. Отамурод эса унинг найрангини тушунмай, жони ҳалқумига келди.

— Қачон сиз нотўғри гапирган эдингиз?— дея чўрт ўгирилиб нари кета бошлади.

— Ортиқ ака! Отамурод! Ҳозир жанжалнинг пайtimi? Шундан бир нарса чиқадими?— ўртага тушди Султонов.

Бу Ортиқни баттар тутақтирди:

— Чиқадими, чиқмайдими, сендан сўраётганим йўқ!— У кутилмаганда Султоновни гап билан силтаб ташлади.— Бошчиликни эплай олмадингми, энди хап ўтиравер. Битта шофёрга сўзинг ўтмайдику, сенга

гапни ким қўйибди?! У сени назарига илса экан. Бошлиқ ўрнида кўр-са, овга чиқмасдан ҳамма нарсани тахт қилиб қўймасмиди! Эҳтиёт шарт — бензин олволиш, сув олволиш, йўлга овқат олиш кимнинг иши? Мен, билан сенинг ишимизми? У нимага ойлик олади? Нимага сенга шофёр қилиб бериб қўйибди давлат? Имоним комил, у йўлга на сув, на егулик нарса олган. Сўраб кўргин-а, олганмикан?

Отамурод бархан устидан тушиб боратуриб ярим ўгирилганча, уни биринчи марта кўриб тургандек, ўз кўзлари, қулоқларига ишонмай тўхтаб қолган эди. Ортиқ унинг ёнидан ўтиб кетатуриб:

— Ҳа, ёқмадими! — дея кесатди. — Ҳақиқат шунақа аччиқ бўлади, — деди-ю тўғри машинага қараб борди-да, рулга ўтириб, унга ўт олди-ди. Стрелка сал кўтарилди-ю, яна ҳоли келмай пастга тушди. Ортиқ бензин қанча қолганини кўриб, ўзининг ҳам капалаги учиб кетди. Шу заҳоти ўтни ўчириб, бир зум гангиб қолди. Вужудидан муздек тер чиқиб кетди: ҳали шу бензин билан чинкка етиб чиқиб бўларканми?! Қирқ километрга етиб-етмайди-ку. У ёғига нима бўлади? Пиёда-яёв кетишадими?! Сувсиз, егуликсиз-а? Уч кунда суроблари тўғри бўлиб қолади-ку. Овқатсиз-ку, бир ҳафта-ўн кунга чидаса бўлар, сувсиз-чи? Сувсиз нима қилишади? Нар иборса уч кунга чидашади. Кейин нима бўлади? Уликлари шу чўлларда қолиб кетадими?! Йўқ-йўқ, у бунинг учун буёқларга келган эмас! Қузғунларга ем бўлгани келган эмас! Йўқ!

У сапчиб ўридан туриб, пастга тушиб кетди. Жон аччиғида машина орқасига айланиб ўтиб, брезентни очиб ташлаб, ўриндиқлар тагини титкилай кетди. Узала тушиб ётган кийикни суриб ташлаб, ўриндиқ тагидан ярим бўш мешни тортиб олди-да, қўлида кўтарганича ҳамон серрайиб турган Отамуродга қараб юрди. Юраги босқондай гурс-гурс урар, нафаси томоғига тиқилиб келар, нима учундир вужуди қалт-қалт титрар эди. У етиб бориб-бормай ўшқирди:

— Кўзинг қаёқда эди, овсар?! Бензин олмаганинг-олмаган, мана бу нима қилган ишинг?! — у тагида сув қулдираб турган мешни боши баравар кўтарди. — Кечагидан қолган сувнинг ўзи-ку. Бир қултум ҳам сув олмабсан-ку йўлга! Яна баланд келмоқчи бўласан!

Отамуроднинг ранги қув ўчиб, юзлари оқариб кетди. Ортиқ кутмаган бир пайтда бақариб берди:

— Мен қул эмасман сенларга! Нима бўлса мендан кўрасан! Нима бўлса мендан талаб қиласан! Нима, ҳаммасига мен айбдорми?! Зиёфат тайёрлаш, овга олиб чиқишлар ҳам менинг ишимми?! Қайси замонда яшайспизлар ўзи?!

Ортиқ серрайиб қолди. Бошқалар ўнғайсиз ҳолга тушиб, ерга қаради. Отамурод жаҳлидан тушса ҳам, ҳовридан туша олмай:

— Одамда озгина инсоф ҳам бўлиши керак. Пичоқни аввал ўзингга ур-да, огримаса бошқага ур, — деди-да, бархан устига чиқиб орқасини ўгириб ўтириб олди. Ўртага ноқулай жимлик чўкди. Ортиқ мана ҳозир панд-насихатлар бошланади, деб ўйлаб, тескари қаради. Лекин ҳеч ким ҳеч нарса демади. Фақат домла чуқур бир тин олди-ю, Отамуроднинг олдига қараб юрди. Орқасидан бориб ёнига чўнқайди-да, қўлини елкасига ташлаб, бирпас жим қолди. У ҳеч нарса демаса-да, Отамурод унга қаради. Домла унинг елкасига қоқиб, юпатган бўлди. Кейин уфқдан аллақачон узилиб чиққан чирманда сифат қуёшга қараб қўйиб, худди ҳеч гап бўлмагандек:

— Эрталабки салқинда ҳарна бир оз юрсак бўлармиди? Ҳали-замон кун ҳам исиб кетади, — деди.

Унинг гапини эшитиб Ортиқ орқасига қайтиб ижирғанди. Мешни жойига қўяркан: «Кун исиб кетармиш! Пиёда қолиб кетишингизни ўйланг! — дея тўнғиллади ичида. — Буларга ҳайронсан. Бориб-келиб яна ўшанинг тагига пахта қўяди. Нимасига шунча иззат-икром? Ҳали пиё-



да қолиб кетишсин, ким керак бўлиб қоларкин?! Кўрамиз унга ялиниш-маганини! Бу дўзахдан ким олиб чиқиб кетаркан уларни!»

Ортиқ пастда турганига кабина ичига энгашиб, мешни ўриндиқ тагига жойлаб бўлиб, қаддини ростлади. Бу вақт домла билан Отамурод шу томонга келишар, бошқалар ҳам ҳеч гап-сўзсиз уларга эргашишган эди. Ортиқ нима қилишини билмай тик туриб қолди. Ҳамма худди у билан уришгандай олдидан индамай ўтиб кетар, бир оғиз нарса демасди. Ортиқ ўзини яккамоховдек сезиб, ғалати бўлиб кетди. Аччиғи чиқинқираб Султоновга қараган эди, у кўзи билан имлаб чиқ-да, тек ўтир, буларнинг жиғига тегма, дегандай бўлди.

Ортиқ уни бир қарашда тушунди. Аламини ичига ютди-да, жойига чиқиб ўтирди. Ҳозир унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, машинада қолган арзимас бензинни ўйлагани сари ваҳимага тушар, заҳарини кимга сочишни билмас эди.

Отамурод рулга ўтира туриб, ҳеч кутилмаганда бирдан юзи ёришиб кўзлари чақнаб кетди:

— Ия, домла, тайёр компасимиз борақан-ку, биз йўл қидириб юрибмиз,— деди хурсандчилигини ичига сиғдира олмай.

Геологлар жонланиб уни ўраб олишди:

— Ростдан-а?!

— Қани?

— Қаерда экан?

— Мана, бу ерда,— у ойна соябони орқасига қистириғлиқ дала сумкасини тортиб олди. Сумканинг устига қотирилган компас тили ликиллаб шимолни кўрсатиб турарди.— Шу вақтгача кўрмаганимизни қаранг.

Ортиқ хотиржам тортиб, енгил тин олди: хайрият-э, ҳақиқат бор экан-ку!

— Меники-ку, уч кун бурун ўзим қўйгандим, хотирамдан кўтарилганини қаранг, тавба,— деди беихтиёр Султонов бу ўзига калтак бўлиб тегишини ўйламай.

— Яна бу кишим бутун бошли геологик партиянинг бошлиғимишлар. Мезбонмишлар. Хаёлингиз қаёқда эди?— кесатди Ортиқ.

Лекин ҳеч ким унинг гапига эътибор бермади. Компас топилганига хурсанд бўлиб, олдинги ўриндиққа ёпирилишди.

Домла сумкани тиззасига қўйиб, йўлни аниқлади-да:

— Бархан ёқалаб мана бу ёққа юрарканмиз,— деди.

— Есть, шу ёққа юрамиз,— Отамурод солдатлардай жавоб берди. Кейин машинани чаққон буриб, ўз соясига солиб олдида, селпиб ҳайдаб кетди.

Газик барханлар ёқалаб ўзидан ҳам узун соясини босиб қувиб боради. Атроф буткул оч сариқ сопол рангида. Ер бағирлаб ўсган шувоқлардан тортиб, қумларгача, осмондаги офтобдан тортиб, уфқдаги қуёш живир-живирларигача, кўзга кўринган нарса борки, барчаси шу рангда. Юракни сиқиб, кўзларни толиқтириб, жимирлатиб юборадиган даражада оч сариқ рангда. Бир вақт узоқда — олдинда қорайинқираб саксовулзорми, юлғунзорми кўзга чалинади. Лекин яқинлашиб борган сари улар ҳам оч сариқ сопол рангга кириб қолади. Тагиданоқ садалаб кетган, одам бўйи баравар юлғунлар ҳам, каллакланган тутлардек қинғир-қийшиқ ўсган букур саксовулларга ҳам офтоб ранги сингиб кетган. Саксовулнинг жийданикига ўхшаш кулранг барглари, рангсиз гуллари одамда ғалати таассурот туғдиради. Бу манзара йўл юрган сари қайта-қайта такрорланиб ўтавериш, юракни сиқиб ташлайди. «Бу Устюрт дегани шунчалар чексиз, шунчалар бепоён эканми? Қани у тракт деганлари! Машина ҳар тарафга кетган минг хил йўллари кесиб ўтпти-ку? Наҳот бирортаси ҳам чинкка олиб чиқмаса?! Бензин тугаб бораёт-

ганини ўйлайдими ўзи? Қанча қолдийкин? Ҳеч қанча қолмагандир». Ортиқни ваҳима босиб келади: зора трактга чиқиб олсак, зора, зора деб боради. Хаёлидан Тошкентдаги яқинда бўёқдан чиққан данғиллама уйи, гаражда турган «Москвич»и, лимонлари фарқ ҳосилга кирган ҳовлидаги теплица, паст томондаги ҳали газга улаб улгурмаган мўрчахона ҳеч нари кетмайди. Атлас кўйлак, атлас лозим кийиб, тиқ этса эшикка кўз тикиб ўтирган хотини, бири-биридан ширин, дўмбоқ болалари кўз олдидан ўтиб, юрак-бағри эзилади. Бу хонадонни шунчалик қилгунча, бу уй, бу теплицаларни шу ҳолга етказгунча, бу «Москвич»ни олгунча, бу орзу-ҳавасларга етишгунча не-не кўчаларга кириб чиқмади. Ўзини ўтга-чўққа уриб, участка қурди. Ит тинди, қуш тинди, у тиним билмади. Ўзи студент-у, қўрқмай савдогарчилик кўчасига кирди. Бекитиқча ноёб молларни пуллаб юрди. Бунга ҳам қониқмай, бир сира уч-тўрт жуфт новвос боқиб семиртириб, говжаллоблик қилди. Яхши фойда чиқара олмай, ўзини гулчиликка урди. Москва, Ленинградга чамадонда лола олиб бориб сотиб юрди. Йўллар беркилиб қолгач, теплица қуриб, қишда ресторанларга укроп, кўкатлар ўтказиб, эрта кўкламга гул чиқара бошлади. Тошкентда гладиолус гул расм бўлганида бир-икки йил яхши топди. Саккизинчи мартга очилтириб чиқарди-ю, қўлига мўмайгина пул тушди.

Институтни битириш билан «Москвич» сотиб олди. Яқин поликлиникадан номига ярим ставка ишга кириб қўйиб, кундузи гулчилик қилди, кечаси кирага чиқди. Пул оёқнинг тагида ётаркан-у, одамлар кўрмас экан. У юрган йўлидан пул чиқарадиган бўлиб олди. Лекин топгани сари, камга ўхшарди.

Ўйлаб-ўйлаб охири уйда касал кўришга ўтди. Мўмай даромад бу ёқда туриб, ўзини ўтга-чўққа уриб юрган экан. Касаллар тузалиш учун пулни аямасди. Оғзидан чиққанини беришарди. Тинчиб қолган эди. Лекин маҳаллада уч-тўрт кишини ажалидан беш кун бурун ўлдириб қўйди шекилли, одамлар уни кўрса азроилни кўргандай ранги ўчиб, четлаб ўтадиган бўлиб қолишди.

Табибликдан синди-ю, қаёқданам экспедицияларда юришга ружу қилди. Ёзда икки-уч ой ўз ҳисобидан отпускаи олиб, экспедицияларда гоҳ врач, гоҳ ишчи бўлиб ёлланиб юрадиган одат чиқарди. Энди «Москвич»ни «Волга»га алмаштириш нияти ҳам йўқ эмас. Экспедицияларда юрган одамга биров бир нарса дермиди, қаердан олдинг, қандай топдинг деб суриштирармиди... Шу ниятда бу ёққа кела қолган эди. Тинчгина гулчилигини қилиб юраверса бўлмас эканми?! Нима камчилиги бор эди?! Мўмай пул ҳам буридан булоқ бўлиб чиқадиган бўлдимми? Қандай қутилиб кетса экан бу саҳрои кабирдан? Ҳеч иложи йўқмикан? Қани энди, қутилиб чиқиб кетса! Улмаи қолса, иккинчи бу йўлга қадам қўймасди. Илло-билло пул, мол-дунё деб ўзини ўтга-чўққа урмасди. Топганига шукурлар қилиб, тинчгина умрини фароғатда ўтказарди. Қани энди, қутилиб қолса... Ахир ўлиб кетса шунча бойликлар кимга қолади? Шунча нарса, шунча мол-дунё, теплица, машина... наҳот ўзига буюрмаган бўлса?! У ўлиб кетса, минг вафодор бўлсин, хотини уч-тўрт кун кўз ёши қилади, йигирмаси, қирқи, йил опини беради. Ҳамма расм-русумларни ўтказадим, лекин ёш нарса, бир умр мотам тутиб ўтмайди-ку. Бир умр тул қолмайди-ку. Эр қилади-ку. Кейин кимдир унинг ўрнида елкасига тўнини ташлаб, эшигидан кириб-чиқадими? Унинг ўрнига «Москвич»нинг, мўрчахонанинг ҳузурини кўрадими?!

— Йўқ-йўқ! Ҳеч қачон! Истамайман! — Ортиқ ўзи билмаган бир ҳолда бақириб юборай деди. Шу баробар машина бир-икки силкинди-ю, овози ўчиб тўхтаб қолди.

Отамурод чуқур тин олиб:

— Тамом-вассалом. Бензин тугади! — деди алам-изтироб билан.

## Бешинчи боб

## 1

Отамурод беихтиёр тамом-вассалом деди-ю, ҳамроҳларига ўгрилиб, бекор шундай деганини сезди. Шу бир оғиз сўз уларни бу аҳволга солади деб ўйламаган эди.

Домладай босиқ одам ҳам гўё унга ишонмагандай, ялт этиб бензин кўрсаткичига қаради. Стрелка тилини нолда кўриб ўзи аллақандай бўлиб кетди, юзига нимадир соя солиб ўтди.

Султоновнинг ранги қув ўчди:

— Тугади? Дарров-а?— деди ваҳимада.

Ортиқ бундан баттар даҳшатга тушди. Кўзлари чақчайиб, ола-кула бўлиб кетди. Унга маънисиз тикилди.

Отамурод ғалати тортиб, ундан кўзларини олиб қочди. Машинадан пастга туша туриб, булар-ку шунчалик, қиз бола боши билан Зулхумор қайси аҳволга тушдийкин, дея кўнглидан ўтказди. Лекин унга кўз қирини ташлаб ҳайрон қолди. Қиз ҳали ҳеч нарсадан беҳабар, ўзи билан ўзи бўлиб, ўриндиқ ўртасидаги тошли рюкзакка тикилиб ўтирар, афтидан нимага тўхташганини ҳали англаб етмаган, шунчалик хаёлга берилиб кетган эди.

«Ҳаммадан ҳам унга қийин бўлди,— деб ўйлади Отамурод.— Биз-ку, бошга тушганини кўрармиз, у қандай чидайки ҳали очлик, сувсизликларга. Йўл азоби, чўл жазирамаси уни қийнаб қўймасмикан? Асли қолаверса ҳам бўларкан, бекор овга олиб чиқишган экан. Ўзи ҳам Собирни норози қилиб келмаса бўларди».

Отамуроднинг назарида ҳозир Зулхуморнинг ўзи ҳам шундан пушаймонга тушиб, хаёл дарёсига ғарқ бўлиб кетганга ўхшар эди. Пушаймон майли-ку, бир умрли армон бўлиб қолмаса кошки эди, дея кўнглидан ўтказди у.

Одамлар бирин-сирин пастга туша бошлашиб, унинг хаёллари бўлинди. Бошини кўтариб, машина олдида беҳисоб барханларга хаёлчан тикилиб қолган домлани кўрди. Унинг ўзига ярашиб, аллақандай салобат бағишлаб турган тилла кўзойнаги офтобда ярақлаб, кўзни оладиган даражада жилваланар эди.

Домла унинг қараб қолганини сезиб, сергакланди, кўзойнагини қўлига олиб, офтобдан кўзлари қамашиб ерга қаради. Бир зум ўтиб, яна бошини кўтарди.

— Отамурод, нима дейсиз, қаёққа келиб қолганга ўхшаймиз?

— Шунча юрсак ҳам бархан тугамайпти, жуда ичкарилаб кетган эканмизми дейман,— Отамурод ич-этини кемириб ётган гапни айтди-қўйди.

— Аксига олиб, карталар чодирда қолиб кетганини қаранг.

— Ким ўйлабди бунақа бўлишини.

— Барханларни айтасизми, домла,— деди шу вақт орқадан келган Зулхумор кутилмаганда.— Мен кеча картада кўзим тушувди. Қорақамишми, ишқилиб миннарсқамиш чуқурлигида бархан белгилари бор эди.

— Сарикамиш денг,— тўғрилади Султонов.

— Тўғри,— деди домла бош силкиб.— Устюрт ичида оддий кўзга сезилмайдиган шунақа катта чуқурлик бор. Биз овга қизиқиб кетиб, шу Сарикамиш орқасига ўтиб кетганга ўхшаймиз. Энди уни кесиб чиқиб кетмасак, чинкка чиқа олмаймиз. Барханларни ошиб ўтишдан бошқа иложимиз йўқ. Еки бошқа бирор йўлини қидириб кўрсакмикан?— у атрофига йиғилганларга маслаҳат солиб қаради.

— Нима бўлганда ҳам сувли, қудуқли ерларга қараб юришимиз

керак. Очликдан-ку, ўлмасмиз-а, лекин... сувсизлик ёмон,— деди Отамурод бўладиган гапга кўчиб.

Ортиқ ялт этиб унга қаради. Кўзлари боягидай ола-кула бўлиб, юзлари оқариб кетди. Машина қанотига суяниб турган Султонов бетоқатланиб чуқур тин олди:

— Худо кўрсатмасин бу чўлда сувсиз қолишни,— деди секин.

Ортиқнинг аччиғи юзига тепиб, дув қизарди. Султоновга ёмон қараб қўйди:

— Шунақа экан... биларкансан... овга бошламасдан олдин ақлинг қаерда эди?! Қанақа қасдинг бор эди бизда?

— Мени-я?.. Нима деяпсиз ўзи? Қанақа қасдим бўлиши мумкин?— Султонов азда-базда довдираб қолди.

— Бўлмаса нега бундай қилдинг?! Айт, нега бундай қилдинг?! Шу арзимаган сув билан энди чинкка чиқиб бўларканми? Узинг ўйлаясанми, етиб бўларканми?— Ортиқ қўлини пахса қилиб, тамомила ўзини унутиб дағдага қиларкан, Отамурод чидаб туролмай уни даст кўтариб олди-да, нари олиб бориб ташлади.

— Уялмайсизми, кап-катта одам?!— деди кўзларига қаттиқ тикилиб.— Хотин киши эмассиз-ку... Ёки сиздан бошқанинг жони ширин эмасми?

У силтаниб Отамуроднинг қучоғидан чиқди-ю, лекин важоҳатини кўриб, индай олмади. Аччиғини ичига ютиб, четга қаради.

Отамурод ичида, ҳайф сендек эркакка деди-ю ундан юз ўгириб орқага қайтаркан, Зулхуморга кўзи тушиб, юраги увишиб кетди. Қиз бечора гап нимадалигига энди ақли етиб, бўшашиб тушган, бир машинага, бир Отамуродга қараб жовдирар, гўё наҳот машинамизни ҳам худо кўп кўрди, энди пиёда қолдикми, дер эди.

Отамурод юраги ачишиб, ундан кўзларини олиб қочди: эҳ, синглим, синглим-а, ким шундай бўлсин дебди? Фалокат босмаса, на бензин, на сувга қарамай йўлга чиқаманми? Кетини ўйламайманми? Ўзимдан ўтди, бошлиққа аччиқ қилиб, ўзларинг бораверинглар дегунча машинанинг кам-кўстига қарашим, ҳар эҳтимолга қарши йўлга сув, бензин олволишим керак эди. Шу ишлар менинг вазифам эди. Мен эса унга аччиқ қилиб, ҳаммасини унутиб ўтирибман. Жирилламай ўз вазифамни билганимда шу кунга тушиб ўтирмасдик. Мендан ўтди, олдинда гуноҳжорман. Кечир, синглим, сенга қийин бўлди, кечир...

Унинг кўзларида ёш ғилтиллаб, офтоб нурлари чаплашиб кетди. Ўзи ерга қаради. Кейин бошқалар сезиб қолишларини эслаб, ишга чалғиди. «Газик»нинг орқа брезентини кўтариб ўриндиқлар тагидан ўзи билмай, ниманидир қидирди. Кейин шу туришда домлага назар ташлади.

Оёқ остига қараб чуқур ҳаёлга толиб қолган домла шу пайт кўз-ойнагини қўлига олиб, бошини аста кўтарди. Кўкси кўтарилиб-тушиб, чуқур тин олди-да, Зулхуморнинг елкасига оталарча қўл ташлаб, ўзига тортиди:

— Сен қўрқма, қизим, ҳеч ваҳима қиладиган жойи йўқ. Бунақасини энди кўряпмизми? Худо хоҳласа ҳеч нарса бўлмайди! Биз бораканмиз, чўчима...

Зулхумор бу меҳрибончиликдан кўнгли тўлиб кетдими, домланинг кўксига бош қўйиб, ундан кўзларини яширди.

Ортиқ ҳамон алами ичида, ўзи билан ўзи олишиб тек туради. Султонов одамларни шу овга бошлаганидан мулзам тортиб қолган эди.

Отамурод уларга қараб туриб: шу чўлдан эсон-омон чиқиб кетамиз десак гина-қудуратларни бир чеккага йиғиштириб қўйишимиз керак эмасми?! Айбситган билан иш битарканми? Йўқ, бунақада тўзиб

кетамиз. Ҳазимизни ҳалок этамиз. Бунга йўл қўймаслигимиз керак, деб ўйлади.

Боядан бери Ортиққа синовчан қараб-қараб қўйиб, бир нарса де-моқчи бўлаётган домла охири:

— Сиз, ука, шуни билингки, биз нима бўлсак — сиз ҳам шусиз. Кемага тушганнинг жони битта дейдилар. Бошқа хаёлларни каллангиздан чиқариб ташланг-да, Отамуродга ёрдамлашиб юборинг. Нонушта қилиб олиб, йўл тадоригини кўрмасак, жиғиллашиб ўтирган билан тонг отмайди! — деди биринчи марта қаттиқ гапириб. — Сиз эса, — деди у Султоновга бурилиб, — иссиқда уриниб қолмасдан кийикни саранжомлаб олсангиз. Увол қилиб шундай ташлаб кетмайлик. Биз Зулхумор қизим билан оловга ўтин териб келамиз. Бўптими?

Домла уни эркалаб елкасига қоқиб, бошини силаб қўйди. Қиз бояги қўрқув, даҳшатларни унутиб, унга жилмайиб қаради. Қушдай енгил тортиб, бош силкиди-ю:

— Мен ўзим териб келаман. Сиз овора бўлиб нима қиласиз, — деганича саксовулзор томонга чопқиллаб кетди.

Отамурод бу бошқа гап деб енгил нафас олди. Кўнгли жойига тушиб, ўриндиқлар тагидан қумғонни излашга тушди. Ишқилиб чодирда қолиб кетмаган бўлсин, дерди у ўзига-ўзи. Айтганидек бўлиб чиқди. Қумғон ўрнига декчани топди.

Шунга ҳам шукур қилиб, ҳали гўшт-пўшт пиширишга керак бўлар, деб пастга олиб қўйди. Яна ўриндиқлар тагини бир чеккадан қарай кетди. Бир рюкзак тўла тош намуналарини олдинроққа суриб қўйди. Унинг ёнидан нон халта чиқди.

Унда кечаги тушликдан қолган уч дона консерва, салкам бир буханка нон, ўн-ўн беш чақмоқ оқ қанд бор эди, холос. Қолгани кружка, темир қошиқлар эди.

Ўзи аксига юради, ҳамма нарса кераксиз пайтда қалашиб ётади. Отамурод аччиғини босиб, яна ўриндиқ тагини титкилашга тушди. Лекин бир вақт ўриндиқ тагига ташлаб қўйган йўл сувдони билан эски пачоқ канистрдан бўлак керакли ҳеч вақо топа олмади. Тарвузи қўлтиғидан тушиб, мешдаги сувни чамалаб кўрди. Тагида қулдираб турибди. Нар борса ярим пақир чиқади. «Ишимиз чатоқ-ку. Ҳеч қанча кунга етмайди-ку. Уёғига нима қиламиз...» У саросимага тушиб, жим туриб қолди.

Унинг хаёлига ўтган йили худди шу Устюртда Орол бўйидаги буронойда ишлаётганларга кассирлар маош олиб бораётганида юз берган воқеа лоп этиб келди-ю, ўзини ўша шофернинг ўрнига қўйиб кўрди: мен ҳам буларни ҳеч қаёққа кетказмай шу ерда ушлаб турсамчи! Ярим йўлда сувсиз қолиб кетганимиздан бу ерда кутганимиз минг марта маъқул-ку. У ёқда Собир билан Мамажон ака қараб туришмас. Катта ерга хабар қилишса, охири қидириб топишади-ку. Ташлаб қўйишмайди-ку!..

Ушанда шофер кассирларни уч кечаю уч кундуз машинадан ҳеч қаерга қўзғатмай олиб ўтирган экан. Кутишга асаблари чидамай қочишганда ҳам тутиб олиб келиб, машинага боғлаб қўйиб, асраб қолган экан. Ердам етиб келишига, қидириб топишларига шунчалик ишонган экан. Нега энди биз ишонмаслигимиз, кутмаслигимиз керак?!

Отамурод қатъий бир қарорга келиб қўйган бўлса ҳам, ҳозир индамади. Мавриди билан айтарман, тўйдан олдин ноғора қоқиб нима қилдим, аввал нонушта қилиб олайлик-чи, деди-да, декчани осишга тутинди.

Бу вақт домла машина соясида, зинада ўтириб похол шляпаси билан тинмай елпинар, ора-чора дастрўмоли билан тепакал бошини артиб қўяркан, Султоновнинг чапдастик билан кийик терисини шилишидан кўзини узмасди. Ортиқ кийик оёғини ушлаб турибди-ю, хаёли қочиб

ич-этини еб нималарнидир ўйлаб кетган. «Домлани-ку, кўндирса бўлар, анави ўпкага қандай тушунтирсам экан,— деб ўйлади Отамурод улардан кўзини олиб.— Буни ҳам фақат бойлаб қўймаса, унгача бу ерда тутиб туриб бўлмайди. Нима қилиб бўлса ҳам шу чўлдан чиқиб кетиш пайида. Узининг боши омон қолса бўлгани, бошқалар ўладими, қоладими — унга бари бир».

У қўли ишда-ю, ўзи тинмай ўйлар, одамларни ўз тарозисига солиб кўрарди...

Султонов кучига ишонади. Хирсмондек бақувват одам кутиб ўтира олмайди. Пиёда юриб бўлса ҳам, бу чўлдан чиқиб кетишга уринади.

Домла-чи? Хийла тоши оғирлигини, қийналиб қолишини, узоққа бора олмаслигини яхши билади. Номус кучлилиқ қилиб йўлга чиқмаса, кутишни афзал кўради. Ҳар ҳолда паст-баландни кўрган одам-ку, ўйламай бир иш қилмас...

Зулхумор бир қучоқ саксовул кўтариб келаётганини кўриб, Отамурод ўрнидан туриб, унга ёрдамга шошилди. Қўлидан ўтинни олиб қайтаркан, шу қизча қийин кунга қолмаслиги учун ҳам бу ердан жилмаслигимиз, сабр-тоқат билан ёрдам келишини кутишимиз керак эмасми, деди ўзига ўзи.

Лекин бошқалар нима дейди, бу ҳали унга қоронғи эди...

## 2

Султонов кийикнинг сонини сонга, тўшини тўшга ажратиб саранжомларкан, бир нарса хаёлидан ҳеч нари кетмас, ҳадеб калласига ўралашиб келаверар, ўзига қарашиб турган Ортиққа кўзи тушгани сари кўнгли ғашлиги ортиб борарди. Худо хайрингни бергур, қарашмаса ҳам рози эдим, дерди ичида. Назарида ҳозир унга чалғиб, қўлини кесиб оладигандек чўчиб, эти зириллаб турарди. Лекин у қани энди нари кета қолса... Йўқ, кўзга тушган чўпдек қаққайиб турибди. Бунга сари бояғи совуқ гапи ҳеч хаёлидан кетмайди.

«Шунақа экан... биларкансан... овга бошламасдан олдин ақлинг қаерда эди? Қанақа қасдинг бор эди бизда?!».

«Мен атай қилибманми? Атай шундай бўлсин дебманми? Билсам шу йўлга бошларканманми?»

«Ўзингни оқлама. Ўйлашинг керак эди, адашиб кетсак нима бўлади, дейишинг керак эди. Домланга подхалимлиқ қилгунча, шуни ўйлашинг керак эди. Ҳаммасига ўзинг сабабчисан, ўзинг айбдорсан. Бўйинингга олавер».

Кўнгилга келган нарса бўлмай қолмас экан. Охири Султонов қўлини кесиб олди. Лекин шундан кейин ҳам у бу хаёлдан қутулмади. Зулхумор боғлаб қўйган қўлини авайлаб, қолган ишни бир ёқлик қиларкан, яна шу хаёл калласига ўралашиб келар эди:

«Худо кўрсатмасин, домлаларга бир нарса бўлгудек бўлса у ҳамма айбни менинг бошимга ағдаради. Мени бош айбдор қилишдан тоймайди. Одам эмас, балонинг ўқи экан. Уни қандай қилиб оғзига урсам, ё тилини қисиқ қилиб қўйсам экан? Нима қилсам бўларкин?»

Бу орада чой қайнаб, Зулхумор машина соясига эски газетадан дастурхон ёзди. Отамурод кийик гўштининг ёғлиқ жойидан қозон кабоб қилиб олиб келиб ўртага қўйди. Индамай, ҳар ким ўз хаёли билан бўлиб, ҳеч бир иштаҳасиз, ўзларини мажбурлаб нонушта қилишди.

Султонов ҳеч ким билан иши бўлмай, гўштни ҳам, нонни ҳам паққос тушираётган Ортиққа ҳайрон қолди. Шу аҳволда қайси иштаҳа билан томоғидан нарса ўтаётган экан, деб ўйлади.

Буни сезгандек, домла уларни зўрлади:

— Олинглар, шу билан яна қачон овқатланамиз...

Зулҳумор унга ялт этиб қаради:

— Нима, ҳозир жўнаб кетамизми?..

Отамурод ҳам бундан ҳайратга тушиб, домланинг оғзига тикилди. Камолиддин аканинг ўрнига Ортиқ кесатиқли жавоб қилди.

— Нима, бўлмаса, шу ерда қишлаб қолармидик?!

Отамурод унга ёмон қаради-ю, яна индамай кўзини четга олди. Домла буни сезиб, ҳар эҳтимолга қарши уларни тинчитмоқчи бўлди:

— Чойни ичинглар-чи, кетиш бир гап бўлар...

Лекин бу гап Ортиққа ёқмади, у оғзидаги гўштни чайнашдан тўхтаб, домлага сўзсиз тикилди. Унинг ниятини юз-кўзи шундай айтиб турар, ўзи эса нега энди кетиш бир гап бўларкан, деяр эди. Султоновнинг хаёлига бир фикр ялт этиб урилди: «Кетишга талабгор экан, йўл бошловчиликни ўзига ошириб юборсам-чи? Шу билан оғзига урсам-чи?! Эпласа-эплади, эплай олмаса — тили қисик бўлиб, тинч юради-ку. Ҳамма айбни якка ўзимга ағдара олмайди-ку».

Охири Ортиқ оғзидагини қулт этиб ютиб:

— Қолиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас,— деди-да, ўртадаги чойни олиб, икки ҳўплаб бўшатди. Бошқалар ҳам бор-ку, уларга қолдирмадим-ку деган истиҳолога бормади ҳам. Кейин:— Гап шу!— дея ўрнидан тура бошлади.

Унинг бу ўзбошимчалиги Отамуродга таъсир қилиб, аччиғи чиқиб, қорайиб кетди. Яна ўзини босиб:

— Нима, якка ўзингиз кетмоқчимисиз? Балки биз кетмасмиз,— деди.

Ортиқ чаён чаққандай орқасига ўгирилди:

— Биз деганинг ким? Ўзингми?— У мийиғида кулиб, мазах қилгандай кесатди.

Отамурод чидамай ўрнидан туриб кетди. Бир нима дея узиб олмоқчи бўлди-ю, яна тилини тийди. У билан ади-бади айтишиб ўтиришни эп кўрмай, домлага қаради:

— Менга қолса, домла, ҳеч ким ҳеч қаёққа жилмаслиги керак. Бу сув билан биз ҳеч қаёққа ета олмаймиз. Кўра била туриб одамларни ҳалокатга бошламайлик.

Домла хаёлга толиб, Ортиқ эса анграйиб қолди. Кейин дастурхонни айланиб ўтиб, унга қараб юрди. Яқинлашиб, жон-жаҳди билан қўлларини силкишга тушди.

— Нима деяётганингни биласанми ўзинг?! Нимага, кимга ишониб бу ерда қолишимиз керак?! А? Бу ерда нима қиламиз? Улимимизни кутиб ётамизми?!

— Шошманг, ўйлагани қўясизми, йўқми?!— охири чидамай уришиб берди домла.

Ортиқ ноиллож орқасига қайтди. Лекин у ҳали аҳдидан қайтмаган, осонликча гапга кирадиган одамга ўхшамасди. «Ўлса ҳам кўнмайди, бошқалар қолганда ҳам у кетади,— деб ўйлади Султонов.— Нимага ишонапти, алпинистлигимми? Ҳа, у орамизда энг бақуввати, ўзига ишонади. Ундай десам Отамурод-чи? Ундан қолишмайди-ку, нимага энди у унамаяпти?»

Ниҳоят, домла бошини кўтариб:

— Ўтиринглар-чи... Гапни бир ерга қўйиб олайлик,— деди босиқлик билан.

Ортиқ билан Отамурод жойларига индамай чўкишди. Отамурод ердан кўзини олмас, Ортиқ эса сабри чидамай, домланинг оғзига тикилганча қолган эди. Султонов синчковлик билан унга қараб қўйиб, ўзича, унинг ёнини олганим маъқулмикан... ё, деб ўйлади. Бир қарорга кела олмай, бетоқатланиб кафтида қум шопира бошлади.

— Демак, иккита таклиф тушяпти,— деди домла дастурхон атро-

фидагиларга бир-бир назар ташлаб.— Овозга қўяверайми ё тушунтириб беришсинми?

Султоновнинг юраги гупиллаб уриб кетиб, томоғига бир нарса тикилгандай бўлди: ишонтира олса хўп-хўп, асослаб бера олмаса-чи? Ортиққа қараган эди, у билинар-билинемас бош ирғади. Султонов дадил тортди:

— Майли, тушунтириб ишонтиришсин,— деди у гўё ҳеч нарса билмагандек. Лекин Зулхумор ўзига тикилиб турганини кўриб, аллақандай бўлиб кетди, нигоҳини ундан дарров олиб қочди.

— Эшитайлик бўлмаса,— домла юрагидаги гапни уқиб олмоқчидек, Ортиқнинг кўзларига тикилди.

Унинг салобати босдими, Ортиқ бир зум ўзини йўқотиб, шошиб қолди:

— Мен боя айтдим-ку!— деди қизишиб.— Кимга ишониб кутиб ўтиришимиз керак? Уларгами?— деди кунботар томонга ишора қилиб.— Ўзингиз ўйланг, уларнинг на машинаси, на от-улови, на рацияси бор! Қачон, қандай кимга хабар қила олишади?! Ахир вездеход Ағачқудуқдан қайтиб келгунича, кейин улар Катта ерга хабар қилишгунича, қидириб топишгунича биз бу ерда тамом бўламиз-ку. Ун километр юрсак ҳам ҳарна-ку. Балки ҳеч қанча юрмай чинкка етиб чиқармиз.

Султоновнинг дили равшан тортиб: «Боракансан-ку!» деб қўйди ичида.

— Яхши,— домла энди Отамуродга ўгирилди.— Сиз нима дейсиз?..

Отамурод офтобда хурмо янглиғ қорайиб кетган юзини кўтарди:

— Мен уч литр сув билан ҳеч қаерга бориб бўлмайди, дейман. Икки кунга ҳам етмайди. Ўзимизни қийнаганимиз, баттар адашганимиз қолади. Қум кечиб, бошдан офтоб ўтиб, сувсиз, егуликсиз шу чўлда йўл юриш осон деб ўйлаясизларми?! Мен қаршиман бунга, ҳар ким ўзини эмас, бошқаларниям ўйлаб кўрсин.

Султоновнинг энсаси қотди: Ўзлари бўлдилар-у, бошқанинг ғамини ейшни уларга ким қўйибди?! Тавба!

Ортиқ жаҳли чиқиб, қўл силтади:

— Ваҳиманинг нима кераги бор? Мен ҳайронман; сизлар геолог-мисизлар, ё...

— Шошманг!— яна домла унинг ғамини кесди.— Ҳар ким танасига яхшилаб ўйласин. Кейин бир-биримиздан дамонгир бўлиб юрадиган иш бўлмасин. Ҳамма кетини ўйлаб қўл кўтарсин. Келишиб олдик-а?—У яна ҳаммага бир-бир разм солиб чиқди-да:— Қани, ким нима дейди? Ким кетмоқчи?— деди.

Ўртага оғир сукут чўқди. Ортиқ аллақачон қўлини бошидан баланд кўтариб олган, атрофга аланглаб, юраги тошиб, бошқаларга нимага имиллайсизлар, кўтаринглар қўлларингни, кўтараверинглар, демоқчи бўлади. Отамурод қовоғини уйиб, аввал Ортиққа, кейин Султоновга назар ташлади. Султонов ичида кулиб қўйди: қовоғингни уйсанг-уймасанг ютқазиб қўйдинг, ука. У қўлини даст кўтариб домлага қаради:

— Дунёда бировни кутгандан ёмон нарса йўқ. Ортиқ ҳақ. У курашга чорляпти. Бу чўлни юриб енгмасак, бизни геолог деб ким айтади!— деди ўзида қандайдир қатъият топиб.

Энди улар икки киши эдилар, кимдир оғса бўлди эди. Шу пайт Зулхумор ялт этиб Отамуродга юзланди-ю:

— Сиз мени деб, мени қийналиб қолади деб шундай қиялсизми? Очиғини айтаверинг. Мен чидайман. Чидашга ҳаракат қиламан,— деб юборди кутилмаганда.

Ортиқ шодликдан ўрнидан сакраб туриб кетди:

— Ана, мен нима девдим! Баракалла Зулхумор, ҳақиқий Тўмарис экансиз!— дея қичқирди у қувончини яшира олмай.



Унинг шу бир оғиз сўзи масалани ҳал қилган, уч овоз билан Ортиқ ютиб чиққан эди. Султонов ўрндан туриб, уни табриклаб қўлига қўл ташларкан:

— Йўл бошловчиликни ҳам ўзингизга топшираман. Омад ёр бўлиб, бизни шу чўлдан олиб чиқиб кетсангиз, бир умр хизматингизда-миз!— деди тап тортмай.

Отамурод ҳам, домла ҳам уни биринчи марта кўриб тургандай, ҳайратда тикилиб қолишган эди. Султоновнинг уларга кўзи тушиб, юрагига ғулғула босиб келди-ю, ўзини сезмаганга олиб четга қаради: нима бало, янглишдими унга эргашиб?

Лекин энди кеч эди, бўлар иш бўлган эди.

## Олтинчи боб

Ортиқ шодликдан қичқириб юборди:

— Баракалла, ҳақиқий Тўмарис экансиз, Зулхумор!

Лекин шу заҳоти кўзи Отамуродга тушиб, ўзи аллақандай бўлиб кетди. Қувончини яшира олмай қовун тушириб қўйганини сезди. Отамурод худди унинг ниятини фаҳмлаб қолгандай ижирганиб, нафрат билан қараб турарди. Ортиқ, наҳот бошқалар ҳам... деб ўйлади-ю шошиб атрофидагиларга назар ташлади. Хайриятки,— у енгил нафас олди,— улар ҳеч нарсадан беҳабар, ўз хаёллари билан бўлиб ўтиришибди. Ортиққа жон кирди. Ўзини ўнглаб, дадиллашди: «Бориб-келиб шунга сир бой бераманми, шундан паст келаманми! Ким ғолиб ўзи? Уми, менми? Ўзи оёғимнинг тагида мағлуб бўлиб ётибди-ку, яна чалиб йиқитмоқчи бўладими! Овора бўлади!— дея хаёлидан ўтказаркан, энди унинг кўзларида бояги хижолатдан асар ҳам қолмади. Нима қилиб бўлса ҳам аввал мана бу одамларнинг ишончига кириб олай, ундан кейин ўзим биламан»— деди-да, тап тортмай тилёғламалик қилишга тушди:

— Алпинистлигимда саксон километрлаб йўл босардик. Қандай оғир қояларни кўрдим демасдик. Бу қум барханлари экан-ку. Худо хоҳласа сизларни бу чўлдан ўзим олиб чиқиб кетаман. Фақат менга ишонсаларингиз, чизган чизигимдан, айтган сўзимдан чиқмасаларингиз бас. Темирдай интизом бўлмас экан, суягимиз бу чўлларда қолиб кетади. Сувни тежашни менга қўйиб берасизлар. Шу сув билан ҳам чиқиб кетамиз.

Отамуродга кўзи тушиб, гапини калта қилишга мажбур бўлди. Отамурод худди унинг кўнглидагини биладигандек, мана ҳозир ҳаммага овоза этиб шарманда қиладигандек зуғум билан тикилиб турар, хўп қуруқ сафсатага уста экансанми, демоқчи бўлар эди:

Ортиқ унга иш буюриб, чалгитмоқчи, ўйиндан чиқармоқчи бўлди.

— Сен одамга ўқраймай, Йўл тайёргарлигини кўрсанг бўларди. Декчангни йиғиштирмайсанми!?— деди.

Унинг ўзига алам қилиб турган экан, гап билан тишлаб олди:

— Хўжайинчилик қилмаган битта сиз қолувдингиз!— деди-ю, бурилиб кетмоқчи бўлди. Ортиқ бўш келмаслиги кераклигини, ҳозир индамаса, кейин сўзини ҳеч кимга ўтказа олмай қолишини ҳис этиб, дадил тортди.

— Тўхта!— деди, Отамурод тўхтаб бошини ўгириб қаради. «Нима!» деди кўзлари билан.

— Сен ўзи кимга зарда қиласан?! Таклифинг ўтмаганигами?— Ортиқ ҳийла билан баланд келиш йўлига ўтди.— Ўзинг аввал бундоқ тананга ўйлаб кўр-да, кейин хафа бўл!— У ўзича куйиниб тушунтирган бўлди.— Хўп, сенинг гапингга кириб, бу ерга қидириб топиб келишларини кутиб ётайлик ҳам. Кейин нима бўлади? Келишса хўп-хўп, келиш-

маса-чи? Вақтида топиша олмаса-чи? Унда нима бўлади? Наҳот шуни тушунмасанг?! Наҳот ўзинг яшашни истамасанг? Ўзингни ўйламасанг, биз-чи?! Сен бўйдоқ бўлсанг, бизнинг бола-чақамиз, ҳали қиладиган бир олам ишларимиз бор. Дунёдан умидимиз кўп. Ҳамманинг ҳам яшагиси келади.

Ортиқ бу гаплардан у мулзам тортиб, бош эгиб қолади, деб ўйлаган эди. Лекин Отамуроднинг важоҳатини кўриб, ҳайрон қолди. Унинг кўзлари қисилиб келиб, шундай таъсирли, шундай нафратомуз тикилдики, гўё «ҳали сен шунақамисан?! Шунақа тулкимисан?! Илоннинг ёғини ялаган доғулимисан?!» демоқчи бўлар, нафратининг зўридан тили калимага келмас, лаблари учиб-қўнарди. Ортиқ буни осонликча таслим қила олмаслигига ақли етди: бу ҳам осонликча бўйин эгадиганлардан эмас экан. Энди уни ўз ҳолига қўйиши керак, энди ундан яхшилик кутиб бўлмайди. Шарманда қилмасидан тилини тийгани маъқул.

Шу пайт Султонов ўртага тушиб, унинг жонига ора кирди. Бўлмаса жанжал чиқишига сал қолган, Отамурод Ортиқни шармисор қилиши тайин эди.

— Ҳай, ҳай, эсларингни едиларингми? Уят бўлади-я. Ҳали биз сизларга ишониб ўтирибмизми? Бунақада душманнинг кераги йўқ-ку. Отамурод, мен сени тушунган йигит десам, э, баракалла, сизларга:

Шофер Ортиққа ўқрайиб қараб қўйди-ю, яна аччигини ичига ютиб, бурилиб декча осилган томонга юриб кетди.

Султонов, йўлига бўлса керак, Ортиққа гина аралаш насиҳат қилган бўлди:

— Сиз ҳам жуда ошириб юбордингиз. Сал эви билан-да. Ҳар нарсанинг ози ширин.

Ортиқ ўзини ҳеч нарса билмаганга солиб, елка қисди:

— Мен нима дедим? Нима оғир гап қилдим? Айбим ҳақ гапни айтганимми?!

Лекин шу пайт унинг кўзи Зулхуморга тушиб, ҳайрон қолди. Қизиқ, ҳозиргина ўзини қўллаб юборган, жонига ора кирган қизча унинг ёнини олиб адашганини сезгандай, энди унга ҳайрат аралаш қўрқув билан тикилиб қолганди.

Домла эса машина зинасида оёқларини кериб, тиззаларига тирсагини тираб энгашиб ўтирар, машинаси йўлда бузилиб, ночор аҳволда қолган шоферлардай боши қуйи солиқ эди.

Шу пайт Отамурод Ортиқнинг тилёғлама гапларига чидай олмади, машина орқасидан чиқиб келди:

— Ҳақ гап, ҳақ гап, деб сафсата сотмай қўяқолинг. Сиз ўз жонингизни ўйлаясиз. Бошқаларни ўйласангиз, бундай қилмасдингиз,— деди жаҳлдан қизариб-бўртиб.

Ортиқ бир зум довдираб қолди. Отамурод ҳақ гапни, нақ унинг кўнглидагини билиб айтаётган эди. Лекин кимнинг енгилгиси, мағлуб бўлгиси келади. Ортиқ ҳам дарров ўзини ўнглаб олди-ю, уни мот қилиш йўлини излади.

— Ким сенинг таклифингни кўр-кўрона рад этаяпти? Майли, ана, қўлингдан келса, исботла, асослаб бер. Сен, бизни ишонтир, балки таклифингга кўниб қолармиз...

Домла бошини кўтариб Отамуродга синовчан тикилди:

— Ишонтира оласизми?— деди, «айтинг, бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирманг» демоқчидай.

Отамурод ерга қаради. Ортиқ мийиғида кулиб, мана шунақа, исботлай олмайсан-у, яна... дегандай кинояли тикилди. Отамурод эса чуқур тин олиб, бошини кўтарди:

— Бу чўлда энди якка биз адашаётганимиз йўқ. Адашиб, қутилиб кетганлар кўп бўлган,— деди, «улар бизчалик ваҳимага тушмаган» де-

моқчидек,— ўтган йилимиди,— у Султоновга қаради,— Орол бўйидаги пармакашларга маош олиб бораётган кассирлар чўлда қолиб кетишгани?..

Султонов индамай бош силкиди.

— Нақ саратонда сувсиз, бензинсиз қолиб кетишган.

— Хўш, нима бўпти? Бизнинг аҳволимиз уларникидан яхши эканми?— кулди Ортиқ.

У гапни нимага бураётганини сезиб, Отамурод унга ўқрайиб бир қараб қўйди-ю, яна ўз гапида давом этди.

— Ушанда шофёр кассирларни уч кечаю, уч кундуз машинага қамаб қўйиб, асаблари чидамай қочиб кетишганда эса тутиб келиб боғлаб қўйиб, ҳаётларини асраб қолган. Қидириб топишларига, ёрдам етиб келишига ишонган. Бизга ўхшаб пачакилашиб ўтирган эмас!

У бошқа ҳеч нарса демай, бурилиб кета бошлади. Ортиқ бундай кескин жавобни кутмаган эди, серрайиб қолди. Кейин ўзига келиб, ичида тан бериб бош чайқади: бало экан-ку, гап билан тузлаб бирваракайига лой қилиб кетди-ку!

Лекин шу заҳотиёқ ўзгарди. Зарбага зарба билан жавоб бериш кераклигини, иложини топса яксон этиб, тор-мор қилиб ташлаши зарурлигини ҳис этди. Ҳис этди-ю, сергак тортди. Миясига чўқмордек залворли гап ҳам лоп этиб кела қолди. У ана шу чўқмор гапни унинг орқасидан отди, нақ миясини мўлжалга олди:

— Сен ўша шофер бўла олмайсан!

Отамурод ялт этиб ўгирилиб қаради. Чўқмор тош мўлжалга теккан эди. Унинг кўзлари чақнаб, учқунланиб кетди.

Ортиқ зарба устига зарба беришга чоғланди:

— Негаки, сен бизнинг олдимизда айбдор одамсан. Ишончдан қолган одамсан. Буни ўзинг ҳам яхши биласан. Йўқ, де-чи?— У истеҳзоли тикилди.— Деёлмайсан!

Отамурод қулоқларигача оқариб кетди, кейин юзига қизиллик югурди:

— Сендек оқ бўлиб яшагандан,— у азбаройи жаҳлдан дудуқланиб қолди,— қора бўлиб ўтган яхши!..

У шарт бурилиб нари кетди. Ортиқнинг кўзлари тиниб, боши гир айланди, гўё оёғи тагида ер қалқиб, ўзи оғиб кета бошлади-ю, чўчиб ўзини ўнглаб олди. Ўзи отган чўқмор тош қайтиб ўзига теккандай бир зум гангиб қолди. Лекин у таслим бўлиш учун бу жангга кирмаган эди. Сўнгги дақиқада ўзини қўлга ола билди:

— Ҳаёт қил устида турибди-ю, гапингни қара, жиззакилик ҳам эви билан-да... Гап шу!— деди у гапни кесиб.— Кўпчилик ҳал қилдими — тамом, ҳеч қанақа муҳокамага ўрин йўқ! Мен ҳаммангиз ҳам сўзсиз бўйсунинишнинг талаб қиламан. Чинкка чиқиб олгандан кейин эса менга деса бир-бирингизни судга беринглар!

Ҳеч ким ҳеч нарса демади. Зулхумор билан домла ҳамон бош эгиб туришар, Ортиқнинг назарида улар унга қарши чиқмай хато қилганларини энди сезиб тил тишлаб қолгандай эдилар. Лекин улар энди туғён қилломасликлари ҳам юзларидан шундай кўриниб турар, бу эса ғалаба билан баробар эди. Ортиқ мағлубларига қараб туриб, ўзининг шайтонона тантанасидан ичига сиғмай шундай қаҳ-қаҳ уриб кулгиси келдики...

Лекин афсуски, ҳозир бунинг мавриди эмасди. Ҳали эрта эди бунга...

— Етар!— деди Ортиқ охири.— Ҳар ким ўзига керакли нарсани олсин, йўлга чиқамиз.

Зулхумор ялт этиб аввал унга, кейин домлага қаради. Қўйин дафтарчасига алланималарни ёзаётган домла гап-сўзсиз йиғиштирила бошлади. Қиз бундан ҳайратга тушиб, Отамуродга шошиб кўз ташлади.

У индамай декчани қопчиққа жойлашга киришган эди. Зулхумор чидамай эътироз билдирди.

— Нима, ёв қувяптими, эртаминан чиқармиз йўлга. Кунни қаранг...

Ортиқ энди бўш келмаслиққа қатъий қарор қилди. Кесиб гапирди:

— Кетадиган бўлгандан кейин кетиш керак. Кечгача,— билагига қараб олди,— етти-саккиз соат юрсак ҳам ҳарна.

Улар йўл ҳозирлигини кўра бошладилар. Домла ўрнидан турган жойида ниманидир эслаб, яна қўйин дафтарчасини қўлига олди, капот устига қўйиб, бир варағига катта-катта қилиб ёза бошлади.

Отамурод эса машинани айланиб ўтиб, ўз ўриниди тагидан эски бир пачоқ пақирчани тортиб олди-да, «Газик» олдига ўтиб, капотни кўтарди. Энгашиб нималарнидир титкилай бошлади. Кейин радиатор тагига пақирчани қўйиб унинг сувини оқизиб юборди. Ҳаммалари келиб унинг ёнида туриб қолишди. Отамурод қумда чўккалаб ўтирганича охири томчи сув тушиб бўлгунча кутиб турди-да, кейин ярим пақирдан ошиқ занг рангли сувни кўтариб қаддини ростлади. Ортиқ хурсанд бўлиб кетди.

— Ана, худо бераман деса шу-да! Нақ қайнаган сув. Йўғида ичиш-га ярайверади, тўғримасми?— деди.

Лекин ҳеч ким ҳеч нарса демади, ҳамма ўзини эшитмаганга олди. Бундан жаҳли кўзиган Ортиқ бориб машина орқасидан бўшаган баржом шишаларини олди-да, Султоновга узатиб, Исонинг аламини Мусодан олмоқчи бўлди.

— Бекор тургунча бекор ишла деганлар. Мана буларга ўша сувдан солиб олинг,— деб буюрди. Султонов унга тушуна олмай қаради:

— Шиша нимаси, тайёр канистр бор-ку.

Ортиқ уни жеркиб ташлади:

— Туш кўрмаяптиларми, мабодо. Кўзингизни очинг. Сиз кийик ови-га чиққан бошлиқ эмассиз, айтган нарсангиз ўша заҳоти муҳайё бўладиган. Ниҳоят йўлдан адашган, ўзимиз қатори бир одамсиз, айтгандан кейин қилаверинг-да!

Ортиқ ҳар қандай одамнинг суяк-суягидан ўтиб кетадиган шундай заҳар гап қилар, лекин аччиқ ҳақиқатни тўкиб солиб, эътирозга ўрин қолдирмасди. Султонов ҳам бўғриқиб лов этиб ёнди, алам, аччиқ босиб келиб, кўзлари чақнаб кетди. Лекин аччиқ ҳақиқат олдида тилини тишлаб жим қолди. Индай олмади.

Ортиқ ўриндиқ тагидан сувли мешни тортиб олиб, кўринарли ерга қўяркан, бир чеккада гарангсиз турган Зулхуморга пичинг қилди:

— Нима, сизга алоҳида айтиш керакми? Қимирламайсизми?

Қиз бечора баттар ўзини йўқотиб, нима қиларини билмай довдиради. Ортиқ унинг ҳолига ичида кулди: «Ҳалигандан шундай бўлса, эртаиндин ҳолига маймунлар йиғларкан-да. Шўрингга шўрва. Чўлда сенга нима бор эди, касофат. Сенга илиқмасам мен ҳам шу кунга тушмасдим». Унга ижирғаниб қараб қўйди-да:

— Ол, анави рюкзакни, тошини бўшат-да, тақир-туқурларни жойла, қараб турган билан иш битадими?— деди тўсатдан сансираб.

Бу кутилмаган совуқ муомаладан Зулхумор кўзларини катта очиб, турган ерида тош қотиб қолди. Ортиқ шу бир оғиз гап билан унинг кўнглини чил-парчин қилиб ташлаганини сезди-ю, лекин кечирим сўрашни ўзига эп кўрмади. «Нима, қиз бола деб тақсимчага солиб юришимиз керакми? Шу пайтда кўнгилга сиғарканми!» дея ўзига ўзи таскин берди, гўё ҳеч нарса бўлмагандек уни шоширди.

— Бўлақол, вақт зиқ.

Кутилмаганда қизнинг юзига дадиллик қалқиб чиқиб, машина ойнасига: «Биродарлар, биз шимоли ғарбга қараб пиёда кетдик», деб ёзилган бир варақ қоғозни ёпиштираётган домлага қаради:

— Домла, бу нима деган гап ўзи? Ахир биз шу тошларни деб кел-сак-ку, бу киши...— Зулхумор «ҳақиқат борми ўзи?» демоқчи бўлди куйиниб. Домла қилаётган ишидан тўхтаб, ўгирилди. Ортиққа тушуна олмай, сўзсиз тикилди.

Ортиқ эса отини олдинроқ қамчилаб, унинг оғзига урмоқчи бўлди:

— Бош омон бўлса, тош топилади. Ит емайди уни,— деди рюкзакни шарт тортиб олиб, ағдармоқчи бўлди-ю, шу пайт бирдан профессорнинг ўриндиқ устида ётган дала сумкасига қотирилган компаснинг тилига кўзи тушиб, ҳайрон қолди. У қопчиқни олганда компас тили ўзидан ўзи ликиллай кетди, қопчиққа эргашиб бурила бошлади. Ортиқнинг ҳайронлиги ортиб, тошли рюкзакни у ёқ-буёққа олиб борди. Қизиқ, стрелка қопчиққа эргашиб ўнгга бурса ўнгга, чапга бурса чапга бурилади, ликиллаб тинчимайди. Ортиқ бирдан зийрак тортиб, бақириб юборди:

— Мана, ҳамма бало қаерда экан! Бизни адаштирган шу тошларингиз экан, профессор! Минг лаънат тошларингизга!— у жаҳолат ичида қопчиқни тош-поши билан домланинг оёқлари остига итқитди.

Ҳеч ким ҳеч нарсага тушунмай, унга қаради. Фақат домла бир нарсани сезиб:

— Ўзи нима гап? Тинчликми?— дея югуриб келди.

Ортиқ ўшқирди:

— Тағин булар олим эмиш! Садқан слим кетинг-е...

Домла таққа тўхтаб қолди. Тилла кўзойнаги тепасида қалин қошлари учиб-қўниб, лаблари гезариб кетди:

— У нима деганинг? Бу қандай ҳақорат?!

— Ҳақорат эмас, ҳақиқат. Тошни магнитдан ажрата олмайсизларми бўлмаса!.. Компасга яқинроқ олиб келинг-а, ўша тошларингизни.

Домла бир нарсани тушуниб, компасли сумкани олиб, қопчиққа яқин борди. У ёқ-бу ёққа ўтиб ҳайратга тушди. Кўзларига йшонмай, яна шундай қилди. Кейин бирдан юзлари ёришиб, бошини кўтарди. Янгилликни ичига сиғдира олмай:

— Зулхумср, у ҳақ, ҳақ! Табриклайман сизларни!— дея овоза қила кетди.— Экспедициямиз бекор кетмабди. Кернлар орасида магнитли намуналар бор экан. Демак, маъдан ҳам бор, ура, ўртоқлар!— у шляпасини осмонга ота кетди.

Бошқалар бирпасда уни ўраб олиб, адашганларини ҳам унутиб, бозор қилиб юборишди. Улар худди олтин топган одамлардай бир-бирларини табриклаб қучоқлашар, чирпирак қилиб айлантиришар, ўйинга тушгудек бўлишар эди. Геологлиги тутиб, Султонов ҳам уларга қўшилиб кетган эди.

Фақат Ортиқнинг ўзи бир чеккада яшин урган одамдай серрайиб қолган эди.

## Еттинчи боб

Улар бир қаторга тизилишиб, жимгина сояларини босиб кетиб боришади. Қуёш тикка кўтарилгани сайин елкани куйдиради. Соялар ҳам офтобдан оёқнинг тагига қочиб кичрайиб қолган. Чўл бамисоли олам тандиридай олов пуркайди. Иссиқ ҳаводан томоқ қақраб, нафас тикилади. Ҳамма бирдай ҳансираб — ҳарсиллайди.

Олдинда йўл бошлаб бораётган Ортиқ анча илгарилаб кетади-да, тўхтаб жиғи-бийрон бўлади:

— Мунча имиллайсиз, Султснор? Сизни геолог деб ким айтади? Қани, бўла қолинг. Сизлар ҳам етишиб-етишиб юринглар! Зулхумор, нима, ҳалитдан оёғингга ем тушдими! Шахдамроқ юр. Орқадагиларнинг оёғини тутма.

Лекин ҳеч ким унинг гапига эътибор бермайди. Қадамни тезлатмай, ўша-ўша, ҳоли келганича юриб бораверади. Орқада келаётган Отамуроднинг гаши келиб, аччиғи қистаб-қистаб қўяди: йўл азоби етмагандай, мунча асабга тегади?! Ургулдим ундай йўл бошловчидан, дея четга тупурмоқчи бўлади-ю, қуруқшаган оғзига тупук ҳам келмай, тили танглайига ёпишади.

«Одамларга аллақачон дам бериш керак эди,— деб ўйлайди.— Кун қизиб кетади деб эрталабки чойни ҳам ичиб-ичгандай қилмади. Бунақада йўл чақиб қўяди-ку. Ана, ҳалитдан Зулхумор оқсай бошлади. Эртаминан олдинда эди, энди орқага тушиб қолди. Минг сездирмайман деса ҳам билиниб қоляпти. Қиз бечорага бир нарса бўлган. Вақтида олдини олмаса оёқни ишдан чиқаради».

Йўл бошловчи парвойи палак, бархан ошиб, илгарилаб боради. Худди жон керак бўлса, етиб олсин дегандай, одимини бўшаштирмайди. Орқадагилар билан иши йўқ, олдиндан кўзини узмайди. Худди мана ҳозир чинкдан чиқиб қоладигандек.

«Йўл бошловчи деган балки шундай қаттиққўл бўлиши керакдир,— дея хаёлидан ўтказади Отамурод.— Шусиз бу чўлдан чиқиб кетиб бўлмас... Лекин қаттиққўлликнинг ҳам чегараси бордир, ахир. Бунақада ваҳшийдан қанақа фарқимиз қолади?!— Отамурод қатъий бош чайқади.— Тезроқ, иложи борица тезроқ ундан қутулишимиз керак, у бизни тириклайин ўлдирмасидан қутулишимиз керак, йўл бошловчиликдан четлаштиришимиз керак. Лекин қандай қилиб?»

Отамурод ўзидан олдинда оқсоқланиб зўрға қадам ташлаётган Зулхуморнинг бир кундаёқ тағи кўчган ботинкасига тикилганича шуни ўйлаб бораркан, бирор чора топа олмай, калласи торс ёрилгудек бўлади. Зулхумор оёқлари қумга ботиб, саксовул шохларига қоқилиб-қоқилиб кетади. Шунда гандираклар йиқилгудек бўлиб мункийди-ю, яна ўзини тутиб, изга тушиб олади. Лабларини қаттиқ тишлаб, их деган овоз чиқармайди. Отамурод унинг кечаги: «Сиз мени қийналиб қолади деб шундай қиялсизми? Мен чидайман. Чидашга ҳаракат қиламан» деган гапларини эслайди. Чидашга ҳаракат қияпти. Лекин бу аҳволда қанчага чидаркин, деб ўйлайди. Ўзи орқадан унга кўз-қулоқ бўлиб, мункиб кетса, ушлаб қолишга ҳозирланиб боради. Терлаб-пишиб, елкалари жиққа ҳўл бўлиб кетган домла ҳам Зулхумор ҳар қоқилганда худди ушлаб қолмоқчидек орқасига ўгирилади. Шунда унинг дув терга тушиб, бўртиб кетган юзи Отамуродга аниқ кўринади. Қошларига йиғилган томчи-томчи терлар маржондек дув тўкилади. Йўл қоқиб, ўзи адо-йи тамом бўлган-у, кетидаги Зулхумордан номус қилганидан ҳам йўлдан қолмай чидаб, тишини тишига қўйиб боради. Бўлмаса, пуфласа йиқилгудек ҳоли қолибди.

Кўз кўзга тушиб, домла сергак тортади. Номус кучлилик қилиб ўзини қўлга олади-ю, қадами шаҳдамлашади. Лекин қачонгача чидарди бу аҳволга?! Қанчага ҳам етарди! Отамурод чуқур тин олиб, кўзларини ерга қадайдди. Кейин йўлдошларига етиб олишга шошилиб, қадамини жадаллатишга уринади-ю, лекин оёқлари ёғсчдек бўй бермайди. Ҳар қадам ташлаганда пружинадек букилиб кетай-букилиб кетай дейди. Қўнгли озиб, бутун бадани зирқирайди. Шу пайт бирпасгина шундай чўзилиб ястангиси, оёқларини ёзиб, бир пиёлагина иссиқ чой ичгиси келадик...

Лекин илож қанча, сарбон парвойи палак, уларнинг ўлган-тирилганига қарамай илгарилаб кетяпти, ҳар замон-ҳар замон тўхтаб, уларни шоширади, чаён чақди гаплари билан узиб-узиб олади, орқада қолаётганларга захрини сочади. Етишиб олишгач, яна тўнғиллай-тўнғиллай олдинга тушиб йўл бошлайди. Шунда нимагадир Отамуроднинг кўз олдидан кушхонанинг бўйнига қўнғироқ осилган оқ серкаси кетмай қо-

лади. Бешёғочдаги эски кушхонанинг шундай ўргатилган серкаси бўлгучи эди. Отамурод эсини танибдики, ҳамма подаларни ўша серка кушхонага бошлаб кириб кетар, кейин қўйларни қассобга топшириб, ўзи омон чиқаверар эди.

Айтишларича, у жуда айёр экан. Қўйларни кушхона эшигидан бошлаб кириши биланоқ ўнгга бурилиб, каттакон токчага сакраб чиқиб оларкан-да, тек тураверар экан. Сарбонини йўқотган қўйлар битта-битта қассоб қўлига тушавераркан. Серка бўлса ҳар замонда бир хашак чимдиганича тепада туриб, алданганларнинг терисини қандай-шилишларини бепарқ кузатаркан.

Бугун кечаси ўша оқ серка Отамуроднинг тушига кириб юрибди. Улар ҳориб-чарчаб, бурниларидан тортса йиқилгудек бўлиб, жазирамада қетиб боришаётганмиш-у, олдинда элас-элас қўнғироқ овози келармиш. Нима бу, қарвонми, қаерда экан, деб бошини кўтарса, олдинда ўша оқ серка, қўнғироғини жиринглатиб йўл бошлаб кетаётганмиш. Отамурод чўчиб уйғониб, тепасида шошириб қистаб турган Ортиқни кўрди:

— Тур, турсанг-чи. Тош қотганмисан!

— Ҳа, нима дейсан?— жеркиб юборди Отамурод азбаройи энсаси қотиб.

— Бўл, вақт ўтапти. Сени деб кун қизиғига қолиб кетишимиз керакми?! Эрталабки салқинда ҳар куни ўн километрдан йўл босишга келишган ким эди?! Келишгандан кейин амал қилинглари-да! Нима, мен сенларга энагаманми, ҳар биттангни уйғотиб юрадиган. Бўлинглар, кетдик!..

Шундан бери Отамуроднинг кўнгли ғаш, кўз олдида оқ серка чўққи соқолини селкилатиб беҳаёларча тикилиб тургани-турган. Бировга айтадиган гап эмас. Лекин ғашлик кўнглини кемиргани-кемирган. Ўзи бундан қандай қутулишни билмайди. Оёқ остига қараб кетаверганидан гардани қотиб қолибди. У хумдек оғир бошни зўрға кўтариб, олдинга қараб қўяди. Ҳамроҳлари мункиб кетай-мункиб кетай деб қўлларига эгри-бугри саксовул таёқларга тиралганча қум кечи боришади. Икки бархан оралиғидаги бу қўриқни саксовул чакалага қоплаган. Ҳар ер-ҳар ерда садалаб ўсган юлғунлар кўринганида ўлимтик сояси ўзига шундай оҳанграбодек тортадики... беихтиёр юлғун соясига таппа ташлаб чўзилгиси, бирпас ором олгиси келади. Лекин қани энди Ортиқ шунга кўнса. Орқада оқсаб қолганни қандай қилипти-ю, сояга чўккани кўярмиди.

Шу пайт беҳосдан Зулхуморнинг оёғи юмронқозиқ уясига ботиб ўзи мункиб кетди. Отамурод уни тутиб қолмоқчи бўлиб талпинди-ю, қўли етмади. Зулхумор йиқила туриб, ўтириб қолди. Отамурод шошиб унинг қўлтиғидан олди, лекин у ҳоли келмай бош чайқади. Оёқларини узатиб, кўзларини юмди. Шу кўйи юзларидан тер қуйилиб, чуқур-чуқур тин оларкан, қуруқшаган лабларини зўрға очиб, пичирлади:

— Сув, сув денг.

Отамурод елкасидан қопчиқни чиқариб ташлаб, Ортиқни чақириб олдинга югурди.

— Эй! Тўхтаг. Тўхтатинг уни! Чақиринг. Сув керак денг. Сувни олиб келсин. Сувни...

Унинг шовқинига Ортиқ ўгирилди-ю, асаби қайнаб четга тупурди.

— Мана шунақа-да, чўлда бало борми буларга! Уйида ўтирса ўладими-а? Тирик товонлар!— дея сўкинди у. Унинг тўхтаганини кўриб, Отамурод ҳам тўхтади. Домла худди бир ёрдам бера оладигандек Зулхуморнинг олдига ошиқди. Буни кўриб Ортиқнинг фиғони ошди:

— Қаёққа?! Қайтинг деяпман? Шунга шунча ваҳимами?!— дея бақриб берди.

Ҳамма турган ерида анграйиб туриб қолди. Эси жойидами, нима демоқчи ўзи, дегандай бир-бирларига қарашди. Ортиқ энди Отамуродга осилди:

— Ҳей, сен! Сув деб бақиргунча ўрнидан турғизиб қўймайсанми! Мунча ваҳима қиласан? Ўлиб қоляптими?! Турғиз, чидасин!— у йўлига бурила туриб, амр қилди.— Кетдик.

Лекин ҳеч ким жойидан жилмади. Унинг бу қилиғидан Отамуроднинг сочи тикка бўлди:

— Шошманг, диёнатингиз борми ўзи?!— деди чидамай.

— Нима? Нима дединг?!— Ортиқнинг кўзлари совуқ ялтираб кетди.

— Сувни олиб келинг!— талаб қилди Отамурод қўлини чўзиб.

Ортиқ ундан бунчалик қатъиятни кутмаган экан, бир зум тили гапга келмай қолди.

Отамурод жаҳлидан тушмай:

— Сизга айтаяпман. Олиб келинг!— деди қайтариб.

— Ҳали сен... менга буюрадиган бўлдингми?!— Ортиқ азбаройи жаҳлидан қалтираб кетди.

— Ҳа мен,— деди Отамурод бўш келмай.— Бизга шафқат қилмай қўя қолинг, майли. Лекин қиз болага бундай муомала қилишга қандай ҳаққингиз бор?

— Нима, бўлмаса елкамга ўтқазиб ола қолай,— у қўллари билан елкасини кўрсатиб шанғиллади.

Шу пайт Султонов менинг сўзимни олади-ку, деб ўйладими, ўртага туша қолди:

— Яхшимас, Ортиқ ака, нима кераги бср аччиқ-чучук гапларнинг. Бир қултум сув одамни ўлдирибдими,— деди. У шу бир оғиз гапи билан балога қолди. Ортиқ уни ер билан баробар қилиб ташлади:

— Яхшими, ёмонми, сендан сўраётганим йўқ. Сен аралашмай қўя-қол. Бир марта сўзингга кириб бўлганмиз. Ҳали жазосини тортиб ётибмиз. Энди сенга ўртага тушишни ким қўйибди!

Султоновнинг дами ичига тушиб, бир қарич тортиб кетди. Ортиқ бўлса юзини сидириб ташлаб, яна ўз гапини маъқуллади:

— Гап битта: чидайсизлар! Ҳар қадамда ҳар кимга сув бераверса етказиб бўладими?!

Отамуроднинг жаҳли энди ҳиқилдоғига келди. «Нокас, кунимиз ҳали сенга қолдими?! Сенга ялинишга қолдими?!» У жаҳолатда ҳезланиб, икки қадам қўйди-ю, яна шахдидан қайтди. Домланинг ҳурмати ўзини босди. Буни сезиб, домла Ортиқни инсофга чақирди:

— Сиз укам, ўзингизни бу қизчанинг ўрнига қўйиб кўрсангиз бўларди, бунчалик қаҳри қаттиқ бўлиш яхшимас. Охири яхши чиқмайди.

— Чиқадими, чиқмайдими ўзим биламан. Сизга даҳли йўқ!— Ортиқ жаҳл билан тарс-турс юриб келиб, орқасидаги мешни туширди-да, кружкага сув қуйиб, Отамуродга узатди.— Обор, заҳарига ичиб олсин.

Отамурод ғалати бўлиб кетди. Асаби қайнаб, юзига қон тепди. Юраги қўкрагига сиғмай, темирчининг босқонидай гурс-гурс уриб томоғига тикилди. Беихтиёр кружкадаги сувни унинг башарасига сочиб юборай деди-ю, яна ўзини тийди.

Лекин Зулхумор чидай олмади. Бу совуқ гапдан у бир сапчиб тушди. Кўзларини очиб, Ортиққа нафрат билан тикилди.

— Золим!— дея пичирлади-ю, юзини терс ўгириб олди.

Ортиқ лов ёнди, чидамай:

— Бердим, бўлди-да!— дея бақириб берди. Кейин бурилиб кета туриб, ярим ичида сўкинди.— Манжалақи...

Ҳайтовур қиз эшитмади. Лекин Отамурод аниқ эшитди. Эшитди-ю, чидаб тура олмади. Кружкадаги сувни домлага тутқазса солиб, Ортиқнинг орқасидан отилди.



— Шошма, номард!— Ортиқ ўғирилганича бўлмай у икки ҳатлашда етиб олиб, елкасига қўл ташлади, кейин шаҳд билан ўзига қаратиб, қулочкашлаб қулоғининг тагига тарсаки тортиб юборди.— Нима дединг! Яна қайтар! Қайтар-чи, ифлос!

Ортиқ талвасада қўллари билан бошини тўсиб, кўзининг пахтаси чиқиб тисарилди. Отамурод хезланиб, ҳозир мушти билан янчиб ташламоқчидек, унинг устига бостириб келиб ёқасидан олди:

— Сен ҳали андишанинг отини қўрқоқ қўйдингми! Янглишасан! Бекорларни айтибсан! Айт, кимга ситам қиласан! Кимга аччиқ қиласан,— у жаҳолатда Ортиқни сансирай кетди.— Биз бўлдик-да, энди у қолдими?! Унга осиласанми? Қиз болага осиласанми, пасткаш?! Кеча Зулхуморхон эди. Оғзингдан бол томарди. Энди пуф сассиқ бўлдими! Кечагина эмасмиди, уни Тўмарис деб кўкларга кўтарганинг! Энди бир қултум сувга арзитмадингми, номард! Ўнг қулоғу чап қулоғинг билан эшитиб ол! Иккинчи тил теккизсанг, билиб қўй, шундай жиғингни эзиб қўяманки, бир умрга унута олмай юрасан. Бор!

Отамурод қўлларини унинг ёқасидан олиб, кўкрагидан итариб юборди. Кейин домлага кўзи тушиб, хижолат аралаш кечирим сўради:

— Уэр, домла, ўзимни босолмадим.

Домла совуққина бсш силкиди. Отамурод буни сезиб, ғалати бўлиб кетди. Унинг олдида ўзини тута олмагани учун ўнғайсизланди. Афтидан домла ҳам шундан ҳафадай, уларнинг андишасизлик билан ёқалашишларидан ранжигандай эди. У Зулхуморга сув ичириб бўлиб, ўрнидан турди-да:

— Сояга ўтиб, бирпас дам олволинглар,— деди ҳеч кимга қарамай.

Отамурод индамай бориб, қизнинг қўлтигидан олиб турғизди-да, шу яқиндаги юлғун соясига қараб етаклади. Домланинг ўзи Султонов билан йигирма қадамча наридаги саксовул тагида тўхташди. Отамурод қизнинг ёнига чўкмоқчи бўлган эди, Султонов уни қўли билан имлаб чақирди. Ортиққа эса домланинг ўзи:

— Бу ёққа келинг-чи,— деди.

Бу бошқа гап. Аллақачон бошчиликни ўз қўлларига олишлари керак эди, деб ўйлади Отамурод, кейин Зулхуморга:

— Мен ҳозир қайтаман. Сиз бемалол дам олаверинг,— деди-да, ўша ёққа йўл олди.

Улар саксовул соясига сифмай, ярим айлана қуриб ўтиришаркан, ҳали-ҳозирги жанжал эсларига тушиб, хижолат аралаш ерга қараб қолишди. Домла эса ҳамон ҳансираб, нафасини ростлаб ола олмас, чуқур-чуқур тин олар эди.

— Гап шундай,— деди у ниҳоят.— Мен сизларга бўладиган гапни айтиб қўяқолай. Бу аҳволда биз бу чўлдан чиқиб кетолмаймиз. Йўл азоби етмагандай, уриш-жанжалларингиз нимаси?! Одам одамга дўстми, ё душманми! Шунақа пайтда бир-бирларингизга қайишмасангиз, қачон қайишасизлар? Ҳар ким ўзини ўйларкан, овора бўласизлар, бирортангиз ҳам бу ердан қутулиб чиқиб кета олмайсизлар. Йўқ, қутулиб кета оламан, дейдиганлар бўлса айтсин!

Ҳаммалари бош эгиб, ер чизиб қолишган, домла эса аччиқ ҳақиқатни тўкиб соларди:

— Иккала қулоғингиз билан эшитиб олинглар,— деди домла тин олволиб.— Худо кўрсатмасин, агар шу қизчага бир нарса бўларкан, уни шу ердан эсон-омон олиб чиқиб кетмасаканмиз, умр бўйи одамлардан тавқи-лаънатга қолиб кетамиз. Бизни ҳеч ким кечирмайди. Тўрт бирдек эркак бир қизчани, тириклик тираги бўлган бир аёлни асраб қола олмасак, нима деган одам бўлдик?! Шунини ўйлаясизларми ўзи? Кўзларингни очинглар, ҳали ҳам кеч эмас.

У жим қолди. Отамурод бош кўтариб, унга қарай олмас, унинг юзини, ўзи қай аҳволга тушганини ҳам кўра олмас эди.

— Унга кўз-қулоқ бўлиб туришни шахсан ўзингизга топшираман, Отамурод!— деди домла ниҳоят.— Сув ҳам сизда бўлади. Сувга ҳам, Зулхуморга ҳам бошингиз билан жавоб берасиз. Биз ичмасак ичмайлик, лекин у сувсиз қолмаслиги керак. Тушундингизми?!

— Яхши,— Отамурод бош кўтариб унга қаради. Домла энди анча хотиржам тортиб, оёқларини узатиб юборди-да, силашга киришди. Султонов чуқур хаёлга толиб кетган, Ортиқ зардаси қайнаб, юзини четга ўгириб олган эди.

Шу пайт бош бармоқдек бир чигиртка қаёқдандир учиб келиб Ортиқнинг кўкрагига қўнди-ю, у чўчиб, чигирткани юлқиб четга итқитди. Чигиртка бархан устига тушиб қумга қорилди, яна ўзини ўнглаб оёққа турди-да, сакраб, қизил қанотларини ёзганча бошқа ёққа учиб кетди.

— Шунақа,— деди домла унга қараб қўйиб, ҳамон оёқларини силаркан.— Олтиннинг аслини маҳак тош, одамнинг аслини қийин кун ажратади. Азалдан шундай бўлиб келган, шундай бўлиб қолаверади.— Кейин оёқ остидан бир сиқим қум олиб, хаёлпаршонлик билан кафтида шопираркан, кутилмаганда узоқдан гап бошлади.— Айтишларича, бундан неча минг йиллар бурун бир денгиз бўйида етти оғайни тинч-хотиржам ота-боболаридан қолган қайиқда балиқ овлаб кун кечиришар экан. Кунлардан бир кун улар денгизга чиқиб, довулда қолишибди. Шамол қайиқларини номаълум томонларга суриб кетибди-ю, қайтиш йўлини йўқотишибди. Тинка-мадорлари қуриб, ҳолдан тойгунча таниш соҳилни ахтаришибди. Лекин нажот йўли очилмабди. Шунда улар бошқалар ҳам биздек қайтар йўлини топа олмай сарсон-саргардон бўлмасин, ҳеч ким бизнинг кунимизга тушмасин, деб одамларнинг умид юлдузига — Етти Оғайни юлдузга айланишган экан. Етти Оғайнига қараб йўл топиш ўшандан кейин расм бўлган дейишади,— у кафтидаги қумни ерга ташлаб, бошини кўтарди.— Бу-ку бир афсона. Лекин ким айтади сиз билан бизнинг қўлимиздан бундай фидойилик келмайди деб? А?— деб сўради у астойдил.— Албатта, Етти Оғайнининг альфа юлдузига айланиши шарт эмас. Лекин нажот йўлини топиш мумкин-ку. Иродамиз етар дейман?

(Давоми бор)



**Хосият Бобомуродова**

## *Юлдузли Кеча*

Қара, юлдузларнинг чарақлашини,  
Бунчалар ажойиб, бунчалар гўзал!  
Осмоннинг кўксига қўйиб бошини,  
Орзулар ҳақида тўқийди ғазал.

Ой бугун умрида биринчи бора  
Бизнинг жуфт шодликни қилар томоша.  
Сукунат бағрини ёриб шаршара  
Бизга интилмоқда тоғлардан оша.

Майсаларнинг яшил қучоқларига  
Сингиб кетмаймизми, иккимиз бирга.  
Таҳсин ўқиб туннинг хуш чоқларига  
Келгин, айланамиз бир ҳовуч нурга.

Шу гўзал борлиқнинг кўзи бўлайлик,  
Шу юлдузли кеча бизники бугун..  
Ўтли туйғуларнинг сўзи бўлайлик,  
Қайта насиб этмас, бизга бундай тун...

## **Чилдирмакаш**

Кўчамдаги барча қизалоқларга  
Чилдирмакаш сотиб кетди молини.  
Чилдирма бозори чаққон экан-ку  
Кўрсайдингиз қизчаларнинг ҳолини...

Шоҳида, Шоира, Дилноз, Робия  
Дойрадоз эканлар, ҳатто Ҳулқар ҳам.  
Сўзлашни билмаган митти Сурайё  
Бешикдан қўлини чўзар дамба-дам.

Мен бир умр интилибман дилларга,  
Туғёнлар тигига ўзимни отиб.  
Мен етиб-етмаган жажжи қалбларни  
Дойрачи бир зумда кетди ўйнатиб...

Олис-олисларда куйлар шамол ҳам,  
Куйига ошиқдир — самода чақин.  
Олисларда мени ўйлар дугонам,  
Оҳ, унинг ўйлари қалбимга яқин...

Оппоқ чаноқларда — даланинг қалби,  
Оппоқ бир толедан жўшиб сўзлайди.  
Ариқ лабидаги майсанинг лаби  
Оҳиста пичирлаб мени излайди...

Тагин ҳам кўпайиб сочларида оқ,  
Менинг дийдоримни соғинар онам.  
Минг рангда товланиб қадрдон қишлоқ,  
Чақноқ кўзларимда пайдо бўлар нам.

Тоқатим тугади, учаман энди,  
Онамни, юртимни қучаман энди...

## Ҳеч ким...

Юлдузлар эслатар сенга кўзимни,  
Кундузлар излатар сенга изимни.  
Юрсанг-да тилингда номимни айтиб,  
Биламан, ҳеч қачон келмасан қайтиб...

Турмушнинг юкига елкасин тутиб,  
Ҳавойи ўйларнинг баҳридан ўтиб,  
Чексиз тугёнларни ичига ютиб,  
Мен каби ҳамдаминг бўлолмас ҳеч ким!

Аччиқ койишингдан жилмайиб ширин,  
Бир эрка туйғуга бахш этиб умрин,  
Сўзлатиб, сўзламай ўзининг сирин  
Мен каби қалбингни билолмас ҳеч ким!

Қалбида исмингни асраб, авайлаб,  
Жонига сендайин одамни жойлаб,  
Фақат ишқни ўйлаб, нафратни ўйлаб,  
Мен каби ўзингни севолмас ҳеч ким!..



Милт этган юлдуз йўқ... Осмон тагида  
Шудрингдан ҳўлланган майсалар —  
жимжит.

Очиқ қолиб кетган эшик тагида  
Бошини қўйганча мизғиётир ит.

Кампирнинг лаблари сўйламас эртак,  
Бурчакда ётибди чолнинг ҳассаси.  
Қўлларин керганча тош қотмиш

эркак,  
Ҳаттоки шамолнинг чиқмайди саси.

Гўзал чеҳрасида хавотир қотиб,  
Бешикнинг ёнида ухлайди жувон.  
Дунё жимлигини бир ёнга отиб,  
Чақалоқ чинқириб йиғлайди шу он.

...Юлдузлар уйғонар, уйғонар ой ҳам,  
 Майсалар бошини кўтарар шошиб.  
 Сувлар тўлқинланиб кетар ўша дам,  
 Ит ҳура бошлайди девордан ошиб.

Эркакнинг ороми, тинчи бузилар,  
 Аллалар тўкилар аёл лабидан.  
 Сукунатнинг чайир ипи узилар,  
 Эртактлар уйғонар кампир қалбида...

Уйқули дунёни уйғота олган  
 Чақалоқ, мен сенга ҳавас қиламан.  
 Қачон мен ҳам сендек, ўз шеърим билан,  
 Уйқули қалбларни уйғотоламан?..

□

Бас, энди!  
 Кун бўйи пойладим етар,  
 Мен битта жонимни бўлай нечага.  
 Дея қип-қизариб қуёш ҳам ботар,  
 Замин тақдирини ташлаб кечага.

Сўнг дили ҳаприқиб тонг саҳарданоқ,  
 Жами хонадонга бир-бир бўйлайди:  
 «Бари иш тўхтабди мен кетганим чоқ,  
 Кўздан йироқ бўлсам шу-да», ўйлайди...

Кун бўйи ловуллаб ишлайди яна,  
 Унинг нигоҳидан қочолмас ҳеч ким.  
 Охири ҳорғинлик қилар тантана,  
 Етар, бас, чарчадим, дея ўйлар жим.

Бари бир заминни ташлаб қўймоққа  
 Ҳеч кўнгли бормаёди, обкетолмас бош.  
 Ҳаётни сен каби ёниб суймоққа  
 Қим журъат этолгай, эй она қуёш?!

□

Кел, хаёл сурамиз иккаламиз ҳам,  
 Осмон юлдузларга тўлаётган дам.  
 Кўм-кўк майсаларнинг устида ётиб,  
 Кўм-кўк орзуларга қоришиб, ботиб...

Кел, хаёл сурамиз иккаламиз ҳам,  
 Қалбларда шеър пайдо бўлаётган дам.  
 Ҳар битта сатрини қон билан ёзиб,  
 Ҳар бир мисрасини жон билан ёзиб...

Кел, хаёл сурамиз иккаламиз ҳам,  
 Оппоқ тонг ҳайқириб келаётган дам.  
 Қуёш нурларига қўшилиб кетиб,  
 Дилдаги армонлар эшилиб кетиб...

Кел, хаёл сурамиз...

Самарқанд.





Тўлқин

## Сенга абагаларини

### Кўнгил

Қадимлардан қолган бу нақл:  
Етти ўлчаб бир кес, демишлар.  
Ҳеч йўл тутма, ишлатмай ақл,  
Ақл билан битгай кўп ишлар...

Йўл юрганда, дўстим, кўрдингми?  
Йўлларида бордир бир манзил.  
Учратдингми, учратмадингми?  
Бу манзилнинг номидир — кўнгил.

Ундан балки кўп бор ўтгансан,  
Босган изинг хотирингга ол?  
Балки билмай ташлаб кетгансан,  
Балки уни этгансан поймол.

Висол ширин. Этар кўп ташна.  
Сен севгига қалб тутдингми, ҳей?  
Ўз-ўзингдан сўраб кўр, ошна,  
Бирор дилни забт этдингми, ҳей?

Севгига ҳам бўларсан эга,  
Лабларингда ўйнаб табассум...  
Кўнгил номли бекатда нега  
Хаёл суриб тўхтадинг бир зум?..

Тоза кўнгил — қуёшга ўхшар,  
Фақат унга меҳр муносиб:  
Қўплар унга етолмай яшар,  
Қўпларга у қилмагай насиб!

### Эзгулик

Яхши ният тилар момо, боболар,  
Энг аввал дейдилар:  
— Ўсиб-улғай, кул!  
Нақадар ёқимли бу муддаолар:

— Аҳдли бўл!  
— Тахтли бўл!  
— Уғлон, бахтли бўл!

Уша тилакларни дилга жо қилиб,  
Йўл юрдим,  
Йўлларга меҳрим уладим.  
Ёрқин уфқларга боқдим мен кулиб,  
Оламга эзгулик тилак тиладим!

Эҳ, ҳаёт мураккаб экан не чоғлиқ!  
Гоҳо сув бўйида сувга бўлдик зор.  
Ёру биродарга тилаймиз соғлиқ,  
Ўзимиз бўлсакчи, унга интизор!

Эҳ, ҳаёт мураккаб экан не чоғлиқ!  
Сонсиз синовларга дуч бўлар одам.  
Омад ҳам, севинч ҳам ўзингга боғлиқ,  
Гоҳ ташвиш кўрдим мен бахтли кўзда ҳам!

Турмуш — чегарасиз ва тубсиз дунё,  
Мен унинг бағрида ўйчан турибман.  
Барчага эзгулик тилайман,

аммо

Ўзим ҳам ўшани излаб юрибман.

## Қувончим ўзингсан...

Сенга атаб, ўғлим, гулгун боғларнинг  
Барча чиройини сақладим омон.  
Сенгадир ғурури улкан тоғларнинг,  
Сенгадир она-ер;

бепоён осмон!

Гуллар ҳам сенгадир,  
сенгадир зиё,

Сенга сонсиз манзил,  
беҳисоб давон.

Бизлар-ку чарчашни билмадик асло,  
Энди келган жойдан сен этгил давом.

Сен учун ўтли ёз,  
гулпарвар кўклам,

Сени деб ҳаётни севдим,  
мақтадим.

Оламни мен қандай тушунган бўлсам,  
Ўшандай ҳолича сенга сақладим.

Сенгадир шўх дарё,  
мавжли денгиз ҳам,

Сенгадир қувончим,  
бахтим,

омадим.

Ҳаётни мен қандай севолган бўлсам,  
Сен ҳам шундай севгин дея сақладим.

Яшашнинг сирини кўп,  
эзгу ишончин —

Баъзан оқлолмадим,

Баъзан оқладим.  
 Ўзим ечолмаган жумбоқларини  
 Ечарсан деб ўйлаб, сенга сақладим.  
 Сен учун яратдим,  
                                     қурдим бетиним,  
 Дўстларим сафидан ортда қолмадим.  
 Барини сақладим,  
                                     ва лекин, ўғлим,  
 Ўзимнинг ёшлигим сақлай олмадим.  
 Дунё ёшлигига бахш этдим уни,  
 Сен каби болалар бўлсин деб омон.  
 Бир нурли истиқбол кутмоқда сени,  
 Энди гал сенгадир,  
 Сенгадир, ўғлон!

### Мени ёлғиз қўйманг...

Майли кундуз бўлсин, майли тун бўлсин,  
 Майлига саратон, иссиқ кун бўлсин,  
 Сизларга талпинган дилим инжитманг,  
 Мени ёлғизлатманг, мени тинчитманг!  
 Дўстлар даврасида яйраб кетаман,  
 Булбулдай мен бийрон сайраб кетаман.  
 Борайлик тик тоққа, нур эмган қирга,  
 Майли, оташ ичра ёнайлик бирга!  
 Бирга бўронларда юрайлик, майли,  
 Не бор, биргаликда кўрайлик, майли!  
 Майли, машаққатли йўллар бўлса ҳам,  
 Сизга бўла олгум ҳақиқий ҳамдам!  
 Фақат ёлғиз қўйиб мени инжитманг,  
 Йўл юриб толиқай, асло тинчитманг!  
 Қаерга десангиз борарман ҳали,  
 Дўстларим кунига ярарман ҳали.  
 Машаққат, ғамларни йиқа олурман,  
 Ҳали чўққиларга чиқа олурман,  
 Дўстлар, сафингиздан ортда қолмай ҳеч  
 Асло ёлғизлатманг,  
 Асло қўйманг тинч!  
 Сизлар бор, қўрқмасман асло ўлимдан,  
 Оламни кўтариш келар қўлимдан.  
 Аммо ёлғизликдан қўрқаман ҳар дам,  
 О, ёлғиз қолмасин дунёда одам!..  
 Дўстлар, ўтга тушсам, ёнмаслигим бор,  
 Сизнинг меҳрингизга қонмаслигим бор.  
 Доим бирга бўлай, асло юрмай тинч,  
 Фақат ёлғиз қўйманг,  
 Ёлғизлатманг ҳеч!..

□

Дилбар бир тонг.  
                                     Енгилки ҳаво,  
 Оқ нурларга чўмилган тоғ-тош.  
 Қайлардандир келар акс-садо,  
 Боғда — бир Қиз,  
 Қўкда — бир Қуёш.



Чаман завқи — мунаввар қўшиқ  
Хўп чизибди табиат —

наққош.

Тиниқ кўздай тиниқки уфқ,  
Боғда — бир Қиз,  
Қўкда — бир Қуёш!

Тонг қўшиғи яйратар дилим,  
Оқ тонгларга интилар ҳар ёш.  
Боғ қучоғи сокин ва сўлим,  
Боғда — бир Қиз,  
Қўкда — бир Қуёш!

Пастга бир дам тикилган офтоб  
Ошиқ бўлди,

паришон учди.

Ногоҳ қучмоқ бўлди-ю,  
шу тоб —

Қиз пойига йиқилиб тушди!





Эмил Амит



### ҚИССА

Бу ёруғ дунёда азалий уйғунлик мавжуд, дейдилар. Бўлса бордир. Аммо, мана шу уйғунликни бузиб турувчи ақл бовар қилмас қонуниятларнинг борлиги ҳам аниқ. Хаёлингизга қўққисдан келган бирон ёмон иш эртами-кечми бошингизга тушади. Хавфсираган нарсангиз билан албатта юзма-юз бўласиз. Қанчалик нурли орзулар уммонида сузманг, бари бир умидлар хира парда ортида қолиб кетаверади — амалга ошмайди. Бекир Асанович табиатда шундай қонуният мавжудлигини кўп йиллар илгари сезган; сезгангина эмас, ўзи синаб кўрган ҳам эди. Яхши ниятларнинг амалга ошиши мушкул эканини бугун телеграмма олганда яна бир бор ҳис этди.

«Тезда қайтинг. Муҳим иш бор. Расулов.»

Мана шу қисқагина чақириқ қоғози унинг йўлига тўғаноқ бўлди. Иш энди юришган чоғда институтга қайтиш барча режаларини чиппакка чиқариб юборарди.

Ярим ой муқаддам институт директоридан рухсат олиб, бу чанқоқ адирлар сари отланганда, чор атрофни қуршаб олган, арчаларга бурканган тоғларда сайр қилишни, кўз ёшидай тиниқ сувли сойда балиқ тутишни, каклик овлашни, тоза ҳавода тўйиб-тўйиб нафас олиб ҳордиқ чиқаришни орзу қилмаган эди. Йўқ, бутунлай бўлакча мақсадда эди. У тажриба учун ажратилган ерларга экилган янги буғдой навининг етилишини шахсан ўзи кузатмоқчи бўлди. Иш ўнгидан келмади. Умуман, телеграмма деганда Бекир Асановичнинг юраги безиллаб турарди. Чунки бундай чақирувлар ҳамма вақт ишни шошилиш, чала тугатишга мажбур этади. Балки, тезкорлик бошқа соҳаларга унчалик салбий таъсир кўрсатмас. Аммо, Бекир Асановичнинг бутун

умри, беҳаловат тунлари сарф бўлган бу ишда тезлик қилиш муваффақиятсизлик чоҳига тортиши аниқ. Унга қолса, барча ишда, айниқса, фанда шошқалоқликка чек қўйган бўларди. Бекир Асанович раҳбарлигидаги илмий ходимлар гуруҳи сувсизликка чидамли буғдой навини яратиш учун олти йил заҳмат чекди. «Бўлса бўлар» қабилда иш тутганлари ёхуд меҳнатлари мевасидан баҳраманд бўлишга ошиқмаганлари учун эмас, балки, ҳар бир тахминларини атрофлича синаб кўриб, тажриба натижасини таҳлил этиб, сўнг янги илинж билан қайта-қайта тажриба ўтказганлари учун ҳам орадан оз эмас — олти йил мезондек учиб кетди. Бироқ йиллар беҳуда, беиз кетмади: умид уруғи ниш урди. Жиззахдаги қақроқ ерларга улар яратган янги буғдой уруғи сепилди. Уларга ер ажратиб берган колхоз раиси танти, айни чоғда, мард экан. «Ўйчи ўйига етгунча, таваккалчи тўйига етади», деганларидек, у ҳам таваккал қилди. Чунки, тажриба муваффақиятли чиқса, хўжалиги катта даромад оларди. Раис ерни олимлар ихтиёрига ажратганда, аввало, шуни мўлжал қилган эди. Азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғларкан. Раис ўз нияти, олимлар ўз умид-ташвишлари билан иш бошладилар. Бекир Асанович биринчи фарзандини кутаётган ота каби безовталаниб, шаҳарга сирмай, бу ерга келган эди.

Бекир Асанович ўша дастлабки хавотирларни эслаб, жилмайиб қўйди. Қаддини тиклаб, саквояжини нари сурди. Бу ерга отланган чоғида, илмий ходимлар ёшлигига бориб бирон нимани эътиборсиз қолдиришмаса эди, деб ташвиш чеккан эди. Хавотири ўринли экан. Икки ҳафта мобайнида тажриба учун ажратилган ерларини қаричма-қарич текшириб чиқди. Дастлаб оғир туюлган этик энди, назарида, дунёдаги энг енгил, энг қулай пойафзал эди. Зеро, бу ерларнинг шароитига шу этик, каноп сурпдан тикилган оқиш костюм, похол шляпадан ўзга кийим чидолмайди.

Кеча оқшом бажарилган ишларни таҳлил қилиб ўтирганда, ишқилиб барвақт чақиришмасинда, деган хаёл миясига чақиндай урилган эди. Яхши гапга ҳам, ёмонига ҳам фаришта омин дер экан. Кун ёйилмасиданоқ қўлига телеграммани тутқизиб туришибди. Шаҳарда нима кераги бор экан унинг? Ахир бутун гуруҳнинг иш жойи ҳам, уйи ҳам шу ерда бўлиши керак-ку! Шошилинич чақиришларига ўласанми, куюсанми? Худди ўт тушгандек, ё дунёни сув босгандек ҳовлиқишади. Бекир Асановични хаёл минг бир кўчага олиб кириб олиб чиқса-да, ўйлаб ўйига етолмади. Ҳар ҳолда, директор бесабаб безовта қилмайди. Боришга мажбур.

Тоқили уй остонасида оқ ятакли, гулдор белбоғ боғлаган чол билан узун енгил кўйлак кийган кампир кўринди. Бекир Асанович икки ҳафтадан бери шу чол-кампирнинг азиз меҳмони бўлиб турган эди. Қария унинг ўйга чўмганини сезди. Енгил йўталиб қўйиб, остона ҳатлади.

— Ўғлим, сизга тўймай қолдик. Афсус, минг афсус... На илож, ишингиз шундай эканда, а? Жумла сафардагилар қатори сизнинг ҳам йўлингиз бехатар бўлсин,— қария шундай деб юзига фотиҳа тортди-да, чўққи соқолини силаб қўйди.

— Бу ер ўз уйингиз бўлиб қолди. Сизга ўз ўғлимиздай кўникиб эдик,— деди кампир унга туғунча узатар экан.— Болаларингизга арзимас бўлса ҳам... Эндиги сафар билангиз билан келинг.

Бекир Асанович кўнгли пок, бағри кенг уй эгаларига раҳмат айтиб, кўчага чиқиши билан кампир бир пиёла сувни унинг изига сепди. Қария уни бедазор ўрнидаги аэродромгача кузатиб қўйди. Кун бўйи экинларга кимёвий дори сепиш билан банд бўлган аэропланлар ёнилғи учун Жиззах аэропортига учишарди. Колхоз раиси Бекир Асановичнинг илтимоси билан эрталабоқ учувчилар билан келишиб

қўйган экан. Сўзамол, ҳазилкаш учувчи йигитлар Бекир Асановичга жой ҳозирлаб беришди.

Ешини яшаб бўлган «кукурузник» аввал титраб турди-да, кейин қуруқ шалдироқ арава сингари нотекис йўлда тебрана-тебрана югуриб кетди. Дам ўтмай, филдираклари ердан узилгач, титроғи босилди. Бекир Асанович ёғоч қути устига ўтириб, қўллари билан темир бочкаларни ушлаб олган эди. Димоғи олтингугурт ҳидига тўлди. Кўнгли беҳузур бўлиб, қўйлагининг тугмаларини бўшатди. Соатига қаради: Тошкентга учадиган самолётга улгуриши мумкин.

Орадан икки соат ўтмай, Бекир Асанович директор хонасининг қора чарм қопланган эшиги қаршисида турарди.

Маҳмуд Расулович уни кўриши ҳамон, кўзойнагини стол устига қўйиб, пешвоз чиқди.

— О, азизим, кўзим йўлингизга, тўрт бўлиб турган эди, қадамингизга ҳасанот,— деди у қўшқўллаб кўришар экан.— Бирон сабаб билан ушланиб қолмасангиз эди, деган хавотирда эдим.

Расулов унга креслодан жой кўрсатгач, ўз ўрнига ўтирди. Кўзойнагини тақиб, Бекир Асановичга тикилди. Директорнинг мошгуруч бўлиб қолган сочлари қорамағиз чеҳрасига монанд эди. Қоп-қора кўзлари осойишта, зийрак боқарди.

— Ҳориб қолмадингизми, ишқилиб?

— Нима десам экан...

— Ҳечқиси йўқ, дам олиш вақти ҳам яқинлашгандир. Ҳа, дарвоқе, ҳордиққа қачон чиқмоқчисиз?

Бекир Асанович шошилишча қақирқиннинг боисини тезроқ билгиси келар, Маҳмуд Расулович бўлса, ота-боболарнинг азалий анъанасига шак келтирмай, эринмасдан ҳол-аҳвол сўрарди.

— Агар йўқ демасангиз, кузни мўлжаллаб турибман. Болтиқ бўйида дам олиш ниятим бор.

— Ойлангиз биланми?

— Ҳа, келинингиз билан кичик қизимни олиб кетаман. Кичигим киши билан оғриб чиқди. Ҳаво алмаштирмаса бўлмайди. Каттамни чол-кампириларикида қолдираман. Қариялар бир кун худ, эртаси беҳуд, дастёрга муҳтож бўлиб қолганлар.

— Айни муддао. Савоб ишни ўйлабсиз. Кексаларнинг кўнглини олиш керак...

Директорнинг хонаси хийла кенг, боққа қараган иккита катта дераза, ёз чоғи ҳамиша ланг очиқ турарди. Хонада ошиқча безак, керакисиз буюм йўқ. Чапда тепасига кўк мато ёпилган темир сандиқ. деворнинг ўнг томони китоб жавонига ажратилган. Лениннинг бюсти ҳам шу жавонда. Деразалар оралиғига Чарльз Дарвин, Карл Линней, Василий Вильямс суратлари осилган. Хона кўринишининг ўзиёқ соҳибнинг феъли, меҳнатсеварлиги, батартиб эканидан далолат берарди.

Расулов яна кўзойнагини олиб, мижжаларини силаб қўйди.

— Беговта қилганим учун хафа бўлманг. Ишингизга халал бериш ниятим йўқ эди.

— Сира хафа бўлмадим, Маҳмуд ака, фақат хавотир деганларидек.

— Тошкентга ГФРдан меҳмонлар келишибди. Эртага институти-миз билан танишишмоқчи. Айтишларича, улар ичида селекционерлар ҳам бор эмиш. Ўзингиз биласиз, ўтган йилги қурғоқчилик Фарбий Европани эсанкиратиб қўйди. Шунинг учун илмий гуруҳингиз олиб бораётган иш билан қизиқиб қолишган. Меҳмонлар билан ўзингиз суҳбат қурганингиз маъқул, деган қарорга келдик.

— Кечирасиз, сўзингизга тушунолмадим. Меҳмонлар ГФРданми, ГДРданми?

— Ғарбий Германиядан. Сиз олиб бораётган иш тафсилотини газетадан ўқиб билишибди.

Бекир Асанович беихтиёр равишда асабийлик билан столни черта бошлади. Пешонаси тиришди. Бу гапнинг ёқмаганини яширишга уринмади ҳам.

— Очигини айтганда... уларни кўрай деб... кўзим учиб турмаганди,— деди у ўйчан оҳангда.

— Биладан, дўстим. Бундай дейишингизнинг сабаби бор. Аммо, бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирмайдилар.

— Уларнинг саволларига илмий китоб ҳам тўла жавоб бера оларди. Мени бекор чақиртирибсиз, Маҳмуд ака. Муҳим ишларимни чала ташлаб келдим.

— Меҳмонларни ранжитиш одобдан эмас, Бекир Асанович, меҳмон — отангдан улуғ, деганлар-а?— директор шундай деб суҳбатни маромига юргизишга ҳаракат қилди.

Келишга келиб, энди оёқ тирашнинг маънисини йўқлигини тушунган Бекир Асанович директорни хотиржам қилиб, уйига жўнади.

Институтга эрта тонг билан, ҳатто фаррошлардан ҳам илгарироқ келди. Телефон қўнғироқлари, ғала-ғовур бошланмасдан туриб сафар ҳисоботини ёзишга қарор қилди. Агар бу ишни ҳозир қилмаса, кейин вақт топилмайди. Кун югур-югур билан ўтади. Директор эса бу масалада ҳеч қандай важ-қарсонни қабул қилмайди. Ҳар бир илмий ходим сафар тафсилотини вақтида, тартибли равишда топшириши шарт!

Эшик оҳиста очилиб, бир қўлида челақ, бир қўлида супурги тутган Ҳафиза хола кўринди. У ҳар куни шу вақтда, ходимлар келмай туриб хоналарни ёғ тушса ялагудай қилиб қўярди. Столга кўкрагини тираб, астойдил ишлаб ўтирган Бекир Асановични кўриб, у аввал иккиланиб турди, кейин паст овозда салом берди.

— Салом, Ҳафиза хола, салом,— деди Бекир Асанович қоғозлардан бош кўтармай.— Бу ер тозага ўхшайди. Тажрибахонага қарай қолинг, бугун меҳмонлар келадиган.

Ҳафиза хола маъқул деб бош ирғади-да, эшикни оҳиста ёпди.

Бекир Асановичнинг ҳисоботи илмий рисолага айланиб кетаёзди. Ун саҳифани қоралади ҳамки, ҳисобнинг чети кўринмайди. Ҳали кузатишларнинг, қўшимча таҳлилнинг натижасини, бу ердаги тажриба билан очик майдондагисининг фарқини асослаши керак...

Кўп ўтмай деразанинг сариқ пардаларига олачалпак соялар тушиб хона димиқди. Қуёш нурлари чинор шохларидан ўтиб, хонани қиздира бошлаган эди. Бекир Асанович ўрнидан туриб пардани, сўнг деразани очиб юборди. Ичкарига тоза, ёқимли ҳаво уфурди. У чуқур нафас олди-да, қўлидаги сигаретани эзди. Чинор шохларига қўниб турган чумчуқлар тинимсиз чириллашади. Дераза токчасига дон, ушоқ сепишга мўлжаллаб қўйилган ясси қути четида иккита мусича ғув-ғувлаб ўтирибди. Одам қораси кўриниши билан улар учишга ҳезланишди-ю, кейин Бекир Асановични танибми, жойларида қолишди. Фақат бошларини дам ўнгга, дам чапга қайирганларича кўзчаларини унга хавотир билан тикиб туришаверди. Қути ичи анчайин ифлосланган, унда егулик нарса ҳам қолмаган эди.

— Менсиз хароб бўлиб қолибсизлар-ку,— деди Бекир Асанович мусичаларга қараб. Кейин сигарета тутатганича дон турувчи жавонга яқинлашди. У дераза оша энгашиб дон сепаман деганда мусичалардан биттаси қўлига келиб қўнди. Дам ўтмай токча читтагу чумчуқлар бозорига айланди-қўйди. Довюракроқ қушчалар унинг елкаларига, бошига қўниб чирилларди.

Орқадан қадам товуши келиб, Бекир Асанович ўгирилди. Ярим

йил илгари турмушга чиққан тажрибахонанинг энг гўзал ходимаси Зайнаб қушлар қуршовидаги мудирига кулиб қараб турарди.

— Салом, Бекир Асанович, безовта қилмай девдим, мана бу ҳужжатларни директорга ҳозир олиб киришим керак экан. Имзо чекиб беришингиз керак.

Бекир Асанович унинг саломига алик олди-да, дон идишни қайта жавонга қўя туриб, ундан ҳол-аҳвол сўради.

— Раҳмат,— деди Зайнаб унга жавобан.— Буғдойимиз қалай бўляпти?

— Буғдойимиз чакки эмас. Қадимда жўжани кузда санаган эканлар. Биз ҳам ўримни кутамиз энди.

— Биз худди самога отланаётган фазогирларга ўхшаб қолдик.

— Ухшашимиз тўғри, лекин, фарқ катта. Фазогирлар бир неча соат, боринги, бир неча кун ҳаяжонда бўлишади. Бизни эса ҳаяжон то ўримга қадар ҳиқилдоғимиздан бўғиб туради.— Бекир Асанович шундай деб жойига ўтирди-да, Зайнаб келтирган қоғозга кўз югуртирди.

— Офтобда тозаям қорайибсиз,— деди Зайнаб.— Кейин бирдан кўзлари чақнаб кетди.— Вой, сочингизга оқ тушибди, келинг, юлиб ташлай.

— Қўяверинг,— деди Бекир Асанович бош чайқаб,— оқарадиган вақти келди.

— Қўйинг-е, Бекир Асанович, айна куч-ғайратга тўлган ёшдасиз-ку ҳозир.

Бекир Асанович кулимсиради.

— Ундай бўлса бу оқ толани қарилик эмас, донишмандлик белгиси деб қабул қиламиз.

Зайнаб мудирнинг мулойим гапидан эриб, нозли жилмайди. У ҳам ҳуснда, ҳам одобда ҳавас қилгудек эди. Нозик қоматига ёпишиб турган оқ халат ўзига ярашган, чарос кўзи, пишган гилос каби лаблари ҳар қандай эркакни ўзига ром қиларди. Барча эркаклар қатори Бекир Асанович ходимасининг латофатини қадрлар, бун билган Зайнаб эса ҳамма аёллар сингари завқланар эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Аммо, Бекир Асанович жувондаги бу ўзгаришни сезмади. Қоғозларга имзо чекиб қайтариб бераркан, «мен йўғимда қушларим оч қолибди-ку», деб ўпкалади.

— Вой, Ҳафиза холага тайинлаш хаёлимдан кўтарилибди. Ўзим... онамнинг тоблари қочиб ишга чиқолмаган эдим.

— Ундай бўлса майли, сиздан хафа бўлмайман. Маҳмуд акага айтиб қўйинг, ҳисоботни куннинг иккинчи ярмида топшираман.

Зайнаб «хўп бўлади», деди-да, баланд пошна туфлиси билан полни дўқиллатганча изига қайтди.

— Ҳа, айтмоқчи,— деди Бекир Асанович жувон остона ҳатлаётган чоғда,— малол келмаса, графинда сув олиб кирсангиз,

Жувон «маъқул» ишорасини билдириб бош ирғади-да, эшикни ёпди.

Бекир Асанович хонанинг ўртасида қўлларини белига қўйганича олимларнинг деворда осиглик суратларига тикилиб қолди. Тулайков, Мичурин, Тимирязев... Бу табаррук алломалар унинг инонган маслаҳатгўйлари. Бирон бир муаммони ҳал этишда фикри ожизлик қилса, хаёлан шулардан нажот излайди. Хаёлан уларнинг асарларини варақлайди, доно сўзларини қайта эшитгандай бўлади. Агар бунинг ҳам уддасидан чиқолмаса, китоб жавонидан асарларини олиб ўқийди.

Суратлардан пастроқда илмий-тадқиқот институти томонидан яратилган буғдой навларининг бошоқлари алоҳида тушунтириш хатлари билан кўргазма шаклида териб қўйилган.

Бу сафар Бекир Асановичнинг хаёлини қўлида графин кўтарган Зайнаб бузди.

— Қелишиди,— у ичкарига кирмай туриб.— Маҳмуд аканинг хоналарида ўтиришибди. Ҳозир тажрибахонага чиқишар экан.

— Ундай бўлса, қушларга ўзингиз сув қуйиб қўясиз. Мен меҳмонларни кутиб олай.

Бекир Асанович, одати бўйича, стол устидаги қоғозларни тартибга келтириб, снёҳдонни тортмага солди. Китобларни жавонга қўйди-да, шошилиб чиқиб кетди. Эшик ёпилиши билан Зайнаб аввал гулларга, сўнг чети учган ликопчаларга сув қуйиб, дераза токчасига қўйди.

Бекир Асанович қушларнинг чинакам ишқибози эди. У баъзилар сингари қушларни қафасда сақлашни ёқтирмайди. «Қафасдаги қушлар кишига завқ бермайди, балки, одамнинг раҳмини келтиради», деган эди бир куни у Зайнабга. Институтдаги баъзи бировлар Бекир Асановичнинг бу қилиғини дарвишликка йўйишади. Қолбуки, қушларнинг эркин парвозида ажиб сеҳр борлиғини ҳамма ҳам билавермайди. Айниқса, Бекир Асанович юзма-юз бўлган даҳшатли воқеа тор доирадаги ҳамкасбларигагина маълум. Ким билади, қушларга бўлган муҳаббат унда, балки, ўша воқеадан сўнг уйғонгандир?

Мушкул аҳволдаги одам ҳаётини дельфин, от ёки ит қутқаради, деб исботлашга уринмаса ҳам бўлади. Аммо, «қуш фалон одамнинг ҳаётини асраб қолди», десангиз ҳеч ким ишонмайди. Далилларингизни лофга йўйишади. Кунларнинг бирида гапдан гап чиқиб, Бекир Асанович шу ҳақда ҳикоя қилганда, Зайнаб ҳам ишонмай, ҳатто кулиб юбориб озгина хижолат чеккан ҳам эди. Шунда Бекир Асанович уни диванга ўтқазиб қўйиб, ўн етти йил муқаддам бошига тушган савдоларнинг бир қисмини сўзлаб берганди. Шундан кейингина Зайнаб бехосдан кулиб юборганига изза бўлганди.

Зайнаб тувакдан сизиб чиққан сувга сочиқ босиб тозалади-да, диванга ўтириб ўша воқеани эслади. Бекир Асанович ўзи ҳақида гапиришни ёқтирмасди. Уша куни ҳаяжони, хотиралари тўфони бағрига сиғмай айтиб қўйган, бу ҳикояни жон қулоғи билан тинглаётган Зайнаб ўлим лагерида ўзи азоб чеккандай ўлим билан олишгандай, кўзлари киртайган маҳбуслар билан ўзи суҳбат қургандай бўлаверганди. Ҳозир ҳам ўша тонг тинчини бузган қичқиритқ қулоғи остида жаранглаб, титраб кетди...

— Турларинг! Ҳамма ҳовлига чиқсин! Сафлан!

Тиканли симлар билан ўргимчак инидай қилиб тўсилган, энсиз деразаларидан қуёш нури аранг ўтадиган барак тинчини йўқотди. Йўл-йўл кийимдаги маҳбуслар ташқарига ошиқишар, бир-бирларига ҳалақит бериб сўқинишарди.

— Сафла-а-ан!

Асирлар Вампир деб атаган капонинг хирилдоқ овози яна баракка учиб кирди. Вампирни каполикка сайлаган фашистлар хато қилишмаган эди. У хўжаларига итдан зиёда вафодор эди. Бутун лагерда ўзини хўжайин деб билиб асирларни қон қақшатарди.

Куни билан тоштарошликда ишлаб эзилган, оёқ-қўллари зирқираб ётган Бекир аранг ўрғидан турди. Ҳарчанд уринмасин, кўзидаги уйқуни ҳайдай олмади. Кўзларини пирпиратганича, йиқилиб майиб бўлишдан қўрқиб, аста пастга тушди. Майиб одамнинг бу ердаги бирдан бир давоси — ўқ. Бекир буни яхши билади. Шунинг учун ҳар қадамини ҳадик билан босади. У бир-бирини туртиб-суртиб эшикка йўналганлар оқимига қўшилди.

...Бир йили ҳосил йиғиштириб олингач, Октябрь байрами кунда чавандозларнинг баҳси бўлган эди. Ҳар бир қишлоқ ўзининг энг чопқир отларини энг моҳир чавандозларга ишониб топширган эди. Қушлар

галаси сингари сузиб юрган чавандозлар ортидан қуюқ чанг тўзони булут сингари бир оз эргашади-да, оҳиста ерга қўнади. Ишқибозларнинг қийқириғи туёқлар дупурини ҳам, отларнинг кишнашини ҳам, отлиқларнинг «июв-июв» ини ҳам босиб юборган эди. Пойга айна қизиб, маррага яқинлашган чоғда ҳамманинг ҳавасини келтириб олдида чопаетган от бир оёғи юмронқозик инига тушиб қолиб йиқилди. Одамлар нафас ютиб жим қолдилар. От кишнаб, ўрнидан туришга уринди. Тура олмагач, бошини ерга ура бошлади. Бекир бошқалар қатори ўша томонга югуриб борди-да, от туёғининг синиб, терини тешиб чиққан суюғига кўзи тушди. Бир маҳал одамлар орасидан милтиқли киши чиқди-да, милтиқ оғзини отнинг қулоғига тираб, тепкини босди. Бекир кўзини чирт юмиб олди. Йўқ, у қўрқанидан эмас, балки, қўйилиб келган кўз ёшини биров кўриб қолмасин, деб кўзларини юмиб олган эди. Ҳалқумига тикилиб келган йиғини тўхтатишга қурби етмаслигини билиб орқасига бурилди-ю, қишлоғи томонга югуриб кетди. Шу-шу отчопарга келмайдиган бўлди.

Энди эса... Ўша кезлари ҳаётда бундан баттарроқ ваҳшийликлар борлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Лагердаги қабиҳликларни кўравериб, унинг дийдаси қотиб кетди.

Бекир баракдан ҳаммадан кейин чиқди. Бунинг учун Вампир ингичка симлардан тўқилган қамчи билан елкасига туширди.

— Сафлан, итдан тарқаганлар! Лагердан қочишнинг қанақалигини кўрасанлар ҳали!

Осмонга қора булут тошгани учун бу тонг одатдагидан қоронғироқ эди. Худди дока орасидан сизиб чиқаётгандек майдалаб ёмғир ёғарди.

Бир кимса лагердан қочса, тамом бошқаларнинг шўри қуриydi. Бу сафар ҳам уларни ақл бовар қилмас қийноқлар кутарди. Асирларни аппельплацга — пулемёт нишонига айланган майдончага тўплашди. Атрофда қурбақани эслатувчи ола-була ёмғирпўш кийган, оёғини икки ёнига керганча тошдай қотган автоматчилар ҳамлага шай туришарди.

Захлаб кетган бостирмалар ортидан ҳам немисча буйруқлар, сўкишлар эшитилиб турарди. Афтидан, фашистлар ҳар бир баракдаги асирларни алоҳида-алоҳида сафга тизишарди. Уйқуга тўймаган беҳол асирлар ёмғирда бўкиб, тумшайиб туришар, бир-бирларига «ким қочди экан?» деган савол назари билан қараб қўйишарди. Бекирнинг хаёлига ҳам шу савол михланган эди. У бошини бир оз олдинга чўзиб, аввал чапга, сўнг ўннга қараб, Алексейни излади. Икки-уч одам нарида чап юзи тиртиқ, кекирдаги чиқиб турган кишини кўргач, кўнгли жойига тушди. Озиб кетгани учун беҳад узун кўринувчи Алексейни кўпчилик исмини атамай, «танкист» деб чақирарди. Аслида ҳам танк командири бўлган Алексейни немислар Смоленск остонасида чалажон ҳолда асир олган эдилар. Шундан бери икки марта қочди. Аммо узоққа кета олмади. Яна сим тикан ортига ташланди. Охирги марта қочганда ўрмонда қуршов ичида қолди. Тириклайин қўлга тушмаслик мақсадида бўри каби олишди. Муштини ҳам, тиш-тирноғини ҳам ишга солди. Асирликдан қочаётган одамнинг кучи нимага ҳам етарди. Фашистлар пачакилашиб ўтиришмади. Улардан бири унинг юзига тиг тортиб юборди. Чап юзи тилинган, боши ёрилиб қонга беланган ҳусисиз қочоқни яна баракка келтириб ташлашган эди. Шундан сўнггина Алексей яккама-якка олишишнинг бефойдалигини тушуниб етди. «Кўплашиб қочиш керак, одам қанча кўп бўлса, шунча яхши», деган қарорга келди. Агар эпини қилиб қочишса, қурол топишлари ҳам мумкин бўлар, дам беркиниб, дам ёриб ўтиб, шарққа томон боришга имкон туғиларди. Айтишларича, Ғарбий Польша ўрмонлари партизанлар билан тўла эмиш. Лагерда поляклардан ҳам, француз, чех, австралиялик-



лардан ҳам бор. Тиллашиш оғир. Қай бири дўст, қай бири ганим — ажратиш мушкул. Устига устак, фашистлар асирлар кийимидаги ифвогарларни ишга солиб туришади. Шунинг учун Алексей таваккал қилмай, ўзи синашта бўлган одамларни атрофига тўплай бошлаган эди. Бекирга, ёшроқ ва эпчилроқ бўлгани учун, алоқачи вазифаси топширилган эди. Қоқсуяк бўлиб қолган йигитча прожекторларнинг нурларидан беркиниб, дам эмаклаб, дам писиб ётиб бўлса-да, бўлак бараклардаги одамларга буйруқларни ўз вақтида етказиб турар эди. Наҳотки, зўр машаққатлар билан амалга ошаётган ишнинг пачаваси чиқса?!

Асирлар девордаги тиканли сим тўсиқ узилиб қочишга мослаб қўйилганидан фашистларнинг огоҳ бўлиб қолганларини бир-бирларига етказдилар. Демак, ҳозир ҳаммани бир-бир синаб чиқадилар.

«Харомилар, билиб қолишибди-да», деди ўзича Бекир тишларини гижирлатиб.

Кеча ётар маҳалида Алексей Бекирни тирсаги билан туртганча панага имлаб чақириб: «Хаммаси тайёр, эртага кечқурун шу ерда тўпланамиз», деб шивирлаган эди. Бу онда Бекирнинг вужудида сўнаётган умид учқуни яна ёнган, ҳаяжонданми, жавоб сўзига ҳам тили айланмай, «маъқул» ишорасини қилиб бош силкиб қўя қолган эди. Табиийки, Алексей унинг бу ишорасини қоронғида пайқамоганди. Шундай бўлса ҳам, қатъийлик, ишонч рамзи сифатида унинг қўлини маҳкам қисиб қўйган эди.

— Ота-онанг ҳаётми?— деб сўрагани у бир оздан сўнг Бекирга қотган нон узата туриб.

— Қримда қолишган эди.

— Қримда фашистлар изи қуриди... Ота-онанг жуда эзилгандир?

— Бир кунда қишлоғимиздаги тўрт уйга ўт қўйиб, эгаларини отиб ташлашди. Партизанлар билан алоқаси бор, деб гумон қилишган экан.

— Сен бу ерга қандай келиб қолдинг?

— Қуршовга тушдим. Қишлоғимиздаги ҳамма йигитларни қўлга олишди. Бошқаларнинг қаердалигини билмайман.

Алексей хўрсинди.

— Қизчам икки кунлик бўлганда урушга кетдим. Хотинимга қизимизни Наденька, Надежда деб ата, умидимиз рамзи бўлсин, деб тайинлаганман. Яқинда қизим тўртга тўлади. Деярли ҳар куни тушимда кўраман. Тўртга тўлаёзган бўлса ҳам кўзимга чақалоқлиги кўринади.

— Смирр-на-а-а!

Майдонни тутган буйруқ Бекирнинг хаёлини тўзитиб юборди. Вампир ўзига ўхшаган уч назоратчи билан кўлмакларни сачратганча югуриб бориб саф бошига турди. Майдонда елкасига ёмғирпўш ташлаб олган, ғарчли этиги ялтираб турган лагер комендантини кўринди. У қўлларини орқасига қилганча, асирлар кўзига тик қараб бир маромда сафнинг бошидан охиригача юриб чиқди. Уринбосари ва икки автоматчи у билан изма-из борди. Комендантнинг кўриниши ҳаддан ташқари совуқ, юзи оқаринқираган, лабларини қимтиб олган эди. Сарғиш, калта киприклар ҳимоясидаги ботиқ, шилпиқ кўзлари ҳам ғоят совуқ боқарди. Ҳар бир асир комендантнинг итфеъллигини билар, шунинг учун нигоҳлар тўқнашувидан безиб «менинг ёнимдан тинчгина ўтиб кетсин», деб худога илтижо қиларди. Ҳамма енгил нафас олиб, шукур қилиб турганда, комендант изига қайтди. Саф ўртасига келгач, тўхтади. Асирлар томонга ўгирилиб, оёғини керганча туриб олди. Томоғини қириб «Диққат!» дегандай қўлини кўтарди-да, сўзлашга чоғланди. Шу онда бўғотдан бир қуш (каптарми ёки зогчами, ҳеч ким билолмай қолди!) кўтарилди-ю, асирлар сафи устидан учиб ўтиб, комендантнинг

тепасига келганда ёзилса бўладими?! Қуш ташлаб ўтган кўкимтир «неъмат» унинг шундай бўртиб чиққан ёноғига беўхшов ҳол сингари қўнди. Комендант тезлик билан тўппончасини яланғочлаб кетма-кет икки марта қушга қараб ўқ узди. Қуш худди уни майна қилгандек майдондан бамайлихотир учиб ўтди-да, кўздан йўқолди.

Комендантнинг рўпарасида турган Алексей ҳоҳолаб кулиб юборди. Комендант ғазабга тўлган кўзини унга қадади. Агар Алексей кўзини олиб қочганда олам гулистон эди. Йўқ, ўжарлиги тутиб, кўзини фашистга тикканча кулаверди.

— Итвачча! — деди комендант ёноғини рўмолча билан артаркан. Унинг рус тилидаги сўз бойлигида энг ноёб, айни чоқда ягона ибора шу эди. Одатда бу сўздан кейин унинг қатъий ҳаракати бошланарди. Бу сафар ҳам одатини канда қилмади. Рўмолчани ерга ташлаб Алексейнинг жағига мушт туширди. Алексей қалқиб кетди-ю, йиқилмади. Бир зум қонаган лабини сўриб турди-да, сўнг комендантнинг юзига тупурди. Синган тишлари ҳам тупук аралаш отилиб чиқди. Комендант юзини артиш учун рўмолча қидирди. Кейин рўмолчани ерга ташлаганини эслаб қўлига тўппонча олди. Тепкини босди. Алексей қорнини чангайлади. Ҳаво етишмаётгандай бўйинни чўзиб оғзини очди, панжалари орасидан қон сизиб чиқди. Комендантдан кўзини ўзмаганча тиз чўкди, чекаётган азобини ошкор қилиб қўймаслик учун лабини тишлади. Қўзларидан нур қочиб юз тубан йиқилди.

Алексейнинг ёнида сочлари оқарган паст бўйли қария турган эди. У беихтиёр сафдошига кўмак бериш учун энгашди. Чол ҳатто бошининг ўққа нишон бўлганини ҳам сезмай қолди. Алексейнинг ёнига йиқилиб қўллари билан ниманидир пайпаслаб қидиргандай бўлди-ю, тинчиди.

Лабларигача титраган комендант энди шилпиқ кўзини Бекирнинг ёнидаги кекса чехга қадади. Чех ўзини бамайлихотир кўрсатиш учун гўё фашистнинг рўпарасида турганини сезмагандай осмонга қаради. Аммо, ҳаяжонини нафас олишлари ошкор қилиб қўйди. Комендант тўппончасини чехнинг даҳанига тираб заҳархандалик билан тиржайди. Асирнинг ўлим олдидаги ички талвасаси — ғоят зўр иродага қарамай, юзага чиққан талваса фашистга роҳат бағишларди.

«Тўппончасини тортиб олсанг-чи, кучинг етади-ку! Ўзини отиб ташла! — дерди Бекир фикран чехга кўз қири билан боқаркан. — Нимани кутяпсан? Наҳотки, одам ўлимига итоткорона бош эгиб берса! Агар бу махлуқ менга яқинлашса, ўзим биламан. Бари бир бир бошга — бир ўлим!..»

Ўқ отилди. Чех кўлмакка юз тубан бўлди. Бекирнинг кийимларига сув сачради. Бекир ерга қараб турган эди. Шунинг учун аввал комендантнинг ялтиллаб турган этигини кўрди. Фашист гавдаси билан сим тиканни ҳам, унинг ортидаги дарахтларни, кўкатга бурканган ерларни, ҳатто булутли осмонни ҳам тўсди. Дарахтнинг шохлари орасида ивирсиб юрган шамолнинг овозини, чумчуқларнинг бетиним чуғурини ёмғирпўшининг ғижирлаши босди. Тўппонча пешонасига тиралди. Бирдан вужудига қўрғошин қуйилгандай бўлди. Аъзолари ҳаракатдан қолди. Худди кўрқинчли туш кўраётгандай—қочаман дейсану қочолмайсан, бақирай деб оғиз очасану бақиролмайсан. Ҳозир тепкини босади. Кейин ҳамма ёқ қоронғилашади. Ким билади, балки, қоронғилашмас. «Нимани кутяпсан, ҳароми! Қонимдан кеч, ҳаёт инъом қил, деб тиз чўкайми! Йў-ўқ, газанда, бўйин эгмайман. Ҳаётни фақат ота-она инъом этиши мумкин. Қотил эса фақат юлиб олади...»

Нимадир шиқиллади. Бекир қалқиб кетди. Тўппонча отилмади. Бекир комендантнинг юзига қаради. Аммо, бирор маъно уқиб ололмади. Фашист кетма-кет тепкини босди. Ўқ тугаганини билгач, ўйлаб ўтирмай тўппонча дастаси билан унинг бошига бор кучи билан урди.

□

Бекир баракда ўзига келди. Кийимлари қуриб қолибди. Демак, бу ерда анчагина ётибди. Боши боғлиқ. Қон қотиб қолган. У юз-кўзларини силаган бўлиб тонгги воқеани эслади-да: «Агар қушга қараб отмаганда, умрим битган экан», деб қўйди.

Ушандан бери Бекир Асанович бош оғриқ хасталигига йўлиқиб қолган. Зайнаб мудирининг оғриғи қўзғаганини кўзларига қараб билади. Дарров дори беради. Бош оғриғи тўхтагандан кейин ҳам Бекир Асанович бир нуқтага узоқ тикилиб ўтиради. Кайфияти бузилади...

Телефон кетма-кет жиринглаб, Зайнабнинг хаёлларини тўзтиб юборди. У шошилиб трубкани кўтарди.

\* \* \*

Бекир Асанович икки томони қатор қўштабақали ойнаванд эшикдан иборат узун даҳлиздан юриб ўнгга бурилгач, тўғридаги хонага жойлашган тажрибахонага кирди. Кенг хона қуёш нурига тўлган эди. Бу ерда Бекир Асанович бошлиқ илмий гуруҳ тажриба олиб боради. Кўп тажрибалар қуёш нурига муҳтож бўлгани сабабли, бутун деворни энлаган дераза пардалари деярли туширилмас эди. Фақатгина аёзлик қиш кечаларида хона совиб қолмасин деб пардани ёпиб қўйишарди.

Хона ўртасидаги узун столда тажрибахонани эмас, тиббий муассасани эслатиб турувчи шиша анжомлар терилган, ёш лаборант қизлар заррабинларга қадалганларича ишга берилганлар. Бекир Асанович қизларнинг бу қадар диққат билан ишлашларидан мамнун бўлди. Овоз бериб саломлашди. Хонанинг тартибига тезгина кўз югуртирди. Кўнгли жойига тушгач, директор хонасига боради, деб энди даҳлиз томон юриб ҳам эди-ки, эшик очилиб, Маҳмуд ака кўринди.

— Марҳамат, киринглар,— деди у изидан келаётганларга илтифот кўрсатиб. Хонага аввал тилла ҳалли пенсне таққан баланд бўйли озгин киши кирди. Сочлари оппоқ бўлса ҳам, тетик қарашиданми ёки қошларининг қоп-қоралигиданми, ёш кўринувчи бу киши остона ҳатлаши билан четга чиқиб, изма-из келаётган, иссиқдан пишиб, тинмай сават шляпаси билан елпинаётган паст бўйли семиз одамга йўл бўшатилади. Учинчи бўлиб кирган меҳмонни Бекир Асанович ёш йигит деб ўйлади. Кейин унинг пешонасига, қовоқлари остига тушган ажинни кўриб, ёш эмаслигини англади. Балки, у мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланар? Ҳозир кўпчилик шу йўл билан ёшлик ғайратини, кўринишини сақлаётти. Елкасидаги қора сумкада ё кинокамера, ёки магнитофон бўлса керак.

Директор меҳмонларни бир-бир таништирди. Маълум бўлишича, пенсне таққан киши Кёлин дорулфунунда биология кафедрасини бошқарар экан. Семиз жаноб эса ғаллакор ерларнинг эгаси, қора сумкали меҳмон ғарбий Германиядаги эътиборли газеталардан бирининг мухбири экан. Бекир Асанович дастлаб газетанинг номини яхши англаб ололмади. Айни чоқда, қайта сўрашга ҳожат сезмади.

Маҳмуд ака таништиради экан, улар зўр мамнуният билан қўл беришар, жилмайиб бош силкишар эди. Узун жаноб жилмайган пайтда, Рузвельтнинг кулимсирашини эслатарди.

— Жаноб Расулов марҳаматини дариг тутмай, бизга кўп нарсаларни ҳикоя қилиб берди. Биз институтнинг юқори ҳосилли пахта, ғалла нави етиштириш учун уринаётганини билиб олдик,— деди у Бекир Асановичга қўл узатар экан. У рус тилида, (галафузни ҳисобга олмаганда) бехато гапирарди.— Шунингдек, жаноб директор сизнинг гуруҳингиз олиб бораётган ишлар ҳақида ҳам қисқа ахборот бердилар.

Бекир Асанович меҳмонларни турли ғалла турлари териб қўйилган ойнаванд кўргазмалар томон бошлади.

— Сиз русчани яхши гапирар экансиз, — деди у немис тилида ёнида бораётган пенснели жанобга.

— Мен бир вақтлар Москва университетида ўқиганман, — деб жавоб қайтарди жаноб. У рус тилида сўзлаша олишига бериладиган бундай баҳоларни бажонидил қабул қилишини сўз оҳангида ошкор қилди. — Сизнинг талаффузингизни ҳам немислардан фарқлаш қийин. Ўткир муаллимнинг қўлига тушиш шарафига муяссар бўлган экансиз.

Бекир Асанович жилмайиб қўйди:

— Ҳа... Агар концлагердаги соқчилар ҳам муаллимлар тоифасига кирса, бу бахтдан бенасиб қолмаганман.

Узун жанобнинг юзидаги кулгу бирдан йўқолди. Нигоҳини четга олиб қочди.

— Афсуски, ватандошларим ўша йиллар учун ҳануз ерга қарайдилар...

Бекир Асанович унинг сўзларини эшитса ҳам, ўзини эшитмаганга солиб, овозини хиёл кўтариб, суҳбатни асосий мавзуга бурди:

— Бизга оддий буғдой эмас, балки, нон учун алоҳида, макарон учун бошқа, қандолат учун бошқа-бошқа махсус навлар керак. Бу навларнинг ҳар бири ўзига хос талаб асосида етиштирилади.

Бекир Асанович меҳмонларни кўргазма бўйлаб олиб юриб батафсил ахборот берар, мухбир микрофонини қўймас, икки жаноб эса шонилмай уни саволга-тутар эди.

Лаборант қизлар аввалига меҳмонларга ўгринча қараб, дам-бадам ўзаро пичирлаб қўйишди. Кейин уларга эътибор бермай ишлари билан машғул бўлдилар.

— Айтишларича, ғалла экиладиган ерларнинг хусусиятлари эътиборга олингани учун яхши натижаларга эришаётган экансиз. Бизнинг олимларимиз ҳам шу йўлдан боришяпти. Аммо, бизни сувсиз ерлардаги тажрибаларнинг хулосаси кўпроқ қизиқтиряпти.

Бекир Асанович «саволингизга тушундим», дегандай бош ирғади-да, меҳмонларни ярим очик дераза яқинидаги юмшоқ курсиларга таклиф қилди. Қутидан сигарета олиб меҳмонларга тутди. Сўнг ўзи ҳам тутатди.

— Ғалладан олинадиган ҳосил миқдорини ошириш муаммоси енгиллашяпти, — деди у буралиб юқорига ўрлаётган тутунга тикиларкан. — Аммо, ҳали дунёнинг у чеккасидан, ҳали бу чеккасидан қурғоқчилик ҳақида хабар келиб турибди. Демак, асосий эътиборни биз кўп нам талаб қилмайдиган навлар яратишга қаратишимиз керак...

Зайнаб овоз чиқармай оҳиста юриб келиб Бекир Асановичнинг қулоғига: «Янгам телефонда сўраяптилар», деб шивирлади.

— Бандлигимни айтмадингизми?

— Айтдим ...Лекин, жуда ҳам муҳим иш, деяптилар.

— Бир оздан кейин ўзим қўнғироқ қиламан.

Зайнаб бош ирғаб яна оҳиста чиқиб кетди.

— Афв этинг, жаноблар, — деди Бекир Асанович. Кейин суҳбатнинг узилган ерини унутгандай жим қолди. Пешонасидаги терни артди.

— Биз ана шундай навни яратиш учун ўсимлик физиологияси, молекуляр генетика, биохимия, биофизика ютуқларига мурожаат қил-япмиз.

Бекир Асанович тажрибаларни бутун тафсилоти билан баён этишга ҳаракат қиларди. Семиз одам елпинишдан тўхтаган, шляпасини ёнига қўйиб, ён дафтарчасини олган эди.

— Агар телефонга чиқмасангиз, ўзлари келар эмишлар...

Бекир Асанович ёнига қараб, яна Зайнабни кўрди. Юраги ғалати бўлиб кетди. Гулсум халақит бермай деб деярли унга телефон қилмас эди.

— Нима гап экан?

— Билмадим... лекин овозлари ғалатироқ... йиғлаётганга ўхшайдилар. Ё менга туюляптимикин?

Табиатан хушчақчақ бўлган Гулсум бекордан-бекорга кўзига ёш олавермасди. «Болаларга бир нима бўлдимикин?» Бехосдан хаёлига келган бу фикр уни сескантириб юборди. Бекир Асанович шошганича ўрнидан туриб, креслони четга сурди.

— Узр, жаноблар. Оиладаги энг майда ишнинг ҳам эркаксиз битмаслиги яхши, аммо... суҳбатни узишга тўғри келади. Мен бир нафасда қайтаман.

Меҳмонлар бош ирғаб, ризолик аломатини билдирдилар-да, ўзаро суҳбатга берилдилар.

Бекир Асанович телефон трубкасини қулоғига олиб бориши билан Гулсумнинг синиқ овози эшитилди:

— Сизмисиз?

— Нима гап, тинчликми?

Гулсумдан жавоб бўлмади.

— Тинчликми, деяпман?

— Ҳа, тинчлик... Хат, мана, хат...

— Қанақа хат?

— Сизга.

— Менга бўлса тураверсин, бориб ўқирман. Шунга шунчами?

— Мен уни очиб ўқидим... Сиз...— Гулсум энди ошкора йиғларди.

Бекир Асановичнинг юраги тошди. Бўғилди. Хотинига бақириб юбормаслик учун ўзини ҳарчанд босишга уринса-да, овози дағалроқ чиқди:

— Пиқиллайвермай, очикроқ гапир!

— Хат қизингиздан экан!— деди Гулсум йиғи аралаш.

— Нима деб чайналяпсан ўзинг, қанақа қизимдан? Ахир болаларимиз бағримизда-ку, ҳеч қаёққа кетишмаган-ку?

— Ўзингизни гўлликка солманг. Қандай қилиб... Шунча йил-а... Шунчалик алдайсизми одамни... Қап-катта қизингиз бор экан. Сиз эса... шунча йил...

— Валдирама!— Бекир Асанович энди ўзини босиб туролмади.— Иситманг борми?

— Алаҳсираётганим йўқ. Туғилиб ўсган қишлоғингизда қизингиз бор экан...

Бекир Асанович тамоман гангиб қолди. Шу топда Гулсумни ишонтира оладиган, тинчлантирадиган тайинли бир гап айтиши мушкул эди. У бир оз сукут сақлаб турди. Гулсум ҳам эридан жимгина жавоб кутди.

— Менга қара, ўзингни бос. Борганимда бафуржа гаплашамиз. Ҳозир шошиб турибман. Уйга эртароқ қайтишга ҳаракат қиламан.

— Гаплашишга ҳожат қолганмикин! Бўлди, етар, ҳаммаси оппоқ-ойдин равшан. Мен болаларимни олиб уйимга кетаман. Билганингизни қилинг!

Трубкадан қисқа-қисқа гудоклар эшитилди. Бекир Асановичнинг сўзи бўғизидан қолди. Дарҳол уйига телефон қилмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди. «Гапини қара. Хотинлар бунақанги уйдирмаларни топишга жуда уста бўлишади...» Ичини ит тирнаётган бўлса-да, хотинининг бу қилиғини синаш мақсадидаги ифвога йўйиб изига қайтди.

Бекир Асанович ўзини хотиржам кўрсатишга тиришса ҳам, меҳмонлар унинг кайфияти бузилганини сезишди.

— Балки, суҳбатимизни эртага қолдирармиз, — деди узун бўйли меҳмон тавозе билан.

— Агар сизларни толиқтириб қўйган бўлсам, майли, — деди Бекир Асанович кулимсираб. — Бўлмаса, суҳбатни чала қолдирмайлик.

Бекир Асанович жойига ўтириши билан мухбир савол ташлади.

— Қуруқ ерларга мўлжалланган навни етиштириш учун қанча вақт сарф қилдингиз?

— Олти йил атрофида.

— Ҳаммаси бўлибми?

Меҳмонлар бир-бирлари билан кўз уриштириб, ишонмаганларини ошкор қилиб қўйишди. Бекир Асанович улардаги ўзгаришни сезиб, фикрини ойдинлаштира бошлади.

— Биз олти йилдан камроқ вақт сарфладик. Аммо, отам бу ишга анча илгари қўл урган эди. Афсуски, меҳнатлари самарасини кўролмай кетди... Мен бир гуруҳ селекционерлар билан унинг ишини давом эттирдим.

— Дадангиз бевақт кетган экан-да? — деди узун бўйли меҳмон ҳамдардлик оҳангида.

— Қирқ тўртинчи йилда... Қрим озод бўлиши арафасида... Фашистлар қатл этишган. — Бекир Асанович шундай деб нигоҳини меҳмонларга қадади.

Орага ўнғайсиз сукут чўкди.

Жимликни семиз меҳмон бузди. У Бекир Асановичнинг гапидан ҳеч нима уқмагандек, суҳбатни асосий мавзуга бурди:

— Айтинг-чи, — деди у рўмолчаси билан пешонасини артиб. — Бугдойнинг намталаб бўлмаслигига сабаб нима?

— Уруғ кўз очиб, ниҳол тупроқ ташқарисига чиқиши ҳамон турли моддалар, энг аввало, углеводлар синтезининг реакцияси бошланади. Сиз бу реакцияга жажжи ниҳолга тушувчи қуёш нури квантининг сабаб эканини, жараёни фотосинтез деб аталишини яхши биласиз. Ниҳол бўй чўзса, борган сари кўпроқ нам талаб қилади, сув кўпроқ буғланади. Бизнинг асосий мақсадимиз шу жараёни ўзгартириш эди.

Бекир Асанович сўзлар, аммо, хаёли Гулсум билан банд эди. Гулсум бекордан бекорга йиғламайди. Ҳазил деса, бунақа бемаъни ҳазил қилиш одати ҳам йўқ. Аммо... Бундан тўрт ойлар муқаддам Самарқанддан дўсти телефон қилиб, ярим ҳазил, ярим чин оҳангида: «Эшитдингми, Бекир Асанович Сулаймоновни қизи излаётган эмиш. Бу қиз сен туғилиб ўсган қишлоқда яшар экан. Қизиги шуки, қишлоқнинг эски номини ҳам, ҳозиргисини ҳам айтишди. Ўз қулоғим билан эшитдим. Радиода беришди», деган эди. Бекир Асанович унинг бу гапларига ўшанда эътибор бермаган эди.

— Демак... сиз фотосинтезни бошқаришга эришибсиз-да? Бу жараёни шарҳлаб бера олмайсизми? — деди новча меҳмон. Шундагина Бекир Асанович ўзига келди. Керагидан ортиқроқ сукутга берилганини англаб хижолат тортди.

— Ёввойи ўтларнинг, жумладан, ғалласимон кўкатлар хлоропластлари фотосинтезининг маданий ўсимликларга нисбатан яхшилиги маълум. Яқин яқингача хлоропластларни пайванд қилиш мумкин эмас, деган тушунча ҳоким эди. Аммо, яқинда америкалик биолог Карлсон бунга барҳам берди. Унинг тажрибалари ижобий яқунланди. Энди амалга ошиши мушкул бўлган муаммоларнинг ечилиши осонлашди. Биз худди шу йўналишда иш олиб боряпмиз.

«Хат Қримдан эмиш. Ахир мен у ерда қирқ тўртинчи йилдан бери бўлганим йўқ-ку! Хатто қишлоғимда таниш-билишларим қолган-қолмаганини ҳам билмайман. Рўпарамдагиларнинг аждодлари ватанларига босиб олиб кетгандан бери қишлоғимга қадам қўймадим.

Аждодлар! Қизиқ, узун бўйли жаноб неча ёшда экан? Тинмай сигарет тутатаётган жаноб-чи? Мухбир мен билан тенгдошга ўхшайди. Қирқ тўрттинчи йили у ҳам мен каби ўн олти ёшда бўлгандир...»

Бекир Асанович ўйга берилганини англади, хаёлларини йигиб:  
— Яна саволлар борми?— деб сўради.

Мухбир саволга изн сўраб, қўлини кўтарди-да, бармоқларини қисирлатиб қўйди.

— Сиз ҳозиргина америкалик олимнинг номини тилга олдингиз. Бизда «Совет олимлари буржуа мамлакатларидаги ҳамкасбларининг дунёқарашини ва барча ишларини тўла рад этадилар», деган гап-сўз юради.

— Дунёқараш билан илмий изланиш бошқа-бошқа. Улимни ҳал қилиб қўювчи хасталикка даво излаш мақсадида ўзини ўзи эмлаган олимларни қандай инкор атиш мумкин?! Ўзини ўзи вабога дучор қилган Антуан Клот ёки кураре заҳарининг таъсирини ўз танасида синаб кўрган Смит, миллати ва динидан қатъий назар, барча олимлар учун фидойилик рамзи бўлиб қолган:

— Ҳозирги кунимизга атом асри деб сифат бериляпти. Сиз, физик олимлар, жумладан, Роберт Опенгеймер хусусида нима дея оласиз?

— Клот билан Смитларнинг номларини тилга олганимда, атом бомбасининг отасини эслашингиз бежиз эмас. Очигини айтсам, агар атом бомбасининг таъсирини аввал ўз вужудида синаб кўрганда, унга нисбатан ҳурматим кам бўлмасди.

Меҳмонлар кулимсирашди. Аммо, мухбир бўш келмади.

— Ҳар ҳолда, у буюк олим!

— Биз ҳеч қачон «Вабо отаси» ёки «Ўлатнинг отаси» деган иборани қўлламаганмиз. Опенгеймернинг «фарзанди» одамзод учун ҳар қандай вабодан ҳам хавфли. Шунинг учун ҳам унга «атом бомбасининг отаси» деб сифат беришса гашим келади.

— Сиз мутлақо ҳақсиз, жаноб Сулаймонов,— деди узун бўйли меҳмон самимий оҳангда, — чинакам олимнинг бурчи — инсониятга ҳалол хизмат қилиш. Эзгу ишлар қилиш. Опенгеймер эса олимдан кўра ялмоғизни эслатади, тўғри эмасми?

— Ҳар ҳолда, мен одамларга мўл нон етказиш қайғусида ишлаётган мана бу қизларни,— Бекир Асанович шундай деб заррабинларга қадалиб ўтирган ходимларига ишора қилди,— «атом бомбаси отаси»дан анча устун қўяман.

Суҳбатга аралашмай ўтирган семиз жаноб Бекир Асановичнинг бу гапидан кейин яна бир марта пешонасидаги терни артди-да, сўз қотди:

— Ҳозир инсониятнинг онгли қисми атом қуролини чеклаш учун курашяпти. Хўш, натижа қандай бўляпти?— жаноб шундай деб қулоқини ёзди.— Русларнинг бир мақоли бор. Айтишларича, бир аҳмоқ қудуққа тош ташларкану ўнга ақлли эса уни ололмас экан.

Семиз жаноб ўзининг гапидан лаззат олиб кулиб юборди. Аммо, ҳамроҳларига бу гап кулгили бўлиб туюлмади. Семиз жаноб ноқулай аҳволга тушиб жимиб қолди, аламини сигаретадан олди. Мухбир эса аччиғланганини яширмай, унга қовоқ уйиб қаради-да, кескин оҳангда гап бошлади:

— Агар сиз Опенгеймерни аҳмоқ деб ўйласангиз, вужудингиздаги ватанпарварлик ҳисси ўлиб, тамом бўлибди. Эътиборингиз учун жаноб, Германия ўзининг бу буюк фарзанди билан фахрланади.

— Агар сиз чинакам ватанпарвар бўлсангиз Харро Шульце — Бойзен, Ильза Штёбе, Арвид Харнак, Адам Кукхоф, Курт Шумахерлар билан фахрлангиз. Мана шуларни халқнинг ифтихори деса ярашади,— деди Бекир Асанович.

Меҳмонлар бир-бирларига қараб олишди. Афтидан, Бекир Асанович тилга олган одамларни билишмас, билганда ҳам, фақат номларини эшитган бўлишлари мумкин эди. Бекир Асанович буни сезиб, атайин жимгина сигарета тутатаверди. Мухбир, касб-корига кўра, бундай сукутга чидаш бера олмади.

— Булар олимларми?— деб сўради.

— Улар Германияни чинакамига севишарди. Улар ҳақиқий ватанпарвар эдилар. Шуларнинг хизматлари билан бугунги Германия қарор топиб турибди.

— Дарҳақиқат, гитлеризмга қарши курашган довурак одамларни юртимизда яхши билишмайди,—деди узун бўйли жаноб ҳорғин овозда. Бекир Асановичга юзланди.— Бу одамларнинг номларини Ватанимизда ҳурмат билан тилга олишлари учун қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз, жаноб Сулаймонов, шахсан мен шундай ваъда бераман.

Суҳбатга асосан якун ясалган, меҳмонларда бошқа савол қолмаган эди. Бекир Асанович институт фахри ҳисобланган гулхонани, дунёнинг барча бурчакларидан келтирилган ўсимликлар яшнаб турувчи қишки боғни, тажриба-буғдойзорни кўришга таклиф қилди. Меҳмонлар таклифни бағоят мамнунлик билан қабул қилиб, ўринларидан қўзғалдилар.

Бекир Асанович уйининг калитини ҳамиша чўнтагида олиб юрар, аммо, ундан деярли фойдаланмасди. Бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Эшик қўнғироғини босгани ҳамон қизларининг қувноқ овозларини эшитар, вужудига энгиллик югуриб, кайфияти чоғ бўлар, бутун чарчоқлари кўтариларди. Қизлари ҳар сафар «Мен очаман», «Йўқ, мен», деб бир оз эшик олдида уймаланишар, кейин эшик очилгач, иккови ҳам унинг бўйнига осилиб оларди.

Бекир Асанович маош олган кунлари йўл-йўлакай дўконга кириб, суюкли қизларига совға харид қиларди. Кичиги, — Гуля, бу йил иккинчи синфга кўчди. Лиля эса тўртинчини тугатди. Ёшлари ҳам, талаблари ҳам ҳар хил. Бирига ёққани иккинчисининг дидига ўтиришмайди. Икковининг кўнглини олиш учун анчайин бош қотиришга тўғри келади. Шу сабаблми, қизалоқлар отасининг арзимас совғаларидан беҳад шодланишарди. Гулсум уларга қараб туриб, «Қимматбахо кийим-бош олиб берсам ҳам мендан бунчалик миннатдор бўлишмайди», деб гина қиларди.

Бугун эса, Бекир Асанович одатига хилоф равишда уйига қуруқ қайтди. Шошиб қўнғироқ тугмасини босди. Қўнғироқ жиринглади. Лекин, қизларининг шодон овозлари эшитилмади. Бекир Асанович нафас ростлаб, кутди. Қўли беихтиёр яна қўнғироқ тугмаси томон кўтарилди. Кейин калити борлиги ёдига тушиб эшикни очди-да, ҳаддан зиёд ҳориган одам каби битта-битта босиб ичкари кирди. Бирданига орқасига қайтгиси келди. Уйга жойлашиб олган қандайдир кўринмас куч уни кўкрагидан итараётгандек бўлди. Бекир Асанович бу қаршилиқни енгиб, эшикни аста ёпди. Даҳлиз чироғи ёниқ, меҳмонхона эшиги ярим очиқ, илгак бўш. Қизларининг оёқ кийимлари ҳам йўқ. Илгак остида кичигининг кўк рўмоли ётибди. «Боққа сайр қилгани кетишгандир. Шошилиб чироқни ўчиришни ҳам унутишибди». Бекир Асанович ўзига шундай тасалли бериб рўмолни олиб қоқди-да, жойига илиб қўйди. Кейин оёғига энгил шиппак кийиб ичкари кирди. Девор соати етти марта занг урди. Демак, у одатдагидан бир соат барвақт келибди. Гулсумнинг сайрдан қайтишини кутмай овқатга уннашга қарор қилди. Ҳозир чой қўяди, кейин картошка тозалайди.



Ошхона томонга йўналган Бекир Асанович кўк дастурхон ёпилган стол устидаги мактубни кўриб, орқасига қайтди. Хатни қўлига олди. «Дарҳақиқат, Қримдан. Аммо қишлоқнинг номи бошқа-ку! Гулсум нималар деб довдираб юрибди. Э, дарвоқе, бу қишлоқнинг янги номи-ку!» У ҳаяжондан қўллари титраб, конверт ичидаги бир парча қоғозга ёзилган хатни олиб ўқий бошлади:

«Салом, дадажон!»

«Дадажон? Бу қанақаси бўлди?» Бекир Асанович яна конвертга қаради. Тўғри, хат унга йўлланган. Гулсумнинг ҳамма гаплари тўғри чиқяпти-ку! У беихтиёр стулни сурди, аммо, ўтирмади. Турганича хатга кўз югуртирди.

«Салом, дадажон!»

Тўғрисини айтсам, сизлашни ҳам, сенсирашни ҳам билмай гарангман. Яқин кишиларини сенсирашади-ку, шунинг учун ҳам тўғридан-тўғри сенсираб ёзсам, бу беақл қизингдан ранжима.

Дадажон, бу хатни қизинг Веруня ёзаяпти. Онамнинг айтишича, биз бир-биримизни сира кўрмаган эканмиз. Шундай бўлса ҳам, мен сенинг суратингни кўз олдимга келтира оламан. Чунки, мен бир нарса-ни билиб олмагунимча, онамнинг ҳол-жонига қўймайман. Онам сенинг кўзингни, қошингни, сочингни, ҳатто кулишларингни бир-бир айтиб бермагунича мёндан қутилмайди. Мен ҳатто чап курагингдаги ҳолгача биламан...»

Бекир Асанович ўнг қўлини беихтиёр чап курагига олиб борди. Нафаси қайтиб, кўзи тинди. Хатидаги ҳамма гап тўғри. Ҳатто ҳолни ҳам аниқ ёзибди. Шу сатрни қайта-қайта ўқиди. Ақл бовар қилмайди. Кўзини юмиб ўтмишни эслашга ҳаракат қилди. Бўлмади. Боши ғовлаб кетган. Хаёллари чувалашган. Бировга айтсанг, ишонмайдиган воқеа билан юзма-юз турибди. Етти ухлаб тушига кирмаган эди. Бекир Асанович яна сатрларга тикилди:

«Ёзганларим сенга ғалати туюлса керак. Бироқ, сени ўйласам, кўз ўнгимда шундай туриб оласан. Қизиқ, тасаввурим тўғримикин? Онамнинг айтишича, дунёдаги энг чиройли, энг меҳрибон одам ҳам сен эмишсан. Ростмикин?»

Мен кўпинча онам билан бирга ётаман. Шунда у сен ҳаққингда гапиради.

Қишлоғимиз адоғида, шундайгина тоғ этагида кўлча бор. Ҳозир у қаровсиз қолган, ўт босган. Онамнинг айтишича, илгари кўлнинг суви ниҳоятда тиниқ бўлган экан. Ҳатто дондек тошгача кўриниб тураркан. Болалар чўмилиб чиқиб, ўрмонда қароқчи-қароқчи ўйнашаркан.

Кўлдан сал нарида эски тегирмон бўларкан. Худо билсин, у турклардан қолганми ё ундан олдин ўтганларданми, ҳар ҳолда, унинг атрофида катта-катта харсанглар сероб экан. Бир куни ўйнаб юриб сен «битта тош уйқудаги арслонга ўхшайди», дебсан. Уртоқларингни бошлаб келиб уни кўрсатибсан. Аммо, улар тошни арслонга ўхшатмай устингдан кулишибди. Шунда сен жаҳл билан майдароқ тошларни атрофга отиб, катта харсангнинг атрофини очибсан. Шундагина ҳамма тош-арслонни кўрибди. Ушанда сенга онамнинг меҳри тушиб қолган экан. Чунки, сен бошқалар сингари эмас экансан-да...»

Во ажаб! Мутлақо ҳақ гаплар! Кўлча ҳам бор эди, қароқчи-қароқчи ҳам ўйнашган, тош—арслон ҳам эсида. Ҳаммаси тўғри. Аммо, қизи... Қайдан пайдо бўлди? Бекир Асановичнинг томоғи қуриди. Чўнтагини пайпаслаб сигарет қидирди. Утирди. Қўли титраб, кетма-кет икки марта марта гугурт чўпини синдирди. Кейин сигаретни қўйиб хатнинг давомини ўқиди.

«Қишлоғимиздаги кўп болаларнинг отаси урушда ҳалок бўлган. Баъзилар эса бедарак йўқолган. Онамнинг айтишича, сен ҳам бедарак

кетганмишсан. Ҳеч ишонгим келмайди, кап-катта одам ҳам номнишонсиз йўқолармишми? Одам денгизга ташланган игна эмас-ку, қандайдир изи қолиши керак-ку? Шунинг учун мен «Дадамни топаман, ўзини бўлмаса ҳам изини топаман, ахир уни билган, кўрган одамлар бордир», деган қарорга келдим.

Дадажон, мен сени узоқ, жуда узоқ изладим. Онам, фойдаси йўқ, деб менга изн бермади. Аммо, мен тинимсиз излайвердим. Ёзиш, сўраш мумкин бўлган ҳамма ерга мурожаат қилдим. Бирдан, кутилмаганда мактабимга адресингни олиб келишди. Бахтли қизман-да. Сен тирик экансан, сен менинг бахтимга топилдинг! Ўзимга сигмай, дарсга кирмасдан уйга югурдим. Онамни хурсанд қилай, дедим. Тўғри далага, лавлагизорга бордим. «Суюнчи беринг, мен дадамни топдим!» дедим. Хурсандликдан тинмай куламан, аммо, кўзимдаги ёшни сира тўхтата олмайман. Қувонганда шунақа бўларкан ўзи. Онам адресингни кўрдию бирдан ранги бўздек оқариб кетди. Хатни қўлимдан юлиб олиб, бурда-бурда қилиб йиртиб юборди. Кейин кўрагини ушлаганча, тиз чўкди. Ҳўнграб йиғлади, ҳеч овунмайди. Атрофига хотинлар йиғилишди — нима гап бўлганини тушунмай ҳайрон. Бири сув тутади, бири яхши гаплар айтади, елкасини силайди. Мен бўлсам, ақлим лол, гарангман. Тилим гапга қовушмайди. Онамнинг бу қилиғидан қаттиқ ранжиб, шартга бурилдимиз изимга қайтдим. Уйга қандай етганимни билмайман. Сомонхонанинг бир бурчагига кириб роса йиғладим. Агар Михайло бувам қидириб кирмаганда, тун бўйи шу аҳволда ўтирардим. Бувам ҳамиша қовоғини уйиб юрса ҳам, меҳрибон одам. Мени эркалаб, овутиб, сут берди. Унинг хонасига кириб ётдим. Энди кўзим илинай деганда онам кирди. Ёнимга ўтириб, ўпиб, эркалади. «Гуноҳкор онангни кечир, бугунги ишни унут. Сен отангни бекор қидиргансан. Худога шукур, тирик экан, унинг бошқа оиласи бордир, энди отангни унут, ўтинаман», дейди.

Қизиқ гапларни гапирди-да. Ахир оппа-осон унутиб бўларканми? Икки йил излаб, умид қилсаму, бир онда ҳаммасини ёдимдан чиқариб ташласам. Тушунмай қолдим. Сени мақтарди, меҳрибон дерди, энди эса... Мен унга «хўп», дейман-у, адресингни эсимдан чиқармай, деб ичимда тинмай такрорлайман.

Эрталаб тура солиб онамдан бекитиқча сенга хат ёздим. Агар жавоб қайтаргинг келмаса, майли, хат ёзмай қўя қол. Онам ҳам ҳеч нимадан хабар топмайди. Мен онажонимнинг ҳақ эканига ишонч ҳосил қилиб, бундан буён чизган чизигидан чиқмайман.

Бу йил ўнинчини тугатаман. Агар медаль олсам, онам ёзда мени истаган еримга юбормоқчи. Сеникига борсам майлими? Шунчаки меҳмон бўлиб бораман. Бошқа онланг бўлса нима, ахир тақдирнинг аёвсизлигига биз эмас, уруш айбдор-ку!

Хатингни кутаман, дадажон.

Сени дилдан яхши кўрувчи қизинг Веруня».

Бекир Асанович хатни стол четига қўйиб, ўтирди ва бирдан кулиб юборди. Унинг кулгисига қандайдир аянчлилик, ўкинч бор эди. Кулгуси қандай бошланган бўлса, шундай узилди. Қиёфаси жиддий тус олди. Қайси бир ҳазилкашнинг иши бу? Эски қадрдонларидан қай бири ҳозир ўша қишлоқда яшайди? Уни биров хогирлармикин? Эслаганда ҳам бунчалик овора бўлиб излармикин?

Бекир Асанович хаёлини жамлаб, яқин орада Қримга бориб келган ҳамкасбларини, дўстларини бир-бир эслади. Шубҳа йўқки, бу хатни ёзган одам салом-алиқдан нари ўтмайдиган таниш эмас, балки, сирлашадиган, қадрдон дўст. Болалигини кимларга ҳикоя қилиб берган эди? Ҳатто Гулсумга ҳам батафсил айтмаганди. Бу ерда эса курак-

даги ҳолгача ёзилган. Бу чигални энг уddaбурро криминалист ҳам ҳал қилиб беролмаса керак.

Балки, оиласини бузиш қасдида битта-яримта атайин қилгандир бу ишни?

Соат саккиз марта занг урди.

Гулсумдан дарак йўқ. «Наҳотки...» Бекир Асанович ўрнидан туриб кетди. «Йўқ, бўлиши мумкин эмас!» Одатда бу пайтда у бола-чақаси билан овқатланиб ўтирган бўларди. Гулсум эрининг келишига ҳамма нарсани тахт қилиб қўярди. Бугун эса... уй ҳувиллаб турибди. Бекир Асанович ошхонага кирди. Товага сув тўлатилган, ювғич ҳам ичида. Ҳеч бундай бўлмасди. Агар Гулсум улгуролмаса, идиш-товоқни қизлари ювиб қўйишарди. «Наҳотки, ростдан кетиб қолган бўлса. Ҳе йўқ, бе йўқ, эгаси номаълум хатга аччиқ қилиб уйни ташлаб кетиш енгилтаклик-ку, ахир!» Бекир Асанович қозоннинг қопқоғини очди. Кечаги шўрвадан бор экан. Ут ёқди. Кейин чой ҳам қўйди. Меҳмонхонага қайтиб деразаларни очиб юборди-да, сигарета тутатди.

Йўлка, деворлар, пастак уйлар неон чироқ ёруғида ғариб кўринади. Кўчада ҳаракат сийрак. Бекир Асанович йўловчилар орасидан кўнглига яқин кишиларини қидиради. Ана, бир аёл қизчасини етаклаб келяпти. Гулсум! Бекир Асановичнинг юраги ҳаприқиб кетди. Яхшироқ тикилди. Йўқ, бошқа аёл экан.

Наҳотки, ростдан ҳам отасиникига кетиб қолган бўлса?

Ошхоқада сув қайнаб, чойнакнинг қопқоғи шақиллади. Бекир Асанович югуриб бориб аввал чойнакнинг, кейин қозоннинг қопқоғини кўтарди. Аччиқ куйинди ис димоғига урилиб, яна ёпди. Утни ўчириб, чой дамлади. «Худо бергани шу-да», дея жавондан печенье олиб чойга ботириб еди. Шу пайт эшик қўнғироғи жириглади.

«Хайрият-е!»

Бекир Асанович ўрнидан сапчиб турди. Гўё учиб бориб эшикни очди: Лиля келибди. Бир қўлида тугунча. У иккинчи қўли билан отасининг бўйнидан қучиб ўпди.

— Сенга нима бўлди? Йиғладингми? Онанг билан синглинг қани?

Лиля пойафзалини ечиш баҳонасида қизарган кўзларини отасидан олиб қочди.

— Бувимникида қолишди. Сен хавотир олма. Бир-икки кун туриб қайтишади. Овқатландингми?

— Энди чой ичаётгудим.

— Чойни кейин ичармиз. Қуймоқ қилиб берайми? Жуда уста бўлиб қолганман.

Лиля жилмайишга ҳаракат қилди, бўлмади. Орқасига ўгирилиб ошхонага йўл олди. Бекир Асанович қизига эргашди.

— Кимдир сени хафа қилганга ўхшайди.

— Онам ёлғиз адашиб қоласан, деб келишимга рухсат бермадилар. Нима, мен кичкина боламидим? Бувим ёнимни олдилар. Чебурек пишириб бердилар.— Лиля шундай деб қоғозга ўралган пишириқни столга қўйди,— ҳали совумабди. Келаётганимда онам, холодильникда тухум бор, дадангга қуймоқ қилиб бер, деб шивирладилар. Нима қиласиз, чебурек ейсизми ёки қуймоқми?

Бекир Асанович қизининг гапини эшитгач вужудига ўрнашиб, қийнаётган гумонлар булутидан оз бўлса-да қутулди. Иягини қашиб жилмайди:

— Сут билан тухумдан қуймоқ қилиб бера қол. Қани, баҳонада пандалигингни бир кўрай. Чебурекни нонуштага олиб қўямиз.

Бекир Асановичнинг меҳри жўшиб, қизининг пешонасидан ўпди. Лиля икки қўлида тухум ушлаганча ундан ўзини олиб қочди.

— Дада, у қандай хат ўзи?

— Ҳазилнинг ҳам бошим қотиб қолди. Кимдир ҳазил қилганга ўхшайди.

— Ҳазил ҳам шунақа бемаъни бўладими? Қим ҳазиллашибди.

— Кимлигини билганимда-ку...

Лиля белига пешбандни боғлаб ишга уннаб кетди.

— Бизга бўлаллигингдаги ўйинларни, тош-арслонни айтиб берардинг. Ҳазилкашинг буларни қаердан билибди.

— Айтяпман-ку, ўзим ҳам ҳайронман.

— Балки, бирон воқеани унутиб қўйгандирсан?

— Лиля, менга ишонмаяпсанми?

Қиз елка қисиб, иши билан овора бўлди.

«Агар қизим шу фикрда бўлса, онаси билан қандай гаплашаман. Дунёнинг ишлари ажаб-да. Оқни оқ, қорани қора деб исботлаш керак».

Қизининг савол назари билан тикилиб турганини кўриб, Бекир Асанович хаёлини жамлаб, унга жиддий тусда боқди.

— Буванглар саломат юришибдими?

— Рўза тутиб жуда толиқиб қолишибди. Ҳали ҳам ўзларига келишмабди. Зўрға қимирлашади.

— Сенга қарашиб юборайми?

— Йўқ, ўзим удалайман. Сен телевизор кўра қол. Бугун яхши томоша бўлиши керак.

Бекир Асанович итоаткорлик билан меҳмонхонага чиқиб, телевизорни кўйди. Чўнтагидан сигарет олиб лабига қистирди-ю, уйда болалар борлигида чекмаслиги ёдига тушиб, уни кулдонга қўйди.

— Онанг бувингларга қараб тургани қолдими?— деди Бекир Асанович. У қизидан таъкид жавобини олмоқчи, шу билан кўнглига таскин бермоқчи эди.

— Фақат шунинг учун эмас,— деди Лиля унинг умидини чиппакка чнқариб.

Экран ёришиб, қўшиқчининг тасвири кўринди. Сочлари яланғоч елкаларига тушиб турган гўзал қиз балиқ каби оғзини очар, аммо, овози чнқмас эди. Бекир Асанович ўрнидан туриб телевизорнинг овозини кўтарди.

— Унда нима сабабдан қолди?

Эшик олдида Лиля кўринди.

— Ҳазилнинг билмайсанми?

— Агар шу хатни деб кетиб қолган бўлса, енгилтаклик қилибди.

— Гап хатда эмас, онам сенинг алдаб юрганингга чидай олмаяпти. Энди хафагарчилиги тарқамагунча келмайди.

— Эрига ишонмайди, аммо, бемаъни қоғозга ишонади.

— Онам кунни бўйи йиғлади.

— Сен-чи, лоақал сен менга ишонарсан?

— Менинг ишонганим қайга борарди. Онам ишониши керак.

— Ҳўш, нима қилай, воқеани ойдинлаштириш учун ҳозироқ Қримга учайми?

— Балки шундай қилиш керакдир?

Лиля ошхонага қайтди. Бир оздан сўнг отасини овқатга чақирди. Бекир Асанович телевизор тасвирини мўътадиллаштириб, овозини кўтарди. Майин полякча қўшиқ эшитилди.

— Совиб қолади, тезроқ кела қол, — деди Лиля.

Қиз мақтанганча бор экан. Таом жуда мазали бўлибди.

— Баракалла, чинакам ошпаз бўлибсан.

— Э, шу ҳам ишми, дугоналарим палов дамлашни ҳам билишади. Болалар улғайгани сари улар билан гаплашиш қийин бўлади. Бе-

кир Асанович қизига қараб туриб боши қотди. Лиля нима учундир ноҳақ онасининг ёнини оляпти? Фақат Лиля эмас, умуман барча қизлар ҳар қандай шароитда ҳам оналарини ҳимоя қилишади. Илгари ораларидан гап-сўз ўтса, бошқа оилалардаги каби болаларни қўшни хонага чиқариб юборишмасди. Қизлар гўё ҳакамлик вазифасини ўташарди. Қизларнинг баҳсга нисбатан гўдакларча самимий муносабати кўп ҳолларда тортишувнинг қувноқ кулги билан яқунланишига сабаб бўларди.

Қутилмаган бу хат аямажиз сингари барчанинг кўнглини хира қилиб кетди. Бир томондан Гулсумнинг ҳам, қизларнинг ҳам хафа бўлишлари ўринли. Хўш, бундай хат Бекир Асановичга эмас, Гулсумга йўлланган бўлганда нима қиларди? Тўсатдан миясига урилган бу фикрдан вужуди қалтираб кетди. Шундай деб ўйлашнинг ўзи одамни беҳузур қилиб юборади.

Бекир Асанович баҳсни давом эттирмаслик учун пазанда қизига яна таҳсин ўқиди-да, меҳмонхонага чиқди.

Телевизорда Польша эстрадасининг юлдузлари қўшиқ айтарди. Қўшиқ оҳанги денгиз мавжлари каби хонага оқиб киради, кишига роҳат бағишлайди. Сўзларига унча тушунмаса ҳам берилиб тинглади. Санъатнинг қудрати ҳам шунда-да. Юракка бориб етадиган ҳақиқий санъат асарини ҳамма тушунади. Одамлар бир-бирларини англаш учун эсперанто тилини кашф қилишди. Ҳолбуки, бу тил билан кимнидир хафа, кимнидир ҳақорат қилиш мумкин. Санъат билан ҳеч кимнинг дилига озор бериб бўлмайди.

Қўшиққа қўшиқ уланди. Бу ашуланинг сўзлари Бекир Асановичга таниш туюлди. Ҳа, хонанда урушдан қайтмаган фарзанди ҳажрида ёнаётган она ҳақида куйлаяпти. Бекир Асановичнинг томоғига нимадир қадалди. Хўрлиги келди. Кейинги пайтларда бундай ҳазин қўшиқларни эшитганда дарров кўзи ёшланадиган бўлиб қолган. Йиллар мудҳиш воқеалардан узоқлашгани сайин, у айрилиқлар, ҳижронлар, азоблар унутилмайди, балки, алангаси янада кучлироқ куйдирарди. Асаблар борган сари заифлашарди.

Қўшиқчи ҳамон она ҳақида куйлаяпти.

Бекирнинг онаси ҳам фарзандини узоқ кутган эди. Дўзах оғзига рўпара бўлган ёлғизининг йўлига қарайвериб кўзлари толиқди. Кейин фолбинларга ҳам, тушларга ҳам ишонмай қўйди. Ўғлининг жойини жаннатдан тилайдиган бўлди.

Она умидини узган чоғда елкасига аскарлик сафар халтасини осиб олган Бекир Ўрта Осиёнинг шаҳар-қишлоқлари бўйлаб волидасини изларди. Ниҳоят, сўраб-суриштириб, Бекободдан дарак топди.

Саратон. Чор атроф тандир каби қизиган. Тердан гимнастёрка шўралаб кетган.

Бекир Асанович қишлоқ кўчаларидан ўтиб борар, одамлар урушдан қайтган бу нотаниш йигитга қизиқиб қарашар, баъзилар сўрашиб, уни уйга таклиф қиларди. Бекир эса бу лутф учун миннатдорлик билдириб, қишлоқнинг нариги чеккасига—ҳамқишлоқлари қўноқ бўлган уйларга ошиқарди. Қишлоқ адоғига етгач, тол соясидаги супада давра қурган чолларга яқинлашиб салом берди.

— Қани, ўғлим, дам олинг,— деди қариялардан бири унга жой кўрсатиб.

— Раҳмат, отахон, бошқа сафар. Земине Меметова деган аёл қаерда туради, билмайсизми?

— Йўқ, ўғлим, бунақа номни эшитмаганман. Балки, ўзини кўрсам танирман. Сиз, яхшиси, юртдошларингиздан сўранг. Улар билишади. Шу йўлдан бораверинг.

Бекир раҳмат айтиб, қария кўрсатган кўча бўйлаб бораверди.

Йўлда қўшбелбоғли кишига дуч келиб, ундан ҳам Земине Меметовани сўради.

— Ҳа, биламан, шу кўчадан тўғри борсангиз олдингиздан катта ариқ чиқади. Оқимга қарши юрасиз. Воҳид бобонинг уйини сўранг. Земине опа ўша ерда туради.

Бекир энди катта-катта қадам ташлаб борар, атрофга алангласмасди ҳам. Ариқ бўйига чиқиб тўхтади. Халтасини ерга қўйди-да, чўнқайганча қўлини ювди. Танасига салқин югуриб бир оз ором олди. Ҳозиргина ошиқаётган йнгитнинг оёқлари негадир оғирлашиб қолгандек—битта-битта қадам ташлайди. Юраги ҳаяжон билан тепади. Сал нарида, девор соясида, бошига оқ рўмол ташлаган бир кампир ўтирибди. Ярим яланғоч бўлиб олган учта бола ҳовучларида сув келтириб ҳаммомпиш ўйнашяпти. «Шу кампирдан ҳам сўрай-чи», деб унга яқинлашди.

— Холажон, Воҳид бобонинг уйи...

Кампир аста бошини кўтарди. Шунда Бекир ҳаракатдан қолгандек, осмон бутун оғирлигини унинг елкасига ташлагандек, замин ларзага келгандек бўлди. Гапирай деса овози чиқмайди. Гимнастёркасининг тугмаларини ечди. Юрагида портлаган «Она!» деган сўз бўғилиб қолаёзган томоғидан ҳирқираб чиқди.

— Онажон... онагинам...

Бекир тиз чўкканча онасининг қоқсуяк қўлларини юзига суртиб, ўпа бошлади.

— Онажоним...

Кампир эса ожиз кўзларини жовдиратиб Бекирнинг юзларини пайпаслаб топди.

— Сен кимсан, танимаяпман-ку...

— Онажон, мен ахир Бекирман, Бекирингизман!

— Бекир... — кампир нималардир деб пичирлади. Дуо ўқидими, ё бирор гап айтдими, Бекир англамади.

— Мен тирикман, бағрингизга қайтдим!

Бекир шундай деб онасини кўтариб олди.

...Польшалик қўшиқчи она ҳақида куйларди.

Кампирнинг кўзи йўлга тикилавериш ажиз бўлган, фарзанд доғида куявергани учун юраги илвиллаб қолган эди. У бир кун соғ бўлса, икки кун тўшақка михланиб қоларди. Ўзини сал яхшироқ сезиши билан ўрнидан туриб, ҳали у ишга, ҳали бу ишга пайпасланиб уннарди. «Сен сув олиб кел, гимнастёркангни ювиб берай. Насибам узилай деб қолди. Атрофингда парвона бўлиш умидим бор эди. Ниятимга етай», деб айтганини қилдирарди. Кейин фашистларнинг зулмини, ярим кечада уйга бостириб киришганини, Бекирнинг отасини юк машинасига босиб олиб кетишганини, эртасига эса қийнаб, азоблаб отиб ташлаганини, кейин қишлоқдан қочиб сарсон-саргардон юрганини, бу ерларга келиб бошпана топганини бир-бир ҳикоя қилиб берди.

— Отамнинг гуноҳи нима экан?— деб сўради Бекир онасининг ҳикоясини тинглар экан.

— Фашистларга ёқмайдиган иш қилгандир-да. Менга ишларини кўпам гапирмасди. Сир тутарди. Ҳар ҳолда, немислар бекордан-бекорга қийнамагандир. Худога шукур, тирик қайтдинг. Энди ўзинг сўраб-нетиб аниқларсан.

Орадан бир неча кун ўтгач, оқшом чоғи кампир қутисидан бир тугунча олди. Безгак хуружга кирган, аъзойи-бадани қақшар, шунга қарамай, титроқ қўллари билан тугунни ечишга уринарди. Бекир қараб турмай онасига ёрдамлашди.

— Ўғлим, мана бу кафанлигимга асқотади деб асрардим. Мана бу дафтарларни эса даданг раҳматли қолдирган. «Кўз қорачиғидай



Расми А. ҲОЛИҚОВ чизган.

асра, Бекирга берасан», деган эди.—У шундай деб қаттиқ чандиб борланган бир тутам дафтарни узатди. Ҳарчанд ўзини тутишга уринмасин, безгакка бас келолмади. Букчайиб ётиб олди. Кампир энди мангу уйқуга кетиш, омонатини топшириш учун ётган эди. Бекир онасининг устига кўрпа ташлади-да, чироқнинг пилигини сал кўтариб, дафтарни варақлади. Отаси ҳуснихат билан урушда олиб борган тажрибаларини батафсил баён этган эди. Бекир отасининг янги нав буғдой яратиш устида иш олиб борганини билар, шунинг учун дафтардаги ёзувлар унга тушунарсиз бўлиб туюлмади. Фақатгина турли чизмалар, ҳисобларгагина ақли етмади. Тунлари билан ёзиб-ўқиб чиқувчи, кундузи даладан бери келмайдиган отаси кўз олдида намоён бўлди. Шунчалар оғир меҳнат самараси, наҳот, энди чанг босиб ётса... Йўқ, бу инсофдан эмас. Тошкентга бориб, мутахассисларга кўрсатиш керак буни.

Уша тун турли ўй-хаёлларга берилган Бекир Асановичнинг кўзига уйқу келмади. Онаси ҳам тонгга яқин тинчиди. У онасини уйғотиб юбормаслик учун аста ташқарига чиқиб, чой қўйди. Дастурхон тузади. Кейин қайтиб онасини уйғотмоқчи бўлди. Аммо, у ғафлатда қолган эди...

— Дада, кўнглинг ҳаддан ташқари нозик бўлиб кетибди. Ҳадеб куйинаверма. Онам эрта-индин бизни соғиниб қайтиб келади.

Лиля шундай деб кресло суянчигига ўтирди-да, отасини қучиб юзини юзига қўйди.

Энди телевизорда бошқа хонанда шўх қўшиқ куйларди. Бекир Асановичнинг қулоғи остидан эса ҳазин оҳанг кетмасди.

Шанба куни Бекир Асанович ишдан барвақт бўшади. Одатда бу кунлари улар жам бўлиб кинотеатрга ёки қарияларни кўргани боришар эди. Бекир Асанович бу сафар ҳам анъанасини бузмасликка қарор қилди. Қайнона-қайнотасини йўқлаш баҳонасида Гулсум билан жиддий гаплашиб олиши мумкин. Шу бугун борса, бўйин эгиб, ялиниб келди, деган гап бўлмайди. Хуллас, бир ўқ билан икки қуённи овлаб қайтади.

Бекир Асанович йўлда борар экан, арзон моллар дўконидан харид қилган гулдонни эслади. Гулдон хитой чиннисидан ишланган, нафис, бағоят гўзал эди. Аммо, бир ери қил энлигида дарз кетган экан, Гулсумнинг зийрак кўзи шуни ҳам топди. «Қайтариб олиб бориб беринг», деди.

— Дарз кетган бўлса, гул қўймасан. Ўзи ҳам чиройли, уйнинг хуснини очади,— деди Бекир Асанович уни муроасага ундаб.

— Уйга ҳеч ким юрмайдиган соат осмайди-ку!— деди Гулсум бўш келмай.— Гулдон ҳам шундай.

— Хўп, гул қўйгинг келаётган бўлса, чегалатиб бераман.

— Чегаланган гулдон ҳам мол бўлибдими...

Улар узоқ баҳслашишди. Охирида Гулсум энг сўнгги қуролни ишга солди:

— Онам уйга синиқ идиш олиб келишнинг хосияти йўқ, деганлар.

Эри кулиб юборгач, Гулсум бутунлай тутоқди. Оқибатда Бекир Асанович таслим бўлиб, гулдонни қайтарди.

Орадан кўп ўтмай Гулсум билан ораларидаги муносабатга дарз тушди. Энди чегачилик вазифаси ўз бўйнида. Дарзни кўз илғамас қилиб ямайдами, ё қўпол чега соладими, бу эндиги муомаласи, ҳатти-ҳаракатига боғлиқ.

Мана шунақа вазифаларга дуч келгач, истасанг-истамасанг, иримчи бўлиб қолар экансан.

Бир неча кун давом этган дили хуфтонликдан сўнг бугун унинг чеҳраси очилди. Неча ойлаб ҳаловатини олган меҳнати учун у бугун тақдирланди. Сел пайтида ётиб қолган ниҳоллар ўсишига таъсир этувчи стимулятор ўзини оқлади — кутилган натижа берди. Бекир Асанович бугун мана шу ютуқ қувончи билан маст.

Қўлида гулдаста. Зайнабнинг ўзи гулхонага кириб, Гулсум ёқтирадиган атиргулларнинг сарасидан узиб чиқиб, кўркамгина гулдаста қилиб берди. Унинг назарида бугун атроф ўзгача — кекса чинор барглари ҳам бошқача шовуллайди, ариқдаги сув ҳам бошқача шилдирайди. Гўё, кўчадаги барча одам хурсанд, барчанинг юзида шодлик. Йўловчиларни тўхтатиб, бир-бир табриклагиси келди. «Табриклайман!» «Нима билан?», «Ҳа, дарвоқе, сиз билмайсиз-а... Бу фақат менинг ютуғим эмас, барчамизники. Чунки, биз нон учун курашяпмиз...»

Келиб тўхтаган автобусга ёш йигитлардек чаққон чиқди. Автобусда одам кам. Унинг кўзи орқа ўриндиқда маъёс ўтирган қизга тушиб, ўша томонга юрди. Кўчага бефарқ, ғамгин қиёфада қараб келаётган қиз унга Гулсумнинг ёшлигини эслатди. Гулдастадан иккита оқ, битта қизил атиргулни олди-да, қизга узатди.

— Фақат тиконига эҳтиёт бўлинг,— деди у ҳайрон бўлиб гулни олган қизга. Қиз гулни ҳидлаб, хиёл жилмайди-да, унга раҳмат айтди.

— Фақат кулиб юринг. Маъюслик сизга ярашмайди. Хафа бўлманг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади...



Бекир Асанович автобусдан анча берида тушиб қолди. У шаҳар чекқасидаги осойишта кўчаларда пиёда юришни яхши кўрарди. Қайнотаси яшайдиган уй янги мавзегга жойлашган. Бу ердаги дарахтлар ҳали ёш — энг узун иккинчи қаватга етай дейди. Озиқ-овқат дўкони-дан ўтаётиб, димоғига ажиб ҳид урилди. Ичкарига кириб, қарияларга қаҳва, Гуляга эса ширинлик олди-да, кўп қаватли уйларни четлаб, яқин ойлар ичи бузилиши керак бўлган эски маҳаллага бурилди. Таниш эшик ичкаридан танбалаган. Қўнғироқ тугмасини босди. Шу ондаёқ эшик ортидан «Ким у?» деган овоз келди.

— Менман, қизим, оч.

Эшик очилди-ю, Бекир Асанович бир қадам ҳам қўйишга улгурмади. Қизи бўйнидан маҳкам қучиб олди. У қизини кўтариб ичкари кирди. Гуля отасининг сочларини, юзларини силаб шивирлаб гап бошлади.

— Қелганингни дарров билдим. Бугун дадам келади, десам, онам ишонмади. Уйга борайлик, десам, онам «Уйда нима бор, отанг ишда», деб унамади.

Бекир Асанович кулиб қўйди.

— Хўш, мактабда ишлар қандай?

Ҳаммаси яхши, ҳар куни онам билан бордим. Бу ердан жуда узоқ экан.

— Баҳолар қанақа, йилликда уч бўлмайдимиз?

— Бўлмаса керак. Балки, бўлар.. Онам кофгамни йўқотиб қўйди. У мактабга бориб ҳаммадан сўради. Тополмади.

Бекир Асанович қизининг усталик билан гапни чалғитганини билмаганга олди.

— Қаерда йўқолибди?

— Синфда бўлса керак.

— Сенинг синфингда онанг йўқотади?

— Ахир топа олмади-ку, демак у йўқотган-да.

Тош ётқизилган йўлқадан келаётган куёвини кўриб, кампир пешвоз чиқди. Гуля типирчилаб пастга тушишга ҳаракат қилди. Бекир Асанович унинг ёноғидан ўпди-да, қўйиб юборди.

— Ойи, дадам келди, ҳали айтувдим-ку!.. — Гуля шундай деб бақирганча ичкари кириб кетди. Бекир Асанович қайнонасига елкасини тутиб салом берди.



— Тинч-омонмисизлар? Дадам қалай?

— Худого шукур. Гупроқдан ташқарида юрибмиз. Чол тушмагурнинг бели оғриб қолибди, кел, ичкари киравер.

— Гулсумга уйингиз ёқиб қолганми, дейман, ўтириб қолди. Узи тинчми, ишқилиб,— деди Бекир Асанович пойафзалини ечар экан.

— Узидан сўрарсан, — деди қайнона гапни қисқа қилиб. Кейин куёвини катта уй эшигигача кузатиб, унинг қўлидан тўрхалтани олди-да, ошхонага кирди.

Гулсум диванда оёқларини букканча ўтириб Гулянинг мактабга киядиган кўйлагига оқ ёқа қадарди. Худди эрининг кирганини сезмагандек бошини кўтармади. Бекир Асанович хона ўртасида тўхтаб қолди. Журъати йўқолди. Хотинига бир оз қараб тургач, томоқ қирди:

— Салом...

Гулсум бош ирғаб қўйди-да, ипни тиши билан узди. Бекир Асанович Гулсумнинг ёнига бориб ўтиришни ҳам, жойида тек қолишни ҳам билмай гаранг бўлди. Узини шу кунлар ичида биринчи марта гуноҳкор сезди. Ўртада қоққан қозикдек туриш мумкин эмас эди. У жавон устидаги гулдор графиндан сув қўйди-да, гулдастани солди. Ташқарида кампирнинг овози келди:

— Гуля, бу ёққа кел, қизим! Дадангга қаҳва тайёрлаймиз.

Ота-онасининг қилиғига ҳайрон боқиб турган қиз дивандан сакраб тушди-да, югуриб чиқиб кетди.

— Кун бўйи югургани-югурган,— деди Гулсум ҳануз бошини кўтармай, — қўлига китоб тутқазиб бўлмайди. Бувиси билан ошхонага кирса, тортиб чиқариш қийин. Улғайганда ошпаз бўлса керак...

— Ошпаз бўлса ёмонми, нур устига аъло нур. Ҳовирги ёшлар миллий таом пиширишни мутлақо билишмайди. Агар шундай кетаверса, сарбурма билан қатлама тушимизга ҳам кирмай қолади.

— Мендан куляпсанми?

Ниҳоят, Гулсум бошини кўтарди. Тим қора кўзлари ғамдан, аламдан ҳоли, аввалгидек беғубор боқарди. Эрига қараб кулиб қўйди-ю, уялиб яна кўзини олиб қочди. Бекир Асанович унинг ёнига ўтириб кафтини кафтига қўйди. Гулсумнинг елкалари титради. Кўзига дарров ёш кела қолди.

— Қўйсанг-чи, бу нимаси? Сен бутунлай ноҳақсан. Хат уйдирма. Менинг ҳеч қандай қизим йўқ. Ишон.

— Ишонаман, ишонаман,— Гулсум шундай деб эрининг бўйнидан қучди.

— Кечир мени, аҳмоқлик қилдим. Келганинг яхши бўлди. Шу кунлар ичи жинни бўлаёздим. Қайтишга уялувдим...

— Узингни тут, онам кирсалар, айб бўлади. Урушиб қолишган деб ўйлашлари мумкин.

Гулсум бошини орқага ташлаб, кўз ёшини артди. Эрига кулиб қаради. Кейин яна қучоқлади.

— Жуда соғиндим. Мен аҳмоқман-а, шу хатни деб... Битта-яримта ҳазил қилгандир, деб ўйламабман ҳам. Биров ҳазил қилган, тўғрими, яқин оғайниларингдан бири қилган иш бу. Кимлигини билсамми... Шуни деб сени бир ҳафта кўрмадим...

— Уч кун.

— Мен учун уч асрдек бўлди.

— Соғинсанг уйга қайтгин эди.

Гулсум бошини қуйи солди.

— Айтяпман-ку, уялдим, деб. Сен... сен хатни ёзган одамнинг кимлигини билмайсанми?

— Йўқ, бу оддий ҳазилга ўхшамайди.

Гулсум эрининг кафтлари орасидан қўлини тортиб олди.

— Йўқ, йўқ, мени тўғри тушун. Сен ўйлаган нарса — хом хаёл, — деди Бекир Асанович фикрини аён қилишга шошилиб. — Ахир сен мен учун дунёда ягона аёлсан. Тушуняпсанми. Яна...

— Яна Гуля билан Лилядан азизроқ фарзандларинг ҳам йўқ, шундайми?

— Шундай, кел хатни ёқиб юборайлик-да, ҳаммасини унтайлик. Гулсум нигоҳини четга буриб ўйга толди.

— Менингча, бу гапларнинг тагига етиш керак. Шундай қилсак, иккаламизга ҳам яхши бўлади.

— Айни муддао! Икковимиз Қримга бориб келамиз. Баҳонада туғилиб ўсган қишлоғимни кўриб, дам ҳам оласан. Ундан кейин...

Гулсум унинг лабларига бармоғини босди-да, эътироз маъносида бош қимирлатди.

— Отпускада тузуккина дам олганимни унутдингми? Гуляга қизамиқ чиққанда бир ой уйда ўтирдим-ку?

Гулсум эрига ўпка, таъна оҳангида гапирмаган бўлса ҳам, Бекир Асанович бир оз ўнғайсизланди.

— Ахир ўз ҳисобингдан отпускаи олмоқчи эдинг-ку, шунга келишувдик-ку!

— Айтишга осон. Комбинатда бусиз ҳам ёз ойлари технолог етишмайди. Сўраш ҳам ноқулай. Ўзинг бориб келаверасан. Бошқа илож йўқ.

Остонадан оёқ товуши келди. Гулсум бир четга сурилиб яна қизининг кўйлагини олиб ишга тушган бўлди. Хонага отаси кириб келди. У, одати бўйича, бошига қоракўл телпак кийиб олган, оёғида жундан тўқилган пайпоқ.

— Хуш кўрдик, ўғлим — деди у куёви билан кўриша туриб. — Дарров чиқмаганимни кўнглингга олма. Шом ўқиётган эдим. Биз ибодат қилмасак дунё гуноҳга тўлиб кетади. Биз ҳам ўзимиз учун, ҳам ёшлар учун намоз ўқиймиз-да...

— Саломатлигингиз яхшими ишқилиб, белингиз оғриётган эмиш, деб эшитдим.

— Э, онанг гапираверади-да. Агар менинг ёшимда ҳар қандай оғриққа парво қилинадиган бўлса, тўшакка михланиш керак. Мен касалликка эмас, юрагимга қулоқ соламан. Одамнинг юраги ҳамиша ёш, хасталикдан холи бўлади. — Қария шундай деб диванга ўтирди-да, ёнидан жой кўрсатди. — Хуш, ўзингнинг ишларинг қалай? Немислар келмоқчи экан, келишдими?

— Ҳа, келишди.

— Олдин пешонангдан отмоқчи бўлиб, энди сендан ўргангани келишибдими?

Бекир Асанович қайнотасига жавоб бермади. Нима десин? Агар тулалик Алексей, леонлик Альбер, симецлик Улькер, прагалик Штефан, фрунзелик Бойтемир, умуман, урушда ҳеч ким шаҳид кетмаганда, қанча эзгу ишлар амалга ошарди. Қанча кашфиётлар яратилмай қолди, қанча роман, дoston дунё юзини кўрмади. Афсуски, қанча ғоялар эгалари билан ўлди. Концлагерда бўғилиб ўлган болалар ичида эйнштейнлар, мичуринлар, менделеевлар, достоевскийлар йўқ эди, деб ким айта олади?

Қария чуқур хўрсиниб қўйди.

— Аблаҳлар, улар фақат оддий одамларни эмас, улар билан бирга шу тупроғимизнинг келажagini ҳам ўлдиришмоқчи бўлди-я! — деди у.

— Дада, келганлар бошқа Германиянинг вакиллари эди.

Эшик очилиб, остонада кампир кўринди. Ичкари кирмай туриб

«Айвонга чиқасизларми, ё шу ерга олиб кирайми», деб эрига мурожат қилди.

— Шу ерга олиб келавер.

— Гуля, бу ёққа олиб кела қол!— Кампир шундай деб ичкари кирди. Орқасида патнис кўтарган Гуля кўринди У кичкина пешбанд тутиб олган, чап юзи билан бурнининг учи қорайган эди. У муз устида юргандек эҳтиётлик билан қадам босарди. Гулсум қизига ёрдам бермоқчи бўлиб ўрнидан турмоқчи эди, отаси елкасидан ушлаб қайтарди.

— Утиравер, бекаликни ўргансин. Қани, оппоқ қизим, баракалла, баракалла...

Гулсум қизининг ҳаракатини диққат билан кузатиб, ёрдамга шай бўлиб ўтирарди. Гуля патнисни пастак столга қўйди-да, ўз ишидан ўзи мамнун бўлиб югурганча изига қайтди. Хонани хушбўй қаҳва иси тутди. Чол қаҳва қуйиб, куёвига узатди.

«Қизиқ, Гулсум буларга айтганмикин?— деб ўйлади Бекир Асанович қаҳва ҳўплар экан.— Албатта, айтган. Ота-онасидан гап яширмайди...» Бекир Асанович сир бой бермаётган чол-кампирдан ўзича миннатдор бўлди. Кампир яна ошхонага йўналди.

— Чебурек қилишаётганга ўхшайди, мен қарашиб юборай, — Гулсум шундай деб онасига эргашди.

Гулсум чиқиб кетгандан кейин ҳам суҳбат қовуша қолмади. Қайнота-куёв қаҳва ҳўплаб сукут сақлашди. Жимликни биринчи бўлиб чол бузди.

— Одамнинг умри манави гиламга ўхшайди,— деди у бош бармоғи билан деворга илинган гиламни кўрсатиб.— Гулга қараб кўз қувонади-ю, тугунлар борлигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди. Агар мана шу тугунлар гуллар ортига яширинмай, кўзга ташланса, гиламнинг қиммати камаяди.

Бекир Асанович шошилмай қаҳва ҳўплаб, қайнотасининг гапини жимгина тинглади.

— Гулсум хат келганини айтди. Чол-кампир бир бўлиб «Бировнинг ҳазилидир», деб ишонтирдик уни. Ҳақиқатни бир сену худо билади, холос.

— Дада, ахир ўзим ҳам...

— Тўхта, гапнинг белига тепмай тур. Сўзимга қулоқ тут-у, аммо, билганингни қил. Ёшлик — бебошлик дейдилар. Ёшликда нималар бўлмайди. Бошқа ерда қизинг бор экан, на илож? Уларни ташлаб қўйиш катта гуноҳ. Худонинг қаҳри келади. У ҳам Лиля, Гуля каби фарзандинг. Оллоҳнинг иродаси билан топилибди, шукур қил.

— Дада, ишонинг ахир, қандайдир тушунмовчилик бўлган.

— Ҳаммасига оллоҳнинг ўзи шоҳид. Агар англашилмовчилик бўлса, ойдинлаштириш керак. Бориб хатни ёзган одамни топ. Шундай қилсанг дўст ким, душман ким, билиб оласан. Ойлангни ҳам, бизни ҳам тинчисин десанг, топ. Қариган чоғимизда гумонлар ботқоғига ботирма бизни.

— Гапингиз ҳақ, дада. Боришга тўғри келади. Гулсумга бирга юргин, десам, кўнмаяпти...

— Бормагани ҳам маъқул. Бу эркакларнинг иши. Хотин киши аралашиб ишни бузиб қўйиши мумкин. Ўзинг бориб келавер.

Чол шундай деб шиппагини ечди-да, чордана қуриб олди. Чол-кампир ўзлари яшайдиган уйни эскича жиҳозлашган эди. Деразаси пастак қилиб қурилган, уйга гилам тўшалган, тўрдаги тахмонларнинг бирига кўрпа тахланган, иккинчисига, қатор токчаларга идиш-товоқ батартиб терилган. Ўкки тахмон ўртасидаги мўъжаз токчада духоба жилдга солинган «Қуръон» туради. Жилдга тилла ранг иплар билан

сура битилган. Бу «Қуръон» уй эгасининг неча аждодига хизмат қилган...

Бекир Асанович ҳар келганда чол-кампириларнинг уйида дам олишни хуш кўради. Назарида, бу уйда нур, ҳаво кўпдек. Баъзилар лўнда қилиб фариштали уй деганда, мана шундай жойни назарда тутишса керак.

Чол чордана қуриб, суҳбатни давом эттиришга улгурмай, Гулсум кирди.

— Овқатни шу ерга олиб кирайликми?— деб сўради у остонада турганича.

— Дадамларнинг уйига,— деди Бекир Асанович ўйлаб ўтирмай. Чол юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди.

Маҳмуд Расулевич Бекир Асановични пешиндан кейин қабул қилди. Барча бошлиқлар сингари у ҳам ходимларининг бир вақтда отпусका сўраб киришларини ёқтирмасди. Йил бошида отпускаи вақтлари режалаштирилганда, Бекир Асанович кузда дам олишни мўлжаллаган, директорнинг бундан хабари бор эди. Шунинг учун, Бекир Асанович илтимосини эшитиб, пешонасини тириштирди. Бекир Асанович директорнинг авзойига қараб туриб рад жавоби олажани билди-да, бўлиб ўтган гапларни айтиб берди.

— Ҳа, қизиқ аҳволга тушиб қолибсиз,— деди Маҳмуд ака унинг ҳикоясини эшитиб бўлгач.— Нима ҳам дердим, бориб келинг.— У аризага имзо чекиб узатди.

Бекир Асанович директорга раҳмат айтиб, хайрлашди-да, ўз хонасига чиқиб кетди. Аммо, ёзда Қора денгиз соҳили томонга учувчи самолётларга билет топишнинг амри маҳоллиги ёдига тушиб, қайтишга мажбур бўлди. Бунақа пайтда директор аэропортдаги таниши орқали билет тўғрилаб бериши мумкин. Шундай бўлди ҳам. Бекир Асановичнинг елкасидан гўё тоғ ағдарилди. Қувноқ бир кайфиятда тажрибахонага кирди, Зайнабдан бўлак ҳеч ким қолмабди.

— Йиғиштиришга улгуролмадим,— деди Зайнаб ҳижолат чекиб.

— Ҳеч қиси йўқ, сизга ҳалақит бермайман.

Бекир Асанович шундай деб шиша қалпоқ остида ўсаётган бугдойларни кўздан кечирди. Усиб ривожланиш учун барча шароит яратилган қалпоқ ичида бугдойнинг илдизигача кўриниб турибди. Усишдаги ўзгариш дарров кўзга ташланади. Бекир Асанович барча ниҳолларни синчиклаб қараб чиққач, бир варақ қоғоз олди-да, ўринбосарига хат ёзиб, қилинажак ишлар рўйхатини кўрсатди. «Иложи бўлса, Қримга телефон қилинг», деб кистириб қўйди.

Ҳамма нарсадан кўнгли хотиржам бўлиб, энди кетаман деб турган эди-ки, остонада аспиранти Турсун Мухторов кўринди. Хиёл ҳансирашига қараганда, устозининг кетишини ҳозиргина эшитиб, шошилиб келгани кўриниб турарди. У савол ва хавотир назари билан Бекир Асановичга қараб:

— Кетаётган эмишсиз, ростми?— деб сўради.

— Ҳа, шунақа бўлиб қолди.

— Энди ишимиз нима бўлади?

Бекир Асанович шогирдининг қўлтиғидан олиб, ташқарига бошлади.

— Бир ойдан кейин қайтаман, хотиржам бўл.

— Кузда кетмоқчи эдингиз-ку?

Шогирдининг бу саволи замирида «Кузда бора қолинг», деган ўтинч бор эди. Бекир Асанович бунга фаҳмлади. Ҳар ҳолда, унга ҳам қийин. Диссертацияси тайёр. Яқин кунларда ҳимоя қилиши керак. Уч йиллик

меҳнатининг самарасига етай деганда... Бекир Асанович шогирдининг дилида кечаётган барча ташвишларни кўзидан уқиб турарди. Шунинг учун унинг елкасига қўлини ташлаб:

— Хавотир олма, ҳимоянгга етиб келаман,— деди. Кейин тўхтаб, расмий оҳангда гапани давом эттирди,— энди сендан бир илтимос: тажрибахонадаги буғдойларни назардан қочирма. Чунки, тажриба-мизнинг меваси шуларга боғлиқ, ўзинг тушунасан.

— Хўп, қўлимдан келганча қарайман. Сизни кузатиб қўяйми?

— Йўқ раҳмат, эрталаб машина буюриб қўйганман.

Улар самимий хайрлашдилар.

Бекир Асанович нонушта қилгунча Гулсум унинг буюмларини жойлади. Сафарга нима олиш кераклигини, албатта, хотинлар яхши билишади.

Соат еттига занг урмасдан ташқарида машина сигнал чалди.

— Чойингни шошилмай ичавер, бирпас кутади.— Гулсум совуқ-қонлик билан шундай деди-да, дераза олдига бориб, «Ҳозир чиқамиз», деган маънода-таксичига қўл силтаб қўйди.

Бекир Асанович болалар ётган хонанинг эшигини очиб, остонада туриб қолди. Қизлар ширин уйқуда. Бесаранжом ётувчи Лилянинг чойшаблари одатдагидек ерда. Гуля эса уйқусида ҳам жиддий. Улғайиб қолгани сезилиб турибди. У эшикни ёпиб, хотини тайёрлаб қўйган саквояжни олди. Кеча оқшомда улар кузатгани ҳеч ким чиқмайди, деб келишиб олишганди. Шунинг учун у хотинини қучиб, ёноқларидан ўпди.

— Юрагим гаш бўлиб қоляпти,— деди Гулсум эрига кулиб қараш-га тиришиб.

— Гаш бўлиши табиий, эринг осмони фалакка кўтариладию...

— Йўқ, унгамас... Нималигини ўзим ҳам билмайман.

Бекир Асанович Гулсумни бағридан бўшатиб даҳлизга чиқди. Хотинининг кўзлари ёшдан ялтиради. Турмуш қуришгандан бери у биринчи марта ёлғиз ўзи дам олгани кетаётган эди.

У иллюминатор ёнида ўтиришни яхши кўрарди. Омадини қарангки, жойи худди шу ерда экан. Чап томонида чўққи соқолли ўзбек чол ўтирарди. Дарров танишиб, тил топишиб олишди.

— Колхоз бир дам олиб келинг, деб «Ўзбекистон» санаторийсига юборди. Меҳнатни тозза қилганмиз, дам ҳам олайлик, дедим. Сиз ҳам курортга кетяпсизми?— деб сўради чол.

— Йўқ, юртимга.

— Шундай денг, бутунлайми?

— Йўқ, шунчаки...

— Кўпчилик кўчиб кетяпти. Биз томонларда қирқтача оила кетди.

— Ҳа, кетишяпти.

— Айниқса, қариялар кетишга шошилишяпти. Мен сизга айтсам, шошилиб чакки қилишади.

Бекир Асанович ўқимоқчи бўлган газетани ёпиб, чолга савол назари билан қаради.

— Менинг акам бор эди, жойи жаннатда бўлсин ишқилиб. Самарқандда ўғли билан яшаётувди. Уч кам юзга кирувди. Набираларининг ўзи салкам бир қишлоқ. Шу денг, раҳматли «Куним битиб қолди, Фарғонага олиб бор, киндик қоним тўкилган ерда топширай омонатини» деб ўғлининг ҳоли-жонига қўймабди. Ўғли ундай деса ҳам, бундай деса ҳам кўнмабди. Хуллас, қишлоққа олиб келишди. Раҳматли бир ҳафта деганда оппа-осон омонатини топширди қўйди. Касал ҳам бўлмади, бировга оғирлиги ҳам тушмади. Демоқчиманки, жони бегона тупроққа сиғмаган, ўз тупроғига қайтишни кутган-да...

Қария чуқур уф тортди-да, жим қолди. Бекир Асанович унинг ўйларига ҳалал бермаслик учун газетани очиб, сатрларига кўз югуртирди. «Ватанпарварлар тиканли сим тўсиқ ортида...» «Хунтанинг ваҳшийликлари»...

Тиканли сим тўсиқ ва ваҳшийлик... бир-бирини инкор этмайдиган тушунчалар. Бекир Асанович сим тўсиқнинг ҳам, инсоний ваҳшийликнинг ҳам нималигини яхши билади. Қатор-қатор сим тўсиқлар орасида юрвчи автоматли фашистларнинг — икки оёқли маҳлуқларнинг ақил бовар қилмайдиган ваҳшийликларини ўз кўзи билан кўрди. Бу азоблардан сўнг ғалаба нашидасини ҳам тотди. Совет Армиясининг ҳужуми, аскарларнинг шодлиги, очлик ва азоб силласини қуритган одамларнинг ўқ еган фашистлардан автоматларни тортиб олиб, жангга кириб кетишини ҳеч қачон унутмайди. Агар у ҳам қўлига қурол олиб, ботир жангчилар сафида Эльбага қадар бормаганида, дунёдан кўзи очиқ кетган бўларди...

Самолёт қарши оқимга дуч келиб, силкина бошлади. Қария нимадир деб пичирлади. Бекир Асанович иллюминатордан қаради, пастда парқув булутлар оҳишта сузиб юрибди. Худди кенг майдонга янги терилган пахтани қуритиш учун ёйиб юборгандек. Манзилгача яна икки соат учиш керак. Парвоз пайтида вақт юракни тарс ёриб юборгудек даражада секин ўтади.

Қизиқ, қишлоғига бориб эски қадрдонларидан кимни учратаркин? Орадан салкам йигирма йил ўтди. Йиллар ўтган сайин одамлар ҳам ўзгариб боради. Дўстларини таний олармикин?

Хотиралар вақт оқимини енгиб, унинг вужудини эгаллай бошлади.

Энг аввал синфдошларини эслади. Партадоши Люба кўз олдига келди. Келди-ю, ўзи билмаган ҳолда юраги энтикди. Любани йигирма йил нима экан, юз йилдан кейин ҳам танирди. Любанинг чарос кўзлари ҳаминиша кулиб турарди. Унинг чақнаб турувчи нигоҳида ҳаётга муҳаббат, яшамоқ, севамоқ, севилмоқ орзуси бор эди. Иккита қилиб ўрилган сочлари майин, олтинранг эди. Қулоғида бошоқни эслатувчи зирак. Люба сочларини бошқача турмакляб ҳам юрарди. Аммо, унинг аввалги кўринишлари Бекир Асанович ёдида қолмаган. Сўнгги марта қай аҳволда кўрган бўлса, шундайлигича хотирасига михланган. Дарвоқе, Любанинг лаблари ҳам ўзгача эди. Худди гилосни эслатарди. У ҳам юракни энтиктирарди, ҳам хавотирга соларди. Чунки, айтган гапига жавобан бу лаблар жилмайиш ҳада этиши ҳам, қаттиқ гап айтиб изза қилиши ҳам мумкин эди.

Бекир у билан ёлғиз юрганда, сўз тополмай қоларди. Люба эса гапириб-гапириб чарчарди-да, «Сен ҳам бирон нима десанг-чи! Ё бу ерда ҳеч вақо йўқми?» деб пешонасига бармоғини ниқтаб қўярди. Шундан сўнг Бекир энди айтай деб турган гапини ҳам унутиб, бутунлай довдираб қоларди. Люба билан суҳбатлашиш оғир эди. Биринчидан, у бекорчи, юзаки гапларни ёқтирмасди. Ақлли қиз эди, ҳатто юқори синфда энг доно ҳисобланган болаларни ҳам мот қилиб қўярди. Иккинчидан, бемаънроқ гап айтиб юборсанг, очиқдан-очиқ масхара қилиб куларди. Бекир шунинг учун ҳам қизнинг олдида тилдан қоларди. Бироқ Люба нима учундир Бекирни сира масхара қилмасди. Унга қаттиқ ҳам гапирмасди. Ҳатто ўрмонга ёки тоққа сайр қилишганида ҳам «Аҳмоқона гап айтсангам майли, фақат оғзингга талқон солиб олма», деб ялинарди. Шундан кейин Бекир аҳмоқона гап айтиб қўйиш хавотиридан озод бўлиб, тилга кирарди. Она тилида ўқиган китоблари, отаси билан Симферополга бориб келгани, болалигидаги юз берган қувноқ ҳодисалар, отаси ўрмондан олиб келган кийикча ҳақида сўзлай бошларди. Люба эса қизиқиб эшитарди. Дам куларди, дам ўйга толарди, дам саволга тутарди. Любага, айниқса, халқ афсоналари

ёқарди. Бекир «Кўр ўғли», «Сайдамат Сент ўғли», «Алим»ларни русча айтиб берганда, қиз хаёлан ўтмишга қайтарди. Гўё тоғ ортидан ҳозир Дулдул учиб чиқадигандек ёки ўрмонга ялмоғизлар ўрнашиб олгандек туюларди. Шу зайлда икковлон оқшом чўкканини сезмай қолишарди.

Любанинг орзуси адабиёт ўқитувчиси бўлиш эди. Шунинг учун халқнинг урф-одатлари, қадимий маданияти, Бекирнинг ҳикоялари уни ўзига ром қиларди.

— Биласанми, ўйланиб қолган вақтингда пешонангни тириштиришинг менга кимнидир эслатади,— деди бир кун Бекир унга.

— Кимни?

— Мария Васильевнани. Сен унга тақлид қиласан.

— Бўлмаган гап. Мен ҳеч кимга тақлид қилмайман. Бўлганим ўзи шу. Лекин, мен Мария Васильевнанинг дарсини яхши кўраман. Адабиёт ўқитувчиси қанчадан-қанча қаҳрамонлар ичида бўлади. Улар билан хаёлан бирга яшайди, бирга курашади, қувонади, афсус чекади. Нечта китоб кўрса, ҳаёти шунча хилма-хил бўлади.

Оқори синфга ўтганда ҳамманинг кўзи олдида бирга юришга уяладиган бўлишди. Рая Губанова деган синфдошлари девор бўлмаса кўчани кўрадиганлар тоифасидан эди. Уларни зимдан кузатиб, Бекирнинг Любани кутиб туришию уйига кузатиб қўйишигача ҳаммасини (албатта, озгина қўшиб-чатган ҳолда) овоза қилди. «Келин-куёв» деган гап тарқатди. Мана шу аҳмоқона гап деб дўстликларига путур етай деди. Люба йиғлади. Бекир жаҳл билан болаларга дўқ қилди. Лекин, улар масхара қилишни қўйишмади. Шунда Люба бошқа партага ўтиб Бекирга «ёнимга яқинлашма», деб тайинлади. Шундан сўнг Бекир Любанинг якка-ёлғиз учрашини пойлайдиган бўлди. Орадан кўп ўтмай бир воқеа юз берди-ю, Бекир қиз билан кўп вақт юзма-юз келмайдиган бўлди.

Воқеа нимадан бошланган эди? Ҳозир эслаш қийин. Уша йили ҳаво қуруқ келиб, ҳаммани, айниқса Бекирнинг отасини қийнаб юборди. Отаси агроном эмасми, гўё қуёшнинг тиғида буғдойлар эмас, ўзи қовжираб борарди. Тонг билан кетиб, ярим тунда қайтарди. Онаси эса унга ачиниб ҳар кун ишга кузатар чоғида:

— Мунча куйиб пишасан ахир, далада юрганинг билан буғдой қайта ўсармиди. Худонинг иродаси бу,— дерди.

— Худо бизга қурғоқчиликни раво кўрибдими, демак, яна юбориши мумкин. Демак, қурғоқчиликнинг олдини олишни худо эмас, ўзимиз ўйлашимиз керак,— дерди отаси.

У кўпинча ўғлини ёнига оларди. Арава ғилдираклари поралаб юборган йўл бўйлаб боришарди. Икки томон буғдойзор. Ярим қулоч бўлмай сарғая бошлаган. Баъзилари бош тортган. Аммо, бошоқ жуда енгил—ичи пучга ўхшайди. Отаси буғдойларга узоқ тикилиб қолади-да, хўрсиниб бош чайқайди. Агар ёз бошида озгина ёмғир ёғиб бергандами, бир дунё ҳосил олишарди. Отаси кўзларини қисганча уфққа тикилди. Булутдан дарак йўқ. Осмон ҳам ташналикдан заҳил тусга кирган. Қуёш заминга нур эмас, беҳад ташвиш, ғам пуркар эди. Қишлоқ аҳли тинчини йўқотган: печларда мўл нон пиширилмайди, капгирнинг қозонга урилиши кам эшитиларди. Кўчани тўлдириб ўтувчи подада мол сийрак. Ҳамма сигирни сотиб галла олиш ҳаракатига тушган. Утган йили ҳам ем кам етилиб, мол қирилган эди. Бу галгиси ўлганнинг устига тепган бўлди.

Асан оға кафтига бошоқни олиб эзғилар, ўзича чамаларди. «Колхоз омборида ҳали дон-дун бор. Одамларнинг бор нарсаларини сотишга йўл қўймаслик керак. Бошқа колхозларда ҳам қаҳатчилик, лекин улар бор-йўқларини бозорга олиб чиқишмаяпти-ку. Раис кўра туриб кўз юмпапти. Устига устак, шу пайтда ўзига уй қурапти».



Бекир йўл четида турганча отасининг буғдойзордан чиқишини кутади. Асан оға ҳорғин қадам босади. Қовоқлари уйилган. У қурғоқчилик учун ўзини айбдор ҳис қилиб биров билан гаплашгиси келмайди. Кейинги пайтда агротехника ҳақида кўп ёзилди, кўп гапирилди. Одамлар унга ишонилган эди. Энди ундан таъна қилишга ҳам ҳақли. Хўш, у кимга ишонсин, кимга таъна қилсин? Бир томчи бўлса ҳам ёмғир юбор, деб кимдан сўрасин? Масжидда намоз ўқувчилар кунда беш маҳалдан худого нола қилиб ёмғир сўрайдилар. Уларнинг ибодатлари инobatга ўтмас экан, бир бечора агроном нима қилсин? Шудгор вақтида бўлди, вақтида экилди, бир мартагина ёмғир ёғса эди...

«Етар, табиатдан эҳсон кутиш бефойда. Энди ташналикка чидамли буғдой навини яратиш керак!» Бу фикр Асан оғага ўша дамларда келди.

Улар буғдойзор оралаб узоқ юришди. Бир парча фанерга АТУ деб ёзилган жойда Асан оға тўхтаб, бошоқларни кўздан кечирди.

— Қани, ўғлим, қара-чи, бу бошоқларнинг йўл бошида кўрганингдан фарқи бормикин?

Бекир нозик ниҳолларга қараб турди-да, елка қисди:

— Ҳаммаси бир хил-ку.

— Сен яхшироқ, диққат билан қара.

— Фарқи йўққа ўхшайди.

— Яхши қарамаяпсан. Бу бошоқларнинг дони зич жойлашган, оғирлигида ҳам фарқ бор.

Бекир чўк тушиб, отаси кўрсатган бошоқни кафтлари орасига олди. Дарҳақиқат, фарқ бор. У йўлда кела келгунча «Нима учун отам мени саҳарлаб уйғотиб бу ёққа бошлади», деб ўйлаётувди. Сабабини энди билди. Асан оға қувончини ким биландир баҳам кўриши керак эди — ўғлини танлабди. Аммо, ҳаммаёқ қовжираб ётган бир дамда бир неча бошоқ учун қувониш ўринлимикин?

— Демак, бу мушкулотни ҳал этиш мумкин экан-да.

— Эас, қаловини топсан қор ёнади дейдилар. Одам офатни кул-фатга ҳам, эзгуликка айлантириб юбориши ҳам мумкин. Яхшиси, офатнинг бутунлай бўлмагани маъқул. Одамлар вақти келиб қурғоқчиликдан қўрқмайдиган бўлишади. Мен бунга ишонаман. Мана бу ҳарфларни тушунапсанми? Билмайсан-а? АТУ — агрономнинг тажриба участкаси дегани. Шу бир парча ерга ўзгача уруғ ташлаганман. Ўтган йилги қурғоқчиликда сув бўйида ўсган буғдой билан ташналикдагисини чатиштирган эдим. Мана шуни селекция дейдилар, ўғлим.

Кун тиккага келганда изларига қайтишди. Бекир пояфзалини ечиб узун ёғочнинг учига илиб, калтакни елкасига ташлаб, олдинроқда келарди. Отаси йўл-йўлакай тўхтаб буғдойзор ораларди. Озгина юргач, Бекир иштонини ҳимарди, кўйлагини ечиб белига боғлади. Тупроқ оёғини куйдиргани учун тезроқ юра бошлади.

Рўпарада чанг кўтарилди. Кимдир келяпти... Бекир тўхтаб, аввал орқароқда қолган отасига, кейин яқинлашаётган қора нуқтага тикилиб турди. Сўнг тиз чўкканча бошоқларни кўздан кечираётган отаси ёнига қайтди.

— Дада, яна нима топдинг?

— Дунёнинг иши қизиқ, ўғлим. Манави ўтти қара — яшнаб, кўкариб турибди. Аммо, ярим чақалик фойдаси йўқ. Буғдойни худди шу кўкатларга ўхшаб ташналикка чидайдиган қилиб яратиш керак.

— Ботаника ўқитувчимиз ҳам шундай деган эди:

— Жуда тўғри айтибди. Ер юзидаги тирик жон борки, ҳар қандай шароитга мослаша олади. Буғдой ҳам шундай. Аммо, вақт керак. Узоқ чидам билан меҳнат қилиш керак.

— Ўзинг топа олмайсанми?

— Узимми? Бир одамнинг кучи етмайди. Тўғрироғи, умри калталик қилиши мумкин. Мен ўзимча ҳаракат қиляпман. Эплай оламанми, йўқми, билмайман.

Шунда Бекир отасининг тунлари китобларга кўмилиб ўтириши, тинмай ёзиш сабабларини англади. Шундай меҳнаткаш, одамларнинг гамини ёйдиган отаси борлигидан фахрланди.

— Мактабни битириб, агрономликка ўқисанг, балки бу ишни сен амалга оширарсан.

— Мен-а?

— Ҳа, нимага ҳайрон бўласан? Ҳозирдан иш ўрганиш керак. Ма-на, Николай Матвеевич Тулайков. Оддий деҳқон боласи бўлган. Отасининг ёнидан жилмай деҳқончилик илмини болалигидаёқ ўрганган. Кейинроқ ҳатто отасига маслаҳатлар берган. Кейин ўқиган. У ўқиган давр билан ҳозирги пайтни солиштириб бўлмайди.

— У дўстингми?

— Шундай деса ҳам бўлади. Доно маслаҳатни фақат чин дўстгина бера олади. Унинг китобини ўқигач кўзим очилди. Маълум бўлишича, ҳар бир бугдойнинг сувга талаби турлича экан. Демак, ташналикка чидамлиларни танлаб олиб тажриба ўтказиш керак.

Асан оға ўрнидан туриб ўғлининг елкасига қўл ташлади.

— Халқимизда уч нарса илоҳий саъалади: нон, ота-она ва аждодлар қабрига шак келтириб бўлмайди. Агар бирор кимса нон ушоғини кўра туриб, четга олиб қўймай, босиб ўтса, унинг кимлиги шундай аён бўлади. Бу ерда ҳурмат-эътибор қозонган одамнинг бўлак юртда бемор онаси қаровсиз ётганини билсам, таржимаи ҳолини ўқимаёқ кимлигини айтиб бераман. Қабрни топтаган одамнинг эса на виждони, на маслағи, на ақли бўлади.

Рўпарада келаётган одам яқинлашди. Бекир бузоқчани етаклаб шошилмай келаётган одамни дарров таниди. Қишлоқда Саттор огадек кўп болали хонадон йўқ эди.

— Йўл бўлсин, Саттор оға?— сўради Асан оға у билан сўрашиб.

— Танакелдига. Уша ерда бузоққа харидор чиқди,— деди у пешонасидаги терни кўрсаткич бармоғи билан сидириб ташларкан.— Хафа бўлма-ку, аммо, ота-боболаримиз илмсиз яшасалар ҳам, қоринлари тўқ эди. Агротехниканг силламизни қуритди. Далага қарасам, кўнглим бир хил бўлиб, юрагим сиқилади. Агар худо хоҳламаса, ҳар қанақа илминг бир пул. Гапимни оғир олма, индаллосини айтдим қўйдим. Хўп, омон бўл.— Саттор оға шундай деб йўл четидаги ўтларни чимдиб еяётган бузоқнинг арқонини сидтаб тортди.— Қани, юр, ҳаром ўлгур. Сендан ҳам қутиладиган бўлдим.

Унинг бузоққа қарата айтган гаплари Асан оғага қамчи каби урилди. «Хайр» ҳам демай, ўғлини етаклаб кетаверди.

— Кўрдингми, ўғлим,— деди бир оздан кейин у хўрсиниб.— Қурғоқчилик ҳамма ёқни ямлаб ётибди. Аммо, қўшни колхоздагилар молини сотмаяпти... Кеча Ойша хола гулдор дастурхонини ҳисобчиникига олиб бориб, эвазига ун олиб қайтибди.

— Михайло амакиникигами?— деб сўради Бекир қулоғига ишонмай.

— Ҳа, ўшаникига... Ҳаммамиз бир колхозда яшаймиз. Кемага тушганнинг жони бир деб жар соламиз. Лекин, кемадагиларнинг бири бой, бири эса камбағал. Бу инсофдан эмас-ку? Одамлар виждон билан ҳисоблашмай қўйишяпти.

— Сен тафтиш кенгашига аъзосан, айтсанг бўлмайдами?

— Аъзоликка аъзозман-ку, аммо, ҳисоб-китобда оғзинг қани деса, қулоғимни кўрсатаман. Михайло эса, пихини ёрган муттаҳам, қўлга тушириб бўлмайди.

Любанинг отасига тегишли бу гаплар Бекирга ёқмади. У ким ҳақ, ким ноҳақ билмасди. Михайло Любанинг отаси бўлмаганда, эҳтимол, Бекир Асан отанинг гапларини маъқулларди. Вужуддаги қандайдир бир куч бунга йўл бермайди. Узица Михайлони ҳимоя қила оладиган баҳоналар излайди. Лекин, бу ҳақда отасига оғиз очмайди. Қуёш тиғи бадан-баданидан ўтиб кетди. Тер кураклари орасидан ариқча каби оқадди. Пешонасида ҳам реза-реза тер. Баъзан кўзига оқиб тушиб ачиштиради.

Чорраҳага етишганда, отаси ўннга бурилди.

— Тўғрига юрсак яқинроқ-ку, — деди Бекир норози оҳангда.

— Мен бир одамни кўриб ўтишим керак, юравер, эринчоқ бўлма.

Энди улар пакана қарағай ва ёнғоқ билан бурканган тоғ ёнбағри томон боришарди. Юқорига кўтарилганлари сари довон ортидан баландроқ чўққилар, улкан қоялар аниқроқ кўрина бошлади. Сўқмоқ тиккалашиб, майда тошлар оёққа ботди. Бекир сирпаниб йиқилай деди. Шунда ҳам пойафзалини олиб киймади. Бир томондан оёғи зирқираса, иккинчи томондан очлик, ташналик силласини қуритарди.

Ниҳоят, бир довон ошиб ўтишди. Харсанглар оралаб ўтган сўқмоқ уларни сойга олиб борди. Шиддат билан оқиб тушаётган тиниқ сув наъматаклар ўсиб ётган кичик оролчага дуч келиб айри бўлар, дам ўтмай яна бирлашиб, аввалги шиддатини йўқотмай илгариларди. Улар харсангга ўтиришди. Отаси этигини ечгунча Бекир оёқларини сувга солди. Кейин ҳовучини сувга тўлдириб қониб ичди. Муздек томчилар офтобда қизиган кўкрагига тўкилиб, қайноқ сув каби сескантирарди. У юзларини ювгач, ҳовучини яна сувга тўлдирди. Қуёш кафтида акс этди. Бир зум бу мўъжизага қараб турди-да, сувни кўкрагига сепди.

Отаси ҳам ювиниб, кийиниб бўлгач, тошдан-тошга сакраб нариги қирғоққа ўтишди-да, дам ўтмай тегирмонга олиб борувчи тош йўлга чиқарди. Ярим йўлда тўхтаб дам олишди. Бекирга бу йўллар таниш. Чиллада ҳам салқин бўлувчи сой бошида жойлашган бу тегирмонга отаси билан кўп борган.

Асан оға газетадан бир парча йиртиб олиб тамаки ўради-да, тутатди. Бекирга отасининг бу одати яхши таниш. Асан оға ҳамиша шу ерда тўхтаб ҳордиқ чиқарарди. Чунки, худди шу қоя устидан бугдойзор далалар, дарахтга бурканган қишлоғи аниқ кўриниб турарди.

— Уғлим, анави майсадан юл. Кийикча шунақасини хуш кўради, — деди у ёнғоқлар соясида яшнаб турган ўтларни кўрсатиб.

Ўтган баҳорда Асан оға кийикка худди шу ерда дуч келган эди. Қуёшнинг нафаси бир оз пасайган. У даладан қайтаркан, бу сафар ҳам одати бўйича, ўрмон оралаб ўтмоқчи бўлди. Кун бўйи оташ тафтида қовжирай деган аъзойи бадани ўрмоннинг салқин уфурида ором олди. Ирмоқ сувига ювингач, бутун чарчоғи кўтарилди.

Қуёш уфққа бош қўйди. Асан оға ўрнидан қўзғолиб, кечки овқатга етиб бориш учун шошилди. Бугун Земине қошиқ ош қилиши керак. Алоҳида ҳафсала билан туғулувчи майда-майда чучваралар Асан отанинг жону дили.

Бирдан ёнғоқзорда нимадир шитирлади. Асан оға тўхтаб қулоқ тутди. Кимдир хўрсингандай бўлди. Йўқ, бу хўрсинишга эмас, инграшга ўхшаган овоз эди. Ҳаммаёқ жимиб қолди. Яна ўша заиф товуш эшитилди. У шох-шаббаларни четга сурди-ю, кўзлари жавдираб, бўйинини олға чўзганича бурун катакларини кериб турган урғочи кийикни кўрди. Кийик ўша заҳоти ўзини четга олди. Бир-икки сакраб, булоқ томонга кетди.

— Вой тентагей, мунча хуркмасанг, — деди Асан оға мийиғида кулиб. Кейин катта харсанг остидан сизиб чиқувчи, ёзда суви муздек,

қишда эса янги соғилган сут каби илиқ бўлгучи булоқ сари юрди. Харсанг ёнида яна ўша кийикни кўриб тўхтади. Кийик яна бўйинини чўзиб, кўзларини жавдиратганича турарди. У изма-из келаётган одамнинг ваҳший ёки меҳрибон эканини аниқлаб олмоқчидай ундан нигоҳини узмасди. Кейин бир қарорга келдими, яна аянчли овоз чиқариб, оқим бўйлаб яна пастга, жарлик томонга юрди. Асан оға булоқ томон бурилиб, ҳовучини тўлдириб-тўлдириб сув ичмоқчи эди. Кийикнинг бу ҳолатини, ҳаракатини кўргач, нияти ҳам ёддан кўтарилиб, беихтиёр унга эргашди. Жарликка тушаверишда, буталар орасида ётган кийик боласини босиб олай деди. Икки ёки уч кунлик жонивор одам шарпасини сезиб, ирғиб ўрнидан турмоқчи бўлдию мункиб йиқилди. Худди одам боласи каби инграб, беҳол бошини ўтлар устига қўйди. Асан оға нима қиларини билмай туриб қолди. Кейин кийикчага бир нарса бўлганини англаб, тиз чўкди-да, уни қўлга олди. Дарҳақиқат, кийикчанинг олдинги оёғи бежон осилиб қолган эди. Асан оға оёқчани ушлаб аста қимирлатди. Кийикча яна кишининг раҳмини келтирадиган хаста овозда ингради. Беҳолгина типирчилади.

— Бечорагина, шўхлигинга сиғмай сакрабсанда, а?— деди Асан оға уни эркалаб бағрига босар экан.

Асан оға кийикчани кўтарганча уйига йўл олди. Шох-шаббаларнинг қисирлашларидан сездики, она кийик кўзларини жавдиратиб изма-из келяпти. Тўхтаб, орқасига ўгирилса, кийик ҳам тўхтади. Аммо, буталар орасидан уни кўриб бўлмайди. Шом ўрмон узра чодир ташлай бошлаган эди. Кийик то қишлоқ этагига қадар эргашиб келди. Агар итлар вовиллаб ҳуркитишмаганда, бу бечора боласи дардида то уйгача бориши, кийикчанинг тузалишини тоқат билан кутиши мумкин эди.

Ўша кечасиёқ Фаришта опа деб ном чиқарган табиб кампир кийикчанинг оёғини солиб, тахтакачлаб қўйди. Фаришта опа шу атроф қишлоқларда жуда машҳур эди. Айтишларича, у илон чаққанда ҳам, энг ёмон яралар тошганда ҳам малҳам топа олар экан. Ҳатто, хотинидан совиган эрларни ҳам оиласига қайтара олувчи эмларни билар экан. Бекир бу гапларнинг қанчалик ҳақ ё уйдирма эканини билмас эди. Аммо, кийикча соғайиб кетгач, бу табибга тан берди. Икки ой деганда жонивор кўrsa кўз қувонадиган гўзал кийикка айланди. Бекир ҳар кунни ўрмонга келиб, ҳафсала қилган дамлари то булоқ бошига қадар бориб, кийик хуш кўрадиган майсалардан юлиб келарди. Кийик қўшни болалар учун ҳам овунчоқ бўлиб қолган, шу боис сара овқатлардан сира қисилмасди...

...Бекир бир қучоқ ўт юлгунча дадаси чекиб бўлди. Ота-бола яна йўлга тушдилар. Дам ўтмай дарахтзор орасида болтанинг овози эшитилди. Асан оға овоз келган томонга бурилди. Бекир раиснинг янги қурилаётган уйига биринчи келиши эди. Асан оға тез-тез юриб дурадгорга яқинлашди-да, «Решид оға шу ердами?» деб сўради. Дурадгор бош ирғаб ичкарини кўрсатгач, ишини давом эттирди. Шу пайт бурчакда бошига оқ фуражка, эгнига украинча каштали кўйлак кийиб олган Решид оға кўринди. У Асан оғани кўrsa ҳам пешвоз чиқишга ошиқмади. Оёғи билан пайрахани титди, кейин эринибгина иккита мих олди-да, токчага қўйди. Сўнг бақувватлигини синаб кўрмоқчидек устунга уриб-уриб қўйди.

— Ассалому алайкум, раис бува,— деди Асан оға унга яқинлашиб.

— Ваалайкум...— деди раис алиқнинг ярмини ичига ютиб, —даладан келяпансми?

— Ҳа, даладан.

— Бўғдой қалай, ўримни бошлаш мумкинми?

— Уриш-ку мумкин, ammo, омборга юк бўлармикин?  
 — Шунақа дегин, очигини айтсам, сен ёмон мутахассиссан. Бошқа колхозларга қара, бало ҳам урмайди уларга.

— Тўғри айтасан, мен ҳам худди шу ҳақда гаплашай деб келдим.

— Нима ҳақда? Ёмон мутахассислигинг тўғрисидами?

— Йўқ, бошқа колхозларнинг тўқ яшаши ҳақида. Утган йили қўшниларимиз биздан ошириб галла олмагандилар, эсингдами? Ҳатто биздан анча кам ҳосил кўтарганлар ҳам бўлди. Лекин, уларнинг омборлари бўшаб қолмаган. Бизникилар эса уйдаги мол-мулкларини унга алмаштиришяпти. Сабабини билмайсанми?

Бу гап, табиийки, раисга ёқмади. Қовоғини уйиб олди.

— Агроном мен эмас, сенсан: ҳосил ҳақида қайғуриш сенинг ишинг. Агар бу йил планни бажаролмасак, райондан бошқа агроном сўрайман, уқдингми?

— Кўрқитмай қўя қол. Агар мен айбдор бўлсам, одамлар кўр эмас, ўзлари ҳукм чиқариб олишади. Агар унутмаган бўлсанг, мен колхозда тафтиш кенгашининг аъзосиман. Одамлар «раис қайси маблағига данғиллама уй соляпти», деб сўрашяпти. Уларга нима деб жавоб беришим керак? Ҳаракатингни қилиб қўй, раис.

— Нима? Ким сўраяпти? Аниқроқ айт.

— Ҳамма. Сўраётганлар ҳам, сўрамаётганлар ҳам қизиқяпти. Кенгашининг текширувига хужжатларингни тайёрлаб қўй. Гап тамом!

— Гапнинг қанақасига тамом бўлишини сенларга кўрсатиб қўяман ҳали. Эсингни еб қўйибсан. Идорага бор, ҳаммаси Михайлонинг қўлида.

— Ҳисоб-китобларни ҳам бир галвирдан ўтказамиз.

— Э, билганингни қил. Осмон қўлингда бўлса, ташлаб юбор! — Усталар жимиб, баҳсга қулоқ тута бошладилар. Раис буни сезиб, улар томонга ўқрайиб қаради-да, Асан оғага қўлини пахса қилиб, ўта кўрс оҳангда дўқ қилди: — Тийин-тийинигача ҳисобла. Агар бирон нима топа олмасанг, кунингни кўрсатаман.

Қишлоқ йўлида эски портфелини кўтариб келаётган Михайлони кўриб Асан оға кулимсиради:

— Ҳисобчини безовта қилмай қўя қолай. Бусиз ҳам иши кўп. Район молия бўлимидан одам келади.

— Билганингни қил, дедим-ку! Сени ғайрлик ёндирыпти, биламан, яна бутунлай ёниб кетма, бор, сувга шўнғиб, ўпкангни босиб ол. — Раис шундай деб бурилиб кетмоқчи эди, ҳисобчини кўриб тўхтади. «Тезроқ кел» деган маънода қўл силтади.

Айтишларича, колхоз подасида Михайлонинг шахсий қўйлари бормиш. Михайло анойилардан эмаски, қўйни бозордан сотиб олиб подага қўшса. Йўқ, у энгини ўзидан чиқариб қўя қолган. Сир эмас, баъзи қўйлар эгизак қўзилайди. Айримларидан ҳатто учтадан қўзи олинади. Ҳисобчининг дафтарига биттадан қўзи ёзилади. Қолганлари, табиийки, унинг шахсий подасига қўшилади. Унинг бу ишларида бохабар чўпонлар орқаворатдан гап тарқатадилару юзма-юз келганда мум тишлайдилар. Михайло билан олишгани чўчийдилар. Ахир бутун ҳисоб-китоб унинг қўлида бўлади-ю, чўчишмайдами? Қолаверса, худо Михайлога тилдан ҳам берган. Етти пуштингни ўқиб қолса, сўз тополмай гаранг бўласан киши. Сўкишдан қониқмаса, муштини ишга солади. Яхшиси, у билан санманга бормаган маъқул. Қолаверса, раис кун боқса ҳам ҳисобчига боқсин, ой боқса ҳам, деб юради. Худо кечирмайдиган гуноҳдан раис ўтиб турган чоғда бечора подачи кимга арз қилсин. Тўрт йил илгари бўлиб ўтган воқеа ҳеч кимнинг эсидан чиққани йўқ. Колхоз Ленинградга бир вагон сара олма жўнатадиган бўлди. Ҳам русчани билади, ҳам ҳисобга пухта деб Михайлони юборишди. Орадан бир ой,

икки ой ўтди, Михайлодан дарак йўқ. Ҳамма ундан умидини узиб қўйганда, қишлоққа ҳароб бир аҳволда кириб келди. «Ўғрилар хонавайрон қилишди, хоҳ ишонинг, хоҳ жазо беринг», дебди. Айбидан ўтишди. Кейинроқ билишса, Михайло шаҳарда хотинбозлик қилиб пулини совурган. Кейин қовун тушириб, безорилиги учун қисқа муддатга қамалган экан. Яна ёпиқ қозон ёпиқлигича қолди. Раис ўтган ишга саловат, деб тургандан кейин... Қишлоқда уйма-уй кўчиб юрадиган бу гаплардан Бекир ҳам хабардор, аммо, Любага нисбатан бўлган меҳри олдида бу гаплар аҳамиятсиз туюларди...

— Салом, агроном,— деди Михайло уларга яқинлашгач,— дўст тўкин устига ташриф буюради, деганлари шу экан-да. Жуда вақтида келибсан, қани, бирга баҳам кўр.— У портфелини у қўлтиғидан бу қўлтиғига олганда, шиша жаранги эшитилди.

— Ҳа, бу ҳақиқий дўст. Сен унинг яшириб турган тошини кўрма-япсан,— деди раис тўнғиллаб, кейин ҳозиргина бўлиб ўтган гапларни айтиб берди.

Михайло Асан оғага еб қўйгудек тикилди. Кўзлари ёнди. Бугун вужуди ғазабга тўлганини бўйин томирларининг ўйнашидан билиш мумкин эди.

— Одамларни сен билан менга қарши қайраб юрганини эшитган эдим-ку, бу одам пасткаш эмас, деб ишонмай юрувдим,— деди у тишини ғижирлатиб.— Эҳтиёт бўл, қазнётган чуқуринг оёғинг остида-я!

— Михайло, жаҳлинг чиқмасин, одамлар ишингни текшириб кўришмоқчи. Шундай қилишга ҳақлари бор.

— Сен текширмоқчи бўлганларни менга рўпара қилавер, ўзим тушунтириб қўяман. Иккинчи бировларнинг ишига бурнини тикмайдиган қилиб қўяман.

— Колхоз ҳам, иш ҳам умумники...

— Менга қара, Асанбий,— деди Михайло бир оз юмшаб,— агар нон-тузимизни баҳам кўргинг келмаса, йўлингдан қолма. Яхшиликча орқангга қайт. Худо кўрсатмасин...

Бекир сергак тортиб отасига яқинлашди. Бир отасига, бир ҳисобчи-га қараб, ҳимояга тайёр турди. Михайлонинг дўқ-пўписасига отаси жаҳл билан жавоб бермади. Аксинча, кулиб қўйди.

— Ҳозир тортишганимиз билан ҳақиқат узага чиқмайди. Михайло. Сен ҳисоб-китобларингни шайлаб қўй. Икки кундан кейин тафтишни бошлаймиз. Райондан махсус одам келади.

— Қўрқитмоқчимисан,— деди Михайло кўзини олайтириб,— тушунгни сувга айт! Қўрқадиган ерим йўқ!

— Қўрқмасанг, яна ҳам яхши. Демак, келишдик-а?

Асан оға шундай деб шартта орқасига ўгирилди-да, тез-тез юриб кетди. Бекир отасига базўр етиб юрар, ким ҳақ, ким ноҳақлигини билолмай гаранг эди. «Люба эшитса, отамдан ҳам, мендан ҳам хафа бўлади». У орқасига қаради. Раис билан ҳисобчи ўша жойда турганларича уларни қаҳр билан кузатишарди.

Эртасига Бекир булоқдан сув олиб келаётганда муюлишда бир гуруҳ қизлар кўринишди.

— Бекир, юр олма терамиз,— дейишди улар. Улар орасида Люба ҳам бор эди. Аммо, у Бекирга қарамади. Бекир ўша куни олма теришга бормади. Шундан сўнг у уч кунгача уйдан чиқмади. Тўртинчи куни Витка билан Рефат келиб, балиқ овига чақиринди. Бекир бош оғриғини баҳона қилди.

— Узинг балиқ шўрва ичмоқчийдинг-ку,— деди Витка унинг қилигидан ҳайрон бўлиб.— Энди балиқларни ҳеч кимга бермаймиз.

— Балиқ шўрвангни ўзинг ичавер. Мени ҳоли қўйинглар...

Болалар хафа бўлиб чиқиб кетишди. Лекин, Бекир бунга эътибор

бермади. Ҳозир унинг учун дунё қоронғи, кўзига ҳеч нима кўринмасди.

Виктор Степаненко Бекирнинг энг қадрдон дўстларидан бири эди. Ўзи сариқдан келгани, сочлари эса бир оз қизғиш бўлгани учун уни кўпчилик Олов деб чақирарди. Дарҳақиқат, четдан разм солинса, патила сочлари аланга тилларини эслатарди. Баъзилари эса унга «Қармоқ» деб лақаб қўйганди. Витка худонинг берган куни қармоқ кўтариб юрарди. Бу лақаб шунинг учун берилганми ё унинг қармоқ каби узун озғин, бир оз эгик қаддига ишора қилинганми, ҳеч ким билмасди. Ҳар ҳолда, жуда ювош, одамшаванда бу йигитча ким нима деб чақирса қарайверарди. Лақаблардан сира хафа бўлмасди. Аммо, балиқ овига устаси фаранг эди. Дарёнинг қаерида қандай балиқ борлигигача биларди. Утган сафар Бекир ҳам у билан бирга чиққан, овлари бароридан келиб, анчагина хонбалиқ тутган эдилар. Кетар чоғлари Витка подшолар дастурхонига тортиладиган балиқшўрва пиширажақларини, бу таомнинг мазасини шундай қотириб гапирар, ўз тавсирдан ўзи лаззатланиб, лабларини чапиллатиб қўяр, бунга сари Бекирнинг иштаҳаси қарнай бўлиб, қорни очқаб борарди. Витка эса Бекирдаги бу ўзгаришларни сезиб, ҳузур қилиб куларди. Кулганида кўзлари қислиб кетар, юзидаги сепкиллар сезилмай қоларди.

Хуллас, ўша куни «подшолар дастурхонига тортиладиган балиқ шўрва»дан тотиб кўриш уларга насиб этмади. Шаҳарлик сайёҳлар дуч келиб челақда типирчилаётган хонбалиқларни кўришдию «сотинглар» деб ялиниб туриб олишди. Витка, қўли очиқ бола эмасми, пул олмай, уларга совға қилиб қўя қолди. Ушанда «Бошқа куни бундан ҳам кўп тутиб, балиқ шўрва қиламиз», деб ваъда берган эди. Шу гапига биноан келган эди, хафа бўлиб кетди.

Бекир эшик ёнидаги эгарнусха харсангга бориб ўтириб, ўртоқларидан қолгани учун афсусланди. Кийикча унинг қалбига тикан ботаётганини сезгандек тирсагини ялади. Кийик унинг кўнглини овламоқчи бўлгандай атрофида сакрай бошлади. Бекир кийикнинг бўйнидан кучди.

— Кийикжон, ҳеч нарса кўнглимга сиғмаяпти.

Шу пайт ошхонадан онаси чиқди.

— Урмонга бориб, ўтин териб кел, ўғлим. Тоза ҳавода бош оғринг ҳам тарқалади.

Онаси иш буюрганда, Бекир ҳеч маҳал йўқ демасди. Шунинг учун ўрнидан индамай турди.

— Борька-а!

Кўчадан келган овозни эшитиб, Бекир тўхтаб қолди. Уни фақат Люба шундай деб чақирарди.

— Борасанми?— деди онаси унинг тўхтаб қолганини кўриб.

— Кетяпман-ку, — деди Бекир. Кейин кўчага чиқди. Люба уни кутиб турган эди. Анча ергача жим боришди. Ниҳоят, Люба сўз очди:

— Ҳеч нарса дегинг келмаяптими?

— Нима дейишим керак?

— Даданг мен билан учрашишни таъқиқлаб қўйдими?

— Нима?.. Ким айтди?..— кутилмаган бу гапдан гангиган Бекир тўхтаб қолди. Люба ҳам тўхтади.

— Дадам таъқиқлаптилар.

Любанинг кўзида нам кўринди. У йиғлаб юбормаслик учун тескари қараб юриб кетди...

Самолёт пастга бир шўнғиб титради-да, Бекирнинг хаёлларини тўзатиб юборди. Мудраб ўтирган чол самимий оҳангда «Пардани тушириб қўйинг, офтоб кўзни оляпти», деб илтимос қилди. Бекир дарҳол унинг илтимосини бажарди. Чол раҳмат айтиб яна кўзини юмди. Қариянинг самимий илтимоси, миннатдорчилиги Бекирнинг ёдига қизи

Лиляни солди. Самимият, меҳр-оқибат инсоннинг энг буюк ҳусни эканини ҳамма ҳам тушуниб етмайди. Яқинда ота-оналар мажлисида Лилянинг муаллимаси ҳасрат оҳангида гапириб қолди... «Келажакда қандай одам бўламан?» деган мавзуда иншо ёзишни топширган эдим. Ҳамманинг орзуси деярли бир хил экан. Кўпчилик олим бўлмоқчи, кучли, ботир, жасур, ақлли бўлмоқчи, — деди у.— Аммо ҳеч ким ён атрофимдагиларга нисбатан меҳрибон бўламан, деб ёзмабди. Шу яхшими? Муаллимнинг куйинишида жон бор. Болаларни гўдаклигидан меҳр-оқибатли қилиб тарбиялаш керак. Чунки, жасурлик ҳам, буюклик ҳам шу меҳрдан бошланади. Қалбда меҳр бўлмас экан, ҳар қандай буюклик пуч бир нарсага айланади. Бағритош одам ўзини буюк деб ҳисоблайди-ю, аммо пасткаш инсон эканини сезмайди. Аксинча, чинакам буюк одамлар камтар бўладилар. марҳаматларини, меҳрларини ўзгалардан дариг тутмайдилар. Мана, академик Эркинов... Баҳор оёқлаб қолганда институтга келди. Директор йўқ эди. Орқасига қайтмай, тажрибахонага кириб ишлар билан танишди, маслаҳатлар берди. Хайрлашар чоғи «Сиз билан танишганимдан хурсандман», деб қўлини маҳкам қисди.

— Биз ўн беш йил илгари танишган эдик,— деди Бекир кулимсираб.

Наҳотки?— деди академик ажабланиб. Бекир уни кузатар экан, урушдан кейинги учрашувларини гапириб берди.

У онасини ерга қўйгач, дафтарларни олиб Тошкентга, Қишлоқ хўжалик институтига келди. Уч-тўрт одамга рўпара бўлди. Ҳаммаси ҳам дафтарни истамайгина варақлаб кўриб вақти йўқлигини баҳона қилаверди. Бекирнинг ҳафсаласи пир бўлиб қайтмоқчи бўлганда, профессор Эркиновга дуч келди. Похол шляпа кийиб олган профессор қаёққа дир шошиб турарди. Бекирнинг илтимосини диққат билан эшитгач, дафтарни қўлига олиб варақлади. Кейин хонасига қайтди. Шляпани ечмаёқ дафтарни ўқишга тутинди. Бекир бир оз тик турди. Кейин ёнидаги стулга ўтирди. Профессор сатрлардан кўз узмаган ҳолда шляпасини ечиб қўйди-да, чўнтагидан рўмолчасини олиб, устара билан қирилган бошидаги реза терларни артди. У энди қўлига қалам олиб хошияларга белги ҳам қўярди. Профессор дафтарни ўқиб бўлгунча қаршисидаги аскар йигитга қараб ҳам қўймади.

— Буни ким ёзган?— деди у сўнгги саҳифадан кўз олгач.

— Дадам.

— Узи қаерда?

— Фашистлар...

— Ҳм... тушунарли. Хўш, муддаоингиз нима?

Бекир елка қисди.

— Агар фойдали гаплари бўлса, шу ерда қолдираман. Отамнинг меҳнати зое кетмасин, дейман.

Профессор бир оз ўйланиб қолди.

— Қаерда яшайсиз?

— Бекободда.

— Ишлайсизми?

— Ҳозирча муқим ишим йўқ.

— Менга қаранг, назаримда сиз бу меҳнатнинг қадрига етадиганга ўхшайсиз. Бўлмаса кўтариб юрмас эдингиз.

Профессор ўрнидан туриб Бекирнинг ёнига келди. Бекир турмоқчи эди, елкасига қўлини қўйиб жойига қайтарди.

— Назаримда, бу дафтарлар отангиздан қолган ягона, айни чоқда, бебаҳо ёдгорлик, мерос ҳам бўлар. Меросхўр бўлганингиз учун ҳам сиз бу ишни чала қолдирманг.

— Мен деярли ҳеч нарсани тушунмайман-ку?



— Гап шунга бориб тақаляпти, азизим. Тушуниш учун ўқиш керак. Бизнинг институтга кириб ўқинг.

Орадан кўп ўтмай, Бекир Меметов олий ўқув даргоҳининг талабаси бўлди.

Кейинроқ Бекир профессор билан кўп учрашди, дарсларини тинглади. Лекин, Эркинов дафтар кўтариб келган аскар йигитни бошқалар орасидан ажратиб ололмас, саломига самимий алик олиб ўтиб кетарди. Кунда ўнлаб одам билан муомала қилувчи илм соҳибининг шундай бўлиши табиий эди.

Бекир Эркинов билан учрашгани учун ҳам тақдиридан мамнун эди. Олимнинг меҳри сабаб бўлиб у ҳаётда ўз ўрнини топди, отасининг ишини давом эттирди. Мана, ўн беш йил деганда унга миннатдорчилигини изҳор этишга имконияти туғилди.

— Раҳмат айтишингиз ортиқча, азизим,— деди академик машинага ўтираркан.— Мен фақатгина одамзод зиммасидаги ишни қилган эканман холос. Ҳар бир тирик жон умрини бошқаларга яхшилик билан ўтказиши керак, тўғрими? Емондан дод қолади, деб бежиз айтишмаган...— У шундай деб эшикни ёпди.

«Агар ҳар бир одам шу киши айтгандай иш тутса, ер юзи тамоман жаннатга айланарди», деб ўйлади Бекир, қора «Волга»нинг изига қарар экан...

(Давоми келгуси сонда)

Русчадан Тоҳир МАЛИК таржимаси.





Барот Бойқобилов

# Шукрхли Карвон

ШЕЪРИЙ РОМАН

Аҳли дард, аҳли фазл айлаб  
 эҳтиром,  
 Гадога садақа қиларди инъом,  
 Ширали овози оламни тутиб,  
 Гадо эканини ўзи унутиб,  
 Ул ёниб куйларди бир ошиқ мисол  
 Айрилиқ дардидан қадди бўлиб  
 дол.

Навий гадони тинглади узоқ,  
 Байтнинг сир-асрорин билмади  
 бироқ.

Сўнгра дил меҳрини этгали изҳор,  
 Садақа берди-да соҳибга, ночор

Мадраса томонга шаҳдам йўл олди  
 Ва лекин хаёли гадода қолди.

## Ун учинчи қўшиқ

Навий қалбида ишонч барқарор,  
 Умид офтобидан олам шуъладор.  
 Мадраса таҳсили завқидан  
 хурсанд,  
 Ўз она шаҳрига ўхшар Самарқанд.  
 Фазлулло Абулайс қилур ифтихор,  
 Доно толибидан кўнгли бахтиёр.

Навий туйфайли ҳар қандай  
 жумбоқ  
 Юз очар мисоли турнакўз булоқ.  
 Шуур осмонида мезонул авзон  
 Камалак рангида бўлур намоён.  
 Назм гулшанида гўёки булбул  
 Субҳи шом навозиш қилади кўнгул.

<sup>1</sup> Давоми. Боши журналнинг 3-сониде

Навқирон шоирлар қалбига  
Улуғлар тилида номи сарафроз.

Мадраса ҳужраси ораста, шинам,  
Ул учун гўёки қасри муҳташам.

Кўнглида юрт ҳажри этганда  
Дўстлар дийдорини қўмсаганда

Хуросон қарвони билан доранда  
Бир мактуб келтирмиш бугун

Ҳусайн Бойқаро номасидир бу,  
Азиз дўст нафасин сабосидир бу!

Доранда ташрифи кўнглин чоғ этди  
Ва наврўз субҳида кўнглин тоғ

Мактубни оҳиста ул тавоф қилди,  
Кўз нури қоғозга дурдек тўкилди.

Машҳад боғларидан эсмиш  
Навоийга гўё узатмиш бода:

«Азизим, Алишер! Сизсиз бу кўнгул  
Айрилиқ даштида нолаваш булбул.

Сиз кетиб, сунанчи тоғим қолмади,  
Ҳирий ёт ўлдию боғим қолмади.

Найлайин, ёнимда арконим йўқтур,  
Танимда мадору дармоним йўқтур.

«Бас эмас менга ҳам ўз ўтум ҳам ёр ўти  
Ким, анга афзун дағи бўлмиш яна бир зор ўти.  
Ўз ўтум кўнлумга офат, ёр ўти жонга бало,  
Боиси андуҳу дард ул бедили бемор ўти.  
Бу бало барқи, ул офат дўзахи кўр турфақим,  
Тез этар бу иккини бир хотири афгор ўти.  
Бўйла уч ўт бир кўнгулга тушса куймай найлагай,  
Ўйлаким, булбул ўтию, гул ўтию хор ўти.  
Жону кўнглум бирла бағрим куйди бу уч ўт била,  
Яхши боқсам, юз тамуғча ҳар бирининг бор ўти.  
Ўз ўтум, ё ёр ўтига гарчи таскин берса ашк,  
Ваҳ, ани найлайки, қилгай юз чақин изҳор ўти.  
Гар Ҳусайнийга бир ўтлуғ юз ғами ўт солмаса;  
Бас нечук оламни куйдурди Навоийвор ўти».

Навоий мактубдан беҳад қувонди,  
Халойиқ дардидан дил оловланди.

Унгида жонланди Машҳад манзари,  
Ардашер, Турбатий... Дўстлар

сарвари —

Махдум Ардашерга йўлланмиш  
Кўнгул кулбасини этмиш вайрона.

Бошимга тошини ёғдирмиш афлок,  
Гурбат оқшоминда мужгоним

Ашким сиёҳ айлаб этдим арзиҳол,  
Дил ғамин хазондек учурмиш

Камдастлиғ тунида мадад бўлғай  
Кўнгул таскин топмиш ҳадя

Бу олам боғида омон бўлғайсиз,  
Дўсту ёр танига дармон бўлғайсиз.

Султон Абусаид дастидан ҳамон  
Жанг-жадал домида инграр

Мавзилар вайрона, кулбалар хароб,  
Силласи қуриган эл бағри кабоб.

Қачон тамом бўлғай бул зулму озор,  
Ё Ҳирий устига от сурмак даркор?

Алишер, қарорим ўлса гар манзур,  
Умидвор кутгаймен сиздин бир

Мактубга бир ғазал илова этдим,  
Гўёки бир лаҳза дардни унутдим».

Бойқаро номига битиб бир мактуб,  
Самарқанд васфида сўзлар айтди

Хаёл гирдобида ғарқ бўлиб боши  
Шафаққа ранг бермиш дилин

оташи:

«Юрт обод бўлмаса осойиш  
 бўлмас,  
 Осойиш бўлмаса оройиш бўлмас. —  
 Халойиқ бошига бўлгали паноҳ  
 Даркордир Бойқаро янглиғ бир  
 подшоҳ.

Султон Абусаид дағал ва тундху,  
 Токай сарвар бўлғай Хуросонга у.  
 Бойқаро ҳар нечук адолатпарвар,  
 Темурийлар аро моҳир суханвар.

Мулки назмда ҳам хушрав қалами,  
 Дилбар ғазаллари жоннинг  
 малҳами,

Ашъор деб ким олса илкига қалам,  
 Қалами қошида қилич боши хам.

Хуросон мулкига шоҳ бўлса шоир,  
 Балки, эл қалбидан терар жавоҳир.

Хали Абусаид қўли баланддур,  
 Навкарлари эса дажжол.  
 монанддур.

Бойқаро лашкари беролмагай дош,  
 Айламак лозимдур сабр ва  
 бардош!»

Навой ёдидан шу гаплар ўтди,  
 Сўнг эса ул хатни элчига тутди.

Хат билан музаффар ғазал  
 лашкари  
 Мардона йўл олди Бойқаро сари.

«Меҳрдин дерменки бўлсам доим ул ойим била,  
 Найлайнким чарх эврулмас менинг ройим била.  
 Ҳажр аро мандурмену бир оҳу бир хам қоматим,  
 Ғам чериги хасму мен бу навъ ўқ-ёйим била.  
 Аҳли мажлис куйдурур тилин кесиб, бошин узуб,  
 Шамъ даъво қилса моҳи мажлис оройим била.  
 Кўҳи дарду тешаи ҳижронни сўр Фарҳоддин,  
 Англамас Хисравки Ширин бирладур дойим била.  
 Хуснига ҳар лаҳза ҳайронроқмен охир яхшидур,  
 Улмасам ногаҳ бу ишқи ҳайрат афзойим била.  
 Бўлмайин дайри фано ҳаммори гар қилсам бадал,  
 Зоҳиди худбин ридосин бода полдойим била.  
 Дам-бадам мискин Навойнинг дегил қон  
 ютмоғин,  
 Эй қадаҳ, гар ҳамдам ўлсанг бода паймойим била».

Лутфи лазиз шоир васлидан  
 хурсанд,  
 Камоли эҳтиром қалбига пайванд —

Доранда, номани олиб шу замон  
 Навой ҳужрасин тарк этди шодон.

## Ўн тўртинчи кўшиқ

Боғишамол аро наврўз айёми,  
 Гул бўлиб сочилмиш кўклам  
 илҳоми.

Уриклар бошида оқ шоҳи рўмол,  
 Ноз билан боқар шўх келинчак  
 мисол.

Ҳарирга чулғанган нозанин гўё  
 Оқ олма ҳуснида сеҳру илтижо.

Боғаро сайр этиб ари йиғар бол,  
 Қушлар нағмасида саодатли ҳол.

Атрғул узатар қирмизи бода,  
 Настаран юзидан ўпар шаббода,  
 Кўзларни сеҳрлар нарғиз чамани,  
 Боғаро қизиган гул анжумани.

Амир Арҳангийнинг сўлим боғида,  
 Наврўзи оламнинг гул қучоғида

Сурурли табиат нашъасидан маст  
 Шоирлар қалбига шеър ишқи  
 пайваст.

Навой, Мирзобек, Жамшид  
 Садоий,  
 Риёзий, Ҳаримий, Юсуф Сафой,  
 Юсуф Бадий ва Бақой, Нодир.  
 Хитобий, Файз Маҳмуд, Маъсуд  
 Ақобир

Юзин кўрсатганда гули намозшом,  
 Лутф бирла боғ аро айлашиб  
 хиром,

Наврўз ясантирган боғ этагида,  
 Улуғбек ўтқазган чинор тагида

Кўҳакдай мавж уриб баҳорий  
 илҳом,  
 Нафосат мажлисин диллар этмиш  
 ком.

Назми турк сеҳридан диллар  
 дурафшон,  
 Назми форс сеҳридан тиллар  
 дурахшон.

Икки чашми сиё — бул икки забон  
 Ва лекин бир дилда бўлур намоён.

Туркигўй шоирлар сурганда қалам  
 Ўз она тилидек янграр форсий ҳам.

Форсигўй шуаро назмини безар  
 Туркий уммонидан терилган  
 гавҳар.

Дил билан тил каби бу тиллар  
 сирдош,  
 Гўёки бир қалбада икки зўр қуёш.


Форсий узук бўлса, туркий кўз  
 эрур.  
 Туркий қўшиқ бўлса, форсий сўз  
 эрур.

Бу икки қардош тил сеҳри туфайли  
 Наврўзга файз бермиш шеърят  
 сайли.

Бу тиллар лутфидан ғазалсаролар  
 Назми ишқ боғида бағрин поралар,

Ҳаримий ўқиган ғазал барқ мисол  
 Қалбларга нур сочиб, этиб қўйди  
 лол:

«Неча йиғлай шаъмдек ҳажрингда  
 ёрим, кечалар,  
 Оҳ ким куйдурди доғи интизорим  
 кечалар».



Расмларни А. ҲОЛИҚОВ чизган

- Ҳаримий Қаландар ўтлиғ зорига,  
Мажнунвор кўнгилнинг мунглиғ  
торига
- Ҳамоҳанг дилларда гирён қилди  
ишқ.
- Гирён тўфонида туғён қилди ишқ.
- Ишқдан яқоси чок бўлиб Навоий,  
Наврўз Кўҳакидай тўлиб Навоий,
- Ҳаримий ҳажрига ахтариб малҳам,  
Ғазал матлаини айлади рақам.
- Дедким: «Бул матлаъ Сиздин  
бир ёдгор,  
Авлодлар дафтарин безар бул  
ашъор».
- Ҳаримий бул бахтдан тамоман  
лолдир,  
Навоий қошида қадди ҳилолдир.
- Машварат файзидан Навоий  
шодон,  
Кўнгил кўкида йўқ булутдан нишон.  
Юсуф Бадийга қилиб ишора,  
Давом этсин, дейди, баҳс —  
мушоара.
- Андижон элидан келгандан буён  
Навоий билан ул дўстдир қадрдон.
- Битта мадрасада олишиб таҳсил  
Яқин бўлиб қолган эди икки дил.
- Навоий ёнидан жилмай бир қадам,  
Жонига дармонди, дардига ҳамдам.
- Баланд эди унинг салоҳияти,  
Чашмадай пок эди дилда нияти.
- Сахв пайдо бўлса шеърда агар  
Ислоҳ қилар эди шоир ҳар сафар.
- Навоийдан ўзга бирорта шоир  
Сўз айта олмасди шеърига доир.
- Дўстлар дерди уни: «суҳбати  
жонон»,  
Сўз била ўликка бахш этарди  
жон.
- Арузда Бадий эди беназир,  
Шеърига Самарқанд эди мунтазир.
- Ул икки забонни билса ҳам аъло,  
Туркийда қалами эди бебаҳо.
- Ва лекин Бадий бу сўлим оқшом  
Форсий гулзориди кезди хуш  
илҳом.
- «Гар бад-ин обуҳаво қуяд бувад,  
манзилғаҳам,  
Не зулоли Хизр бояд не дами  
русуллаҳам».<sup>5</sup>
- Дилларни бу матлаъ забт этиб  
олди,  
Тилдан-тилга ўтиб, ёд бўлиб  
қолди.
- Бадийга дўстлар деди офарин,  
Ул мақтов кўкида кўрди ашъорин.
- Навоий шоирга умид боғлади,  
Ўтли ғазалларга кўнгилни чоғлади.  
Дўстлар қутловидан Бадий  
лолдир,  
Таъзим бажо айлаб қомати долдир.
- Севинч ёғдулари порлар кўзида,  
Мамнунлик туйғуси янграр сўзида.
- Бадий назмидан ўзида йўқ шод  
Юсуф Сафойнинг дил боғи обод.
- Мактабдош тенгқурин,  
ҳамшаҳарини,  
Самарқанд элида ҳамсафарини,
- Битта нонни баҳам кўрган дўстини,  
Ғарибликда ҳолин сўрган дўстини
- Бағрига олди-да, қучди Сафой,  
Гўё завқ кўкида учди Навоий,
- Сўнг эса таъзим-ла дўстларга  
боқди  
Ва илҳом париси дилга ўт ёқди.
- Сафой лафзига форсий бериб зеб,  
Тилидан бир ғазал учди — андалиб:
- «Менамойд гоҳи чавлон наъли  
шабрангат ба чашм,  
Чун маҳи к-аз назар созанд  
мардум ғойибаш»<sup>6</sup>
- Сафой назмидан қувонди дўстлар,  
Кўҳистон сойидек тўлғонди ҳислар.
- Риёзий серҳунар Боғи Даҳрда,  
Хуш илҳом қалами тезқадам  
шеърда.
- Хаёлига келган фикрни дарҳол  
Назм риштасига тизар бемалол.
- Ғазални оҳангга солиб Риёзий,  
Завқ билан тараннум этади ўзи.
- Ул қўли сеҳргар ҳаттоти хушхат,  
Эларо суюкли котибни хушбахт.

Гоҳ жавлон урар ул сўз чаманида,  
Олиму фузало анжуманида.

Марҳамат гулидан Риёзий мамнун,  
Навоий лутфидан дилида тўлқин.

Завқ бирла ўқиди ғазалини ул,  
Гўё гул қошида дилафкор булбул.

Аҳли шеър шоирга деди: тасанно!  
Ул эса ўзига қўйгандек бино,

Дўстлар мақтовидан кўнглида  
хузур.  
Навоийга нигоҳ ташлади мағрур.

Ва лекин Навоий ўй суриб бир оз  
Ушбу байтга эса қилди эътироз:

«Ситораест дури гуши он ҳилол  
абру,  
Зи руи ҳусн ба хуршед мезанад  
паҳлу»<sup>7</sup>.

Бу байтда бор эди катта бир  
нуқсон  
Ва таҳрирга муҳтож эди бегумон.

Навоий ёдида этди-да такрор  
Байтни тузатмакни қилди ихтиёр.

«Хуршед» нинг ўрнига қўйди «моҳ»  
сўзин  
Ва ойга ўхшатди дилбар ёр юзин.

## Ўн бешинчи қўшиқ

Улуғбек илмга жонни этиб бахш  
Маърифат қасрига чекди олтин  
нақш.

Бу қасри олийда эларо донгдор  
Олимлар баҳсига гумбази даввор,

Субҳи-шом барқ янглиғ берди  
акс-садо,  
Бу садо нурига йўғрилди дунё.

Салтанат бошида турди Улуғбек,  
Маърифат бошида турди Улуғбек.

Ва лекин аҳли дин тигга уриб даст,  
Мунажжим жонига этди суиқасд.

Улуғбек қатлидан титраган даврон  
Зулмидан бўлмади фан қасри  
вайрон.

Қошини ҳилолга қилди-да қиёс,  
Сирғасин юлдузга этди жилвасоз.

Мисралар ўрнини ўзгартириб сал  
Мазкур байтга берди бетимсол  
сайқал.

«Зи рўи ҳусн дури гуши он ҳилол  
абру,

Ситораест, ки бо моҳ мезанад  
паҳлу»<sup>8</sup>

Навоий таҳририн маъқуллар  
дўстлар  
Ва Риёзий сари юзланар кўзлар.

Ўжарлик отига қўндириб эгар,  
Риёзий жаҳлноқ безанглаб кетар.

Риёзий важҳидин Навоий мустар,  
Баҳсин кузатарди хомуш ва бесар.

Бирор сўз демади Риёзийга лек,  
Оҳиста даврани тарк этди, бекек,

Икки байт устида баҳс ўти ёнар,  
Диллар шафақ янглиғ

алангаланар.  
Адолат юзидан берганда баҳо,  
Навоий ҳақ эди, таҳрири аъло.

Боғаро сайр этар Навоий ҳайрон,  
Риёзий ҳулқидан дил уйи вайрон.

Уфқни ол айлаб ботмоқда қуёш,  
Қонли чўққидаги мисли тиллабош.

Мунажжим назари тушган одамлар,  
«Зиж»га ўз юлдузин қўшган  
олимлар

Улуғбек расадин қилиб ҳимоя,  
Азият чекишди билониҳоя.

Самарқанд бошига тушган  
савдолар,  
Оқпадар фарзанддан қўпган  
ғавғолар

Абусаид бирлан яна олди авж,  
Қурумдек қоплади эл дилини ранж.

Дунёвий илмдин таълим берса ким  
Мадраса ёт бўлди, ёт бўлди илм.

Эл севган шоирлар кўнглин босди  
ғам,

- Маддоҳлар саройдан топишди  
карам.
- Салтанат лангарин дин пешволари  
Қўлида ўйнатди хома сингари.
- Вале Абусаид қалбида туғён  
Урарди азалдан фатҳи Хуросон.
- Султоннинг орзуси топдию қарор  
Ғавғолар тўфони босилмай, хунхор,
- Бало шамолидай кўчди Ҳиротга,  
Самарқанд ҳасрати учди Ҳиротга.
- Султон Аҳмад Мирзо бўлиб  
ҳукмрон
- Осойиш топгандай кўринди замон.
- Буюк мунажжимнинг расадхонаси  
Бўлди яна илму фан кошонаси.
- Яна ариқларда сув оқди тўлиб,  
Гунчалар гул ёзди навбахор бўлиб.
- Навоий толеи кулди ойсимон,  
Самарқанд элидан топди меҳрибон.
- Улуғбек ҳамсабоқ улуғ олимлар  
Ва ундан нур эмган қутлуғ олимлар
- Давраси бўлдию унга муяссар  
Илм уммонидан ахтарди гавҳар.
- Улуғбек даҳосин порлоқ зиёси —  
Навоий кўнглининг меҳри гиёси!
- Бугун ҳам файзнок ҳикмат гулзори,  
Устодлар васлидан гулзор узори.
- Ҳожа уҳд Мастуний — соҳиби  
фунун,
- Илм остонига эрур бир стун.
- Фалакиёт ичра зўрдир шуҳрати.  
Барқдин шиддаткордир ақлин  
суръати.
- Навоий бу элда ул бузургвор  
Суҳбати завқидан эрур бахтиёр.
- Мана Хожа Хисрав — эларо  
машҳур,
- Мирзо Улуғбекка мударрис эрур.
- Толиблар бошини силар бул падар,  
Мурувват чароғи дилларда ёнар.
- Муҳаммад Олимнинг толеи порлоқ,  
Ул «Улуғбек Мирзо билан  
ҳамсабоқ»,
- Шўхтаъблик азалдан хислатига ёр,  
Аскияда эса тенгсиз, беғубор.
- Ва лекин илмда номи мукаррам,  
Назм боғига ҳам қўйгандир қадам.
- Мавлоно Соилий — нозик табнат  
Сареул қаламдир, котиби хушхат.
- Ул агар бир ғазал айласа рақам,  
Жилва бирлан боқар юзига олам:
- Ой каби танҳо ул ўз замонида,  
Топилмас Навоий Хуросонида.
- Мана Жалолиддин Лутфулло фақир  
Аҳмад Ҳожибекнинг мударрисидир.
- Илм бирла назм сингган қонига  
Ва бир лаҳза ором йўқдир жонига.
- Нафосат мажлисин сеҳридан ул зот  
Кўзига ғаройиб кўринар ҳаёт.
- Қутбиддин Санафий — илми  
табобат
- Мулкида эл аро қозонмишдир от.
- Бемор кўзидан ул дардини билар,  
Шифобахш меҳридан кулади  
диллар.
- Фазлулло Абулайс машҳури олам,  
Аъламул-уламо дея олган ном.
- Саид Шариф билан фахр этар бул  
зот,
- Дарс айтурга ул зот берган ижозат.
- Абу Ханифаи соний фикҳда ул,  
Арабийда Ибн Ҳожиб берган қўл.
- Шеър ва муаммога фақиҳ майли  
зўр,
- Суҳбатин тинглаган жон қилур  
ҳузур.
- Навоийга эса қилиб илтифот  
Фарзанди қатори кўради бул зот.
- Шул ажиб даврада Навоий шодон  
Ҳикмат дурларидан тизади маржон.
- Суҳбат гули бўлиб Улуғбек номи  
Дур билан безайди етти оламни.
- Навоий қалбида чашман илҳом  
Мавж урмиш бамисли наҳри  
эҳтиром.
- Улуғбек шаънига айтмоқ учун сўз  
Бир сачраб қўзғолди, балққандек  
юлдуз.
- Шоирга ҳавасманд қадалди кўзлар,  
Нигоҳи ўтидан нурланди юзлар.



Жисм аро жонида оташнок сурур,  
Лафзидан сочилар бу оламга нур:

«Темурхон наслидин Султон  
Улуғбек,  
Ки олам кўрмади султон анингдек.

Анинг абнойи жинси бўлди барбод,  
Ки давр аҳли баридин айламас ёд.

Ва лек ул илм сори топти чун даст,  
Кўзи олдинда бўлди осмон паст.

Расадким боғламиш — зеби  
жаҳондур,  
Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Билиб бул навъ илми осмоний,  
Ки андин ёзди «Зижи Кўрагоний».

Қиёматга декинча аҳли айём,  
Езарлар онинг аҳкомидин аҳком».

Суҳбат аҳли «ваҳ» деб юборди  
бирдан,

Улуғбек мангулик топди бу  
шеърдан.

Кўзлар чақнаб кетди, жунбушда  
қонлар,  
Фаҳрдан оромин йўқотди жонлар.

Навоий олқишдан ҳаяжонда, лол,  
Илҳом тулпориди қутлар истиқбол.

Мастуний дедиким: «Зижи Кўрагон  
Башарга кашф этмиш янги бир  
осмон.

Бул осмон юлдузи беҳисоб эрур,  
Барчаси заминга бирдек сочмас  
нур,

Гар чўлпон безаса субҳ рухсорини,  
Ҳулкар тунга сочмиш ўз шарорини.

Вале Улуғбекнинг юлдузи монанд  
Навоий юлдузи порлагай абад».

Мастуний лафзининг оҳангидан  
маст  
Шараф тожин кийиб деди Абулайс:

«Улуғбек васфини бирорта шоир  
Навоий сингари айтмаган моҳир.

Бул дурри ноёб-ла ғазал султони  
Тожини безагай иқбол даврони».

Мавлоно Соилий тутиб мусаллам  
Бул назм дурина айлади рақам.



Ва деди: «Навоий — комил  
истеъдод,  
Туркийда «Хамса»ни ул қилгай  
ижод».

«Мавлоно Соилий, бул бир хаёлдур,  
Туркийда «Хамса»ни битмак маҳол-  
дур».

Даргоҳ остонидан боқиб такаббур,  
Риёзий тиржайди, дилида ҳузур.

Илми кўп бўлса ҳам ҳилми йўқ бул  
зот  
Турқидан йўқотди файзин мулоқот.

Ва лекин Сонлий унга шу замон  
Ҳикмат қутисидан дур этди эҳсон:

«Навоий «Хамса»ни битмакка  
қодир,  
Ки тошга қўл урса бўлур жавоҳир.  
Вале ўзгаларга дур ҳам бўлур тош,  
Назмда барча ҳам эмасдур  
наққош».

#### Р и ё з и й

Туркийда азалдин сўзлашур авом,  
Авомга «Хамса»ни ким ҳам этар  
ком...

Бул баҳснинг танобин тортиб  
Абулайс  
Бахш этмак истайди мулоқотга  
файз:

#### Ф а з л у л л о А б у л а й с

Азизлар, айбнок эмасдур авом,  
Авом бирла бизлар кўрдик эҳтиром.

На «Хамса», ул муҳтож туркий  
назмга!  
Лутфийдек улуғ зот келиб таъзимга,

Навоийнинг икки байтига ушбу,  
Ун икки минг байтин бермак истар  
у.

«Оразин ёпғоч кўзумдин сочилур  
ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз,  
ниҳон бўлғоч қуёш».

Азизлар, форсийда ўзга бир оҳанг  
Ва лекин туркийда мўлрак эрур

Умидим комилким Навоий бир кун  
«Хамса» рақам этса, эл бўлғай  
мамнун.  
ранг.

Абулайс пандидан Риёзий тажанг,  
Мағлуб дил лашкарин қистар эди  
жанг.

Навоий жиловлаб баҳс тулпорини  
Риёзийга деди дил қарорини:

«Форсий ила туркий — икки чўнг  
наҳр,  
Бул икки наҳрдин эл олур баҳр.

Ва лекин туркийда сўзлар кўпрак  
эл,  
Дилида пинҳондур тилисми асил.

Таъна тошларини отманг элга ҳеч,  
Эл газаби тошса, кор қилмас ўкинч.

Қўл тегмаган кондур туркий  
махзани,  
Дуррини эл учун харж қилгум ани.

Форсий хазнасиндин бойдир бул  
махзан,  
Туркий — ўз элидек улкану ахсан.

Филдай қудрат керак «Хамса»  
битмакка  
Ва икки қўл билан элга тутмакка.

Туркий махзанини ўндин бирини  
«Хамса»га харж этиб, эл ғурурини

Қим этгай, азизлар, тоғдек  
сарбаланд?!  
Бул савол олдида ожиз Самарқанд!

Ҳирот ҳам!.. Ва ҳатто мулки  
Хуросон!..  
Даркордур Хусравдек буюк  
паҳлавон».

Навоий лафзидан аҳли мулоқот  
Шуури барқланди... Гўё коинот

Бағрида сузарди иқболи заврақ,  
«Хамса» юлдузининг нуридан  
завқнок.

## Ун олтинчи қўшиқ

Шаҳарга тарқалди нохуш бир  
хабар,  
Дилларга санчилди гўёки ханжар.

Халойиқ «ваҳ» дея яқосин тутди,  
Қайғули хабардан ўзин унутди.

Кўнгиллар кўкидан — айлаб  
муножот  
Орзулар юлдузи қулади, ҳайҳот!

Мажруҳ бургут янглиғ зорланди  
башар,

Тиллардан чақмоқдек учди:  
«Алҳазар!»

Осойиш излаган эркпарвар жонлар  
Қалбидан дард бўлиб сирқиди  
қонлар.

Самарқанд жонталаш икки ўт аро,  
Буюк обидалар гунг, мотамсаро.

Истибдод домида инграган даврон  
Фигонидан бағрин тиғлар Регистон.

Намозшом Ҳиротдан келган  
хабардан  
Осойиш йўқолди бутун шаҳардан:

Тағин Абусаид ҳаддидан ошмиш,  
Улусга нафрати сел бўлиб тошмиш.

Қасос камонидан отилган ўқдан  
Навқирон бургутлар қуламиш  
кўқдан.

Уксик ноласидан титраб Хуросон  
Ҳирот осмонини қопламиш фиғон.

Баланд тоғлар оша бу хунук нола  
Самарқанд юрагин айламиш пора.

Бу мудҳиш ноладан Аҳмад Мирзо  
ҳам

Кўксарой қасрида маҳзун, боши  
хам.

Кўнгли ғаш — падари  
бузрукворидан.

Жони азобдадир улус зоридан.

Аҳмад Ҳожибекнинг руҳин эзар ғам,  
Кўнгли ёришмагай ёққан била

шам.

Фазлулло Абулайс дарди бешумор,  
Фитналар зарбидан кўнглида озор.

Навоний қошига йўл олур аста,  
Ҳирот хабаридан юраги хаста.

Ораста ҳужрада ижод билан банд  
Навоний қалбига эл ишқи пайванд.

Ҳужра остонига қўйдию қадам  
Абулайс кўнглида жунбуш қилди  
ғам.

Навоний ўрнидан сачраб қўзғолди,  
Устод ҳолатидан ҳайратда қолди.

Пешвоз чиқдию ул истиқболига,  
Лол боқди бу ҳолнинг чигал фолига.

Устоднинг кўнглига бермай деб  
озор  
Қошида бош эгди шоир ғамгузор.

Абулайс, Навоний бошини силаб,  
Қамоли умрига фотиҳа тилаб,

Кўнглини эзган дард чокини сўқди,  
Азамат шоирнинг қаддини букди.

### Фазлулло Абулайс

Мавлоно Навоний, мудҳиш хабардин  
Жонимда ором йўқ субҳи саҳардин.

### Навоний

Тағин не ҳодиса рўй берди, устод,  
Фароғат кулбасин не этди барбод?

### Фазлулло Абулайс

Бир бойқуш оромим барбод айлади,  
Тунга ларза солиб, фарёд айлади.

Тонгғача қўнмади кўзимга уйқу,  
Кўнгул ошёнига чанг солди қайғу.

### Навоний

Огоҳ этинг устод, не бўлди содир,  
Балокаш қайси бир бандаи мақхур?

### Фазлулло Абулайс

Тағин қатағонда қолмиш Хуросон,  
Шарордек сачрамиш эл бўғзидин  
қон.

Ҳирий кўкин тутмиш фиғон оҳанги,  
Қон билан ювилмиш қиличлар  
занги.

## Навой

Бойқаро қошига ул тортиб лашкар  
Яна кўтардиму бошинда ханжар?

Фазлулло Абулайс

Хусайн Мирзодек чаптаст баҳодир  
Хуросон мулкида ёвқур, танҳодир.

Ул Султон шамширин синдирмаса

Улуснинг қонидин замин ранг олар.

## Навой

Бонси не эрур Ҳирот ғавғосин,  
Англамак истаймен кечмиш

савдосин?

Фазлулло Абулайс

Султон Абусаид илкида Ҳирот  
Кемадек чайқалиб турибди, ҳайҳот!

Амир авлодидин эрса-да, султон,  
Ўзининг қавмига келтирмиш қирон.

Темур Қўрагоннинг эваралари,  
Мирзо Улуғбекнинг неваралари,

Кўзининг қароси: Мирзо Аҳмадни,  
Мирзо Абдураззоқ, Мирзо

Маҳмудни

Қиличдин ўтказмиш!...

## Навой

Ё раб! Эй гардун,  
Бошимга йиқилсанг на бўлғай бу  
кун!

Наҳот, зулмпеша чархи кажрафтор  
Илкида ўйинчоқ қотили хунхор!

Наҳот, ул раҳм этмай йигит ёшига  
Тиг санчса, ўзининг қон-қардошига!

Эй офтоб, тутилгил, бул олий жазо  
Мотамидин кийсин Хуросон қаро.

Найлайн, тарҳи дил таҳ-батаҳ  
қондур,

Жонига санчилган ўқи камондур.

Фазлулло Абулайс

Қиличин қонлари қотмасдин,

Тагин бир жазога бермишдир  
фармон.

Мирзо Улуғбекнинг волидасини  
Чоптириб ташламиш!..

## Навой

Ё раббим! Уни  
Аноларнинг хуни тутгай муҳаққақ,  
Анолар қарғиши азалдин барҳақ!

«Аноларнинг аёғи остидадур.  
Равзаи жаннату жинон боғи.

Равза боғи висолин истар эсанг,  
Бул анонинг оёғи тупроғи».

Султон Абусаид эл хунидин маст,  
Ки ано жонига этмиш суйиқасд.

Умри омонатин кутар охират,  
Бул қадар зулмни кўрмаган Ҳирот.

Ким этса анонинг ҳурматини хор  
Икки дунёда ҳам бўлғай хору зор.

Ҳаёт ибтидоси азиз анодур,  
Анолар бўлмаса ҳаёт қародур.

Гавҳаршодбегимдек мўътабар она  
Қошида замонлар бўлғай парвона.

Мирзо Улуғбекни туққан улуғ зот  
Бошидин дур сочса арзир коинот!

Фазлулло Абулайс

Ким илкин кўтарса ано бошига,  
Боши теккай анинг қарғиш тошига.

Навқирон йигитлар қонин тўккан  
жон,

Эл-улус қаҳридин қолмағай омон.

Султон Абусаид бўлдию ҳоким  
Ҳиротни айлади қиёмат-қойим.

Бул мудҳиш қотиллик фаслин  
Хуросон

Қон бирла тарихга ёзур бегумон.

## Навой

Ҳиротда мотамдир мотам устига  
Ва яна ғам-алам, алам устига.

Оҳу ситамлардин дилим эрди қон,  
Яна кулфат солди бошга Хуросон.

Гавҳаршодбегимнинг ўлими, устод,  
Улуғбек авлоди кўтарган фарёд!

Бул фарёд отилмиш бамисли  
вулқон,

Бул фарёд зарбидан титрар Хуросон

Мирзолар бўғзидин отилган

қонлар —  
Улуғбек қалбида қолган армонлар!

Султон Абусаид қурган салтанат  
Шаънига замонлар ўқиғай лаънат.

Адолат нурига эл эрур муҳтож,  
Одил бир подшоға муҳтож тахту  
тож.

## Ун еттинчи қўшиқ

Султон Аҳмад Мирзо нотинчдир  
ҳамон,  
Ҳамон наҳри ўкинч гирдобида жон.

Тўфонда қолгандек елкан бенажот  
Тебраниб турибди ғавғодан Ҳирот.

Улуғбек қавмига келтириб қирон  
Отаси ўғлин ҳам дилин этди қон.

Бу зулм тиридан Мовароуннаҳр  
Халқида қўзғолди ғазабу қаҳр.

Ҳатто отасига мойил беклар ҳам  
Қалбини қоплади туман каби ғам.

Бу ҳолдан Мирзонинг дили бўлиб  
танг  
Қўнглин ўртаганда ҳазин бир оҳанг

Ноиби, дардига бўлгандек ҳамроз,  
Соҳиби давлатни юпатди бир оз.

### Шакур Мирзо

Олий ҳазратлари, Ҳирот туфайли  
Ўксинманг, бул савдо замона зайли.

Улуғбек авлодин жазолаб, Султон,  
Осойиш топарми, деди Хуросон.

Ва лекин халойиқ кўтармиш ғавғо,  
Бул ғавғо сардори асли Бойқаро.

Бойқаро азалдин хатарнок зотдур,  
Анинг кўзлагани тахти Ҳиротдур.

### Аҳмад Мирзо

Султоннинг ашаддий ғанимидур ул,  
Ва лекин Ҳиротни олмоғи мушкул.

Гаршизу Абивард даштида кезиб,  
Тинчимас, Хуросон тинчини бузиб,

Шамол турган билан қуламас чинор  
Чинорга ҳаттоки бўрон қилмас кор.

Афсус, бундоқ кимса Хуросонда  
кам,  
Ки, улус айласа уни муқаррам.

Фақат Бойқарода умидим кўзи,  
Кошки, кулса унга толе юлдузи.

Мирзо Ҳусайнга улус қўшса бош,  
Балки, осойишта ул бўлғай нурпош.

Ҳирот салтанатин меҳвари маҳкам,  
Анга Бойқаро ҳам қўёлмас қадам.

### Шакур Мирзо

Бойқаро навқари қурама эрур  
Лек чаптаст кимсалар бошида  
турур.

Навоийнинг ёвқур тоғалари ҳам  
Хусайн қўшинин этди муаззам.

Ул бирлан Навоий азалий дўстдур,  
Шу важҳдин мунда ҳам иши  
дурустдур.

(Файз Маҳмуд бўлдию эшиқда  
пайдо

Шакур Мирзо сўзин қилмасдан адо,

Сўхбат жиловини олди-да илиб,  
Сўзлади, Мирзога ўтли тикилиб).

### Файз Маҳмуд

Ноиби аъламнинг сўзлари ростдур,  
Бойқарога йўллар Навоий дастур.

Машҳад ё Ҳиротдин йўл олган  
қарвон  
Дўстидин келтирур мактуби пинҳон.

Уч-тўрт кун Навоий ўзин унутур,  
Бойқаро айтгандек балки йўл тутур.

Болалиқда тушса меҳр ўти дилга,  
Демиш: алангаси етмиш юз йилга.

### Аҳмад Мирзо

Аларким, бир фурсат эди  
мактабдош,  
Лек энди ароси ой била қуёш.

Навоий пандига муҳтож эмас ул,  
Навқарин етаклаб, жанг ила  
машғул

Назмдин ўзгани билмас Навоий  
Ва бизга хиёнат қилмас Навоий.

Мана икки йилким Мовароуннаҳр  
Навоий назмидин этмакда фахр.

Ш а к у р М и р з о

Ҳазратим, Навоий қудратли  
Элни қўзғамакка бир шеъри басдур.

Навоий деганда аҳли Хуросон  
Бойқаро яловин тутур бегумон.

Шул важдан чораи эҳтиёт даркор,  
Ғоятда тифдордур ул битган ашъор.

Ф а й з М а ҳ м у д

Навоий обрўси ошиб эл аро  
Бўлмакда бизларнинг кунимиз қаро.

Бирор айб тамғаси босилмаса гар  
Ҳолимиз бўлғуси мундин ҳам

баттар.

Ш а к у р М и р з о

Ҳазратим, чиқмайлик Ҳирот  
Отангиз бенажот қолмасин биздин.

Не мақсад била ул этилди ихрож  
Вале мунда топмиш ижоди ривож.

## Ун саккизинчи кўшиқ

Мадраса саҳнида қирчиллама қор,  
Мунаққаш ҳужрада Навоий бедор.

Хонтахта устида олов тилли шам,  
Самарқанд қоғози, довот ва қалам.

Тўрдаги токчада баёзу девон,  
Михда қундуз телпак, босма юнг

чакмон.

Навоий бошида кўк барқут қалпоқ,  
Эгнида кўҳаки хилъати порлоқ:

Лутфий девонини олиб жавондан  
Назм ул жавоҳирни излар ул

кондан.

Устоди аъзамнинг карамидан шод,  
Туркона газалин завқнок этур ёд.

Бир мактуб юбормоқ истаги дилда  
Гунчадек гул ёзар бу олис элда.

Риёзий шаънига шак келтирмиш ул,  
Анжуманда этмиш обрўсин бир пул.

«Хамса»ни туркийда битмаклик  
маҳол»,—

Десалар Риёзий, келибди малол.

Тағин ул форсийга келтирибди шак,  
Саройдин йироқроқ турсалар андак.

А ҳ м а д М и р з о

Огоҳмен, азизлар, ойда ҳам доғ бор,  
Беғуноҳ кимсани учратмак душвор.

Вале сизлар қилманг Навоийдин  
Ул этмиш назмга сўз мулкени сарф.

Ҳали қадамини қўйган йўқ бежо.  
Дили не амр этса, ул этур бажо.

Назм майдонида гарчанд беназир,  
Ул улус сўзига доим мунтазир.

Азалдин беҳудуд назм майдони,  
Бул майдон соҳиби суҳан ҳоқони.

«Хамса» борасинда Навоий ҳақдур,  
Дурахшон назмидин дилларда

барқдур.

Туркона «Хамса»га ул урса қалам,  
Не ажаб, қошида бош эгса олам!

Устодни шарафлаб қалами сарбон  
Оқ қоғоз саҳнида сайр этар равон.

Олам кишварининг бул чорбоғида,  
Файзиёб Кўҳакнинг гул қирғоғида,

Нашъу-намо топган шоир илҳоми,  
Табаррук заминга дил эҳтироми

Назм чаманида бўлиб лолавор,  
Самарқанд уфқини этарди анвор.

Лутфийни маҳлиё этган бул диёр,  
Илҳом шаробини тутган гул диёр

Беқиёс манзари дилда бўлиб нақш,  
Мадҳига Навоий жонни этар бахш:

«Латофат аро равзадин баҳр анго,  
Вале исм улуб Мовароуннаҳр анго.

Нединким, ики наҳр ароси келиб,  
Яқин юз йиғочқа фазоси келиб.

- Оқиб ҳадди шарқийда Сайхун суйи,  
Бориб ҳадди ғарбийда Жайхун  
суйи.
- Йўл улким анга бу икки руду бас,  
Ўн-ўн беш сув ҳар бир нучукким  
Арас.
- Бўлуб ҳар биридин жудо наҳрлар,  
Ки, ҳар наҳри обод этиб шаҳрлар.  
Ва лекин бу рудеки, дерлар Кўҳак;  
Ки йўқ равзанинг наҳри арконга  
шак.
- Ки ичгач тавоно бўлуб, нотавон,  
Гузар айлабон умр янглиғ равон.
- Ки андин не бир шаҳар обод ўлуб,  
Не маъмурасидин биров шод ўлуб.
- Агарчи латофатда рашки Фурот,  
Бўлуб барча зоеъ, нечукким ҳаёт.
- Хусусан Кўҳак рудиким, наҳри Нил  
Эмас анча, не Нилким, Салсабил.
- Ҳамул пуштаеки, Кўҳак топти исм,  
Не пушта жаҳон ганжи узра  
тилисм.
- Ушоқ тош анга лаълу инжу киби,  
Яшил сабзаси чархи мийну киби.
- Ки мансуб эрур анга Кўҳак суйи,  
Нединким, эрур жорий андин куйи.
- Ҳамул тупа олидин андоқ оқар,  
Ки ошиқ бошу ашки, дер ким  
боқар».
- Ер юзин сайқали — Самарқанд  
зари,  
«Самарқанди фирдавсмананд»  
манзари
- Навой лафзини қилиб дурафшон,  
Масрур юрагига солур ҳаяжон.
- Олам аро танҳо Мовароуннаҳр,  
Самарқанд аталмиш бул боғи Даҳр
- Навой қаламин сеҳри туфайли  
Ва унинг бу элга меҳри туфайли
- Шеърят мулкида топиб шараф-  
шон,  
Жаҳон аро бўлмиш доврӯғи дoston.
- Навой завқ билан ўқиб номани,  
Ғойибдан шод этди ул алломани.
- Жаннатга ўхшайди, деди Самарқанд,  
Ариқлари жаннат наҳрига монанд.
- Кўҳак сувин, деди, ҳар томчиси бол,  
Баҳра топса бемор кўрмагай завол.
- Жаҳон хазинасин тилсими дебон  
Кўҳак тепалигин васф этди шодон.
- Лаълу инжу, деди, ушоқ тошини  
Ва унга ўхшатди ошиқ бошини.
- Оқар сувин — ошиқ кўз ёши, деди,  
Тепа тошин — ошиқ бардоши, деди.
- Навой руҳида саодатли ҳол,  
Чақноқ кўзларида теран ўй-хаёл.
- Самарқанд васфидан бўлиб  
бахтиёр,  
Устодга юбормак этди ихтиёр.
- Мактубни муҳрлаб ором топди  
жон,  
Кўнглида босилди наҳри ҳаяжон.
- Сўнг эса ўрнидан мамнун кўзғолди  
Ва ҳужра остони сари йўл олди.
- Нақшинкор эшикни очди-да шаҳдам  
Ғишт айвон саҳнига ул қўйди қадам
- Оқариб қолганди Самарқанд тонги,  
Кўнглин мафтун этди ҳаёт оҳанги.
- Бу бир тонг эдики, қиз кўксидай оқ,  
Оппоқ қор қўйнида эди ҳаммаёқ.
- Ер нафас оларди сийнаси тўлиб  
Ва мунис оламга боқарди кулиб.
- Руҳини яйратиб оқ мрамар ҳаво,  
Шоирни ўзига этди маҳлиё.
- Бу бир тонг эдики, улуғ бир ғоя  
Бешиги бошида бўлганди доя.
- Навқирон Навой билмай ўзи ҳам  
Туркона «Хамса»га урганди қалам.
- Мана шу файзиёб тонг қучоғида,  
Мунаққаш ҳужрада, ижод боғида
- «Хамса»нинг ғояси туғилганидан,  
Ул ўзбек меҳрига йўғрилганидан
- Беҳабар эди лек бу қўҳна олам,  
Оламни яшартган қўли гул одам.
- Бу бир тонг эдики, қадами қутлуғ,  
Қуёшни этганди тоғ бошига тур.

Бу туғдан нурланиб жумлаи олам  
Гўё Навоийга берарди салом!

Буюк дostonларга қўйиб пойдевор,  
Шоирни қутлади бу қутлуғ диёр!

## Ун тўққизинчи қўшиқ

- Борлиқ тонг юзидан олмиш андоза,  
Биллур ойна каби кўк саҳни тоза.
- Беғубор ҳарирдек олам айвони,  
Яшил сабзадан маст тоғлар домони,
- Танларни эркалар насими Кўҳак,  
Ноз билан бағрини очар ҳар  
куртак.
- Тоғлар бошин ўпар эркалаб қуёш,  
Қуёшдай хурсанддир бугун  
кекса-ёш.
- Бугун олам рўшно, юрт  
дилафрўздир,  
Бугун қутлуғ айём, бугун  
наврўздир.
- Наврўзни орзиқиб кутган тирик  
жон  
Тонг билан бир-бирин қутлайди  
хандон.
- Самога маҳлиё боқар Регистон,  
Улкан миноралар устида шодон,
- Ҳаётдан армони йўқ сурнайчилар,  
Лунжини шишириб шўх  
карнайчилар
- Кўкка ларза солар ғата-ғут қилиб,  
Наврўзи оламдан илк жарчи бўлиб.
- Отлиқ жарчилар ҳам боғлашиб  
белни,  
Кўҳак тепасига чорлашар элни.
- Тадорикин кўрган бутун аҳоли,  
Уйини тарк этиб мисли чумоли
- Оту аравада, эшакли, яёв,  
Бириси сокину бири гармрав,
- Ясаниб-тусаниб жилди Кўҳакка,  
Карнай-сурнай билан келди  
Кўҳакка.
- Кўҳак домонини қоплади одам,  
Одамлар завқига тор келди олам.
- Навоий бу ҳолдан чўмар ҳайратга  
Ва мафтун боқади жўшқин ҳаётга:
- Бир ёнда дарбозлар кўрсатар  
хунар,
- Бир ёнда полвонлар абжир  
беллашар.
- Турфа наволарга чулғаниб осмон  
Аҳли созандага ўқир шараф-шон.
- Товусдек товланиб шўх раққосалар  
Ғамзаю ноз билан жонга ўт қалар.
- Чавандозлар эса қуради пойга,  
Бургут арғумоқлар учгудек ойга.
- Кўпкари синайди ким бўлса  
чапдаст,  
Чапдаст чавандозга улоқ бермас  
бас,
- Аския пирлари қуриб чордона,  
Пайровда бир-бирин синар мардона.
- Дўпписин ғоз қўйиб уста лофчилар  
Игнадан туяю қилдан фил ясар.
- Сеҳргар оғзидан чиқарар мато,  
Улик кабутарга жон этар ато.
- Юзи ниқобланган масхарабозлар  
Ўзини маймундек минг куйга солар.
- Дойра гижбангидан болалар  
завқнок.  
«Кўҳакка» рақсига тушади  
шавқнок.
- «Кўчқорлар жанги»дан авжида бир  
ён.  
«Хўрозлар жанги»нинг мавжида  
бир ён.
- Бир ёқда ҳайратнок «бедана  
жанги»,  
Бир ёқда серкалар мардона жанги.
- Ким қайси хунарга бўлса гар моҳир  
Намойиш этарди Кўҳакда ҳозир.
- Элни хурсанд айлаб нишолдапазлар  
Нишолда шопирар, нишолда сузар.
- Новвойлар қўлида нони Осиё  
Баркашдек ой бўлиб кўринар гўё.
- Шинни бозорида сопол кўзалар  
Тут қонин сипқориб, кўзин сузалар.



Мушт каби тугилган новвот  
чақмоғи,  
Чой васлига етса, қонар чанқоғи.

Оғзини ланг очиб боқар шўрданак,  
Мағзида ниқобу юзида намак.

Бири бол сотади, бири хўроққанд,  
Бири кунжут ҳалво, бири  
наврўзқанд.

Кўҳак ёқасига осиб дошқозон  
Сумалак улашар бир саҳий деҳқон.

Сумалак — наврўзнинг олий  
неъматини,  
Сумалак — наврўзнинг кўрки,  
зийнати.

Кимки сумалакдан бўлса  
баҳраманд  
Яна бир йил бўлур умрига пайванд.

Она табиатнинг бу инъомидан,  
Наврўзнинг энг тансиқ гул  
таомидан

Баҳраманд бўлиб эл деҳқонни  
олқар,

Олқишдан манглайи кун бўлиб  
болқар.

Оҳорли либосда ясан-тусан эл —  
Фотима Зухрою Ҳасан-Ҳусан эл

Наврўз сайилидан беҳад шод эди,  
Умридан мамнуну дил обод эди.

Амиру беклар ҳам бунда эди жам,  
Фуқаро боши ҳам эмас эди хам.

Наврўзга файз бермиш аҳли фузало  
Ҳурматин толиблар келтирмиш  
бажо.

Шоирлар тумонот одам қошида  
Шеър ўқиб, берарди дилга нашида.

Навой устида кўк барқут хилъат,  
Адл қоматига берарди зийнат.

Бошида ол дўппи, оқ шоҳи дастор,  
Хироми этиги Кўҳакдин нисор.

Чақноқ кўзларида шодлик учқуни,  
Кўнглида мавжланар илҳом  
тўлқини.

Садойи қўшиғин оҳангидан маст,  
Ҳазалнинг ҳар сўзи қалбига  
пайваст.

Садойи куйлайди кўнгли сел бўлиб,  
Халойиқ тинглайди юраги тўлиб:

«Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,  
Булбул ўлғондек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Гоҳ сарв узра, гаҳи гул узра булбул нағмасоз,  
Ваҳки, менмен гунгу лол, ул сарви гулрухсорсиз.

Тонг эмасдур гар диёру ёрсиз озурдамен,  
Ким эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.

Равза ашжори ўтиндур, гуллар жонимга ўт,  
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиг даме дилдорсиз.

Май чу бердинг зулфига банд эт мени, эй муғбача,  
Ким хуш эрмас муғ била ичмак қадаҳ зуннорсиз.

Топмадук гулранг жоме бехумор, эй боғбон.  
Ваҳки, бу гулшан аро гул бўлмас эрмиш хорсиз.

Аҳли зуҳд ичра Навойи топмади мақсадқа йўл  
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъиким,  
хумморсиз».

Садойи овозин сеҳридан диллар  
Сархушу мақтовдан бурродир  
тиллер.

«Офарин, Садойи!» — деган  
садолар,

«Тасанно, Навойи!» — деган  
нидолар

Кўҳак осмонини тутиб кетади.  
Халойиқ шоирга гуллар тутатади.

Навой Самарқанд халқидан  
хурсанд,  
Тумонат одамга боқар орзуманд.

Аҳмад Ҳожибекнинг кўкси тоғ  
бўлиб,  
Фазлулло Абулайс вақти чоғ бўлиб,

Янги ғазал билан қутлар шоирни,  
Яна шеър айтмакка ундар шоирни.

«Навой ўқисин!»— деган овозлар  
Само гумбазида гўё соз чалар.

«Навой ғазалин эшитмак  
фарздур».  
«Навой туфайли Наврўзда  
файздур».

Халойиқ садоси чулғар Кўҳакни,  
Ҳаяжон босади минглаб юракни.

Навой халойиқ олқишидан шод  
Шеър айтмакка сўрар кўнглидан  
имдод.

Қалбини бир лаҳза чулғаб ҳаяжон  
Янги ғазалини ўқир беармон:

«Лолагун бўлмиш сурарда қатлима дилдор тийғ,  
Ё бало тоғидин этмиш лолазор изҳор тийғ.  
Гул тани юз чок ўлуб буким бўялмиш қон аро,  
Тегди ғамзанг хайлидин гўё анга бисёр тийғ.  
Тийғ тортиб етгач — ўқ қилдим фидоси жонниким,  
Бўлмагай озурда қотил кўрмагай озор тийғ.  
Жисм пайкониинг била тўлдию жондур ғамдаким,  
Айласанг қатлимга рағбат бўлмагай нокор тийғ.  
Ишқ дашти сабзасидин лола ҳар ён сочилур,  
Яъни ул саҳро гиёҳи бор эмиш хунбор тийғ.  
Олам аҳли қатлини бир дамда қилсанг орзу,  
Юздин ол бурқаъни, қиндин чекмагил зинҳор тийғ.  
Назм мулкин тил чекиб олмиш Навой ўйлаким,  
Чекса оламини олур шоҳи фалак миқдор тийғ».

«Яшасин Навой!»— янгради  
хитоб,

Хитобга ҳамроздек жилмайди  
офтоб.

Қарсақлар авжидан янгради само,  
Оламини забт этди улуғвор садо.

Қучоқлари тўлиб гулга Навой,  
Шодмон таъзим этди элга Навой.

Бутун эл тилида Навой номи,  
Бутун эл дилида Наврўз айёми.

Наврўз сайли этди кечгача давом,  
Ушалди гўёки юракларда ком.

Санъатин бутун эл қилиб намойиш,  
Кўҳак домонига берди оройиш.

Кўнгилар кўшқини айлаб чароғон,  
Уфққа бош қўйгач қуёш беармон,

Халойиқ шаҳарга шодон йўл олди:  
Ушбу байт дилларга ёд бўлиб  
қолди:

«Назм мулкин тил чекиб олмиш Навой ўйлаким,  
Чекса оламини олур шоҳи фалак миқдор тийғ».

## Иширманчи кўшиқ

Фазлулло Абулайс мадрасасида,  
Мунаққаш мадраса остонасида

Толиби илмлар чехраси гулгун,  
Юраклар осмони бегубор, нилгун.

Икки йил орзиқиб кутилган айём  
Бугун толибларга узатади жом.

Мадраса дафтари варақланса гар  
Заррин саҳифалар хаёлни тортар.

Хушнавис котибнинг хатидан  
равшан  
Тортади дил уйи, кўз эса шўх — шан

Ўтмиш онларига солади назар,  
Сўнг эса ўзи ҳам хаёлга толар;



Амир Арҳангий ва Аҳмад Ҳожибек  
Қутлуғ маросимга бермиш файзу  
кўрк.

Устодлар кўзидан ўқимоқ мумкин  
Ҳаёт китобию ҳикматин бугун.

Нурли сиймоларга назар солган  
зот

Дили равшан бўлиб юрар умрбод.

Фазлулло Абулайс ўтқазган ниҳол  
Самара бергандан ул бугун  
хушҳол.

Шодлик неъматини кўргали баҳам  
Қадрдон дўстлари қўйишди қадам.

Меҳмонлар шаънига тузаб  
дастурхон

Лутф бирла сўзлайди олими замон.

Фазлулло Абулайс

Азизлар, қутланмиш ушбу тантана  
Мадорис ҳаётинда энг қутлуғ сана.

Мавлоно Навоий топмиш саодат,  
Бул кун истиқболга берур шаҳодат.

Олий мадорисни битирмиш аъло,  
Ердиққа камина чекмиш хуш имзо.

Сизларга олий бахт бўлмиш  
муяссар,

Бу бахтдин кўнгуллар гулзори  
яшнар.

«Самарқанди фирдавс монанд»  
шаҳрда,

Ул билан икки йил битта наҳрда,

Фавоҳдек ахтариб назм дурини  
Нурафшон этмишсиз эл шуурини.

Улуми башарни ўқиб мукаммал  
Салоҳиятингизга бермишсиз

сайқал.

Сизлар ҳавас билан чеккан  
машаққат

Неъматин файзидур ушбу  
машварат.

Мадорис илмидин этиб баҳраманд  
Учирма қилмакда сизни

Самарқанд

Улуғбек мактабин сабоғини сиз  
Қорачиғ сингари асрангиз гардсиз.

Сиз олган илмдин баҳра топса ким  
Калитини тутгай илкига тилсим.

Шарафли мақтовга лойиқ эрурсиз,  
Мадорис офтобу сиз анда нурсиз.

Мавлоно Нодирнинг илмидин Марв  
Қаддини ростлагай мисоли сарв.

Муҳаммад Бадахший қайтгани  
замон

Меҳрини поёндоз этгай Бадахшон.

Мавлоно Бақоий бирла Хоразм  
Элида яшнагай гулшани назм.

Бадий, Сафой ила Андижон  
Лафзидин нурланса не тонг

Хуросон:  
Қайда бўлсангиз ҳам қилурмен

дуо,  
Сиз бирла яшнасин бул кўҳна дунё.

Аҳмад Ҳожибек

Бир ажиб хабардин кўкдадир  
бошим,

Сурурдин сочилур кўзимдин ёшим.

Ифтихор туйғуси оромим олмиш,  
Кўнглумга оташин офтобни  
солмиш.

Бул сурур майидин кимки этмас  
нўш,  
Ул ҳаёт боғида кезмагай сархуш.

Бул шодлик соҳиби Навоий эрур,  
Мулозим ўлмоғи — нур устига нур.

Султон Аҳмад Мирзо июнотли зот,  
Меҳри карамидин ҳайратда Ҳирот.

Мавлоно Навоий топмиш эътибор,  
Не ажаб, шод ўлса андин аҳли бор.

Дилрабо ғазалин бир тинглаган жон  
Кўнглида ушалгай энг олий армон.

Навоий фазлидин не тонг  
Самарқанд,

Е Ҳирот «Хамса»га жон этса  
пайванд!

Ҳожи Хисрав

Вале Ҳирот нотинч, Мирзо Бойқаро  
Бирла Султон аро жангу можаро.

Гоҳо сўниб, гоҳо олар аланга —  
Сичқоннинг ини ҳам анда минг  
танга.

Ҳарқалай, Самарқанд Ҳиротдин  
йироқ,

Ут ёнса, келади тутуни бироқ,  
Самарқанд нисбатан осойиш эрур,  
Илму фан гулшани оройиш эрур.

Бул Аҳмад Мирзонинг  
марҳаматидин,  
Ҳам Аҳмад Ҳожибек иноятдин.

Навой бошига бахт қуши қўнмиш  
Ва назм мулкинда тахт қуши  
қўнмиш.

Илми толиблардин мен беҳад  
шодмен,  
Шабобат завқидин дили ободмен.

Қайсиким даргоҳга қўйишса қадам  
Шодлигу бахт бўлсун умрига  
ҳамдам.

Эл бирлан доимо ҳамқадам бўлсун,  
Улусда номлари мукаррам бўлсун.

Азизлар, ёшларни қилингиз дуо,  
Ҳаёт боғинда кам бўлмасун асло.

...Қўлини дуога очиб устодлар:  
«Омин!» деб толиблар дилини

шодлар.  
Шогирдлар дилида шарафли  
сурур,

Тиллардан учади: «Раҳмат!»,  
«Ташаккур»!

Мамнунлик туйғуси порлар  
кўзларда,  
Масрурлик қўшиғи янгра  
сўзларда.  
Дўстлар карамидан бўлиб  
миннатдор  
Дил сўзидан тизар Навой анъор.

### Навой

Улуғбек илмидин чароғон шаҳр  
Дилафрўз ҳуснидин очилур баҳр.

Сизлардек донишманд зотларга  
фақир  
Толиб ўлғонидин — дилинда фаҳр.

Илмга ташна дил даштига саҳар  
Шабоб айёмида солмишсиз назар.

Тилсимот сандиғин қулфини очиб,  
Маърифат зарини оламга сочиб,

Бахтиёр қилмишсиз бизни бир умр,  
Муҳтарам устодлар, сизга  
ташаккур!

Чинорлар томири бўлмаса терап  
Бир ўқ-ла қулатгай шамолдек  
мерган.

Тоғ бағридин қайнаб чиқмаса булоқ  
Зилоли биллурдек бўлмагай бироқ.

Умрида азият чекмаса инсон,  
Ҳаётнинг қадрига етмас бегумон.

Тоғ баланд бўлмаса турмагай қори,  
Сувсиз кўкни ўртар наҳр озори.

Маърифат очмаса башар кўзини,  
Унутиб қўйғуси айтар сўзини.

Илми толибларга сиз берган сабоқ  
Насллар толеин айлагай порлоқ.

Халқ бирлан бўлмаса шоир  
ҳамнафас,  
Назмига кенг дунё эрур бир қафас.

Уз элин орзусин куйлаган шоир  
Анинг дарди бирла яшар бир умр.

Золим шоҳга шоир бўлса гар  
маддоҳ,  
Уни домга тортур эл қазиган чоҳ.

Подшоҳ бўлса агар адолатпарвар  
Саодат боғида яшагай башар.

Қошқийди, тинчиса Ҳирот ғавғоси,  
Ушалган бўлурди эл муддаоси.

Мавлоно Вафойи, шоири даврон,  
Бул лутфи карамдин  
фархундадир жон.

Илкимдин не келса этурмен адо,  
Элга хизмат этмак асли муддао.

Аъламул-уламо фақиҳ Абулайс,  
Меҳрингиз туфайли дил боғи  
серфайз,

Устод мударрислар, минг раҳмат  
сизга,  
Сиз рўшно этмишсиз оламни кўзга!

...Аҳли анжуманга таъзим  
айлаб хуш,  
Навой оламга боқади сархуш.

«Офарин, Навой»! — деган нидолар  
Нилий гумбаз ичра берар садолар.

## И К К И Н Ч И Қ И С М

### Биринчи қўшиқ

Султон Аҳмад Мирзо олий боргоҳи  
Бугун саодатли куннинг гувоҳи.

Муборак ёрлиққа чекиб хуш имзо  
Самарқанд султони ўзидан ризо.

Боргоҳ ҳаётида қутлуғ кун бугун,  
Бу кун — бўлур тарих умрига  
мазмун.

Чиғатой амири деган лавозим  
Бугун Навоийга кўрилмиш лозим.

Бу лутфи карамдан юзлари анвор  
Навоий қалбида гул ёзмиш баҳор.

Муҳташам саройда бу қутлуғ айём  
Амирлик хилъати этилмиш инъом.

Султон Аҳмад Мирзо уни ардоқлаб,  
Шаънига сўз айтмиш юракдан  
олқаб:

Султон Аҳмад Мирзо

Мавлоно Навоий, Сизни Самарқанд  
Бошингиз силамиш фарзанди  
монанд.

Сизга улуг бахтни кўрмиш муяссар,  
Умрингиз субҳини этмиш мунаввар.

Боргоҳ остонида топғайсиз қадр,  
Чиғатой улусга бўлғайсиз амир.

Улусга пайваста бахтингиз кулғай,  
Амирлик мансаби муборак ўлғай!

Навоий

Бошим кўкка етмиш бу иноятдин,  
Самарқанд бахш этмиш  
бахт-саодатдин.

Чиғатой улуси эрур забардаст,  
Фақир сидқидилдин жон этғай  
пайваст!

Улуснинг дардини ким кўрса  
баҳам,

Ҳаёт гулшанида ўлғай мукарам.

Кўмак илкин чўзса фақирга боргоҳ,  
Ул элнинг дардига ўлғуси паноҳ.

Кўнглин рўшно қилғай назм  
анвори,  
Назмига маънидур эл ифтихори!..

Навоий назмига мафтун кўнгиллар  
Боғида сайради завқдан булбуллар.

Хилъат Навоийга жуда ярашди,  
Кўзлар қувонч билан унга  
қарашди.

«Муборак ўлсун!» — деб янгради  
сўзлар,  
Лутф бирла жилмайди шоирга  
юзлар.

Зарбоф хилъат тиккан барно йигит  
ҳам

Қутлуғ маросимни кузатиб хуррам,  
Ўзининг касбидан қувониб ўзи,  
Табассум қилгандек санъат юлдузи,

Навоий қошида хуш таъзим этди,  
Ўзини Бобир деб унга танитди.

Амирлик мансаби бирлан қутлаб ул  
Орзу чаманидан терди даста гул:

Бобир

Саодатли амир, дарзий ҳунари  
Фақирнинг оламга бергусиз зари.

Сизга хилқат тикиб кўнглим шод  
ўлмиш,  
Назм гулшанида дил обод ўлмиш.

Шуаро суҳбатин гадосидурмен,  
Ғазалу муаммо шайдосидурмен.

Дарзийлик ҳунарим шукуҳига хос  
Муаммо айтсангиз, сиздин  
илтимос...

Тикувчи йигитнинг эҳтиромидан,  
Ғазал мухлисининг кўнгил комидан

Навоий бир лаҳза хаёлга толди,  
Сўнг эса завқ билан оқ қоғоз олди.

Ушбу муаммони битиб дафъатан  
Бобирнинг кўнглини айлади чаман.

Навоий

«Қабо бар қадди ту медузад айём,  
Барор аз қоф, то қоф, эй писар,  
ном»...

Жамоат шоирни қутлади шодон,  
Мақтовдан тикувчи йигит беармон,  
Навоий мадҳига бўлиб муяссар,  
Шоир ҳадясини кўзига сурар.

Сўрур чорбоғида Навоий кезар,  
Муаммо таърифин Ҳожибек сўзлар:

А х м а д Ҳ о ж и б е к

Навоий лутфининг маъноси ажиб,  
Демушким, Бобирга қилиб

мунтасиб,

Бўйингга тўн бичар, ҳаёт эй  
Дунёда чиқаргил сен ҳам яхши ном,

Аминмен, бул олий баҳони Бобир  
Хунари туфайли оқлашга қодир.

Бобиро, муаммо муборак ўлсун,  
Навоий айтғондек толеинг кулсун...

Муаммо завқидан ҳайратда Бобир,  
Қўлида қоғозмас, назмул жавоҳир.

Ифтихор туйғусин қилгали изҳор  
Таъзим бажо этди шоирга такрор:

Б о б и р

Мавлоно Навоий, бул лутфи карам  
Тилимни лол этмиш,  
кипригимни нам.

Сизни бир кўрмакка орзуманд  
Қувончин умрбод этгай муфтахир.

## Иккинчи кўшиқ

Навоий чеҳрасин равшанлигидан,  
Бахтиёр қалбининг гулшанлигидан

Файз топган Самарқанд жаннат  
Боғларда дилафрўз чаман

Хушхиром қаламин қаро кўзидан,  
Қоғозни мунаққаш этган сўзидан

Кўнгиллар уйини безаганда зар,  
Карам шарафига бўлиб муяссар,

Саодатманд амир фикрига муштоқ  
Шоирлар боргоҳда эдилар қўноқ.

Пурҳикмат суҳбату доно маслаҳат,  
Дилкаш мусоҳаба, ажиб машварат

Сиз дебон қилраймен жонимни  
Бул муаммо бўлғай менга бир  
нисор,  
ёдгор...

Навоий шукуҳи саройни тутар,  
Муаммо тиллардан — тилларга  
ўтар.

Шакур Мирзо эса кузатиб зимдан,  
Дили ўртанади ушбу русумдан.

Навоий обрўсин поймол этгали  
Фитна қалъасида тутқун хаёли,

Кўнглидан қон сирқиб вале  
Навоий ишига тилайди ривож.

Файз Маҳмуд ичидан ўтиб қиринди,  
Амирни қутламоқ учун уринди.

Гўё шукуҳига етгандек зиён  
Сарой шоирининг дилида фиғон.

Ва лекин тиржайиб тилади омад,  
Амирдан ноилож кутгандек мадад.

Бу ҳолдан дили ғаш бўлса-да амир,  
Файз Маҳмуд кўнглини айлади  
маъмур.

Маросим оёқлаб қолган ушбу дам,  
Чигатой амирин тутиб мукаррам,

Абулайс дуоси топиб ижобат,  
Оқ фотиҳа берди аҳли жамоат.

Дилларни тонг каби қилиб беғубор,  
Амир ҳузурига чорларди такрор.

Ким битса янги бир қасида, ғазал,  
Даставвал Навоий берарди сайқал.

Қай олим илмда топса бирор гап  
Тонг билан келарди  
амирни йўқлаб.

Меъмору муҳандис, косибу деҳқон  
Меҳр китобидан ўқирди дoston.

Навоий эл билан бўлиб ҳамдийдор  
Тонгга қадар дарднок битарди  
ашъор,

Тонг билан хизматда бўларди  
Элнинг дард-ғамига шерик эди ул.

Эл йиғласа йиғлар, кулса куларди,  
Яшнаса яшнарди, сўлса сўларди.

Икки дарё аро неки шоир бор  
Навой сўзидан эди бахтиёр.

Амир Низомиддин шайхим  
Саройда қадр топди унинг туфайли.

Элга номи кетган соҳиби қалам  
Жонига Навой топарди малҳам.

Бугун ҳам Суҳайлий кўнгли  
Навой уйда ул бўлди меҳмон.

### Суҳайлий

Мавлоно Навой, ғоят хайрнок  
Қор бирлан истади сизни дили пок.

Султон Аҳмад Мирзо мадҳига  
Қасида битибмен, этсангиз таҳрир...

Суҳайлий кўнглини тўлдириб нурга,  
Навой хушчеҳра боқди амирга,

Қасидани олиб ўқиди шу он,  
Олқиш наҳри урди қалбида тугён.

### Навой

Мавлоно Суҳайлий, мадҳга сазовор  
Қасида битмишсиз, толе бўлғай ёр.

Вале мадҳ соҳибин исми безалмиш  
Байтдин сўнг қасида ипи узилмиш.

Икки гўзал байтни қилғали пайваст  
Робита лозимдур, урмак керак даст.

### Суҳайлий

Меним фикримни ҳам шул этмиш  
Илтифот юзидин сиз айтинг, амир.

### Навой

Хаёл уммонидин топгунимча дур  
Сиз ҳам ўйланг, бир байт топилгай манзур.

## Учинчи кўшиқ

Ғавғодан чиқмади Хуросон боши,  
Гоҳ ёниб, гоҳ сўнди дилда оташи,

Эл фиғони кўкка ўрлаб тутундек,  
Дилсиёҳ — гўё ой тутилган тундек.

Кўрғаймиз, пардасин очиб бул  
Фалакнинг ўзи не этгай намоён...

Суҳайлийга бўлиб бу фикр маъқул  
Самимий жилмайди Навойга ул.

Икки зот олишиб қоғозу қалам  
Тафаккур баҳрига чўмдилар шу дам.

Вақт соатин олтин кафгири шиддат  
Лаҳзалар зарбидан тўлғонган фурсат

Азиз бошларини кўтариб ердан  
Бир байтдан ёзишди иккови бирдан.

Сўнг эса бой бермай олтин  
Бир-бирига тутди битган байтини.

Иттифоқо, воқе бўлиб таворуд,  
Дилларни чулғади ажиб бир суруд.

Мавлоно Суҳайлий этгач илтифот,  
Навой лафзида байт ёзди қанот:

«Баҳори боғи жавони, ниҳоли  
Гули риёди карам, сарви жуйбори виқор».<sup>10</sup>

Бир-бирига ўхшаш икки гўзал байт  
Икки дил боғида туғилмиш пайт.

Қасидани безаб бул дурри макнун,  
Таворуд сеҳридан бўлишди мамнун.

Суҳайлий офарин айтди амирга,  
Амир ҳам қувонди ул билан бирга.

Форсийда Суҳайлий бўлса-да  
Назм гулшанида Фонийдек нодир

Истеъдод соҳибин тутиб мукаррам,  
Навой уйдан узмасди қадам.

Жанглар гирдобига бўлиб гирифтор  
Осойиш кунларга боқди умидвор.

Султон Абусаид зулмига барҳам  
Беролмай, халойиқ чекар эди ғам.



Бешафқат солиқлар тегди жонига,  
Ўт тушди мазлум эл хонумонига.

Девон маъмурлари ҳаддидан ошди,  
Горат ва торожи сел бўлиб тошди.

Дилларни кемирди фитна ва фасод,  
Харажу мараждан юрт эди барбод.

Қаёқдан эсса-да бало шамоли  
Шаҳри Хирот бўлди унинг қамали.

Хосу авом эса дашт аро ҳайрон  
Бедармон касалин дастидан гирён,

Тарки ватан айлаб, олиб кетди бош,  
Юрагида қону кўзларида ёш.

Исканжа остида ўлиб не инсон,  
Қутилди азобу уқубатдан жон.

Гамдийда аёллар юзларин очиб,  
Қоп-қора сочларин ҳар ёнга сочиб,

Гурас-гурас бориб девонбошига,  
Алами сиғмасдан ичу тошига

Ялиниб-ёлвориб тилади шафқат,  
Кўз ёшин сел қилди жабру  
машаққат.

Мурувват ахтариб ул бечоралар  
Эзилган бағрини тигсиз поралар.

Фарёду фиғонга тўлса-да олам,  
Лек Султон қилмади заррача карам.

Юртда зулму ситам яна олди авж,  
Ғазаб тўлқинлари яна урди мавж.

Жангу жадалларда толди халойиқ,  
Балолар домида қолди халойиқ,

Мирзо Бойқаро ҳам тинчимоди ҳеч,  
Ҳеч кимса демади: «Бу савдодин  
кеч»!

Хирот тахтига ул бўлиб даъвогар,  
Осойиш билмади на шом, на саҳар.

Даста-даста аскар сарбони бўлиб,  
Толиққан кезларда дармони бўлиб,

Хирот салтанатин ларзага солди,  
Гоҳ унга ён босиб, эл ҳам қўзғолди.

Бойқаро қошида Таршиз эгди бош,  
Улус ишига ул бўлди кўзу қош.

Қалъа дарвозасин очгач Нишопур,  
Султоннинг аҳволи бўлди кўп оғир.

Ҳусайн обрўси ошиб эл аро  
Гоҳ унда, гоҳ мунда қўзғар  
можаро.

Гоҳо Султон қўли келганда баланд,  
Бойқаро лашкари еяр эди панд.

Мирзо билан Султон туриб юзма-юз  
Бир майдонда зўр жанг қилмаган

ҳануз.  
Бойқаро Хиротга келолмай яқин  
Атрофда чақнарди мисоли чақин.

Султон моҳир эди жангу жадалда,  
Кимлигин кўрсатган эди амалда.

Бир навбат, майдонда ҳар икки  
томон  
Ўзини жанг аро этди намоён.

Жаҳ-жаҳ атрофида бўлган бу  
ҳарбда  
Султон аскарлари беролди зарба.

Бойқаро қўшини қочди, сақлаб  
жон,

Бир дастаси эса тополмай имкон,

Султон амирларин қўлига тушди,  
Тутқунлик домида жони увишди.

Амирлар кенгашиб олиб ўзаро  
Асирлар қисматин этишди қаро

Бошларин султонга этгали эҳсон  
Улимга чоғлади уларни шу он.

Мингчинор даҳасин аскаргоҳида,  
Амир Султон Ҳасан қароргоҳида,

Унинг кўз қароси — Мирзобек  
танҳо,

Навоний дардига бўлганда ошно,

Товачи келтириб икки асирни,  
Ошиқиб сўради улуг амирни.

Амирнинг йўқлигин билгани замон,  
Товачи уларга деди ногаҳон:

«Иккисин умри ҳам топмишдир  
завол,

Бошларин ҳокимга юборинг  
дарҳол».

Бу ҳолдан ўйланиб қолди-да  
бир дам  
Навоний ҳолати ўзгарди бирдан.

Олий хулқ амирдан мурувват  
сўраб,  
Асирлар боқарди кўзи мўлтираб.

Мирзобек раъйига бермасдан озор  
Навоний кўнглини айлади изҳор.

«Уруш майдонининг ғарб томонида  
Бир қурбон ётмишдур, тепа ёнида.

Бир-икки тангани олса гар жаллод,  
Бошини келтиргай, бирини озод

Этмак умидим бор, қилсайғиз амал  
Бир умр боғига кирарди ҳамал».

Мирзобекка бўлиб бу тадбир  
маъқул,  
Жаллодни шу замон хурсанд  
этди ул.

Бир одамни халос қилиб ўлимдан,  
Ўзгасин қутқарсам қайси йўл  
билан,

Деб турган чоғида Навоий ҳайрон,  
Товачи от қўйиб келди-да шу он:

### Тўртинчи қўшиқ

Олтин куз йиғмоқда дастурхонини,  
Гулханда ёқмоқда зар хазонини.

Тупроқлар тортилди тоқлар  
зангига  
Боғлар қулоқ тутди қиш оҳангига.

Кўзгудай тиниқди Кўҳак сувлари,  
Ғафлат уйқусига чўмди болари.

Муздай шамол эсди  
кўҳистонлардан,  
Булбуллар йўқолди  
гулистонлардан.

Боғу роғ хувиллаб қолди кимсасиз,  
Далалар ҳансираб ётар, жилвасиз.

Юзларга санчилди аёз игнаси,  
Жонга хуш ёқади офтоб шуъласи.

Булутлар элайди элакда ёмғир,  
Қарғалар «қар-қар» деб қорға  
мунтазир.

Сайр ётар кузакнинг сўнги онлари,  
Кумушга безанмиш тоғ домонлари.

Бу хазон фаслида маъюс туйғулар  
Дилафгор Навоий қалбини тилар.

Қафасдай кўриниб кўзига шаҳар  
Ул бугун Кўҳакка отланди саҳар.

Дўл бўлиб бошига ёғилган ғамлар  
Нотавон этгандек, зўрға қадамлар.

«Яна бир асирни ўлдирманг, амир,  
Бир бошнинг кетгани кифоя эрур».

Дея Мирзобекка боқди шодумоң,  
Навоий дилин ул этди гулистон.

Товачи қўлига бир бошни бериб,  
Ўлимдан иккала жонни қутқариб,

Навоий уларни қўйиб юборди,  
Шамширдан қўлларин тийиб  
юборди.

Бу бахтдан тутқунлар лол бўлиб  
қолди,

Раҳмат деб бир зумда кўздан  
йўқолди.

Навоий топган бу тадбири шоён  
Сехридан ҳайратда Мирзобек  
ҳамон.

Осмон ўртангандек мунгли оҳидан  
Ёғилиб турибди дард нигоҳидан.

Энг мушкул кунларда Кўҳак ҳавоси  
Навоий кўнглининг эди давоси.

Кўҳак тепасидан унга чор атроф  
Борлигин намоён ётарди шаффоф.

Хаёлин чулғарди осуда тоғлар,  
Тоғларга туташган чаманзор  
боғлар.

Кўнглини эркалаб дарё шамоли  
Маҳлиё ётарди юртин жамоли.

Дилида губордан қолмасди асар,  
Кўзин сеҳрларди жаннатий манзар.

Кўҳакка топиниб келди бугун ҳам  
Кошкийди, топилса дардига  
малҳам.

Борлиққа суқланиб боқди ғамгузор,  
Кўзида ҳасрату дилда алам, зор.

Не учун Навоий дили афгордир,  
Не учун кўзига Самарқанд тордир?

Бошига ёғдими маломат тоши,  
Не учун эгилмиш Навоий боши?

Ё ундан келдими рақиблар устун,  
Орзулар чамани бўлдими куқун?

Ё Шакур Мирзонинг фисқу-фасоди  
Туфайли келдими келган омади?

Ё Мирзо Бойқаро ҳоли бўлиб танг,  
Кўксига тегдими ғаним отган санг?

Не учун Навоий мунча ғамгиндир,  
Неча кундан буён дили тутундир?

Йўқ, асло! Бунинг бир сабаби  
бордир,  
Шунинг-чун кўнглида ғаму  
озордир.

Мирзо Бойқародан келган номабар  
Амирга етказмиш нохуш бир хабар.

Бу хабар дил уйин айлади вайрон,  
Рангин заъфар этди, чашмини  
гирён.

Дол қилди амирнинг адл қоматин,  
Ғамга йўлдош этди бор саодатин.

Назмгўй қаламин ул йиғлатди қон,  
Қоғози додидан ўртанди жаҳон.

Маълумким, амирнинг икки тоғаси,  
Жондан азиз кўрган суюк оғаси

Мирзо Бойқарога бўлиб тарафдор,  
Унинг қўшинига эдилар сардор.

Бойқаро қай жангда қозонса зафар  
Уларнинг хизмати эди муқаррар.

Гар улар назмда сурганда қалам  
Табассум қиларди тош узра  
гул ҳам:

Бири Кобулийдир, Ғарибий бири,  
Навоий умрининг эди сурури.

Ғарибий тахаллус қилмиш  
Муҳаммад  
Али шуҳратига йўқ эди сарҳад.

Мир Саидга ини бўлмиш  
нажиб зот.  
Назмидан фахр этмиш Машҳаду  
Хирот.

Ул эди хуш таъбу хушхулқ,  
хушсуҳбат,  
Дардманд йигит эди, топганди  
шуҳрат.

Ғарибий завқ билан чалганида соз  
Кўшиғи этарди дилларга парвоз.

Мусиқий илмидан бўлиб саводхон,  
Хусни хатда эди котиби даврон.

Султон соҳибқирон айлаб эҳтиром  
Яқин тутар эди ўзига мудом.

Ва лекин хизматин тарк этиб  
кетмиш,  
Ғарибий ғариблик ихтиёр этмиш.

Навоий Машҳадда экан чоғида  
Ул кезмиш ораста Кўҳак боғида.

Ғарибий кўнглини сийлаб  
Самарқанд  
Диёри этганда ўзига фарзанд,

Афсус, минг афсуским, умри  
навқирон  
Башар боғида кўп сурмади даврон.

Султон Абусаид Мирзо буйруғи  
Туфайли санчилди қотилнинг тиғи.

Навоий дилини тилганди бу дард,  
Ногаҳон кўнғанди кипригига гард.

Ғарибий туркийда кўпроқ айтмиш  
шеър,  
Форсий ҳам назмига сочмиш  
жавоҳир.

Ушбу матлаъ бирла сайр этмиш  
ғазал  
Ҳофизлар тилидан тушмасди азал:

«Дарди ҳолимдин агар ғофил,  
агар огоҳ эсанг,  
Ҳеч ғамим йўқ сен менга гар  
дилбару дилхоҳ эсанг».<sup>11</sup>

Қай шоир тилига форсий сочса зар,  
Ушбу байт ҳамоҳанг ғазалин  
бошлар:

«Чашми бемори ту ҳардам  
нотавонам мекунад,  
Лаъли жон бахши ту, жоно қасди  
жонам мекунад».

Мир Саид — «Кобулий» этмиш  
тахаллус,  
Лафзидан зар либос кияр эди сўз.

Кобулий эл аро эди кўп машҳур,  
Туркийни кўрарди назмда манзур.

Туяқ борасида беназир эди,  
Эл эса назмига мунтазир эди.

Афсус, қисқа экан Кобулий умри,  
Юлдуз каби сўнмиш кўзининг нури.

Укасин қотили унга ҳам, эвоҳ,  
Сарахс қўрғонида тиғ тортмиш  
ногоҳ.

Ул фақир шаҳидлик келтирмиш  
Илҳом парилари киймишлар қаро.

Бойқаро минг узр ила битган хат  
Навоий бошига солмиш

гам-кулфат.

Бу дарду аламдан дилхаста амир  
Кузнинг жамолига маҳзун боқадир.

Нетсин ул қуласа суняч тоғлари,  
Хазонга айланса умид боғлари!

Бундан хабар топса баъзи ағёрлар  
Фитналар заҳридан сўлар баҳорлар.

Кобулий ашъорин Навоий бедор  
Тунлари неча бор этарди такрор.

Назм дарчасини ул очиб илк бор  
Жияни дилини этмиш бахтиёр.

Нажот қўлин чўзди мушкул

Еруғ йўл кўрсатди зулмат

• тунларда.

### Бешинчи қўшиқ

Навоий хаёлга асир бўлган пайт  
Ёдида жонланди гадо айтган байт:

«Кўкрагимдур субҳнинг  
Кипригим шабнам тўкилган  
сабзадин намнокроқ».

Бозор остониға бориб ул абгор  
Бу байтни тинглаган эди неча бор.

Ғам билан бу байтни куйласа гадо,  
Аҳли дард гўёки бўларди адо.

• Бозорга йўл олган барча харидор  
Дарвоза ёнида тўхтарди бир бор.

Гадонинг ширали овози гўё  
Осмон гумбазида берарди садо.

Унинг хонишидан бўлиб дилафгор  
Ғам даштин айларди диллар  
ихтиёр.

Бу байтни Навоий эшитган кундан  
Ороми йўқолди гўёки ундан.

Кўнгли бўлиб тамом мафтуну асир  
Ёд ўқиб юрмакдан топарди ҳузур.

Замзама қиларди ул шому саҳар,  
Шодадан узилган бўл икки гавҳар,

Кобулий ашъорин маҳзун этар ёд,  
Бу туюқ ёдида яшар умрбод.

«Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,  
Гул адоқинда хумори ёзасиз».

Гар мен ўлсам, турбатимнинг  
«Куштаи бир шўх эрур», деб  
ёзасиз».

Амир ҳасратидан Кўҳак тўлғонар,  
Булутлар уфқда хазондек ёнар.

Кўҳак ҳам хаёлин этолмади ром,  
Шаҳарга талпинар дили беором.

Расад домонидан ўтар ониди  
Бир байт жавлон урди дил  
осмонида:

«Турбатинг тошида қолмағай  
Авлодлар дилига ёзурмиз номинг»!

Фикру хаёлини этган эди банд,  
Сотиб олмакка ул эди орзуманд.

Бу истак қўймади Навоийни тинч,  
Гадонинг изидан борди-да  
бир кеч,

Дардин айтмоқ бўлди харобасида,  
Йўқ демас, балки ул илтимосига.

Дилини банд этган шу эзгу қарор  
Кошки, Навоийни қилса бахтиёр.

Навоий

Отахон, сотсангиз шу байтингизни,  
Бул фақир миннатдор этарди  
сизни.

Кифоя қилмаса гар унга ақчам  
Ечиб беражакман сизга тўним ҳам.

Йўқ деманг, отахон, сиздан  
Байтингиз йўқотмиш кўнгилдан  
тинчим...

Навоий сўзини эшитган гадо  
Қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди,  
аммо

Бошини чайқаб ул рад жавоб  
Шоир орзусини худ сароб қилди.

Г а д о

Янглишмасам, тақсир,  
муллаваччасиз,  
Бу байтни олмакка етмас ақчангиз.  
Шундоғми?

Н а в о и й

Йўқ, асло!

Г а д о

Унда, эй ўғлон,  
Байтни сотиб олмак эмасдур осон.  
Бу олий ниятдин кечинг умрбод,  
Текинга берурмен, майли олиб ёд,  
Ўқиб юра беринг, эмасмен мене,  
Байт учун қилмасмен сизга  
даъвони.

Н а в о и й

Сотиб олмагимнинг бир сабаби бор,  
Ул чоғда бўлмасиз байтга  
даъвогар.

Куйлаб тиланишдин маҳрум  
бўлгайсиз,  
Фақирни соҳиби байт деб  
билгайсиз...

Гадо бу даъвони эшитган ҳамон  
Мийиғида кулиб қўйди-да шодмон,

Навоий сўздан териб дурдона  
Бошини чайқади тамасхўрона.

Г а д о

Балки бунга сизнинг кучингиз  
етмас,  
Ақчасиз, азизим, сўзингиз ўтмас.  
Балки шоҳликка ҳам алишмам  
буни,  
Шу туфайли ўтар фақирнинг куни.  
Зероки, отамдин бул байт  
меросдур,  
Қирқ йилдан буёнким, куйлашим  
ростдур.  
Шу билан тебраниб турибдур  
рўзгор,  
Бола-чақамни ҳам бунда ризқи  
бор.

Н а в о и й

Шоир ўтганмиди отангиз тақсир?

Г а д о

Йўқ, боғбон эдилар, ғоят беназир.  
Баланд овоз билан куйлаб ҳар  
наҳор  
Парвариш этарди боғин соҳибкор.

Н а в о и й

Айтинг-чи, бир байтнинг ўзимиди, ё  
Мукаммал ғазалдин фақат энг аъло  
Байти ёдингизда қолганми, тақсир,  
Хаёл кўзгусига ўйлаб боқинг бир?

Г а д о

Йўқ, отам ҳам этиб бир байтни  
такрор  
Боғаро куйларди, ёзгали хумор.

Н а в о и й

Соҳиби кимлигин балки билурсиз,  
Меним мушкулумни осон қилурсиз?

Г а д о

Ному тахаллусин билмайман,  
бўтам,  
Бехабар бўлгандир балки  
отам ҳам...

Навоий сукутга чўмди, чекиб ғам,  
Гадо эса берди сўзига ҳашам.

Г а д о

Ед олиб сиз доим этмакка такрор,  
Менинг ризолигим етмасми,  
шунқор?

Н а в о и й

Йўқ, асло! Сиз ризо бўлмасангиз  
ҳам  
Ед олиб, дилимни қилгали хуррам,  
Замзама қилурмен билониҳоя,  
Лекин бул мен учун қилмас кифоя.

Г а д о

Ундоқ бўлса, тақсир, сизда ихтиёр,  
Арзонга сотмасмен бул байтни  
зинҳор...

Гадонинг сўздан руҳи чароғон  
Навоий қалбида туғён қилиб жон,  
Шод бўлиб, уйига қайтиб келди у,  
Йўлда ҳам шоҳ байтни айтиб  
келди у:

«Кўкрагимдур субҳнинг  
пироҳанидин чокроқ,  
Кипригим шабнам тўқидган  
сабадин намнокроқ».

## Олтинчи қўшиқ

- Боғи Дилкушода фасли баҳордир,  
Баҳорки, азалдан фасли ашъордир.
- Гулзорлар оламга қилиб табассум,  
Тароват қўшиғин этмиш тараннум.
- Кўнгиллар чамандан олиб андоза,  
Баҳор саодатин айлар овоза.
- Булбуллар «чаҳ-чаҳ»лаб куйлашар  
тонгдан,  
Табиат сархушдир завқли оҳангдан,
- Пайваста чинорлар учуда офтоб  
Олам китобини ўқийди беҳоб.
- Келинлар бергандек тонг ила  
салом,  
Мажнунтоллар ерга этмиш  
эҳтиром.
- Самога қўл чўзмиш шамшод  
терақлар  
Кафтида бир ҳовуч нурли  
тилаклар.
- Япроқлар ичидан мўралар анор,  
Бағри қон бўлгунча ҳали фурсат  
бор.
- Анжирнинг шапалоқ япроқларида  
Нур ўйнаб, мўлтирар қучоқларида.
- Тим билан дилроздир кўркам  
ишқомлар,  
Бошларда соябон гўё эҳромлар.
- Ариқлардан оқар сувлар хиромон,  
Дилбар навосидан ором топар жон.
- Боғ аро сайр этар мусаффо ҳаво,  
Ҳавоки, қирқ йиллик дардга ҳам  
даво.
- Мунаққаш бинолар нақш-нигорида,  
Офтобни лол этган кўрк, виқорида
- Ёғдулар товланиб ўйнар намозшом,  
Кун билан талашиб қўнмоққа  
оқшом.
- Боғнинг ўртасида дилкушо шийпон,  
Шифтида акс этмиш гумбази осмон.
- Ҳовуз атрофида толу қайрағоч  
Ҳавас гулшанида ёзмишлар қулоч.
- Дарахтлар шоҳида қафаслар яйрар,  
Каклигу бедана маст бўлиб сайрар.
- Пўртана қилгандек дилда илҳоми  
Боғни тутиб кетмиш қушлар  
мақоми.
- Қушлар мақомига гўё жўровоз  
Боғ ичра янграйди мусиқаю соз.
- Амиру умаро, аҳли фузало,  
Ҳофизу шуаро сархуш боғ аро.
- Муҳташам шийпонга бермиш кўрку  
файз:  
Вафойй, Навойй, Хожа Абулайс.
- Арҳангий, Садоий, Жалол  
Лутфулло,  
Риёзий, Мирзобек, Шакур ал  
Мирзо,
- Мирзо Ҳожи Суғдий, Юсуф Бадиний  
Жавҳарий, Ҳоварий, Қутб Санафий
- Мавлоно Вафойй бўлиб меҳмони,  
Баҳор қучоғида яйрайди жони.
- Қоғир мажлисидан юзлар лолавор,  
Назм чорбоғида сўзлар лолавор.
- Ургут шаробидан жунбушда  
қонлар,  
Муғанний созидек беором жонлар.
- Вафойй ғазалин куйлар муғанний,  
Ут бўлиб, дардини сўйлар  
муғанний:  
«Боғ аро қўйсанг қадам саҳни  
гулистон ўртанур,  
Яшнатиб гул баргини инжуда  
хандон ўртанур.
- Товланиб товус каби қилсанг агар  
нозук хиром,  
Гул қошида бағри қон булбули  
хандон ўртанур.
- Кўрибон лаъли лабингни волаю  
шайдо бўлиб,  
Қўз ёшин дарё қилиб лаъли  
Бадахшон ўртанур.
- Ё фалакдин ерга тушган Ҳулкару  
Зухромисён,  
Ҳулкару Зухро дебон мулки  
Хуросон ўртанур.

Эл сени билгай кўзининг  
оқ-қаросидин азиз,  
Оқ чекиб ҳасрат ила бебахра  
мужгон ўртанур.  
Мен сени жоном дедим, жонимга  
жон бўлгин, санам,  
Йўқса аҳволим забун, жисмимдаги  
жон ўртанур.  
Шавқ ила битди Вафойи бу  
ғазални, эй ғизол,  
Тинглагин, ашъорида қалби  
ғазалхон ўртанур».

«Ваҳ» деди нолаваши аҳли анжуман,  
Дил баргин тиглади гўёки тикан.

Навбат Риёзийга келган чоғида  
Кибр ўти ёниб кўз қароғида,

Ўрнидан қўзғолди улуғларга хос,  
Қалбидан отилди ёниқ эҳтирос:

«Эй пари, аз рух барафган-турраи  
тарродро,  
То ба кай бар рӯи мусхаф мениҳи  
зунноро.

Ғайри чашмам чакраи оби  
намоннад касе,

Рӯзи ҳижрон бир сари болини ман  
беморро.

Эй дил охир то ба кай боши ба  
даъвии рухаш,  
Дам зи якраги зани аз по берор ин  
хорро.

Тоқи обрўй ту меҳоҳам, ба  
меҳробим чи кор?  
Куфр бошад сажда кардан сурати  
деворро.

То Риёзиро ба Маҳшар номаи тоат  
бувад,  
Мебарад дар саҳфаи дил нақши  
ҳатти ёрро»<sup>12</sup>.

Бу латиф ғазалга бўлди-ю мафтун  
Шоирни қутлади Навойи мамнун.

Олқишдан Риёзий қадди тоғ бўлди.  
Ғолиблар боғида дили чоғ бўлди.

Аҳли анжумандан бўлиб миннатдор,  
Қуллуқ қилди шоир, дилда ифтихор.

Амир Мирзобекка келганда суҳан,  
Жон қулоғин тикди унга анжуман.

«Ёна-ёна кул бўлармен келмасанг ёнимга, ёр,  
Кулмагин кул бўлди деб, раҳм айлагин  
жонимга, ёр.

Ёр, ёритгин манзилимни шўълаи дийдор ила  
Йўқса ёрим, қора тун бўлгай ошёнимга ёр.

Орзую армонларим қарвони сарсондир бугун,  
Сен ахир сарбонисан, боқгил бул қарвонимга, ёр.

Қилмагум номимни зар бирла жаҳон овозаси,  
Бас эрур гар нома келса сендан унвонимга, ёр.

Гар сўзим бўлса шакардин ҳам ширинроқ, не ажаб,  
Болдайин лаълинг эрур ҳар шеъру достонимга ёр.

Минг тўсиқни ёрибон васлингга етгум, ёр, ахир,  
Чунки сен илҳом берурсен ушбу паймонимга, ёр.

Тингла Мирзобек сўзин, ишқингда гар кул  
бўлса ҳам,  
Бош кўтаргай янгидан келсанг агар ёнимга, ёр».

Қутловдан Мирзобек хуш таъзим  
этди,  
Шодликдан гўёки ўзин унутди.

Жонига ёр ишқи бўлиб пайваста,  
Чорпояга бориб ўтирди аста.

Мирзобек шаънига сўнгил деб  
шароб,  
Соқийга Вафойи айлади хитоб.

Муғбача амирга шароб узатди,  
Навбойи соқийни хурсанд кузатди.

«Навойй ўқусин», «Навбат  
амирга»,—  
Садолар завк билан чулғанди  
нурга.

«Ғазали наве хонед, мавлоно  
Фоний!»—  
Илтифот этгандай деди Риёзий.

Вафойй амирга этгач такаллум,  
Навойй юзида порлаб табассум,  
Лутф билан барчага айлаб  
эҳтиром,  
Ғазал парисини дили этди ком.

Навойй кўзига тикилди кўзлар,  
Тамоша қилгали чиқди юлдузлар.  
Ой чироғин ёқди дилбар тун қизи,  
Заминнинг бир зумда нурланди  
юзи.

Сайроқи қушлар ҳам тинди беозор,  
Амир ғазалига одам интизор.

Навойй қалбида зўр шеърый  
қудрат,  
Сўзида товланар чақмоқли суръат.

Маъюс туйғуларнинг оташ тугёни  
Комида тўлғонар шоир армони:

«Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Таковоринга бағир қонидин хино боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳқан қилғил.

Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни бошдан-аёғ чин ила шикан қилғил.

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас моне,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзуда терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил».

«Офарин, Навойй!» «Муборак  
ўлғай!»—  
Нидоси Дилкушо узра чарх урғай.

Дўстлар меҳрин гўё этиб армуғон,  
Шоирни дил-дилдан қутлади  
шодмон.

Навойй таъзимга хурсанд эгди бош,  
Олқиш дури янглиғ кўзларида ёш.

Вафойй руҳида маъюс аланга,  
Навойй ғазали жон берур танга.

Вафойй дилига муҳрланмиш байт  
Боғаро сайр этмиш ушбу гўзал пайт.

(Давоми келгуси сонда)





Азиз Қайумов

# ҮСЎТ ОЗ Беруний



(ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ ТУҒРИСИДА  
АЙРИМ ЛАВҲАЛАР)

## Меҳрибонлик

Амударё тўлқинлари қирғоққа куч билан урилади. Улар соҳил тупроқларини ялайдилар, юлғунлар томирини яланғочлайдилар. Сал туриб заминдан ажралган да-рахт сувга ағдарилади. Оқим уни олиб кетади. Тўлқинлар яна ўз ишида давом этади, яна қирғоққа ёпишади, яна янги-янги ниҳоллар, шохлар, томир ёйган ажириқларни ўз қаърига тортади. Бу жараён йиллаб давом этади. Дарё шарққа сурилиб боради. У шаҳарларни ютади, далаларни торайтиради, муттасил ўз йўналишини ўзгартира боради. Дарё тўлқинларининг ҳаракати тарих оқимидек бетўхтов, шафқатсиз ва қатъий.

Аммо халқ иродаси, унинг яратувчилик қудрати ҳам шунчалар зўр. У қадимий Хоразм тупроғининг ҳар қадамини боғу-бўстон, экинзорларга айлантирган, бепоеён савдо йўллари, муҳташам карвонсаройлар, мустаҳкам қалъалар, обод шаҳарлар бино қилган, илм-фан масканлари яратган, улуғ фарзандлар тарбиялаб етиштирган.

Хоразм давлатининг пойтахти Кат шаҳари ана шундай воқеаларга шоҳид. Аму-дарё бу шаҳарга йил сайин ҳамла қилади, гоҳ унинг дарвозасини олиб кетади, гоҳ соҳил бўйларини ювиб нуратади. Шаҳарга муттасил ҳужум қилади. Лекин одамлар ўз туғилиб ўсган жойларини ҳеч қачон ташлаб кетмайдилар. Улар дарёга ем ҳам бўлмайдилар. Одамлар шарқ томонга сал силжиб, яна бир янги шаҳар қурадилар. Хоразм меъморлари олдингидан ҳам улуғвор ва кўркамроқ иморатлар бино этади-лар. Кат шаҳарининг иқтисодий ва сиёсий салмоғи, унинг фан ва маданият маркази сифатидаги шуҳрати ошса ошадик, камаймайди. Дейдиларки, Кат ўша даврдаги азим ва шариф шаҳар Бухородан катта бўлган, ўзининг донишманд ўқимишли кишилари билан бу шаҳар Ироқдаги машҳур марказлардан устун турган. Агарда Кат шаҳрининг ҳаётини эл кўпчилики бўлиб яратган, бузилганида қайта тиклаган бўлса, шу элнинг шуҳратини унинг юксак истеъдодли фарзандлари вужудга келтирдилар, бу шуҳратни дунё ва тарихга ёйдилар.

Х асрининг охириги чораги. Катда хоразмшоҳларнинг африғийлар сулоласи ҳукм-ронлик қилади. Ҳокимиятда Абу Абуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқ барқарор. Подшоҳнинг таянчларидан унинг амакиваччаси Абу Наср ибн Али Ироқ эди. Абу Наср ибн Ироқ ўз замонасининг таниқли олим ва мутафаккирларидан бири. Унинг математика ва астрономияга оид асарлари жаҳон фанида эътироф топган.

Баҳор эртаси. Кат қалъасидаги шоҳона хоналардан бири. Уй ўртасидаги хонтахтага дастурхон тузалган. Унинг атрофида икки улфат шонилмай нонушта қилиб суҳбатлашмоқдалар. Улардан бири 35—40 ёшлар чамаси тўладан келган, нуруний юзли, кўзида улғусифатлик ва тафаккур нурлари порлаган бир зот. Бу Абу Наср ибн Ироқ. Абу Наср туни билан осмоний жисмлар, уларнинг ҳаракатларини кузатар, кундузи эса озгина ҳордиқ чиқариб сўнгра кечаси йиққан маълумотларини ишлаб чиқар эди. Унинг учун нонушта пайти бирдан бир холий фурсат. Олим эрталаб ўзининг яқин бир дўсти билан суҳбат қуришни яхши кўрар эди. Хоразмшоҳга унинг донолиги, хушёр ва зукколиги, одоб ва тавозеси ёқар эди. У ниҳоятда камтарин, бегараз, ўзининг баланд даражали дўсти билан яқинлигини ҳеч қачон пеш қилмайдиган ботамиз хоксор бир киши. Дўстларнинг бугунги суҳбатида истъдод тўғрисида сўз кетди. Суҳбатдошларнинг ўзи пуристъдод кишилар бўлганидан улар табиий қобилиятни жуда қадрлар эдилар.

— Шоҳ ҳазратлари,— деди меҳмон кўлидаги пиёлани дастурхон четига аста кўйиб — мен Берунда [шаҳар ташқарисиди] бир ўспиринни учратдим. Ҳолати гоят таважжўх шуъласи бу гавҳарни ёритса, ундан фан оламига не-не чароғонлик, жаҳл зулматига не-не азият етмиш бўлур эди.

— Кимдир у фақир!

— Номи Муҳаммад ибн Аҳмад. Ёши ўн тўрт — ўн бешларда. Отадан сағир қолган. Онаси иккаласи яшашади. Камбағаллик билан кун ўтказишади.

Меҳмон бу гапни шоҳга айтмоқ учун анчадан бери фурсат танлар эди. Истъдод мавзудидаги бугунги суҳбат шу ниятнинг ижросига қулай имкон берди.

— Болани эртага бу ерга келтирсангиз.

— Бажони дил, ҳазратим.

Меҳмон эртаси куни эрталаб Муҳаммад ибн Аҳмадни Хоразмшоҳ ҳузурига бошлаб келди. Абу Наср келганларни дастурхонга таклиф қилди. Шоҳнинг дўсти ва унинг ёнидаги йигитча одоб билан кўйида тиз чўқдилар.

Мезбон хонтахтанинг юқори томонида юмшоқ паркуга ёнбошлаб ўлтирар эди. У Муҳаммадга чуқур нигоҳ ташлади.

Муҳаммад ибн Аҳмад гоят озғин, чеҳраси рангсиз, юзига темратки тошиб кетган эди. Унинг анчадан бери олинмаган сочлари қулоғи устига ўсиб тушган, улар устидан эски дўппи бостириб кийилган; эғнида катта ва ювилаберганидан ўнгиб ва тўзиб кетган кўйлак осилиб турар эди. Яланг оёғида катта ёшли кишининг ташланди эски кафши. У ўлтирган жойида ўхтин-ўхтин хонтахта устидаги таомларга кўз ташлар, қорни оч бўлса-да, улғу одамлар олдида овқатга қўл чўзишдан андиша қилиб, жим одоб сақлаб ултирар эди.

— Хуснихатни машқ қилурмисен,— деб суҳбат орасида сўради Абу Наср Муҳаммаддан.

— Машқ қилурмен,— деди йигитча ва ёнидаги халтадан бир қоғоз олиб олимга узатди. Бу қоғозда араб тилидаги бир тўртлик шеър ўртача хуснихат билан жалий [йирик ҳарфлар билан ёзилган ёзув] усулида кўчириб ёзилган эди.

Абу Наср хатни кўздан кечирар экан, ундаги хусни хат қондаси бузилган жойларга аҳамият берди. Аммо, умуман йигитнинг ёзувидан мамнун бўлди.

— Араб тилидаги қайси олд ва орт қўшимчаларни билурсен!

— Боу, тоу, кофу, лому, вову, мунзу, муз, ҳало, Рубба, ҳошо фи, ало, мин, ан, ало, ҳатто, ило,— деб Муҳаммад бу қўшимчалардангина тузилган байтни қироат билан ўқиди.

Абу Наср йигитчага астрономия, география, ҳикмат, математикага оид саволлар берди. Муҳаммад бу саволларга тез ва тўғри жавоблар қилди.

Абу Наср хурсанд бўлиб кетди. У дўстига қараб сурия тилида деди:

— Айтганингиз тўғри эркан. Бу болада оллох бахш этган улкан истъдод мавжуд. Мен бу йигитчани ўзим парвариш этиб илм таҳсилига йўллайжакман. Агар у тиришиб меҳнат қилса, иншооллох, Абу Наср ибн Ироқнинг муносиб шогирди бўлу-

Абу Наср сўзларини тугатиб Муҳаммадга қаради. Муҳаммаднинг кўзида севинч порлар эди. «Тушунилти гапларимни. Демак бу бола сурия тилини ҳам билар экан» деб ўйлади, Абу Наср ибн Ироқ. У ҳақ эди. Муҳаммад она тили — хоразмий тилидан ташқари яна араб, юнон, сурия тиллари билан ҳам таниш эди.

Орадан бир неча вақт ўтди. Муҳаммад устози Абу Наср ибн Ироқ кўлида математика, астрономия фанларидан чуқур билим олди. Яна у наботот [ботаника], жуғрофия [география], ҳикмат [физика], тарих, тилшунослик, адабиёт ва вазн илми, фалсафа ва бошқа илмларни ўрганди.

Муҳаммад ибн Аҳмад илм таҳсилида кўп ютуқларга эришди. У ўзининг юксак даражали ҳимоячиси ва устози давлатнинг соясиди унумли ишлаб бир неча йил ўтгач, замонасининг таниқли олимларидан бири бўлиб етишди. Бу ёш олимни энди Абу Райҳон Беруний деб атай бошладилар.

Абу Райҳон сўзи Райҳоннинг отаси демакдир. Ёш олим бу хушбўй ўсимликни жуда ёқтирар ва муттасил кўлида олиб юрар эди. Беруний эса Кат шаҳарининг ташқариси Берун — олимнинг туғилиб ўсган жойга нисбат эди.

## Ер ярим куррасининг суврати

988 йил. Жанубий ёз тунларидан бири. Юлдузлар тўла осмон сирли жимирлайди.

Дала ўртасидаги баландликда расадхона. Унинг икки бурчида Абу Наср ибн Ироқ ва Абу Райҳон Беруний осмон жисмларини кузатиш билан бандлар. Абу Райҳон гоҳо ўз кузатувчи асбобидан узилиб устоз ишлаётган ёққа келади, ундан бир нарсаларни сўрайди, устознинг айтганларини тез-тез ёзиб олади-да, яна ўз ўрнига қайтиб машғулотини давом эттиради. Абу Райҳон бутун вужуди билан осмон ёриткичларининг ўринларини аниқлаш, уларнинг ҳаракатларидаги қонуниятларини ўрганиш, осмоний жисмлар ҳаёти, моҳиятини билиб, ундан Ер сайёрасининг ҳаёти қонуниятларни ечишга интилади. Абу Райҳон Беруний ҳозир мустақил илмий тадқиқот-қонунларга дадил киришган. У тунлари билан осмоний жисмларга оид кузатишлар ўтказди. Сўнг озгина дам олиб сўнг яна ишга киришади. Кундузи билан у Қуёш ҳаракати, у орқали ер юзидаги турли ҳолат ва кўринишларни тадқиқ этиш билан банд. Амударёнинг ғарбий соҳилида Журжония ва Кат шаҳарлари орасида бир қишлоқ бор. Унинг номи Бушканз. Бу қишлоқнинг бошқа Хоразм қишлоқларидан фарқи кам. Атрофи боғлар ва экинзорлар билан ўралган. Дарёдан чиғир билан чиқариладиган сув уларни сугоради.

Кундузи билан қишлоқда ҳар ким ўз иши билан овора. Деҳқонлар далада. Хотинлар йиғлаган болаларини юпатишга ҳаракат қиладилар, уй йиғиштирадилар, ўчоққа ўт ёқиб таом ҳозирлайдилар, далага овқат элиб эрларининг ишига қарашдилар. Қўшга қўшилган ҳўкизлар итваткорлик билан ҳорғин ер ҳайдайдилар. Турмуш ўзининг бетўшом оқимида давом этади. 990 йил ёз пайтида шу алфозда ҳаёт кечириётган Бушканз қишлоғига яқин жойдаги тепаликда ўн олти ёшлар чамаси бир йигит пайдо бўлди. У ўзининг турли-туман асбоблари билан бу тепаликда эрталабдан кечгача тинмай ўралашади. У гоҳ қуёшга боқади, гоҳ ердаги сояларни ўлчади. Унинг асбоблари ичида бир катта доирага ўхшаш нарса бор. Бу доиранинг ўртасида айланадиган жой бўлиб унда тўқсон градусли ўлчов айланмаси жойлашган. Ноль градус ўша жойнинг горизонтал ҳолатига тўғри келади<sup>1</sup>.

Бу ёш тадқиқотчи Абу Райҳон Берунийдир.

Уша асбоблар ёрдамида Беруний Хоразмнинг Бушканз қишлоғида Қуёшнинг энг тик пайтидаги ҳолатини ўлчади. Энг кичик сояга асосланиб аниқланган бу ҳолат  $71^{\circ} 59' 45''$  чиқди. Энг катта оғиш  $23^{\circ} 35' 45''$ . Шуларга асосланиб Бушканзнинг ўрнашган кенглиги  $41^{\circ} 36'$  эканлигини Беруний ҳисоблаб чиқди<sup>2</sup>.

Ер юзасидаги ҳар бир шаҳар, қишлоқ, ҳар бир кўл ва дарёнинг ўрни бор. Шуларни аниқлаб чиқилса, улар ўртасидаги масофани, уни босиб ўтмоқ учун керак бўладиган вақтини белгилаб олиш; бир жойда бир вақт бўлганда, бошқа жойда қандай вақт бўлишини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Ер курра шаклида. Ундаги ўринларни белгилаб олмоқ учун ана шундай бир курра яшаш керак. Абу Райҳон Беруний бу тўғрида кўп бош қотирди. У шундай бир куррани ясамоқчи бўлди. Аммо унда мўлжалланган жойларнинг ҳаммасини сифдириш, ер сиртидаги барча мамлакатларга оид маълумотларни жамлаш гоҳат мушкул иш эди. Шунинг учун Беруний Хоразм, Кат билан боғлиқ жойларнигина бу куррага туширмоқчи бўлди.

Шу борада Беруний билан устоз Абу Наср ибн Ироқ ўрталарида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Ер куррасининг сувратини ясамоққа кўмаклашувчи қандай китобларни муталаа этдингиз, — деб сурди Берунидан устоз.

— Птоломейнинг «Жуғрофия» китобини, ҳамда Жайҳонийнинг «Йўллар ҳақидаги китоб»ини — деб жавоб берди Беруний.

— Куррада кўрсатмоқ учун бу умумий маълумотлар етарли бўлмайди. Хоразм тўғрисида аниқ билимлар даркор.

— Айрим жой ва шаҳарлар номини, улар ўртасидаги масофаларни шу жойларни кезган ва кўрган кишилардан сўраб билганман. Уларнинг айтганларини бир-бирига таққослаб текшириб чиққанман, — деди Беруний.

У ҳар бир саҳифаси ғиж-ғиж жадвал, рақам ва ёзув билан тўла бир неча дафтарларини устозга узатди.

<sup>1</sup> Берунийнинг бу ўлчов асбоби ва у орқали қуёш тиклигини ўлчаш усули П. Г. Булгаковнинг «Жизнь и труды Беруни» («Берунийнинг ҳаёти ва асарлари») китобида муфассал баён қилинган (Т., «Фан», 1972, с.31—32).

<sup>2</sup> П. Г. Булгаковнинг хабар беришича, бу натижа ҳозир қўлланилмоқда бўлган кўрсаткичлардан фақат  $\pm 1^{\circ}33'$  фарқ қилади холос. (Уша китоб, с. 32).

Абу Наср бу дафтарларни олиб диққат билан варақлаб чиқди, сўнг деди: — Ярим курра ясалса кифоя. Унда шу аниқ маълумотларни акс эттириш мумкин. Фақат ясаладиган ярим курранинг ҳажми каттароқ бўлса, жойларни унда белгилаш қулайроқ бўлади.

Шу маслаҳатга биноан Беруний ярим куррани асос узунлиги ўн беш газ қилиб ясади. Унда барча билган жойлари ва улар ўртасидаги масофани белгилаб чиқди. Шундай қилиб инсоният тарихида биринчи бор ҳозир бизда жуда маълум ва машҳур глобус пайдо бўлди. Бу глобусни Х асрнинг охирида, аниқи 994—995 йиллари Хоразмда йигирма бир яшар олим Абу Райҳон Беруний ясаган эди.

## Биринчи муҳожирлик

Ҳаёт оқими тўхтоесиз, аммо бир текис эмас. У дарё сувларидек гоҳо тинч ва виқор билан оқади, гоҳо тўлқинланиб атроф борлиққа ларза солади. Ана шундай ларза Хоразмда 996 йили содир бўлди.

Хоразмлик икки ҳукмдор Кат подшоҳи Абу Абдулла Муҳаммад ва Гурганджаги-амир Маъмун ибн Муҳаммад урушқоқ қашқирлар сингари бир-бирларига ташландилар. Уруш Маъмуннинг ғалабаси билан тугалланди. Кат подшоҳи Абу Абдулло қатл этилди. Абу Наср ибн Ироқ ва Ироқнинг шогирди ёш олим Берунийнинг бошларига таҳликали кунлар тушди.

Йигирма икки яшар Абу Райҳон Беруний ўз илмий ишларини тўхтатиб, ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида аввал душмандан беркинди, сўнг паноҳ излаб Катдан чиқиб кетди. У Эроннинг Рей шаҳарига бориб истиқомат қила бошлади.

Исфахонли бир савдогар таниши Берунийни ўз уйида жойлаштирган эди. Берунийнинг яна бошқа танишлари ака-ука Ҳасан ва Ҳусанлар ҳам ёш мусофир олимга кумаклашиб турдилар.

Рей шаҳари қадимий шарқнинг танилган илмий марказларидан бири. Урта асрнинг улуг олими табиб ва файласуф Абу Бакр ар Розий [865—925] ҳам шу шаҳарда яшаб ижод этган.

Дарбадарлик ва сарсонлик қанча оғир бўлмасин, турмушнинг ажойиб яхши ҳаётлари ҳам бўлиб туради. Мусофирликда кулфатларини енгиллаштирган ҳалиги дўстларнинг илтифоти устига, тақдир Рейда Берунийга яна бир ёқимли учрашув насиб этди. Бу Абу Маҳмуд Хўжандий билан шахсан танишиб мулоқот этиши эди.

Устоз Абу Маҳмуд Хўжандий ҳам Беруний билан учрашганидан мамнун эди. У ёш олимга ўзининг расадхонасини кўрсатди. Бу расадхона Рей шаҳрининг маърифатли ҳокими Фаҳруд — давла шарафига унинг номи билан номланган эди. Чунки Абу Маҳмуд шу ҳокимнинг ёрдами ва қувватлаш туфайли ўз расадхонасини бино эта олган.

Абу Маҳмуд Хўжандий меҳмон Берунийга расадхонанинг ҳамма ёғини кўрсатди. Ёш олим устоз мунажжимнинг сўзларини диққат билан тинглар, илмий кузатишлар учун барча қулайликларга эга бўлган бу даргоҳга ҳавас билан боқар эди.

Абу Маҳмуд Хўжандий ўзи ясаган Фаҳрий секстанти деган асбобни Берунийга намойиш қилганида меҳмон яна қаттиқ мутаассир бўлди. Бу асбоб воситасида жой ўринларини аниқлаш мумкин. Абу Маҳмуд Хўжандий ўз секстанти ёрдамида Рей шаҳрининг, тўғрироғи шу расадхона ўрнашган Таборак тоғининг кенглиги  $35^{\circ} 34' 15''$  эканини аниқлаб чиққан эди.

Бу расадхона, унда эришилган илмий натижалар ўша даврдаги астрономия фанининг катта ютуғи бўлган.

Беруний ёшлигида ўзига чуқур таассурот қолдирган бу илмий даргоҳ тўғрисида кейинчалик алоҳида бир китоб ёзди.

997 йили Беруний Рейдан Катга қайтишга муяссар бўлди. Она юрт шамоли юзларни ёқимли елпийди, ўз фарзандларининг ғариблик аччиқларини кечирган бошларини меҳр билан силайди. Гарчи Рейдаги дўстлар ва ҳамкасаба олимлар Берунийга кўп меҳрибонликлар кўрсатган бўлсалар-да, ўзга эл, ўзга диёр она ер тупроғига шодлик бера олармиди.

Беруний анча харобликка юз тутган Кат кўчаларида кезар экан, унинг фикрида шундай ҳаёллар ҳукмрон эди. Олим Амударё ёқасига етиб тўхтади. Буюк дарёнинг салмоқли оқими тинмай давом этар, нариги соҳил ғира-шира кўзга ташланарди. Олисларда шарпаси бир кўриниб, бир кўринмай бораётган қайиқларнинг тархи сезиларди.

Беруний она юрт ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди, улуг наҳр, бепоён дала-лар чексиз осмонга меҳр билан боқди. Унинг кўнгли юрт севгиси, илм иштиёқи, ижодкорлик шуури билан жўшқин дарё сингари тўйиб-тошган эди.

## Ҳамкорлик мактублари

Беруний илм йўлидаги ҳамкорликни жуда қадр қилар эди. Шунинг учун ўз даврининг таниқли олимлари билан илмий алоқалар ўрнатган эди. Масофалар миқдори тафаккур шўъласи қаршида ожиздир. Катдан Беруний ёзган мактублар бошқа турли шаҳарларга йўл олар, у мактубларда баён этилган илмий масалаларга жавоб ва талқинлар узоқ қарвон йўллари оша Катга, Берунийга интилар эдилар.

Беруний шундай ҳамкорликни ўз замонасининг машҳур математиги ва мунажжими Абулвафо Мухаммад Бузжоний билан ҳам ўрнатган эди.

997 йили Ой тутилиши олдида ҳар иккала мунажжим хат ёзишиб келишиб олишдики, Ой тутилишини Беруний Хоразмда, Бузжоний Бағдодда кузатадилар. Улар Ой тутилишига оид кўринишларни тадқиқ этиб Бағдод ва Катнинг вақти ўртасидаги фарқни аниқлайдилар. Бу фарқ бир соат бўлиб чиқди (15°). Ҳозирги ҳисобларга кўра эса бир соату беш минутдир<sup>1</sup>.

Берунийнинг Абу Али ибн Сино билан ёзишмалари ҳам шу даврга тўғри келади. Беруний Хоразмда илм-фан билан машғул бўлиб турли билим соҳаларини тадқиқ этаётган бир пайтда Бухорода ўн етти яшар бир тиб олимнинг шўхрати ёйила бошлаган эди. Тезда бу ёш табиб ва файласуфнинг довуғи Хоразмгача етиб келди. Бу табибнинг номи Абу Али ибн Сино эди. У 980 йили Бухоронинг Пешку навоҳийсидаги Афсона қишлоғида туғилди. Абу Али ибн Сино болалиқданок табобат [медицина]га муҳаббат қўйиб уни ўрганди. Ун беш—ўн олти ёшли Абу Али ибн Сино билимдон ва тажрибали табиб бўлиб танилди. Аниқса Бухоро ҳукмдори Нух ибн Мансурнинг даволанмас деб ҳисобланган хасталигини шифолагач, ёш табибнинг эътибори жуда ошиб кетди. Бу хизмат эвазига бериладиган мукофот ўрнига Абу Али ибн Сино амир кутубхонасидаги китобларни ўқишга рухсат сўради.

Шундай рухсатни олган ёш табиб кутубхонада жиддий мутолаага киришди ва кўп янги билимларни касб этди.

Беруний Ибн Сионинг илмий фаолияти диққат билан кузатиб борар эди. Беруний Ибн Сионинг фан ва тажрибада ўзига муносиб суҳбатдош бўлишига ишонч ҳосил қилди. Шундай кейин у Бухорога Ибн Синога бир қанча илмий масалалар бўйича саволлар ёзиб юборди. Абу Али ибн Сино бу саволларга жавоблар ёзиб Берунийга жўнатиб турди. Бу ёзишмалар икки буюк фан арбобининг ҳам илмий мувоҳақаси, ҳам мубоҳақаси эди. Улар 997—998 йиллари амалга оширилган<sup>2</sup>.

Беруний Ибн Синога ўн сақизта савол ёзиб юборган. Уларнинг ҳаммаси Аристотелнинг «Осмон ҳақида» [ўн савол] ва «Физика» [сақиз савол] китоблари юзасидандир.

Ибн Сионинг Берунийга қайтарган жавобларини фақиҳ (қонуншунос) Маъсудий кўчириб ёзар ва ўзининг Берунийга ёзган хатларига қўшиб Хоразмга жўнатар эди.

Беруний ва Ибн Сино ёзишмалари ўрта аср Шарқининг бу икки буюк олим ва мутафаккирлари ўртасида илмий ҳамкорликдан ёрқин бир намунадир.

## Гургон шаҳри

Каспий денгизининг жанубий соҳилларига ястанган сўлим бир ўлка бор. Урта асрларда уни Гургания ёки Журжония деб атаганлар. Бу мамлакатнинг пойтахти Гургон шаҳари шу ном билан аталган дарё қирғоғида жойлашган.

Гургон шаҳари ўша замонда Эрон заминда танилган адабий ва илмий марказлардан бири эди. Гургон подшоҳи Қобус ҳам таъби назмга эга бир шахс бўлиб, шоир ва олимлар билан тез-тез суҳбат қуриб турар эди.

Гургон подшоҳининг қасри. Истироҳат хоналаридан бирида Қобус бахмал кўрпачага ёнбошлаб шеър тингламоқда. Шеърни гоаят эҳтиром ва тавозе мавқеида тўриб шоир Абу Ҳайён ўқимоқда. Шоирнинг ёқимли овози шеър нағмасига сингиб кетган. Ҳар бир мисрада Қобуснинг баланд мартабаси, урушларда қозонган ва қозонажак ғалабалари, бунинг сабаби шоҳнинг бошига порлоқ толей юлдузи нур сочаётган эканлиги, иқбол подшоҳнинг сояси янглиғ унга ҳамроҳлиги куйланади. Под-

1 П. Г. Булгаков. «Жизнь и труды Беруни» с. 61.

2 Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино ўртасидаги мактублар араб тилидан ўзбек тилига Абдуфаттоҳ Расулов ва Мадаминжон Абдурахмоновлар томонидан таржима қилинган. Бу таржима 1950, 1973 йилларда Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси нашриётида нашр этилган. Бу ёзишманинг араб тилидан рус тилига таржимасини Ю. Н. Завадовский амалга оширган. У ҳам 1950, 1973 йиллари Тошкентда ўша нашриёт томонидан босиб чиқарилган.

шоҳнинг давлат ва шуқуҳи яна ортсин, бутун Эрон замин, балки борлиқ дунё унинг ҳукмига бўйсунсин, подшоҳ Қобуснинг умри узун, давлати то абад барқарор бўлсин.

Подшоҳ Қобус шеърға жим қулоқ солади. Унинг чеҳрасида на ҳаяжон, на бифарқлик кўринмайди.

Шоир шеърни ўқиб тугатгач, яна бир бор қуюқ таъзим қилди ва сал чекиниб пойгада тиз чўкди.

Подшоҳ ёнидаги надимларидан бирига ишорат қилди. Надим дарҳол югуриб чиқиб ҳаял ўтмай бир қутича келтирди. Подшонинг яна бир ишораси билан қутичани очиб ундаги зарҳал нақшлар билан безалган қаламдонни шоирга узатди. Қопқоғи қия очик қаламдон ичида бир неча қамиш қалам ва сиёҳдон бор эди. Шоирнинг мадҳияси учун подшоҳ инъоми шундан иборат. Шоир совғани таъзим билан қабул қилиб подшоҳ ҳузуридан ташқарига чиқди. Шоирнинг бундай қалам ҳақидан норози экани унинг юз ифодаси ва ҳаракатларидан сезилиб турар эди. Аммо шоир агар бу ношуқурчилиги бирор йўсинда билиниб колғудай бўлса, ўз бошининг қамиш қаламнинг боши сингари кесилажағини ҳам яхши билар эди.

Подшоҳ даргоҳидагилар шоирни совға билан табрикладилар. Шоир эшитилар-эшитилмас миннатдорчилик сўзларини гудуллаб саройдан тезда чиқиб гойиб бўлди.

Шоирга кўрсатилган илтифотнинг камтарлиги кўпчилиққа аён. Сарой дарвозаси олдида салқинда ўлтирган икки амалдор суҳбатига ҳам шу мавзу кўшилди.

— Бечора шоир не-не умидлар билан мадҳ битиб келтирган экан. Нега у олий мукофотдан мундоқ бенасиб қолмишдир,— деди улардан бири.

— Подшоҳ ҳазратларининг феълени кўплар билмаслар,— деди бошқаси — Шамсул—маолий Қобус ҳазратлари у зотнинг белларига қараб мақтов шеърлари ўқишни ёқтирмайдилар. Бундай мадҳғўйликни ҳазрат шоҳ ёлғончилик деб биладилар ва мақтов сўзларига бепарво қараб ўзларини беҳуда гурурдан ҳолий тутадилар.

— Абу Ҳайён бир тоғли шоирнинг бемаъни қасидаси унун, гарчи у шеър мадҳиядан кўра ҳажвияга кўпроқ ўхшаш бўлса-да, подшоҳ ҳазратларидан беҳад катта совғалар олганини айтмишдир. Бу тўғфалар у тоғлининг ўзигина эмас, балки авлодавлодининг тирикчилигига ҳам етарли булар эмиш.

Ҳамсуҳбати ичида «подшоҳларнинг феълени тушуниб бўларми эди» деб ўйлаган бўлса-да, суҳбатдошининг гапига жавоб бермай сукут сақлади. Чунки, бу замонда бирор сўз, хусусан подшоҳ тўғрисидаги номақбул сўз бош кесилишига сабаб бўлажағини у яхши билар эди.

Қобус қанчалик шоирона таъб ва назокатли идрок эгаси бўлмасин, жуда бешафқат подшоҳ эди. Унинг бирор жазо сифатида чиқарадиган ҳукми фақат бир хил: ўлим. Подшоҳнинг фармониға кўра жуда кўп кишиларнинг боши кесилган. Шунинг учун одамлар, айниқса подшоҳ доирасига алоқадор кишилар Қобуснинг сиёсатидан дағ-дағ титрар эдилар. Ҳар кимнинг жони ўзига азиз. Бирорта шоирға муносиб мукофот бўлдим, бўлмадим деб киши ўзининг энг олий мукофоти — ҳаётдан ажралиб қолишга рози бўлармиди! Иккинчи ҳамсуҳбатнинг фикрида шу мулоҳазалар ҳукмрон эди у сукут қилган пайтда.

Мана бир неча ойдириқ, Абу Райҳон Беруний шу подшоҳ Қобус даргоҳида. Қобус ҳозирча Берунийға меҳрибон, уни ўз саройида ва доирасида кўришдан мамнун. Беруний Гургонга биринчи минг йилликнинг охирида келди. Олим иккинчи минг йилликни Гургонда қарши олди.

Демак, 997 йили Рейдан Хоразмға қайтган Беруний кўп ўтмай яна ўз ватанидан чиқиб кетишға мажбур бўлган эди.

Бир мингинчи йили Беруний «Ал—осорул—боқия мин ал қарунул — ҳолия» («Утмиш асрлардан қолган ёдгорликлар») асарини ёзиб тугаллаб уни Гургон ҳукмдори Қобус ибн Вушмағирға тақдим этди. Бу 27—28 ёшлардаги етук фикрли олим Берунийнинг катта, мустақил ва ғоят муҳим асари эди. Бу асарнинг номини қисқартириб «Утмиш ёдгорликлари» ёки «Хронология» деб юритилади.

## Ўтмиш ёдгорликлари

Беруний «Утмиш ёдгорликлари»ни ёзиб битирганда инсоният жаҳияти ҳозирги календарь бўйича бир минг йиллик ҳаётни бошдан кечирган эди. Ваҳоланки, бошқа календарлар ҳам бўлган. Улар ҳам инсон ҳаёти, инсоният умрини белгилаб берганлар. Умуман, ўтмиш ғоят улуғ ва ибратли. Утмишни ўрганмай, унинг тажрибасини ўзлаштирмай туриб бугунги турмуш, айниқса келажакни куриб бўлмайди.

Беруний ўзининг «Утмиш ёдгорликлари» китобида қадимий шарқ халқлари — араблар, сурияликлар, яҳудийлар, эронийлар, сўғдлар, хоразмликлар ва шу замонда яшаган бошқа халқларнинг турмуш қондалари, урф-одатлари, йил саноклари, байрам ва маросимлари, хуллас нимаики халқ ҳаётиға оид бўлса, шунинг ҳаммасини илмий

1 П. Г. Булгаковнинг фикрича бир минг биринчи йил.

асосда тадқиқ этди. Олим бу халқлар турмушига оид маълумотларни ҳақиқат ва соғлом фикр нуқтаи назаридан таҳлил қилди, ҳақиқатга зид кўринишларни қатъийлик билан рад қилди. Умуман Беруний фақат илмий ҳақиқатнигина тан олар эди. Бошқа ёндошув нуқтаси унда бўлмаган. Беруний сохталик, соҳр ва уйдирмани кескин ва муро-сасиз равишда ер билан яксон қилар эди.

«Утмиш ёдгорликлари» китобини Урта Осиё, Эрон, Яқин Шарқ мамлакатларидаги халқлар этнографияси, тарихи, ижтимоий тафаккури бўйича мукаммал қомус деб атасак хато қилмаймиз.

Бу асарнинг ўзбек тилига қилинган таржимасини 1968 йили Тошкентда «Фан» нашриёти босиб чиқарган [486 саҳифа]. Таржимон А. Расулов<sup>1</sup>.

«Утмиш ёдгорликлари»нинг рус тилига қилинган таржимаси М. А. Салье томонидан амалга оширилган. Бу таржима Тошкентда ЎзФА нашриёти томонидан 1957 йилда нашр этилган [487 саҳифа].

Берунийнинг «Утмиш ёдгорликлари» китобининг тексти ва араб тилидан инглиз тилига қилинган таржимаси Заҳав қаламига мансуб. Бу таржима 1879 йили Лондон шаҳрида босилган. [Тексти 1878 йили Лейпцигда нашр этилган эди].

«Утмиш ёдгорликлари» китоби тўғрисида С. П. Толстов, В. П. Шеглов, В. Ю. Зохидов, М. А. Салье, У. И. Каримов, П. Г. Булгаков, А. Ирисов, И. Абдуллаев каби олимлар ўзларининг Беруний ижодига бағишланган асарларида қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирганлар.

Беруний «Утмиш ёдгорликлари»да даставвал кеча ва кундуз тўғрисида китоб-хонда аниқ тасаввур туғдиради.

Кўёшнинг буржлар фалакида бир мартаба айланиб чиқишидан Кўёш йили календарни тузилган. Ана шу айланиш мuddатида Ой ҳам ўн икки ярим марта ўша доирани айланиб чиқади. Ун икки марта осмонда ҳиллол [янги ой] пайдо бўлади. Шундан камарий [ой] календарни вужудга келган. Кўёш йили уч юз олтмиш беш кун бўлади. Ортиб қолган чорак кунлар тўрт йилда бир кун ҳосил қилгач, ўша кўшимча кун тўртинчи йилнинг календарига қўшилади. Бу йил кабисали [кўшимчали] йил деб аталади.

«Утмиш ёдгорликлари»да Эронийлар, Суғдликлар, Хоразмийларнинг календарлари тўғрисида берилган хабарлар жуда қизиқарлидир. Уларнинг ҳар бирида ойлар сони ўн иккита. Ҳар бир ой ўзининг алоҳида номига эга.

Эрон календарига оид сўларнинг номлари: фарвардин моҳ, Урдубихишт моҳ, Хурдодмоҳ, Тирмоҳ, Мурдодмоҳ, Шаҳривармоҳ, Меҳрмоҳ, Обонмоҳ, Озармоҳ, Даймоҳ, М. Баҳманмоҳ, Исфандармазмоҳ.

Ҳар бир ой ўттиз кундан ташкил топади. Ҳар бир куннинг ҳам ўз номи бор. Бир йил уч юз олтмиш беш ва чорак кундан иборат. Шунинг учун бу халқлар бирор ойга беш кун қўшадилар. Бу беш куннинг ҳам ўз номи бор.

Ҳарб мамлакатларининг халқлари ҳар бир ойни ўттиз кундан иборат деб ҳисоблаганлар. «Қибла далиллари» китобининг муаллифи Абул-Аббос Омулийнинг ёзганларига асосланиб Беруний бу ўн икки ой номларини келтирган. Улар бундайдир: Моя, Юния, Юлия, Оғуст, Сатанбар, Октубар, Нуванбар, Даҳимбар, Янайир, Фабарайир, Марса, Абрар.

Румликлар ҳам йилни ўн икки ой деб ҳисоблаганлар. Бу ойларнинг номи ва миқдори қуйидагича: Январийус [31], Феврарийус [28], Мартийус [31], Афлийриус [30], Маййус [31], Юнийус [30], Юлийус [31], Ағустус [31], Сентамбриус [30], Тамбриус [31], Навомбриус [30], Демирриус [31]. Кўришиб турибдики, бу ойлардан баъзилари ўттиз бир кун, баъзилари эса ўттиз кундир. Бир йил уч юз олтмиш беш кун, ҳар тўрт йилда йиғилган бир кун феврарийус ойига қўшилади ва унда феврарийус ойи йигирма тўққиз кун бўлади.

Яҳудийларда ҳам ойлар сони ўн иккита. Улар бундай деб аталган: Тишрий [30], Мархешвон [29], Кислев [30], Тебет [29], Шефат [30], Озар [29], Нийсан [30], Ияр [29], Сиван [30], Таммуз [29], Аб [30], Элул [29]. Уларнинг йили уч юз эллик тўрт кун бўлиб булар ой йили кунларидир. Ортиқча кунларни йиғиб бир ой бўлганда йил ойларига қўшадилар. Уша қўшимчали [кабисали] йилни «иббур» («Хомиладор аёл») деб атайдилар.

Арабларда ҳам ойлар ўн иккита. Уларнинг отлари қуйидагича: Сафар, Рабиал — аввал, Рабиал — охир, Жумодул аъло, Жумодулохира, Ражаб, Шаъбон Шаввол, зулқадда, Зулҳижа, Араблар ҳар кунга от қўймадилар. Аммо улар ҳар уч кечага бир от бердилар. Масалан, ой аввалидаги уч кечани ғурап [қашқа] деб атайдилар. Бу ке-

<sup>1</sup> Абдуфаттоҳ Расулов (1893—1977) таниқли арабшунос олим. А. Расулов Тошкентда туғилган. 1905—1917 йиллари Тошкент мадрасаларидан бирида араб, форс филологияси, ва бошқа билимлардан таҳсил олган. 1944 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академиясининг Беруний номи шарқшунослик институтига илмий ходим бўлиб ишлади. А. Расулов машҳур шарқ олимлари Форобий, Ибн Сино, Беруний, Табарий асарларини араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилган. А. Расулов — филология фанлари кандидати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969), Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофотининг лауреати (1971) эди.

чада ой отнинг пешонасидаги қашқа каби бўлиб кўринади. Кейинги уч кеча нуфал ёки шўб [оқ-қора] деб аталган ва ҳ. к.

Араблар ҳафталарни қўллаганлар. Ҳафта кунларига от қўйганлар. Ойнинг боши ҳилол кўринган кундан бошланади.

Турклар ўз календарларида ҳайвонлар отларини ишлатганлар. Улар қуйидагилардир: Сичқон, Уд, Барс, Товушқон, Луй, Йилон, Юнт, Қўй, Пичин, Товуқ, Ит, Тўнғғиз. Беруний ўзи билган календарларнинг ҳаммасини бир жадвалга солган, уларни нисбатлаб фарқларини кўрсатган.

«Утмиш ёдгорликлари»да тарихлар моҳияти ва турли халқларда мавжуд бўлган тарих тушунчаси тўғрисида муҳим маълумотлар бор.

Бирор ўтиб кетган йилнинг аввалидан ҳисобга олинадиган маълум бир муддатга тарих деилади.

Бу фурсат бирор катта воқеа [бирор улўғ шахснинг фақиши, ҳароб қилувчи тўфон, зилзила, вабо ёки қаҳатчилик туфайли юз берган фалокат ва ҳ. к.]. Эронийларда «Моҳурўз» [«ой ва кун»] ҳисоби бўлган. Шу ифодани [«Моҳу рўз»] арабчаштириб «муаррах» деганлар. Унинг масдари қилиб «тарих» чиқарилган.

Ҳар бир халқда тарих тўғрисидаги тушунчалар йилма-хилдир. Уларни қиёслаб тадқиқ этилса, ҳақиқат ва уйдирмаларни фарқ этиш мумкин.

Беруний ўз асарига баён қилган ана шу ихтилоfli маълумотларни келтирар экан, ҳар бирининг қандай далилларга асосланганини кўрсатади, бу далилларни таҳлил этади, улардаги ноаниқликларни очади.

«Утмиш ёдгорликлари» китобида бир неча махсус жадваллар бор. Беруний бу жадвалларда турли халқларнинг эътиқодига кўра одам яшай бошлаган давр тарихи, айрим ҳукмдорларнинг ҳукмронлик йиллари тўғрисидаги маълумотларни келтиради. Ҳукмдорларнинг лақабларини айтади, уларнинг қилган ишлари тўғрисида қисқача хабар беради.

Эронликлар эътиқодига кўра биринчи инсон Каюмарс эди. Унинг бир лақаби «Гир-шоҳ» — «тоғ подшоҳи», бошқа лақаби «гилшоҳ» — «балчиқ шоҳи»дир. Баъзилар Каюмарснинг маъноси «тирик, сўзловчи, ўлувчи» дейдилар [с. 127].

Эронликлар тарихни Каюмарсдан Искандарнинг Доро устидан ғалаба қозонганигача, ўша даврдан сосонийлар сулоласининг биринчи шоҳи Ардашер Бабак [226—241] давригача, сўнгра у даврдан то Исломигача, жами уч даврга бўладилар.

Беруний «Ҳамза Исфохонийнинг « Халқларнинг ўтиб ва йўқ бўлиб кетган улўғлар»нинг тарихи китоблари» деган асаридан Эрон шоҳлари хронологиясини олган. Ҳамза бу хронологияни эронликларнинг қадимий муқаддас китоби «Авесто»дан олганини айтган экан. Уша рўйхатда Каюмарсдан тортиб то Доро ибн Дорогача бўлган барча Эрон ҳукмдорлари кўрсатилган.

Беруний махсус жадвалда турли мамлакат ҳукмдорларининг қандай аталганларини хабар қилади. Эрон подшоҳлари шаҳаншоҳ ва Кисро деб, Рум подшоҳлари Ба-сили яъни Қайсар, Искандария подшоҳлари Батлимус, деб аталганлар, хазар ва ўғиз турклари ўз подшоҳларини Хонувта деганлар.

Улўғ хоразмлик олим ўз юртининг тарихига оид маълумотларга ҳам аҳамият бериши табиий эди.

«Утмиш ёдгорликлари»да Хоразм тарихи тўғрисида қуйидаги маълумотни ўқиймиз:

«Улар [хоразмликлар — А. Қ.] Хоразмга одам жойлаша бошлаганидан тарих олар эдилар. Бу Искандардан тўққиз юз саксон йил илгари эди [с. 71].

Беруний хоразм халқининг қадимий маданияти ислом истилочилари томонидан йўқ қилингани тўғрисида маълумот беради.

Хоразм ислом лашкари томонидан икки мартаба босиб олинди. Иккинчи бор Хоразмни эгаллаган лашкарбоши Қутайба ибн Муслим тарихни мусулмонлар расмига мувофиқ ҳижрий ҳисобига ўтказди. Қутайбанинг Хоразм маданияти ёдгорликлари ва арбобларини қандай ёвузлик билан йўқ қилганлиги тўғрисида Беруний бундай деб ёзади:

«Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у [xabар ва ривоятлар ] ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди» [с. 72, 84]¹.

Беруний айрим тарихий воқеалар тўғрисида сўзлар экан, ибратомуз хулосалар қилади. Масалан арабларнинг эронликлардан олдин исломни қабул қилганликлари билан фахрланишлари тўғрисида гапирганда, Беруний чинакам фахру-ифтихор нимадан бўлиши кераклиги тўғрисида бундай деб ёзади: «Фахрланиш ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд копокликлардан тозаланиш» [с. 151] да кўриниши керак.

¹ Берунийнинг Хоразм ҳақидаги фикрлари билан муфассалроқ танишмоқ учун қараи: Н. К. Норқулов «Беруний ва Хоразм», Т., «Фан» 1973.



Демак, истило ва таассуб, зўравонлик ва бузғунчилик билан эмас, балки эзгулик, илм, фан, инсоний камолот учун хизмат қилиш билан ифтихор қилиш лозим.

«Утмиш ёдгорликлари» китобида Беруний инсон ҳаётига оид хилма-хил маълумотларни келтиради. Шу жумладан олимнинг кишиларнинг жисмоний тузилиши, умрининг узун-қисқалиги тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовордир.

Қадимий одамлар йирик гавдали бўлганлар. Мадиян тоғларида топилган археологик ёдгорликлар шу фикрнинг исботига хизмат қилади.

Берунийнинг ёзишича, Фарғона ва Ямома [Афғонистондаги бир вилоят] халқлари, химярлар ва бошқа яна бир қанча халқлар орасида узоқ умр кўрганлар кўпроқ учрайди. Беруний одамнинг узоқ яшаши сабабини биологик ва ирсий омиллар билан боғлайди. Олим бу тўғрисида астрологлар тўқиган уйдирмаларни қатъиян рад қилади.

Абу Абдулло ал—Ҳусайн ибн Иброҳим ат—Табарий ан—Натилий [Берунийга замондош бўлган олим ва ёзувчи] инсон учун уч камолот бор, деган.

Биринчи камолот — балоғатга етиш даври; яъни ўзи каби бировнинг ундан пайдо бўлиши мумкин бўладиган вақт. Бу иккинчи етти йилликнинг бошидир.

Иккинчи камолот — тафаккур қуввати бўлиб, кишининг ақли қувватдан феълга чиқадиган вақти. Бу олтинчи етти йилликнинг бошига тўғри келади.

Учинчи камолот — одам ёлғиз бўлса ўзини, уйланган бўлса оиласини, подшоҳ бўлса фуқаросини кутишга арзийдиган вақти.

Шу уччала камолот даври бир юз қирқ йилдир, деган ан—Натилий.

Беруний бу уч камолот тўғрисидаги фикрни маъқуллайди, аммо улар учун белгиланган муддатларни қабул қилмайди. «Биз замонамизда ан—Натилий камолот белгиси деб кўрсатган аҳволга одамларнинг бошқачароқ муддатларда етаётганликларини учратамиз» [с. 117] деб ёзади Беруний.

«Утмиш ёдгорликлари»да катта ижтимоий аҳамиятга молик воқеалар тўғрисидаги маълумотлар кўп учрайди. Булар пайғамбарлик даъво қилган шахслар, уларнинг тарафдорлари бу ҳаракатнинг оқибатлари, шундай ҳаракат қатнашчиларининг мафкуравий қарашлари тўғрисидаги боблардадир.

Амалда бу маълумотлар Урта Осиё, Эрон халқларининг ажнабий истилочиларга қарши кўтарган қўзғолонлари, бу халқлар ичида ислом догматизмига қарши юзага келган ижтимоий мафкураларнинг баёнидан иборат.

Ҳукмрон мафкурага қарши кўтарилишларга турли даврларда Будосаф, Заратуштра [Зардушт] Моний, Беҳофарид, Муқанна каби шахслар бошчилик қилдилар.

«Утмиш ёдгорликлари»да заростризм эътиқодининг асосчиси Заратуштра ва унинг «Авесто» китоби тўғрисида ғоят муҳим маълумотлар бор. Берунийнинг шарҳ тафаккури тарихида ўзига хос ўрин тутган Моний ва унинг таълимоти тўғрисида айтганлари ҳам диққатга сазовордир.

«Утмиш ёдгорликлари»да яна ал Халлож ибн Абу Закария, Ибн Абу Азоқир, яҳудийлар кутаётган Маҳдий, Дажжол, уларнинг таълимоти ва тақдири тўғрисида маълумотлар келтирилган. Яна шу «сохта пайғамбарлар»нинг қачон чиққани тўғрисидаги жадвал ҳам берилган.

«Утмиш ёдгорликлари»да Беруний яна эронликлар, хоразмликлар, суғдлар, румликлар, яҳудийлар, сурияликлар, христианлар, насорий христианлар, исломгача бўлган араблар, мусулмонларнинг маросим кунлари, ҳайитларига оид маълумотларни ҳам келтирган.

Булар орасида наврўз тўғрисида айtilган гаплар диққатга сазовордир. Беруний дунёвий ишлар учун мўлжалланган ҳайитлар ва диний [охират учун мўлжалланган] ҳайитларни фарқ қилади. Наврўз дунёвий ҳайитларнинг биринчисидир.

«Утмиш ёдгорликлари»нинг охириги боби ой манзиллари хусусидадир. Беруний қуёш йили кунларида Ой манзилларининг чиқиш вақтини билдиради. Ой манзилларининг ўзгариши сабабли ўзгарувчи ва қайтарилиши билан тақорланувчи табиий ҳолатлар ўша манзилларни ўрганиш натижасида олдиндан билинади [с. 336].

Шундан кейин ҳиндлар, исломгача бўлган араблар, эронликларнинг ой манзилларини белгилаш тартиблари тўғрисида сўз юритилади.

«Утмиш ёдгорликлари» китобини тугаллар экан, Беруний бундай деб ёзади: «[Бу китобни] ўқиган ўқувчи [қуйидаги кайфиятдан] ҳоли бўлмайди: ё у маълумотда менга тенглашади; унда мени мақтаб бу китобга қилган меҳнатим учун мендан миннатдор бўлади; ёки мартабада мендан ортқлик қилади; унда янглишларни ислоҳ этиб юз берган тойлишларда мени маъзур тутуди. Учинчи [ҳолатдаги ўқувчи] келганда, у менга бўйсунса, истифода этишига, агар адоват қилса ожиз қолишига кифоя қиларли асар яратдим» [с. 425].

Дарҳақиқат «Утмиш ёдгорликлари» ёш олимни буюк алломалар сафига киритди, уни жаҳон олимларининг пешволаридан бирига айлантirdи. Бу китоб тез шуҳрат ва эътироф топди. Асрлар ўтган сари унинг эътибори тобора ортиб бормоқда.

Беруний Гургонда экан вақтида баракали илмий фаолият билан машғул бўлди. У Хоразмдаги устозин Абу Наср ибн Ироқ билан илмий муносабатларини давом эттирди.

Абу Наср ибн Ироқ Берунийга атаб бир қанча асарлар ёзиб Гургонга юборган. Беруний яна бир бошқа хоразмлик олим Абу Саҳл ал — Масихий билан шундай илмий ҳамкорлик урнатган эди.

Гургонда экан пайтида [998—1003 йиллари] Беруний астрономия ва табиатшунослик, тарихга оид ўн бешта асар ёзган. П. Г. Булгаковнинг «Беруний ҳаёти ва асарлари» китобида [рус тилида] кўрсатилишича шу асарлардан учтасининг қўлёзмалари бизгача етиб келган. Улар «Астролябия тузилишига хос усуллар» «Астрономия калитлари» ва бизга яхши маълум бўлган «Утмиш ёдгорликлари» китобларидир.

## Низо

Гургон подшоҳи Қобус ибн Вушмагир Берунийнинг қандай улуғ зот эканини яхши билар эди. Беруний ҳам Қобуснинг қанчалар фозил адиб ва золим подшоҳ эканини тўла англаган эди. Бир куни улар ўртасида бундай сўхбат, тўғрироғи мунозара содир бўлди.

Қобус Берунийни ўз ҳузурига чақирди. Улар фақат икковлари эдилар.

— Сизнинг улуғ истейод ва чуқур тафаккурингиз Гургон мамлакатининг безагидир, — деди Қобус Берунийга, — бу мамлакат ҳокимияти шу зукколик ва донолик билан мустаҳкамланса, яъни вазирлик мартабаси Сизга ато этилса, деган хоҳиш кўнгилда уйғонди.

— Бу давлат ва улуғ даражага мен муносиб эрмасмен, — деб жавоб қилди Беруний дарҳол. Унинг ўз фикрини тўппа-тўғри ва ҳеч ҳайиқмай айтиш одати бор эди. — Чунки мен илм даргоҳининг хизматида барқарор бўлиб давлат хизматида фурсат топмасмен ва буюк ишончини йўқотиш шарафсизлигига мубтало бўлурмен.

Подшоҳ Қобус ўз сўзининг рад қилинишига одат қилмаган эди. У Берунийнинг жавобидан, бу жавобнинг қатъий ва келишмовчи оҳангидан ранжиди. Қобус Берунийга бирор қўйи лавозим таклиф қилаётгани йўқ. У баъзи одамлар бир умр орзу этиб, ҳар кун тушида кўриб етиша олмаётган ферузбахликни унга муяссар қилмоқда.

— Сизнинг ихтиёрингизга подшоҳлик ҳокимиятининг бутун қуввати топширилгай. Гургон давлатининг бош таянчи сиз бўлиб қолурсиз. Сиз фақатгина тахт эгасига бўйсунарсиз. Бошқа ҳамма Сизнинг фармонингизга мутеъ бўлгай, — деди Қобус сал изтироғ ва қизгинлик билан — оунинг неси сизга номақбулдир!

— Мен илм ва тафаккурга фармонбардордирмен. Менинг ягона давлатим турмушдаги эркинлик ва фунун даргоҳидаги бандалигимдир. Шундан жудо этмасалар деб ўтинамен.

Гургон подшоҳи Шамсул—Маоний Қобус ибн Вушмагир Берунийнинг бу сўзларига жавоб қилмади. У енгил бош иргитиб Берунийга сўхбат тугаганини билдирди. Беруний подшоҳга таъзим қилиб хонадан ташқарига чиқди. Олимнинг кўнгли ташвишли, хотири ғамнок эди.

Подшоҳ Қобус кейинги пайтларда зулмни ҳаддан оширмоқда. Унинг фармони билан ҳар куни бир неча кишининг боши кесилади. Улардан қай бири гуноҳкор, қай бири бегуноҳ эканини ҳеч ким, шу жумладан подшоҳнинг ўзи ҳам яхши билмас эди. Бу жабрдийдаларнинг кўплари подшоҳ доирасига мансуб бўлганлар.

Шавкат қуёши деб номланган бу подшоҳ кишилар кўнглини ёритиш ўрнига уларнинг жони ва хонумонини куйдириш билан машғул.

Беруний учун ҳам ҳавотирли кунлар келди. У ҳар доим бир жазо ёки таъқибни кутиб вақти ўтар эди. Кейинчалик Беруний ўзининг ана шу ҳаяжонларини ифодалаб бир байт ёзди:

Хуршиди даврон тилар: қилсам унинг тобеълигин  
Истагим барбод этиб, қандоқ сабил хуршид экан!

Қобуснинг Берунийга муносабати тобора ёмонлаша борди. Подшоҳ олимнинг тадқиқотларига ҳеч қандай ёрдам кўрсатмай қўйди.

Беруний Журжон яқинидаги Дихистан билан гуз—турклар яшайдиган жой ўртасидаги бир ўринда ер масофаларини ўлчамоқчи бўлганида бу иш учун хазинадан ажратиладиган маблағ берилмади. Бора-бора Гургонда подшоҳнинг муттасил норозилиги ва қаҳрига чидаб ишлаш Беруний учун оғир бўла борди. Бошқа чора қолмаганидан кейин 1003—4 йили Беруний Гургонни тарк этиб чиқиб кетди.

## Гурганж

Бу пайтда Хоразм давлатининг пойтахти Гурганж бўлган. [П. Г. Бургаковнинг ҳабар беришича, бу шаҳар ҳозирги кўҳна Урганж ўрнида жойлашган. Кўрсатилган асар. с. 119].

997 йили Хоразм тахтини уста дипломат ва тадбиркор ҳукмрон Али ибн Маъмун эгаллаган бўлиб, у ўз давлатида маълум мунтазамлик ўрнатган эди. Али ибн Маъмун олим ва шоирларга ҳомийлик қилди. Натижада Хоразмда Урта Осиёнинг энг машҳур олим ва фозиллари жам бўлдилар, илм-маданият юксалди.

Беруний Гургондан Гурганжга келиб шу ерда истиқомат қилиб қолди. Берунийдан сўнг унинг устози Абу Наср ибн Ироқ ҳам Катдан Гурганжга келди. Ал—Масихий, Абулхайр ибн ал—Хаммар каби олим ва табиблар шу шаҳарда истиқомат қилмоқда эдилар. Ниҳоят 1005 йили шарқ тиббиётининг ёруғ куюши Абу Али ибн Сино ҳам Гурганжга келди.

беруний ва ибн Сино бир-бирлари билан шу шаҳарда учрашдилар.

Абу Мансур ас — Саолибийнинг «Йатиматуд — даҳр» («Даврнинг ягона гавҳари») китобида ҳабар қилишича, бу пайтда Хоразмда кўп шоирлар яшаб ижод этганлар. Уларнинг кўплари араб тилида шеърлар ёзганлар. [Урта Осиёдаги араб тилидаги бадий адабиёт тўғрисида қуйидаги китобга мурожаат этилсин: Исмаилов Абдуллаев «Йатиматуд — даҳр» (арабчадан ўзбекчага таржимаси) Т., «Фан», 1976 й.]

Беруний Хоразмга қайтгач, ўз илмий ишларини давом эттирди. У минералогия, табиатшунослик бўйича бир қанча асарлар ёзди, астрономик кузатишлар олиб борди. Айниқса Берунийнинг 1004 йили ой тугилишини тадқиқ этиши муҳим хулосалар қилишига сабабчи бўлди.

1009 йилда Хоразмшоҳ Абу ибн Маъмун вафот этди. Хоразм ҳокимияти марҳум подшоҳнинг укаси Маъмун ибн Маъмун ихтиерига ўтди.

Беруний ўз ватанининг тақдирига ҳеч қачон бефарқ қараган эмас. Улуғ олимнинг Хоразмда яшаб турган даври унинг жиддий сиёсий фаолияти билан боғлиқ. Хоразмшоҳ Беруний билан маслаҳатлашиб иш тутар эди. Олимнинг донолик билан берган маслаҳатлари мамлакат тақдирини катта аҳамиятга эга бўлган.

Хоразмда Беруний бир тарихий асар ёзган. У «Хоразмнинг машҳур зотлари» деб аталади. Аммо бу асарнинг қўлёзма нусхаси бизгача етиб келмаган. Берунийнинг замондоши тарихчи олим Абу Фазл Байҳақий ўзининг «Тарихи Масъудий» китобида Берунийнинг шу асаридан айрим лавҳаларини келтирган<sup>1</sup>.

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун қилми, шавкатли ва фаол шахс эди. Аммо унинг бутун вақти айшу-ишрат, базм ва овда ўтар эди. Хоразм мамлакатинида халқнинг аҳволи оғирлашиб борар, ҳўжалик хароб бўлмоқда, хонавайронлик авж олмоқда, базмдан боши чиқмайдиган подшоҳ эса халқнинг қандай оғир ҳаёт кечираётганига парво қилмас эди.

Ғазна подшоҳи Маҳмуд Ғазнавий бу пайтда Туркистон хонлари билан уруш олиб бораётганидан Хоразм билан дўстона алоқалар ўрнатган эди. Аммо Маҳмуднинг кўнглида Хоразмнинг ўзига тобе қилиш нияти бўлган. Тезда бу ниятни у амалга оширди. Маҳмуд Ғазнавий Туркистон хонлари билан сулҳ тузди. 1017 йили эса Хоразм Маҳмуд Ғазнавий тасарруфига ўтди.

Хоразм мулки Маҳмуд Ғазнавий лашкарининг таланларига ет бўлди. Жуда кўп олим ва ҳунармандлар подшоҳнинг буйруғи билан Ғазнага ҳайдаб олиб кетилди. Шулар орасида Абу Райҳон Беруний ҳам бор эди.

Беруний яна ўз ватанидан узоқлашди. Энди бу абадий узоқлашув эди. 1017 йили Хоразмдан олиб кетилган Берунийга кейин она юртига қайтиш насиб бўлмади.

## Ғазна. Ер ўлчашга оид асар

(«ГЕОДЕЗИЯ»)

Бу даврда Берунийнинг олимлик шўхрати бутун шарқ мамлакатларига ёйилган эди. Энди унинг мукамал билимдонлиги, ўткир ақли ва тафаккури Ғазнавийлар сулоласига хизматда бўлиши лозим. Маҳмуд Ғазнавийнинг нияти шундай. Аммо эркинлик ва ҳурфикрликни ҳар нарсадан ўстун тутадиган, фан ва маърифатнинг эътиқодли мухлиси ва захматкаши Беруний зулм ва макр тимсоли бўлмиш подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий билан муроса қила олмайди. Бу аниқ. Шунга қарамай 1017 йилдан ўз ватани Хоразмдан Ғазнавийлар давлатининг пойтахти Ғазнага тутқин қилиб келтирилган Беру-

<sup>1</sup> «Тарихи Масъудий» китобининг форс тилидан рус тилига таржимасини А. К. Аренде амалга оширган. Бу таржима 1969 йили Тошкентда ЎзФА нашриёти томонидан нашр этилган.

ний то 1030 йилгача, яъни подшоҳ Маҳмуд вафотигача, унга тобе ва қарам бўлиб яшашга мажбур бўлди. Олим учун маънавий азоб-уқубат билан тўла бу аччиқ қисматга чидашдан бошқа чора йўқ.

«Агар тақдир шундай аламли ҳаётда яшашни белгилаб қўйган бўлса, унга рози бўлишдан бошқа нима ҳам қила олиш мумкин» деб фикр қилар эди Беруний. Олим бетўхтов илм билан машғул бўлибгина ўзини сал овуларди.

Ҳазнага келган пайтида Беруний «Геодезия» асарини ёзишга киришган эди. Бу асар учун лозим материалларни у Хоразмда эканида жам қила бошлаган бўлиб, зарур илмий асбоб-ускунларни ҳам ўша ерда ҳозирлаб қўйган эди. Шуларнинг ҳаммасини олим ўзи билан Ҳазнага келтиргани учун илмий ишини бетўхтов давом эттириши мумкин бўлди.

Беруний бу асарини Ҳазнада 1018 йилнинг бошларида ёзишга киришди ва 1025 йил 20 октябрда уни ёзиб тугаллади. Асарнинг тўла номи бундай: «Аҳоли яшайдиган жойлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун (керакли) ўринларнинг чегараларини белгилаш». Бу қисқартириб фанда «Геодезия» дейилган<sup>1</sup>.

Китобнинг кириш қисмида, ҳар бир асарда бўлгани каби, Беруний ўз кўнглидаги энг эзгу фикрлари, дарду хасратларини баён қилади. Уларда олимнинг жоҳил, тубан, манфаатпараст, пасткаш кимсаларга чексиз нафрати аён бўлиб туради.

«Замондошларимга назар солганимда шунки кўрдимки,— деб ёзади Беруний,— улар ҳамма жойларда жаҳолат либосини ёпинганлар ва шу билан бир-бирлари қаршисида фахр қиладилар. Улар фазилат эгаларига қарши душманлик олови билан ловуллаб ёнадилар ва [пешонасига] илм муҳри босилган ҳар бир кишини таъқиб қилиб унга турли-туман озор ва ёмонлик етказадилар».

Беруний яшаган шароит, уни ўраган муҳитда ана шу тоифадаги шахслар кўпчиликни ташкил этар эди. Шундай ёвуз доирада ўралгани ҳолда олим тинмай ижод қилди, илм-фанга ривож берди. Беруний учун илм ҳаётий зарурият эди.

Аммо Беруний атрофидаги бир гуруҳ жоҳиллар илмни тан олмас, илм аҳлига ҳақоратомуз муомалада бўлар эди. Шундай кимсаларга жавобан Беруний илмнинг қадру-қимматини баланд қўйиш кераклигини, инсоннинг чин фазилати илмда эканини ишонч билан уқтирар эди.

Илмдан нима фойда бор дегувчи қўпол ва бадмуомила жоҳиллар инсоннинг бошқа ҳайвонотдан устунлиги илм туфайли эканини билмайдилар ва илмсиз инсон ўз мазмунидан маҳрум бўлажагини улар фаҳмламайдилар, деб ёзади Беруний.

Илмни унинг моҳияти учун ўрганадилар. Илм ўзи лаззат бағишлайди. Одамлар илм туфайли эзгуликка эришадилар. Улар илм туфайли ёвузликдан халос топадилар. Шунинг ўзи энг аниқ фойда, энг катта давлат эмасми, ахир!

Буюк олим Берунийнинг илм таърифидида айтган бу сўзлари илм-фан қимматини кўларга кўтариш, яна айни ҳақиқатни лўнда ва ишонарли йўсинда баён қилишининг аниқ намунасидир.

Беруний илм душмани бўлган, ундан нима фойда бор дегувчи жоҳилларни танқид қилиш билан чекланмайди. Балки ўшандай кимсалар фойда деб ҳисоблаган тушунчаларнинг нафратли тубанлик эканини очиб ташлайди. Олим илмнинг турмушнинг ҳар бир соҳасида чин фойда етказажани қатъий нисбатлар орқали исботлаб кўрсатади.

Шундан сўнг Беруний турли фанларнинг қандай пайдо бўлгани тўғрисида ҳикоя қилади.

Нозик табиатли кишилар музика тинглаб роҳатланадилар. Тартибга солинган оҳанглари кишига кучлироқ таъсир қилади. Киши тартибни ёқтиради. Тартибли шеърлар диққатни жалб этади. Шеър қаторлари оҳанглари уйғунлиги билан қоришиб кетганда кишига янада мақбулроқ бўлади. Шундан музика илми келиб чиққан.

Кишилар бир-бирлари билан мулоқот қиладилар, баҳс ва музокаралар ўтказадилар. Ана шундай пайтда нутқ «тарозилари» даркор бўлади. Шу тарози мантқиқдир.

Илмлар инсон ҳаёти учун зарурий эҳтиёжлар туфайли пайдо бўлди. Беруний бу китобининг шундай мароқли фикрлар билан тўла муқаддимасида инсон ҳаётига оид мулоҳазалардан табиатга боғли муҳокамаларни келтириб чиқаради.

<sup>1</sup> «Геодезия»ни араб тилидан рус тилига П. Г. Вулгаков таржима қилган. Бу таржимани 1966 йили Тошкентдаги «Фан» нашриёти босиб чиқарган. Бу нашр муфассал сўз боши ва мукамал илмий аппарат билан таъминланган. Улар ҳам П. Г. Вулгаков қаламига мансуб.

Филология фанлари доктори, Беруний номли Ўзбекистон давлат мукофотининг лауреати Павел Георгиевич Вулгаков (1927 й. тугилган) Беруний ижодини ўрганиш соҳасида катта хизмат қилган олимлардан бири. У «Жизнь и труды Беруний» («Берунийнинг ҳаёти ва асарлари» Т., «Фан», 1972 й.) асарида Беруний ҳаёти ва илмий фаолиятини, унинг ўрганилиш тарихини муфассал тадқиқ этган. Яна П. Г. Вулгаковнинг «Абу Райҳон Беруний» (рус тилида) китобисида (Т., «Фан», 1973) шу масалалар илмий оммабоп шаклда таърифланган. Яна П. Г. Вулгаков Беруний тўғрисидаги икки серияли бадиий фильм сценарийсининг соавтори ҳамдир.

Тоғлар силлик, гулдор тошлардан, тошга айланиб кетган тупроқдан ва қумлардан ташкил топган. Харсанглар ва шағаллар эса узилиб тушган тоғ парчаларидирлар. Улардан шамол ва сув таъсирида ажралиб кетган айрим бўлақлар эса қум ва тўзонлардир.

Шағал дарё ўзанида йиғилди. Сўнгра у сув остида қолиб кетди. Секин-секин улар совуқ таъсирида тошга айланадилар. Тош эса олов [иссиқлик — А. Қ.] таъсирида парчаланиб кетади. Чунки совуқдан шаклланган нарса иссиқдан бузилади, иссиқдан яралган нарса эса совуқдан маҳв бўлади.

Беруний қуруқликнинг Ер марказига муносабатини алоҳида тадқиқ этиб бундай хулосага келади: Қуруқликнинг Ер марказидан узоқлашуви ўзгариб туради. У кўтарилганда қумлар кўпайиб сув камаяди, ариқ ва булоқлар қуриydi, ер сатҳи ёмонлашади, уни ишлаш [деҳқончилик иши — А. Қ.] мумкин бўлмай қолади. Натижада одамлар бундай ерларни ташлаб бошқа жойларга кўчиб кетадилар. Шу тўфайли илгари денгиз бўлган жойларда қуруқлик, қуруқлик бўлган жойларда денгизлар пайдо бўлади. Масалан, Арабистон саҳроси ўрнида илгари денгиз бўлган. Журжон ва Хоразм оралигида ҳам катта қўл бўлган. Жайхун дарёси бу ерлардан ўтиб Журжон ва Хазар оралигидаги денгизга қуйилган.

Беруний Хоразмнинг пайдо бўлиши тўғрисида муфассал ҳикоя қилади. Жайхун дарёси катта қоялар орасидан ўтиб бу ерда қўл ташкил қилган эди. Жайхун дарёсининг лойқаси кўп, суви мўл, оқими тез бўлган. Секин-секин дарё мансабида ер пайдо бўла бошлаган. Сўнг у ер бор-бора қуруқликка айланган. Қўл чекиниб бориб охири Хоразм ери сув остидан бутунлай очилган.

Миср ери ҳам худди шундай тарзда Нил дарёси ёйилиб оққан жойда аста-секин юзага чиққан.

Беруний Ой ва Қуёшнинг ердаги ҳаётга таъсири қанчалар кучли эканини исботлаб беради. У Аристотелнинг буғланиш кучайиб бориб охири денгизлар қурийдилар, деган фикрини қатъиян рад қилади.

Берунийнинг тушунтиришича, Ернинг шимолий томони муътадил ҳавога эга. Шунинг учун у ерда одамлар яшайдилар. Қуёш зенитга келганда бундай ерларда муътадиллик сақланади.

Ернинг жануб томонида сувлар кўп. Сувлардан илиқ шамол эсиб яшашга қулай шароит яратади. Агар жанубда қуруқ ерлар бўлганида улардан иссиқ шамоллар эсиб яшаш имкониятини бермаган бўлар эди. Жанубида Судан саҳроси бўлгани учун Миср иссиқ, жанубида Форс денгизи бўлгани тўфайли Шероз салқин.

Беруний Ер бўлақлари ер юзасида ўз жойларини ўзгартириб турадилар, деган хулосага келади.

Ер бўлақларининг марказгача бўлган масофалари ўзгарган сари бу бўлақлардаги табиат ва иқлим ўзгара боради. Бундай ўзгариш марказга қараб, ёки ичкарига, ёки ташқарига, ёки тўрт томондан бирига томон бўлиши мумкин. Шаҳарлар жойлашган ўринлар [кенгликлар] ҳам ана шу жой алмашилини тўфайли ўзгаради. Ҳатто шаҳарлар ноқулай жойга ўтиб қолиб вайрон бўлишлари ҳам мумкин. Шунинг учун шаҳарлар ўрнашган жойлар, уларнинг кенлиги ва узунлиги миқдорларини ўлчаб туриш керак бўлади.

«Геодезия» китобининг муқаддимасида Беруний Ғазна шаҳари тўғрисида бир қанча таъсири сўзлар айтган. Бу шаҳар Шарқий подшоҳликнинг [Ғазнавийлар давлатини Беруний шундай деб атайди — А. Қ.] марказидир. «Ғазна мен учун одамларнинг ҳурматини тиклайдиган... доимий ватаним бўлиб қолди» деб ёзади олим.

Беруний объектив реал шароитни ҳисобга олиб Ғазнанинг ўзига иккинчи ватан бўлганини эътироф қилади. Чунки у ўз она юрти Хоразмга қайтиш имкониятидан маҳрум бўлганини тушунар эди. Беруний Ғазнада ўзининг илмий ишларини давом эттириш мақсадида, ҳусусан астрономик кузатишлар олиб бормоқчилигини билдиради ҳамда бошқа илмий режаларидан хабар беради.

«Геодезия» Берунийнинг Ғазнага келгандан сўнг бошлаган биринчи катта асари эди. Юқоридаги фикрлар олимнинг ўз тутқинлик ҳолатини эътироф этишдан бўлак чораси қолмаганидан далolat беради.

Беруний «Геодезия» китобида ҳаракатсиз юлдузлар ва Қуёш орқали шаҳарларнинг жойлашган кенгликларини аниқлаш усулини муфассал баён қилган. Шунга мисол қилиб олим Бағдодда Мусо ибн Шокирнинг ўғиллари Муҳаммад ва Аҳмад ҳаракатсиз юлдузлар воситасида Бағдод шаҳари ўрнашган кенгликнинг  $33^{\circ} 25' 30''$  эканлигини аниқлаганлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Абу Маҳмуд ал Хўжандий 384 йили [мелодий ҳисобида 994 йил] Қуёшнинг энг баланд кўтарилган даражасини  $77^{\circ} 57' 40''$  деб аниқлаган. Шундан келиб чиқиб, у Рей шаҳари ўрнашган кенглик  $35^{\circ} 34' 39''$  эканини ҳисоблаб чиққан. Беруний эса Рей шаҳарининг ўрнашган кенлиги  $35^{\circ} 38' 5''$  деб ҳисоблайди. [Бу мисолларнинг ҳаммаси «Геодезия» китобининг П. Г. Булгаков рус тилига қилган таржимасидан келтирилмоқда. С. 122].

Беруний «Геодезия»да Абу Маҳмуд Хўжандийнинг Рей шаҳарида қурган расадхонаси тўғрисида ҳам муфассал маълумот берган.

«Геодезия»да Берунийнинг одамлар яшайдиган ерларнинг иқлимларга бўлиниши тўғрисидаги маълумотлар ҳам гоят муҳим. Бу ерлар сийёсат ва бошқаришга ўнг

бўлишини кўзда тутиб етти қисмга бўлиб чиқилган. Ҳар бир бўлак доира шаклида-дир. Марказда Эроншаҳр жойлашган. У тўртинчи иқлим.

Иқлимларни «кишвар» (мамлакат) деб ҳам аталади.

Берунийнинг фикрича бу бўлиниш ҳеч қандай табиий ёки астрономик асосда эмас, балки одамларнинг қиёфаси, характери, тили, дини ёки зўравонлик асосига қурилган.

Юнонлар одамлар яшайдиган ерларни иқлим ва тун-кун узунлигига қараб етти бўлакка ажратдилар. Улар энг узоқ ёз кунни ўн уч ярим соат бўлган жойни ўрта деб ҳисобладилар. Шундан ҳар ярим соат фарқ қиладиган жойни бир иқлим деб атадилар. Бу ҳисоб кундуз ўн олти соат бўлган жойда тўхтади.

Беруний «Геодезия» асарида Ой тутилиши ва унинг тураржойларнинг ўринларини аниқлашдаги аҳамиятини кўрсатади.

Китобда Беруний бир қанча шаҳарлар, жумладан Бағдод, Рей, Журжония, Бу-хоро, Шероз, Балх ва бошқа шаҳарларнинг ўрнашган жойлари, улар ўртасидаги фарқларни махсус жадвалларда кўрсатган. Яна Беруний бу соҳада бошқа олимларнинг қилган ишлари тўғрисида ҳам ҳикоя қилади.

Беруний ҳисоблашлар меридиан узунлиги 110.275 км. деб кўрсатади, деб ёзади. П. Г. Булгаковнинг таъкидлашича, бу ҳозирги ҳисобдан фақат 620 км. фарқ қилади, холос.

Беруний яратган «Геодезия» асари геология, география, геодезия ва Ер ҳақидаги бошқа фанлар тараққиётига муҳим ҳисса бўлди.

Фанларнинг келиб чиқиши тўғрисида Беруний айтган фикрлар унинг соф илмий асосда фикр юритганини, объектив реалликни ҳисобга олиб хулосалар қилганини кўрсатиб туради. Астрономияга оид маълумотларни тадқиқ этар экан, Беруний сохта «илм» астрологияга қақшатғич зарба берган. Геодезия тўғрисида баён этган тушунчаларида ҳам Берунийнинг чуқур илмий асосларгагина суяниб яқунлар ясагани аниқ кўзга ташланиб туради.

## Райҳона илҳоми

1029 йил. Баҳор оқшоми. Беруний айвонда гилам устига тўшалган кўрпачада ўлтириб хонтахтага энгашганича ёзиш билан банд. Кичик хонтахтанинг ёнида яна бир хонтахта бор. Унда қават-қават китоблар тахланган. Уларнинг баъзилари очиқ, баъзиларининг орасида керакли саҳифаларга ўрнатилган қоғозлар чиқиб турипти.

Олимнинг қаламидан чиққан қирт-қирт товуш шамнинг секин-секин чирсиллашга қўшилиб кетади. Бошқа бирор овоз эшитилмайди. Атроф тинликка чўлган.

Майин эсган шаббода баҳор гулларининг хўшбўй ҳидларини айвонга келтириб олим димоғини уларнинг атри билан тўлдиради, унинг атрофида гир айланиб парвона бўлади.

Шундан кейин ижод туғёнига кўмилиб кетиб бу ўйнақининг шўхлигига бепарво бўлган олимдан гина қилгандай секин чиқиб ғойиб бўлади.

Беруний китоблар оламида сайр қилади. У ўқиганларини турмушда кўрганлари билан қиёслайди. Унинг кўз ўнгидан турли мамлакатлар, улардаги ям-яшил ўрмонлар, жазирама чўллар, серсув дарёлар, бепоен даладар, заҳматкаш деҳқонлар бир-бир кечади. Шоҳона қасрлар, чиркин ва юпун қишлоқлар, нозикбадан раққосалар, оч ва яланғоч етим-есир гўдаклар олимнинг фикр нигоҳидан ўтади. Ҳар бир мамлакатда инсонлар яшайдилар, улар ерни обод ва гўзал этадилар, улар ҳаёт боиси, барча мавжудотнинг энг шарафлиси. Уларнинг бахтиёрликка ҳаққи бор. Олим тафаккури ва тинимсиз меҳнати шу инсонларга бағишланган, шуларнинг қисматини энгиллаштириш, ҳаётини илм нури билан ёритишга қаратилган. Шунинг учун у илм йўлида толиқмай қадам ташлайди, ўз билмидан эл кўнглига баҳра етишини тилайди. Шу мақсад олимга куч ва ғайрат беради, инсониятга муҳаббат уни илм шуури билан тўлдиради, кўнглини бахтиёрлик шўъласидан чарогон этади.

Шу вақт айвоннинг эшиги овозсиз очилди. Айвонга оҳиста кириб келган хизматчи ўз хўжасининг машғулотига ҳалал бермаслик мақсадида оёқ учи билан юриб Беруний ишлаб ўлтирган хонтахтага яқинлашди ва унинг устига бир қоғозни қўйдикю шу он изига қайтиб товуш чиқармай уйдан чиқиб кетди.

Беруний гарчи буни сезган бўлса ҳам аҳамият бермади. У ўз ишида давом этди. Орадан ярим соатча фурсат ўтди. Ёзишдан сал толиққан Беруний қаламни хонтахта устида қўйди-да, у ерда турган пиёлани олиб ундаги шарбатдан бир хўплади. Шунда унинг кўзи хонтахта устидаги қоғозга тушди. Олим бу қоғозни олиб унда ёзилган хатни ўқий бошлади. Уқиш давомида Берунийнинг юзида қувонч ифодалари орта борди, чеҳрасига шодлик қизиллиги югурди. Беруний бу хатни хўдди узоқ ва оғир йўл босиб ташна бўлган ва тўсатдан йўлида тоза сувли булоқ чиқиб қолган йўлчидек ҳузур қилиб ўқир эди.

У мактубни ўқиб бўлгач дарҳол яна иккинчи қайта ўқий бошлади. Бу нома Бе-

рунийнинг она тили хоразмий тилида ёзилган эди. Мактубни ёзган Райҳона деган қиз бўлиб, у ўзининг хоразмли, отасининг оти ал—Ҳасан Хоразмий эканини билдирар эди. Мана неча йилдирки Райҳона Берунийнинг илмий асарларига қизғин муҳаббат қўйган. У Беруний ёзган барча китобларни ўқиган. Отаси турли йўллар билан бу асарларнинг нодир қўлёмаларини қизига топиб беради. Райҳона Беруний ёзган асарларнинг қанчалар бой ва хилма хил мазмунда эканини яхши билади. Уни айниқса астрономияга оид китоблар кўпроқ қизиқтиради. Райҳона ўзи ҳам астрономия билан озроқ шугулланади. Аммо ёлғиз ўзи устоз кўрмай шунчалар мураккаб илмни қатдай қилиб эгаллай олсин. Шунинг учун қиз журъат қилиб улуг олимга мурожаат қилмоқда. Унинг бу беадаблигини мухтарам устоз кечирадилар деб умид боғлайди. Бир неча саволларни Райҳона Берунийга ёзиб юбормоқда. Агар устоз лутф-марҳамат кўрсатиб шуларга жавоб қайтарсалар, шўрлик қизнинг энг эзгу истаклари рўёбга чиққан бўлар эди. Яна устознинг муборак қўлларидан чиққан бу асар не-не бошқа райҳоналар учун ҳам дастгир бўлар, уларни илм ва эзгулик йўлига чорлар, деб ишонч билдиради.

Беруний Райҳонани танимас, унинг номини биринчи бор эшитиши эди. Аммо ўз ватандоши бир қизнинг унинг асарларини ўқиб илмий ижодига шунчалар ихлос қўйгани олимга ёқиб тушди. У қизнинг сувратини кўз ўнгига келтирди. Қора оҳу кўзлари кўнгилларга ўт солувчи нигоҳлар учун яратилган: пайваста қайрилма қошлар ошиқлар бошини кесувчи қиличдек, назокатли қомати қаршисида сарв суманлар тобелик билан бўйин эгадилар. Бу ёш хоразм париси оламга гўлгула солувчи ишқ туғёнлари барпо этмоқ учун вужудга келган.

Аммо қизнинг кўзлари ўткир нигоҳ билан йигитларга эмас, осмон юлдузларига боқади, қошлари илмий асарларнинг маъзини чақмоқ учун чимирилади. Нозик қомати боғларда жилва қилмай, хонтахта атрофида тин топган, гўзал боши мутоила учун эгилган.

Райҳона эса устоз олимни жуда яхши билар, унинг ҳаёт йўли ва ижоди билан тўла таниш эди. Берунийнинг юксак истеъдоди, ғоят гўзал руҳий дунёси, эрлик шижоати, олий инсонлик фазилатлари қизнинг қалбини мафтун этган, унинг ёш юрагига ўчмас севги оловни ёққан эди. Бу олов қиз вужудини бетиним ёндирар, руҳига бир нафас осойиш бермас эди. Ҳар доим шу оташ тобида тўлганмоқда бўлган Райҳона олимнинг асарларини ўқий, у билан ҳаёлий мусохаба қилиш, олим тўғрисида нимаики сўзланса, шуни бетоқатлик билан қайта-қайта энтиқиб тинглаш орқали сал бўлса-да бу оловни пасайтирмоққа натижасиз уринар эди. Ниҳоят қиз Берунийга хат билан мурожаат қилишга қарор қилди. Шу билан Райҳона олимга ўзини танитмоқчи бўлди. Зора олим бир эътибор қилса, зора бечора қизнинг қалбини тўлдирган дарду-аламлар, беҳисоб изтиробларнинг инъикосини сезса...

Беруний Райҳона йўллаган илмий саволларга жавоблар ёзди. Бу савол-жавоблар алоҳида бир китобни ташкил этади. Бу китобнинг номи қисқартиб «Аттафҳим» («Тушунтириш») деб аталади. Беруний ўз янги асарини Райҳона ал Ҳасан Хоразмий қизига бағишлади.

«Аттафҳим» китобининг тўла номи «Аттафҳиму ли авоили синоат ат—танжим» дир. Бунинг таржимаси «Юлдузларнинг ҳисоблаш санъатининг бошланғич қисмларини тушунтириш» бўлади<sup>1</sup>.

Бу китоб мундарижасини ташкил этган савол ва жавоблар арифметика, алгебра, геометрия, астрономия, география, хронология ва бошқа фанларга оиддир.

Беруний геометрияни жисмдаги фигура ва шаклларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи: жисмлар ва уларнинг бир-бирига нисбатан миқдорий муносабатларини белгилувчи фан деб изоҳлайди. Шу бобда яна сонлар ва касрлар, квадрат ва кублар ва бошқа арифметикага оид омиллар ҳамда алгебранинг асосий қоидалари баён этилган.

Астрономияга оид бўлимда коинот, ёритқичлар ва юлдузлар, горизонт, меридиан, кун ва тун, ёритқичларнинг чиқиши ва ботиши, юлдузларнинг ҳажми, ой манзиллари, апогей ва перигей ва шу каби ҳоллар тўғрисида тушунча берилади.

География қисмида Ернинг ҳажми, денгизларнинг пайдо бўлиши тўғрисида сўз боради. Беруний «Аттафҳим» китобига шарқий ярим шарнинг юмалоқ харитасини келтирган. Яна шу қисмда иқлимлар, ернинг одамлар яшайдиган бўлаклари ҳақидаги маълумотлар; мамлакатлар, халқлар, шаҳарлар тўғрисида ҳикоялар бор. Шулар орасида Беруний Ҳазар ва Трапезунд денгиз ўрталигида истикомат этувчи ҳазарлар, руслар, печенеглар, бошқирлар, булғорлар ва суворлар тўғрисида ҳам сўзлайди.

Хронологияга оид масалаларда ҳинд, араб, форс халқларидаги ой ва йил тушунчалари, ҳайитлар, урф-одат ва маросимлар тўғрисида гапирилади.

«Аттафҳим» Беруний яшаган даврдаги фанларга оид асосий билимларнинг қисқа ва лўнда қилиб тузилган йиғиндиси бўлмиш бир асардир.

<sup>1</sup> «Аттафҳим»нинг қисқача аннотацияси П. Г. Булгаковнинг «Жизнь и труды Беруний» китобиде (Т., «Фан», 1972) келтирилган (с.148—153). «Аттафҳим»нинг рус тилига қилинган таржимаси 1975 йили Тошкентда «Фан» нашриёти томонидан босилган.

Баҳор ҳусндорлиги ҳар кун алоҳида латофат касб этаётган бир пайт. Боғлар гулларга лим тўлган. Урик, шафтоли, олма, олча, гилослар бирин-кетин гул чиқариб ҳар бири ўзига хос фусункор чирой очади. Асаларилар гулдан-гулга учиб тинмайдилар. Ҳар ёнда баҳор нашъаси ҳукмрон.

Абу Райҳон Беруний Райҳона учун махсус ёзган китобини қизга йўллади. Тезда Райҳонадан Беруний номига ёзилган миннатдорлик тўла мактуб ва жуда кўп қимматбаҳо совғалар келди. Буларни келтирган киши қирқ беш — эллик ёшлар чамаси мулойим, ўта андишали, кам гап бир одам экан. Берунийнинг одамлари уни ҳурмат билан кутдилар, яхши зиёфат қилдилар. Сўнг Беруний меҳмонни ўз хонасида қабул қилди. Бу ерда икки улўғсифат доно озгина суҳбат қурдилар.

— Мактубдан маълум бўлишича, ул зоти шарифа «Аттафҳим» китобидан мамнундирлар, — деди Беруний. — Бу хабар менга ғоят хушнудлик бахш этди. Яхши қабуллари учун миннатдорлигимни еткургайсиз.

— Қулук — деди меҳмон.

— Мана бу нарсаларни қайтариб олиб кетишингизни сўрайман, — деди Беруний. У хонтахта остидан икки қутини олиб меҳмонга узатди. Бу Райҳона юборган олтин, жавоҳирлар солинган қутилар эди.

— Олийнасаб мухлис ва шогирдингиз Сизга самимий дилдан атаб юборган эдилар, — деди меҳмон саросимага тушиб, — бу ноқулай вазифадан мени ҳолий этарсиз. Совғаларнинг қайтиши норозилик аломати эмасми!

— Йўқ, — деди Беруний сал қатъий оҳангда, — бундай эмас. Мен учун у зоти муҳтараманинг самимий бағишловлари ўзи катта давлатдир. Тошлар бундай марҳамат қаршисида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Беруний суҳбат тугаганини билдириб таъзим қилди. Меҳмон унга қулук қилиб ўрнидан кўзголди ва олим учун ҳеч қандай қадр-қиммати бўлмаган олтин, жавоҳирлар тула икки қутини қўлтиғига тиққанича хонадан чиқди.

Райҳонанинг элчиси ўз бекасининг боғига кириб келар экан, у қаттиқ ҳижолатда эди. Совғаларнинг қайтиши гарчи ёқимсиз бўлса-да, яна у ўз бекасининг бошқа бир жавобга мунтазир эканини билар эди. У ҳам бўлмади. Вакиллик шу қадар бемаҳсул бўлиши мумкинми!

Беруний ҳузурига юборишга одамининг қайтганини эшитгач Райҳона уни шодлик ва ҳаяжон билан дарров қабул қилди.

Улар Райҳонанинг муъжазгина кутубхонасида ўлтирдилар. Қиз боши ва устига ҳарир ридо ёпинган бўлса-да, унинг ниҳолдек қомаги, жоду кўзлари, бу кўзлар боқишидаги интизорлик яққол кўриниб турар эди. Вакил Берунийнинг жавобини одобли ифодаларда баён қилди ва қизга таъзим қилиб қайтариб келтирган қутиларни хонтахта устига секин қўйди.

— Шундай бўлишини кўнглим сезган эди — деди қиз. У ўз одамининг кўнглидаги ҳижолатни тарқатмоқчи бўлиб майин табассум қилди. Сўнг яна деди:

— Бирор мактуб бермадиларми!

Қизнинг интиқ бўлиб кутгани шу эди. Буни вакил яхши биларди.

— Узлари индамадилар. Сўрашга ботинмадим.

— Сиздан ўта миннатдормен. Муҳтарам устознинг мен учун энг қадрли сўзларини келтирдингиз. У зотнинг ҳусни таважжўҳлари биз учун юксак саодатдир. Суҳбат шу билан якунланди.

Райҳона ўзи ёлғиз қолган нақшли деворлар бўйлаб қатор терилган китобларга юз ўғирди ва кўзидан тирқириб чиққан ёшларини дастрўмоли билан аста артди. Унинг қалби изтироб билан тўла эди. Бу севги изтироби кечаю-кундуз унинг вужудини ўт бўлиб куйдиради. Ҳамсуҳбати ва ҳамдарди фақат китоб. Қиз севики Берунийнинг асарларини қайта-қайта ўқиб ором топади. Энди унинг энг қимматли ва азиз овунчоғи Берунийнинг Райҳонага бағишлаб ёзган китоби. Райҳона тоқчадан шу қўлёзмани олиб секин варақлади, Берунийнинг қўли билан ёзилган варақларни ёшли кўзларига суртди, унинг кўнгли севги тўлқинларининг тубсиз қаърига кўмилиб кетган эди.

Беруний Райҳонанинг мактубини ўқиган заҳотнёқ қизнинг кўнглидаги дардларини сезган эди. Шунинг учун ҳам жавобан унга мактуб ёзмади. Аммо Райҳонага бағишлаб бутун бир китоб ёзиб унга йўллади.

Бечора Райҳонанинг муҳаббатига тақдир бундан бошқа мукофот тайёрламаган эди. Севгучи вужудга шу кифоями! Аммо қизнинг самимий севгиси гарчи висол лаззатидан маҳрум бўлса-да, ўзининг покизалиғи ва юксаклиги туфайли мангу ҳаёт касб этди.

Райҳона Абу Райҳон Беруний билан бирга бир минг йиллик масофани босиб ўтиб бизгача етиб келди.

Бокира севгининг бахтли қисмати шу эмасми!



## Доно маслаҳат

Ғазна Ҳиндистон устидан қозонган ғалабадан мағрур. Мана уч йилдирки, Маҳмуд Ғазнавий давлатининг пойтахтига Ҳинд элининг бойликлари баҳор сойларининг тошқинли сувлари каби мўл-кўл оқади.

Не-не хазиналар, не-не гўзал чўрилар ва барваста қуллар асир қилинган. Бир ўлканинг хароб бўлиши, бузғунликка юз тугиши ҳисобига бошқасининг бойлигига бойлик қўшилади. Яна энг мудҳиш бебахтлик шундаки, ҳарбий ва сиёсий мағлубиятга мубтало бўлган халқнинг шаъни ҳақорат қилинади, уни камситувчи иззат-нафисга тегадиган гаплар гапирилади: унинг тарихи, анъаналари, урф-одатлари, ҳаёт тарзи тўғрисида нолойиқ фикрлар билдирадилар. Ёлғон-яшиқ хабарлар тўқилади.

Беруний музаффар подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий кўшинлари билан бирга Ҳиндистоннинг у бошидан кириб бу бошидан чиқди. У Кашмир ўлкаси билан танишди; Мултон, Лоҳур, Жалон, Сийалкот, Пешавар... қанча-қанча вилоятларда бўлди.

Кўшинбошилар талон билан банд эдилар. Олим эса Ҳинд мамлақати ва халқининг ҳаётини ўрганиш билан машғул бўлди. Улуғ мутафаккирнинг пок қалби бу буюк мамлакат халқига ҳурмат билан тўлди.

Беруний бағри кенг ва олижаноб ҳинд халқининг ўтмиш маданияти ва тафаккури, ҳозирги турмуши, хилма-хил одат ва қоидалари, тилларини яхшилаб ўрганди, китобларини ўқиди. У Ҳиндистонга оид бўлган барча билимларни чуқур эгаллади, уларни ўзи яхши билган қадим юнон илми ва маданияти билан таққослаб кўрди. Улар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқларни аниқлаб чиқди. Беруний ҳинд тафаккурига оид бир қанча қадимий китобларни мутолаа қилиш билан чекланмай, улардан баъзиларини араб тилига таржима қилди. Бошланиш ва мавжудотга доир «Санкхя», жонни бадан қафасидан қўтқариш тўғрисида сўз юритилган. «Патанжалли», яна ҳиндларнинг эътиқод асослари баён қилинган «Божупуруна», «Вишнупуруна», «Гити» «Сангхита» ва бошқа кўп китобларни диққат билан ўқиб чиқди. Улардан ўқиб ўрганганларини ўзининг кўрганлари билан қиёслади. Беруний ҳинд ҳаётига оид ҳар бир тушунча ва амални насторийлар (христианлар), ибрийлар (яхудийлар), мусулмонлар эътиқодига оид кўринишлар билан синчиклаб солиштириб чиқди.

Хуллас, олим Ҳиндистондан Ғазнага қайтганида унинг ақли ва хотири Ҳиндистон тўғрисидаги мукамал бир қомус, беҳисоб билимлар хазинасига айланиб кетган эди.

Ана шу пайтда Беруний ва устоз Абу Саҳл Абул Мунъим ибн Али ибн Нуҳ Тифлисийнинг учрашувлари содир бўлди.

Ғазна баҳор эртасида ажойиб гул ранг либос кияди. Ҳар бир ҳовли ва боғларда атир гуллар кулиб чехра очадилар. Тонг ёришар пайтда бутун атрофни гўнчалар табассумига шайдо бўлиб, уларга севги изҳор қилаётган булбуллар нағмаси қоплайди.

Одати бўйича сахар намозини ўқиб бўлгач, Беруний энгил нонушта қилар, сўнг дарҳол ишга ўтирар эди. То кун ёйилиб қуёш нурлари оламга олтин ранг безаклар ёпгунгача олим кўп саҳифаларни ўз фикр ва таҳлили билан тўлдирарди. У кун бўйи ишлайди. Аммо ижод хусусан тонгдан кун ўртасигача энгил ва серунум бўлади. Кун тиккага келмасдан икки-уч соат бурун эрта тонгдан бошланган тинимсиз меҳнатнинг ҳорғинлиги сал устун кела бошлаганда, Беруний озгина танаффус қилар эди. Бу истироҳат ё оз фурсатли сайр, ёки жимлик оғушидаги тин, ёки кўнгил ёқтирган бирор киши билан суҳбатдан иборат.

Бугун ана шу озгина ҳордиқ чиқариш фурсати гоят ёқимли ва мазмунли кечди.

Беруний ёзишдан чарчаб қаламни хонтахта устига қўйди ва муттасил оқ қоғоз ва қора хатга тикилмоқдан толиқиб сал ачиша бошлаган кўзларини юмиб, уларга дам берди. Улардаги чарчоқни тарқатиб яна кўзини очди ва ўрнидан турди, увишиб қолаётган оёқларига истироҳат бағишлаб у ёки бу ёққа юрди-да, сўнг хонадан айвонга чиқди. Айвон қаршисидаги боғ гуллар ва янги барг очган дарахтлардан оқ, пушти ранг ва яшил ёпинғич ёпингандек жозибали эди. Беруний рангоранг товланмоқда бўлган боғ ҳуснига боқар экан, кўзи ўнгида бепоён Ҳиндистоннинг зангори ўрмонлари, чексизликка ёстанган дала, қирлари; уларга доимий ҳаёт бағишловчи виқор билан сузиб оқувчи серсув дарёлари бирма-бир кечди.

Шу аснода хизматчи келиб Берунийга бир мўйсафид меҳмоннинг ташриф буюрганлигини билдирди. Беруний айвондан тушиб боғ сари йўл олди. Боғ эшигидан кўлига асо тутган нуруний чехраси оппоқ соқоли сингари пок, кўзлари ва лабларида ярим табассум жилоланмоқда бўлган барваста ва улусифат билан қария сиполик билан қадам ташлаб кириб келмоқда эди. Беруний мамнуният билан меҳмон ҳузурига яқинлашиб уни қарши олди ва одоб билан салом бериб сўрашди:

— Ассалому алайкум, муҳтарам устоз, қадамларига ҳасанот.

— Ваалайкум ассалом,— деб жавоб қилди меҳмон. Улар нафис ва самимий тавазе билан сўрашишди. Беруний меҳмонни айвонга бошлади. Бу киши асли Кавказ томондан бўлиб, Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронзаминда номи чиққан олим Абу Саҳл Абул Мунъим ибн Али ибн Нуҳ Тифлисий эди. Бу кишининг очиқ кўнгил, соф виждонли покиза бир зот, гоят билимли, илм кучига қаттиқ ишонган, бидъат ва хурофотга қарши бешафқат, муносиб инсонларга ғамхўр ва муҳаббатли нодир бир ву-

жуд эканлигини дўстлари ҳам, душманлари ҳам яхши билар эдилар. Берунийнинг устоз Абу Саҳлға ҳурмати баланд эди.

Гарчи Берунийнинг олимлик мавқи ундан паст бўлмаса-да, Абу Саҳлнинг ёши улуглиги ва ўзининг чин ҳурмати юзасидан Беруний уни ҳамиса устоз деб шарафлар, бу устознинг суҳбати ва диққат эътиборини қаттиқ қадр қилар эди.

— Ҳиндистондан қайтганингиз дарагини эшитиб зиёратингизга ошиқдим. Сизсиз ўтган уч йил уч қарн [аср] каби туюлиб кетди,— деди Абу Саҳл Берунийга улар айвон сари боришар экан.

— Эътиборингиздан беҳад миннатдормен — деди Беруний унга жавоб бериб — Ҳиндистондан шундай билимлар ўрганиб қайтдимки, заршунос устозлар ила бу боисда мусохаба қурмоққа интизор эдим.

Улар айвонга чиқиб хонтахта атрофига солинган кўрпачаларга ўтиришди. Абу Саҳл фотиҳага қўл очди. Фотиҳадан сўнг суҳбат давом этди. Кўп ўтмай Берунийнинг хизматчиси хонтахтага дастурхон ёзиб, унинг устига нон, ширинликлар ва қуруқ мева-чева тортди, чойнақда чой ва алоҳида идишда шарбат қўйди, сўнг ўзи чиқиб кетди. Ҳар икки олим енгил тановул қилиб гоҳ пиёлага қуйилган чойдан, гоҳ шарбатдан нўш этиб суҳбатни давом эттирдилар.

— Ҳиндистон хабарлари сиз орқали етказилганда гоят дилфиреб ва рост бўлажаги аниқ,— деди устоз Абу Саҳл,— биз бу хабарларингиз нуридан дил уйин ёрутмоққа шошурмиз.

— Бари бир хабар кўз билан кўргандек бўлмайди. Аммо ёлғон аралашмаган ҳар бир хабар муътабардир. Ҳиндистонда шу қадар кўп нарсаларни кўриш ва ўрганишга тўғри келдики, қай биридан хабар қилишга гоҳ ақл ожиз қолади,— деди Беруний.— Яна ҳиндларнинг кўп ишлари, бошқа халқларники сингари, биздагидан ўзгароқдир. Улардан хабар қилинганда биров ишониб, бошқа биров ялғонга чиқариши ҳам мумкин.

— Фақат ростлик билан хабар етказмак шарт,— деди Абу Саҳл.— Бундай хабарнинг бировга ёкиш ёки ёқмаслиги илм ва тарих қаршисда напосанддир.

Устознинг биров деб подшоҳ Маҳмуд Ғазнавийни кўзда тутатгани Берунийга очиқ кундек аён эди.

Босиб олинган мамлакат тўғрисида ҳақиқатни сўйлаб, енгилган ўлка халқининг фазилатларини элга танитиш албатта голийб подшоҳга ёқмаяжак.

— «Подшоҳлар олдида рост гапни гапиришда уларнинг савлатларидан кўрқманг, улар гавдангизга ҳукмронлик қила оладилар, аммо нафсингизга теголмайдилар». Исо пайғамбарнинг Инжилда айтган бу сўзлари одамларни чинакам шижоатга ундамоқдир,— деб сўзида давом этди устоз Абу Саҳл.— Ҳамманинг табиаотида адолат бевосита севиқли ва ҳамма унинг яхшилигига қизиқади. Ростгўйлик ҳам худди шундайдир.

Абу Саҳл муътазилалар тўғрисида ёзилган китобда уларнинг айтган гаплари нотўғри келтирилганини ва шу йўсинда авом ўртасида муътазилалар ҳақида ёмон тушунча туғдириш мақсади булганини қоралаб гапирди.

— Уз мазҳабига рақиб бўлганларга нисбатан бундай йўл тутмовчилар кам бўлади,— деди Беруний.

— Биздаги турли китобларда ўзга эътиқодлар бузиб кўрсатиладикки, аҳвол ҳақиқатини билмаган киши, агар фазилатли арбоб бўлса, уларни ўқиганда хабардор кишилар қаршисида ҳижолат чекади; паст табиатли бўлса, ўша ёзилганларга ишониб унга қайсарлик билан ёпишиб олади. Аҳвол ҳақиқатини биладиган киши у китобларни ишониб ва эътиқод қилиб эмас, балки ўз билимини ошириш ва лаззатланиш учун ўқийди, ҳамда ўқиганларидан ўзи учун керакли нарсаларни чиқариб ола билади.

Шу асосда суҳбат ҳиндларнинг урф-одатлари, эътиқод ва турмуш тарзига кўчди.

— Уларнинг кўпчилиги биздаги китобларда ёзилган,— деди Беруний.— Ёзилганларнинг баъзиси баъзисидан кўчирилган, териб олиб аралаштириб тўплангану, лекин ҳиндларнинг тушунчасига мослаб кераксизларидан тозаланмаган. Фақат Абул Аббос Эроншаҳрий бор нарсаларни оғишмай ва иккиюзламачилик қилмай тўппа-тўғри ҳикоя қилади. У яҳуд ва насороларнинг динларини, таврот ва инжилнинг мазмунини яхши келтирган; Муовияларнинг китобларида айтилган, аммо ҳозир йўқ бўлиб кетган дин ва халқлар тўғрисидаги хабарларни тўлиқ берган. Фақат ҳиндлар ва шаманийларга келганда Абул Аббоснинг ўқи нишондан четга кетиб охир бориб Зуркон китобига теккан. Ундаги сўзларнинг барчасини китобига кўчирган, кўчирмаганларини гумонимча, ҳиндлар ва шамонийларнинг авом одамларидан эшитиб ёзган.

— Мен сиз айтган фикрларнинг чин ҳақиқат эканига шоҳидман,— деди Абу Саҳл Тифлисий.— Сиз Ҳиндистонда неники кўрган, ўқиб ўрганган, эшитиб аниқлаган бўлсангиз, шуларнинг ҳаммасини жам этиб бир китоб ёзмоғингиз даркор. Тоқим бу китоб орқали авлод-авлодларга ҳинд халқи тўғрисидаги рўйи-рост гаплар бориб етгай.

Абу Саҳл ана шундай катта ишга фақат Беруний сингари улўф ҳақиқатгўй олимгина қўл уриши мумкин, деган фикрни ҳам айтмоқчи эди, аммо Берунийнинг ўта камтарин бир киши эканлигини билганидан бу маҳтов унга малол келишини андиша қилиб айтмади.

Суҳбат давомида Абу Саҳл Тифлисий Берунийни Ҳиндистон ҳақидаги китобни

тезроқ ёзишга кўп ундади. Берунийнинг кўнглида ҳам бу мақсад бор эди, аммо уни кейинчалик амалга оширмоқ мумкин бўлар, деб фикр қилар эди.

Устоз Абу Саҳлнинг қизиқтириб қилган таклиф ва илтимослари сабабли Беруний шу режани тезда рўёбга чиқармоққа қарор қилди.

Бу китоб баҳс ё тортишиш китоби бўлмайди. Шунинг учун бу китобда душманлар исботи келтирилмайди, ҳақиқатдан четга чиққанга ўхшаб кўринганларга қаршилик кўрсатилмайди. Бу фақатгина баён қилиш китоби бўлади. Ҳиндлар сўзи қандай бўлса, шундай ёзилади. Уларнинг юнонлар билан яқинликлари борлигини билдириш учун китобга юнонларнинг шу хилдаги сўзларидан кўшилади.

Икки олим ёзилажак китоб ана шундай талаблар асосида яратилиши тўғрисида келишиб олишди.


— Барча маълумот кўлингизда ҳозирдир. Иншооллоҳ, тез фурсатда Ҳиндистон ҳақидаги муборак меҳнатингиз интиҳо топура ва илм аҳлига унинг мутолааси мўяссар бўлар,— деди Абу Саҳл табассум билан.

(Давоми бор)



*Ойбек туғилган кунга 75 йил тўлди*





Николай Тихонов

## АДАБИЁТИМИЗНИНГ КЎРКИ

Ойбек ёзувчи сифатида ўз замондошларининг, хусусан, мунаққидларнинг катта ҳурмат ва муҳаббатларига сазовор. Бинобарин, у ҳақда сўз юритиш, уни хотирлаш учун асос бор. У ниҳоятда кўзга кўринган, ниҳоятда эътиборга лойиқ ва назаримда, ниҳоятда тийран ёзувчи эди. Унинг Ўзбекистонга бағишланган романларида гарчанд она-ер мавзуи кўтарилган бўлса-да, уларнинг мазмун доираси ниҳоятда кенгдир. Унинг дастлабки «Қутлуғ қон» романиёқ халқнинг ҳаётий шарт-шароитларни ўзгартиришга, инқилобий ҳаракатга бўлган шиддатли интилиши ҳақида нақл юритади. Унинг улкан тарихий романи — «Навоий»да тасвир этилган воқеалар эса ҳозирги Ўзбекистоннинг тасарруфидан четга чиқиб, бугунги Афғонистонга қарашли шаҳар ва қишлоқларда рўй беради. Бундан ташқари, адабнинг урушдан кейинги йилларда яратган «Олтин водийдан шабадалар» романи янги дунё, янги кишилар, янги социалистик таассуротлар ҳақидаги, мутлақо бошқача пландаги асардир. «Қуёш қораймас» романига келсак, у ҳам бизда ўзига хос таассуротлар оламини уйғотади. Шундай қилиб унинг насрий мероси ҳаётиимизнинг кенг полотноси бўлиб, ўзига доимий диққат-эътиборни талаб этади.

Ойбек қаламига мансуб асарлар ўзбек адабиёти хазинасидангина жой олиб қолмай, балки совет адабиёти хазинасига, ҳатто жаҳон адабиёти хазинасига ҳам кирган.

Булар бари унинг прозасига оид гаплардир.

Бироқ гап шундаки, Ойбек шоир ҳам эди. Биз унинг қатор дostonларини, хусусан, ёшлик чоғларида ёзган шеърини асарларини яхши биламиз. Мен шу муносабат билан унинг Ҳамза тўғрисидаги дostonи устида тўхталмоқчи эдим. Урушдан кейинги даврда ёзилган бу дoston ажойиб инсон ва инқилобчига, социалистик Ўзбекистон

маданиятининг машҳур арбобига бағишланган. Бу валлакат зотнинг қаҳрамонона жасорати шу қадар маълум ва машҳурки, ҳатто унинг жасади дафн этилган жой Ҳамзаобод деб аталган.

Хуллас, Ойбек қолдирган улкан мерос билан танишар экансиз, ўзингизни бениҳоя истеъдодли ва билимдон инсон билан мулоқотда бўлгандек ҳис этасиз.

Бундан ташқари, Ойбек яна таржима билан ҳам шуғулландади. Пушкин («Евгений Онегин»), Лермонтов («Маскарад»), Гёте («Фауст»), Горький ва бошқа кўпгина ёзувчиларнинг асарларини таржима қилди. Ҳолбуки, бадиий таржима бадиий ижоднинг бошқа бир соҳаси бўлиб, фақат ёзувчи истедодининг серқирралигидан шаҳодат берибгина қолмай, унинг сабот ва матонатидан ҳам дарак беради.

Қолаверса, Ойбекнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолиятдан ҳам кўз юмиш мумкин эмас. Ойбек бир неча чақриқ девонида мамлакатимиз Олий Советининг аъзоси ва Тинчлик учун кураш Халқаро ҳаракатининг иштирокчиси эди.

Ойбекдек улкан ва унутилмас сиймони эслаш учун ана шу умумий фазилатларни қайд этиш ўринли туюлади.

Унинг инсоний сифатларига келсак, у ўзига хос бир киши эди. У гўзал инсон эди. Лекин унинг гўзаллиги юз қирраларининг тузилишида, кўзларининг айрича бир ифодасида ва ҳоказоларда эмас. Унинг ҳис-туйғулари, ҳаяжон ва бошқа кечинмалари адиб чехрасида ўз ифодасини топар ва уларнинг мавж уриши аён кўринар эди.

Биз у билан бирга Покистон сафарига чиққанимизда, ғайритабиий шароитларда яшадик. Айниқса, Афғонистоннинг хилват гўшаларида ювиниш, соч-соқол олдиришдек зийнатга эга бўлолмадик. Сочларимиз ўсиб, елкага қадар тушди. Бу, шубҳасиз, ирқитлик аломатлари эди. Лекин у қандайдир поэтик қаҳрамонга, масалан, Отел-

лога ўхшашлиги сабабли (у сахнада ҳеч қандай гримсиз Отелло ролини ижро этиши мумкин эди) бу нарса унга фавқуллодда ярашган эди. Дарҳақиқат, унинг навқиронлик ва жўшқинлик балқиган кўзлари, елкага қадар осилиб тушган сочлари Отеллони шу қадар эслатар эдики, бу ҳол ҳатто латифанамо бир ҳодисанинг юз беришига сабаб бўлган (мен бу ҳақда қуйироқда сўзлаб бераман).

Ойбекнинг оддий ҳоллардаги ташқи қиёфасига келсак, ҳамиша унинг юз-чеҳрасида бениҳоя маданий кишини кўрар ва у билан суҳбатлашиш ўта қизиқарли бўлишини билар эдик. Москвада, совет ёзувчилари орасида унинг дўстлари кўп эди. Улардан бири, менинг ҳам яхши дўстим Володя Луговскойдир. Ойбек ҳар доим бирор фаолият билан банд, муҳоҷасаларимизнинг фаол қатнашчиси эди. У ўша давр адабиёти олдида турган барча катта масалаларга бош-қош бўларди. У Москвада чиндан ҳам меҳмон эмас, балки пойтахтда ўтказилган турли съездлар, конференциялар, мунозараларнинг иштирокчиси эди.

У нафис, яхши ва батафсил нутқ сўзлай олувчи нотик эди.

Биз Тошкентга, унинг хонадонига меҳмонга келганимизда, унинг уйи қабул маросимлари ўтувчи масканга, баъзан эса катта байрам йиғилишларига айланар эди. Ёдимда бор, Навоий юбилейи муносабати билан Тошкентга барча қардош республикалар ва қўшни мамлакатлардан меҳмонлар тўпланди. Улар орасида Шарқнинг ажойиб шоири, фахрий меҳмон, Файз Аҳмад Файз ҳам бор эди. Биз ҳаммамиз Ойбек хонадонига тақлиф этилдик ва бу хонадон шеър, кўйиқ янраган масканга айланди. Барча тилларда дўстона нутқлар янгради. Биз бу нарсани юбилей олди йиғилиши эмас, балки дўстлар гурунги, дўстлар кенгаши эканини ҳис этдик. Бу ҳол Ойбекнинг нақадар машҳур ва маълум эканидан, унинг ҳар бир меҳмонни яхши билиши ва унга самимий муносабатда бўла олишидан гувоҳлик берарди.

Шубҳасиз, Ойбекнинг оиласи ҳам — ажойиб оила. Мен ҳозир, орадан кўп йиллар ўтгач, унинг фарзандлари улғайиб, ҳаётдан ўз ўрнини топган бир пайтда ҳам улар билан кўришиб тураман. Мен бир куни уларга ҳазил-мўтойиба қилиб, уларнинг бари оддий бир оила эмас, балки Фанлар академиясининг аъзолари, «кичкина Фанлар академияси», деб айтган эдим: Чиндан ҳам уларнинг бари — илми, маданиятли, замонавий кишилар. Хуллас, Ойбек мероси ишончли қўлларда.

Мен Ойбекнинг адабий мероси 20 жилдан иборат куллиётда эълон қилинаётгани ва ҳозирги кунда бу куллиётнинг 11-жилди чоп этилганини зўр мамнуният билан эшитдим. Шубҳасиз, ана шу улкан мероснинг муҳим бир қисмини Ойбекнинг Навоий ҳақидаги бадий ва илмий асарлари ташкил этади.

Мен Ойбек билан кўпинча Москва ва Ленинградда учрашганман. Чамамда, бизнинг дастлабки учрашувларимиздан бири

Ленинградда бўлиб ўтган. Агар хотира менга монелик қилмаётган бўлса, бу уруш арафасида эди. Зероки, ўшанда Навоийнинг бўлажак юбилейи ҳақида гап борганди. Тўғри, юбилей уруш туфайли кечиктирилди. Бироқ ўшанда бир қанча ёзувчилар тўпланган, улар орасида эса — яхши эсимда бор — Ҳамид Олимжон билан Ойбек ҳам бор эди. Биз Детское селода, тўғрироғи, Пушкинода, лицей ва парklar оғушида, шоирона бир муҳитда учрашиб, юбилейни қандай ўтказиш тўғрисида келишиб олдик. Уруш бизнинг режаларимизни суриб юборди. Аммо ҳар қалай бу юбилей кейинчалик ўтказилди ва Ойбек унинг ташкилотчиларидан бири бўлди.

Ойбек йигин ва анжуманларнинг гули эди. У совет адабиётининг кўрки бўлиб қолди.

Шундай даврлар бўлганки, Шарқ адибларининг замонавий маънодаги насрга ўтишлари бениҳоят машаққатли кечган. Кенг миқёсга молик соф тарихий роман эса бўлмаган. Янги типдаги шоир ва ёзувчилар Октябрь туфайли бўлганлар.

Шулардан бири, С. Айний ҳам классик адабиётдаги насрдан замонавий прозага ўтиш йўлини ахтарди ва топди; зероки, у Горький ижодидан баҳраманд бўлган эди.

Ойбек ўз услубини, ўзига хос ифода йўлларини ахтарар экан, катта тарихий-адабий материалларни пухта ўрганди. Унинг олим ва адиб сифатида олиб борган излашлари натижасида замонавий адабиётнинг ажойиб асарларидан бири пайдо бўлди. Бу фикр унинг шеър ва дostonларига ҳам тааллуқлидир. Агар унинг нима учун, масалан, Ҳамзага мурожаат этиши сабабларига ёндашсак, шуни айтиш керакки, у Ҳамза образида социалистик маданиятнинг юзага келиши ва инқилобий ҳаракат даври учун характерли сиймони топди. Зотан, Ҳамза Октябрьнинг дастлабки йилларида ўз қўшиқлари билан, ўз ижоди билан халқни уйғотган, янги типдаги адабиётни, маданиятни бошлаб берган эди. Бундан ташқари у мозийнинг ҳар қандай иллатларига қарши дадил курашга киришди. Ҳамза гарчанд бу курашда ҳалок бўлган бўлса-да, унинг ўлими қаҳрамонона ўлим эди.

Мен Ойбекнинг нима учун Ҳамза мавзусига мурожаат этганини тушунаман. Мен бу дostonни тўла таржима этиб улгурмадим. Аммо мен дostonнинг хотимаси — «Ҳамзанинг қабри» деб номланган парчадан таржима қилдим. Назаримда, Ойбек бу парчада Ҳамза ҳаётининг мазмунини, унинг барҳаётлигини жуда яхши ифодалаган:

Она тупроқда шоир ётибди баланд.  
Бир-биридан чўққидор тоғлар давраси —  
Таъзимкор қуршабди эрк ва нур  
куйчисини,  
Тоғлардек юксак, маҳкам халқ  
хотираси!  
Қалбимиз тўла севгинг, қучоқларда  
гул,

О, Ҳамза, биз бош эдик қабринг олдида.  
Вир қабри ҳамиша ҳурматга лойиқ.  
Наслларнинг ҳамиша хотирасида...

Мен бу дoston рус тилига тўла-тўқис таржима этилган ва унинг муқаммал таржимаси мавжуд, деб ўйламайман.

Шуни айтиш керакки, Ойбек шоирона табиат соҳиби эди, аммо бу ҳол унинг наср билан шуғулланишига ҳалал бермади. Зероки, наср ҳам, назм ҳам қарийб муштарақ ҳодиса: Пушкин айтганидек, геометрия ҳам шеърятдек илҳомни тақозо этади. Бу гапда ҳақиқат бор. Дарвоқе, Ойбекнинг илҳом булоғи доимо жўшиб туради. Биз буни мамлакатимизнинг барча халқлари Пушкин юбилейига тараддуд кўраётган кезларда айниқса ёрқин ҳис этдик. Ойбек Пушкинни таржима этар экан, унга ҳалал бермасликлари учун Чимёнга чиқиб кетган эди. Уша пайтда Чимёнда ҳеч қандай бино бўлмагани сабабли у ўтовда яшади. Ўтовда яшаш завқли, Чимённинг табиати эса хушманзара ва фусункор эди. Ойбек ўқиган ва таржима қилган Пушкин мисралари табиатнинг бундай ажиб манзараси билан ҳамоҳанг эди.

Ойбек Чимён билан ҳайрлашар экан, «Гўзал Чимён» шеърини ёзади. Бу шеърда «капалаклар, қушлар тўйи» авж олган, «оқ шуълалар» мавж урган тоғ ва бўстондан олган ҳайратини ифодалайди:

Шошқин сувлар — суяқ инжу,  
Оқар гўё жонли қўшиқ.  
Куйлар ила ҳаво тўлиқ...  
Ҳаёт саси ва севинчи!

...Кўрнам, ҳайбат қоялардан,  
Жимжит оқар эди зар нур.  
Оқ шуълалар мавжи зуҳур —  
Этар эди узоқ қордан.

...Завқ-ла қилдим мен томоша  
Чақмоқларнинг илонини.  
Оғочларнинг фарёдини,  
Воқдим, қучдим тотли хулё.

Ана шундай латиф табиат оғушида Пушкин шеърлари ҳам жаранглади. Ойбек ёзади:

Пушкин ила ўтов ичи  
Ярқиради бутун кеча.  
Тотдим уни сева-сева  
Нашъасини ва дардини.

Пушкин эди менга лутфан  
Мангу порлоқ фикри ила.  
Шеърнинг эзгу оташига  
Куч ва илҳом бағишлаган.

Ойбек ўз туйғуларини шеърый асарларга кўчиришга моҳир эди. Буни сиз ушбу шеърнинг русча таржимасидан ҳам сезишингиз мумкин. У чиндан ҳам яхши лирик эди. Ойбекнинг мен таржима этган «Наъматак» шеъри ҳам шундан далолат беради. Бу шеърда Ойбекнинг шоир учун за-

рур бўлган фазилат — аниқ нигоҳга ва қалбга эга бўлганини сезиш қийин эмас. У тоғлар ўрқачида ўсган бир туп наъматкни шунчаки қурибгина қолмай, унинг ҳаракатига, чайқалишига ҳам разм солади, ана шу чайқалишда наъматак рақсини кўради.

Тоғлар ҳавосининг фирузасидан  
Майин товланади бутун ниҳоли.  
Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди:  
Юксакда рақс этар бир туп

наъматак,  
Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд!

Ойбек наъматакнинг чайқалиб туришини шундай ҳис этади. Мен унинг бу шеърдаги руҳий ҳолатга киришга, унинг жозибасини бошқа тилда сақлаб қолишга ҳаркат қилдим.

Шуни айтиш керакки, мен таржима қилишим мумкин бўлган шеърларни Ойбекнинг ўзи танлаб берди. Мен уларнинг ҳар бирини синчиклаб ўргандим. Ойбек бу шеърларни қайта-қайта ўқир экан, мен уларнинг транскрипциясига эътибор бердим, шеърый хусусиятларини ўргандим ва бошқа кўпгина тафсилотларни сўрадим.

Ойбек мени қизиқтирган саволларга жавоб берар ва Чимён тўғрисида сўзлар экан, унинг ҳаяжони менга ҳам кўчди. Бу, ҳар қалай, ижодий жараён эди. Ойбекнинг иштирокисиз бу шеърларни таржима қилиш маҳол эди. Дарвоқе, у ҳамиша мен билан бирга бўлди, ўзининг ва Пушкиннинг ўзи таржима қилган мисраларини қайта-қайта ўқиди. Биз шу баҳона билан ранг-баранг мавзуларда суҳбатлашдик. Умуман, у адабиёт тўғрисида, шеърят тўғрисида, халқ ҳаёти тўғрисида завқ-шавқ билан сўзлай олувчи киши эди.

Ойбек асарларида ўз ифодасини топган туйғулардан бири ўз ватанининг ўтмишини, улкан сиймоларни қадрлаш туйғусидир. Ойбек ўз ватанини қуйлаган, ўз асарларини авлодларига қолдирган сиймоларни унутмади, уларнинг ўлмас образларини яратди.

У улкан ҳаёт кечирди. Унинг ҳаёти ҳеч кимнинг ҳаётига ўхшамайди. Агар Ойбекнинг ва у билан ҳамнафас яшаган ғаройиб инсон ва катта санъаткор Ғафур Ғулумнинг ҳайкалларини ёнма-ён қўйсангиз, улар бир-бирларига асло ўхшамаганларидек, уларнинг ҳаётлари ҳам бир-биридан тафовут этади.

Тинчлик учун кураш ҳаракати бошлаиб, ҳар бир мамлакатда миллий комитетлар пайдо бўлганда, Ойбек бу ҳаракатда иштирок этмай қололмади. Ойбек бу ишнинг аҳамиятини тушунар ва унинг айниқса Шарқдаги обрўси кўп фойда келтириши мумкин эди.

Уша пайтда Покистон Ҳиндистоннинг бир қисми эди. Фақат 1947 йилга келибгина у Ҳиндистондан ажралаб чиқиб, ўзининг мустақил давлатини тузди. Биз бу давлат тўғрисида бирор тасаввурга эга эмас, бизнинг давлатимиз билан Покистон ўртасида ҳеч қандай алоқа мавжуд эмас эди. У ер-

да бизнинг на элчихонамиз бор эди ва на ваколатхонамиз. Карачида бор-йўғи икки кишимиз — ТАСС мухбири билан яна қандайдир савдо ходими бор эди, холос. Ана шундай бир даврда биз Лоҳур тараққийпарвар ёзувчилари уюшмасидан улар съездида қатнашиш учун таклифнома олдик.

Мен делегацияга Ёзувчилар союзининг секретари сифатида, Мирзо Турсунзода эса Покистоннинг қўшниси — Тожикистон вакили сифатида кирдик. Эрон маданияти руҳида тарбия топган Покистон зиёлиларига тожик тили яқин бўлгани сабабли Мирзо Турсунзода шеърлари мезбонларимизга тушунарли эди. Ойбек ҳам Шарқ мамлакатларига маълум ва машҳур адиб сифатида делегацияга киритилди. Биздан ташқари, делегацияга москвалик шоир, «Москвача характер» пьесаси билан кенг танилган А. Сафронов ва дипломатияга алоқадор яна бир ўртоқ ҳам бор эди.

Биз мамлакат бўйлаб сафар қилиш билангина чегараланмай, маҳаллий шоирлар билан ҳам учрашувлар ўтказишимиз керак эди. Бироқ биз Афғонистонда учрашувлар ташкил этолмадик. Покистоннинг аксар шаҳарларида эса бундай имкониятдан фойдаланиб, жамиятнинг турли-туман қатламлари ўртасида сўзга чиқдик. Биз у ерда, айниқса машҳур Лоҳур шаҳрида ўрта аср мусулмончилигига хос қора реакция билан бирга тараққийпарвар зиёлиларнинг қудратли тўлқини ҳам борлигига амин бўлдик. У ерда бизни ва шеърларимизни яхши қабул қилишди. Хуллас, бизнинг сафаримиз кўп жиҳатдан фойдали бўлди.

Афғонистонда темир йўл йўқлиги, самолётлар эса қишда учмаганлиги сабабли биз қайтишда олис ва машаққатли йўлни босиб ўтдик. Аммо сафаримиз турли, баъзан бир-бирига зид таассуротларга тўла бўлди. Карачи, Лоҳур каби катта шаҳарлар Афғонистон шаҳарларидан, ҳатто Кобулдан ҳам жиддий тафовут этар эди. Йўл хароб, водийлар ва қишлоқлар оша ўтар, уларда қариб-қартайган кишилар, қаландарлар ва дарвишлар кўзга чалинар эди. Шулардан бири — бўйнига қовоқ идиш осиб олган, дайди бир чол Ойбекка яқинлашиб ҳайрат билан тикилиб қолди. Биз дастлаб Ойбекка қандайдир бир ҳайрихоҳлик билан тикилаётганига тушунмай турдик. Бироқ у бир пайт Ойбекка яқинлашиб, чопонининг чўнтагига қўл тикди-да, қандайдир бир новот олди. Кейин новотни ялаб, уни чин юракдан берилган ҳада сифатида Ойбекка узатди. У офтобда қорайган, сочлари елкасига ўғсиб, кўзлари ёниб турган Ойбекни ўзи янглиғ дарвиш деб ўйлаган ва бу ёқимтой кишини новот билан меҳмон қилмоқчи бўлган эди! Шубҳасиз, бу латифага ўхшаш бир ҳодиса. Аммо сирасини айтганда Покистон сафари бизга унутилмас таассуротлар бағишлаган эди. Бу таассуротлар менда ҳам, Ойбекда ҳам турлича ифодасини топди. Биз мазкур сўҳбат хотираларини ҳам насрий, ҳам шеърӣ йўл билан нақл қилишга уриндик. Саёҳат самаралари ўлароқ, Ойбекнинг «По-

кистон таассуротлари» очерки ва «Нур қидириб» қиссаси пайдо бўлди. «Нур қидириб» узоқ даврлар мобайнида жаҳолат ва ғафлатда ётган халқни нур сари етаклашга интилган Покистоннинг янги кишилари тўғрисидаги қиссадир. Сафар якуни сифатида яратилган бу асарлар китобхонларнинг диққат-эътиборини қозонди ва улар бошқа тилларга таржима этилди.

Ойбек ўша йиллардаёқ тинчлик ҳомийсининг шарафли вазифасини ўташга тайёрланган эди. Кейинчалик эса — бу жабҳада ниҳоятда фаол иштирок этди. Мен яқинда унинг 1961 йилда ёзган мактубини топиб олдим. У мазкур мактубда роман устида ишлаётганини ва ўзини яхши ҳис қилаётганини айтгач, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетини калифорниялик (АҚШ) Полингнинг хатидан хабардор қилган эди. Полинг ўз хатига «Ядро қуролининг тарқалишига йўл қўймаслик ҳақидаги мурожаат»ни илова этган ва унга имзо чекишни Ойбекдан илтимос қилган экан.

Бу унинг тинчликни ҳимоя қилиш жабҳасидаги фаол иштирокини курсатувчи беҳисоб ҳодисалардан биридир.

Ойбек коллектив кишини эди. У бир қанча кишилар билан дўстона муносабатда эди. Ана шундай кишилар жумласида, шубҳасиз, рус ёзувчилари ҳам бўлганлар. Бизнинг умумий хўжалигимиз — бутуниттифоқ адабиёти ҳам бизни яқинлаштирмай иложи йўқ эди.

Мен ёзувчилар союзининг 1-съезидида, Горькийнинг топшириғига кўра, сўзга чиқиб, республикалар ўртасидаги, миллий адабиётлар ўртасидаги суқунат деворини бузиб ташлашимиз керак; зотан, агар бир-биримиз билан яқинлашмасак, агар дўстларимиз нима тўғрисида ёзаётганларини билмасак, биз қандай қилиб, улар билан ҳамкорликда умумий ишимизни олга силжитишимиз мумкин деган эдим. Чиндан ҳам тупроқ деворлари бузиб қолхоз учун умумий далалар барпо этилганидек, суқунат деворини бартараф этиб, барча республикалар ва миллатлар учун умумий адабий минбарни яратиш зарур эди. Мен шундан мамнунманки, биз турли республикалардан Ойбек сингари илғор кишиларни топиб, улар билан дўстлашдик. Улар биздан, биз эса улардан няманидир олдик. Ўз сиймосида давримиз бойлигини намойиш этувчи ва келажак нишонларини мужассамлантирувчи Ойбекдек ёзувчилар тобора камол топиб бораётган адабиётимиз учун айниқса характерлидир.

Биз Ойбек биографияси ва асарлари билан қанчалик кўп шуғуллансак, ўзбек тупроғидан аллақачоноқ чиқиб, совет ёзувчисига айланган ва халқаро миқёсда танилган бу атоқли адибнинг сиймосини шунчалик кўп инкишоф этган бўламиз. Унинг асарлари адабиётимизнинг янада ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга, ўзгача айтганда, ёш ёзувчилар бу асарлардан кўп нарсани ўрганадилар, улар навқирон авлод учун ҳаммиша ўрناق бўлиб қолади.





Лидия Бать

## ТОШКЕНТЛИК ДЎСТИМ ҲАҚИДА СЎЗ

1940 йил «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналинда мен Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романини ўқидим. Ўзбек адабиёти ҳақида у пайтда ғира-шира тасаввурда эдим. Қадимий ва замонавий ўзбек шеърляти кучли, прозаси эса эндигина шаклланыпти, деган фикрда эдим. Шундай талантли, шундай ёрқин романининг майдонга чиққани мени ниҳоятда қувонтирди.

Бир йилдан сўнг мазкур романининг муаллифи билан унинг шаҳрида танишиш, тез орада дўстлашиш, қолаверса, «Қутлуғ қон» романининг Тошкентда нашр қилинган биринчи русча таржимасига муҳаррирлик қилиш шарафига муяссар бўлдим.

Бизнинг биринчи учрашувимиздан буён чорак асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, таассурот шундай кучлики, ҳамон таҳи бузилмай кўз ўнгимда ипидан-игнасиғача кўриниб турибди.

Менинг қаршимда баланд бўйли, қадди-комати келишган киши турарди.

Ўз ифодасидан унинг маънавий эҳтиёжлар ҳақида кўпроқ қайғураётганини пайқаб олиш мумкин эди. Унинг қорачадан келган ёноқлари, йирик-йирик қора кўзлари порлаб, кенг пешонаси устида жингалак сочлари ёйилиб турарди. Табассум унинг чеҳрасини янада ёритарди. Лекин ғазабнок бўлганда юзи кишини чўчитади даражада қаҳрли тус оларди.

Қувноқ ҳазил-мутойиба унинг нутқини янада қизиқарли қилар, бундан ўзи ҳам таъсирланиб, қаттиқ куларди.

Биз илк марта ижодий иш юзасидан суҳбатлашган эдик. Буни тушунтиришдан олдин ўзим ҳақимда қисқача тўхталишим лозим. Эвакуацияда Тошкентга кўчиб келгач, ўзбек адабиёти билан нафас олишга, бу адабиётнинг нозик томонлари билан танишишга муяссар бўлдим.

1941 йил Навоийнинг 500 йиллиги нишонланадиган юбилей йили эди. Уруш бошланиб қолганлиги сабабли бу байрам кечиктирилди. Асарларни ўқиб чиққач, бу улуғ сиймога шайдо бўлиб қолдим. Мен унинг гўдаклигидан шеърлятга қизиқганини, мураккаб ғазалларнинг мағзини чақиб ўқиганини, Фариқиддин Атторнинг «Қуш тили» деган дидактик асарини бошдан-оёқ ёд билганидан ҳайратландим. Йигитлигида эса илмга чанқоқлигини, ажойиб шеърлар ёзишини, икки мисра шеъри учун ўша даврнинг машҳур шоири Лутфий ўзининг икки минг мисра шеърини алмаштиришга рози бўлганини ўқиб, яна ҳам ҳаяжонландим. Мен унинг ҳар жиҳатдан камолга етган инсон, давлат арбоби, «Одами эрсанг демагил одами, они ким йўқ халқ ғамидин ғами», деб ҳайқирган бир даҳо сифатида тасаввур қилдим. «Хамса»ни яратган улуғ Навоий шоир, санъаткор, созандаларнинг жонкуяр ҳомийси, мураббийси эди.

Менда шижоат пайдо бўлди. Навоий ҳаётининг икки кутби — болалиги ва мутафаккир кексалиги ҳақида икки бобдан иборат кичикроқ ҳикоя ёзишга жазм қилдим, Биринчи сатрлар ўз-ўзидан куйилиб келди: «Чўл шамоли қум ва соғинч келтирди...»

Мен бу ҳикояни ёзгач, уни Ҳамид Олимжонга кўрсатдим. У ҳикояга мойиллик билдирди ва уни радио орқали эшиттиришга тавсия қилди. Аммо энг муҳими, ким нимага қобилиятли эканлигини дарҳол пайқайдиган Ҳамид Олимжоннинг мени Ойбек билан таништиргани ниҳоятда эсдан чиқмайди деган воқеа бўлди. Навоийни мукамал билувчи, у ҳақда дoston ёзган ва айни вақтда роман ёзаётган Ойбекнинг менинг имкониятимдан келиб чиқиб кўмак бериши ғоятда муҳим эди.

Ойбекнинг арзимас ҳикоямни ўқиб чиқ-

қандан сўнг айтган куйидаги гаплари менинг ёдимда мангу қолди: «Сизда даврни сезиш, тарихни ҳис қилиш бор, ёзишда давом этинг...»

Бизнинг ижодий дўстлигимиз шундай бошланди. Дарҳақиқат, Ойбек мени «Ҳаёт бўстони» китобимни ёзишга илҳомлантирди. Китобнинг биринчи тақризи ҳам у бўлди.

Ойбек Навоий ҳақида гапирганда, айниқса, кўзлари бошқача чақнаб кетарди. У ўзини худди ўша қадим даврга шахсан кириб боргандай, Ҳиротни ўз уйидек, қадрдон Тошкент кўчаларидек ҳис қиларди, хаёлан ўша замон гирдобиди кезарди.

Мана Ойбек орқали тарихини билиб олганим Тошкент шаҳри, «Қутлуғ қон» романининг русча тексти устида ишлаш жараёнида мен муаллифдан асар воқеалари содир бўлган бу шаҳар ҳақида кўп нарсаларни сўрадим. Асл тошкентлик бўлган Ойбекдан бу шаҳар ҳақида муболагадор ҳикоялар эшитардим. Ҳа, у нима ҳақида гапирган бўлса, ўз асариди шуни кўрсатганди.

Биз Ойбек билан «Қутлуғ қон» романи устида ишлаган хонага ўша пайтда шу ҳовлида истиқомат қилаётган Татьяна Николаевна Жирмунская тез-тез кириб турарди. Ушбу нашр учун Ойбекнинг портретини ишлаш унга буюрилган эди. У Ойбек расмини хиёл боши эгик, ёниқ кўзларидан до-нишмандлиги сезилиб турган ҳолда чизган эди.



Ойбек ҳақида ўйлаганимда ҳар доим Пушкиннинг куйидаги сатрлари ёдга тушади:

Хотиралар секин ҳамда тинч,  
Кўз олдимда ёр сепини.

Бизнинг ҳар бир учрашувимиз ижод ҳақидаги мулоқотлар билан ўтарди. Ойбек ўзининг янги фикрларини мен билан баҳам кўрар, ўйлаб қўйган асарининг сюжетини сўзлаб берар, шеър ўқир ва дарров мазмунини таржима қилиб берарди.

Бир куни у узоқ вақт кўришмаганимиздан сўнг ғамгин, маънос ҳолда келди. У отаси вафот этганини хазинлик билан айтди. У отаси ҳақида гапираркан, болалик чоғларини қайтадан бошидан кечираётгандек бўлар, ёшлигини, ҳунармандчилик маҳсулотлари билан қишлоқма-қишлоқ кезганларини эсларди. Оҳ, юлдузларга қўл етгудек бўлган, илк шеърлар тўқилган чўл оқшомлари!.. Ойбек эсларди, эсларди... У ўша куни ёш болалигида, томда онаси билан ўтирганда, ойга томон талпиниб, «ойи, ойни олиб беринг» деганларини сўзлаб берганди. Унинг адабий тахаллусига ой сўзининг кириши ҳам бежиз эмас. Ойбекнинг асл исми — Мусо.

Биз ўша куни шаҳар кўчаларини узоқ кездик, Ойбек шеърлар ўқиди. У менинг диққатимни айнакка, бир нарсага — ўзининг янги образига — димикқан ҳавода ҳалок бўлган капалакка жалб қилди. Албатта, бунда мажозий маъно бор. Капалак образи орқали ўз даврасидан тортиб олинган, ёт кишилар даврасига тушиб қолган инсон тасвирланганди.

Ойбек ушбу шеърнинг бадиий гўзаллигини тинмай, батафсил, дид билан ифода қилгандики, менда уни таржима қилиш иштиёқи пайдо бўлди. Афсуски, менинг ёзганларим қаердадир йўқолган, хотирамда дастлабки сатрлари сақланиб қолган:

В жаркий полдень июля на асфальт  
городских площадей  
Беззаботная бабочка, гость из  
далекого сада,  
Залетела нечаянно.  
Легкие крылья у ней  
Были ярче, простей и пленительней  
красок Бехзада.

Аммо у капалак ҳақидаги шеъри туманли ўтмишини ўйлаганда ёдга тушганди, ҳозир эса унинг фикр-зикрида — уруш! У фронтга кетган ёшлар, ўғлини кузатаётган оналар ҳақида ёзди. Реалист ёзувчи урушни ўз кўзи билан кўриши лозим эди. Мана, 1943 йилнинг бошида совга олиб келаятган делегация билан Ойбек ҳам фронтга жўнади. Делегация қайтди. Аммо Ойбек ўзбек жангчилари орасида ҳарбий қисмда узоқ қолиб кетди.

Бир неча ҳафта давомида ундан ҳеч қандай маълумот бўлмади. У Воронежни озод қилган жангчилар билан бирга вайрона бўлган кўчаларда кезди ва шунинг таъсирида совет жангчиларининг қаҳрамонлиги ҳақидаги «Қуёш қораймас» романининг мавзуну туғилди.

Ойбек Тошкентга қайтгач, романининг балқиб кўринаётган сюжетини берилиб, жон-дилидан ҳикоя қилиб берди. У асарнинг бир бобини алоҳида ҳикоя шаклида эълон қилди. Романи тўлалигича 1958 йилда ёзиб тугатди ва нашрга берди. Ижод шунақа ўжар, инжиқ бўлар экан, гоҳ шеър, гоҳ дoston унинг наср дарёсини «издан чиқариб турар эди.

Менинг Тошкентдан кетишим бизнинг дўстлигимизга сира ҳам таъсир қилмади. Ойбек Москвага тез-тез келар ва бизнинг ҳар бир суҳбатимиз унинг янги адабий ўйлари билан обод бўлар эди. 1948 йилда эса, ўзим Тошкентда икки марта бўлдим: май ойида Навоийнинг юбилейида қатнашдим, ноябрда эса Ойбек ҳақидаги китобимга материал тўплаш учун келдим.

Мен унинг очеркка мавзу бўлишига арзийдиган оиласида, меҳмонхонасида яшадим.

Бу уйда оилани асосан Ойбекнинг рафиқаси Зарифа бошқарарди. У ўзининг оила кемасини матонат ва ирода билан бошқарарди. Кимёгар олимпиада уй-рўзғор ишларига ҳам жон куйдирар, тўрт болани тарбияларди. Болаларининг ҳаммаси бугунги кунда илмнинг турли соҳасида ишлаётир, ўғиллари — тарихчи, биолог, кимёгар, қизи эса филолог.

Зарифа оқшомлари вақт орттириб, мен билан ишлашга ҳам улгурарди, ҳар бир сўзга иштиёқ билан ёндашиб, Ойбекнинг илк шеърларини таржима қиларди. У архивларни титкилаб, кўз ўнгимда Ойбекнинг бутун ижодини очиб берарди. Ойбек бу пайтда янги поэма устида ишларди. У Ҳам-

за ҳақида ёзарди. Бу табиий ҳол эди. Чунки улкан шоир, арбоб ва жангчиларнинг образи уни ўзига жалб қилиб келарди. Уша вақтда унинг Машраб ва Ҳамза ҳақидаги шеърлари бунёдга келди. Ойбек ҳаётининг сўнгги йилларида XVI асрнинг ажойиб шоири Заҳириддин Бобир ҳақидаги дostonи устида ишлади, аммо, у тугалланмай қолди.

Менинг бу келишимда ҳам биз шаҳарни кўп айландик.

Қизиқ бир сайр ёдга тушади. 1948 йилнинг ноябрида Сергей Петрович Бородин (у пайтда москвалик эди) ва Вероника Тушновалар Тошкентга келишди. Ноябрь ойининг кўёш чарақлаб турган иссиқ кунларидан бирида Ойбек ҳаммамизни биргаликда Эски шаҳар бўйлаб айланишга таклиф қилди. Бизга ёзувчи Жуманиёз Шарипов ҳам қўшилди. Ойбек болалигида ва ёшлигида ўзи гувоҳ бўлган кўпгина воқеаларни қайта жонлантириб ҳикоя қилиб беришга уста эди. Кимки унинг «Болалик» повестини ва «Улуғ йўл» романини ўқиган бўлса, бу нарсани аниқ сезади.

Тўғриси айтиш керак, биз кўп вақтимизни Эски шаҳар бозорига ўтказдик. Ойбекнинг бозорнинг қайси бурчагида нима борлигини билиши бизни ҳайратлантирди. Биз кўз ўнгимизда тайёрланган бозор овқатларига тан бердик. Аймиқса, оғизга солиш билан эриб кетадиган барра кабобдан, иликдек мантидан тотиниш ва буларнинг устидан ғала-ғовур чойхонада кўк чой ичиш жуда роҳат.

Кун кеч бўлиб, қош қорайиб қолди. Пахса девор билан ўралган, кўпгина ҳовлиларда ўт учқунлари кўрина бошлади. Тўсатдан Ойбек деди:

— Бир вақтлар мен яшаган уйни кўрасизларми?

— Сизнинг уйингизми? У қандай...

— Йўқ меники эмас, аммо шунга яқинроқ... тўқиш дастгоҳи бор жой... Айрим жойлари ҳозир ҳам турибди...

Албатта, кўришга хоҳиш билдирдик. Ойбек эсига бир нарса тушгандек, бизни айланма ва қисқа йўлакка бошлади. Ёқимли таассурот билан секин ва узоқ юрдик, ниҳоят кичкина, тор кўчадаги бир уй олдида тўхтадик. Ойбек ишонч билан эшикни тақиллатди.

Уй эгасининг юзидаги севинчдан бу хонадондагилар Ойбекни нақадар яхши кўришини пайқаш мумкин эди. Оила аъзолари — улар турли авлод кишиларидан иборат — чуғурлашиб бизни ўтиришга таклиф қилишди. Кимдир чой кўяр, яна кимдир палов тановул қилмаганимизча, бизга рухсат берилмаслигини таъкидларди. Ойбек эса, ўзининг москвалик дўстлари билан шунчалик ҳол-аҳвол сўраб ўтиш ва Тошкент ҳаётининг бу жиҳатларини ҳам меҳмонларга кўрсатиш учун олиб келганлигини айтди. Бизга тўқиш дастгоҳини кўрсатишди. Айтгандай, у билан ёнма-ён тикув машинаси ҳам савлат тўкиб турарди.

Мен Вероника Тушнованинг паришон

ҳолатига диққат қилдим. Назаримда у шу ернинг ўзида шеър тўқийётгандай эди...

Биз уй эгаларининг мамнуният билан: «Яна тез-тез келиб туринглар!» деган таклифини қабул этиб чиқиб кетдик. Кўчага чиққанимизда аллақачон қоронғи тушиб қолган эди. Ҳамма чарчаганданми ёки олган таассуротларини тартибга солиш учунми, ҳар қалай жим борардик.

Ойбек табиатан меҳмондорчиликни яхши кўрарди. У телефонни ёмон кўрар, ҳеч кимга бориши ҳақида хабар бермай, шундай бораверар, уни ҳамма қувонч билан кутиб оларди. Ойбек ҳаётининг турли давларга хос бир неча портретини ишлаган таниқли rassom Лутфулла Абдуллаевникига ҳам у мени ана шундай бошлаб борди. Бошқа кўпгина хонадонларга ҳам кирдик.

Кишилар Ойбекникига ҳам мана шундай хабар бермасдан келишарди. Янги шеърлар ўқишар, маслаҳатлашишар, ҳаёт ҳақида суҳбатлашишарди. У ҳамма билан ҳам тил топишча хурсандчилик қиларди. Суҳбат кўпинча ёзининг иссиқ кунларида, чой ичиб ўтириш учун қулай бўлган кичкина ҳовлида ўтказиларди. Бу ҳовли ҳақиқий ўзбекча хонадоннинг аниқ қиёфасини намойён этиб турарди. У ерда ток занглари ҳам, чиройли гуллар ҳам, серсоя дарехт ҳам мўл. Дарахт шохларидан бирига ичига иккита тўти солинган қафас осилганди. Ойбек баъзида уларнинг қувноқ югуришларини узоқ томоша қилар, чуғурлашини тингларди. У табиатни жуда яхши кўрарди, шунинг учун ҳам асарларида табиат манзараларини ажойиб тасвирлаган.

1958 йил, октябрда Тошкентда Осиев ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Ушанда конференция иштирокчиларидан айримлари билан Ойбекнинг уйда суҳбат бўлганди. Мен ҳам бу учрашувларда иштирок этиш шарафига муяссар бўлгандим.

Шаҳар узра оқшом чодир ёйганда машина марказининг шовқин-суронларини орда қолдириб, ҳар бир тошкентликка маълум бўлган Ишчилар шаҳарчасининг сокин кўчаларидаги уйлардан бирининг олдида тўхтади.

Қувноқ овоз ва кулгилар эшитилаётган Ойбек уйининг деразасидан тушиб турган шуъла кишини ўзига қорлайди.

Ойбек ўзининг қаламқаш дўстларини дўстона вазиятда қабул қиларди. Ноз-неъматларга тўла стол атрофида кундузи конференция мажлисларида кўрган кишиларимиз ўтиришарди. Улар у ерда нутқ сўзлашар, бу ерда эса шеър куйлашарди. Ҳа, чинакам куйлашарди.

Бу дўстона даврада покстонлик ва непаллик, ироқлик, жазоирлик шоирлар ва конференциянинг энг ёш делегати — ганалик негр ўтирарди. Шунингдек, турли қардош республикалардан келган рус, латин, қозоқ, туркман ёзувчилари ташриф буюрган эдилар. Тинчлик, дўстлик, қардошлик, шеърят сўзлари янграрди...

Мана, покстонлик Ҳафиз Жалонхори ўрнидан туриб, урду тилида ўз ғазаллари-

ни куйлай бошлади. Байтлар устма-уст куйилганидан таржимон маъносини тушунтириб беришга улгурмасди.

Шу маҳал ганалик шоир ён дафтарига нималарнидир тез-тез ёза бошлади. Ҳафиз Жалонҳори ғазалнинг сўнги мисраларини узоқ чўзиб куйлаб бўлгач, у сўз сўради ва ҳозиргина ёзган «Орзулар» номли шеърини инглиз тилида ҳаяжон билан ўқиди.

Таржимон бир нафасда ёзилган ёрқин бу шеърнинг образини изоҳлаб берди. Ойбек ганалик шоирнинг ёнига борди.

— Ажойиб! — деди унинг қўлини қисаркан. — Раҳмат!

Узоқ Ганадан келган ёш шоирнинг ёниб турган кўзларига қараб, унинг жарангдор овозини эшитиб, Ойбек балки ўзининг ёшлигини, дастлабки адабий тажрибалари, орзуларини эслагандир. У уйга келган

мана шу меҳмонлар — турли мамлакатнинг шоирларига қараб туриб ўз орзуларининг қанчалик рўёбга чиққанлигини ҳис қиларди. Бутун дунёдаги оддий кишиларнинг жипслашувида, дўстона муносабатида унинг инсониятнинг порлоқ келажагига ишонч руҳи билан суғорилган китоблари ҳам катта роль ўйнади.

□

Уй Ойбексиз етимдек бўлиб қолди. Унинг қавм-қариндошлари, дўстлари ва ўқувчилари шу куйга тушдилар. Аммо Ойбекона ёниқ шеърят, бағри кенг наср, умуман, унинг асарлари кўнгилларга таскин бериб, ўзбек халқининг маънавий кудратини яна бир намойиш этиб турибди.

## Пирмат Шермуҳамедов

# УНУТИЛМАС ДАҚИҚАЛАР

Бу воқеа 1962 йилнинг февраль ойида рўй берди. Уша куни ҳавони қора булутлар қоплаб олган, совуқ ҳаво баданларни жунжитар эди. Кечки соат олтилар чамаси Амударё район партия комитетининг биринчи секретари Фаттоҳ Восиқов телефон қилиб қолди. Овози хиёл титраб:

— Домла, илтимос, тайёр бўлиб туринг! Паромга кетяпмиз, йўл-йўлакай сизни ҳам олиб ўтамиз. Гап бор.

Секретарнинг бир оғиз «гап бор» деб айтган сирли сўзлари мени ўйлантириб қўйди. Сал-пал таниш бўлсак ҳам умуман секретарь мени ҳеч қачон йўқламаган. Мен ўқитувчиман, ахир. Демак, мактаб ҳаётига доир бирон маслаҳатли гап бўлса керак. Шу пайт ташқаридаги «ГАЗ-69»нинг бўғиқ сигнали эшитилди.

Фаттоҳ Восиқов билан ҳол-аҳвол сўрашган бўлсак ҳам индамади. Машинада ўтирган нотаниш кишилардан бири аския қилди. Лекин секретарь аскияга қўшилмади. Яна ҳамма жимиб қолди.

— Биласизми, кимни кутиб олишга кетяпмиз паромга? — дея бизга ўгирилди секретарь. — Ойбекни. Ҳа, ёзувчи Ойбекни.

— Нега бу гапни аввалроқ айтмадингиз, ахир ул-бул тайёргарлик.

— Ҳамма нарса тайёр. Уйлайманки, сиз ҳам руҳан тайёрсиз. Китобларини ўқи-

гансиз. Тошкентда кўришган бўлсангиз керак. Ишончли вақилсиз. Бу ёғи ўзингизга ҳавола. Ойбек номзодини депутатликка курсатганмиз.

— Фаттоҳ Восиқович, нима десангиз денг-у, аммо ишончли вақил бўлиш, яна кимга денг, Ойбек домлага-я... Йўқ... Йўқ, бу жудаям масъулиятли иш. Ростини айтсам, сал-пал қўрқаман ҳам. Ҳалиям вақт бор, мени бу ишдан овоз қилсангиз. Утиниб сўрайман.

— Домла, ҳеч қандай ўтинишнинг ҳажати қолмаган. Райком бюроси сизнинг номзодингизни бир овоз билан маъқул топди.

Гап-сўзларимиз тугар-тугамас паромга етиб келдик. Паром бир пайтлар, район маркази бўлиб турган Қипчоқ посёлкасининг шундоқ биқинида. Район маркази Манғит билан Қипчоқ ораси атиги ўн икки километр. Паромга анча-мунча одамлар йиғилган: ўқувчилар, колхозчилар, турли хил ташкилотларнинг вақиллари... Барчанинг нигоҳи бир нуқтага қадалган. Амударёнинг нариги соҳилига келиб тўхтаган «ГАЗ-69» машинаси, яна аллақандай юк машиналари, ҳар хил уловлар... Ана, кема сигнал бериб ўрнидан кўзгалди. Аму мавжланиб ўзига хос «шилп-шилп» овоз чиқариб оқди. Унинг оқишини кузатган одамнинг кўз олдида дарё қаёққадир шошаёт-

гандай, сўнгра нафасини ростлаб олиш учун бир зум тўхтаб тургандай туюлар... Амунинг «нафас олиши» авж пардаларида чалинаётган оҳанг пайдо қилар ва бу оҳанг секин қанот қоқиб, тоғлар оша олис-олисларга йўл олар эди.

Кема палубасида келаётган Ойбек Аму манзарасини томоша қилиб нималарни ўйлаётган экан? Хув ана, адибнинг юзлари, кўзлари ҳам аниқ кўринди. У яланг бош. Ёнида рафиқаси Зарифа опа. Кўзлари ўйчан, лаблари қимтилган.

Қисқагина салом-алиқдан кейин яна район маркази Манғит сари йўл олди. Ойбек домла учун райкомнинг дачасига жой ҳозирлаб қўйишган экан. Дача боғнинг ичкарасида. Тинч жой. Ҳеч ким ҳалақит бермайди.

Биз кетаётган эдик, Зарифа опа:

— Бирпас дам олишимиз, ўзимизга келишимиз керак. Йиғилиш эртага бўлади шекилли,— деб сўраб қолди.

Фаттоҳ Восиқович оғир тин олиб, бўлажак тадбирлар тартибини ҳафсала билан айтиб берди.

— Ҳатто, мана, ишончли вакил ҳам тайёр,— деб қўйди сўзининг охирида.

Ойбек жимгина қўлоқ солиб ўтирар, гоҳо нималарнидир айтгиси келиб, рафиқаси Зарифа опага дудуқланиб гапириб кўярди.

Зарифа опа:

— Манғит сўзининг маъносини шарҳлаб беринглар. Манғит шаҳрининг тарихини ҳам,— деди.

Ойбек мамнун жилмайди. Демак, бу фикр адибдан чиққан.

Фаттоҳ Восиқович менга ўгирилиб қаради. Мен унга. Маълум бўлдики, иккаламиз ҳам бу саволга жавоб бера олмаймиз. Сукут узоқ давом қилмади. Адиб ўрнидан туриб кетди-да, дераза олдига борди. Жилмайиб кўли билан дераза томонга ишора қилди. Ҳовлида бир гала чумчуқлар навниҳол гужум шохларида чирқ-чирқ қилишар, кўчада уч-тўрт бола ўйнаб юришар... Ойбек ҳадеб кулар, нимадир демоқчи бўлар, аммо гапирмас эди.

Шу воқеа сабаб бўлиб, биз ҳижолатдан аранг қутилдик. Бизни яна муҳтарам адибимизнинг ўзи ҳижолатчиликдан қутариб қолди.

Адибнинг таклифи билан боққа сайрга чиқдик. Йўлакнинг шундоққина ёнгинасида аллақачон йўғон шохлари қуриб-қовжираб қолган гужум қаққайиб турар. Гужум томиридан бир шохча ўсиб чиққан бўлиб, япроқлари тушмаган, курашга чоғланаётган одамга ўхшаб мағрур турар эди.

Устоз кекса гужумнинг ёнига борди-да, унинг томиридан ўсиб чиққан ниҳолни кўриб қийкириб юборди:

— Сув... сув... ҳаёт... илдиэ..

меҳр...— Адиб кишининг чилласи ҳам силласини қурита олмаган адл ниҳолни ушлаб турдида, тўсатдан қовоғи уюлди, негадир жимиб қолди.

Фаттоҳ Восиқович Ойбекнинг бу хатти-ҳаракатини бутунлай бошқача тушунди шекилли:

— Водопровод йўк. Кўпдан бери шу ҳақда ўйлаяпмиз. Ёрдам берсангиз. Кўчалар тузук асфальт қилинмаган. Телефон масаласи ҳам..

Зарифа опа тўхтатиб қолмаганида яна шу каби бир қатор нақазлар айтилган бўлар эди.

Сухбат бўлинди. Биз Ойбек домла билан унинг рафиқаси Зарифа опани холи қолдириб, чиқиб кетдик. Туни билан Ойбек асарлари, унинг ҳаёти ва ижодий йўлини қоғозга туширар эканман, хаёлимда ҳамон ўша кекса гужум. Япроқлари тўқилмаган ниҳол, «ота-бола» гужумни кўрган адибнинг чексиз қувончи ва ниҳоят унинг айрича ҳаяжон билан айтган сўзлари... Сув... ҳаёт... илдиэ... меҳр...

Эртасига район маданияти ҳаваскорларининг клубида сайловчиларнинг Ойбек билан учрашуви бўлди. Уша йиғилиш худди куни кеча бўлиб ўтгандек кўз олдимда турипти. Учрашувга шунчалик кўп одам тўпландики, клуб торлик қилиб қолди. Мен адиб асарларидан олган таассуротларимни гапириб бердим. Бошқалар ҳам Ойбекнинг ижодий ва ижтимоий фаолиятини қувонч ва ифтихор билан сўзладилар. Бир қатор нақазлар берилди. Депутат сифатида Ойбек домла янги-янги шеърлар, дostonлар ва Бухоро тарихини ҳикоя қилувчи янги роман ёзиб беришга ваъда қилди. Йиғилиш тугагач, сеvimли адиб билан расмга тушдик. Сўнгра адибни дачанинг боғига кузатиб қўйдик. Зарифа опа Фаттоҳ Восиқовга Нукусга жўнаб кетишлари кераклигини айтди. Роппа-роса орадан икки соат чамаси вақт ўтганидан кейин адибни паромга қадар кузатиб қўйиш учун яна райкомнинг боғига қайтиб келдик. Не кўз билан кўрайликки, Ойбек домла йўлак ёнидаги кекса гужумнинг шохларидан бирини ушлаб турар, кўзлари ёшланган.. Бизларни кўрди-ю, зўрма-зўраки жилмайиб қўйди.

Биз сеvimли адибни паромга қадар кузатиб қўйдик. Мана шу воқеанинг бўлиб ўтганига ҳам роппа-роса ўн етти йил тўлипти. Шу ўтган йилларда кўп марта Ойбек домла билан тушган расмиимизни кўлга олдим. Шундай пайтларда кўзим расмда бўлади-ю, хаёлимда ўша учрашув, райкомнинг боғи, кекса гужум, изгирин совуқларни писанд қилмай ғурур билан турган навниҳол... Қўлоғимда устоз адибнинг «Сув... ҳаёт... илдиэ... меҳр...» деган сўзлари...





Николай Куликов

## Зафар

Она юртимизда яна бир зафар,  
Зафар таронаси янграр ҳар ёнда.  
Юртим орзусига бўлди муяссар,  
Қувонч оҳанглари еру осмонда.

Цехга кирасанми, ё чойхонада  
Ва ё кезасанми шаҳарлар ошиб  
Ҳар бир оилада, ҳар хонадонда  
Фурур садолари турибди тошиб.

Нега етмас экан бошим фалакка,  
Нечун талпинмайди вужудда жоним?!  
Бу кун шодийёна солиб юракка,  
Тантана қилмоқда Ўзбекистоним.

Ахир ўз-ўзидан келмади бу дам,  
Пахта ҳам курашдир, жабҳадир буюк.  
Бу ерда аскардир ҳар битта одам,  
Бу кураш халқимга муқаддас, суюк.

Қаҳратонни енгдик, ўтдик довулдан,  
Қўрқмадик бемаврид қуйганда жала.  
Меҳнат иштиёқи сўнмади дилдан,  
Деҳқоннинг табаррук маскани — дала.

Ахир халқимизда шундай нақл бор:  
Жонни куйдирмасанг боқмагай иқбол.  
Риёзат чекди у туну кун бедор,  
Шу боис умиди топмади завол.

Бу кун эл бошида буюк тантана,  
Ғалаба жомига юртим қўяр лаб.  
У масрур жилмайиб, турибди, ана,  
Тағин меҳнатга шай, кафтин ишқалаб.

Абдулла ОРИПОВ таржимаси.

## Яшил ёмғир

...Яшил ёмғир эса  
 Қуярди, баҳор —  
 Завқ-шавқи билан  
 Кўпдан бахтиёр.  
 Дала ҳовлисини  
 Айлашиб маскан,  
 Шароб сипқорардик  
 Биз шу нафасда.  
 Гулдирак гулдираб  
 Тинмасди сира,  
 Булутдан булутга  
 Кўчарди чақмоқ.  
 Юксалган осмон  
 Дарз кетиб бирдан,  
 Яна ўз адлига  
 Қайтарди шу чоқ.  
 Сен эса кўприклар

Қуардинг ҳамон,  
 Айри қирғоқларни  
 Боғлардинг осон.  
 Ҳаво шарларидай  
 Чайқалиб улар,  
 Қўзғарди кўнгилда  
 Ажиб туйғулар.  
 Тобга келгандинг сен!  
 Жалани ҳатто  
 Занжирбанд этгудай  
 Ҳолдасан гўё.  
 Сўнар чақмоқ ўти  
 Шунда ноғиҳон,  
 Ажиб ярқираб.  
 Сен эса кўприклар  
 Қурасан ҳамон  
 Тошдан, темирдан...

## Муסיқа

Хотирот,  
 Хотирот:  
 Хазина — ноёб.  
 Саналар,  
     Одамлар,  
     Воқеалар,  
             Вақт.

Омад,  
 Омадсизлик —  
 Ғалати гирдоб.  
 Истаклар жиловин  
 Тортмоқ зарурат.  
 Деворда харита —  
 Гилам ўрнида,  
 Учрашувлар завқи  
 Оламга татир.  
 Осмон,  
     Денгиз,  
     Замин —  
 Бахтга мунтазир.  
 Орзуга мувофиқ,

Ула-ўлгунча,  
 Олдинга интилмоқ  
 Қўлдан келганча.  
 Табиатнинг темир  
 Қонуни ила  
 Ғам пўст ташлайди  
 Бамисли илон.  
 Фақат йўлда қолар  
 Ниятлар, яъни  
 Тортишувлар, баҳслар  
 Яратган маъни.  
 Ҳазилкаш тақдирдан  
 Ажабланаман,  
 Табассумдай ҳар тонг  
 Уфқларда яллиғ.  
 Хотирот,  
 Хотирот,  
 Дўсти содиқ, шан,  
 Мисли ғижжак узра  
 Камонча янглиғ.

□

Синиқ чизиқ бўлиб кўринар  
 Тоғлар метин қоялар аро.  
 Тошдай совуқ ҳар ён суринар  
 Зулмат ичган булутлар гўё.  
 Аён:

Кўҳна тушлар кўрмишлар,  
 Бир тушларки, мангулик мисол.  
 Баҳордан то баҳор хўп ишлаб  
 Толиқиб ҳам қолмиш хиёл.  
 Лоқайдликми?

Балким дафъатан  
 Синдирилган бу чизиқ бир пайт.  
 Вақт — ибтидо қаршисида шан  
 Сингандир у атай, қасдма-қасд.  
 Балки...  
 Балки...  
 Нечун бу ғусса?  
 Қийнар мени тобора ғашлик.  
 Едимдадир жуда кўп нарса,  
 Кўп нарсадан кўзларим ёшли.  
 Мен боқаман  
 Тонг нурларига,  
 Офтобнинг ўткир шамшири

Санчилади булут бағрига,  
 Санчилар-да қўяр шошириб.  
 Булутлар-чи сапчир юксакка,  
 Тортилгандир сур жиловлари.  
 Ухшар улар тўп арғимчоққа,  
 Баҳор тошқинлари — ёллари.  
 Қўшиқ сочиб, марралар сари  
 Вазминликни унутиб,  
 Қуёшнинг йўлини тутиб,  
 Елиб отилар  
 Отлар,  
 Оппоқ ва алвон отлар.

□

Мен ҳаёт юзига самимий боқдим,  
 Ки, бундай боқмаслар кўзига  
 ёрнинг;  
 Ки, бундай отмаслар  
 Қўрғошин ўқни;

Ки, бундай юз очмас олам баҳори.

Айтар гапларимиз кўп эди дилда,  
 Бир-бировдан қарздор эдик умрбод.

У менга дарс берди яшаш илмидан,  
 Мен эсам ҳаётга бахш этдим қанот.

Айтар гапларимиз кўп эди дилда,  
 Юлдузлар ҳақида ва нон ҳақида,  
 Бутун вужуд билан севмоқ ва  
 шундоқ  
 Нафратланиш ҳақида сўйлашдик  
 узоқ.

Шукр ҚУРБОНОВ таржималари.







Яҳиэл Оқилов

## *Ленин қуёши*

Асрлар орзуси, умиди бўлиб —  
Қалқиб чиқди Ленин Қуёши.  
Эллар қалқди юраги тўлиб,  
Илк бор мағрур кўтарди бошин.

Ёнар ҳамон беш қирра юлдуз,  
Эриб кетди дилдаги армон.  
Мен ҳам бугун излаяпман сўз —  
Мадҳи учун тўқий шеър, дoston.

Бўлган каби бу олам учун  
Октябрь илк, қутлуғ дебоча —  
Қўшиқларим бўлсинлар бу кун  
Кичик бир боб янги дунёга.

---

*Яҳудий шоири Яҳиэл Оқилов таваллудига 80 йил тўлди. Уз ижодини кичик шеърлар ёзишдан бошлаган Я. Оқилов кўплаб асарлар яратган. У ўзининг «Қумри», «Комсомол марши», «Салом, колхоз!», «Киров» сингари шеър ва дostonларида Улуғ Октябрь инқилобини, доҳий В. И. Ленинни, Советлар Ватани ва унда яшаб турган халқлар дўстлигини улуғлаган. Унинг асарларида социализм душманларига, фашизм ва сионизмга қарши кураш мотивлари кенг ўрин эгаллайди.*

## Исроиллик босқинчи жанобларга

Жаноблар,  
     сўз айтай юракдан бу дам,  
 Гарчи калтар тилин  
     англамас калхат...  
 Эҳтимол топилгай  
     бирорта одам —  
 Ва англар:  
     бўхтон не,  
                     недир ҳақиқат!  
 Сиз-ку, қўлингиз қон,  
     кўзингиз ҳам қон,  
 Тасаввур қиламан,  
     титраб турибсиз  
 Шу титроқ ҳолатда  
     изляяпсиз шон,  
 Беҳуда даъволар  
     қилиб юрибсиз.  
 Мана, мен — яҳудий,  
     очиқ айтаман,  
 Бахт нима,  
 ва недир бўлмоқлик бадном.  
 Темгўр бир  
     советлар гражданиман,  
 Шу юртда топганман  
     бахтимни, тамом!  
 Бугун она шаҳрим,  
     қадим Бухоро —  
 Истасанг ўтмишдан  
     сўзлайди эртак.  
 Истасанг энг гўзал  
     шаҳарлар аро —  
 Қад тутиб,  
     эркдан ҳам беролгай дарак!  
 Амирлар замони  
     афсона бугун,  
 Тарихга айланди  
     у қора кунлар.  
 Мен сизга барчасин  
     сўзлашим мумкин,  
 Агарчи англагай  
     сиздек қузғунлар.  
 Мен учун муқаддас  
     шу эл тупроғи.  
 Мен учун муқаддас  
     шу қадим ўлка.

Халқи —оға-иним,  
     қалбим ардоғи,  
 Меҳримга иғволар  
     сололмас кўлка.  
 Сиз нега чорлайсиз  
     тинмай туну-кун,  
 Не бало солмоқни  
     истайсиз бошга?  
 Наҳотки билмайсиз,  
     бор шундай қонун:  
 Кўр қилар тупурсанг  
     агар қуёшга.  
 Араблар юртига  
     қиласиз хуруж,  
 Тўқмоқчи бўласиз  
     беғуноҳ қонлар.  
 Айтинг-чи, не берар  
     жаҳонга уруш,  
 Наҳотки келтиргай  
     сиз учун шонлар.  
 Наҳотки билмайсиз,  
     не бўлди ҳоли —  
 Фашистлар дунёга  
     солиб дағ-дага,  
 Айтинг-чи,  
     улардан  
                     не нишон қолди,  
 Бир умр ҳаётдан  
     бўлди бадарға...  
 Сиз бизни чорламанг,  
     биз сизга ётмиз,  
 Ётдирсиз сиз барча  
     одамзодга.  
 Сизни лаънатлаймиз  
     токи ҳаётмиз,  
 Фашистсиз,  
     маҳкумсиз,  
                     ахир барбодга!  
 Мен, совет кишиси,  
     дегайман бу кун —  
 Не солмоқ истаманг  
     инсоний бошга —  
 Бу ният  
     барбодга  
                     маҳкумдир бутун,  
 Кўр қилур тупурсанг  
     агар Қуёшга!

Ёдгор ОБИДОВ таржималари





# Бинкент ҳақида уйлар

**Т**ОШКЕНТНИНГ номи дунёга катта маданий марказлардан бири сифатида маълум. Халқаро анжуманлар ўтказиладиган, оламшумул масалалар ҳал этиладиган жой сифатида ҳам у ном чиқарган.

Ҳақиқатан ҳам бирон ой йўқки, республика пойтахтида катта йиғин ўтказилмасин, биронта давлатнинг раҳбари меҳмон бўлиб келмасин. Баъзи ойларда эса бундай воқеаларнинг кети узилмайди. Тошкент — жаҳоннинг энг йирик шаҳарлари қаторида тарихнинг биринчи саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олган. Агар етмиш-саксон йил аввалги Тошкентни солиштирилса, баъзи бир шарқ мамлакатларидан келган савдогарлар мўраламаса, ҳеч ким келмаслиги, унинг номи тарихнинг ичкари қатламларида унутилиб ётгани равшан бўлади.

Тошкентга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бораётганига сабаблар кўп. Аввало у, социализм қурилишининг машъали бўлган Совет Ўзбекистонининг маркази сифатида эътибор қозонган. Кишилар, бир авлод умри давомида қўлга киритилган беқиёс ижтимоий-иқтисодий ютуқларни кўришни истайдилар. Иккинчи томондан эса, кўҳна, сурурий шарқнинг бир бўлаги бўлган, инсоният ривожланишида ўчмас из қолдириб, кўп минг йиллик тарихга эга бўлган халқимизнинг қадимий санъати, маданияти, турмуш тарзи қизиқтиради. Зероки, Тошкент, ана шу энг янгиликни ва қадимийликни омухта қилган шаҳарнинг ёрқин тимсолидир.

Шаҳримиз меҳмонлари социализм ютуқлари билан бирга ўтмиш меъморчилик обидаларини, қадимдан етиб келган ҳунармандчилик молларини кўришни, бозорларимизнинг шарқона исларини туйишни ҳам истайдилар.

Келганлар ичида дўст ҳам, душман ҳам бўлади. Ана шу кейинчилари, агар шарқоналикни кўрмасалар, «социализм барча халқларни бир хил тароқда тарайди», деган мазмунда кўп бўхтонлар ҳам тарқатадилар.

Шарқоналик аломатлари эса, ростмана қурилиш майдонида айланган Тошкентда йўқолиб кетиш хавфи остида қолди. Бир қисм эски Тошкентни сақлаш муҳим вазифа бўлиб қолди. Бу социализм ютуқларини қиёслаб намоийш қилиш учун ҳам керак эди.

Шу масалаларни назарда тутиб ҳолда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1975 йилнинг февралда Тошкентда, республиканинг бошқа область марказлари ва тарихий шаҳарларида, «Очиқ меъморий ва этнографик зоналарни ташкил этиш» ҳақида қарор қабул қилган эди. Бу қарорда қайд этилишича, Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари жамолида, шунингдек, техниканинг энг сўнгги ютуқларидан баҳраманд бўлаётган аҳолининг турмуш тарзида жуда улкан ўзгаришлар юз бериб, қурилиш ишлари кўламининг ниҳоятда кенг авж олаётганлиги тўғриси, ўсиб келаётган ёш авлодга ўтмиш аждодларининг яшаш шароитини яққол кўрсатиб турувчи ашёвий далилларнинг йўқолиб кетиш хавфи туғилди.

Бунинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон КП Марказий Комитети область ва шаҳар партия комитетларига, шунингдек, Қорақалпоғистон Министрлар Советига, область ва шаҳар ижтимоий комитетларига шу ишга алоқадар министрлик ва идоралар билан ҳамкорликда меъморий ва этнографик зоналарни ташкил эта бошлаш хусусида чоралар кўришни тайинлади. Республика Давлат қурилиш комитети, Маданият министрлигига, Рассомлар ва Архитекторлар союзига, Обидаларни сақлаш жамиятига, тарих-ўлкашунослик музейларига аниқ курсатмалар берилди.

Марказий Комитет қарорининг еттинчи пунктида эса, Тошкентнинг марказида Бинкент номи остида этнографик зона ташкил этиш кўрсатиб ўтилган. Бинкент ота-боболаримизнинг маданиятини, илм-фан, меъморчилигини, хуллас, ўтмишдаги маъ-

ший турмуш тарзларини консервация қилган ҳолда сақлаши, уни шу кунга ва келажакка хизмат қилдириш керак.

Маълумки, инсоният цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланувчи Урта Осиёнинг кўпгина шаҳарлари каби Тошкент ҳам кўп минг йиллик тарихга эга. Унинг «Чоч», «Шош» деб номланган пайтида тарихий кўлөзмаларга кириб қолганлиги туфайли ёшани икки минг йилдан ортиқ деб белгилашади. Лекин, ўз-ўзидан аёнки икки минг йилдан кўпроқ вақт илгари тарихчиларнинг рўйхатига вилоят маркази сифатида кирган шаҳар ундан аввал ҳам анча-мунча яшаган бўлиши керак.

Саккизинчи асрда Шошни араблар босиб олдилар ва ўнинчи асрда у Бинкент номи билан Шош вилоятининг савдо ва маданият маркази бўлиб хизмат қилган. Бу ном унда унча узоқ вақт сақланмаган. Ун биринчи асрда, Беруний ва Маҳмуд Қошғарийларнинг гувоҳлик беришларича, шаҳар уларнинг давридаёқ Тошкент номини ола бошлаган. Республикамиз марказида бунёд этилажак очиқ музейнинг номи ана шу тўққизинчи асрга қиёсан олинган.

Умуман олганда бу каби очиқ музей-зоналар мамлакатимизнинг, шунингдек, қардош социалистик мамлакатларнинг шаҳарларида мавжуд. Хива, Бухоро, Самарқандда қадимги комплекслар таъмирланиб бугунги кунимиз учун хизмат қилмоқда. Лекин Бинкент бу қадимий шаҳарлардаги зоналардан бир оз бошқачароқ бўлиши керак. Унда улкан меъморий ансамбллар билан бир қаторда оддий халқнинг маиший турмуши ҳам акс этиши назарда тутилади. Мамлакатимиз пойтахти Москвада, Руминиянинг пойтахти Бухарестда ана шундай маиший турмушни кўрсатувчи зоналар барпо қилинган. Бунинг учун қишлоқлардан ёғочдан ишланган деҳқон уйлари, тегиримонлар, ибодатхона атай кўчириб келинган. Албатта бу иш биздагига қараганда анча осон, чунки у каби ёғоч уйлари сочиб яна йиғса бўлади. Лекин шундай бўлса ҳам уларни излаш ва кўчириб келтиришга анча маблағ сарф бўлишини тасаввур этиш қийин эмас. Бироқ бу масаланинг катта тарихий ва тарбиявий аҳамияти бўлгани учун коммунистик партия бу ишларга оқ йўл очиб қўйган.

Бинкент қурилиши эса, агар у ўз вақтида ва тўғри амалга оширилса, ана шу каби ҳаражатларнинг анчасини четлаб ўтишга имкон беради. Чунки, жадал суръатлар билан қайта қурилаётган Тошкентда кейинги ўн йилликнинг ўзидагина қанчадан-қанча амалий санъат йўғрилган, умуман олганда, ҳали мустаҳкам бўлган болохоналик уйлари, уймакор эшик, дераза ва устунлар, равоқ ва тоқилик шиплар, ўзига хос экзотикаси бўлган ҳарсанг тошли тор кўчалар йўқ бўлиб кетганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Шу борада яна бир мисолни келтириш мумкин. Ҳозирги кунда шарқ ҳаммомлари жаҳонда машҳур бўлиб кетди. Ўзининг аниқ конструкциса, услуби, хоналардан хоналарга ўтилганда ҳароратнинг аста-секин ўзгариши билан тақорланмас бўлган бу ҳаммомлар чет элларда ўрганиб қурилмоқда ва уларга бир антиқа сифатида қаралмоқда. Тошкентда эса ана шундай ўнларча ҳаммомдан ҳозирда фақат биттаси, у ҳам бўлса «замонавийлаштирилган» қолди, холос (Эски Жўвадаги ҳаммом). Яқин йилларда машҳур бўлган Урта ҳаммоми эса, Тошкент шаҳрини Бош лойиҳалаш идорасининг шундай қаршисига (бу идора Бинкент масаласига бевосита алоқадор қилиб белгиланган) ерга кўмилганча ётибди. У ҳеч бўлмаганда тайёр музей ҳолида тикланиши унча оғир бўлмаса керак.

Мана шундай манзара олдида Бинкент масаласининг партиямиз томонидан ниҳоятда ўз вақтида кўтарилганлиги ва уни қанчалик тез амалга оширилса, шунча яхшилиги ва арзонга тушиши ўзи-ўзидан аниқлиги кўриниб турипти. Афсуски бу ишга мутассадди қилиб тайинланган ташкилотлар вазифани бажармапти.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг 1975 йилда чиққан зоналар хусусидаги қарориди Бинкент қурилишини тезда амалга оширилиши учун Тошкент шаҳар ижроия комитетига ҳамда Маданият министрлигига хомаки ҳужжат тайёрлаб, уни республика ҳукуматига топшириш ҳақида кўрсатма бор эди. Тўғри, бу ташкилотлар маълум ишларни амалга оширдилар. Анча-мунча хонадон ўрганиб чиқилди. Бинкентнинг чегараси аниқланди, унда нималар қуриш ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Ниҳоят, 1979 йилнинг октябрь ойида хомаки лойиҳа тайёр бўлди. Орадан тўрт йилу етти ой ўтгандан кейин. Бу жуда кеч эмасми? Ҳа, жуда кеч. Агар бунинг сабабини мабодо шаҳар ижрокомидидаги ўртоқлар ва бош лойиҳалаш бошқармасидаги ишга алоқадор одамлардан сўрасангиз қуйидагича жавоб оласиз: Бу ишда Маданият министрлиги, унинг қошидаги Обидаларни сақлаш бошқармаси ташаббус кўрсатишмади. Улар бизга буюртмачи сифатида буюртма берганларида биз бажарардик, дейишади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ҳақиқатда ҳам министрлик қошида шундай бошқарма тузилган. Унинг номи ҳам, партия ва ҳукуватимиз томонидан махсус тузилгани ҳам, асосан нима иш қилиш даркорлигини айтиб турипти. Бошқармалиги эса унда атиги уч ёки тўрттагина одам ишламаслигини равшан қилади. Энди ана шу бошқарманинг бошлиғига бориб, нега лойиҳанинг кечикиб кетганлигини сўрасангиз, у ҳозир келган жойингизга, яъни, шаҳар ижрокоми томонга имо қилади: бу уларнинг иши, шаҳарга асосан улар жавоб беради, деган маънода. Хуллас, Бинкент орада сансалорликка учраб, лойиҳасининг ўзи салкам беш йилга чўзилган. Бу партиямизнинг қарорига лоқайд қарашдан бошқа нарса эмас.

Энди, Бинкентнинг келажаги ҳақида сўрагудек бўлсангиз Обидаларни сақлаш бошқармасида ҳам, шаҳар ижрокомидида ҳам, Тошкент архитектура-лойиҳалаш бош-

қармасида ҳам аввало «Бинкент қурилиши дирекцияси» тузилиши керак деган фикр-ни эшитасиз. Тўғриси айтсам, бу таклифи эшитганимдан кейин кишининг дилига жиндек совуқлик югуради. Чунки шундай хаёлларга боради: агарки, дирекция тузиладиган бўлса, унинг ўзи бўлмаса керак, унинг директори бўлса керак (шофери, машинаси ва секретари билан), директор ўринбосари бўлса керак (машинаси, секретари бўладими, йўқми, билмайман), бўлимлари, бўлимларининг бошлиқлари, ходимлари, кадрлар бўлими мудирлари, бухгалтерияси ва ҳоказолари бўлса керак. Ҳўш, улар қаердан маош ва мукофот пулларини оладилар? Уша, Бинкент учун ажратилган маблағдан. Мана шу фикр кишининг дилига совуқлик югуртиради. Бизнингча бу уччала ташкилот ҳам Бинкент масласига бош-қош бўлишдан ўзини олиб қочаяпти. Айниқса, Маданият министрлиги қошидаги Обидаларни сақлаш бошқармасининг ўзини четга олаётганини оқлаб бўлмайди. Ана ўша айтилган «Дирекция»нинг вазифасини шу бошқарманинг ўзи бажарса бўлар, албатта, агар ишга шу кунгача бўлган совуқонликни бир оз камайтирса.

Тақдим қилинган лойиҳа бўйича Бинкент учун Ҳадранинг тепалигидаги Эски Ҳовуз Боғ маҳалласи, яъни Кўкалдош мадрасаси — Тоштрам, «Спартак» стадиони — Навоий кўчасидаги китоб пассажи иморатлари ораси танланган. Унинг умумий майдони етти-саккиз гектарни ташкил этади. Бу ерда замонавий қурилиш ашёларидан ташқи шакли сақланган ҳолда эскича уйлар, чойхона ва карвонсарой, бир неча миллий таом ошхоналари қуриш мўлжалланган. Бинолар замонавий коммуникация воситалари билан жиҳозланади. Уйларда рассомларнинг, халқ амалий санъати билан шуғулланувчи кишиларнинг устахоналарини жойлаштириш мўлжалланмоқда. Умуман, бу фикр яхши ўйланган, унда бир мантиқий тугаллик бор ва музей деган тушунчага жавоб беради.

Аммо, қарорда фақатгина музей ҳақида гап кетмайди. Унда зона деган тушунча бор. Яъни бузиб қайта қурилган кўргазма билан чекланилмай, бузилмасдан асл ҳолида сақланган, келажакка намуна бўладиган ашёвий далиллар ҳақида ҳам гап боради. Бу — Бинкент масаласининг энг муҳим томони бўлса керак. Бугунги ва кечаги турмуш тарзимизни таққослаш масаласи лойиҳадан бутунлай тушиб қолган. Қайта қурилган нарса билан асли ҳолда сақланган нарсанинг инсон психологиясига таъсир қилишдаги осмон билан ерчалик фарқи борлиги масаласи бутунлай ҳисобга олинмаган. Натижада, лойиҳа кишиларнинг маиший турмушини акс эттириш, «жин», кўчаларнинг руҳини, ҳуллас, ўрта асрлар руҳини сақлаб қолиш масаласини ҳал этмаган. Бизнингча, шу етти-саккиз гектарлик очиқ музейга қўшимча равишда у ёқ-бу ёғи билан ярим квадрат километрга етар-етмас майдонни ўз ичига олган зонани бузмасдан қолдирилса мақсадга мувофиқ бўларди. Каллахона, Қуйи Дегрез, Сағбон, Қўш тут, Хастимолларни ўз ичига олган зоналарни. Ана шунда кўхналик руҳи ҳам, Эски жўва бозорининг руҳи ҳам сақланган бўларди. Эски жўва бозорининг руҳини тушунтириш учун уни Олой бозори билан солиштириш кифоя деб ўйлаймиз. Чунки, Эски жўва бозори мева-чева масаласида унчалик ортиқ жойи бўлмаса-да, бешигу беланчак, пашмагу нишолдалар сингари минггача майда-чуйдаси бўлган растаси борлиги билан алоҳида бир файз касб этади. Агар юқорида қайд этилган маҳаллалар бузилса ана шу нарсаларни тайёрловчи аҳоли ҳам кўп қаватлик уйларга кўчиб ўтиб, машҳур ноиларимиздан тортиб бошқа нарсаларнинг тайёрланиши ҳам тўхтаб қолиши мумкин. Гап ярим квадрат километрга етар-етмас майдон ҳақида кетаётганини таъкидлаб ўтиб мен — бу одам кўп қаватли уйларга ва умуман шаҳар реконструкциясига қарши экан деган, бўлиши мумкин бўлган ҳужумлардан сақланмоқчиман. Бунинг устига бу каби тажриба Боку шаҳрида амалга оширилган ва бу шаҳар ҳуснини йўқотмаган, аксинча, алоҳида бир жозоба касб этганлигини айтиш ўринлидир.

Бу борада, бевосита шу масалага алоқадор бўлган бир воқеани эслатиб ўтишни лозим деб билардик.

Бундан бир неча йил аввал, «Комсомольская правда» газетасида Ленин мукофотининг лауреати, журналист Василий Песковнинг ўзбек номи ҳақида мақоласи чиққан эди. Унда номимиз санъат даражасигача кўтарилиб мақталган ва унинг очиқ сотилишига йўл қўйилмаётганлигига қарши чиқилган эди. Кейин қаралса, мақола тўғри масалани кўтариб чиққан экан. Бундай кетаверса нон санъати йўқолиб кетиши мумкин экан. Шаҳар совети томонидан қачондир чиққан нотўғри қонун бўйича нон ёпувчилар таъқиб қилинар экан. Энди, худди шунга ўхшаган мисоллар ҳозир мағиз ҳолва, кунжут ҳолва тайёрлаб сотувчилар билан содир бўляпти. Ахир мағиз ҳолвани шу опаларимиз ва оналаримиздек қилиб ҳеч ким ва ҳеч қаерда тайёрлай олмайдик-ку, улар данакларни уйларидан завод қуриб унда ишлаб чиқармайдилар-ку, ҳовлиларида ўсадиган ўрикнинг данакларини исроф бўлишдан сақлаб қоладилар, холос. Уларнинг каттакон эл дастурхонини бойитишлари нимага таъқиб қилиниши кераклигига ҳеч тушуниб бўлмайди.

Яқинда бир журналист Москвадан келган эди. У иши юзасидан кўп жойларни кўрди, ўзига керакли материалларни олди. Кетадиган кунни биз у билан меҳмонхонада учрашишга келишдик. Белгиланган вақтда меҳмонхонага борсам, у қаёққадир чиқиб кетган эди. Навбатчи аёл, унинг яқин орада келишини тайинлаб кетганини, айтди. Мен кутдим. Тахминан бир соатлардан кейин меҳмон хафа бўлиб қайтиб келди. У ниманидир излаб тополмагани кўриниб турарди. Кўп қистовга олганимдан кейин унинг

мағиз ҳолва излаганини билиб олдим. Маълум бўлишича, у уч-тўрт йил аввал Тошкентга келганида тасодифан мағиз ҳолва олиб кетган экан. Уша пайтда тўрт яшар, энди эса биринчи синф ўқувчиси бўлган қизининг оғзида мағиз ҳолванинг мазаси қолган экан. «Тошкентдан албатта мағиз ҳолва олиб келишини» тайинлабди. Танишим қизчасини жуда яхши кўришини билганим учун ширин мағизни биргалашиб яна қидирдик. Лекин гапнинг нишобидан билиб олган бўлсангиз керак, ҳеч нарса тополмадик.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса, бу фақатгина ширин мағиз эмас, санъатнинг, танаввул санъатининг бир томони, бўлак ерларда учрамайдиган томони эмасми? Агар шуни тайёрлайдиган қандолатчилар «бор-э» деб ташлаб юборишса у йўқ бўлиб кетмасмикан? Ёки, яна дўстларимиздан биронтасининг юмшоққина қилиб танбеҳ беришини кутиб юрамизми?

Бизнингча, Бинкент масаласи ичида бу каби «майда» масалалар ҳам шаҳар совети томонидан, албатта ҳал этилиб кетилиши керак.

Бунинг учун у қачонлардир, кимлардир томонидан чиқарилган ва конституция-мизга тўғри келмайдиган қарорларни бекор қилиши (худди нон масаласига ўхшаб) ва Бинкент ичидаги «Миллий таомлар» деб номланувчи бўлажак ошхоналарнинг лағмону палов билан чегараланиб қолмаслигини назорат қилиши керак.

Дунёда нўхатшўрагу ҳолва, пашмагу нишолда ва ҳоказоларнинг борлигини унутмаслигимиз керак. Бинкент майдонини лойиҳадан кўра кенгроқ олиш эса, бизнингча мана шуларнинг ҳаммасини ҳал этган бўларди.


Мабодо бу мавзеларни бузилишдан сақлашга қарор қилинса, у ердаги баъзи бир меъеридан ортиқ одами бўлган уйларнинг истиқоматчиларини сийраклаштириш масалаларини, маҳаллаларни имкони борича сув, газ ва телефон билан таъминлашни яхшилаш масалаларини ҳам шаҳар ижрокоми унутиб қўймаслиги керак. Сидқидилдан айтиш керак, бу ишларни бажаришга кетадиган харажат — ҳамма ерни бузиб, уй-жой билан таъминлашдан кўра анча кам бўлади. Бунинг устига ҳеч қанақа харажат билан ўлчанмайдиган маънавий фойдани айтиб ўтирмаса ҳам бўлади.

Биз бу мулоҳазаларни Тошкент шаҳар бош лойиҳалаш бошқармасида ўртоқлашганимизда улар қўшилмадилар. Уйларнинг шўр босишини, кўримсиз бўлиб қолганини далил қилдилар. Тўғри, уйлар ташқи томондан анча кўримсиз. Лекин ичкарига кирилса ҳали гулдек ҳовлилар жуда кўп. Иккинчи томондан эса, уйларнинг кўримсиз ҳолда эканлигига ҳам бевосита шаҳар лойиҳалаш бошқармаси айбдор. Чунки, бу маҳаллаларда яшовчи одамлар яқин ўн йиллардан бери, ҳар баҳор: уйингиз кузга бориб бузилади деб эшитишади. Ана шу гапдан кейин қайси одамнинг уйини яхшилаб ремонт қилгани кўли боради. Агар лойиҳалаш бошқармаси — ушбу маҳаллаларнинг қачон бузилиши ёки бузилмаслигини аниқ қилиб эълон қилганда бу районларнинг турқи-таровати бир пасда ўзгарган бўларди.

Мана шу фикр ва мулоҳазалар бу учала ташкилот ҳам — партиямиз қароридаги «Очиқ меъморий ва этнографик зоналар» деган гап, саккизта, тўққизта уй, битта чойхона, битта карвонсаройни кўргазмага қуриб қўйишгина эмаслигини яхши англамаяптимики деган хулосага олиб боради. Шунинг учун, бу учала ташкилотга кенг жамоатчилик ёрдам бермаса, ёки аксинча, уларнинг ўзлари жамоатчилик ҳузурига маслаҳатга бориб ишга жиддий киришмасалар — Бинкент масаласи, умуман партия қарори нотўғри, жуда бўлмаганда, ниҳоятда бир томонлама ҳал этилиб кетиши мумкин. Гап жамоатчилиқда, жамоатчиликнинг шу масалага қизиқишида қолган.

Зоҳир АЪЛАМОВ.





Сайёр

# Трактор қўшиғи

Заводни ҳам одамга ўхшатса бўлади. Унинг ҳам туғилиши, тетапоя бўлиши, униб ўсиши, ниҳоят, камолга етиши бор. Хуллас, умри — одам умридай: машаққатли ва мазмунли.

Ишчи деган шарафли ном  
Бизнинг ўз унвонимиз.  
Эгнимизда ишчи анжом,  
Юракда имонимиз.  
Қўлимизда темир, пўлат  
Осон кирар шаклга.  
Дунёдаги ҳамма меҳнат  
Бўй эгади ақлга.  
Пўлат от деб орзу этдик,  
Эртақ ясаб тиландан.  
Мақсадга чин бугун етдик,  
Мадад олиб билакдан.  
Мана қатор тракторлар  
Отдай кишнаб турибди.  
Мингин яна керак дерлар  
Мингги ишлаб юрибди.

Ер ҳайдайди, ариқ олар,  
Ўзи уруғ тикади.  
Асл деҳқон қойил қолар  
Деҳқондай дон экади.  
Ер қўксига чигит қадар,  
Дур ундирар тупроқдай.  
Ғўза яшнаб қатор-қатор,  
Салом йўллар ҳар ёқдан.  
Хирмон-хирмон «оқ олтин»ни  
Кўтарар елмасида.  
Хизмат ўтар биямай тинни  
Пахтакор ўлкасида.  
Бизлар билан ҳар иш жилар  
Меҳнат унинг шартлари.  
Ижодкори биз — ишчилар  
ТТЗ нинг мардлари.

«СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводининг тарихий йўлига назар солганда, хаёлимиздан шу фикр кечди.

1942 йилнинг ёзи. Эндигина қурилаётган «Шарқ тонги» тўқимачилик-трикотаж фабрикаси қошида ўқ-дори ва миналар ишлаб чиқарила бошлади.

Ушандан бери шу заводда меҳнат қилиб келаётган Ленин орден кавалери, кекса, мўтабар ишчи Саттор Муродов суҳбатига бўлди.

— Қизил Ўзбекистон номли колхоздан келиб, завод қурилишида қатнашдим. Сўнгра, пресловчи, шнекерчи бўлиб ишладим.

Одми қилиб айтганда, минанинг қорнига пахта мойга ўхшаган суюқлик куяр эдим. Директор Иванов бир куни ёнимга келди.

— Саттор, нормани қанча бажардинг, — деди.

— Бугун 250 процентга етказдим, — дедим.

— Яхши! — деб қўйди.

Қарасам, кўнгли бунга ҳам тўлмагандек.

— Иванов, дедим, — хомушроқ кўринасанми?

— Иш чатоқ, фашист Москва остонасига етиб келди. Ишга зўр бермасак бўлмайди.

— Москвани ҳам олмоқчими?.. Мени ҳам фронтга юборинлар!

— Шу ернинг ўзи фронт, Саттор! Фашистни ўқ отиб эмас, тўп отиб қириш керак, — деди директор кўзлари ёниб. Ўзи ҳам ёнимга тушиб, миналарга ёғ қуя кетди.

Кундузи билан миналарни тўйгазамиз, лекин ўзимиз қорнимиз тўйиб овқат емаймиз. Тунда ён-веридиги колхозлардан туялар олиб келинади. Яшик-яшик миналарни туяларга ортамыз-да, Қодирия поезд бекатига қараб ҳайдаймиз.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни Усмон ота Юсупов келиб қолдилар. Директор:

— Миналарни ташигани улов етмаётир, — деб арз қилди. Шунда Усмон ота:

— Шу кўчадан ўтадиган ҳар қандоқ улоқни тўхташиб, юкларингизни ортаверасизлар. Қодирияга элтиб, сўнгра, ўз йўлига кетади, деб хат битиб бердилар.

Биз ишлайвердик. Энди ўйлаб қарасам, биз М—13 катюшасини тайёрлар эканмиз. Тошкентда туриб, мен ҳам фашистнинг бошлаб адабини берган эканман.

Фашист Москвага киролмади. Қанча вақт ўтди, билмайман, бир куни Иванов Москва мудофаасида қатнашганимиз учун Олий Қўмондон раҳматномасини ўқиб берди.

Тоғдай меҳнатга чидадим, лекин... бир куни: «Завод ошхонасига тошбақа олиб келишибди. Тошбақа шўрва ичиришар эмиш», деган гап тарқалди. Туш вақти. Ҳамма давра қуриб ўтирибди. Ойниса опа овқат сузаяпти. Жим. Ҳамма ёғочдай қотган.

— Олинглар совимасин,— дейди кампир.

— Қани, аввал ўзинг е!— деб бақиршиди оғзига кучи етмаганлар.

Ҳамманинг егиси-ичгиси келиб турибди. Атирдай шўрва. Кимдир:

— Директор аввал ичсин,— деди ҳаяжонланиб.

Директорни чақириб келишди. У:

— Ҳурматларингиз учун раҳмат. Роса очикқан эдим,— деди-ю овқатни тушира кетди.

Ҳаммамиз бир зумда товоқларни бўшатдик.

Энди эслаб куламан. Одамлар ичида оласи бўлар экан. Аммо бизнинг лақиллаганимизни кўрмайсизми?

Ўзим заводда ишлайману уйдагилар: «Мева-сабзавот омборхонасида ишлайсиз, бир этак помидор кўтара келсангиз бўлмайдимиз?» дейишади. Хотин зотига ҳамма гапни айтиб, иттифоқо тушунтириб бўлмас экан ўзи. Лекин, бир кун заводимиз дарвозасидаги ёзувга кўзим тушиб қолди. Унда: аҳолидан мева ва сабзавот сотиб олинди, деб ёзилган экан. Э, гап буёқда экан-да, деб ўзимча кулиб кўйдим.

Бу заводимизнинг туғилиш йиллари ҳангомаси. Мана шу ишчи қўли билан, ишчи қўллари билан яратдик заводимизни.

#### ҚҰЛ ҲАҚИДА СЎЗ

Қўл ҳақида сўз айтиш қийин,  
Мақтагани қўл ўзи қўямас.  
Қўлсиз меҳнат ахир бир тийин,  
Эмонлашга ҳеч кўзим қиймас.  
Қўл гўдакнинг бошин силайди,  
Тутамлайди ёрнинг сочини.  
Қўл орзуга ҳаёт тилайди,  
Езар ундан бахт қулочини.  
Туйғуларни этиб намоён,  
Дўстга дўстдан келтиради хат.  
Агар игво ёвса — у ёмон,  
Ёмон — титса агар у ахлат.  
Қўллаб турсин инсонни у қўл,  
Бошлар узра кўтарилмасин.

Ҳаддан ошса берманг унга йўл,  
Ер Осмонга тўнтарилмасин.  
Яхши қўлга ижозат, қани  
У узатган жойига етсин!  
Териб олсин юлдуз чаманин,  
Ҳатто осмон ойига етсин!  
Одам — дарахт, қўллар қўш шохи,  
Эгилсин у шифа ҳосилдан...  
...Қўлдан ҳазар қиламан гоҳи,  
Айиради қилмиши тилдан!  
У солмасин яна тарсаки...  
Йўлга солинг, йўлга одамлар,  
Хуш ёқади менга қарсаги...  
Олинг қўлни қўлга, одамлар!

Кейин заводимиз қайта ихтисослашди. Турли хилдаги халқ хўжалик маҳсулотлари чиқара бошладик. Нарироқ бориб: пахта тозалаш саноати учун хом ашёни дастлаб ишлаб берувчи машиналар, пахтани қуритиш-тозалаш асбоб ускуналарини тайёрладик. 1957 йилдан бошлаб, пахтани қоп-қонарсиз ташувчи транспорт воситалари, ГАЗ—51 автомашинаси учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқара бошладик. Шу йили завод саккиз номда камёб эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

1967—71 йилларда завод асосий маҳсулот — 2ПТС—4—793 трактор прицеплари ва ТТЗ—879 автомобиль ярим прицеплари ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда, қайта қурилиб, Т28Х4 ер ҳайдовчи тракторларни ишлаб чиқаришга мослаштирилди. 1969 йили Тошкент трактор заводи номини олди, 1970 йил 2 апрелда конвейердан биринчи ўзбек трактори туширилди.

1976 йилдан завод 60 от кучига эга бўлган Т28Х4М тракторларини ишлаб чиқара бошлади. Уша йилнинг ўзида завод реконструкциясининг биринчи навбати тугатилди. 80 от кучига эга қудратли МТЗ—80Х тракторини ва ҳажми кенгайтирилган кузовли 2ПТС—4—793А прицепларини ишлаб чиқаришга киришди.

1977 йил 27 июлда МТЗ—80Х маркали тракторнинг биринчи нусхаси ишланди. Сўзлайман десак, гап кўп. Заводимиз тарихи катта. Гапни шу ерда мухтасар қилиб, заводда бўлаётган ижодий ютуқлардан икки оғиз айтиб қўяй.

Кўрган бўлсангиз, илгари трактор кабинасининг эшиклари икки бўлак бўларди. Бу икки бор меҳнат, неча марта қайта кўр, у ёққа сур, бу ёққа сур билан бўларди. Энди 27-цеҳ усталари, цеҳ бошлиғи Айропетян раҳбарлигида Истомин, Лисенко, Фролов, Аносов, Хачатурян деган ҳамкасбаларимиз эшикнинг бир бутун пресслов йўлини топишди. Иш икки баробар осонлашди. Харажат камайди. Йилига 27 минг дона эшик тайёрлаш имкони туғилди.

— Директор боланинг қадами қутлуғ келди,— деб суҳбатни давом эттирди Саттор бобо.



— Қайсинисини айтяпсиз?— дедим, яна тарихдан гап бошлаяптилар шекилли деган ўй билан.

— Шунисини айтяпман. Пўлат Мансуровични. Ёш каллада зиё кўп бўлар экан. Москвада ўқиган-да, устозларингдан ўргилай. Янги келганда, ҳайрон бўлдик. Нуқул бизни эшитадия, ўзи гапирмайди. Бу қандоқ бўлди. Бир куни айтдим. «Болам, саломдан бошқа гап сизга ўргатишмаганми?», деб. Кулиб қўйди. Яна гапирмади. «О, барака топгур-ей. Ичимдагини топ, дейдиганларидан экан!»

Энди қарасам, гапи кўп экан. Инструкторларни йиғиб, бирга ишлаб, бир ижод қилибди, денг. Тормоз синхронизатор яратибди. Уни ҳамма транспорт воситаларига жорий этиш мумкин экан. У нима дегани дейсизми? Сўрагани уялиб турибсиз-а?

Хўп. Одми қилиб тушинтириб қўяй бўлмасе. Илгари бир трактор учтадан ортик прицеп тортолмасди. Тортарди-ю, лекин охиргилари йўлдан чиқиб кетарди. Юк ортилган бўлса, тормоз берилса, тракторни туртиб, ағдариб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Лекин саксон от кучига эга бўлган трактор эса, ўнта шатак уласанг ҳам тортаверади. Нима қилиш керак? Шунда ёш директор бошлиқ бир тўда олимлар ўйлай-ўйлай одатдаги шатак қурилма ўрнига махсус тортқи илмоқ қўйишни таклиф этишган. Иккала ўқда пневматик тормозлар ўрнатилган. Энди трактор ҳайдовчи тормоз қилдими, тамом ҳамма шатак таққа ўз жойида қотади. Бунинг халқ хўжалигимизга фойдасини айтмайсизми?

Шунинг учун ҳам директор болам бошлиқ конструкторларга Беруний номидаги мукофотни бултур беришди. Гап мукофот ҳақида кетгандан кейин, заводимиз олган совринларидан баъзиларини айтиб қўяй. Мақтанишга йўймайсиз-да, болам.

— Йўк, йўк, отахон! Бемалол!

1967 йилда «СССР 50 йиллиги» номи берилди дедик. Шу йили Ўзбекистон КП МК, Олий Совет Президиуми ва Республика Қасаба союзининг Қизил байроғи доимий сақлашга топширилган. 1965 йилда ПТС—3—766М трактор принципи ВДНХ қумуш медали, 1966 йилда Москвада ўтказилган «Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги машиналари» халқаро кўргазмасида ТМЗ—879 автомобиль ярим прицепа катта олтин медаль билан тақдирланди. 1970—1974 йиллар давомида заводнинг 100 га яқин ишчиси СССР орден ва медаллари билан тақдирландилар. 3000 дан ортик киши рационал таклифлар киритиб, улардан 1567 таси ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинди.

Ҳозирги пайтда заводда 31 цех мавжуд. 11000 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Завод шу кунгача 104251 та Т28Х4, Т28ХУМ, 494МТЗ — 80ХА тракторлари, 180299 прицеп, 2600 донга ярим прицеплар тайёрлади. ТТЗ маҳсулоти мамлакатимиз эҳтиёжларидан ташқари Европа мамлакатлари — Югославия, Болгария, Осиё мамлакатлари, — Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Ироқ, Вьетнам, Эрон, Африкада: Сомали, Судан, Тунис, Эфиопия, Лотин Америкасида: Куба республикаларига сотилмоқда.

Биз трактор заводи дарвозасидан чиқиб келар эканмиз, иккинчи сменага шошиб келаётган ишчиларга дуч келдик. Одамларнинг ичкарига киришларига тўсиқ бўлмаслик учун дарвоза ёнида бир оз кутдик. Шунда Саттор бобо ўтаётган юзлаб одамлар орасидан заводнинг таниқли кишиларини кўрсатиб, таништирар эди. Мана, Меҳнат Қизил байроқ орденли Абдуманнон Усмонов.

Заводда 2123 та ишчи Коммунистик меҳнат зарбдори. Уларнинг ҳаммаси билан танишиш имкони йўк. Лекин менинг бахтимга XXV съезд делегати, заводнинг машҳур пармаловчиси Федюшина Анна Васильевна сменадан қайтаётган экан. «Меҳнат шуҳрати» ордени кавалери, ўз иш нормесини 140 процентдан орттириб адо этаётган бу аёл ўзининг камтарлиги, олижаноб ва очиқ кўнгиллиги билан диққатимизни тортди.

— Уйга шошаётган эдим. Қизчам мактабдан қайтади. Отаси иккинчи сменага ишга келгандир,— деб безовталанди у. Таклифини ерда қолдирмай унга эргашдик. Қаранги, Анна Васильевна учун бугун байрам экан. Онаси меҳмонга келибди. Ёшига нисбатан бақувват чайир: бу аёл остонада бизни хушнуд кутиб олди.

— Машҳур қизингиз билан фахрланасизми, опа?— деб сўрадим.

— Нима десам экан. Албатта. Лекин бир армоним ҳам бор. Аннанинг ўз фамилияси Бурчина. Мен кўп машҳур фамилиялар каби бизнинг ном ҳам танилса деб орзу қилардим. Лекин қиз боланинг иши қийин экан. Эрининг фамилиясини машҳур қилиб юрибди,— деб кулди кампир.

Биз унинг бу ҳазиломуз гапидан бирга кулишиб, ичкарига кирдик. Анна Васильевна Куйбишев район партия комитетининг бюро аъзоси. Заводнинг яқин келажагидан тўлиб-тошиб гапириб берди.

Янги яратилган трактор кабинасида, ҳаво ҳайдовчиси истаган даражада бўларкан. Бу трактор ҳозир давлат комиссияси томонидан ўрганилмоқда экан. 1980 йилга кенг истеъмолга чиқарилар экан. Яқинда заводимизга хўрматли Шароф Рашидов уч қайта келдилар. Завод партия йиғилишида қатнашдилар. Заводнинг яқин келажагидagi вазифаларига батафсил тўхтаб, ишимизга омадлар тиладилар.

— Ҳозир тракторчилар сони 11000 дан ошди. Яқин икки йил ичида 20000 га ва яна уч-тўрт йил ичида 30000 мингга етиши керак. Бу йўлда сиздан бир илтимосим бор эди. «Ёш ишчига ўғитлар» деган шеър ёзсангиз. Заводимизга ёшларни қақирсангиз.

Мен бу вазифани зиммамга олдим. Ҳайрлашиб кўчага чиқдик. Саттор бобони уйигача кузатиб келдим. Жажжи набариси Баҳодиржон остонада салом бериб кутиб олди.

— Баҳодиржон, катта бўлсанг ким бўлмақчисан,— деб сўрадим.  
— Бобомга ўхшаган ишчи бўламан! Трактор ясайман!— деб қолди бийрон тил билан.

Кейин Саттор бобога ваъда қилган шеър битди. Мана у.

#### ЕШ ИШЧИГА УГИТЛАР

Кириб келдинг завод остонасидан  
Салом,

хуш келибсан, биродар, ўртоқ.  
Ҳар кун тракторнинг янгроқ сасидан  
Юрак тепишларинг бўлгуси янгроқ.  
Ишчисан!

Жомакор кийиб устингга  
Станок ёнида тер тўкасан, тер.  
Садоқат кўрсатиб ишчи дўстингга  
Аввало кўрганда саломингни бер.  
Сўнгра бор имконни этиб сафарбар  
Ишла,

Унум бўлсин қилган меҳнатда.  
Тилак,

бўлаверсин сенга зафар ёри  
Кам бўлма излайиш ва шижоатда.  
Оталар йўлини муқаддас атаб,  
Маҳкам тутиб олгин ака измини.

Келажак йўллارга кўзингни қадаб,  
Шу кундан кўриб тур — коммунизмни!  
Сен ижод этганинг азим трактор  
Ерни гўзал қилур, турмушни обод.  
Ватан вужудиға улар — юракдир!  
Юраксиз ҳаётни демаслар ҳаёт.  
Бурчни ҳалол ўта,

ишчи шарафин  
Яна юксакларга олиб чиқ, дўстим.  
Фақат қўллаб ўрган ҳақнинг

тарофин,  
Шунда чин инсонсан!


Уқдингни сўзим!  
Шунда кам бўлмайсан,

эл рози бўлар,  
Ватанга муносиб яшаш керакдир.  
Тракторнинг янгроқ овози бўлар —  
Сен ҳақда оламга сўзлар трактор!

Биз «СССР 50 йиллиги» номидаги Тошкент трактор заводидан бир лавҳа келтирдик холос. Унинг мазмунли тарихи узун. Узининг порлоқ келажаги йўлида яна қайта янгиланаяпти. Унинг ёрқин келажак тарихи ҳали кўп ёзилажак. Энг муҳими у бугун камолга етган, меҳнатни яхши ташкил этиб олган. Забардаст ишчи каби шижоат ва матонат билан элга беминнат хизматини ўтаётир.

У бундан кейин ҳам юксалишда давом этади, Саттор бобо айтганидек янги, ёш ишчилар авлоди учун дарвозаси кенг очик.





ТАНҚИД  
ВА  
АДАБИЁТШУНОСЛИК

## «АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ» КИТОБИНИНГ МУҲОКАМАСИ


А. С. Пушкин номидаги Тил ва Адабиёт институтида «Адабиёт назарияси» китоби илмий ва адабий жамоатчилик иштирокида муҳокама бўлди. Нотиқлар мазкур илмий асарнинг яратилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлганини қайд этдилар. Бундай китобга кўпдан бери эҳтиёж мавжуд эди. Тўғри, бунгача ҳам айрим ишлар қилинган. Узбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Иззат Султон томонидан ёзилиб, 1939 йилда босилиб чиққан «Адабиёт назарияси» китоби республика адабиёти ривожланишида роль ўйнаган.

Муҳокамада сўзга чиққан нотиқлар «Адабиёт назарияси» илмий-ғоявий жиҳатдан пухта ёзилганини таъкидладилар. Шу билан бирга китобда баъзи камчиликлар ҳам борлиги қайд этилди ва бу борада жиддий танқидий фикрлар ҳам айтилди. Жумладан, филология фанлари доктори Умарали Норматов ўз сўзида «Адабиёт назарияси»даги айрим қарашлар, хусусан метод ҳақидаги мулоҳазалар совет адабиётшунослиги эришган бугунги ютуқлар нуқтаи-назаридан анча эскириб қолганини мисоллар билан исботлаб берди. Нотиқ мазкур асарнинг «Эпос» номли бобида жиддий методологик нуқсонлар, чалкашликлар борлиги ҳақида ҳам асосли фикрлар билдирди. Бу илмий асарнинг қайта нашрини тайёрлашда республикамизнинг бошқа илмий марказларидаги етакчи мутахассис олимларни ҳам жалб этишни таклиф қилди. Дарҳақиқат, «Адабиёт назарияси»даги айрим бобларни ўқиган киши табиий равишда муҳим бир масалани ўйлаб қолади. Республикамизда классик ва совет шеърляти бўйича бир қанча йирик мутахассис олимлар бор. Улар пойтахтимизда ва область марказларида илмий тадқиқот билан шуғулланадилар. Нега ана шу олимлар бу жиддий, масъулиятли ишга жалб қилинмайди экан!

Филология фанлари доктори Абдуқодир Ҳайитметов ўз нутқида «Адабиёт назарияси»да таҳлил учун бадий асар танлаш принциплари устида тўхталди ва бу борада изчил йўл тутилмаганлигини танқид қилди. Бундай муҳим ва йирик ишда ҳар томонлама эътироф этилган, ҳалқимиз томонидан севиб ўқиладиган асарлар таҳлил этилиши зарур эди. Афсуски, бу илмий жиҳатдан бирдан-бир тўғри йўл кўп ҳолларда четлаб ўтилгани оқибатида адабий ҳаракатчиликка сезиларли таъсир эта олмаган бир қатор заиф асарларга ўрин берилган. Ҳўр, ҳали анча-мунча ишлар қилиши керак бўлган ўртоқлар номлари кўп такрорланади. Бу ҳам унча тўғри эмас. Профессор Л. И. Тимофеев китобида аксар М. Горький, В. Маяковский, А. Фадеев, М. Шолохов ва бошқа улуг адиблардан мисоллар олинган эди. Тетапоя, аранг кучаниб шеър ёзадиганлардан эмас, албатта. Иккиламчи, бу фундаментал китоб бўлиб, узоқ йилларга мўлжалланган. Шунинг учун ҳам йиллар синовидан ўтган, маъқулланган, юқорида номи тилга олинган китоблардан ўргансак ёмон бўлмайди. Езувчиларга субъектив қараш бу китобда мутлақо ўз башарасини кўрсатмаслиги керак. Бу ҳолат ҳам «Адабиёт назарияси»нинг кадрини маълум даражада туширади, албатта.

Биз қуйида филология фанлари доктори Норбой Худойбергановнинг «Бир тану бир жон» мақоласини мунозара тарзида эълон қиламиз.

РЕДАКЦИЯ.



Норбой Худойберганов

## БИР ТАҢУ БИР ЖОН

Социалистик реализм талаблари, қонуниятларини адабий жараёнга, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этаётган ўзбек совет ёзувчилари халқимиз онги, маънавий дунёси, ижтимоий фаолиятига илҳомбахш таъсирини ўтказиб, ғоявий-бадий жиҳатдан юксак асарлар ҳаёда этмоқдалар, салмоқли ютуқларга эришмоқдалар. Шу билан бирга кундан-кунга юксалиб бораётган турмушимиз уларнинг бундан ҳам зўр ғайрату шижоат билан қалам тебратишларини тақозо қилади. Бу эса эришилган муваффақиятлар моҳиятини чуқур идрок этиб, йўл қўйилган нуқсонларнинг сабаблари, илдизларини очиб кўрсатишни, пухта таҳлилни талаб этади.

Мана шундай масъулиятли вазифани бекаму кўст удалаш учун адабий танқидчилик ҳар жиҳатдан етук, пухта, мустаҳкам назарий асосларга эга бўлмоғи лозим. Республика Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институти коллективи томонидан яратилиб, 1978—1979 йилларда «ФАН» нашриётида чоп этилган икки жилдлик «Адабиёт назарияси» бу талабни бажаришга қаратилган. Лекин мазкур илмий-тадқиқот ишининг салмоғи, аҳамияти, мавқеини чуқур англаш учун мана бу вазиятга диққатингизни жалб этмоқчимиз: янги тилдаги миллий сўз санъатимиз олтмиш ёшдан ўтиб кетган бўлса-да, аммо ҳалигача ҳар жиҳатдан мукамал илмий адабиёт назарияси йўқ эди.

Ҳозиргача мавжуд бўлган бир қанча назарий қўлланмалар, дарсликлар адабий жараён тараққиётига муносиб улуш қўшиб келган бўлса-да, йиллар ўтиши билан замон талабларига жавоб беролмай қолди.

Бироқ бу ижод назарияси амалиётдан, бадий жараёндан бир оз орқада қолди ва бу қоқоқлик ҳозирда ҳам узил-кесил тугатилгани йўқ, деган гап эмас. Маълумки, кейинги йилларда умуман адабий-бадий

танқидчиликда жиддий ўзгаришлар рўй берди, мунаққид сўзининг қадр-қиммати ортди, адабий жараёни тадқиқ этиш, назарий масалаларни ҳал қилиш кучайди.

«Адабиёт назарияси»нинг икки жилдигини мана шундай ўсиш-ўзгаришларнинг бир ифодаси, деб баҳолаш мумкин. Бинобарин, мазкур илмий тадқиқот ишининг юзага келиши ҳам ҳаёт, ҳам ижодий жараён, ҳам илм тараққиётининг тақозосидирки, буни мамнуният билан таъкидлаш зарур.

Маълумки, ҳар жиҳатдан мураккаб, ранг-баранг, бой ва бетакрор бўлган бадий ижодга таъсир кўрсатиш, унинг тараққиёт қонунларини таҳлил этиш ғоятда мушкул иш. Мазкур тадқиқот иши мана шу мушкулликни енгиллаштириб, сўз санъати тараққиётини жадаллаштиришга қаратилгани ижобий ҳодисадир. Зотан, амалиётга хизмат қилмаган, унга монанд бўлмаган, унинг талаб, эҳтиёжларини қондирмаган назария узоққа, бормайди. Ахир, тансиз жон, жонсиз тан бўлмаганидек, назария амалиётдан ажралган ҳолда яшамайди. Амалиёт-чи? Ахир, у баъзан назариядан ўзиб кетиб, мустақил ривожланиши мумкин-ку? Аҳён-аҳёнда амалиётда ҳам қоқоқлик кўзга чалиниб қолади.

Хуллас, ривожланган қайси бир соҳани олиб қараманг, унинг мустаҳкам назарий асосга суянганини кўрасиз. Амалиётнинг назариядан мутлақо узилиб, ажралиб қолиши мумкин эмас.

Умуман, ҳар жиҳатдан етилган, ривожланган назария тараққиётга самарали таъсир кўрсатадики, бунга «Адабиёт назарияси»нинг муаллифлари алоҳида эътибор бердилар. Чинакам назарий мазмун, назарий йўналишга эга бўлган бу салмоқли илмий тадқиқот ишининг адабий жараён, амалиёт талабларига мувофиқлаштирилганлиги қуйидагича таъкидланган: «Муайян адабий асарнинг ғоя ва мазмуни, жанри

ва қахрамонларини танлашда ёзувчига тарихий шароит, замон талаби, адабиётнинг умумий аҳволи ва бошқа жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Адабий асар босилиб чиққандан кейин, агар у Дантенинг «Илохий комедия»сидек, Навоийнинг «Ҳамса»сидек, Шекспирнинг трагедияларидек, Л. Толстойнинг ва М. Горькийнинг романларидек етук асарлар бўлса, фақат ўз муаллифининг ижодидагина эмас, балки жаҳон адабиётида, халқларнинг ижтимоий ҳаётида катта ҳодиса бўлади, ҳам адабиётнинг ривожини, ҳам воқеликнинг тарихий тараққиётини тезлаштирувчи кучга айланади» (2-жилд, 6-бет).

Мана шу фикр «Адабиёт назарияси»нинг кўпгина қисмлари, бобларида сингдириб юборилган. Бу биринчи навбатда мажмуур илмий тадқиқот ишининг композицион тузилишида ўз аксини топган: «Адабий асарнинг мазмун ва шаклини тадқиқ этгандан кейин ундан кўлами кенгроқ ишга — жуда кўп ва жуда хилма-хил асарлар дарёсидек ҳаракатланиб бораётган адабий жараён тадқиқотида ўтиш ўринлидир. Биз мана шу мантиққа асосланган ҳолда адабий асар таҳлилидан бошлаб, бутун адабий жараён тадқиқотида шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигини кўздан қочирмасликка интиламиз. Кўпроқ адабий асар орқали ёритиш мумкин бўлган бадий критерийлари, образлилик, характер, сюжет, конфликт, композиция, тил каби назарий масалалар биринчи томга жамлангани юқорида кўрилди. Адабий жараён билан чамбарчас боғлиқ бўлган эпос, лирика, драма, сатира каби жинс ва жанрлар, эстетик категориялар, адабий таъсир ва алоқалар, традиция ва новаторлик, таълиқ ва метод масалалари иккинчи томда таҳлил қилинди» (2-жилд, 7-бет).

Ижодий муаммоларнинг шу таҳлитда икки жилдга тақсимланиб ёритилиши тўғри бўлган. Бироқ текширишнинг бу тартиби ниҳоятда шартли эканлиги ҳам алоҳида уқдирилади. Чунки, инсоғни у нафас олиб турган шароитдан узиб олиш мутлақо нотўғри бўлганидек, ёзувчини, унинг ижодини адабий ҳаёт муаммолари билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил объектига айлантириш адабиётшунос учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Бадий асар ижтимоий-эстетик моҳиятини очишга интилишнинг самарали натижалари кўпроқ конфликт, сюжет ва композицияга бағишланган бобларда яққол кўринади.

Аввало шуки, бу бобларда совет адабиётшунослиги эришган ютуқлар ижодий ўзлаштирилиб, янги маъно, янги мазмун яратишга хизмат қилдирилади.

Янги маъно, янги мазмун дейилганда нимани назарда тутяпмиз? Маълумки, реалистик сўз санъатининг асосий қонуниятлари марксча-ленинча эстетика асосчилари томонидан кашф этилган.

Ҳа, кашф этилган, бироқ улар табиий равишда ҳаёт тараққиёти билан ўзгаради, бойийди, нималарнидир йўқотади, нима-

лардир ҳали очилмагани маълум бўлади. Уларни эса қайтадан кашф этиш зарурати туғилади. Мана шуларнинг моҳияти ҳаққоний ҳамда чуқур ёритилса, янги, оригинал фикрлар, мулоҳазалар, салмоқли ҳукм хулосалар келиб чиқади.

Икки жилдлик «Адабиёт назарияси»нинг муаллифлари шу нуқтаи назарга асосланиб, совет адабиётшунослари эришган ютуқларни, хусусан рус тилида чоп этилган уч жилдлик «Адабиёт назарияси»ни, Л. Тимофеев, Г. Абрамович, Г. Поспелов сингари олимлар қаламига мансуб бўлган бу соҳадаги тадқиқотларни ижодий ўзлаштиришга, пировардида қўлга киритган натижаларини ўзбек ёзувчилари феолиятига, республикамиз адабий жараёнига татбиқ қилишга интиланлар.

Танланган йўлнинг тўғри эканлиги шунинг учун конфликт, сюжет ва композицияга бағишланган бобларда кўринадики, уларда назарий фикрлар, кузатишлар ўзбек ёзувчиларининг асарлари таҳлиliga сингдириб юборилади. Буларнинг барчаси ҳам қизиқиш уйғотади, ҳам баҳсларга чорлайди. Чунончи, конфликт ҳақида сўз очилганда Шароф Рашидовнинг: «конфликтлилик санъатда конфликтнинг ўзи учун мавжуд бўлмайди. У ҳақиқий ҳаётий зиддиятларни, киши характерининг мураккаб ва реал курашларини акс эттирмоғи, замонамизнинг йирик, ҳаётий зарур проблемаларига хизмат қилмоғи лозим», деган фикри келтирилиб, конкрет адабий жараёнга, ёзувчиларимиз ижодида татбиқ этилади, шу асосда бир қатор асарлар таҳлил объектига айлантирилади ва муҳим хулоса чиқарилади: «Конфликт — ҳаётдаги реал қарама-қаршиликларнинг бадий ифодасидир. Асарда эса у сюжетни ҳаракатга солувчи асосий куч, ривож берувчи пружина, ричагдир. Сюжетни асар скелети деб фарз қилсак, конфликт унга жон берадиган, ҳаракатга келтирадиган юракдир» (1-жилд, 209-бет).

Энг муҳими шуки, конфликт ҳақида қандай мулоҳаза юритилмасин, барчаси Максим Горькийнинг «Она», Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» ва Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» асарларидаги ҳаёт қарама-қаршиликларининг инъикосига оид конкрет кузатишлар орқали исботланади. Айни замонда ижтимоий ва шахсий-интим зиддиятларнинг хилма-хил кўринишларида, ранг-баранг шаклларда, жуда мураккаб ҳолатларда ифодаланиши алоҳида таъкидланади ҳамда конфликтнинг давр руҳини ёритишга қаратилиши, объектив ҳақиқатни чуқур, ишонарли ифодалаб, инсон ҳаёти, онги, тафаккурини олий мақсадлар, юксак идеаллар асосида ўзгартиришга иштирок этиши кўрсатилади. Агар иштирок этмаса ёзувчи гоҳсининг жонли, ҳаётий образларга сингдириб юборилишини таъминламаса, ҳар қандай зўр конфликт ҳам ўз мавқеидан ажралиб қолиши исботлаб бериларди.

Сюжет ва композициянинг вазифалари, асарда тутган ўрни, ҳаётий асослари ҳам шу нуқтаи назардан аниқланиб, уларнинг

моҳиятини очишда мазмун ва шакл бирлигидан келиб чиқилади.

Муайян характернинг ўсиш-ўзгариш, шаклланиш тарихи сюжетнинг ўзигини ташкил этади, деган фикр ҳар томонлама қўллаб қувватланади ва «сюжетнинг асосий негизи воқеа, дейдиган ёзувчилар характер яратишга етарли эътибор бермасдан, «воқеабўзлик» билан шугулланиб кетадилар» деб масалани бир ёқлама, саёз, юзаки тушунадиган ижодкорлар танқид қилинади.

Шунингдек, композициянинг ўзига хос, такрорланмас хусусиятлари унинг ҳар бир жанрда хилма-хил воситалар орқали рангбаранг шаклларида ифодаланиши таъкидлаб борилади. Шу билан бирга унинг сюжет ҳамда конфликтга муштарак жиҳатлари эътибордан четда қолдирилмайди. Бадиий асар шаклининг ҳам, мазмунининг ҳам таркибий қисмини ташкил этувчи бу компонентлар моҳиятини чуқур идрок этиб, шунга ижодда риоя қилган ёзувчи самарали натижаларни қўлга киритиши, акс ҳолда, муваффақиятсизликка юз тутиши кўп миллатли совет адабиётшунослигининг бугунги ютуқларига суянилган ҳолда ишонарли далилланади. Айни замонда худди шу ўринда ҳам ниҳоясига етказилмаган, ҳар томонлама исботланмаган, баҳс-талаб мулоҳазалар, кузатишлар учрайдики, бундан кўз юмиш мумкин эмас. Чунончи, сюжет ҳақида мулоҳаза юритилганда М. Горькийнинг куйидаги фикрлари келтирилади: «одамларнинг ўзаро алоқалари, улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, симпатия ва антипатиялар, умуман кишилар ўртасидаги муносабатлар — у ёки бу характернинг, типнинг ривожланиши, шаклланиш тарихи, ташкил толиб бориши» сюжетни ташкил этади (М. Горький, Адабиёт ҳақида, Ўзадабийнашр, 1962, 243-бет).

Тўғри ҳаққоний фикр! Лекин, М. Горький бадиий адабиётни уч элементдан: тил, тема ва сюжетдан иборат, деб белгиланган, конфликт, композиция тўғрисида маҳсул тўхталиб ўтмаган. Аниқроғи, конфликтни ҳам (одамлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, симпатия ва антипатиялар) композиция (у ёки бу тип, характернинг ташкил топиши, тузилиши)ни ҳам сюжет тушунчасига қўшиб юборган. Бинобарин, М. Горький сюжетга жуда кенг миқёсли маънони «пайванд»лаб қўйганлигини алоҳида таъкидлаш керак эдики, бунга эътибор берилмайди. Аммо, конфликт, композиция ва сюжетнинг ўзига хос хусусиятлари аслида тўғри таърифланади, конкрет адабий жараёнга беҳато татбиқ этилади, бироқ кўпроқ насл назарда тутилиб, шеърят ва драматургияда мазкур компонентларнинг қандай мазмун касб этиши етарли даражада очилмайди. Шунингдек, баъзи ўринларда назарий ҳукм-хулосаларни мустаҳкамлаш мақсадида келтирилган мисоллар илмий теранлик ҳамда ҳаққонийлик билан таҳлил қилинмайди. Баҳс-талаб кузатишлар, мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Яна нималардир етишмаганини қайд этиб ўтиш мумкин, лекин моҳият

эътибори билан сюжет, конфликт ва композициянинг мазмун ҳамда шакл бирлигини таъминлашда, ҳаётни ҳаққоний тадқиқ этишда қандай мавқеа тутганлиги кўп миллатли совет адабиётшунослигининг ҳозирги юксак талаблари даражасида ёритилади.

Бу ҳол «Адабиётнинг спецификаси» бобида ҳам кўзга ташланади. Унда сўз санъатининг мазмуни, шакли ва ғоявий-бадиий хусусиятлари тўғрисида мулоҳаза юритилади.

Мазкур бобда, аввало, адабиётнинг ўзига хос вазифаси инсоншуносликдан иборат эканлиги ёритилади. Кейин куйидаги икки моментга диққатимиз тортилади. «Адабиёт учун инсон кечинмаларини тасвирлаш дунёни (шу жумладан инсоннинг ўзини ҳам) тушуниш воситасидир. Шу сабабли адабиёт доимо инсоннинг ички дунёсини, унинг ташқи дунёга муносабатида тасвирлайди» (1-жилд, 59-бет). Иккинчи момент ҳақида гапирилиб, ижодкорнинг «ҳаёт ва олам ҳақидаги ўйлари ва кечинмалари асосида доимо бевосита ёки воситали равишда ифода этилган орзу ҳаётни яна ҳам гўзалроқ, инсонни яна ҳам одилроқ, донороқ, сахийроқ ва жасурроқ кўриш ва бу орзунинг амалга ошириш имконияти борлигига имо-ишора ётади», деган фикр илгари сурилади.

Аслида мана шу икки моментни бири-бирдан ажратиб қўйиш мумкин эмас. Чунки пировардида мазмун ва шаклнинг ҳаққонийлигига, оригиналигига, табиийлигига, кўпқирралигига эришиш лозимки, масаланинг шу жиҳатлари тўғрисида батафсил, чуқур ва тўғри мулоҳаза юритилади, лекин эътироз тўғдирмайдиган назарий ҳукм-хулосаларни конкрет мисоллар билан асослаш жараёнида ноаниқликларга йўл қўйилади. Чунончи, ҳар қандай жанрга мансуб бўлган ҳар бир асар ўзига хос оригинал, янги, ҳаққоний мазмун касб этмаса, у ҳеч кимга маънавий-бадиий озиқ бермайди, деган фикр алоҳида қайд этилади-да, қуйидагича изоҳланади: «Ҳамзанинг» «Бой ила хизматчи»си, С. Айнийнинг «Қуллар»и, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и, Яшиннинг «Икки коммунист»и, Ойбекнинг «Қутлуг қон»и, А. Қаҳҳорнинг «Сароб»и, П. Турсуннинг «Ўқитувчи»си, Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар»и, А. Мухторнинг «Опа-сингиллар»и, Ҳ. Ғулломнинг «Машъал»и, Мирмуҳсиннинг «Умид»и, М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча»си, Р. Файзийнинг «Ҳазрати инсон»и, Шуҳратнинг «Шинелли йиллар»и ва Саид Аҳмаднинг энг яхши ҳикоялари каби ўзбек адабиётининг йирик ютуқлари учун ҳам характерли хусусият — мазмуннинг янгилигидир» (1-жилд, 78-бет).

Бу асарларнинг хилма-хил савияда ёзилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, уларнинг мазмунида қандай янгилик, қандай оригиналлик мавжуд, деган саволга бир хил жавоб берилиши ҳақиқатга зиддир. Уша асарларнинг бир қанчасида (масалан, «Шинелли йиллар», «Фарғона тонг отгунча», «Опа-сингиллар», «Машъал» асар-

лари) айрим нуқсонларга йўл қўйилгани, баъзи ўринларда тасвирнинг саёз, юзаки бўлгани, образлар, характерлар яратишда ҳамма вақт оригиналликка эришилмагани ва ҳоказо тўғри ва ўринли қайд этилганди, энди эса худди шу романлар ҳеч қандай изоҳларсиз ўзбек насрининг дурдоналари қаторига киритилиб қўйилапти.

Афсуски, фикрлардаги бундай зиддиятлар, қарама-қаршиликлар «Адабиёт назарияси»да жуда кам учрайдиган тасодифий ҳодиса эмас.

Яна бир мисол: «Ҳар қандай санъат асариде бўлганидек, «Инқилоб тонги» драматикасида ҳам асарнинг мазмуни ва эстетик идеали бош қаҳрамоннинг қиёфасида мужассамлашади. Муаллиф Фозилхўжани революционер сифатида тасвирлашга интилган. «Революционер» тушунчасининг маънаси эса асарга кирган ҳаётий материалдан ташқари, унинг муқаддима қисмида икки баёнчи тилидан ҳам айтиб берилган (1-жилд, 88-бет).

Шу ерда ўша икки баёнчининг Фозилхўжа ҳақидаги мулоҳазалари кўчирилади ва ижобий ҳодиса сифатида изоҳланади. Иккинчи жилднинг 290-бетиде эса қуйидагиларни ўқиймиз: «Бизнинг кунларимизда айрим спектаклларда муаллифга ўрин бериш («муаллифдан» роли) ҳаракатлари учрайди. Аммо тажриба кўрсатадики, «муаллифдан» айтилишга мўлжалланган матн (текст) драмада ҳаракатнинг ривожига халақит беради. Масалан, «Инқилоб тонги» спектаклида икки баёнчининг иштирокига зарурият сезилмайди, уларнинг асарга киритилишига сабаб драматургнинг «театраль мода»дан орқада қолмасликка интилгани бўлса керак».

Диққат қилинг: айнан бир нарса гоётда салмоқли илмий тадқиқот ишининг биринчи жилдиде ижобий, иккинчи жилдиде салбий, деб таърифланаёпти.

Бошқачароқ йўналишдаги зиддиятлар, қарама-қаршиликларга йўл қўйилгани ҳам жиқидий эътироз тугдиреди.

Гап шундаки, танқидчилгимизда бир пайтлари умуман қўллаб-қувватланса-да, анче-мунча ўткир мулоҳазалар, баҳслар, тортишувларни келтириб чиқарган айрим асарлар «Адабиёт назарияси»да ҳеч қандай изоҳларсиз юксак ижодий ютуқлар тарзида қайд этилаверади. Жумладан, Т. Жалоловнинг «Олтин қасас», Д. Нурийнинг «Дилпора» сингари ғоявий-бадий жиҳатдан заиф асарлари (улар вақтли матбуотимизда муросасиз, асосли танқидга учраган) ижобий ҳодиса тарзида шарҳланади (2-жилд, 154-бет).

Бундай фикрлар билан келишолмаслигимизни янада қатъийроқ айтишимиз керак. Негаки, гап оддий мақола ёки тадқиқот эмас, балки ижодий жараён, амалиётга, ҳар бир конкрет асарга ёндашишда йўланма бўладиган адабиёт назарияси хусусида кетаяпти. Ундаги ҳар бир фикр, ҳукм-хулоса, ҳатто бир сўз, ибора ҳам фақат ҳақиқатнинг ифодаси сифатида аниқ, ёрқин, беҳато маъно касб этиши керак. Ҳолбуки, «Адабиёт назарияси»нинг

ҳар икки жилдиде ҳам ноаниқликлар, бир-ёқламаликлар, зиддиятлар учраб туради, тахрирталаб иборалар, юзаки мулоҳазалар, нотўғри кузатишларга дуч келаемиз.

Тилга олинган «Адабиётнинг спецификаси» бобиде бундай кўнгилсизликлар етакчи ўринни эгалламайди. У фактлар, кузатишлар, мулоҳазаларнинг салмоқдорлиги, бойлиги, ҳаққонийлиги билан ажралиб туради-ю, аммо назарий йўналишининг ижоддаги кўринишини ҳамма вақт ёрқин ва ишонарли тарзда ифодалаб беришда оқсайди. Сўз санъатида характерлар, образларнинг ўзига хос такрорланмас хусусиятлари ойиб берилмаса, индивидуаллаштирилмаса, ҳар қандай ўткир, аҳамиятли ғоя юракларни тўлқинлантормаслиги, ҳаяжонларга тўлдирилмаслиги бир неча бор ўқитиб ўтилади-ю, лекин чуқур ёритилмайди.

Назарий фикрларни амалиётга, ижодга татбиқ этишдаги бундай номутаносибликлар, айниқса, «Адабиёт ва ижтимоий ҳаёт» ҳамда «Характер ва шароит» деган бобларда янада яққолроқ намоён бўлган.

Ҳар иккала бобда такрорланавериб аллақачонроқ ҳақиқатга айланиб қолган жуда кўп фикрларга дуч келаемиз.

Уларда бадий ижоднинг баркамол бўлишини таъминлаш учун мустаҳкам назарий замин талаб қилиниши умуман тўғри тавсифланади, лекин улар мажуд фазилатларга қарамаздан, чин маънодаги баркамол «Адабиёт назарияси»нинг таркибий қисмини ташкил этади, дейиш амримаҳол.

Нима учун «Адабиёт ва ижтимоий ҳаёт» деган бобдан қаноатланмадик? Ахир, унда сўз санъатининг синфийлиги, партиявийлигини белгилайдиган омиллар тўғри тавсифланган-ку?!

Ҳа, тўғри тавсифланган, бироқ ўзбек адабиётидан олинган мисоллар таҳлили орқали чуқур, ҳаққоний ёритиб берилган, деб бўлмайди. Очиғини айтганда бу ерда асосан умумий мулоҳазалар билан чекланилиб, ижодий жараён ичига кирилмайди, адабий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари очилмайди. Тўғри, гоҳида мисоллар келтирилади, аммо уларнинг талқини илмий жиҳатдан бақувват эмас: «Эркин Воҳидовнинг «Ўзбекистоним» туркумидаги шеърларида халқимизнинг кўп асрлик тарихи бир-бир гавдаланади. Ўзбекистоннинг барча тарихий даврларини қамраб олиш учун ўнлаб эпик асарлар яратиш зарур бўларди: Аммо бунинг Эркин Воҳидов юқоридеги шеърда лирик қаҳрамон кечинмалари ёрдамида гавдалантиради.» (1-жилд, 35-бет. Таъкид бизники — Н. Х.).

Авалло шуки, шойнинг қайси лирик шеъри назарда тутилаётгани аниқ эмас. Аниқ бўлганда ҳам, биргина лирик шеър ўнлаб эпик асарлар қамраб оладиган «Ўзбекистоннинг барча тарихий давр» ларини акс эттиролмайди, акс эттиришни даъво ҳам қилмайди. Чунки, ҳеч қачон лирик асар эпик асарнинг ўрнини босолмайди, бири иккинчисининг вазифасини бажармайди. Уларни юқоридеги тарзда бир-бирига қарама-қарши қўйиш тўғри эмас

Халқчиллик моҳиятини юзаки, бир ёклама тушуниш «Адабиёт назарияси»да ҳам учраб қолиши бизни бефарқ қолдирилмайди: «Раҳимжон, бир томондан, камбағалининг ўғли бўлса, иккинчи томондан, синган корчалоннинг фарзанди эди. Унинг ички беқарорлиги, гоҳ халқ: гоҳ эзувчи синф тарафига ўтиб, иккиланиши ва талвасаларга тушиши ана шу туфайлидир» (1-жилд, 198-бет).

«Сароб» романидаги Саидий образининг шу тарзда талқин қилиниши эътироз туғдиради.

Шубҳасизки, қаҳрамоннинг қайси оиладан чиқиши, қандай муҳитда тарбияланиши унинг характериға таъсир кўрсатади, бироқ бу инсон тақдирини белгилайдиган асосий, ҳал қилувчи омил бўлмайди-ку!

«Характер ва шароит» деб номланган бобда умумий мулоҳазалар, мавҳум тавсифлар йўқ. Бу яхши, лекин унда назарий фикрларни бадиий асарлар мазмунининг баёни «босиб» кетган.

Бобга қўйидагича йўналиш берилган: «Ушбу ишимизда асосан реалистик адабиётда характер тасвири хусусида сўз юритилади» (1-жилд, 154-бет).

Шундай дейилади-ю, бироқ амалда ишнинг қарийб учдан икки қисми «романтик характер уфқлари» ва «маърифатпарвар — демократик адабиётда инсон» (бобнинг қисмлари шундай номланган) муаммоларига бағишланади, социалистик реализм адабиётида характер яратиш мавзуга — асосий мақсадга қолган бир қисмдан ҳам камроғи ажратилади.

Бу муаммолар, мавзуларнинг ёритилишига келганда шуни айтиш керакки, диққат марказида туриши лозим бўлган характер ва шарт-шароит, муҳитнинг бадиий-эстетик моҳияти, уларнинг ўзаро муносабатлари, ўзига хос хусусиятлари, муштаракликлари, фарқлари сояда қолиб кетади, биринчи навбатда Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», Ҳамзанин «Янги саодат ёҳуд миллий роман», Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз кўв», яна Ҳамзанин «Заҳарли ҳаёт», «Бой ила хизматчи», сўнгра «Қаҳрамон ўғуз ёҳуд ўз отасининг ўғли», яна Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» каби асарларида тасвирланган воқеаларга, қаҳрамонларга тез-тез мурожаат қилиниб, уларга хос хусусиятлар умумий йўсинда жуда кўп тафсилотлари билан тавсифланади, холос. Оқибатда характер билан муҳит бир тану бир жондай бир-бирига жипс боғланганлиги, айни замонда улар муайян мустақилликка эга эканлиги эътибордан четда қолади.

Ҳа, характер «жон» бўлса, муҳит «тан» дир, аксинча, муҳит «жон» бўлса, характер «тан» дирки, уларни бир-бирларидан ажратиб қараш, баҳолаш, таҳлил қилиш асло мумкин эмас.

Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам шундай, лекин бу ўз-ўзидан осонликча юз беравермайди.

Қайси асар тилга олинмасин, деярли барчаси, (хусусан, Одил Ёқубовнинг «Ларза»

қиссасидаги қаҳрамон — ёш раис ҳақидаги тавсифни эсга олинг — (1-жилд, 207-бет). тавсифланади, бу тавсиф эса на ҳаётий ҳақиқатни, на бадиият дунёсини очишга хизмат қилади. Ахир, қайси бир раис илмфан, техникадан унумли фойдаланиб, бўз ва кўриқ ерларни ўзлаштиришга, боғчалар, ясилар қуришга қарши чиқади! Бизга бундай умумий мулоҳазалар эмас, балки асардаги характерларнинг қандай очиб берилгани, ҳаққоний ёритилгани ёки ёритилмаганига оид конкрет фикрлар керак-ку!

Баъзан асарларнинг ичига киришга интилиш сезилади, бироқ интилиш мевалари кўпинча салмоқли наф келтирмайдики, бунга ишонч ҳосил қилиш учун қўйидаги мисолга мурожаат этамиз: «Сароб» романи маҳқум синфнинг маънавий-ақлий инқирозигина эмас, балки жисмоний таназзули ҳам ёзувчи эътиборидан четда қолмаган. Тасвир этилишича, на Аббосхонда, на Маҳмудхон афандида, на Ҳайдар хўжада, на Салимхон ва Мухторхон, на Ёқубжон ва Мирзамухиддинда бола бор, ҳатто Саидий ҳам бефарзанд. Гўё беомон қисмат — инқилоб ўзи улоқтириб ташлаган, аммо титраб-қақшаб, қоматини тиклашга интилаётган бу текинхўр синф устидан хукм ўқиётгандай. Муродхўжа домланинги ўн тўрт боласидан ёлғиз Сорахонгина тирик қолган. Бироқ таназзул унга ҳам ўз муҳрини босган» (1-жилд, 198-бет).

Наҳотки муаллиф фарзандсизлик, бола-сизликни ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларнинг оқибати, деб баҳолаган бўлса?! Борди-ю, бундай фожиани қаламга олса ҳам уни маънавий-руҳий воқеа сифатида талқин этганин, масаланинги бу жиҳатиға жиддий эътибор бериниш керак эди. Бундан ташқари, Октябрь инқилобининг қудрати кимларнидир жисмоний таназзулга учратиш билангина ўлчанадими?

Айниқса «Адабиёт назарияси»да ижодга шу тарзда ёндашиш негадир эриш туюлади.

«Адабий асарнинг тили» деб аталган боб билан танишганимизда бутунлай бошқача таассурот туғилади. У бадиий асар сюжети, конфликт, композицияси ва адабиётнинг спецификаси, ўзига хос хусусиятлари ёритилган мазмунли, салмоқли боблар даражасига кўтарилган, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки унда мавзуни чуқур тушуниб, идрок этибгина эмас, балки қалбдан, юракдан ҳис қилиб талқин этишга интилиш яққол кўриниб турибди: «бир асар тилидаги бойлик билан иккинчи асар тилидаги бойлик ва таъсирчанликнинг фарқи нимада, ҳар бир ёзувчиға хос бадиий тилнинг ички сирлари қанақа, мана шуни тадқиқ қилмоқчи бўлсак, бадиий тил худди ҳавоға ўхшаб тутқич бермайди, уни оддий усул билан текшириб бўлмайди» (1-жилд, 312-313-бетлар).

Оддий усул дейилганда, шубҳасизки, «асарнинг тили содда, равон халқ мақоллари, ҳикматли сўзларидан унумли фойдаланилган, аммо баъзан шевачиликка берилган, бундан қатъий назар, муаллиф мақсадига эришган», деб мулоҳаза юри-



## БИР ТАНУ БИР ЖОН

тиладиган ҳолатлар кўзда тутилади ва уларга қарама-қарши ўлароқ «бадий асар тили ҳамиша эстетик категория сифатида таҳлил қилиниши ва асарнинг бошқа компонентлари билан узвий бирликда текширилиши керак» деган нуқтаи назар ҳимоя қилинади (1-жилд, 313-бет).

Шунчаки ҳимоя қилинмайди, балки таниқли адибларнинг асарларидан олинган мисоллар келтирилиб, тил муайян характер яратишга, ёзувчи ғоясини очишга йўналтирилса, сўз санъатининг таркибий қисмига қўшилади, муҳим эстетик вазифани ўтайди, деган фикр исботланади. Яна шуниси диққатга сазоворки, мисоллар ҳам ижобий, ҳам салбий мазмун касб этиб, мулоҳазалар, кузатишларга жиддий танқидий руҳ бағишлайди. Чунончи, Раҳим Бекниёзнинг бир асари тўғрисида сўз юритилганда қуйидаги ҳолатга диққатимиз жалб этилади: «...бу лавҳада ҳали етарли даражада аниқланмаган ёки ишлови меъёрига етказилмаган жумлалар ҳам бор». Қишлоқ одамлари: «Офарин, ўртоқ Матназаров!» дейдилар. Шаҳарча «Офарин!» сўзи ўрнига «Яшанг!» ёки «Барака топинг!» ёнқи, «Қўлингиз дард кўрмасин!» каби қишлоқ кишиларига хос олқишлардан бирортаси айтилса, янада ишонарлироқ бўларди. «Одамлар ҳар томондан ўлжа томон ташланиши» деган жумлада «томон» сўзининг икки марта такрорланиши эса тасвирни заифлаштиради» (1-жилд, 319-бет).

Борди-ю, тани бору жони йўк, шакли мавжуду мазмуни йўқ асарлар шу тахлитда таҳлил «ғалвиридан» ўтказилса, кўпгина қаламқашлар маҳсулотидан сараси сарага, пучаги пучакка ажратилиб, тўғри баҳоланган ва бизни қаноатлантирадиган ижод намунаси мана шундай бўлиши керак, деган тушунча ойдинлаштирилган бўлармиди, дейсиз.

Дарвоқе, «Адабиёт назарияси»нинг биринчи жилди бошдан оёқ бадий асарнинг шакли нима-ю, мазмуни нимани ташкил этади, деган жумбоқни ечишга қаратилмаганмиди?

Ҳа, қаратилганди, ammo мазкур жилдга киритилган ўн битта боб (аслида боб деган сўзни биз ишлатяпмиз, ҳар иккала жилдда ҳам муайян сарлавҳа остида берилган материаллар бўлим, қисм ёки боб деб тавсифланмаган) дан бештаси ҳар бир бадий асарнинг яхлит организмдай бир тану бир жонга эга бўлишини кўрсатишга тўла мувофиқлаштирилганини кўрдик. Қолган олтитаси-чи? Уларда ҳам мавзунинг муайян қирраларини ёритадиган айрим тўғри мулоҳазалар, кузатишлар йўқ эмас, лекин... Лекин хулоса чиқаришга шошилмай, иккинчи жилдга диққатимизни жалб этайлик. Негаки, у адабий-тарихий жараён таҳлиliga бағишланиб, ижод сирларини очишга, бадий асар моҳиятини ёритишга хизмат қилиши керак. Аксинча бўлиши мумкин эмас. Ахир, адабий-тарихий жараён билан ҳар бир конкрет асар, ҳар бир ёзувчининг ижоди ўзига хос яхлит организм бўлиб, булар ҳам аслида бир тану бир жон-ку!

Ҳа, «Адабий-тарихий жараён ҳақида», «Ижод жараёни», «Ижодий метод» сингари бу жилдга киритилган боблар фикримиз тўғрилигини курсатади. Чунки, уларни ўқиб, ҳаётий образлар жамият ҳаётини, инсон турмуши, онги, тафаккурини ўзгартиришга қаратилган бениҳоя қудратли, ғоятда ўткир қурол эканлигини англаймиз ва сўз санъати ижодкорларининг жасоратига, меҳнатига, изланиш-интилишларига меҳр-муҳаббатимиз, ҳурматимиз ортади. Айниқса, «Ижодий метод» бобида «мақсадлари тамоман икки хил ва қарама-қарши бўлган танқидий реализм билан социалистик реализмнинг бир-биридан принципиал фарқи» (2-жилд, 432-бет) марксча-ленинча эстетика талаблари нуқтаи назаридан тўғри ёритилади ва 20-йиллар ўзбек совет адабиётида социалистик реализм билан ёнма-ён танқидий реализм методи ҳам ривожланди, деб Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ини мисолга келтирувчи адабиётшуносларнинг нотўғри қарашлари асосли равишда рад этилади.

Умуман социалистик реализмнинг ўзбек адабиётида туғилиши, шаклланиши, қарор топиши, мустаҳкамланиши, ривожланиб, ҳозирги кунларда янги босқичга кўтарилгани ижтимоий-сиёсий ва бадий тарққиётнинг объектив қонуниятларига мувофиқ ишонарли тавсифланади. Жумладан, ҳар қандай ижодий метод, бинобарин, социалистик реализм ҳам юксак даражали бадий маҳорат натижасида яратилган етук асарлар, ҳаққоний образлардан ташқарида яшай олмаслиги алоҳида таъкидланадики, буни айни мудоҳо деб баҳоламоқ даркор. Ахир, ҳаммамизга маълум манзур воқеаларни шунчаки тавсифлаб бериш билан социалистик реализм қудратини намойиш қилиб бўлмайди-ку!

Хуллас, социалистик реализм бадий кашфиётларда, чинакам ижодий муваффақиятларда ўзлигини кўрсатадики, буни эътибордан соқит қилиш мумкин эмас.

Афсуски, бирдан-бир тўғри, адолатли деб эътироф этилган бу йўлдан чекинишлар баъзан «Адабиёт назарияси»нинг ҳар иккала жилдида ҳам кўзга чалиниб қолади. Масалан, иккинчи жилднинг 107-бетида «Ҳамза ва А. Қодирий каби ёзувчиларимиз Октябрь революциясидан олдин ҳали илғор революцион дунёқарашлари шаклланмаган пайтда «Янги саодат», «Заҳарли ҳаёт» ёки «Жувонбоз», «Миллатимга» (буларга қўшимча қилиб «Бахтсиз кувё»ни ҳам олиш мумкин — Н. Х.) деган бадий ҳаётдан унча камолга етмаган асарлар жиҳатдан «Эдилар» дейилади-ю, худди шу жилднинг 226-бетида, биринчи жилднинг 172—182-бетларида ҳозиргина тилга олинган асарларнинг деярли барчаси ҳар жиҳатдан етук, баркамол деб талқин қилинади. Тўғри, бир ўринда «Абдулла Қодирий «Бахтсиз кувё» драмасида қаҳрамонларни ижтимоий типлар сифатида тасвирлаб, уларнинг характерини индивидуаллаштириш ва психологик жиҳатдан чуқурлаштиришга етарли эътибор бермади» (1-жилд, 178-бет) деб асосли изоҳ берилади-ю, худ-

ди ўша жилднинг ўша бетида «Абдулла Қодирий Солих, Абдураҳимбой, Файзибой ва судхўр, капиталист Бой характерларини яратар экан, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатни, шу жумладан иқтисодий ва синфий муносабатларни очиб ташлайди» деб ўқдирилади.

Бундай зиддиятли ҳолатнинг бошқачароқ кўриниши биринчи жилддаги «Характер ва шароит» бобининг «Ўтган кунлар» таҳлилига бағишланган қисмида ўз ифодасини топган: Абдулла Қодирийнинг бу романи қаҳрамонларида йўқ фазилатлар «кашф» этилиб, уларни чинакам инқилобчилар, деб талқин этишга мойиллик билдирилади. «Агар мамлакатда рўй бераётган адолатсизлик ва бузғунчиликка Юсуфбек ҳожи эмоционал-субъектив баҳо бера, Отабек уларга объектив баҳо бериб, унинг асл сабабларини кидиради» (1-жилд, 196-бет. Таъкид бизники — Н. Х.).

Замон адолатсизликлари, бузғунчиликларига Отабек ҳеч қачон объектив баҳо бермаслигини, беролмаслигини, уларнинг асл сабабларини кидирмаслиги, кидиролмаслиги «Адабиёт назарияси»нинг бошқа бобларида, айниқса, иккинчи жилддаги «Ижодий метод»га бағишланган қисмида жуда ишонарли таҳлил қилинган, Отабек ва бошқа ижобий қаҳрамонлар жамиятдаги ноҳақликларни кўради-ю, бироқ уларнинг синфий моҳиятини англаб ололмайди, англаб олиши мумкин ҳам эмас, фақат Абдулла Қодирий муҳаббатдаги, шахсий ҳаётдаги эркинлик, озодлик учун курашнинг ижтимоий моҳиятини қалбларга чексиз завқ-шавқ, кучли ҳаяжонлар, тўлқинли мавжлар баҳш этадиган манзараларда ифодалади, натижада феодал истибоддини фош этди ва бу билан ўз навбатида совет воқелигини тасдиқлади, деган фикр асослаб берилган ва бизнинг бу хусусда батафсил тўхталиб ўтишимизга ҳеч қандай зарурат йўқ.

Лекин шуни таъкидлаш зарурки, «Адабиёт назарияси»нинг ҳар иккала жилдида келтирилган мисоллар ҳамма вақт ягона принцип, аниқ нуқтаи назар асосида таҳлил қилинмайди.

Кўп ўринларда адабиётимиз қиёфасини кўрсатишга хизмат қила оладиган етук асарлар олинади, аммо гоҳида бадий ижод тараққиётига муҳим ҳисса қўшмаган, қўша олмаган қаламкашларга мурожаат этилади, гоҳида бўш асарлар ижобий баҳоланади, гоҳида камолот чўққисини аллақачонлароқ забт этган ёзувчилар четлаб ўтилади.

Чунончи, сюжетга бағишланган қисмида А. Мухтор «Чинор»да кўпгина фактлар, воқеалар ҳаётийлигини таъминлаган-у, бироқ уларни ягона, аниқ, ёрқин ғоявий-бадий мақсадга йўналтирган ҳолда тадқиқ этолмаган, деган фикр исботланади, бошқа бобларда, хусусан, «Эпос»да худди шу роман ҳар жиҳатдан етук асар сифатида талқин қилинади. Шунингдек, Д. Нурий, Ҳ. Мухаммад, В. Саъдулла, Б. Халил сингари адабиётимизда жиддий воқеа бўлади-

ган асар яратолмаган қаламкашларга мурожаат этиб турилади-ю, Н. Сафаров, Ойдин, Парда Турсун каби адиблар ижодидан мавриди келиб қолганда ҳам мисоллар келтирилмайди.

Иккинчи жилддаги «Эпос» бобида ҳам мана шундай руҳ, шундай вазият ҳукмронлик қилади.

Маълумки, Аристотель ва Белинский назарда тутган эпик, лирик ва драматик поэзия ўз моҳиятини сақлаб қолганки, мана шу уч жинс ҳозирги ўзбек адабиётида қандай намоён бўлаётгани, тараққий этаётгани, қандай ўзгаришларга юз тутаётгани «Адабиёт назарияси» муаллифларининг диққат марказида туриши керак эди.

«Эпос» бобининг атиги тўртдан бир қисми эпик жинсга, проза, насрга бағишланган ҳолос. Қолган қисмида «Илиада», «Одиссея», «Гур-ўғли», «Аппомиш», «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий», «Бобирнома» каби асарлар эпос тарзида талқин этилиб, ҳар томонлама тавсифланади. Тавсифланганда ҳам бизга бошқа манбалардан маълуму манзур бўлган мулоҳазалар такрор-такрор қайд этилади, бирорта янги, оригинал кузатишлар, фикрларга дуч келмаймиз. Эпик поэзия, наср, яъни роман, повесть ва ҳикоя хусусида айtilган гапларнинг барчаси жиддий эътироз туғдирмаса ҳам, лекин уларда ҳозирги ўзбек прозасининг тараққиёт қонуниятлари назарий планда очиб берилмайди, кўпроқ умумий ҳукм-хулосалар билан чекланилади: «Ҳозирги давр адабиётида мундарижани ихчам ва лўнда ифодалаш ҳисобига эпик жанрлар (ҳикоя, повесть, роман ва Ҳ. к. лар)нинг қамров доирасини ошириш жараёни рўй бермоқда. Кичик ва ўрта эпик жанрларда кўринган ўзгариш ҳикоя ва повесть жанрларининг мураккаблашишига сабаб бўлди. Роман жанрига хос бўлган фикрлар ва унинг натижаси бўлган роман шакли ҳикоя ва повестьга таъсир ўтказиб, кичик, ўрта формадаги эпик жанрларга кенг кўлам ва кенг қамров олиб кирди ҳамда уларни бениҳоя мураккаблаштирди» (2-жилд, 235-бет).

Ҳа, насримиз шакл ва мазмун жиҳатдан ўзгарди, мураккаблашди, булар нималарда ўз ифодасини топмоқда — масаланинг мана шу муҳим, ҳал қилувчи нуқталари конкрет фактлар таҳлили орқали ёритилмайди.

«Лирика» ва «Драма» бобларида бундай нуқсонлар деярли учрамайди, уларда мазкур жинсларнинг хусусиятлари ҳозирги замон адабиётига қиёсланган тарзда баён этилади, шеърят ва саҳна санъатининг ҳозирги аҳволига оид бир қанча назарий ҳукм-хулосалардан воқиф бўламиз. Жумладан, биринчи бобда Белинскийнинг ғоятда ибратли мулоҳазалари келтирилиб, бугунги ўзбек шеърятига татбиқ этилади. Бироқ бунда баъзан маъҳумлик, бирёқламалик, юзакиликка йўл қўйилди. Чунончи, ҳозирги шеърятимизда қандайдир қоришиқ, синтетик назм шакли авж олиб бормоқда дейилиб, ўша шаклнинг белги-аломатлари қуйида-

гича таърифланади: «Булар: а) лирик ифоданинг эркин парвози; б) кечинмалар диалектикасининг яратилиши; в) мушоҳада доирасига тушган энг увоқ майда-чуйдаларнинг ҳам шу ондаёқ қайд этилиши; г) бевосита нутқ-монолоб билан суврат-таъсирларнинг алмашилиб туриши; д) вазн ва туроқнинг эркин қўлланиши каби хусусиятлардир» (2-жилд, 267-бет).

Дастлаб шуни таъкидлаш лозимки, синтетик, қоришиқ, «универсал» шеърый шаклнинг моҳияти ёритилмайди.

Худди шу бобда аруз ва бармоқ вазнларига тўхталиб ўтилади ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари қисқача тавсифланади.

«Ўзбек шеър тузилиши» деб аталган бобда эса бу масала атрофича ёритилиши назарда тутилади ва унинг дастлабки қисмида шунга мувофиқ тўғри мулоҳазалар баён этилади: «Шеър деб (у қайси системада ёзилмасин) йлғор фикр, ҳис-ҳаяжон ва лиризм билан, ритм ва мусиқийлик қонунлари асосида (ўлчанган ва қофияли, товуш жиҳатидан хушоҳанг мисралар ва бандларга бўлинган), сербўёк, сиқиқ ва инверсияли тарзда ёзилган ихчам асарга айтилади» (2-жилд, 340-бет).

Бу таъриф жуда мукаммал эмас, аммо унда қўпол хато йўқ. Энди унинг шеъриятга татбиқ этилишини кўздан кечирайлик.

Дастлаб ўзбек шеър системалари бешта дейилади-да, бунга бармоқ, аруз, бўғин-урғу, миқдор-урғу деган вазнлар киритилади. Бешта система эса анъанавий ўзбек шеър системалари (бармоқ, аруз) ва янги шаклланиб келаётган ўзбек шеър системалари (бўғин-урғу, қоришиқ ва миқдор-урғу) деб икки гуруҳга ажратилади. Сўнгра ҳар бир системага алоҳида характеристика берилади.

Бармоқ вазни ҳақида гапирилиб, у 8 та қонунга риоя қилади, деб таъкидланади. Бу қандай қонунлар экан?

Биринчиси — «мисралардаги бўғинларнинг туроқларга уюшиши ва сўз негизининг икки туроққа бўлинмаслиги қонуни» деб аталиб, унга «қақирмаса борув йўқ, қақирилса қолув йўқ», деган мақол мисол қилиб келтирилади, иккинчиси — «туроқларнинг уюшиши ва вазн ҳосил қилиш қонуни» деб номланган, учинчиси — «туроқлар охирида нутқ узилади ва қисқа ритмик пауза қилиш қонуни», тўртинчиси — «туркумлар ва уларнинг вазнлар турланиб чиқадиган негиз эканлиги қонуни»ни ташкил этаркан...

Қонун дейилгандан кейин унга риоя қилинмаса, унинг талабларига жавоб берилмаса, жиддий номувофиқликлар вужудга келиши керак эди, лекин бу ўринда бўғинларнинг туроққа уюшиши ёки уюшмаслиги қандай натижаларга олиб келиши тўғрисида лом-мим дейилмайди.

Бундан кейин нима бўларкин, деб бешинчи қонунга навбатни берамиз: «мисраларнинг бўғин сони жиҳатидан тенглиги қонуни» ва бунга мисол тарзида Ойбекнинг «Днепрострой» шеърдан икки сатр кўчирилади-да, уларнинг ўн икки бўғиндан иборат эканлиги қайд этилади. Сўнгра «мисраларнинг бўғин сони жиҳатидан му-

таносиблиги қонуни» деб аталган олтинчи қонун ҳақида маълумот берилади, аммо бунинг бешинчисидан нимаси билан фарқланишини илғаб ололмадик: бўғинлар сонининг тенг бўлиши ёки мутаносиблиги дегани бир маънони аналгамайдимиз? Бориники, икки хил маънони аналгади, дейилик аммо бунга риоя қилишлик ёки қилмаслик шеърият учун қандай аҳамиятга эга — масаланинг бу жиҳати очиқ қолдирилади.

Аруз беш қонун асосида иш кўради, деб биринчиси шундай таърифланади: «мисраларнинг қисқа, чўзиқ ва ўрта чўзиқ бўғинлар тартибига таяниши ва шунинг учун гоҳо бўғин сони жиҳатидан тенг бўлмаслиги қонуни». Уни иккинчисига чоғиштириб кўрайлик. «бўғинларнинг руқнларга уюшиши ва сўз негизининг икки руқнга бўлиниб кетиш қонуни».

Хуллас, бўғинлар, руқнларнинг миқдори ҳисобланаверади, ҳисобланаверади ва бутун диққат-этибор арифметик ҳисоб-ки-тобга қаратилади, ўнлаб жадваллар, диаграммалар, бўғинлар, руқнлар ҳисоботи ҳукмрон ҳолатни эгаллаб, бутун ақлу хушимизни, фикру хаёлимизни забт этиб олади. Оқибатда шеъриятнинг ҳаёт сурури, сеҳри билан ошно қилиб, завқ-шавқ, маънавий камолот бахш этувчи қудрати, ҳислар, ҳаяжонлар, эҳтирослар дунёсини ёритувчи нури, ёғдуси унутилиб кетади, аҳамиятини йўқотади.

«Ўзбек шеър тузилиши»нинг муаллифи бунга мутлақо эътибор бермасдан, вазнларнинг янги-янги «қонун» ларини «кашф» этаверади: У «бўғин-урғу системасида иккита қонун бор» деб, унинг биринчисини қуйидагича таърифлайди: «Мисралардаги бўғинларнинг сон жиҳатидан тенглиги ва ҳар бир сўзнинг бир туроқ бўлиб келиши қонуни» ва ушбу қонуннинг мавжудлигини исботлаш ниятида Ҳайдар Муҳаммаднинг «Бизлар ака-сингилмиз, доим очиқ кўнгилмиз, уришмасдан юрамиз, суришмасдан юрамиз, доим аҳил-иноқмиз, шунинг учун қувноқмиз» деган мисралари келтирилиб, шундай изоҳланади: «Бу шэърнинг ҳар бир мисраси сон жиҳатидан ҳам тенг, яъни етти бўғинли. Биринчи байт мисраларининг ҳар бирида учтадан сўз бор, бу уч сўз уч туроқни ҳосил этган, шу сабабли байт еттилик туркумнинг уч туроқли 2+2+3 вазнида. Шеърнинг охириги байти ҳам шу тарзда» (2-жилд, 361-бет).

Диққат қилинг: шеърнинг туроқлари ҳам, бўғинлари ҳам, яъни шакл мазкур қонунга тўла жавоб бераркан, аммо шеърнинг ўзи, яъни мазмун бизга завқ-шавқ бағишлаб, қалбимизни тўлқинлантирадими, дунёнинг заррача сирү асроридан, ҳаёт гўзалликлари, мураккабликларидан хабардор қиладими — масаланинг бу муҳим томонига эътибор берилмайди.

Хуллас, шеър тузилишидан баҳс юритувчи бу бобда поэтик асарнинг «жони», қон томири, юраги, «танидан ташқари, «либосидан узиб олинади-да, шаклбозликка маҳлиё бўлиб, мазмун бутунлай унутиб қўйилади.

Шаклбозлик шу даражада авж олганки,

кўп ўринларда оддий мантиққа риоя қилинмайди. Чунончи, бўғин-урғу, қоришиқ ва миқдор-урғу деган шеърӣ системалар «кашф» этилади-да, уларни энди янгидан туғилиб келаётган вазнлар деб эълон қилинади, аммо бу «кашфиётларнинг нималигини кўрсатиш учун мисоллар излаб нуқул... ўзбек классик адабиётига, халқ оғзаки ижодиётига, мақолларга мурожаат этилади.

«Ўзбек шеър тузилиши»да нима тўғрисида сўз юритилмасин, деярли барчаси оқибатда шаклбозликка, формализмга бориб тақалади. Ахир бўғинлар, туроқлар, қофияларнинг сони хоҳладан даражада кўпайиши ёки камайиши мумкин, бироқ бу шеърнинг ғоявий-бадий жиҳатдан етук бўлишини таъминламайди-ку! Ахир, қофиялари, бўғинлари, туроқлари ва ҳоказолари жой-жойига қойиллатиб қўйилган юзлаб шеърлардан, юзлаб дostonлардан фақат бармоқ билан саналадиганларигина чинакам шеърят, ҳақиқий санъат намунаси сифатида шухрат қозонганлиги бежиз эмас.

Биринчи жиллдаги «Поэзия тилининг хусусиятлари» бобида шеърят тили поэтик ғояни, лирик қахрамон образини ёритишга хизмат қилса, ўз вазифасини ўтайди, деган фикр бир неча бор тўғри таъкидланади. Шунингдек, Ю. Лотманнинг «Мисра ритмик-интонацион бирликкина эмас, балки маъно бирлиги ҳамдир» деган ғоятда қимматли фикрига мурожаат этилиб, шеърятда ғоя ва туйғу бир-бирдан ажралмас яхлит организм, бир тану бир жон, деган тўғри назарий кўрсатмага суяниб иш тутилади.

Афсуски, тез орада бу интилиш барҳам топиб, яна шаклбозликка мўлқ тушилади: «Гап ва жумлаларда, нутқ узилган ўринларда тиниш белгилари қўйилади ва пауза қилинади: вергул, нуқтали вергул, дефис, икки нуқта бор ўринлардаги паузалар бошқа тиниш белгилари қўйилган ўринлардаги паузалардан қисқароқ, чунки улар кўпинча жумла охирида содир бўлади, фикр эса тугамайди. Бундай оддий паузалар прозада ҳам бор, лекин улар поэзияда сероб, чунки поэзияда хитоб, нидо кўп, боғловчилар кам, уларнинг вазифасини эса кўпинча тиниш белгилари адо этади. Поэзияда интонацион давр ва интонацион бўлақларнинг озроқ сўзлардан тузилиши ҳам пауза ҳаракатчанлигининг ортишига олиб бормай қўймайди» (1-жилд, 382-бет).

Табийки нуқта, вергуллар, паузалар, интонацион бўлақлар шеърятнинг таркибий қисмини ташкил қилади, бироқ ҳамма гап шундаки, булар поэтик мазмунни ифодалашга ўз улушини қўшган тақдирдагина муайян кадр-қиммат касб этади ва поэзия тилининг хусусиятларини ёритишда восита ролини ўйнайди.

Хуллас «Адабиёт назарияси»да ютуқлар билан бирга бир қанча нуқсонлар ҳам мавжуд.

Шунинг учун эришилган ютуқлар моҳиятини ҳаққоний ёритиб, йўл қўйилган камчиликлар, нуқсонларнинг асл сабабларини

очиб ташлашимиз, келажак учун мустаҳкам замин ҳозирлашимиз талаб қилинади. Икки жилдлик «Адабиёт назарияси» бу талабни қондирадиган салобатли, собит омиллардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади, албатта. Чунки, у назария билан амалиёт бир тану бир жон бўлиб, бузилмас бирлик, яхлитликка айланса, қудратли қурол вазифасини ўтайди, деган хулосага конкрет фактлар таҳлили билан келиш лозимлигини кўрсатди, сўз санъати, адабий-тарихий жараён, муайян бадий асар, ёзувчи истеъдоди, образлар, характерлар, типлар, сюжет, конфликт, композицияга оид қонуниятларни умуман тўғри тавсифлади, барчамизнинг — олимлар, адабиётшунослар, кенг ўқувчилар оммаси, ёзувчилар, санъаткорларнинг интилиш-изланишлари эзгу мақсадларга қаратилганда ижодий муваффақият қозонишимизни яна бир исботлади: «Минг йиллар давомида дунё адабиётида шундай улкан бадий кашфиётлар қилинган, айни вақтда ҳар бир миллий адабиётнинг ўзида шундай анъаналар тўпланганки, зехни паст, қобилияти ўртача қаламкаш умр бўйи уринса ҳам уларнинг ҳаммасини ўзлаштириб улгуролмайди ва улардан ошириб бирон янгилик яратолмайди. Янгилик яратилмаган жойда эса адабиётнинг тараққиёти тўхтаб қолади. Адабий жараённинг минг йиллар давомида тўплаган «юки» жуда оғир, бу «юкни кўтариб янги марраларга элтиш, яъни янгилик яратиш учун жуда катта куч, қудрат, истеъдод ва маҳорат талаб қилинади» (2-жилд, 18-бет).

Салмоқли, бакуват тадқиқотлари билан ўқувчилар ишончини қозонган адабиётшунослар томонидан битилиб, ҳар иккала жилда киритилган бир қанча обларни синчиклаб ўқиганимизда аён бўлдики, пухта назарий заминдан баҳра олган чинакам истеъдод эгалари изланувчанлик, меҳнаткашлик, заҳматкашлик бобида жасорат кўрсатиб, юксак маҳорат чўққиларини забт этадилар, шу йўсинда баркамол бадий кашфиётлар яратишга эришадилар, акс ҳолда ҳар қандай кучли, ўткир ижодкор ҳам ҳеч қандай наф ундиролмайди. Дарвоқе, нозик кузатишлар, ибратли мулоҳазалар, бамаъни ҳукм-хулосалар, оригинал умумлашмаларга бойлиги билан ажралиб турадиган бу обларнинг ҳар иккала жилднинг қиёфаси, мазмунини белгилайдиган, намойиш қиладиган даражага кўтарилганлиги бежиз эмас-ку, ахир! Уларнинг аксарисиди диққатни жалб этадиган фойдали фикрлар мавжудки, бу ҳақда биз батафсил тўхтадик ва кўпроқ танқидий қарашлар баён этдик.

Бир жиҳатдан шундай таассурот туғилиши мумкин ва бу ҳақиқатга мос тушади. Негаки, «Адабиёт назарияси»нинг бир қанча ўринларида 60—70-йиллар ўзбек адабиётида рўй бераётган ҳам ижобий, ҳам салбий ходисалар етарли даражада чуқур тадқиқ этилиб, улар назарий планда тавсифланмайди. Аммо шунга қарамасдан, мазкур илмий тадқиқот ишининг мазмуни, йўналиши, пафоси, руҳи, умуман олганда,

ҳозирги адабиётшунослигимиз ютуқларига зид келмайди, деб бемалол айта оламиз. Қайд этилган жиддий ва жузъий етишмовчиликлар, нуқсонлар-чи?


Улар моҳиятини чуқур ёритиб, сўз санъати равнақиға янада салмоқли ҳисса қўшимизни қўлга киритилган илмий-ижодий муваффақиятларимиз тақозо қиляпти. Яна шуниси борки, юксак довонлар забт этилгандан кейин олға илгарилашға халақит берадиган ҳар қандай тўсиқлар, камчиликлар ёрқинроқ, аниқроқ кўринади ва уларни тағ-томири билан йўқотиш туйғуси кучаяди, оммавий тус олади. Шунинг учун адолат юзасидан иш кўриб, мусбату манфий, яхши-ю ёмон, ижобий ва салбий ҳодисаларнинг моҳиятини дадил, баралла очиб ташлаб, ҳар қандай шўроитда ҳам бадий тараққиётга хизмат қилишимиз фарз ҳамда қарзидир.

«Адабиёт назарияси»нинг биринчи жилди 1978 йилда, иккинчиси эса 1979 йилда нашр этилиб, иккаласини ёзишға муаллиф-

лар камида беш-олати йил сарфлаб, жуда кўп тер тўкканлиги сезилиб турибди. Бу ҳол, айниқса муаллифлар томонидан ғоятда бой, ранг-баранг фактлар, материаллар тўпланиб, улардан кўпи таҳлилу тавсиф қилинганлигида ва бу изланишлар ўқувчида гоҳ мамнунлик туйғусини уйғотиб, гоҳ уни баҳсға чорлагани, гоҳ қўллаб-қувватлашға даъват этиб, гоҳ жиддий раддияларға сабаб бўлаётганида яққол кўринади.

Хуллас, маданий ҳаётимизда асосан муҳим воқеа бўлган бу салмоқли илмий-тадқиқот иши уни яратган олимларнинг билим ва тажрибалари бир текис эмаслиги ўқувчида айрим эътирозли фикрлар пайдо қилиб, уни баҳсға чорлашиға қарамай, социалистик реализм байроғи остида равнақ топаётган ўзбек миллий сўз санъати, умуман бадий ижод, образли тафаккурнинг янада кенг қулоч ёзиб тараққий этишиға, заҳматкаш халқимиз онги, маънавиятининг ўсишиға муносиб улушини кўшади.





ҲАКИМ ҲОМИДИЙ

## ШОИРА МАҲЗУНА

Увайсий, Нодирларнинг замондоши  
Маҳзуна ўзбек адабиёти тарихидан муно-  
сиб ўрин эгаллаган, зуллисонанн шоира-  
дир.

Маҳзуна ҳам Қўқон адабий муҳи-  
тида етишган истеъдод соҳибаси, у замондош-  
ларини мамнун этган мушоираси ва бош-  
қа асарлари билан айниқса машҳурдир.  
Шоиранинг «Мушоира»дан ташқари, «Ошиқ  
бўлмишам» радифли мухаммаси ҳамда  
«Саҳбо» (қизил май) радифли тожикча  
ғазали ва шеърий ёзишмалари Фазлий 1821  
йилда тузган «Мажмуаи шоирон» тазкира-  
си орқали етиб келган.

Фазлий тазкира дебочасида Маҳзуна  
ҳақида шундай ёзади:

Зи ҳуқанд Маҳзунаи шоира,  
Ба хайли нисо нодиру фоҳира.

Яъни:

Ҳуқанд ичра Маҳзуна — у шоира,  
Аёллар аро фаҳру ҳам нодира.

(Васфий таржимаси)

Маҳзунанинг Фазлий билан дадил му-  
шоираси қандай яратилгани тарихи шу  
тазкиранинг 501—502-бетларидаги масна-  
вийлардан аниқланади.

Бир фозил кишининг қизи бор эди,  
Ажойиб гўзал турфа дилдор эди.  
Ҳуқанд ичра машҳур бир шоира,  
Ки маънида Зебиннисодек яка.  
Қилиб ростликда мени имтиҳон,  
Эди исми янглиг ўзи Мехрибон.  
Гўзалга ёзиб йўлласам номалар,  
Жавобин битарди йўниб хомалар,  
Таҳаллус анга эрди Маҳзунаой,  
Валанд фикри очмиш эди хўб чирой.  
Шу зебо табиатли хуш қоида.  
Ниҳоятда одобли-ю обида.  
Тааммул! билан банди нотавон,

<sup>1</sup> Тааммул — иңтилиш.

Ғазаллар, ки анга қилурдим равон,  
Паричехра йўллар эди бошитоб.  
Менинг байтларимга бўлакча жавоб.  
Қилиб ёд ашъори ул гулизор,  
Сухан завқи этди мени беқарор.  
Югурдим уйи сари девонавор.  
Деди менга: Бир шеър айт, ҳар на  
бор.

У дилбар сўзига ўқиб офарин,  
Дедим туркий лафзида бир шеър мен.

(Васфий таржимаси)

Мазкур муқаддима маснавийдан тахал-  
луси Маҳзуна бўлган, Зебиннисодек ноди-  
ра (биттаю-битта) шоиранинг номи Маҳру-  
бон эканлиги, бир фозил (ўқимишли)  
кишининг қизи бўлиб, Қўқон адабий муҳи-  
тида етилгани, ниҳоятда одобли ва истеъ-  
додли бу қизнинг Фазлий ғазалларига  
ёзган жавоблари — камоли ва жамоли би-  
лан уни ўзига мафтун қилгани ва бошқа  
зарур маълумотлар аён бўлади. (Фазлий-  
нинг шу кириш маснавийлари ёки Тўхта-  
син Жалолов айтганидек, — «...кичик бир  
шеърий ҳикояси бўлмаганда Маҳзунанинг  
ҳаётий ва ижодий фаолияти хусусида ҳеч  
нарса билмаган бўлар эдик» (Ўзбек шои-  
ралари, 1970 йил, 121-бет). Шу маънода, бу  
тазкира ҳам, танқидий фойдаланиладиган  
манбалардан бири сифатида, объектив  
аҳамият касб этади).

Маҳзунанинг зуллисонанн шоира сифа-  
тида етилувига илк мактаб — оиланинг  
роли катта эди, албатта. У отасидан форс-  
тожик каломини, онасидан ўзбек тили  
фасоҳат ва балоғатини ўрганиб олади.  
Ниҳоят тазкира пировардида Фазлий ва  
Маҳзунанинг тожикча ёзишмалари кириш  
маснавийлар билан келтириладики, бу ҳам  
шоиранинг ҳаёти ва ижодига доир маълу-  
мотлар беради.

Фазлийнинг қайд этишига кўра, Маҳзу-  
на бир авом кишига турмушга узатилган.

## ШОИРА МАҲЗУНА

Бас, шундай экан, «Ўзбек поэзиясининг антологияси» (1948) да айтилган Маҳзуна-нинг «Қўқон хони саройида яшагани ва хоннинг хотинларидан бири бўлгани «тўғ-рисидаги тахминий гап асоссиздир. Дарвоқе, «Қўқон тарихи ва адабиёти» номли тадқиқот муаллифи Пўлатжон Қаюмов таъкидлаб ўтганидек, Маҳзуна «хон саройида бўлмаган ва у сарой мухитидан узоқ турган» (Азиз Қаюмов, «Қўқон адабий мухити», 237-бет).

Агар шундай бўлса Маҳзуна қандай қилиб асосан Қўқон сарой мухитини қамраб олган «Мажмуаи шоирон»дан муносиб ўрин эгаллаган?

Тазкира муаллифи Фазлий Маҳзуна билан мукотиба — ёзишма ва мушоира қилиб шоирнинг камоли ва жамолига мафтун бўлиб, дил амри билан ҳаракат қилган. Бундай самимий севги оташи шоира қизининг илтифоти:

Деди менга: бир шеър айт, ҳар на  
бор!  
(Маро диду гуфтоки, — шеър бихон!)

туфайли тобора алангаланган эди.

Шундай қилиб, Фазлий тазкирасида Маҳзунанинг беш жойда тилга олиниб, тарифу тавсиф этилиши шоирага нисбатан самимий муҳаббат билан изоҳланади. Тўхтасин Жалолов эса, — «Мулла Бошмон қоровул бўлганида Умархон саройи... шоира Фазлий бу хонадон ҳақида шу қадар эҳтиром билан сўзламас эди, — деб уни «юқориқоқ» доиралардан гумон қилди. (Ўзбек шоирлари, 1970 йил, 125—126-бетлар).

«Мушоира» Маҳзуна поэтик ижодининг гултожидир. Унинг:

Юз офарин сўзингга Лубби Лубоб  
кўрмай,  
Арзи жамол этарму, ойна об кўрмай,

деб бошланган дастлабки байтидаёқ Фазлий XIII асрда ўтган Муҳаммад Авфийнинг «Танланган бадиялар» маъносидаги «Лубоб-ул-албоб» тазкирасини тилга олиши бежиз эмас. Шоир ва олим Мақсуд Шайхзода бир мақоласида Муҳаммад Авфий Бухорий (1171—1233) тазкираси — «Лубоб-ул-албоб» устида баҳс юритиб таъкидлаганидек, «Ўзбек адабиётининг устозлари бу асарни (гарчи у, Навоидан бир аср кейин маълум бўлиб қолган бўлса-да), маҳорат ва маърифатнинг бир далилидек баҳолай бошлаганлар». («Шарқ юлдузи», 1966 йил, 12-сон, 213-бет).

Шу боисдан ҳам Фазлий мазкур тазкира сингари бирор «китоб кўрмай» етилган Маҳзунанинг етук шоирларга хос, талант билан айтган сўзи — шеърларига мафтун бўлар экан, ойна (кўзгуга сайқал берилмаса («об кўрмай»), у кишининг жамолини акс эттирармиди, — деб ҳайрон қолади. Бу байтда таносиб санъати қўл келган.

## Маҳзуна:

Кимдан чиқар бу сўзлар бағрин кабоб  
кўрмай,  
Ганж ўлмағай муяссар ҳолин хароб  
кўрмай,—

деб ҳозиржавоблик билан айтган байтида лаф ва нашр санъатини қўллаб, сўзни ганжга, бағри кабобни ҳоли харобга қиёс қилади. Бунда лутф ҳам бор; сўз форсий-дағи — сўзиш, яъни куйиш, ёниш маъносида ҳам ишлатилган. Натижада бундай оташин сўзлар бағри кабоб бўлмаган одамдан чиқмайди, — дейиш билан сўз эгасининг (яъни Фазлийнинг) ишқ ўтида ёнганига ишора қилади. Олтин (ганж) ҳаробада бўлади, — деганларидек ёниқ, оташин сўз (ганж) ҳам ҳоли хароб, яъни изтироб чеккан дилдан чиқади. Шу тарзда, биринчи мисрадаги сўз, иккинчи сатрдаги ганжга, бағри кабоб, ҳоли харобга нисбат берилган.

Мушоирада Маҳзуна байтлари ижтимоий мазмундорлиги билан ажралиб туради. Маҳзуна ўзининг устоз кўрмай камолга етганини, «ичкари» зулматида ўт каби офтоб кўрмай кўкарганини қуйидаги сатрларда теран ифода қилади:

Иўқ айби сўзларимни гар  
бўлмаса муаддаб,  
Андоқки ўт кўкармас ҳеч офтоб  
кўрмай.

Шоира давом этиб, бунинг ижтимоий сабablари борлигини танқидий руҳ билан суғорилган сатрларида ёрқин ифодалаб дейди:

Бир важҳи буки таъбим хом асрамиш  
замона,  
Чархи сипехрдин ул ҳеч печу — тоб  
кўрмай.

Кўрамизки, хамирга ишлов беришдек — ҳаётий детални қиёс учун танлаб, замона-сига танқидий муносабат билдиради: сўзларининг офтоб кўрмай ўсган ўтдай етилмай қолишининг важи шуки, таъби зуволасига замонаси (фалакнинг айланиши билан) ишлов бермаган, уни хом асраган. Шоиранинг шундай камтарин сатрларидан қатъи назар, Фазлий:

Мундоғки нуктадонсан, ким эрди  
устодинг?  
Ой касби нур қилмас, то офтоб  
кўрмай,—

деб савол берар экан, Маҳзунанинг нуктадон — нозик фикр ва ҳислар куйчиси сифатидаги камолига қойил қолиб, уни ойга, устозини офтобга тенглаштиради. Ой офтоб кўрмаганда нурни қаердан касб этади, — деб таносиб санъатини ишга солади.

Маҳзуна, — билмаганини сўраб ўрганган олим, — дегандай, жавоб қилади:

Кўп наҳрлар йиғилса, дарён пурдур  
ўлғай,  
Илм аҳлидин бу мискин бир шайху  
шоб кўрмай.

Дарвоқе, жилғалардан жавоҳирлар тўлиб-тошган улкан дарё бунёдга келади. Лекин, бу бояқиш (мискин) илм аҳлидан на бирор кекса олим — (шайх) ва на бирор ёш билимдон (шоб, шабоб) дан сабоқ олган эди.

Бу жиҳатдан қараганда, Маҳзуна тўғма талант соҳибаси, забардаст ҳозиржавоб шоирадир. Мушоира мавзуини давом эттиришдан ожиз қолган Фазлий гапни бошқа ёққа буриб:

Бир нукта айла зоҳир, Фазлийни  
қўйма Маҳзун,  
То кетмайин Намангон сандин  
жавоб кўрмай,—

деб айтади ва мушоирада енгилганини тан олади.

Феодал ўтмишда «ичкари» зиндонига маҳкум этилган хотин-қизларнинг оғир қисмати Маҳзунанинг мана бу аламли мисраларида ҳам ўз ифодасини топган:

Байтулҳазан ичинда узлат тутуб бу  
Маҳзун,  
Фазлий илоҳийдур бу йўқса китоб  
кўрмай.

Бундаги «китоб кўрмай» ижодкор бўлган шоиранинг ўз давридаги хотин-қизлар сингари «ичкари» ғамхона (байтулҳазан)да ёлғизлик бурчагига тушиб (узлат тутиб) аламли ҳаёт кечиргани (маҳзуналиги), китоб кўриш, ўқиш, илм олиш имкониятига эга бўлмагани ҳолда, тўғма таланти (фазлий илоҳий) туфайли нуктадон бўлиб етилгани таъкидлангани, шоиранинг бу сатри Ҳофизнинг машҳур бир байтидаги мисраларни эслатади:

Сенгаким, назмида сусткаш, ҳасад не  
Ҳофиздан?!  
Кишига фазлий илоҳий эмиш  
сухандонлик!

Равшанки, ўтмиш шоирларининг истеъдоднинг илоҳийлиги ҳақидаги бундай қарашлари диний тушунчалар таъсири туфайли содир бўлган эди.

Зеро, Ф. Энгельс ёзганидек, «XVIII асрнинг буюк мутафаккирлари ҳам, уларнинг жамики ўтмишдошлари сингари, ўз даври қобидан чиқиб қетолмаганлар». («К. Маркс, Ф. Энгельс. Асарлар. 20-том, 17-бет).

Лекин бундай тарихий маҳдудликлардан қатъи назар, Маҳзунанинг шеър устаси экани, ижтимоий мазмун сингдирилган баркамол мисралардаги поэтик маҳорати мазкур айтишувда яққол намоён бўлади.

Маҳзуна ғазал ва мухаммаслар ҳам ёзиб, уларда инсоний севги, ҳаётий муҳаббатни тараннум этган. Унинг «Ошиқ бўлмишам» радифли мухаммаса бу жиҳатдан диққатга сазовордир.

Ундаги охириги бандга разм солайлик:

Эй мани Маҳзун мусофирга маломат  
бесабаб,  
Тутмасам фармонини мардуд этиб  
айлар ғазаб,  
Жуз ризои дўст ишқ аҳлига не  
бўлғай талаб,

Чиққали исломдин зуннор боғлаб йўн  
ажаб,  
Менки бир дин офати тарсоя ошиқ  
бўлмишам.

Ўз ФА академиги Воҳид Зоҳидов бу мухаммасни таҳлил қилар экан, шу банд хусусида шундай ёзади:

«Бу ерда зулмат замонасида ҳуқуқсиз аёлларнинг золим ва жоҳил эрлардан аччиқ шикоятлари бор. Шу билан бирга бу сатрларда даврнинг ҳоким идеологиясига жиддий тил тегизиш мавжуд.

Тарсоя ошиқ бўлиб исломдин  
чиқишни жиноят деб билмайди.  
Муҳаббат ҳар нарсадан юқори  
дегандек бўлиб кўринади.  
Ошиқ ~~ва~~ маъшугни шунчалик  
кўнка кўтаради».

(Воҳид Зоҳидов. Ҷаъб адабиёти тарихидан, 1961 йил, 175-бет).

Дарҳақиқат, Маҳзуна мухаммасидаги мазкур сатрлар шоира поэзиясининг антиклерикал характерда бўлганидан дарак беради.

Маҳзунанинг форс-тожик тилидаги санъаткорлик маҳорати «Саҳбо» (қизил май) радифли ғазалида яққол кўринади. Тасодифий эмаски, Фазлий Маҳзунанинг шу ғазалини келтиришдан олдин у форсий «сухан бобида беназир» деб ҳаққоний ва юксак баҳо беради.

Ўзал қиз хаёли у, Маҳзунадир,  
Унинг дилрабо шеъри дурдонадир.  
Агарчи хотиндек қилур қилу қол.  
Бироқ, маънида этди эрларни лол.  
Ўшалким, сухан бобида беназир,  
Хотинмас, эрур балки бир наррашер.  
Унинг сўзларидан эрур бу ғазал,  
Ки халқ ичра бўлмишди зарбулмасал.

(Васфий таржимаси)

Тазкирада мазкур маснавийлардан кейин шу тазкиранинг 178-бетиде келтирилган етти байтдан иборат ғазалини Васфий ўзбек тилига мукаммал таржима қилган.

Эмасман бу фалак зулми билан  
бегона саҳбодан,  
Қуёш янглиғ эрур кафтимдаги  
паймона саҳбодан,  
Сахийлар ҳожат аҳлин хос авомин  
фарқ этмаслар,  
Эрур шоҳу гадо майхонада ҳамхона  
саҳбодан.  
Бу майхона аро сўлғун ва саргайган  
киши бўлмас,  
Нечунки бунда қайнар ҳиммати  
мардона саҳбодан.  
На билсин боданинг кайфиятини  
шайху зоҳидлар,  
Фақат етгай анга гўёки бир афсона  
саҳбодан,  
Чароғи давлати, боди қуюндан  
мутлақо ўчмас;  
Кишининг жомиде бўлса агар  
дурдона саҳбодан;  
Қора қошини меҳроб этгусидир  
масту бепаро,



Кимеки излабон топса агар бутхона  
саҳбодан.

Маоний олами ҳуснига шайдодир  
булак бир қавм,

Сен эй Маҳзуна бўлма пашшаю  
парвона саҳбодан.

«Бу ғазалда шоиранинг фалсафий қарашлари акс эттирилган. У диний таассубга қарши чиқади: ишқ майхонасида шоҳу гадонинг баравар эканини айтади. Зоҳиднинг муҳаббат ва майхона кайфиятидан бегона эканини кўрсатади» — деб ёзади адабиётшунос Азиз Қаношов.

Шоира ғазалининг охири байтида сўз

ва маънони севувчи муҳаббат аҳлининг алоҳида қавм эканини уқтириб, ўз қадру қиммати ва фазилатини юқори тутишга даъват этади.

Хуллас, ижтимоий мазмундор лирикаси ва хусусан етук мушоираси билан Маҳзуна адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин олади.

Маҳзуна шеърлари ҳам фақат совет даврида китобхон халқимизга етказилди. Шоира замондошларидан Нодири ғазаллари, Увайсий ғазал ва дostonлари билан маълум ва машҳур бўлган бўлса, Маҳзуна мушоира устаси сифатида айниқса манзурдир.





## ТАҚРИЗЛАР

# СЕРҚИРРА ИЖОД САРҶИСОБИ

**УЙҒУН. Асарлар, олти томлик, 1—6 томлар, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974—1978 йиллар.**

Мана иш столим устида Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғуннинг саҳий ва серқирра қалами маҳсуллари олти жилдлик асарлари турибди. Китобларни дафъатан варақлашдаёқ, кўз ўнгимизда улкан сўз сеҳргари — забардаст шоир, заҳматкаш драматург, турли тиллардаги ноёб санъат обидаларини она тилимизда муносиб янгротган моҳир таржимон, проза уммониға ҳам дадил шўнғиб, ижод марваридлари тера олган адиб, классик ва ҳозирги замон адабиётимиз масалалари билан жиддий шуғулланган нуқтадон адабиётшунос қиёфаси қад кўтаради.

Жилдларнинг тенг ярми — дастлабки уч китоби, шеърый асарлардан ташкил топган. Биринчи жилднинг илк саҳифаларида ноқ шоир поэзиясига мансуб турмуш ҳодисаларига фаол муносабатда бўлиш, ўлкада 20-йилларда ҳўкм сурган зиддиятлардан, барпо этилаётган янгича ҳаёт асосларидан завқ-шавқ олиш, илҳомланиш, уларни жўшиб куйлаш, гўзалликка шайдоийлик, шеърни поэзиянинг қони ва жони бўлган лиризм кўри билан маромига етказишга интилиш каби хусусиятлар барқ уриб туради. Умуман, лирик туйғуни ижтимоий салмоқ билан омухта қилиб ифодалаш социалистик реализм поэзиясининг намояндаси Уйғун ижодининг илк қадамлариданоқ кўзга ташланган муҳим эстетик принциплардан бири эканлиги маълум. Ана шундай хусусиятларни биринчи жилднинг бошларидан ўрин олган ва ўз вақтида ёш шоирнинг илк овози бўлиб эшитилган «Кўнглим», «Келдик», «Яшасин қишлоқ» (учаласи — 1925 йил) ҳамда унинг «Баҳор севинчлари» (1929) номли бирийчи тўпламидан танлаб олинган қатор шеърларидаги лирик қаҳрамон «бахт кўрдим борлиқнинг нурли бағрида» дея ҳайқирувчи, «кучли меҳнат қизининг танларини «куч»увчи, янгича ҳаёт завқидан тўлқинланиб, «озод меҳнат қўшиғини» куйловчи, дилларига «севинчлар» сел бўлиб» оққан, «янги ҳаёт

сари йўллар солганмиз» дея олға интилувчи, курашчан, бунёдкор инсон шахсиятида кўринади.

Уйғун ўзининг илмий ишларидан бирини жўшқин санъаткор Ҳамид Олимжонга бағишлаб, унга «Шодлик ва бахт куйчиси» (1944) деб сарлавҳа кўйганди. Шоир ижодининг кўзни олгудек ярқироқ қирраларини ўзида акс эттириб турувчи бу шоирона эпитетлар бора-бора дарслик ва қўлланмаларга сингиб кетди, ҳикматли сўзлар мисол қанотли ибораларга айланди. Шу йўлдан бориб Уйғун поэзиясига хос энг характерли сифатлар алоҳида таъкидланиши зарур бўлса, биз шоирни «Баҳор ва бахт куйчиси» деб атаб, унинг ўз сўзларини сал ўзгартириш билан эгасига қайтарган бўлардик. Шоир ижодидаги баҳор хусусида ёзилган ўнлаб шеърларда ёки шу тушунча билан алоқадор образларда эса рамзийлик ҳўкмрон бўлиб, ёшлик, гўзаллик ва нафосат тажассуми бўлган баҳор фаслини кишиликка, меҳнат аҳлиға бахт-саодат эшигини ланг очиб берган Улуғ Октябрь инқилобининг оламшумул аҳамияти, ҳаётбахшлиги рамз қилинади. Бунинг учун шоир ижодидан ғоявий-бадий қизил ип бўлиб ўтувчи, бирон-бир йўсинда Октябрь, Баҳор тушунча ва образларига бориб урилувчи шеърларини эслаш кифоя: «Баҳор тонгида», «Баҳорда», «Баҳор ҳақида», «Кўклам», «Бинафша», «Бинафша очилди», «Баҳор китоби», «Баҳоримиз келур», «Ғалаба баҳори», «Баҳор тунисида», «Келди баҳор», «Октябрь баҳори», «Шабнамми, дурми?», «Лола териб қайтдим»...

Яхшиси, шоир «Баҳор»га қандай ғоявий-эстетик юк ортишини билиш учун унинг ўзига сўз берайликчи, нималар деркин. «Бизнинг баҳоримиз» (1949) шеърисида у, чунончи, бундай деб ёзади:

Баҳор ёшлик, гўзаллик, мардик,  
Ҳаёт шодлик, лағофат, чечак...  
Визга баҳор қиёфасида  
Кўринади шонли келажак.

Булар устиға шоир учун Баҳор — Октябрь тимсоли, бахт даракчиси. «Баҳор табассуми» шеърисида таъкидлаганидек, Навба-

## ТАҚРИЗЛАР

хорнинг жилвасида Ильичнинг табассуми кўрингандай бўлади». Шу вайдан шоир сезимли ва ёшликда кўнгил бергани бу обривдан умри бўйи ажралмай, унга ҳар қайси давримиз руҳига мос ғоявий юк ортади, ҳаёт гўзаллигини ифодалашда унинг янги-янги қирраларини бадийи кашф қилади.

Улкан ижод чашмасига молик шоир шеърятининг ғоявий-тематик қирраларини бир бошдан санаб ўтишликнинг иложи йўқ. Улар совет кишилари босиб ўтган ҳар бир даврнинг руҳига, мазмунига мувофиқ бадийи солномалар бўлишга интилиши билан ажралиб туради. Шу билан бирга давр ҳодисалари ҳар қайси санъаткорнинг ўз овозига, лирик созига мувофиқ оҳангда янграши билан фарқланади. Айниқса, шоирнинг Улуғ Ватан уруши йилларида яратилган поэтик асарларида шундай руҳ барқ уриб туради. Уйғун урушнинг биринчи кунлариданоқ барча адибларимиз сафида туриб, сафарбарлик руҳи тўла, ватанпарварлик пафоси уфуриб турган ажойиб асарлар ижод қилди. Унинг бу даврдаги шеърлари душманга қарши оловли ғазаб ва нафрат ўқи бўлиб отилди. Улар айтиб бир вақтда эл-юрт ҳимоячиларига нисбатан чўнг меҳр туйғулар билан лиммо-лим тўлди. Ҳатто шоирнинг гўзаллик туйғуси билан боғлиқ бўлган семимли образларидан бири «Баҳор» ҳам давр ҳодисалари руҳига монанд равишда жанговарлик касб этди. Чунки ёв инсоният баҳори — Октябрь яшнатган чаманзорларимизни ҳазон ва пайҳон қилмоқчи эди. Шунинг учун шоир душманнинг совуқ туркини, хунук башарасини, ёвузлигини «Шум қадам», «Лолалар», «Қизалоқнинг ўлими», «Партизанлар», «Ғазаб ва муҳаббат», «Фашистнинг ўлими», «Мен сени танийман» каби шеърый асарларида фош қилади, уларга қарши мардона кураш нафасини поэтиклаштирилади. Шоир «Қахрамон», «Хайрлашув», «Жангчи дўстимга», «Учрашув», «Анор», «Қахрамон жангчига», «Фрондан хат» типигади шеърларида мардонавор жанг қилаётган совет аскарларининг лирик образларини чизади.

Уруш йилларидаги шеърларида шоир ғоявий ниятнинг талабига кўра классик адабиётимиз ва фолькор усулларидан, образларидан кенг фойдаланишга интилади. Натижада, унинг шеърларидан ой, кўёш, баҳор, лола, гул каби образлар қаторида бойқуш, соғ, ҳазон ва бошқа салбий маъно жилваларини очишга қаратилган образ — ифодалар ўрин олди. Улар конкрет поэтик мақсадларга хизмат қилиб, шеърларнинг халқчил ва таъсирчан янграшига хизмат эттириди. Бундай ижодий тамойилни унинг «Сурат» номли машҳур шеъри мисолида бир йўла тасаввур этиш мумкин. Уйғун илк сатрданоқ кўпчилик шеърларига хос усулда, драматик моҳиятли ҳолат воситасида лирик қахрамон — жангчининг севгилиси қиёфасини, унда лирик, майин ва назокатли кайфият мардонавор туйғу билан чамбарчаслигини моҳирона чизади. У шеърда энг қадимий усуллардан бири бўлган севишганларнинг

ёзишмалари усулини қўллайди ва ғоят қисқа ҳажмда улкан ғояни лўнда, таъсирли ифодалайди. «Суратингни юбор, соғиндим» деган жангчига унинг севгилиси йўллаган меҳр тўла, аммо кескин ва қатъий жавоб тароватини фақат шоир қаламидан чиққан сатрларни келтириш билангина кўнгилдагидек етказиш мумкин. Мана, қалбларни ёқимли кўйдек эритувчи шу дилбар шеърнинг айрим сатрлари:

...Еноғимни кўрмоқ истасанг,  
Саҳрога чиқ, долазорда юр.  
Лабларимни кўрмоқ истасанг  
Саҳар туриб гўнчага юз бур.

Тишларимни кўрмоқ истасанг,  
Ҳавасингни марваридга айт,  
Гар узимни кўрмоқ истасанг,  
Евни енгиб, зафар билан қайт.

Давр руҳига, халқ кўнглига яқин бундай ўйноқи, жўшқин, оҳанграбодек ўзига тортувчи шеърлар Уйғун ижодида кўллаб учрайди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, шоирнинг 60—70 йилларда яратилган шеърларининг айримлари фикрни конкрет поэтик деталлар воситасида ифодалашдан кўра панд-насиҳат, риторик ва баландпарвоз мадҳияномаларга айланиб қолган. Бундай шеърлар 30—40-йилларда поэзиямиз осмонида ўзига хос бир чўлпон юлдузи бўлиб чарақлаган, табиат, баҳор ошиғи, унинг камалак рангларини нозик ҳис этиб, уларга жило бериб шўхчан куйлаган, хас-сос лирик шоир сийрасига бир оз монелик қилгандек таассурот қолдиради. Шунга қарамай, шоир ижодини яхлит олиб қараганда, бу хил камчиликлар у ҳақдаги асосий тасаввуримизни хиралаштира олмайди.

Мана шу фикр 2—3 томлардан ўрин олган «Поэма ва балладалар»ни ўқиган чоғда янада қатъийлашади. Зотан Уйғун шеърятимизда шу жанрларнинг барқарор бўлиши учун Ғафур Ғулوم, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир каби зарбардаст санъаткорларимиз билан бир сафда туриб ижод қилди. Бунинг учун биргина «Жонтемир» (1931) поэмасини эслаш kifоя.

Поэмада «Утмишнинг жафоли кўйнида» умри кечган халқимизнинг ҳаёти собиқ чўлпон Жонтемир қисматида индивидуаллаштирилади. Асар ўзини курашларга чоғлаган замонамизда бахтини топган минглаб «бири батрак, бири чоракор» жафокашлар шаънига айтилган ҳаётбахш кўшиқдек жаранглайди.

Гарчи, асарда воқеа тизгинини жилволаш ва уни ривожлантириш, яъни эпиклик салобати бир қадар лирик кайфият ва ҳолатлар тасвирига ўрин бериб қўйса-да, асосан, ҳаёт ҳақиқати жўшқин руҳда, нафис, реалистик деталларга бой тарзда, жозибали ва жилавагар лиризм билан йўғириб ифодаланган. Умуман, ғоявий-бадийи фазилатларга кўра «Жонтемир» шоирнинг бу жанрда ижод қилган асарлари

бошида жиғадек ярақлаб, ўзига мафтун этиб турибди.

Опти жилдликда шоир поэзиясининг тартиб этилиш принципига доир баъзи мулоҳазаларни айтишни лозим топдик. Аввало, асарларни муаллифнинг ўзи тузиб, уларга тартиб берганлигини айтмоқ керак. Бунда тарихий-хронологик принцип билан бир вақтда асарларнинг жанрий ўхшашлиги, баъзан эса мавзу бир хиллиги мезон қилиб олинган. Тўғри, бу усулда баъзан изчиллик ва аниқликнинг етишмаслик ҳоллари кўзга чалинади. Чунончи, балладалар билан поэмалар бир сарлавҳа остида, аралаш берилиши кўнгилга унчалик хуш тушмайди. Конкрет жанрга тегишлилик аниқ кўрсатилса, адабиёт ҳақидаги илм учун ҳам, ижодкор ёшлар учун аллома адабимиз кўп ибратли иш қилган бўлур эди.

Ҳақ асарларни тузиш ва китобхонга тақдим этиш билан алоқадор масалаларга келиб тақалган экан, юқорида айтилган ноизчиллик ҳоллари устига санъаткор ижоднинг бошқа қирраларини алоҳида кўрсатиш имкониятидан фойдаланмасликка ҳам йўл қўйилган. Чунончи, Уйғун бутун ижоди давомида, айниқса, кейинги ўн йилликларда ҳажвий шеърлар яратишда самарали ишлаётир. Бироқ унинг бундай поэтик асарлари яратилган йилларга қараб, жилдларга сочиб юборилган. Натижада, санъаткор ижоднинг бу қирраси алоҳида бўртиб кўринмай қолган. Худди шу зайддаги гапни авторнинг қўшиқчилик соҳасидаги хизматлари борасида ҳам айтиш мумкин. Вахоланки, Уйғун қўшиқчи-шоир сифатида эл оғзига тушган қалам соҳибларидан бири. Шу сабабдан атоқли сўз устасининг адабий-ижодий жанрлар бўйича конкрет кузатишлари, хулосалари ҳамда сарҳисоби ўрнида қабул қилинувчи бу муаммоларга муносабати сезилиб турганида, уларни ҳукм суриб турган баҳс ва мунозаралардаги қарашларга таққослаш ва айрим мулоҳазалар билдириш учун йўл очилар эди.

Театр санъати ривожини чинакам драматургиясиз тасаввур қилиш қийинлигини ҳис этилса, Уйғуннинг бу соҳадаги баракали ижоди қанчалик муҳим ва ардоқли эканлиги ойдинлашади. Зеро у улўғ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий тамал тошини қўйган драматургиямиз зиммасидаги давр юкини елкама-елка, шараф билан кўтаришиб келаётган атоқли драматургларимиздан бирдир. Аввало, уни драматург сифатида адиб ижоднинг бошқа соҳаларидагина эмас, соф лирик шеърларида ҳам драматик ҳолат ва оҳанглар, мураккаб инсоний қисматларнинг кўринишлари — саҳнабоп ҳаётий кескин лавҳалар бўртиб туради: унинг «Бригадир Карим», «Назир отанинг ғазаб», «Партизанлар», «Хайрлашув», «Шум қадам», «Фашистнинг ўлиги» сингари лирик ва лиро-эпик асарларини ўқиб бунга қаноат ҳосил қилиш мумкин. У ана шундай бой тажрибалари, ижодкорлик бурчини чуқур идрок этиши, ҳаётни синчковлик билан кузатиши, тадқиқотга оид

ишлари, кўплаб таржималари асосида драматик асарлар яратиш учун пухта замин ҳозирлади.

Агар драматургия соҳасидаги илк тажрибани Уйғун 1938 йили яратган «Гуландом» номли балет либереттосини ёзишдан бошлаган бўлса, 40-йилларга келиб драматург сифатида машур бўлиб кетди. Бунинг учун 1941 йилда И. Султонов билан ҳамкорликда ёзилиб, улўғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ёрқин образи моҳирона яратилган «Алишер Навоий» шеърий драмасини эслатиш етарли. Бу асар ғоявий-бадиий баркамоллиги, мақсадининг кескин, шиддатли кечувчи драматик ҳаракатда очилганлиги, характерларининг йирик ва ёрқинлиги сабабли драматургиямиз ривожига ўзига хос ўринга эга асарларидан бирига айланди. Орадан ўтган салкам қирқ йиллик мuddат давомида Уйғун халқимизнинг курашларга тўла тарихини ифодалаган йигирмага яқин драматик асарлар яратди. Уйғун ижодининг ана шу жиҳатлари билан атоқли украин драматурги А. Корнейчукка ўхшаб кетади. Бу тенгқур санъаткор ижоднинг тематик-ғоявий йўналишида, партиявий руҳида, ўз халқлари орзу-уйларини кенг ёритишга интилишларида ҳамнафаслик сезилади.

Адибнинг шеърий пьесалари, уларнинг ёзилиш йилларидан қатъий назар, алоҳида тартиб берилиб (3-том) яхши қилинган. Бундай жойлаштириш кейинги вақтда ижод тажрибасида, танқидчиликда ҳам, ҳукм сураётган бир номақбул кўринишдан огоҳлантириши билан муҳим. Сир эмаски, шеърий пьесаларда саҳнавийлик талаблари ўзининг тўла ҳукмини ўтказди ва шу хусусиятлар бундай асарни мазкур жанр نامунаси деб қарашга асос беради. Буни Уйғуннинг ҳар хил савияда ёзилган «Алишер Навоий» (И. Султонов билан ҳамкорликда), «Асрлар», «Олтин кўл», «Лақма», «Абу Райҳон Беруний» сингари шеърий драмалари ҳам исботлайди. Лекин баъзи ҳолларда турмуш ҳодисаларини лирик туйғулар орқали ифодалаган драматик поэма (дoston)ларни шеърий пьеса критерийсидан келиб чиқиб баҳолаш, аксинча чинакам шеърий пьесаларни драматик дoston мезони билан ўлчашдек нотўғри ҳоллар эпкини ҳозирда ҳам йўқ эмас. Бундай тенденциялар жанрлар ўртасидаги тафовутни хиралаштиришдан ташқари, ижодий-эстетик тушунарларни чалкаштиради, жанрларнинг тўғри ривожланишига демаски, амалиётга салбий таъсир ўтказди. Уйғуннинг шеърий пьесалари ана шундай масалаларни ойдинлаштириш йўлида хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. «Абу Райҳон Беруний» асарида драматург буюк ўзбек бобокалон олими Беруний образини у яшаган мураккаб даврнинг драма ва фожаларга бой ҳаётига мувофиқ кўринишларда гавдалантириб берди. Асарнинг жанрий белгисига танқидчилик икки хил ёндошди: айримлар уни, муаллиф кўрсатганича, драма деб аташди. Баъзилар эса шу фикрга зид ўларок, тра-

гедия намунаси дейишди. Драматург уни олти томликка яна драма тарзида киритибди. Биз бу пьеса трагедиядир, деган фикримизни яна бир бор ҳавола этмоқчимиз. Зеро ҳозирда марказий матбуот саҳифаларида трагедия жанри муаммоларига доир фикрлар эълон қилиниб турибди. Уларда санъатимизни трагедиянинг кенг тараққиэтисиз баркамолликка кўтариш қийинлиги тўғрисида гап боради. Бу жанрсиз китобхонга зўр таъсир этиш қуролидан маҳрум бўлиб қолиш ташвиши тўғрисида ҳаққоний қайғурилмоқда. Бундай фикрлар ўзбек адабиёти учун ҳам таллуқлидир. Адабиётимизнинг таъсир этиш арсеналини трагедиядек тенгсиз бадий қурол сеҳридан маҳрум этмаслик учун унинг сирларини мавжуд асарлар мисолида ёритиш ва бу соҳадаги бор ижодий бисотни кўздан кечириб, ардоқлаш керак. Чунки чинакам трагедиялар бизда айниқса саноклидир. Хўш, «Абу Райҳон Беруний» нимаси билан трагедия намунаси бўлаолмади. Мана қараган: Берунийнинг илму нуҷум — астрономия билан шуғулланиб, самовий жисмлар сайрини кузатганлиги, ер думалоқ, деган фикрга қўшилганлиги дин аҳлини оёққа турғизади. Илм-фан билан дин ўртасидаги беомон, келиштириб бўлмас зиддият зарбаси биринчи галда Беруний шахсига келиб тушса-да, унда айни чоғда кўпчилик — жамиятдаги илм толиблари ва Беруний тарафдорлари манфаати-га қаратилган улш ҳам бор. Асарда шу линиянинг ўзигина бўлганида трагедия юзага келмасди. Аммо автор булар устига яна бошқа зиддиятни олиб киради: Берунийни ўзига оғдириш, ўлкани қарам этиш ниятида Ғазна ҳукмрони Маҳмуд ўз сингилсини Хоразмшоҳ Маъмунга хотинликка беради. Энди Беруний икки ўт орасида қолади: мутаассиб динпарастлар хуружи ва она юрт Хоразмдан Ғазнага кетиш — эл-юрдан, севгилисидан жудолик изтироблари. Ана шу мураккабликлар бир шахс қисматида бириктиб, бош қаҳрамонни, унинг яқинлари ва маслакдошларини трагик коллизия ўтига соладики, ундан қутилишнинг чораси йўқ! Шу ҳал қилувчи эстетик хусусият, бош қаҳрамон тирик қолса-да, асарни трагедияга мансуб этади. Асардаги коллизиянинг бир текисда, кучли, қалбларни ларзага солувчи азоб-уқубатли дамларда изчил ривожлантира олмаслик эса характерларнинг йирик ва ёрқин даражага етмай қолишига сабабчидир. Булар, албатта, маҳорат планидаги айрим нуқсонлар сифатида баҳоланиши даркор. Шу ўринда, ақалли, образлараро муносабатлар талқинида, сюжет чиқиқларида ва айрим сахнавий усулларда «Алишер Навоий»да кўринган бадий-драматик топилмалар «Абу Райҳон Беруний»да такрорлашини айтиш зарур. Илгариги ижодий топилмалар такрори қутилган таъсирчанлигини келтириб чиқаришдан узоқроқ. Шунингдек, диалог ва монологлар ҳам шoirга бағишланган асарчалик таъсир бахш қудрат касб этмай қолган. Умуман, бош қаҳрамоннинг реал

листик кучи, драматургнинг трагик коллизия яратишдаги изланишлари диққатга лойиқдир.

«Абу Райҳон Беруний»нинг аксича, Уйғун «Қопқон» пьесасини трагедия деб тақдим этган. Аслида эса бу пьеса драманинг яхшигина намунаси бўлиб, ундаги қатор жисмоний ўлимлар трагедия жанрига хос коллизия табиатидаги мураккаблик ҳосиласи бўлиб юзага чиқмайди. Тўғри, асарда фожиавий ҳолатлар, трагизм пифосига асос бўлгудек мураккаблик ва чигалликдан туғилувчи азоб-уқубатлар жараёнида ифодаланмайди. Трагедияда жисмоний ўлимлар ва уларнинг сони эмас, аксинча трагик коллизиядан келиб чиқувчи ва персонажлар қалбида кечувчи руҳий қийналишлар занжири ҳал этувчи эстетик хусусият ҳисобланади.

«Қопқон» пьесаси тўғрисида шуни айтиш жоизки, асарда асримиз бошида ўлкада ҳукм сурган зулм, тенгсизлик, ҳуқуқсизлик, пул-давлатни меҳнатқашлар эркини поймол этувчи қопқонга айлантиришга қарши халқ онгининг уйғониши, норозилик кайфиятининг ўса бориши драматик коллизия асосида, жонли характерлар хатти-ҳаракатида таъсири очилган.

Уйғун ижодида замонавий мавзудаги пьесалар катта салмоққа эга. Албатта, тарихий мавзу ҳам даврнинг талаб ва тақозоси билан, тарихий тараққиёт жараёнларини ҳаққоний ёритиш туйғуси билан қаламга олинди, уларга замонавий руҳ сингдирилди. Лекин Уйғунни сахна асарлари яратишга ундаган икки омилни унутиш мумкин эмас. Биринчидан, Ватан уруши йилларининг қаҳрамонликларга тўла ҳодисалари граждн-санъаткорни ҳаяжонга солди, уни халқни душманга қарши беомон жанг қилишга чақиршга даъват этди. Иккинчидан, ўша кезлари Тошкентда яшаган кўпгина таниқли совет ёзувчилари билан яқиндан алоқа боғлаш, дўстлашиш, биргаликда ишлаш, уларнинг йирик ва долзарб масалаларда сахна асарлари яратишга, бурчни чуқурроқ туйишга даъват этишлари эди. Буни Уйғуннинг ўзи кўпгина суҳбатларида қайта-қайта таъкидлайди. Бунинг далили сифатида Уйғун атоқли рус совет драматурги Н. Погодин, Ҳамид Олимжон ва Собир Абдуллалар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон қиличи» (1942) номли пьеса яратганлигини эслатиш мумкин. Бахтга қарши ғоявий-эстетик қийматдан ҳоли бўлмаган ва муҳим мавзудаги бу асарга жилдлардан ўрин берилмаган. Унинг ҳануз нашр этилмаганлиги таассуф туғдиради. Шунингдек, Уйғуннинг эслашича, у ўзининг «Она» (4-том) драмасини атоқли санъаткор А. Толстойнинг қистови, далдаси ҳамда раҳнамолиси билан ёзган.

Драматург замондошларимиз ўй-фикрларини ифодаловчи, коммунистик жамият кураётган доворак совет кишиларининг ранг-баранг, типик характерларини кўрсатувчи кўплаб пьесалар ижод қилди. «Қалтис ҳазил» (1944 — 1955), «Асрлар» (1947), «Олтин кўл» (1948), «Навбахор» (1949), «Сўнги пушаймон» (1955 — 1961), «Хурри-

ят» (1958), «Дўстлар» (1961), «Қотил (1965), «Парвона» (1966), «Парвоз» (1966—1977), «Лақма» (1971). Албатта, бу асарларнинг ғоявий-бадний савияси турлича — паст-баланд, айримлари қайта ишланди. Лекин бу пьесалар учун муштарак хусусият уларнинг замонамиз ҳақида, янги қаҳрамон тўғрисида эҳтирос билан ёзилишида, муаллифнинг турмушдаги иллатларга муросасиз позициясида, эзгулик учун хизмат қилишида яққол кўринади.

Театрлар сахнасида кенг ўрин олган «Парвона» драмаси ҳаётлиги, таъсирбахшлиги билан китобхон ва томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда. Асарда муаллиф турмушга оқилона ва ҳушёр қарашга чақиради, ахлоқ-одоб масалаларига енгилтак муносабатда бўлишнинг хунук оқибатларга олиб келишини ишонarli очади. Сиртқи ялтироқлик пардасига буркалган ички пучлик, маразлик ва фирибгарликнинг миси чиқарилади. Пьесада Назокат пок инсоний туйғуга — муҳаббат масаласига, умуман ҳаётга, атрофдагиларга юзаки ва енгил муносабатда бўлганлиги сабабли ўзини ўтга уриб алданган, оғир аҳволда қолган парвонага қиёс қилинади: Асардаги ҳаромхўрлик, қаллоблик, муттаҳамликни касб қилиб олган Уткурий замонамиздаги Хлестаковлар тимсоли бўлиб ёдда қолади. Ахлоқий-тарбиявий жиҳатдан муҳим бўлган бу асар мисолида Уйғуннинг ҳаётдаги қусурли томонларни ҳажвий усулда, комизм воситаларида кўрсата билиш иқтидори яна бир бор ярақлаб кўринади. Гарчи, у ўз талантининг бу қиррасини «Қалитис ҳазил» (4-том)да намойиш қилган бўлса-да, бундай кўриниш ва сифатлар адибнинг истисносиз барча пьесаларига томир отган ноёб эстетик хусусиятлардир. Бунда драматургининг сахна сирларининг ипидан игнасиғача ўзлаштириб олганлиги ҳам қўл келган.

Драматургиямиздаги бир ижодий хусусиятни Уйғун пьесаларисиз етарли изоҳлаш қийин. Гап шундаки, сахна асари спецификасига кўра пьесаларда мақсад икки хил драматик ҳаракат фонида очилади. Биринчиси тугундан ечимгача муттасил, тўхтовсиз ва шиддатли ҳаракатга асосланган пьесалар «Ҳамлет», «Отелло», «Бой ила хизматчи», «Гулсара», «Нурхон», «Алишер Навоий», «Мирзо Улуғбек», «Хуррият», «Парвоз», «Сўнги нусхалар» қабилар. Булар одатда, яхлит фабула доирасида, жанжалли-ишқал масалалар атрофида юзга чиқади. Иккинчиси, ғоявий мақсад аста-секин ёки соқин кечувчи драматик ҳаракат шаклида ифодаланган пьесалар (А. Чехов

пьесалари ва унинг эстетик принциплари асосида ёзилган асарлар). Бундай драматик ҳаракатни улар негизига қўйилган конфликт (коллизия)нинг ўзига хослиги таъминлайди.

Уйғун драматургиямизни янги-янги шакллар ва турли ифода усуллари билан бойитаётган санъаткордир. Чунончи, у «Хуррият» пьесасида илғор, замондош колхозчи аёлларнинг умумлашма образини Хуррият тимсолида яратган бўлса-да, кейинчалик яна ўша характер қисматиға қайтди. Натижада, яна бир асар — «Парвоз» драмаси сахнага чиқди. Энди олдинги асарда бригадирликдан раисликка кўтарилган Хурриятнинг янги парвози — орадан ўтган йилларда унинг район миқёсидаги раҳбар даражасига кўтарилиши билан боғлиқ ўй-фикрлари, интилиш ва курашлари кескин драматик ҳолатларда ёритилди. Ижодий муддаонинг яхлит сюжет чизиғида ривожланиши, етакчи қаҳрамонларнинг ҳар икки пьесада иштирок қилиши, айни чоғда, улар композициясидаги, муайян мустақиллик ва ўзаро боғланиш иккала асарни, яхлит ҳолда, диалогия деб аташга асос беради. Бу билан Уйғун Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг мазкур соҳадаги шонли аънасини бойитишга муносиб улуш қўшди.

Сўнги олтинчи жилдни варақлайман. Нисбатан мўъжазроқ бу жилдда ёзувчининг ҳикоя ва очеркларидан намуналар, классик ва совет адабиёти масалаларига бағишланган мақолалар, публицистик эҳтиросга йўрилган нутқлар, жаҳон адабиёти классикасидан рус ва кўпгина бошқа қардош халқлар поэзиясидан ўгирилган айрим таржималар жамланган. Шу ўринда Уйғуннинг кинодраматург ҳамда қатор драматик асарларнинг таржимони сифатидаги фаолиятини ҳам кўрсатувчи намуналар берилса жилдлар янада мукамаллик касб этарди. Дарвоқе, бундай вазифани олти жилдликнинг бошланиши ёки охирида берилиши мумкин бўлган ва адиб ижодига бағишланган мақола ҳам қисман эдо этиши мумкин эди. Афсуски, масаланинг бу томониға эътибор берилмаган.

Хуллас, олти жилддан жой олган, саний қалб қўри ва зукколик билан узоқ йиллар мобайнида битилган Уйғун асарлари дилга қувонч солиб, гўзалликни ҳис этиш, ардоқлаш ҳамда ҳаётни севишга ундайди. Шундай туйғулар оғушида, жилдларни авайлаб китоб жовонига, ўз ўрниға мамнуният ва миннатдорлик билан териб қўяман.

Бердиали ИМОМОВ,  
филология фанлари доктори



## «ЛОЛАРАНГ ЭРТАК»

**ОТАЁР.** Лоларанг эртак. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

Отаёрнинг «Лоларанг эртак» номли шеърлар тўпламидан ўрин олган назмларнинг кўпчилигида меҳрибон она бағридан, она қишлоқ кўйнидан чиқиб орзулар оғушида парвоз қилаётган лирик қаҳрамоннинг кечинмалари, ўй-фикрлари тасвирланади. Бу ҳис, бу туйғу ҳар бир кишига қадрдон:

Олдга ундар дўстлар  
мадади,  
Олисларда толейим  
бордай...  
Елворади онамнинг хати:  
«Бир келиб кет, дардингни  
олай»  
Мен-чи, йўлда,  
Олис йўлдаман...  
(«Йўллар»)

Бу мисраларда ярқ этиб кўзга ташланадиган образлар ва ташбеҳлар бўлмасада, мана шу содда сатрларнинг ўзи ўқувчини олис болалик, илк орзулар сари етаклайди. Кўз олдингизда ўғли йўлига муштоқ онанинг жонли суратию ширин хаёллар оғушида, умидларга тўла кетаётган йигитнинг ҳаяжони келади.

Отаёр ўзи билган воқеалар, ҳолатлар, манзараларни куйлайди. Шу боисдан ҳам тўпламдаги кўпгина шеърлар тиниқ ва яхлитдир. У воқеликни ҳеч қандай жимжамдорсиз тасвирлашга ҳаракат қилади:

Сўнгги бор бир титраб  
узилган япроқ,  
Ойнага урилар,  
Тўзғир ўйларим.  
Едимга тушади васлинг, уй,  
қишлоқ  
Ешлигим, қоқинган анҳор  
бўйлари.  
(«Кўз кечасида»)

«Сўнгги бор бир титраб  
узилган япроқ, ойнага ури-

лар...» мисрасида фикрни эргаштирган жонли манзара бор. Тўпламдаги бир қанча шеърларда ёш шоир манзара орқали ўй-фикрларини, орзу-армонларини ифода қилади. Шу жиҳатдан унинг «Қайиқча» шеърига назар ташлайлик. Қирғоқдаги қайиқча сафар қилишни, дунё кезишни қўмсайди. Аммо шиддатли шамолдан, тўлқиндан мадад йўқ. У кимнидир орзиқиб кутади.

Қайиқчи эртарақ келсайди.

Худди шунингдек, «Улуғворлик», «Ҳолат», «Лоларанг эртак» сингари шеърларда ҳам ёш шоир ўз фикрларини, кечинмаларини образлар, манзаралар орқали беради. Тўпламдан ёшлик сурури, муҳаббат изтироблари ифода қилинган шеърлар билан бир қаторда, Ватанга, заминга, табиатга садоқат руҳи акс этиб турган шеърлар ҳам ўрин олган.

«Ватан» номли ғазалида унинг Ватанга бўлган муҳабати ёрқин гражданлик туйғулари билан сўғорилган:

Ироқларда бир зумгина  
хаёлимдан йўқотсам,  
Йўлим чўкиб, товоңларим  
изларидан айрилсин.

Мана шу икки мисранинг ўзидаёқ бир лаҳза, ҳатто ўзга юртларда ҳам ўз Ватанини сира унутмайдиган фидойи фарзанднинг юрак сирларини англаш мумкин.

«Лоларанг эртак»даги шеърларнинг яна бир хусусияти ёш шоирнинг мазмунга мос шакл танлашида кўринади. «Бахши куйлаганда» шеърини у халқ қўшиқлари оҳангига мослайди:

Шу зайлда дostonларга жўр  
бўлиб,  
Бахшиларнинг кўкрагида  
зўр бўлиб,

Давраларда бўйнинг жиқча  
тер бўлиб  
Асрлардан ошиб келдинг  
дўмбирам.

Бу тўртликда унинг кўпчилик эътибор бермаган бир детални илғаб тасвирлаши шеърнинг таъсирчанлигини, эмоционал кучини оширган. Яъни: «Давраларда бўйнинг жиқча тер бўлиб», мисрасида Отаёр янги ифода кашф этиш билан бирга, у орқали ўз фикрини беради. Утмишдаги ноҳақликлардан, зулмдан ёлғиз бахшигина эмас, балки дўмбира ҳам жиқча терга ботади. Бу фикрни «Асрлардан ошиб келдинг дўмбирам» сатри янада кучайтиради. Айтиб ўтганимиздек, Отаёр шеър мазмунига, воқеанинг аҳамиятига, фикрнинг юкига қараб вазн танлайди.

Ёш шоирнинг «Ҳазил бўлса, ҳазил-да» шеъри эса юмористик руҳда ёзилган бўлиб, шеърхонга қувноқ кайфият бахш этади. Шеърнинг энгил кўчиши учун ижодкор етти бўғинли вазнга мурожаат қилади:

«Бари бир севмасанг-а?  
Тошингни тер десанг-а?  
Ҳой-ҳой, мунчалар совуқ,  
Мунча совуқ, бетавфиқ —  
Ўйимга берсин тўзим!  
Сеники бўлай ўзим».

Мана шундай қувноқ руҳдаги, ҳазил-мутойиба шеърлар ёш шоир ижодида кўпроқ бўлишни истардик.

Шу билан бирга китобда қиёмига етмаган шеърлар ҳам учрайди. Хусусан тўпламда мадҳиядан иборат «Қора кўзим», «Булбул» сингари жўн, қуруқ қофиядан ташкил топган шеърлар бор. Ёш шоир албатта ижодий изланишда. Бу изланишлар унга катта самаралар беради деган умиддамиз.

**Нажмиддин КОМИЛОВ,**  
Тилак ЖУРА.

Бош редактор: МИРМУҲСИН.

Редколлегия: УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, Ҳ. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ, И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Т. ТУЛА, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ.

© Шарқ юлдузи, 1980.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 4

(«Звезда Востока»)

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана  
Ташкент—1980.

Рассом А. Қамбаров      Техредактор М. Мирражабов.      Корректор А. Билолов.

Теришга берилди 1.02.80 й. Босишга рухсат этилди 17.03.80 й. Р—02855. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Қабариқ босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 21. Нашриёт ҳисоб листи 19,06. Тиражи 210159. Заказ № 2422.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди» деб кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент, 700029. «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:  
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ № 1.  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР—332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ—320828,  
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ—330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА, САНЪАТ,  
ХАТЛАР БЎЛИМИ—332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА АДАБИЕТШУНОС-  
ЛИК—332479, РАССОМЛИК—330918.